

АХИЁР ҲАКИМОВ

ОҶСОҶ БЎРИ

Ҷиссалар

---



ТОШКЕНТ

---

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва Санъат нашриёти.

1981

С(Бошқ)  
Қ 20

Р е д к о л л е г и я

С. О. АЗИМОВ, Б. БОЙҚОВИЛОВ, И. ҒАФУРОВ, ҲАМИД ҒУЛОМ, З. И. ЕСЕНБОВ, В. Й. ЗОҲИДОВ, ЗУЛФИЯ, М. ҚУШЖОНОВ, МИРМУҲСИН, Н. САФАРОВ, Р. А. САФАРОВ, Р. ФАЙЗИЙ, П. ШЕРМУҲАМЕДОВ, О. ЕҚУБОВ, К. ЯШИН (Редколлегия раҳбари).

*Русчадан*  
**ОДИЛ ЕҚУБОВ** ва **ТОҲИР МАЛИК**  
*таржималари*

Ҳакимов, Ахир.

Оқсоқ бўри: Қиссалар / Редкол.: С. О. Азимов ва [бошқ.]; Русчадан О. Еқубов ва Т. Малик тарж.— Т.; Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.— 344 б.— (Дўстлик кутубхонаси: СССР халқлари прозаси.)

Таниқли бошқирд ёзувчиси Ахир Ҳакимовнинг ушбу китоби-га адибнинг «Пойга», «Оқсоқ Бўри» ва «Шуълалар» деган қиссалари киритилган. Ҳар уччала қиссада Совет халқлари фарзандларининг, шу жумладан бошқирд халқи фарзандларининг Улуу Ватан урушида кўрсатган жонбозликлари, фашист босқинчиларга қарши олиб борган қаҳрамонона кураши акс эттирилган.

Ҳакимов, Ахир. Хромая волчица: Повести.

С(Бошқ)

X  $\frac{70302-66}{M352(04)-81}$  114—81 4702011000

© «Советский писатель», Москва, 1978 г.

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 й.  
(Тарж.)

# АХИЁР ҲАКИМОВ

## ПОЙГА

*Одил Ёқубов ва Тоҳир Малиқ таржимаси*

### 1

Кўзга кўринар-кўринмас ёлғизоёқ йўл тоғ ёнбағри бўйлаб анча ерга чўзилиб боргач, саёзгина дарёдан ўтиб, тикка ўрлаб кетди. Пастда шох-шабба ва майда қайин ўсган яланглик қолди, олдинда қояли чўққилар кўринди. Ягафарнинг юраги ҳамон санчиб оғриётган бўлса ҳам у кўкрагини тўлдириб эркин нафас олди. Ёир-ёир эсаётган шабада таъсирида у бирдан енгил тортди, нигоҳи равшанлашиб, қорғин чеҳрасига қизиллик югурди.

Ягафар мамнун эди. У вақтни бой бермади, гарчи қора терга тушган бўлса ҳам бир нафас ором олмай олдинга талпинди. Ҳали замон кўриниб турган серсоя қайинзор анча йироқда қолди. Бу серсоя жой ўзига тортса ҳам, Ягафар бир зум тўхтаб, майсага чўзилмади. Марранинг яқинлиги уни олдинга чорлади. Энди чўққига чиқиб олса бас, у ёғи йўл нишабга қараб кетди. Шу боисдан ҳам Ягафар чарчоқ ва оғриқни ўйламай, жон жаҳди билан юқорига тирмашарди.

Албатта, у овулга телефон қилса дарҳол машина етиб келарди. Шунда у бу жаҳаннам иссиғида, ўтда қовурилгандек қовурилиб, пиёда имиллаб юрмаган бўларди. Йўлга чиқишдан олдин Ягафар шундай қилмоқчи ҳам бўлди. Шубҳасиз, раис бир сафарга гина-кудуратини эсидан чиқариб, «Волга»сини бўлмаса ҳам газик-пазигини унга юборарди. Лекин хаёлига келган бу фикрни дарҳол миясидан чиқазди. Майли, машинасиям бор бўлсин, турган жойида тураверсин. Бир бало қилиб, йўлга чиқиб олди. Шунингига ҳам шукур, яёв юрибоқ, етиб олади. Бу врач деганларининг ўз ҳукми, ўз қонунлари бор. Палатага қамаб қўйишса, чиқиб бўлмасиз.

### 3

Аввалги куни касалларни кўриш пайтида унинг тенгдоши врач хотин Ягафарнинг каравоти ёнида узоқроқ тўхтаб қолди.

— Соғайиб кетдим деясанми? Уйингни соғиндингми? Қани, нафас олгин-чи! Чуқурроқ, чуқурроқ. Яна...

Врач хотин уни у ёқ-бу ёғига ағдариб роса кўрди, гоҳ ўтқазиб, гоҳ турғазиб, кўкрагига обдон қулоқ солди.

Ягафар уруш даврида госпиталма-госпитал ўтиб юрган чоғидан билади: касалнинг дарди қанча оғир бўлса врачлар унга шунча меҳрибон бўлишади, ҳазил-мутуйибалар билан кулиб гаплашишади. Касалнинг дарди оғирлашган сайин, врачларнинг далда берувчи гаплари ҳам авжига чиқаверади. Бу ердаги врач хотин ҳам аввал унинг атрофида парвона бўлиб қолди. Гўё хушхабар айтмоқчидек, нуқул табассум қилиб, фақат гапиришга эртароқ дегандек бўларди. Уни дастлаб кўраётганидаёқ шаддодлик билан: «Вой-бўй, ҳаммаёғинг қуроқ бўлиб кетибди-ю, азизим!» деб ҳазиллашган ва эски яраларини битта-битта санаб чиққан эди. Бу сафар эса, унинг кўкрагига қулоқ солиб бўлгач, қошларини чимириб бир зум ўйланиб тургач: «Ҳали ўн беш кун ётасан», деди. Ягафар эътироз билдирмоқчи бўлган эди, врач хотин:

— Ун беш кундан кам ётмайсан!— деди чўрт кесиб.

Шундан кейин Ягафарнинг ҳар эътирозига бир кундан қўшаверди. Қисқаси, Ягафарнинг оғзига сўк солиб, хўрсиниб қўя қолишдан бошқа чораси қолмади.

Ўн беш кун — икки ҳафта деган гап. Тишки тишга қўйиб, соатма-соат кун санаб ётишга тўғри келади. Тақдирга тан бермай илож йўқ. Сабот қилмоқ керак. Ана, баъзилар палатада олти ойлаб қимир этмай шифтга тикилиб ётишибди. Уларга қараганда Ягафарнинг ошиғи олчи. Таъбир жоиз бўлса тили билан учган қушни отиб олиши мумкин. Албатта, у ўз қудратидан ўзи кулиб қўяди, тупроқдан яралган бўлса ҳам, юраги бақувват, агар оддан йиқилаётганида ўпкасидан қон кетгани бўлмаса, суяги бутун. Хулласи калом, шифохонада ярим ой вақти бекор кетди демаса — бу ишлардан эсон-омон фориг бўлди. Кўкраги ҳам илгаригидек безиллаб оғримайди. Оғриқ чуқурроққа яшириниб олган. Гоҳи-гоҳидагина бош кўтариб, аъзойи баданини бир зирқира-

тади-ю, кейин уясига кирган йиртқичдай аста яшири-  
ниб олади. Чинданам, ўн беш кунга нолимаса ҳам бў-  
лади. Ахир бундан ёмон кунларни бошидан кечирди-  
ку. Уруш охирида Шпреяда яраланганида ярим йил  
узала тушиб ётмаганми? Ғалабадан кейин ҳам госпи-  
талма-госпитал судраб юришди. Ана ўшанда сабр ко-  
саси тўлганди. «Сабр қил, жангчи,— деб ўзига ўзи та-  
салли берарди ўшанда.— Бу балодан ҳам қутуларсан  
бир кун!»

— Ишқилаб бош омон бўлсин,— дерди рота коман-  
дирининг сиёсий ишлар бўйича муовини.— Миянг иш-  
ласа ҳар қандай офат ҳам чўт эмас. Сўнг нақл-пақлни  
йиғиштириб қўйиб, ўз гапларига изоҳ берар: «Икки  
ўт орасида қолдингми, питир-питир қилиб, ўзингни  
ҳар ёққа отаверма. Вазиятни бамайлихотир ўйлаб  
кўрсанг, қўрққанга қўша кўринганини англайсан»,  
дерди. Буни кейинроқ Ягафар кўп марта бошидан ўт-  
казди: ўзини сал босиб олса юракни ларзага солувчи  
умидсизлик ҳам тарқар, оламни кўзига қоронғи қи-  
либ турган булут янглиғ қайғу ҳам тўзғиб, борлиқ ча-  
рақлаб кетарди. Шу-шу Ягафар ўзининг тизгинсиз  
ҳис-туйғуларини жиловлашга, врач билан баҳслашмас-  
ликка, хулласи калом, чидашга қарор қилди. Аммо ба-  
рибир тоқати етмади. Ўзидан ранжиб бўлса ҳам доктор-  
га ялиниб-ёлвориб юриб, касалхонадан чиқишга  
муяссар бўлди. «Умримда бунақа ўжар одамни кўрма-  
ганман!»— деди охир-пировардида доктор хотин тоқа-  
ти тоқ бўлиб. Ягафар жавоб бермади. Бу гап тўғри бўл-  
са нима ҳам дерди? Айб сендами — оғзингни юм.

Лекин қанчалик айбдор, қанчалик ўжар ва қаттиқ-  
қўл бўлмасин, Ягафар ўз манфаати учун кўп киши-  
нинг миясини ачитадиған бир тентак эмас-ку! Турмуш-  
да у яхши-ёмонни кўравериб, қиттаккина бўлса-да ақл  
орттирди.

Баъзан шундай ҳам бўлади: одам ўзича ҳамма  
нарсани ўйлаб, режалаб, бичиб-тикиб қўяди, лекин  
бир кун арзимаган бир нарса худди кутилмаган эпкин-  
дай, тасодифан кеп қолади-ю, ҳамма нарса ағдар-  
тўнтар бўлиб кетади. Олдин ўзинг ҳам ҳайрон бўлиб  
қоласан — наҳот шу арзимаган воқеа қўлимдан тизги-  
нимни юлиб олган бўлса, деб ўйлайсан.

Ҳа, худди чанг кўтарган енгилгина шабада бўрон-  
га айланишини сезиш қийин бўлганидек, арзимаган

тасодифий ноткинчилик юрагингга катта ғалаённинг илк учқунларини солишини ҳам пайқамай қоласан. Тасодифий бир ҳаракат, суҳбат вақтида ярқ этиб хаёлингиздан ўтган фикр учқуни — бу учқун сув сатҳини билинар-билинемас титратиб ўтган шабада нафасидек беозор туюлади, лекин бир пайт қарабсизки, бу шабада қирғоқларни емирувчи довулга айланади, хаёлингиздан ярқ этиб ўтган фикр эса вужудингизни ларзага солади.

Ягафар ҳам шундай бўлди. У тақдирига тан бериб, врачларнинг айтганини бажо келтириб, дориларни канда қилмай юриб, кун санаб юрган эди, тўсатдан уни кўргани Талха келиб қолди.

Тушки овқатдан кейинги уйқу сўатлари эди. Эшик пойлаб ўтирган ҳамшира кампирни авраб, у бунақа ишларга уста эди, Ягафарни кўчага чақириб олди.

— Қўшнига ҳурмат — оллога ҳурмат демоқдир, — деди у вазминлик билан. — Сен бизларни кўп иззаг қилавермасанг ҳам биз сени ёдимиздан чиқармаймиз. Мана, келдик, соғиниб ётган бўлса керак деб.

Талха қиттак отиб олганди. Одатда у қиттак-қиттак қилишга сабаб ахтариб ўтирмас, бу сафар эса отишга ваз бор эди.

— Ҳа, ғалати бир замон бошланди, азизим! Бу дўкон туфайли не кулфатларни чекмадим. Ревизия деган балои-азимни айтмайсанми?! Ён-верингга қараб олгунча яна келиб турибди! Бошимни қанча қотирмай, бу етишмаслик қай балодан келганини тушунолмайман. Яна уй қураман деб, энди гишт сотиб оламан, деб турганимда содир бўлади-я! Ревизорга нима? Кўз очиб-юмгунча икки юз сўм етмайди, деб турибди. Икки юз сўм! Қаёқдан оласан бу пулни? Бир ёш ғунажинимни бозорга олиб чиқишдан бошқа чора йўқ.

Қўшнисини ўз ҳасратини изҳор этиб, кўз ёши қилиб бўлгунча, Ягафар сукут сақлади. Нима ҳам десин? Талханинг бор-йўғи ўзи шу... Урушгача ундан яхши йигит йўқ эди. Энг оғир ишдан ҳам бош тортмас, қўшда ҳам, ўроқда ҳам ундан ўзадигани йўқ эди. Ҳатто, қирқинчи йили ҳосил байрамни вақтида уни энг илғор, зарбдорлар қаторида патефон билан мукофотлашган эди. Урушдан қайтди-ю, мана шунақа аросатда қолди. Юрган йўлида кимга дуч келмасин, кимнинг злёматида ўтирмасин, ҳадеб бир гапни, яъни бу ишбилармон

немисларни йўлда қолдирмасам Талха номига беш-қа қўяман, деб таъкидлагани таъкидлаган эди. Гоҳ янги уйининг зинапояларини ўзгартиради, гоҳ янги айвонча қуради, молхона билан саройни эса ҳар йили янгилайди. Қўрғон солади, резавор экиб, кун бўйи экинзордан чиқмайди. Мана, Ягафар иккиси қаришди, бола-чақалар ўсиб-униб ҳар томонга кетиб қолишди, у бўлса ҳамон тиниб-тинчимайди! Сўнги йиллар эса ётса тушида гиштин уй кўрадиган бўлди. Талха соғлигидан шикоят қилмаса ҳам бўлади. Шундай бақувватки, темирни синдиради, ўзи бўлса ишнинг осонини қидиради. Фронтдан қайтганида уни қишлоқ советига котиб қилиб қўйишди. Кейин молия агенти, клуб бошлиғи, клубдан кейин дала қоровули бўлди, мактабда завхозлик қилди, жисмоний тарбиядан дарс берди... Қайси ишдан ҳайдашсаям парвойи фалак, бамайлихотир янги ишга киришиб кетаверади. Ана энди ўн йил бўптики, Қўштерак дўкониде ишлайди. Ҳисоб-китобни билмаслигиданми ё ўзининг лоқайдлигиданми, ишқилиб, шу дўкон тўфайли неча марта хонавайрон бўлди. Лекин барибир ишдан кетмади. Оҳ-воҳ қилади, энг сўнги молини сотиб, қарзини тўлайди, ўзиям қўрқувдан ўлиб бўлиб, бу ишга қайтмасликка қасам ичади, лекин хавф-хатар ўтиб кетди дегунча бир кун қараб-сизки, қўлида газ чўп билан тош-тарозу орқасида яна гердайн ўтирибди!

— Йўқ, қўшни, туянинг устида ит қопган камбағаллардан бўламан мен! Қайтиб бораману топшираман бу лаънати дўконни! — деб эски қўшиғини бошлади у.

Ягафар унга ишонмади албатта.

— Майли, сабоқ бўлади сенга!

Ҳақиқатан, нима ҳам дерди унга? Ҳар хил ўйинлар кўрсатиб, ўзини-ўзини қийнаб юрибди, холос. Гапиришининг фойдаси йўқ. Ваз устига, Талха бўлмаганда Шпрея дарёсининг тагида ётарди ҳозир Ягафар. Юзига қалқиб чиқса ҳам уч-тўрт кундан кейин чиқарди. Талха қутқариб қолганди уни ўшанда...

Ягафар Талхага сездирмаган ҳолда гапни Қўштерак янгиликларига бурди.

— Қай гўрга кетарди сенинг Қўштерагинг? — деди Талха жонланиб. — Турибди жойида. Фақат камини-камтариннинг ташвишига ташвиш қўшилиб турибди. Свулда тўс-тўполон. Сабантўйга тайёрланыпти

хелк! Дүкони́м дүкони́ эмас, бозорга айланади бу кетишда. Йўқ, дүкони́ни топшираман. Сабантўй ўтса бўлди, эртасигаёқ топшираман. Ароқ билан чой-қандни етказиб бўладими буларга.

— Нима бало, ҳозирлик каттами шунақа?

— Катта бўлганда қандоқ! Қўшни районлардан ҳам чақиришяпти! Сўйиладиган молларни танлашаётганда мен ҳам молхонада эдим. Қимизни ҳам тобиға келтиришяпти. Кўчаларни келинчакни ясантиргандек ясантиришяпти. Хулласи калом, тўс-тўполон! Кеча Ойхилу келганди-ку, айтмадими ахир?

Ягафар индамаган эди, Талха баттар авжига чиқди:

— Раис ҳам айтди: «Бошқалардан нимамиз кам бизни», деди. Шунақа бир сабантўй қилайликки, бутун теварак-атроф ларзага тушсин. Ҳамма расм-русумларни бажо келтирамиз. Кураш ҳам бўлади, пойга ҳам! Айтяпман-ку, сабантўй кунлари бир мириқиб савдо қиламану, дүкони́ни топшираман деб!

Ягафар ўзини зўрга босиб, пойга тўғрисида гап очишга чоғланган эди, Талха аравасига чиқиб олди.

— Кечирасан, қўшнижон, гап билан кеч қолганими билмай қолибман. Уйга тезроқ қайтиб, машина масаласини ҳал қилиб қўймасам бўлмайди. Аравада мол етказиб бўлармиди бунақа пайтда? — арава жойидан қўзғалди, лекин Талха отнинг жиловидан тортиб яна тўхтади. — Ҳа, эсимдан чиқибди, қўшнижон. Сен нуфузли одамсан, раисга муовинсан. Чорва сенинг қўлингда. Раисга қўнғироқ қилиб қўйгин. Балки, ишларим пачава эканини ҳисобга олиб, ўз нарҳида бир-иккита қўй берармикин-а? Барибир акт тузишиб, молларни сабантўйга сўйиб юборишади-ку?

Оббо тулки-ей, шу ердан ҳам ис топибди-я?! Ягафар унинг бу қадар очкўзлигидан ижирганиб: «Нафсинг қачон ором оларкин, бу дунёда тўясанми ўзинг ё йўқми?» — деб қўйди. Талха қўшнисининг гапига хафа бўлмади. Фақат хўрсиниб қўя қолди. Ягафар: «Пойга ҳам бўларканми? Биздан ҳам от қўйиларканми?» деб сўрагач, унга жон киргандек бўлди.

— «От қўйиларканми» деганинг нимаси? Қўштерак биттагина учқур аргумоқ тополмайдиган ўлар ҳолдами? Узингнинг Малла шайтонинг чопармиш, Салоҳ қашқирнинг ўғли тайёрланяпти. Аммо айғирмисан айғир бўпти-да! Қараб туриб ҳайрон қоламан. Нечта



чавандознинг энасини кўрсатди. Ягафардай одамга ҳам сўз бермади. Аммо қандайдир бир мишқи бола уни мулла минган эшакдай қилиб олибди. Жонивор ҳам яхшига яхши экан-да, а? Болапақир отнинг атрофида парвонаки, асти қўяверасан. Нима, Ойхилу буларни сенга айтмадими?

Ягафар қўшниси билан хайрлашаётиб: «Сабантўй қачон экан?» — деб сўради.

— Мана шу жумага, — деди Талха. Кейин ачинган-симон бўлиб унинг елкасига қўл ташлади. — Афсус, минг афсус, тўйга чиқолмас экансан. Ҳа, майли, бу йил бўлмаса, келгуси йил бор-ку. Хўп, хайр, омон бўл. Ҳалиги... илтимосимни унутиб қўймагин...

Ягафар аравани нигоҳи билан кузатди. Талха кўздан йўқолгач, худди ақл бовар қилмас хабарни эшитгандай оёғидан куч кетиб, курсига ўтириб қолди.

«Кеча Ойхилунинг кўзлари сал бежороқ эди-я! Ниманидир яшираётганини сезгандим. Вой индамас-ей! Ҳа: «Касалхонадан чиқишга шошилмасин, обдон даволансин, яна ўпкасидан қон келиб юрмасин», деган-да. Яхши ҳамки, Талха адашган шабададай бир бош суқиб кетди. Ойхилу, Ойхилу... Меҳрибонлик қиламан деб кўнглимни ранжитай дебсан-ку. Овулда катта пойга бўлса-ю, Ягафар шифохонада шифтга тикилиб, қорини силаб ётса?! Тўхта, тўхта, Талханинг хабари сени нимага бунчалик ажаблантирди? Сабантўй сени учун янгилик эмас-ку? Байрамни ўтказиш учун баҳордан бери тараддуд кўрилади. Мана энди ер қотди, вақтида экиб бўлишди, пичан ўримига вақт бор, хуллас, айна ўйнаб-куладиган вақт келди. Малланинг пойгада қатнашиши ҳам мен учун янгилик эмас-ку?» Дарҳақиқат, Ягафар бу кўнгилсиз воқеага дуч келгунга қадар неча бор сўкишиб, бақириб-чақириниб бўлса ҳам Маллани аравага қўшмаслик ҳақида буйруқ чиқартирган эди. Ягафар урушдан кейин бир неча раис кўрди-ю, аммо улар ичида отга қайишадиганини учратмади. Буниси ҳам салафларидан қолишмайди. Бутун жонивор зотига тупурадиган хилидан. Ёмғир ёғиб, ер ивиб, машиналар юролмай қолса, барча отларни аравага қўштиради. Унинг учун қари, қўтир бия ҳам, учқур арғумоқ ҳам бир. Баҳорда Ягафарнинг норозилигига қарамай улғайиб қолган Маллани мажбуран аравага қўштирди. Ягафар бунисига чидади. Қараса, ёгин со-

чин тугаб, ер қотгандан кейин ҳам Маллани бўшатмай-  
диган. Ана шунда Ягафар чунон галва кўтардики,  
Маллани аравадан озод қилганларини ўзлари ҳам  
биллолмай қолишди.

Овулда кейинги тўрт йил ичи сабантўй бўлмаган  
эди. Аввалги байрамда қўштеракчасига тантилик би-  
лан бутун музофотдан меҳмон чорлашди. Энг номдор  
полвоиларни чақиришди. Мусобақаларнинг, ўйин-кул-  
гининг чеки бўлмади. Дастурхон ақл бовар қилмас  
даражада тўкин бўлди. Мағрур Қўштерак бу сафар  
ҳам ўзини кўрсатмоқчи эди. Аммо пойгада панд еди.  
Таъбир жоиз бўлса, шу соҳада шармандаси чиқди.

Ушанда Ягафарнинг зўри билан пойгага икки бай-  
тал қўйилган эди. Байталларнинг оёқлари худди соз  
торларига ўхшарди, шамолдай елишарди, кўринишлар  
ҳам чиройли эди. Аммо шу пайтгача ҳали пойга  
кўришмаганди. Шунинг учун ҳам панд беришди. Бай-  
талнинг бири маррага сўнгги беш от қаторида келди.  
Иккинчиси эса чавандоз болани ярим йўлдаёқ устидан  
отиб юборди.

Бу пойгадан кейин Ягафар ер ёрилмади, ерга кир-  
мади. Овул аҳлининг дашноми кўз очирмай қўйди:  
«Бу қўтир бияларингни пойгага қўймай, аравага қўш,  
ҳеч бўлмаса гўнг ташиб, фойдаси тегсин».

Кунлар ўтиб, ўз ташвишлари билан ўзи овора Қўш-  
терак Ягафар учун уятли бу пойгани унутгандай бўл-  
ди. Аммо ўзаро суҳбатларда бу воқеани эслаб, кулиб  
қўйишларини у сезарди. Ҳатто айримлар зотли отлар-  
нинг уруғи қуриб кетганига ҳам Ягафарни айбдор қи-  
лишдан тоймасдилар.

Ана шу шармандалик елкасига тушган юк бўлиб,  
уни тўрт йил бадалида эзди. Уша пойгадан сўнг уюрда  
тойчоқ туғилиши билан ўз назоратига олди. Туёғидан  
думигача синчиклаб текширди, дам йўрғалатди, дам  
югуртириб кўрди. Чопишига диққат қилди, нафас оли-  
шини эшитди, феълини англашга уринди. Маллани  
худди шу зайлда бошқа тойчоқлардан ажрата олди.  
Малланинг Лочинни эслатувчи белгиларини кўриб,  
аввалига ўзига-ўзи ишонмади. Ҳалиулла бобога кўр-  
сатди. Чол тойчоқни синчиклаб кузатди-да, «Лочин-  
нинг уруғи», деб мамнун бош ирғади. Кейин кўзига  
қалққан ёшни артиб, қўшиб қўйди: «Зоти йўқолиб кет-  
ган дердим, йўқ, насл қолдирган экан, худога шукур».

Мартнинг охирларида Маллани ујрдан ажратиб олди. Тойчоқ қиш бўйи сулига тўйиб семирди, ҳаракатсиз кўп туриб қолди. Ягафар уни сайрга олиб чиқиб, оёғининг чигиллини ёздирди, ортиқча этдан қутултирди. Аммо, у пайтда Маллада қайси боланинг пойгага чиқишини ўйлаб кўрмаган эди.

Жумага қадар тўрт кун қолди. Салоҳнинг ўғлини тўрт кун ичида чавандозликка ўргата олмайди. Аммо баъзи бир усуллари кўрсатиб, Маллани обдон терлатиб олиши мумкин. Ҳали Талха тўғри айтди. Ҳатто туёғидан ўт сачраган айғирларга ҳам эгар уролган, манман деган чавандозлар Маллага яқинлаша олмадилар. Шунинг учун унга Малла шайтон деб ном берганлар-да.

Малланинг аждоди бўлмиш Лочиннинг даврида колхозда шалоғи чиққан яккаю ягона бир ярим тонналик юк машинаси бўларди. Машинанинг ўлакса йўтали эшитилиши билан Лочиннинг этларида жимир-жимир титроқ турарди. Хавотир билан кўзлари жавдирарди. Машина кўринди дегунча думини хода қилиб елиб қоларди. Лочин то машинага кўникиб ҳуркмайдиган бўлгунча Ягафар тоза адабини еган эди.

Замоннинг зайлини қарангки, бу Малла шайтон аждодининг бутунлай тескараси бўлди. Қаршисидан ўнта трактор қўйинг — парвойига келмайди, ҳатто қараб ҳам қўймайди. Аммо бу шайтоннинг ҳам хушламайдиган нарсаси бор: унинг кўзи обкаш кўтарган ё рўмоли қилираган аёлга тушдими, тамом, буқачага ўхшаб ирғишлаб дуч келган томонга шаталоқ отади. Ҳатто, полиз қўриқчиси билан дорга осилган кирга ҳам тоқати йўқ бу жониворнинг. Малланинг бу феъллини билмаган одам унга яқинлашмагани маъқул. Йўқса, бошига бало ортиради.

Хаёлларга берилган Ягафар палатага қандай кириб қолганини сезмади. Тумбочкани очиб, ичидаги майда-чуйдаларини тугунчага тугди. Мева-чева, қанд-қурсларни эса палатадошларига қолдирди.

Талха олиб келган хабарнинг дайди шабадаси Ягафар қалбида бесаранжом тўлқин кўтарган, кетишга аҳд қилган эди. У ўтирган ерида палатага разм солди-да, ўрнидан туриб, дадиллик билан врач хонаси томонга юрди.

...Умрида эшитмаган гапларни врачдан эшитди.

Аммо на таънаю дашном, на доно ўгитлар уни ушлаб қололди. Дориларни вақтида ичаман, ортиқча бир қадам ҳам юрмайман, кун ора медпунктга чиқаман, деб ваъда бериб, врачни ишонтиролмаसा ҳам ҳар ҳолда кўндириб, рухсатини олди.

Агар катта йўлга чиқса, битта-яримта машина олиб кетиши аниқ эди. Аммо оёқлари ўзига бўйсунмаган ҳолда майда-майда қадамлар билан уни тоғ томонга етаклади. Ягафар: «Бу аҳмоқ калла оёққа раҳм қилмас экан-да», деб ўзини-ўзи койиди. Аммо бу койиш ўзини алдаш учун ишлатадиган навбатдаги найрангларидан бири эди. Юракда шундай кучли тўлқин мавж урган маҳалда катта йўлда машина тўхтатиб, кабинада хотиржам ўтира олармиди? Ҳа, худди шу тўлқин уни тўғри йўлдан уриб, ястаниб ётган доvonларга бошлади. Оёғи остидаги майда тошчаларнинг гижири-гижири ҳам тўлқин мавжига ҳамоҳанг бўлди.

Кўз илғамас кенгликка чиқиб олгач, бу тўлқин пича босилиб, Ягафарни банд этган хаёллар бир оз тарқади. У энди бошқа нарсаларни ўйлай бошлади.

Касалхонадан қутулганидан кейингина бу бетасир хасталикни деб бир ярим ой умри беҳуда кетганини англади. Моллар бу қурғоқчиликда анча сутдан қолган бўлиши керак. Уларни бугундан қолдирмай яйловга ҳайдаш зарур. Қўйларнинг жунини олиш лозим. Ягафар бўлмагани учун ҳеч кимнинг хаёлига келмагандир бу. Яйловдаги сойни ҳам тозалаш керак. Шўр тош олиб келиш лозим. Соғувчиларга этик ваъда қилган эди. Ҳар ҳолда ҳеч ким қидириб кўрмаган бўлса ҳам керак. Ўҳ-ҳў, қанча иш ўлда-жўлда қолиб кетди. Бу бир ярим ой уни хонавайрон қиладиган бўлди.

Ниҳоят, майда тошлар бодроқдек сочилиб ётган чўққига чиқиб олди. Бургут парвози аранг илғайдиган тоғлар бағрида ўсган одамга бу чўққи оддий баландлик бўлиб кўринса ажаб эмас. Аммо ясси това каби воҳада яшовчи аҳоли уни эъзозлаб, «тоғ», «тоғ чўққиси» деб атади. Бошқа улугвор тоғлар сингари унинг ҳам ўзига яраша номи бор. Қадим бу ерлар ўтиб бўлмас чангалзор эди. Одамлар бутун инсу жинс шу ерга уя қўйган деб ўйлашарди. Шунинг учунми унга «Қароқчи тоғ» деб ном беришганди. Энди чангалзор йўқ, тоғ яйдоқ бўлиб қолган. У ер-бу ердаги

буталар лахтак кўрпани эслатади. Ягафарнинг болалигидаги булутдай қуюқ дарахтлар қуриб битган. Энди одамлар тилидан ваҳший қароқчилар ҳақидаги миш-миш учмайди. Энди қароқчилар ҳам, ўрмон ҳам афсонага кўчди. Беаёв вақт ўзининг темир этиги билан тоғ бағрили янчиб ўтди. Ҳатто қушлар уя қургулик тузукроқ жой ҳам қолдирмади.

...Бирдан Ягафарнинг оёғи остида бир қулоч келадиган қора илон ғимирлаб қолди. Ягафар унинг думини босиб олдимидан ё тошларнинг ғижир-ғижиридан уйқуси бузилдимидан, ҳар ҳолда вишиллаб бош кўтарди. Яхши ҳамки Ягафар йўл-йўлакай таёқ кесиб олган экан. Ҳали илон вазиятни англамай туриб таёқ учига илиб олди-да, пастга улоқтирди. Бошини уриб янчмай, отиб юборгани бир жиҳатдан яхши бўлди. «Кучлидан эмас, қасоскордан кўрқ», деб бежиз айтмаганлар-да.

Ягафар ўзини енгил сезиб, бемалол келаётган эди. Шу ерга етганда бирдан тер босди. Ҳолдан тойиб, тош устига ўтирди. Ярамас илон уни чинакамига кўрқитиб юборган эди. У чуқур нафас олиб, пешонасидаги, бўйнидаги терни артди. Тугунчани очиб, сув қуйилган шишани олди-да, икки-уч қултум ичди. Чанқоғи босилмаса-да, томоғига қадалиб турган нарса йўқолди, кўкрагидаги оғриқ ҳам босилди.

Узоқ сафарга отланганда кишининг турли ҳиссиётларга берилиши Ягафарга яхши таниш. Агар уловли бўлсанг, олис йўл ҳам яқин туюлади. Кайфиятинг ўз-ўзидан чоғ бўлади. Ҳуштак чалгинг, қийқириб отни чоптиргинг келаверади. Агар лапанглаб, ғижирлаб борувчи аравада борсанг, юрагинг сиқилади, кўнглинг чўкади. Қандайдир мунгли куй бағрингда ғимирлайди. Бугун Ягафар йўловчига ҳам ажиб, ҳам ғамнак яна бир ҳис ҳамроҳ эканини фаҳмлади. Босилажак йўлнинг ярми ортда қолиб, қуёш уфққа бош кўяр маҳалида, ернинг ҳовури пастлаётган дамда сени бағрига чорлаб, тинчлик бермаган чўққига чиқиб олиб, ҳаракатсиз ўтирсанг умр йўлининг илон изи сўқмоқлари-ю, унинг хатарлари, аламлари кўз ўнгингда гавдаланар экан.

Атроф сокин. Кенглик кишига завқ беради. Табиат ниҳоятда гўзал. Кўриб кўзинг яшнайдди. Ана шундай вазиятда қайғуга нима бор эди. Қаердан келди ўзи у? Юрагида бош кўтардимиди? Ҳа, қайғу эндигина кўз

очди. Аммо ҳали вужудини қамраб ололгани йўқ. Ягафар ғамга бутунлай эркини тоншириб қўймаслик учун ўрнидан туриб катта харсангга яқинлашди-да, қўли билан тиралиб пастга тикилди.

Ҳалиги илон ясси тош устида кучала бўлиб олибди. Демак, ҳали ўлмабди. Майиб бўлиб сўнгги нафасини кутиб ётибдимикин? Айб ўзида, шунча ер бўш ётганда йўл устига чиқиб олиши нимаси? Ҳаётда ҳам шунақа: мақсадинг сари бораётганингда йўлингги шартта зараркунанда тўсиб чиқади. Яхши ҳамки Ягафар ўзини йўқотиб қўймади. Бўлмаса...

Ягафар яна тош устига ўтирди. Узоқлардан қушларнинг овози келди. Бу овозлар аста-секин мис қўнғироқчаларнинг жарангига айланди. Қўнғироқ товуши борган сайин авжига чиқаверди. Дам ўтмай эса узоқлашиб аста пасайди. Энди отнинг бўғиқ дупур-дупури барча овозларни босиб кетди.

Уфқни яшил девор билан чегаралаб турган ўрмон ҳам, воҳага тариқдек сочилган кичик-кичик овуллар ҳам, офтобда жимирлаётган дарё ва кўлларнинг сувлари ҳам бинафша тутунга кўмилди. Оғзидан оташ пуркаётган арғумоқлар денгиз мавжларини ёриб ўтаётган қайиқ сингари олға интилади. Энг орқада чопаётган чавандоз бола буларнинг барини кўриб туради. Пойга сўнггида қолаётганидан алам қилиб, қаттиқ ҳуштак чалади, чайнр яланг оёқлари билан зулукдай қора отнинг биқинига ниқтайди. Айғир бундан норози бўлгандай аввалига кишнайди. Кейин жилов бўшаганини билиб, гўё икки ёндан икки қанот чиқаради-ю, учиб кетади. Бола эгар устига деярли ётиб олган. Унинг қалби от юраги билан бир хилда тепади, шиддати отнинг шиддатига ҳамоҳанг. Яхши отга бир қамчи, ёмонига минг қамчи деганлари рост. Бу айғирнинг биқинига оёқ ниқталгани кифоя. У олдиндаги отлар тўдасини найза каби ёриб ўтади. Кейин аросатда қолган пойгачиларга қараш учунми ё эгарда аранг ўтирган чавандозидан хабар олганими, ҳар ҳолда бошини орқага буради. Туёқлар дупури шамолнинг ҳуштагини босиб, ҳайқириқлар эшитилади: «Ҳайт, олов! Ҳайт, қора зулук! Ҳау-ал-ле-ле!» Бу қора айғир эмас, балки қанотли шайтоннинг ўзи. Туёғи ерга ё тегади, ё тегмайди. Ҳаво оқимини тўши билан ёриб учади. Ҳа, фақат учади.

Ажиб, нима бу ўзи? Ахир у офтоб ерни қовурман деб турган маҳалда пойгага етиб олай, деб йўлга чиқди. Пойгада Маллапинг учишини кўрмоқчи эди. Нима учун кўзига қора аргумоқ кўринди? Нима бу, орзуми ё тушми?

Йўқ, бу туш эмас. Талха пойга ҳақидаги хабарни келтириб, Ягафарнинг хотираларини жиловлаб турган арқонни қирқиб кетди. Хаёдан кўтарилай деб турган воқеалар кўз олдида намоён бўлди. Уттиз олтинчи йилдаги сершовқин сабантўйни эслади.

Ушанда Ягафар ўн уч ёшда эди. Онасининг оҳ-воҳларига, пўписаларига қулоқ солмай, отхонадан бери келмади. Лофи билан айтганда, отбоқар Ҳалиулла бобонинг қўлини совуқ сувга урдирмади. Неча марга отдан йиқилиб, майиб бўлишига оз қолганди. Уни деб онаси қанча ғам чекди, қанча кўз ёши тўкди. Қишининг аёзли кунларида мактабдан югуриб келади-ди, апил-тапил бирор нарса еб, отхонага шошади. Ёзда эса кун бўйи яйловдан бери келмайди.

Уша дамлардаги яйлов тунларининг сурури ўтмиш йиллар исканжасида қолиб кетди... Болалар бир-бирининг пинжигга тиқилиб ўтирибди. Кичик гулхан уларнинг юзларини ёритяди, кўзларида учқунлар акс этади. Шундай ёнларида отлар ўтни чимдиб, кўсурлатиб кавшайди. Мис қўнғироқчалари жиринглайди. Ҳалиулла бобонинг узун эртаклари уларнинг назарида дам ҳақиқатга айланади, ҳақиқат эса афсонага сингиб кетади...

Ягафар у ердаги отлар ичида Лочин лақабини олган зулукдай қора айғирга алоҳида меҳр қўйган эди. Катта буқаларни бурнидан бурундук ўтказиб, тинчтишади. Лекин қўштизгин ҳам кор қилмайдиган Лочинни қандай эплашни сира билишмасди. Икки бақувват эркак Лочинни қалин арқон билан боғлаб сув ичиргани сойга олиб борганда Ягафар ҳам улар кетидан қолмасди. Лочиннинг қуюқ ёли шамолда ҳилпирайди, аланга тилига ўхшайди, сағриси эса қора олтин каби қуёшда ялтиллайди. Худди Ҳалиулла бобонинг эртагидаги қанотли тулпорнинг ўзгинаси. Ягафарнинг назарида у ҳозир сувдан чиқади-ю, одамга кўринмас қанотларини ёзиб, учиб кетадигандай бўлади. Ягафар Лочинга эгар уришни орзу қиларди. Лекин катталар яқинлашишга ботинмайдилару, ўн уч ёшли болага

йўл бўлсин. Айғирнинг бўйнига арқон ташлаб айлана бўйлаб югуртиришганда кўпчилик бежавотирроқ жой ахтариб қоларди. Қутураёзган айғир аввал пишқириб, орқа оёқларида тик туради. Кейин олдинги туёқлари билан ерни титади, сўнг бошини мағрур тутган ҳолда атрофга жавдираб югуриб кетади. Унинг устига сакраб минадиган, арқонни кесиб ташлаб, отни тўсиқдан ошириб, елдириб кетадиган азамат қани?!

Мана шу фикр Ягафарнинг тинчини олди. Кечаси кўз юмса тушига Лочин кириб юраги беором бўлади. Кундузи дарсга ўтирса қўллари беихтиёр дафтарга қанотли тулпорнинг расмини чизиб қўяди. Отхонада ҳеч ким бўлмаган маҳалда эса Лочин турадиган охур олдига келиб, у билан суҳбат қуради. Жониворни эрқалайди, озодликка чорлайди. Биргаликда Испанияга қочиб кетиб, фашистларнинг адабини беришга ундайди.

Кун ўтган сайин Ягафар дадиллаша борди. Ҳатто бир куни тўсиққа осилиб, отнинг бўйнини силади ҳам. Йўқ, бу айғирнинг томирида иблиснинг қони оқса ҳам меҳрга тушунар экан. Болага мўлтиллаб қараб, ер гелинмади. Бундан Ягафар янада дадилланди. Чўнтагидан туз сепилган бир бурда нон олди-да, отнинг оғзига тутди. Лочин уни ҳидлаб кўрди, номаълум емишдан ҳайратлангандай бўлди, кейин ўзини тутолмай нонни ҳузур қилиб чайнай бошлади.

Ана шундан кейин Ягафар чўнтагида нон олиб юрадиган бўлди. Отбоқарлар кетиши билан у Лочин ёнига югуради. От уни пишқириб, бош ирғаб кутиб олади. Боланинг кафтидаги нонни сўнгги увоғигача сийди. Ягафар эса унинг қаншарини, қалин ёлини силайди. Ягафарга бу ҳам камлик қилиб, бир куни ёғоч қашлагич билан челақда сув олди-да, нима бўлса бўлар, деб охурга кирди. Лочин «Бу қандай ўзбошимчалик бўлди», дегандай пишқириб, тепинди. Ҳатто ёғоч полни синдириб юборай деди. Ягафар эса одатдигдек, мулойим гапириб, қўли билан сағринини, томоғини силади. Лочин боланинг келиши хатарли эмаслигини фаҳмлагач, тинчланди. Болага дам-бадам қараб қўйиб, нонни кавшайверди. Ягафар қашлагични сувга ботириб олиб ишга тушди.

У Лочинни шу зайлда қўлга ўргатди. Бунинг анча вақтгача ҳеч ким билмади. Фақат кекса отбоқар Ҳа-



лиулла бобо зийраклик қилди. Ягафар пайдо бўлиши билан Лочиннинг кишнаб бўйнини боланинг қўлига чўзишида, баданининг тобора ярқирашида бир гап бор, деб қўйди.

Кунларнинг бирида отхонада ҳеч ким қолмагач. Ягафар эдатдаги юмушини бошлади. Аввал отга гуз сепилган бурда нон берди. Кейин қашлагич олиб хиргойи қилганча Лочиннинг биқинлари, қорнию оёқларигача қашлаб чиқди. Айғир боланинг бу хизматидан лаззатланиб, қимир этмай турди. Ягафарнинг бели толиб, қадини ростлади-ю, кулиб қараб турган Ҳалиулла бобони кўриб, довдираб қолди.

Ушандан кейин Ягафарнинг обрўйи яна ошди. Устига ҳатто пашша ҳам қўндирмайдиган бевош отни эгар жабдуққа кўндира бошлади. Лекин эгарга ўтириш дарров насиб этмади. Лочин Ягафарни қанчалик яхши кўрмасин бевошлигиданми ё эркини бергиси келмаганиданми, ҳар ҳолда минигга йўл қўймасди. Неча марталаб ирғишлаб, уни отиб юборарди. Ягафар оғриган ерини силаб йиғларди. Ҳалиулла бобо эса унга раҳми келганини яшириб: «Йиғлама, чинакам эр йигит бундан қўрқмаслиги керак. Нима, сенга ювош от керакми? Йўқ, ювош от фақат пичоққа арзийди, пойгага ярамайди. Лочин — пойгачи от. Шунинг учун ҳам қаҳри қаттиқ», дерди. Бу гаплардан кейин кўнгил у қадар кўтарилмаса ҳам Ягафар почасини ҳимариб, бурнини тортганча, отга яқинлашарди.

Лочин Ягафардан илгарироқ яна бир одамни яқинига йўлатган эди. Аввалига у одамни кўрганда нотинчланиб тўсиқни синдириб қочишга уринарди. Кейин эса бирдан ювошланарди. У киши жағларини кўраётганда ҳам қулоқларини чимириб тек турарди. Бу — бир неча колхозга бириктирилган ветфельдшер Сатаев эди. Ҳалиулла бобонинг айтишича, Лочин урдан айириб олинган кун охурга кирмай, тўртта отбоқарни судраб кетганда Сатаев уни раҳмсизлик билан қамчилаган эди. Шу-шу от ундан қўрқиб қолибди.

Ягафар ҳам Сатаевни унча хушламасди. Серсавлат ветфельдшер отхонада кўриниши билан ичкарига аёз уфуриб киргандай бўлар, гап-сўзлар тўхтар, юздаги кулгулар сўнар, ҳатто отлар ҳам бесаранжом бўлиб бир бурчакка биқиниб қоларди. У шошилмай, шарпа чиқармай юарди. Йўқ, юрмасди, худди нақ одам

нинг устига бостириб келарди. Эллик ёшлардаги Сатаевнинг қонсиз, заҳил юзидан бир маъно уқиб олиш қийин эди. Оғир нигоҳида эса қандайдир улуғворлик яширинганди.

Ҳалиулла бобонинг айтишича, Сатаев граждандар урушида жанг қилибди-ю, уруш сўнггида дом-дараксиз кетибди. Қолхозлар тузилиб, қулоқларга қарши кураш авж олганда, яна пайдо бўлибди. Ғайрат-шижоат билан иш бошлаб, аста кўтарилибди. Жўшган ғайратини вақтида жиловлай олмаганидан чўққишибди-ю, яна тезлик билан пастлаб аслига қайтибди: герман урушидан аввал қандай бўлса, яна ўша ветфельдшерлигига тушибди. Сатаев отларга бераҳмлиқ билан муносабатда бўларди. Пастлашувига фақат шу жониворлар сабабдай, бутун аламини улардан оларди. Қаҳри қаттиқлиги учун ҳам ҳар қандай бевош от унинг олдида ювош тортиб қоларди. Ҳатто Лочин ҳам ундан ҳазар қилса-да, бўйин эгиб берарди.

— Увол қилади, бутунлай увол қилади отни,— дерди Ҳалиулла бобо Сатаевнинг изидан қараб туриб. Кейин Ягафарга уқтирарди:

— Баъзан отни тинчлантириш учун қамчи урилади. Лекин уришда ҳам меъёр бўлиши керак. Сал меъёрдан ошсанг, жониворнинг юрагини зада қилиб қўясан. Бир қарасанг, от ювошгина бўлиб турибди, лекин юраги дард чеккан. Сатаев жониворларни худди шундай қилиб жонини олади.

Бир куни Ягафар Лочинни қашлаб ўтириб, Сатаевнинг кириб келганини сезмай қолди.

— Хў-ўш...— деган овозни эшитиб ўгирилди-ю, ветфельдшерни кўриб қотиб қолди.

Сатаев ҳаракатсиз турган болага ўткир, совуқ нигоҳини қадаб турди-да, кейин отга тикилди.

— Хў-ўш,— деди у яна,— айғирни парвариш қил-япсанми? Эркалаб-суйиб ўзингга оғдирмоқчимисан? Йўқ, оғайни, ҳайвон билан бунақа муомала қилинмайди... Истасанг, мен ҳозир унга эгар уриб, қандай муомала қилишни кўрсатаман.

— Сиз унинг белини синдириб юборасиз,— деди Ягафар чўчинқираб.

— Ана холос, сен чиндан ҳам минади, деб ўйладинг шекилли, а?— деди Сатаев кулимсираб.— Мен йигирма йилдан бери отга минганим йўқ. Соявонли

арава, баъзан автомобиль минишдан бўшамай қолганман.

Ягафар Сатаев бунчалик хушмуомала деб сира ўйламаганди. Умуман, Сатаев бугун нима учундир хурсанд кўринарди. Йўқ, унчалик хурсандмас, балки суҳбатга ўч бир кайфиятда эди.

— Унинг устидан учиб тушишларингни кўрдим. Агар ҳайвон бўйин берсин десанг ҳамиша қўрқувда тутиш керак.

— Секин-секин кўникапти...

— Аввал бўйнингни синдириб, кейин кўникади... Бўпти, қалтирама, қалтирама. Сенга ҳеч ким тегмайди, — Сатаев Лочинга шундай деди-да, папирос қолдигини оёғи билан эзди. Кейин Ягафарга қаради. — Қайсар бола экансан, билганингни қил. Фойдали иш топдим, деяётганга ўхшайсан. Сен бола, менга бундай қирғийқараш қилма. Менинг ўзим қирғийман. Сендақаларни-чи... Қани юр-чи, ташқарида ўтириб бир гаплашиб олайлик.

— Вақтим йўқ.

— Ишинг қочиб кетмайди, юр, юравер.

Сатаев ҳовлига чиқиб, йўғон хода устига ўтирди-да, бармогини ниқтаб Ягафарга ёнидан жой кўрсатди.

— Бундай қарасам, тиришқоқ, ақлли болага ўхшайсан. Ужарлигинг ҳам бор... Лекин нимагадир гўнга беланиб юрибсан. Бир қарасам, Ҳалиуллага эргашиб паншаха кўтариб оласан, бир қарасам, айғирнинг тагидан чиқмайсан. Ахир сен эсли-ҳушли боласан-ку?

— Унда нима иш қилишим керак?

— Ҳалиулла... У кекса партизан сени нималарга ўргатапти ўзи? Ҳа, ўзи кашф этган раҳмдилликками ё меҳр-оқибатгами? Урушнинг тугаганига анча бўлди, Ҳалиулла милтигини аллақачон яшириб қўйган. Лекин оғайни, бу дунёда меҳр-оқибат ош-нон бўлмайди. Биз бу ҳокимиятимизни қон ва куч билан ушлаб қолганмиз. Бўлмаса, колчаклару, деникинлар, ҳар хил қулоқлар бизни аллақачон суробимизни тўғрилаб қўйишарди. Фашистлар эса...

— Сатаев оға, ахир фашистлар Испанияда-ку?!

— Испанияда дейсанми? — Сатаев худди орқасида фашист тургандай чўчиб, ўгирилиб қаради. — Устинг ҳам, сен ҳам бурниларинг остидаги нарсани кўрасанлар фақат. Йўқ, одамларнинг кўзини очиб қўйиш

керак. Ҳозир олижаноблик ўйини ўйнайдиган вақт эмас... Мен ҳам бир вақтлар раҳмдил эдим, ана энди шунинг касрига отларнинг сассиғини ҳидлаб юрибман. Бўйин эгмаганларни... Э, мен сенга гап уқтирмақчиман-а. Отнинг думига ёпишиб олиб, ҳаётни кўрмақчимисан? Ҳалиуллага ўхшамоқчимисан? Унинг саҳийлиги қайсарликдан ҳам баттар. Кўзингни каттароқ оч, бола!

Сатаев папирос тутатганича Ягафар тушунадиган, тушунмайдиган гапларни айтиб ташлади-да, бир оз кўнглининг чигилини ёзди.

— Ҳар қолда биз жиловни ҳаддан ташқари бўш қўйдик. Қаттиқроқ тортиш керак эди!..— У шундай деб хўрсингач, ўрнидан турди.

Лочинни пойгага қўйиш ҳақида қарор қилинган, чавандозликни ҳеч иккиланмай Ягафарга топширишди. Ягафар Ҳалиулла бобо билан биргаликда айғирни пойгага тайёрлай бошлади.

Сабантўйга музофотнинг манман деган пойгачилари келганди. Чавандоз болалар ҳаяжонларини яширолмай, қамчиларини ўйнатганича отларини кутишди. Улар одамларнинг шод ўйин-кулгисига ҳам, полвонларнинг курашига ҳам бефарқ қарашди. Ҳаммасининг фикри-зикри бўлажак пойгада. Кутавериб тоқати-тоқ бўлган чавандоз болалар бир чеккада турган Ягафарни кўриб, унинг жигига тега бошлашди.

— Э, бултерек<sup>1</sup>,— деди ўзини катта олаётган болалардан бири.— Анови ёққа борсанг-ку, ҳеч бўлмаса битта тухум ютардинг.— У шундай деб сал нарида югуриш мусобақаси бўлаётган ерни кўрсатди.— Қирчангингдан тушиб қолсанг, бу тўс-тўполондан сени ким қидириб топади?

— Қўлидаги нима? Қамчинми?— деди иккинчиси дўстини қувватлаб.— Ҳа, мол ҳайдайди шекилли?

— Қани, бир кўрсат-чи,— деди учинчиси,— чиптадан тўқилганми? Қўштеракда чипта жуда сероб-да.

Ягафар бошқаларга нисбатан кўпроқ ҳаяжонда бўлгани учун жавоб бермади. Фақат ҳалиги бола

<sup>1</sup> Езда тугилган қўзи ёки улоқча.

чармдан тўқилган калта дастали қамчинига қўл узатганда чидаб туrolмади.

— Сен аввал қўлингни Уфанинг атирсовунида беш марта ювиб кел. Кейин бу қамчинни ушлаб кўрасан!

Бу гапни эшитиб болалар кулги кўтардилар. Уни баттар калака қилаётганларида «Отларни олиб келиш-япти!» деган овоз янгради. Барчаси она товуқ чинқириғига бўйсунган жўжадай овоз келган томонга пилдираб қолишди.

...Тўрт йилдан бери пойгада сўз бермай келаётган бияни Лочин ярим йўлда қолдириб кетди.

Маррага биринчи бўлиб етиб келган Лочин пишқирганича олд туёғи билан ер таталаётганда одамлар уни ўраб олишди. Уша заҳоти район ҳарбий комиссари одамлар орасини ёриб ўтди-да, айғирнинг ҳали у ёнидан, ҳали бу ёнидан қараб тери қотмаган сағринига уриб қўйди.

— РККА!<sup>1</sup>— деди қатъий оҳангда.

Тугун қанчалар таранг боғланса, шунча кичик бўлади. Ҳарбий комиссарнинг манъа шу қисқа сўзи Лочиннинг тақдирини мамлакат тақдири билан боғлаб қўйди. Унинг шу овул атрофида айланиб юрган ҳаёт сўқмоғи бир сапчишда кўз илғамас йўлга бошлаб чиқди...

«Тақдири азал, деганлари шу экан-да. Лочиннинг суяклари қаерда чиришини ўша топда ким хаёлига келтирибди экан?» Ягафар уфқнинг чайқалиб турган сарҳадига тикилди. Назарида гўё тезкор вақт ёқасида кўп йил аввал ташлаб кетилган соҳил кўринади-гандай бўлди. Э, йўқ, унга шундай туюляпти. Бу соҳилга учқур қуш тугул, ҳатто нигоҳи ҳам етолмайди-ку. Ҳа, вақтнинг оғир, бераҳм ғилдираклари Лочинни ҳам, унинг шуҳратини ҳам эзиб ўтди. Фақат қалбни соғинчдан ўртовчи хотираларгина қолди.

## 2

Пешинга қадар ерни қовжиратган қуёш Ягафарнинг нохуш ўйларига ҳамдарад бўлгандай булутлар ортига яширинди. Қароқчи тоғ бағрида ола-чалпоқ қора кўланка сузди.

<sup>1</sup> Ишчи-деҳқон Қизил Армияси.

Лочин уруш оловида ёнди. Аммо унинг новдалари буткул куйиб кул бўлмади. Тўғри, сурхчалар кўпаймади, гуркираб ўсмади ҳам, аммо куртак ниш урди. Мана, унинг авлоди бўлмиш Малла ҳам қаторга кириб қолди. Ким билади, балки аждоди шуҳрати билан беллашишга ҳам қодир бўлар. Кўриниши, феъли қуйиб қўйган Лочиннинг ўзи. Ҳар қандай одамни ҳам ёнига йўлатавермаслиги, кўнгли хушлаган одамга эса бош эгиши ҳам Лочиннинг ўзгиси.

«Ҳаддан ташқари шайдо бўлиш ҳам ярамайди». Ягафар шундай деб ўйлаб кулимсиради. Ҳар ҳолда жониворнинг ичидагисини билиб бўлмайди. Кейин унга ҳавас қўйиб юрасану вақти келганда қайсар феълени намоёиш этиб, панд беради. Бу Малла шайтон тушмагур Ягафарнинг ўзини ҳам шарманда қилди-ку!

Ушайда сойдан келишаётганди. Малла ююшгина бўлиб қолганди. Муюлишда обкаш кўтарган Галия кўринди-ю, эринибгина қадам босаётган Малла орқа оёқда тик туриб, пишқирди-да, елиб кетди. Бу ҳам етмагандай ирғишлай бошлади. Нима гаплигини англаб етмаган Ягафар тупроқ устига йиқилди. Айғир эса — яна ёввойи эмиш! — югуриб кетиш ўрнига бошини эгиб хўжайинининг ўрнидан туришини кутди.

Ягафар туришга чоғланди-ю, аммо кўкрагини чангаллаганча ҳушидан кетди. Шу зайлда касалхонага тушди. Галиянинг ўрнида бошқа аёл бўлса ҳам алам қилмасди.

Уни қарангки, Салоҳ қашқирнинг ўғли Маллани бутунлай жиловлаб олибди. Бошқалар эгар уриш у ёқда турсин, яқинига йўлолмасди. Бола эса... Талха, «мулла минган эшакдай», дедими? Ҳа, бола чапдаст чиқди. Зотига тортган-да...

Шу гап хаёлига келиб, Ягафар ўрнидан туриб кетди. Ичини хафалик, йўқ, пушаймонга ўхшаган бир нарса тирнади. «Уни қаранг-а!» деб гудраниб пахта туша бошлади. Маллага нисбатан уйғонган хафалиги уни яна хаёлан ёшлигига бошлади. Ёшлигида кезган йўлларнинг қай бирига қарамасин Лочин изларини кўради. Бу тилсиз жонивор Ягафарнинг қалбига туёқлари билан бир умрлик қайғу тамғасини босиб кетган.

...Пойгадаги ютуқдан кейин Ҳалиулла бобо Ягафарни кафтида кўтариб юрадиган бўлди. Колхоз правлениесига бориб, у ердаги хасис раҳбарлар билан тала-

шнб-тортишиб, Ягафар учун меҳнат куни ёздирди. Кейин Лочинга бошқа бирон тирик жонни яқинлаштирмади. Лочин райондаги сабантўйда кетма-кет икки марта голиб чиққач, уни Уфадаги катта пойгага тайёрлай бошлашди.

Икки йил ичида Ягафар анча улғайди. Мўйлаби сабза урган кенг елкали, бақувват йигитчага айланди. Шунинг учун Лочинни пойгага соладиган бошқа бола топишга тўғри келди. Ягафарнинг ўзи эса Қизил суворийлардан бўлган Темирбойдан айрим усулларни билиб олиб Лочинни ҳарбий хизматга ўргатишга киришди. Жонивор бу борада ҳам анча фаросатли чиқиб қолди. Чавандозга зийраклик билан қулоқ соладиган, оловдан ҳам, шовқиндан ҳам қўрқмайдиган, ҳатто юк машинасию трактордан ҳам чўчимайдиган бўлди. Четан деворлардан энгил қушдай ошиб ўтишни ўрганди.

Ҳалиулла бобо Ягафарнинг ҳаракатларини кўриб: «Отни сийлаганни худо сийлайди», деб қўярди. Лочин отхонадан чиқиб, ер депсиниб, бошини шўхчан силкиб гижинглаб турганини кўрганда эса: «Дунёда гўзал нарса кўп, аммо отдан ўтадигани йўқ», дерди фахр билан. Ягафар ҳамма нарсани унутиб, Лочинни Уфадаги пойгага тайёрларди. Шогирдидан унинг кўнгли тўк эди. Бола қўл узатса отнинг ёлига аранг егарди-ю, аммо эгарда елимлаб қўйгандай ўтирарди. Ягафар йўқлигида отнинг ем-сувидан бохабар бўлиб, сайлга ҳам олиб чиқарди. У ҳам Ягафар сингари кун санаб катта пойгани интизорлик билан кутарди.

Бироқ катта пойгада чопиш Салоҳга насиб этмади.

Пешонага ёзилганидан қочиб қутулолмас экансан. Тинч кунларда ҳам чавандоз бошига ташвиш, от бошига эса кулфат тушиши мумкин экан. Ҳаёт осойишта, кўнгли хотиржам кунлар; белни маҳкам боғлаб, энг шимариб, аини ишлайдиган замон эди. Шунинг учун ҳам бехос келган бу кулфат Қўштеракни гангитиб қўйди.

Уфадаги пойгага саноқли кунлар қолганди. Правление қарорига кўра Лочинни Ҳалиулла бобо билан Ягафар кузатиб борадиган, Темирбой эса колхоз вакили сифатида қатнашадиган бўлди. Салоҳнинг отаси аввалига айёрлик қилиб: «Ўғлимни узоқ жойга юбормайман», деб туриб олди. Кун бўйи давом этган тортишувлардан сўнг делегацияга уни ҳам тиркаб қўйиш-

ди. Бир жиҳатдан унинг ташвишланишида жон бор, қайси ота боласини юз чақиримлик йўлга индамай кузатади. Қолаверса, пойгани кўриш имкони туғилиб турган пайтда... Хуллас, аравага қўш от қўшиб, тўрт кун бурун йўлга чиқамиз, деб келишиб олишди.

Кетиш арафасида Ягафар саҳар уйғониб, отхонага, Лочиннинг ёнига югурди. Девор остидаги тўнкада соқолини тутамлаб ўтирган Ҳалиулла бобони кўриб, дастлаб ажабланмади. Чунки чол аксар қолларда тонгни шу зайлда кутиб оларди. Ягафарнинг қарияга берган саломи аликсиз қолди. Ана шундагина йигит ташвишланиб, бобони саволга тутди. Чол унинг саволларини эшитиб, жавоб беришни истамай отхонанинг очиқ дарвозасини кўрсатди.

Ягафар шунда ҳам ҳеч нимага тушунмасдан Лочиннинг охурига югурди. Айғир жойида кишнаб турибди. Ягафар чуқур тин олиб, унинг бўйнидан қучоқлади. Лочин эркалаб тумшугини чавандознинг елкасига қўйиб, қўйлагини ямлаб тортганча шўр нон талаб қилди. У сувлиқдан бош товламади, ёғоч полни дўпиллатганича тоза ҳавога, ёруғликка талпинди. Лочин юганга осилган Ягафарни ташқарига олиб чиқиши билан чол унинг йўлини тўсди. Елкасига бир қоп сули кўтариб олган Ҳалиулла бобода тушкунликдан асар ҳам қолмаган эди. Қатъий ҳаракатидан, ҳурпайган соқолидан бир қарорга келгани аниқ эди.

— Йў-ўқ, бошим омон экан, жониворларнинг увол бўлишига йўл қўймайман. Йўқ, йўл қўйиб бўпман! — чол титроқ овози билан шундай деб қопни ерга қўйди. Деворда осиглиқ терликни олиб, Лочиннинг устига ташлади-да, эгар урди.

«Чол эсини еб қўйдими? Нимага эгарляпти? Ахир от пойгага тайёрланыпти-ку?!» Ягафар ҳеч нимага тушунмай Ҳалиулла бобога бақрайиб қолган эди.

— Бобо, тўхтанг... — Ягафар шундай деб эгарга қўл юборди.

Бироқ қария жаҳл билан унинг қўлини силтаб ташлади. Айилни маҳкам тортиб, эгар қошига қопни осди.

— Иш деган мана бундай бўпти. Жониворни биринки кун кўздан яшириш керак. Уйга кириб, егулик нарсангни ол-да, ҳаялламай Қароқчи тоққа жўна.

Ягафар ўзини бутунлай йўқотиб қўйди.



— Нима, эртага йўлга чиқмаймизми? Пойга нима бўлади?

— Пойга эмиш. Оғзимиз ошга етганда бурнимиз қонайдиган бўлиб турибмиз. Пойгангни қўятур, жониворни тирик сақлаб қололсак ҳам катта гап.

— Узи нима бўлди, ахир, айтсангиз-чи?

Бобо кутилмаганда хунук сўкинди-да, ёнига тупурди.

— Нима бўлди дейсанми?! Буни мен сендан сўрашим керак. Манқа тарқабди. Билдингми? Ит эмган Сатаев келди. Тузатиб бўлмайди, дейди. Райондан қоғози бор экан. Жониворларни отиб ташлаш керакмиш. Бўлмаса касал бутун музофотга тарқармиш. Ухлаб ётган маҳалингада ўн бешта отни Иблислар маконига ҳайдаб кетишди.

Бу хабарни эшитиб, Ягафарнинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Лочинни ҳам олиб кетмоқчи бўлишдими?..— Ягафар чўчинқираб саволни беришга берди-ю, ишқилиб чол тасдиқ маъносида бош ирғамасин деб юрак ютди.

— Ҳа, Лочинни ҳам олиб кетишмоқчи эди,— деди Ҳалиулла бобо унинг бутун умидини чиппакка чиқариб.— Лекин ҳеч бири унга яқинлаша олмади. Жониворнинг кўнгли сизди чоғи. Кейин қоронғида чироқ кўтариб киришувди, қутургандан баттар қутурди.

— Қолганлари-чи?

— Қолганларими? От деса жонини аямайдиган Темирбой бир чеккада хўрсиниб: «Илож қанча, Сатаевнинг қўлида муҳрланган қоғоз бор», деб турибди. Ана шунақа одамлар ҳам бор, ўғлим. Бир қарасанг, кўкракка муштлаб катта кетади. Бир қарасанг, арзимаган қоғозни кўриб думи қисилиб қолади.

Ягафар бошини қуйи солганча, ердан кўз узмай эгарга ўтирди. Отни жойидан жилдириб, қарияга умид кўзи билан қаради.

— Оғзингни юм,— деди қария,— Сатаев ҳид олиб қолса ер остидан бўлса ҳам топади. Қароқчи тоғнинг кунботар томонидаги ботқоқликка бор. Уша ердаги калин чангалзорларда яшириниб тур.

Қишлоқ этагига чиқиш билан йўл иккига айрилди. Бири ўннга, кунботар томондаги чангалзор ва ботқоқликка элтади. Иккинчиси эса чапга, машириқ томонга,

тошлоқ ердаги дарахтзорга олиб боради. Ягафар жиловини тортиб, отни тўхтатди. Худди эртақлардаги ботир сингари қайси йўлга юрсам экан, деб кафтини соябон қилиб, атрофга тикилди. «Ўнга юрсанг бахтингни, чапга борсанг ажалингни топасан...» Ягафар Ҳалиулла бобонинг ўгитини унутиб, отни чапга бурди.

Вақт — шамол, вақт — қуш, дейдилар. Ҳақ гап. Яна вақт энг яхши табиб деган нақл ҳам бор. Бу ҳам тўғридир балки. Аммо кеча-кундуз, на уйқу, на чарчоқ нималигини билмасдан ғимирлаб қақшатувчи хотирага шифо топиб бўлармикин? Кунлар ўтади, ойлари, йиллар ҳам ортда қолади, босиб ўтилган йўлдаги изларни шамол ялаб, текислаб ташлайди. Ҳатто баъзи мусибатларингга шерик бўлган одамларнинг юз кўринишини ҳам унутасан. Йўқ, сенга фақат шундай туюлади. Аслида улар унутилмайди. Аксинча бу хотира юракнинг қай бир бурчагида биқиниб олиб, бош кўтаришга пайт пойлайди. Агар ўтмиш воқеалар йил ўтган сайин хотирадан ўча борганда эди, Ягафарни ҳозир ўттиз беш йил орқага тортмаган, бошқа йўлга бурмаган бўларди...

Ягафар бутунлай ўзга ташвиш сабаб бўлиб, касалхонадан барвақт чиққан бўлса-да, овулга эмас, Иблислар макони томонга бурилди.

Бир оз юриб борди-да, тўсатдан тўхтади. Трактор эзиб кетган ниҳолларни кўриб, кўзларини юмиб олди. Ниҳолларни ўтган баҳорда кўчатзордан олиб келиб, қадим ўрмонни тиклаш мақсадида ўтқозишган эди. Қайси бир бефаҳм, бефаросат, бераҳм эндигина барг чиқарган қатор ниҳолларни ер билан битта қилиб кетибди. Ягафар тиз чўкиб мажақланган ниҳол қаддини ростлади. Ҳатто, ниҳолнинг тошга ёпишиб қолган нолик пўстлогини ҳам эҳтиётлик билан ажратиб олди. «Педарига лаънат бу тошбағирнинг. Бунақа одамларнинг кўкрагида юрак эмас; ириган парча гўшт бўлади. Тракторни беш қадам наридан олса ўлиб қолармиди?!» Ягафар ана шу аламли ўйлар билан ниҳолларни санади. Ўттиз иккита чиқди. Ўттиз иккита-я! Бунақа жойлар учун бу бутун бир бойлик-ку! Йўқ, Ягафар бу ит эмганини топади. Топиб, таъзирини беради, албатта!

Мана шу воқеага гувоҳ бўла туриб, табиат мангу, барқарор дея олиш мумкинми? Агар бутун ер юзига

нисбатан айтилса, балки ўринлидир. Биреқ, ўз ихота-зорингга, болаликдан юракка ўрнашган ўрмон ва сувларга қараганда бу мангулик тушунчаси диққат марказингга турармикин? Одамлар, ахир атрофингизга зийракроқ бир назар солинг: биз ўсиб улғайяпмиз, томир отиб кўпайяпмиз, болалигимиз ўрмони эса тобора сийраклашяпти. Тоғлар бағри бўшаб, сувлар лойқаланяпти. Ҳайвону қушлар ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Ер қарияпти, дейишади. Агар бу гап чин бўлса, демак, меҳрибон она ақлсиз болалари туфайлигина қарияпти. Нима учун у ўтган асрларда эмас, биз яшаётган замонда қарий бошлади? Буни ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Мана, Иблислар маконининг фақат хунук номигина қолди. Бир вақтлар оч ваҳший жағидек очилиб, ютаман деб турган жар офзи юмилган. Буталар қуриб, қирғоқлар емирилиб кетган. Ҳатто, катта харсанглар ҳам ерга сингиб, кичкина тошларга айлангандай. Бу энди табиий офат деган тамға билан оқланадиган иш. Хўш, қолгани-чи? Анови чуқурликлар ўрнини эгаллаб ётган теракзор қани? Ўрмонзор ўрнида бешолти қуриб қуримаган, яшнаб яшнамаган дарахт қолганини нима билан изоҳлаш керак?

Савлат тўкиб турувчи эманлар, харсанг остидан жимирлаб чиқувчи булоқ сувлари қани? Бу саволларга ким жавоб беради? Ҳеч ким! Ҳамма айбни вақтга юклайди. Вақтнинг тили бўлмагани билан бу ёлғон учун одамлардан аёвсиз ўч олади. Дарахтни кесдингми, сувдан умид уз. Сув кетдими тамом, қурт-қумурсқалар кўпаяди. Қолган дарахтлар тобора сийраклашади, натижада парранда-ю, дарранда ҳам бошқа ерлардан паноҳ излайди. Ана шундагина очкўз одам табиатнинг мангу эмаслигини, инсонга нажот кўзи билан мўлтиллаб қарашини тушуниб етади. Ҳа, айб вақтда эмас, табиатни гуллатадиган ҳам, бўғиб ўлдирадиган ҳам одамнинг ўзи!

...Бу ниҳоллар ўрни қалин ўрмон эди. Ушанда чапга бурилганда Ягафар дарахтларни оралаб ўтганди. Ҳалиулла бобо: «Сатаевнинг кўзига кўринма», деб қағтиқ тайинлаган бўлса-да, ўзини қўлга ололмай отни беихтиёр Иблислар маконига бурди. «Бу қапақаси бўлди, сени чўчитишса, бўйнингни ҳам қилиб қочаверасанми? Э, йўқ, шунча жониворни отишга қандай қў-

ли борар экан. Йўқ, йўқ, бўлиши мумкин эмас. Мумкин эмас...»

Лочин бир меъерда йўрғалаб борарди. Атроф сокин, осойишта эди. Бирдан бу тинчликни ўқ овози бузди. Ягафар сесканди. Отнинг жиловидан тортди. Кейин нима воқеа юз берганини фаҳмлаб умрида биринчи бор жониворга қамчи босди. Иблислар маконига етмай отдан ирғиб тушди-да, Лочинни дарахтга боғлади. Шу пайт яна ўқ овози янгради.

Ягафар қалин шохлар остидан эгилиб, сурхчаларни нари-бери суриб, ялангликка чиқди. Чиқди-ю, юрак ютиб қотиб қолди. Икки киши отни тизгинидан ушлаганча уни катта ўра оғзига тисариб олиб борди. Малла бия ўлимга маҳкум этилганини сезиб, депсинар, орқа оёқларига тиралиб олар, тинмай пишқирар эди. Бошига ташланган мато сурилиб кўзлари қинидан чиқай деб чўғланарди. Сатаев оёқларини керганча қўлидаги милтиқ оғзини тепага қаратиб, отишга пайт пойлаб турар, орқага ўгирилмаган ҳолда кимгадир мушт ўқталиб қўярди. Ягафар ўша томонга қараб, катта харсангни паналаб турган икки болага кўзи тушди. Бола халқи ҳам қизиқ, ҳали овул уйғонмай туриб улар қандай ҳид олиб келишди экан?

Ягафар чидаб туrolмай бақириб юборди-да, қўлларини силкиганча югуриб бориб хансираган бир аҳволда Малла бияни тўсиб, Сатаев рўпарасига туриб олди.

— Ҳа, сенмисан? Айғирни олиб келдингми? Баракалла, — деди Сатаев ўз гапига ўзи ишонмаган тарзда.

Ягафар жавоб бермай Сатаевга еб қўйгудек бўлиб тикилди. Кейин сапчиб унинг қўлидан милтиқни тортиб олди-да, чуқурликка отди. Милтиқ тошга урилиб, ўқ узилди. Бия қаттиқ кишнади-да, орқа оёқларида тик туриб ҳалиги одамларнинг қўлидан чиқиб қочди. Ундан ўрнак олган бошқа отлар ҳам сапчиб тизгинни уздилар-да, дуч келган томонга қараб югуриб кетдилар. Сатаевнинг икки ёрдамчиси сўкинганча уларни туттиш учун югурди. Қияликнинг нариги ёнбағридаги майда тошлар ўқ зарбидан ҳамон шовиллаб тўкилади. Тизгинни узолмаётган бия типирчилайди. Яланглик бўшаб қолган, ҳатто болалар ҳам яширинишган. Фақат Ягафар билан Сатаев юзма-юз турибди.

Сатаев аввалига шошиб қолди. Нигоҳини Ягафардан олиб, дарахтлар орасида бир-бир кўздан йўқолаёт-

ган отларга қаради. Кейин яна йигитчага тикилди. Сатаевнинг қарашлари даҳшатли эди. Ҳатто ғазабга берилганда ҳам кўзлари чақнамас, ўйнамас, балки ҳаддан ташқари вазмин боқарди. Сатаев Ягафарга пича шу ҳолда тикилди. Кейин ғазабини ютолмай йигитчага мушт туширди. Ягафар уч қадамча нарига учиб тушди. Нафаси қайтди. Туришга чоғланган онда Сатаев келиб, ёқасидан олди.

— Сени бу ерда ким юборди, итвачча! Жонингни суғуриб оламан, ҳароми! Суякларингни қамоқда чиритаман!

Сатаев шундай деб хириллади-ю, бирдан нигоҳини бошқа томонга олди. Худди тегирмон тоши айлангандай бўлди. Энг қўрқинчлиси ҳам шу эди. Сатаев худди йигитчани кўрмаётгандай эди. Ягафарнинг назарида у, яъни Ягафар, чинданам бу ерда йўқдай, энди уни бўғмаса ҳам бўладигандай туюлди. Шу пайт беҳос Лочин кишнаб юборди. Тегирмон тоши асл ҳолига қайтиб, Сатаев яна Ягафарга тикилди.

— Ҳа, жуда соз... Шу ерда экан-да Лочининг... — Сатаев шундай деб Ягафарни чангалидан чиқарди-да, овоз келган томонга юрди.

«Тур, Лочинни ҳимоя қил! Ялмоғиз унинг жонини суғургани кетди!» Аммо Ягафар ҳатто қимирлай олмади ҳам. Қўл-оёқларига оғир тош бостирилгандай эди. Яна уринди, йўқ, туролмади. Эмаклаб бўлса ҳам Лочиннинг олдига бориши керак.

— Тур, тезроқ тура қолсанг-чи, тур тезроқ, — кимдир шундай деб шивирлади. Ажаб, ким бўлди? Ягафарнинг ўзи ўзига гапирмадимикин? Йўқ, овоз яна келди: Ягафар оға, тезроқ, тура қол!

У кўзини очди. Қаршисида чўнқайиб ўтирган Салоҳни кўрди. Йиғлаб, нимадир деб унинг қўлидан тортади. Бироқ Ягафар боланинг сўзларига тушунмайди. Ҳали болаларга тузукроқ қарамабди. Демак, уларнинг бири Салоҳ экан-да.

Ягафар аранг ўрнидан туриб, бир-икки қадам босди. Босди-ю, қуриб қолаёзган томоғини ушлаб тўхтаб қолди. Чуқур нафас олмоқчи эди, оғриқ азобидан инграб юборди.

— Ма, қамчинни олвол, — деди Салоҳ унга далда бўлиб.

Ягафар базўр қадам босган сари фикри ойдинла-

ша борди. Сатаевнинг бесўнақай гавдаси дарахтлар ортида кўринди. У тизгинни ечиб олишга улгурган, энди отни бор кучи билан тортарди. Лочин эса орқасига тисарилиб, бошини силкиб унинг чангалидан чиқиб қочишга интиларди. Айғирнинг пишқиришини Сатаевнинг хирилдоқ овози босиб кетди:

— Уҳ, палид!.. Ана энди кунинг битиши аниқ. Ҳой, анқовлар!— Сатаев атрофга аланглаб, югурдаklarини чақирди.— Милтиққа сочма ўқ жойла, тезроқ олиб кел!

Сатаевнинг буйруғи жавобсиз қолди. Унинг ёрдамчилари отларни беҳуда қувиш билан овора эдилар.

Ягафар отнинг орқасига туриб олди. Сатаев жим бўлди. Кўзлари энди худди ғазабланмаган, бақирмаган одамдай боқди. Кейин айғирга тикилди. Лочиннинг баданида титроқ турди. Сатаев нигоҳини отнинг бадани бўйлаб юргизиб, Ягафарга қадади. Бир нафас ниманидир ўйлаб турди-да, кутилмаганда жилмайди.

— Баракалла, ма, ол, ўзинг бошлаб бор.

Улар шу зайлда бир-бирларидан кўз узмай қолишди. Атрофга сокинлик тушди. От ҳам пишқирмай қўйди. Бирдан Сатаевнинг юзи яна буришди. Яна нигоҳини бошқа ёққа бурди. Ягафар пайғни қўлдан бой бермай, кўзларини қисганча, қулочини кенг ёзиб, отга бор кучи билан қамчи урди-да:

— Уч, Лочиним!— деб бақирди.

Қамчи зарбидан жониворнинг ўмрови ҳам қисирлаб кетгандай бўлди. Айғир орқа оёқларига ўтириб қолди. Худди фарёд солгандай аламли кишнади-да, қанот чиқаргандай учди. Чалқанча йиқилган Сатаевнинг юзига тўкилган барглар қўнди.

Ягафар урушдан кейин зоотехниклар курсида ўқиб юрган кезлари тарих муаллими бўларди. Урушнинг ҳамма азобини тотиб кўрган, қайта-қайта яралангани етмагандай ҳаётнинг барча аёвсиз ўқлари бағрини илма-тешик қилиб юборган бу кекса жангчи дарс сўнггида «Тарих деб аталмиш қуш» ҳақида сўз очишни яхши кўрарди.

— Ана шунақа, йигитлар,— дерди у нигоҳини сарбасар кездириб,— тарих деб аталмиш қуш чарчоқ нималигини билмай жуда баланд учиб, ердаги ҳар бир

ҳаракатни кузатади. Ёмонлик унинг назаридан қочиб қутулолмайди. Хайрли иш эса унинг қанотларига қувват бахш этади. Ҳар бир эзгулик қушнинг қанотларига бир пат бўлиб қадалади. «Эзгулик истайман», деб қуруқ гапириш бефойда. Хайрли ишни амалда ба-жариш зарур. Қадимда бир подшо: «Мен яхшилик истайман, фақат фуқаро англаб етмаётир», деган экан. Бундай «эзгулик»нинг оқибати ойдин. Ҳеч шубҳасиз, қадимда ҳам хайрли ишлар мавжуд эди. Қани, келинлар, ўшаларнинг баъзиларини эслаб кўрайлик...

Кечагина жанггоҳдан қайтган, яхшилик билан ёмонлик нималигини қонли майдонларда ажрата олган собиқ аскарлар учун қанот ва патлар ҳақидаги бу ҳикоя бир оз кулгили, ҳатто эриш туюлган эди. Орадан йиллар ўтиб кўп нарсалар хотирадан кўтарилди.

Аммо тарих муаллимининг бу ҳикоялари хотирани тарк этмади...

Ягафар ҳозир ҳам қанотга қувват берувчи патни эслади... Эзгулик... оддийгина ибора. Бошқа сўзлар каби қўлда тутиб бўлмайди. Аммо, оғирлиги бўлмасда, ўлчови мавжуд, жисми йўқ, лекин қалби бор. Ўша муаллим: «Унинг ўлчови ва қалби одамларга хизмат этишда маълум бўлади», дейишни яхши кўрарди.

Аслида бу ҳикмат у қадар мураккаб эмас. Кимга ва нима учун яхшилик қилишни билиш унинг мағзики ташкил этади. Балки ҳозир унинг йўлини кесиб чиққан илоннинг ҳам нияти ёмонлик бўлмагандир? Сатаев-чи? У ҳам нимагадир ишониб, нимагадир интилаганди. Аммо, бу интилишлар уни нурли манзилга эмас, аксинча ботқоқ сари бошлади. Сатаевда тушуниб бўлмайдиган шиддат бор эди. Унинг назарида одамлар шу шиддат даражасига кўтарила олмадилар, интилишини англамадилар. Одамларни нимагадир ўргатмоқчи бўлди-ю, аммо оқибатда уларни тушунмасликда, ожизликда, меровликда айблаб, ғазабга минди. Натижада ёмонотлиқ бўлди. Худди Иблислар маконини ўт-ўлан, могор босгани каби, унинг номи ҳам нохуш хотиралар остида қолди. Баъзан гап келиб қолса, Ягафардан ёши улуғроқ одамлар уни эсларди, аммо номини тилга олиши билан оғзига ифлос бир

нарса теккандай туфуриб ташлашарди. Одамлар ўша пайтларда Иблислар маконига унинг номини бериб «Сатаев макони» деб ҳам юрдилар. Вақт ўтиши билан бу қўрқинчли ернинг асл номи қайтди. Афтидан иблис Сатаевдан даҳшатлироқ бўлса керак-да...

...Ягафар Лочинни зўрға тутиб, ўтиб бўлмас чакалакларни оралаб, мўъжаз ўтлоққа чиқди-да, оёғини арқон билан боғлаб қўйиб юборди. Ҳалиулла бобо кечқурун уни шу ердан топди. Овулда бўлган гапларни айтиб берди.

— Қариялар тўпланиб, бир маслаҳатга келдик-да, қишлоқ советининг раисига учрашдик, — деди у баямайлихотир ўтириб олгач. — Ўйлаб қарасак, раисни ҳам айблаб бўлмайдиган. Ўзи ҳам куйиб-ёниб ўтирибди. «Қўлимдан ҳеч иш келмайди, район ветеринари буюрган. Эртага қолган ўн иккита тулпорни ҳам отиш керак», дейди. «Лочинни ҳамми?» деб сўрасак: «Ҳа, уни ҳам», дейди. Биз индамай чиқиб келаётувдик, орқамиздан: «Ҳарбий комиссар билан гаплашиш керак, мен боролмайман, сиз — кўпчиликсиз, гапингиз ерда қолмайди», деди. Ана шунақа, ўғлим, айғиринини эгарла. Икковимиз ҳарбий комиссарга борамиз энди.

Ҳалиулла бобо чангалзор этагидаги отни ечиб, эгарга минди. Туни билан йўл босиб, эрта тонгда район марказига етиб келдилар.

Ҳарбий комиссар бобонинг бир меъёрда давом эгган узун ҳикоясини бўлмай, диққат билан эшитди. Бобо: «Ана шунақа, ўртоқ комиссар», деб сўзини якунлагач, телефон трубкасини кўтариб, Ҳафизов дегап кишига ҳозиргина эшитганларини бирма-бир айтиб берди. Киргандан бери лом-мим демай ўтирган Ягафарни бобо биқинига аста-туртди-да: «Райком секретари билан гаплашяпти», деди. Шундагина Ягафар ишлари ўнгидан келганини сизди.

Ҳарбий комиссар уларни мавҳум гап билан кузатди. Аммо овул элчиларни хушхабар билан кутиб олди. Ҳарбий комиссардан Қўштеракдаги воқеаларни эшитган Ҳафизов ўша заҳотиёқ телефон қилиб, отларни ўлдиришни бекор қилган экан. Касаллик белгилари бор олти айғирни уюрдан ажратиб, саройга қамалди. Лочинни эса район ҳарбий комиссиясига олиб бориш ҳақида буйруқ келди.



Ҳа, Ягафар ўжарлик қилиб касалхонадан бекор барвақт чиқди. Ҳали бир довон ошмай туриб, оёқлари зирқираб, бадани қақшай бошлади. «Ҳечқиси йўқ, уйга етиб олиб, ҳаммом бугхонасида бир яйрасам, ҳамма огриқ чиқиб кетади. Фақат шу довонни ошиб ўтсам бас... Бу йил яхши келмади. Дарёнинг таги кўриниб қолди. Ўтлар қовжираяпти. Яна бир ҳафта ёмғир ёрмаса нақ офатга рўпара бўламиз. Ёмғир ёгса табиат ҳам, одамлар ҳам яйраб нафас оларди...»

Ягафар ҳолдан тойиб, бужур харсангга ўтирди. Кўзларини юмди. Нимагадир тургиси келмади. Уни хасталик ёки ҳорғинлик эмас, балки хотира юки жилдирмаётганди. Қулоғи остидаги мис қўнғироқчаларининг жаранги тобора авжига чиқди. У яқинлашаётган одамни кўргиси келди. Аммо кўзларини очмади. Қўнғироқча эса жиринглайверди. Ягафар бу овознинг ўтмиш бағрини поралаб келаётганини биларди. Кўзини очгани ҳамон, эшитилмай қолиши ҳам унга аён эди. Шу боис хаёлларга эрк берди...

...Қароқчи тоғ белидан ўтган, ҳали нами қочмаган катта йўлдан қўш отли уч арава ёсради. Дуғаларга боғлашган ранго-ранг шокилалар шамолда ҳилпирайдди, эгар-жабдуқларининг безаклари офтобда ялтирайдди. Туёқлар зарбидан уваланган тошлар ҳар томонга сачрайди. Қўшиқ, гармонь овозлари тинмайди. Ёлларнинг пирпиратган тулпорлар бир-бирини қувиб ўтади. Чавандозлар қийқиришади.

Булар орасида Ягафар ҳам бор. У тенгдошлари билан ҳарбий хизматини ўтагани чақирилган. Тенгдошлари аравада, у эса Лочинда кетяпти. Ягафар тулпори билан бирга суворийлар қисмида хизмат қилади.

Мис қўнғироқча биринчи араванинг дуғасига илинган.

Ушанда қирқ биринчи йилнинг апрели эди. Ҳозир унга мис қўнғироқчанинг овози эшитилаяпти. Йилларнинг аёвсиз шамоли бу овозни заррача ўзгартирмаган. Овоз ўша-ўша: жиринг-жиринг, жинг-жиринг. Гармонь овози билан шўх қўшиқ қўнғироқча жирингига уланади. Шу музофотда ном чиқарган жингалак сочли Тошпўлат гармончи тиним билмай куйлайди. Ўнгитлар ҳали қандай кулфатларга дучор бўлишля-

рини билмайдилар. Нигоҳларини олдинга қадайдилару ортда қолган ёшликдан ўзга нарсани кўрмайдилар. Йигитлар хайрлашув онига хос маънос эмас, балки мардона қўшиқлар айтадилар. Узоқ йўлга чиқа туриб, қайтишнинг бахтиёр дақиқаларини орзу қиладилар.

Йўл бетида мунгайиб,  
Кузатиб қолди қайин,  
Худди шу йўлдан, яна —  
Қайтмоғимиз ҳам тайин.

Аmmo кўп йигитлар бу орзуларини ўзлари билан ўзга юртларда тупроққа олиб кетдилар. Кўпчиликнинг умиди дуғадаги қўнғироқча сингари жиринглади-ю, осудалик бағрига сингиб кетди. Ҳатто Лочиннинг ҳам қаноти қирқилди. Бегуноҳ жонивор Украинага чўлларида тупроққа бош қўйди.

Ёшлик ҳам учди кетди. Ўтган воқеаларни гоҳида тушми ё ўнг эканини ҳам ажратолмай қоласан. Илгарилари ҳақиқатга яқин туюларди. Энди эса булар фақат тушига кириб, дам дамга кўмилади, дам шодликка бурканади. Ягафар уфққа қарайди-ю, пойгадаги тулпорлар каби қувалашиб ўтаётган йилларни кўради...

Ягафарни гарбий чегарада турган суворийлар полкига жўнатишди. Кун суворийлик санъатини ошириш, сафда юриш, мерганлик маҳоратини эгаллаш машқлари билан ўтарди. Ягафар эндигина аскарлик ош нонига, одатларига кўника бошлаган дамда...

Саҳар чоғи эди. Уйқунинг энг ширин пайти... Улар эртеми, кечми уруш бошланиши муқаррарлигини билардилар. Аммо бу қадар тез, устига-устак, бехосдан бошланар, деб ўйламагандилар. Бу ҳам ҳаётнинг аёвсиз муаммоларидан бири. Устингга бостириб келаётган фалокатни кўриб-билиб турасан, ҳимояга шайланасан. Аммо бу фалокат пайт пойлаб, кўзингни шамғалат қилиб, бўғзингга чанг солганини сезмай қоласан. Уруш ширин уйқудаги суворийлар тақдирига шу зайлда кириб келди.

Уларни қаттиқ портлаш уйқудан уйғотди. Ҳали нима гап эканини билмаган аскар йигитлар йўл-йўлакай кийиниб, қуролларини олиб ташқарига чиқишган-

да, казарманинг бир учи ўт оғушида қолган эди. Ғалаговур, бақриқ-чақриқ орасида эскадрон командирининг: «Отларни олиб чиқинг, отларни!» деган буйруғи янгради.

Ҳамма отхонага югурди. Ягафар одатига кўра чаққонлик билан айғир устига аввал терликни ташлади, кейин эгар урди-да, даҳшатдан орқа оёқларини букиб, ўтириб қолай деяётган Лочинни ташқарига олиб чиқиб, айилни тортиб қўйди. Казарма устига шўнғиган самолётнинг увиллаши қулоқни қоматга келтирди. Уша заҳоти ташланган бомба отхонанинг бир қисмини учириб кетди.

Улови тирик қолганлар отда, бошқалар пиёда, баъзилар аравада шаҳарчани тарк этишга шошилар, қузғундай учиб юрган самолётлар эскадрон устидаги ўқ ёмғирини тиндирмасди. Қуёш бу сафар гўё олтин қали эмас, қип-қизил қонли нурларини заминга қадаб кўтарилди. Ҳарбий шаҳарчани ташлаб чиққан эскадронлар қуёш қад ростлаган чоқда баланд соҳил ёқасига тўлланиб, душман ҳужумини қайтаришга киришди. Дарёдан кўтарилаётган туман шаффоф сув юзини бир сидра силаб пастқамлик бўйлаб сузиб кетади. Дарёнинг у бетидаги қамишлар, тоғлар худди кечагидай оҳиста, беозор бош чайқайди. Аммо кечаги кун ўтли, оловли сарҳад билан айириб ташланганлиги, бу ўт-олов кунлар эмас, ойлар эмас, йиллар давомида беҳисоб одамларнинг ёстиғини қуритиб кетиши ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди.

Полк авжига чиқаётган шовқин-суронларга сергаклик билан қулоқ тутиб ҳужумга шай турар эди. Аммо кутилмаганда немислар дарё ортида эмас, шундайгина ўнг биқинларида пайдо бўлди. (Афтидан дарёнинг юқори қисмидан танклар ёриб ўтган эди.) Ягафарнинг эскадрони мўр-малахдай ёпирилиб келаётган немис пиёдаларини танклардан ажратиб, қириб ташлашга шайланганда чап томонда ҳам танклар кўринди. Полк исканжада қолди. Вироқ чаққонлик қилиб ёпилай деб қолган қопқондан чиқиб кетишга улгурдилар. Водийни қора оқим каби босган душман пиёдаларига эскадрон бас кела олмади. Улар саноқсиз пиёдалар устига шиддат билан ташланиб, сўнг тағ бир аҳволда чекиниб, полкка қўшилишган чоқда эскадрон яримлаб қолган эди. Полк гарчи соҳилдаги исканжадан қутулиб

чиққан бўлса-да, душманнинг катта ҳалқаси орасида қолиб кетган, тутқунликдаги бўридай ўзини ҳали у ён-ҳали бу ёнга уриб, қуршовдан чиқиш йўларини изларди.

Ярим кечада эскадронлар кичик бир дарёни кечиб ўтиб, узоқда қорайиб кўринаётган ўрмонга пастқамлик бўйлаб боришарди. «Чекилмасин, қаттиқ гаплашилмасин», деган буйруқ оғиздан-оғизга кўчди, баъзилар ана шу буйруқ баҳона бўлиб норози оҳангда мингирлашди.

— Ўз еримизда худди тулкига ўхшаб пусиб юрибмиз.

— Бизнинг танкларимиз борми ўзи? Нимага кўринмайди!

— Ҳеч бўлмаса кечаси тинч қўйишса бўларди...

«Гаплашилмасин!» деган буйруқ бу норозиликларга хотима ясади.

Командирларнинг бу эҳтиёткорлиги сабабсиз эмасди. Осмонда кетма-кет парашютчаларга осилган ёниқ ракеталар пайдо бўлар, душман самолётлари эса чекинаётган қисмларни таъқиб этиб, тиним билмай изғирди. Ҳали у ер, ҳали бу ерда пулемёт тилга кириб қоларди. Ярадорларни олиб бораётган аравачалар, тўрттадан от тортаётган замбараклар пастқамликдан чиқиб, ўрмон этагига яқинлашиб қолди. Яна бир ҳамла қилинса, ханжар қинига тушгандай бўлиб, ўрмон бағридан паноҳ топадилар. Ана шунини ўйлаб, жангчиларнинг руҳи озгина кўтарилди. Кундузги мағлубият, дарбадар кезиш аламларини қисман унутдилар.

— Майли, ҳозирча тутқаноғи тутиб тураверсин,— деди кимдир шивирлаб.— Асосий кучлар билан қўшилайлик, нақ онасини кўрсатамиз.

— Чиққан жойига олиб бориб, тиқиб келамиз. Сичқоннинг инини минг тангага ҳам ололмай қолсин,— деди иккинчи жангчи.

— Гаплашилмасин! — командирнинг бу сафарги буйруғи аввалгидай қатъий, кескин эмас, балки хийла юмшоқ чиқди. Шунинг учун гап-сўз тўхтамай, аксинча говур-ғувур, бўғиқ кулги бошланди.

— Бунга ўласанми, куясанми? — йигитлардан бири шундай деди-да, ўзини тутолмай, папиросини енгичига яшириб, тутатди.

Шу онда уларнинг ён томонида снаряд портлади.

Биринчи снаряд иккинчисини, учинчисини, хуллас, бутун бир оқимни чорлади.

Отлар кишнайди, аскарлар бақириб-чақириб югурдилар. Кимдир замбаракларини тортиб бораётган отларга аямай қамчи уриб сўкинади. Кимдир ёрдам сўраб нола қилади. Снаряд портлаган ер уюрма сингари юқори ўрлайди. Дам ўтмай осмондан майда темир парчалари, пачоқ бўлган арава ғилдираклари ёғилади. Баъзан булар ичида тилкаланган гавдалар ҳам кўринади...

«Урмонга, фақат ўрмонга» — ҳамманинг фикри зикри шу бўлиб қолди. Тўзиган эскадронлар ягона паноҳ масканига интилдилар. Бу орада портлашлар тиниб, орқа томонда отишма бошланди. Пиёда арьергард<sup>1</sup> немис автоматчиларининг йўлини тўсди. Автоматларнинг сайрашига милтиқ ўқлари билан жавоб бераётган йигитлар оқимини тўхтата олмай, чекина бошлаган дамда Ягафарнинг эскадрони арьергардга кўмаклашиш учун ташланди. Суворийлар тепаликни айланиб ўтиб, душманнинг ён томонидан зарба бердилар. Талвасага тушиб қолган автоматчилар бир зумда қириб ташланди.

Дастлабки ғалаба нашидасидан маст бўлган эскадрон изига қайтди. Ана ўшанда кимдир:

— Командир қани? Командир йўқ-ку? — деб қолди.

Отларни жиловидан тортиб, ён-атрофларига қараб, командирни чақирдилар. Жавоб бўлмади. Ҳозиргина, жанг маҳалида атроф ёп-ёруғдек эди. Гўё жанг тугани билан қоронғилик босгандай ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Ягафар билан яна икки отлик изига қайтди. Айғир кишнади. Эскадрон командирининг саман байтали олд оёқлари билан тупроқ титиб, безовталанар, аммо жойидан жилмасди. Командир эса ерда чалқанча тушиб ётар, дам-бадам инграб қўярди. Улар командирнинг ярасини текшириб ўтиришмади. Ягафар уни ўз отига олди. Суворийларнинг бири саманни етақлади.

Бир оз юришгач, командир қаттиқ ингради. Уни ерга қўйдилар. Ўқ нақ кўкрагига теккан экан. Ярани

---

<sup>1</sup> Асосий кучларни ҳимоя қилиб орқароқда юрадиган гуруҳ.

дарров чандиб боғлашди. Кейин командирни отга мингаштириб, суворийга боғлаб қўйишди. Иккинчи отлик эса уни суяди. Ягафар милтиғини шайлаб, кичик отрядни муҳофаза қилиб, орқароқда юрди. Тонг отай деб қолгани учун улар эскадронга етиб олишга шошилдилар.

Кичик дарёни иккинчи сафар кечиб ўтиб, тепаликка кўтарилишгач, нотекис йўлдан шошилмасдан ўрдакдай лапанглаб келаётган мотоциклчиларни кўришди. Бешта мотоциклнинг ҳар бирида иккитадан автоматчи бор эди. Улар тўғри отликларнинг йўлини кесиб келардилар.

Суворийлар паноҳ илинжида атрофга аланглаб, ўнг томондаги дарахтзор панасида оқариб турган саройни кўрдилар-да, отларга қамчи босдилар. Оқариб кўринган бино сарой эмас, ёғочдан ишланган, ҳали битмаган уй экан. Уйга етишлари билан Ягафар отдан ирғиб тушди-да:

— Кетаверинглар, мен чалғитиб тураман,— деб бақирди.

Лочин шерикларидан ажраётганини сезиб, дардли кишнади. Ягафар уни етаклаб, уй ичига олиб киргач, бўйнига эркалаб шапати уриб қўйди.

— Мана, Лочиним, бизга ҳам навбат келди,— деди у.

Уйнинг томи ёпилгани учун ичи қоронғироқ эди. Ходалар орасидаги елим ҳали яхши қотмаган, афгидан уй нари борса бир ҳафта илгари тикланган эди. Ягафарнинг елкасига отнинг илиқ нафаси урилди. Йигитнинг юраги орзиқиб кетди. Назарида деҳқоннинг шинам уйда тўкин дастурхон устида ўтиргандай бўлди...

...Ҳозир Қўштерақда кун ёйилган. Онаси туни билан мижжа қоқмай, ёлғизининг тақдиридан куюниб тонг оттиргандир. Умуман урушнинг дастлабки куни Қўштерақ, йўқ, фақат бу овул эмас, балки бутун мамлакат бедор чиққандир. Тонг отиши билан онаси челақни олиб, молхонага борган. Сутни соғиб бўлиб, сизирни подага ҳайдаган. Овулнинг барча аёллари шу баҳонада кўчага чиқишган. Ҳаммасининг кўзи қизарган. Елкасини оғир дард юки босган.

Ажаб, яхши ният билан уй тиклаган, кузда уй тўйи қилиш истаги барбод бўлган оила қаерда экан?

Нонсиз, бошпанасиз, бомбалар ва ўқлар ёмғири остида шарқ сари дарбадар кетаётганмикин?

Ҳозир уй томонга қараб ўқ узишади. Ўқлар Ягафар ёки Лочинга тегишга улгурмай, ҳали қуриб улгурмаган ходаларга санчилади. Балки телба ўқлар деворни илма-тешиқ қилиб ташлар.

Иккита мотоцикл тўнтарилиб тушгандан кейин, немислар тўхтаб уйни ўраб олишди. Ягафар сиртлондай ҳали у дераза, ҳали бу дераза томон сапчиб, ўқ узарди. Немислар уй ичида фақат бир жангчи борлигини фаҳмлаб аста бостириб кела бошлашди. Иккитаси телбаларча ўқ узиб турди. Қолганлари эмаклаб уйга яқинлашишди.

Ягафар уларни ўн дақиқача ушлаб турди. Лочин ер тепиниб, Ягафарни шоширгандай бўлади. Ҳа, энди жилишлари мумкин. Йигитлар ўрмон ичкарасига кириб кетишгандир. Аммо энди улгуришармикин...

У милтиққа сўнгги ўқдонни жойлади. Бир ўқдон— беш жоннинг уволи демак. Сўнгги ўқ отилгач, Ягафар милтиқни елкасига олиб, камарига осиглиқ икки гранатани чиқарди. Немислар масала ҳал бўлиб қолганини сезиб, ирғиб турдилар-да, уй сари югурдилар. Ягафар худди шуни кутиб турган эди. У газаб билан: «Насибангни ол, ҳароми», деб бақирди-да, гранаталарни кетма-кет ирғитди.

Чавандозининг ниятини англаб турган айғир эшик оғзига келди.

— Уч, Лочиним!

Айғир худди шу буйруқни кутиб тургандай юғуриб кетди. Ягафар эгар қошини ушлаб, ёнма-ён чопиб борди-да, чаққонлик билан ирғиб отга минди.

Эҳ, жонивор-а, яратган сени фақат қанотдан қисган. Агар қанот ҳам бергандами, сенинг олдингда энг учқур қуш ҳам ип эшолмасди. Уй билан ўрмон орасига тушиб турган ёруғлик дарахтзор ичкарасига кириши ҳамон яшин шуъласидай бир зумда сўнди. Шунда ҳам Лочин секинламади. Дарахт шохлари Ягафарнинг юзларига енгил қамчиндай урилиб, тирнаб юборди. Ҳуштак чалиб ўтган ўқлар новдаларни ширт-ширт узди. Борган сари ўқлар сийраклашди. Итнинг ҳуришига ўхшаган бақирчиқлар ҳам эшитилмай қолди.

Ягафар айғирни ҳеч нимага боғламай, уй бурчагида қолдирган эди. Бечора жонивор даҳшатдан ер тепи-

ниб, кўзларини жавдиратиб тураверди-ю, аммо эгасини ташлаб қочмади. Вақти келганда эса қуш бўлиб учиб, Ягафарни ўлимдан олиб чиқди. Қани, мана шундан кейин ҳам отни онгсиз жонивор сафида санашга кимнинг тили борар экан?

Ниҳоят полк қуршовни ёриб чиқиб, Житомир остонасидаги қишлоқда қўноқ бўлди. Адашган аравалар, аскарлар бирин-кетин келиб уларга қўшилди.

Гарчи полк ҳордиқ учун тўхтаган бўлса-да, аскарларнинг қўли-қўлига тегмасди. Лазарет остонасида ярадор жангчилар тўдаланган. Замбил кўтарган санитарлар бир зум тиним билмайди. Ким қуролини тозалайди, ким арава ғилдираklarини мойлайди, ким қудуқ бошида кир ювади, ким дала ошхонаси олдида ўтин ёради. Суворийлар эса аввал ўзларига эмас, отларга қарайдилар, тулпорларни ювиб-тараб ем бериб, айил ва терликни четан деворларига ёйиб қуриштиради.

Асосий кучлар билан қўшилган жангчиларнинг кайфияти анча кўтарилди. Ҳафта давомида на ҳордиқ, на иссиқ овқат нималигини билмаган йигитлар дала ошхонаси мўрисида тугун чиқиб, димоққа шўрва иси урилиши билан ҳазил-мутойибани бошладилар. Старшиналар тамаки улашиб чиқдилар. Овқат олдида «иштаҳа дори ҳам бўлади», деган гап тарқалди. Аскар халқининг қувониши осон, Ёйдиганини еб, ичадиганини ичиб, камарни озгина бўшатиб, қўлбола сигаретани тутатса, кейин бир-икки соат қоқ ер устида бўлса ҳамки, ухлаб олса бас — шу билан дунёдаги энг бахтиёр одам ҳисоблайди ўзини.

Ягафар ҳам этигини ечиб, пайтавасини ювди-да, офтобга ёйиб қўйди. Ўзи салқинга ўтиб ёнбошлади. Лочин аста кавш қайтаради, сал нарида кимдир қиличини чархлаяпти. Ягафар бир меъёрда эшитилаётган овозга қулоқ бериб ётиб, мудради.

Шу алпозда қимир этмай ётиб, қуёш магрибга бош қўйган маҳалда кўзини очди. Лочин ҳам кавш қайтара-қайтара ухлаб қолибди. Қўлбола охур атрофидан чумчуқлар галаси кетмайди. Қаердадир отга тақа уриляпти, болғанинг овози Ягафарни тинч-осуда кунларга қайтаргандай бўлди. Гўё Ягафар Қўштеракдан ҳеч қаерга кетмаган. Балки айғирни уюрдан айириб олиб, ўзи пичан устида талтайиб ётибди. Ҳо-



зир Ҳалиулла бобо келиб: «Куппа-кундуз куни ялпайиб ётишга уялмайсанми?» деб мингиллайди. Кейин аччиқланиб: «Қани тур, мирза, отингни айлантир», дейди...

Ягафар овулини, меҳрибон Ҳалиулла бобони эслаб жилмайди. Ҳамманинг уйқуга берилганини кўриб, у ҳам ёнбошга ағдарилди-да, кўзини юмди. Фурсат келган экан, ухлаб олиш керак...

Унинг кўзи эндигина илинганда, хабарчи келиб тулпорини тик турғазганича:

— Отлар эгарлансин! — деб бақирди.

Баъзан куз пайтлари бехосдан шамол кўтарилади-ю, йўлларга поёндоз бўлган заъфарон япроқларни учириб ўтади. Уйқудаги суворийлар ҳозир худди шу япроқмисол сапчиб, озгина муддат тўзишди-да, сафга тизилишди. Шу заҳоти қишлоқ пойида отишма бошланди. Эскадрон ўша сониядаёқ ҳужум майдонига ташланди. Пиёда аскарлар душман десантчиларига палапартиш ўқ узиб, чекинишни бошлашган эди. Жанг майдони кафтдек эди, на бир пастқамлик, на бир тепача кўринарди. Автоматлардан ёғилаётган ўқлар камлик қилгандек, икки пулемёт бири олиб, бири қўйиб сайраб кетди. Ана шунда командирнинг:

— Эскадро-он! Олга! — деган ҳайқириги эшитилди.

Ягафарнинг хотирасига фақат шу буйруқ муҳрланди. Қолган воқеаларни лахтак-лахтак туш каби баъзур эслайди.

Отларнинг дупури шаршара каби уни ҳам ўз оқимига олди. Ярадор отларнинг дардли кишнаши, йиқилаётган аскарларнинг қичқириги, олдинда эса тутун ва чанг қуюнига бурканган майдон... Лочин ўша томон учиб боради. Ягафарнинг яланғоч қиличи қора булут бағрини поралаган яшин шуъласи мисол ялтирайди. Темир қалпоқлар от туёқлари остида мажақланади. Қўнғир кийимлиларнинг даҳшат билан боқувчи кўзлари ҳеч кимда раҳм-шафқат уйғотмайди. Туёғи ерга тегмай учаётган Лочин бирдан орқа оёқларида тик турди-да, кўнгилни тилкалаб юборадиган даражада аламли кишнаб йиқила бошлади. Ягафар нима гап бўлганини билолмай қолди. Ҳали от йиқилмай туриб, бошига кимдир гурзи билан туширгандай бўлди. У ниҳоятда тик жардан қулади назарида. Қулоғи остида

шамол ғувиллади. У эгардан учиб тушиб, ерга урилди...

Ягафар ҳушига келганда, жанг тўхтаган, майдончанги ўтирган эди. Унинг ёнида икки дўсти қолган, бири сувдон ушлаб ўтирар, иккинчиси эса бошини боғлар эди. Дўстининг лаблари қимирлади, нимадир дегандай бўлди. Аммо Ягафар эшитмади. Шерикларига қараб: «Кетаверинглар, орқаларингдан етиб оламан», деди. Бироқ ўзининг гапини ўзи ҳам эшитмади. Тирсагига суяниб турди-да, томоғида қотиб қолган қонни тупуриб ташлади. Кўнгил айнаши хиёл босилди, қулоғи ҳам очилиб, узоқлашиб бораётган отишма овозларини эшитди. Ёнига қараб ҳаракатсиз ётган Лочинни кўрди. Бечора жониворнинг жон аччиғида типирчилашларини ердаги излар ошкора қилди. Ягафар отнинг нурсиз кўзига қараёлмай, бошини бурди. Унинг бағри бирдан худди шу майдон каби қорайиб, бўшаб қолгандай, юраги қил устида ҳилвираб тургандай, бу қил ҳам ҳали замон узилиб тушадигандай эди.

Ўртоқлари уни турғизиб қишлоқ томон юрдилар. Уларнинг бири эгарни, иккинчиси жиловни олди. Қишлоққа келишганда эскадрон сафарга шай турарди. Бўлинма командири эгасиз қолган саманни етаклаб, жиловини Ягафарга тутди-да:

— Ол, энди сеники бўлсин, — деди.

Ягафар бир командирга, бир саманга қаради-да, индамай қилични, кейин ердаги эгарни олиб, жилай деб турган аравага қўйди. Лочиннинг кумуш сувни юритилган тизгинини қопчиғига солди-да, аввалроқ отдан айрилганлар сафига бориб турди. У бошқа от жиловини олишни Лочинга нисбатан бевафолик, номардлик деб билди. Лекин кўнчилик унинг қалбидаги галаённи фаҳмламади.

Унинг суворийлик қисматига шу зайлда хотима ясалди. Киев остонасида яралангач, бутунлай пиёда қўшинлар сафига ўтказилди. Шундай қилиб, Москва пойидан то Шпрея дарёсига қадар бўлган йўлни пиёда босиб ўтди. Бутун уруш давомида Лочинни унутмади. Отлиқни кўргани ҳамон юраги ўртанаверди. Шпреяда иккинчи марта яраланиш арафасида кутилмаган тасодифга дуч келди.

Польша ерларига озодлик олиб келган қўшин сафида жанг қилган Ягафарнинг ротаси икки кунлик

ҳордиқ ва ёрдам кучлари қўшилишини кутиб тўхтади. Сафи сийраклашиб қолган рота бўлажак ҳамлага шайланарди. Урушнинг адоғи кўриниб қолган, душманнинг уясига қўл узатса етгудек эди. Жангчиларнинг ўй-хаёли она юртга қайтиш завқи, бахтиёр онлар сурури билан банд эди.

Худди шу паллада Ягафар ёрдамчи кучлар орасида ҳамқишлоғи, ҳамнафаси Талхани кўрди-ю, аввалига кўзига ишонмади. Икки дўст урушнинг ғўрт йиллик қаҳридан кейин бундай меҳрибончилигига ишонқирамай бир-бирига ҳам ҳайрат, ҳам соғинч, ҳам қувонч кўзлари билан қараб турдилар. Кейин бунинг туш эмас, ҳақиқат эканига амин бўлиб, бир-бировининг қучоғига ташландилар.

Талха бош суққан еридан қуруқ чиқмайдиган чапдаст йигит эди. Урушда ҳам шу одатиши тарк қилмабди чоғи, ҳар ҳолда сувдони ичимликка тўла эди. Сархуш икки дўст овулга бориб қайтгандай бўлди. Туни билан мижжа қоқмай ўтган-кетгани бир-бир эслашди. Тонгга қадар ҳам гаплари адо бўлмади.

Саҳар палласида табиат мудраб, кўз ойнаётган маҳалда гап урушнинг сўнгги куларига теқалди:

— Уруш давомидаги энг қалтис пайт келди, — деди Талха хўрсиниб.

— «Қалтис» деганда душманни назарда тутяпсанми? Шундай бўлса гапинг ҳақ. Бизга тўй, уларга аза энди. Бекингани жой тополмай қолди, зангарлар. Ғалаба яқин.

— Нима, мен ғалаба узоқ деяпманми? Менинг ҳам каллам жойида, кўзим очиқ. Кўриб-билиб турирман. Шунинг учун ҳам ғалабага етай деганда, йиқилиб, ер тишлаб қолма, деяпман. Йўқ, қўшнижон, сафар-халтани шайлаб, уйга кетаман, деганда ўлиш одамга алам қилади.

Дарҳақиқат, шундай. Одамнинг ўлгиси келмайди. Фақат ғалаба арафасида эмас, ҳеч қачон одамнинг ўлгиси келмаган. Агар фақат ўлим ҳақида ўйлаганларида Шпрея соҳилида турмаган бўлишарди. Қирқига чидаган, қирқ бирига чидаш, Берлингача бориш керак. Урушни гўрга тиқамиз деб неча юз минг ҳаёт қурбон берилди. Урушни қайта тирилмайдиган қилиб кўмишгина қолди... Ягафар ҳамқишлоғига шуларни

тушунтириш учун сўз излаётган маҳалда Талханинг ўзи тилга кирди:

— Мен шундай режалар тузиб қўйдимки, эшитсанг ҳайрон қоласан,— деди у оёққа қалқиб.— Сен нима десанг дегину, аммо бу тўнғиз қўпгурлар жонининг ҳузурини биларкан. Уйларини қара, бу ҳаромиларнинг. Хуллас, овулга қайтишим билан сал дам олиб, нафас ростлайману пишиқ гишдан уй қураман. Олмами, олчами экиб, боғ қиламан. Томорқага қарайман... Шундан кейин уйланаман. Ана ўшанда мирза Талханинг яшашини кўриб, ақлига тан бераверасан.

— Ўҳ-ҳў, иштаҳалар карнай-ку,— деди Ягафар кулиб.— Шошган қиз эрга ёлчимайди, деган гаплар ҳам бор бу дунёда, эшитмаганмисан? Аввал уйингга эсон-омон қайтгин, ҳали уруш туганича йўқ-ку?!

— Қайтамиз, фақат пешонани ўққа тутиб бермаслигимиз керак. Худо ҳам ўз қадрига етадиганларни асрайди.

— Асрайди, дейсанми? Бундай меҳрибон худо қайси қавакда яшириниб ётади, нимадан асрайди, ўзинг биласанми? Ўқнинг кўзи йўқ, одам танламайди.

— Ўқники-ку йўқ, буни биламан. Аммо ҳозирча менинг кўзим бор. Кераксиз жойга бурнимни тикмайман. Артиллерияни «Уруш худоси» дейишади, а? Қани ундан яширинмай кўр-чи? Мана, «Ўқнинг кўзи йўқ», делясан. Ўқникимас, сеники йўқ. Ўз қадрингга етмайсан, бекордан-бекорга ўзингни ўтга-чўққа урасан. Мана иккита орден, олтита медаль олибсан. Бир йигит бўлса шунчалик бўлади-да. Энди сал бошингни эҳтиёт қил.

— Шунинг учун ҳам темир қалпоқ кийиб юрибман-да,— деди Ягафар гапни ҳазилга буриб. Кейин ҳазилнинг ўрни эмаслигини фаҳмлаб, жиддийлашди:

— Нимагадир гангиб қолибсан, ошна. Бир «Худо асрайди», бир «Худодан яшириниш керак», дейсан. Нима, сен шу пайтгача ўзингни сира ўтга урмадингми? Балки сен бурчакдан туриб отадиган эгри милтиқни ўйлаб тапгадирсан, а?

— Сен бунақа масхара қилма,— деди Талха ранжиб.— Қўшнинг унақа қуёнюраклардан эмас. Керак бўлганда ўтга ҳам, оловга ҳам кирганман. Бу орденни чўпчоқ айлиб ётганим учун берганиман. Мен фақат

чайнаб қўйган луқмани ютолмай ўлиб кетиш алам қилади деяпман. Ишқилиб, соғ-омон қайтай-да. Ана ундан кейин бир беармон яшайки...

Хўш, бу гаплардан кейин унга нима деб эътироз билдириш мумкин? Балки у ўзича ҳақдир. Чиндан ҳам тўрт йил ўлиш учун эмас, яшаш учун жанг қилдилар-ку?!

Кўп ўтмай яна жанглар бошланди. Ягафар энди Талха ўзини панага олар, айёрлик қилар, деб ўйлаганди. Йўқ, қўшниси бурчидан бўйин товламади. Тўғри, у айтарли абжир эмасди. Кўзини юмиб, ўзини ўтга, чўққа урмасди. Лекин вазифа топширилганда найранг қилмас, юкини ўзгаларга ортишга уринмасди. Бир жиҳатдан одамнинг ҳаёти иккита эмас — битта! Уни қадрлаганинг сари баҳоси ошиб бораверади. Лекин ёшликда мағрурлик ҳаётни кўп ҳам ўйлаб, эҳтиёт қилишга йўл бермайди. Қолаверса, жанг маҳали, пиштиб қўйган режангнинг чанги чиқиб кетиши ҳеч гап эмас. Дунё гўзал, ҳаёт ширин, бироқ уларнинг зиммасидаги бурч булардан ҳам буюкроқ эди.

Табиат шу кунлари ниҳоятда чирой очди. Европа қуёшининг майин нурлари заминни пайпаслаб, илтиб уйғотган. Ер ҳайдаб дон сепувчи деҳқонга муштоқ. Портлаш овозларини босиб момақалдироқ гумбурлайди. Деҳқоннинг орзуси мисол сахий ёмғир ер юзидаги қонли доғларни ювади. Йўл ёқасидаги бетон ариқчалардан лойқа сув айқириб оқади, вайроналар атрофидаги дов-дарахт уруш билан иши йўқдай уйғониб яшил либосини кийган. Баҳор эрта келди. Баҳор ҳар сафар ҳам бу ерларга барвақт келадими ё Ғалабани ўз кўзи билан кўриш учун шошдими — номаълум эди. Отишма озгина тўхташи билан осмондан кўчманчи қушларнинг жарангли овозлари келади. Табиат урушни ҳам, қирғинбаротни ҳам тан олмайди. У ўз ҳолича яшайди, ўз ҳолича ҳукмини ўтказди.

Урушнинг сўнгги зарблари борлиқни сескантиради. Тўрт йил фақат орзу бўлган, тўрт йил тушдагидай туюлган дам — жангчининг уйга қайтиш онлари яқин. Хўш, шундай пайтда кимнинг ўлгиси келади? Ҳа, Талханинг фикрида ҳам ҳақиқат бор. Аммо шу ўринда бу ҳақиқатдан муҳимроқ гаплар ҳам мавжуд.

Ҳужум олдидан бўладиган ҳордиқ чоқларидами ё қисқа танаффуслардами, бирга ўтириб қолишса бас,

Талха яна ўз фалсафасини бошларди. «Аввал таом, бад аз калом», деб энг огир шароитларда ҳам томсқ топиб келарди. Тез орада у кийимларини офицерларникидай тоза матодан тиктирди. Чарм этик ҳам топди. Бундай нарсаларга кўпам ҳуши бўлмаган Ягафарни ҳам тартибга чақирди:

— Бир уст-бошингга қарасанг бўларди. Бу аҳволда борсанг Қўштерёк қизлари сенга қиё ҳам боқмайди,— деди у бир куни.— Менга қара, сен Галиянинг атрофида гирдикапалак бўлиб юрардинг. Хат-пат ёзишиб турибсанларми?

Ягафар Галияни эслашга эсларди, лекин: «Шундай гўзал қиз мени тўрт йил кутармиди?» деб хат ёзмади.

Тўғри, урушнинг дастлабки йили, госпиталда ётганда битта хат ёзиб, муҳаббатини шама қилган эди. Бироқ Галиядан: «Сен аввал душманни янч, қайтганингда мукофотларингни санаб, қандай жанг қилганингни биламизу ана ўшандан кейин масалани ҳал қилаверамиз», деган мазмунда галати жавоб олган эди. Қизнинг мактуби шунчаки ҳазилмиди ё англаш мушкул бўлган урушнинг қаҳрли ҳақиқатимиди, Ягафар буни фарқлай олмади. Хуллас, хат унинг иззатнафсига тегди, кейин соғинч қалбини ўртаб, қўлга қалам олишга ундаса ҳам ўзини тийди. Онасининг хатларига қараганда, Галия бригадирлик қилибди, яқинда эса уни раисликка сайлашибди.

Мана шуларни ўйлаб, Ягафар норози қиёфада қўл силтаб қўйди.

— Галиянинг хат ёзишдан бошқа ташвиши йўқми? У биз учун буғдой етиштиряпти, ҳозир раиса эмиш.

— Вой, менга қара, эсинг жойидами ўзи!— деди Талха ўрнидан ирғиб туриб.— Бундан тузукроқ қайлиқни қаердан топасан?! Етти қават осмонга чиқиб изласанг ҳам тополмайсан Кимсан, раиса! Беармон яшайсан-ку, тентак!

Ягафар у билан баҳслашиб ўтирмади.

— Бекорчи гапларни қўйсанг-чи, ҳозир вақтин эмас,— деб афтини буриштирди.

Корчалонсифат Талха эса бу орада қайтиш тадоригини бошлаб, бахтиёрлик денгизига барвақт бўлса-да, шўнғиди. Алоқачилар бўлинмасидаги аравакаш би-

лан келишиб, унинг аравасига чамадон яшириб қўйиб, топган-тутганини тўплайверди. Жанггоҳда: «Бойликка ҳирс қўйган аскарнинг умри калта», деган нақл, тўғрироғи, қайсар тақдирнинг жигига тегмаслик учун ўйлаб топилган ирим юрарди. Улим билан ҳам-соя бўлиб қолган жангчилар бу иримга ҳам бўйин беришарди. Шубҳасиз, Талха ҳам бу нақлдан бохабар эди, ҳатто озгина қўрқарди ҳам. Лекин чамадон ташвишидан воз кечолмасди. Урганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидеёй, аравакаш олдига тез-тез бориб турарди. Ора-сира ўзи билмаган ҳолда Ягафарнинг жигига тегиб қўярди.

— Қўшнижон, агар бирон дайди ўқ билан ўпишиб қолсам, чамадон сеники, розиман. Ичида Галияга ёқадиган нарсалар ҳам топилди, — деди у бир куни ёмон туш кўрган одамдай маъжуслик билан.

Галияни ўйлаб ўтирган Ягафар гапни келган жойидан давом эттирди:

— Тақдир билан ўйнашиб бўлмайди, қўшни. Эртага нима бўлишимиз номаълум. Тўрт йил деганда йўлимиз кесишибди. Бир сабаб билан ажрашиб, овулга мендан илгарироқ қайтсанг, орден-медаллар ҳақида валдираб юрма. Хатларингда ҳам ёзиб ўтирма. Бўлтимми?

— Нимага энди?

— Шундай бўлгани маъқул. — Ягафар бир оз чайналиб турди-да, кейин Галиянинг хатини айтиб берди.

Бунақанги саргузаштларнинг шинавадаси бўлган Талха ўзини тутолмай, Ягафарнинг елкасига тушириб қолди.

— Қалланга қойилман, — деди у баланд овоз билан. — Демак, овулга фақиргина бўлиб кзириб борасан. Елкангни қисиб, камтаринлик билан юрасан. Пайти келганда эса, орден-медалларни кўз-кўз қилиб чиқсану Галия дегакларинг юрак ўйноғи бўлиб қолади. Аммо зўр ўйлабсан.

Ягафар бу қилиқнинг оқибатини билганда, ўша заҳотиёқ ундан қайтган бўларди. Бу гап тилга келганда унинг қора нияти йўқ эди. Шунчаки ҳазил-ҳузул билан айтганди. Кейин эсидан ҳам чиқаёзган эди. Галиянинг ажабтовур мактубини эса аллақачон ёшликка, мағрурликка йўйган эди. Отамнинг ўлишини билганимда, бир қоп кепакка алмаштириб юборардим,

деган мақол бор. Дарҳақиқат, одам кимни қаердан то-пишини, кимдан қаердан ажралишини билмайди.

Ягафар жанг қилаётган рота Шпрея дарёси бўйлаб душманни шимол сари сиқиб борарди. Қандайдир бир анҳор ёқасига келиб ер бағирлашга мажбур бўлишди. Нариги қирғоқдаги вайроналар орасига яширинган олти стволли миномёт бош кўтаришга ҳам қўймасди. Миномётнинг олти оғзини беркитмагунча анҳорни ке-чиш эмас, ҳатто қимирлашни ўйлаб бўлмасди.

Тунда тўрт кишидан иборат гуруҳга душманнынг ўт очиш нуқтасини гумдон қилиш вазифаси топширил-ди. Гуруҳга рота замполити лейтенант Сергеев коман-дир этиб тайинланди. Ягафар тўрт жангчининг бири сифатида йўлга тушди. Талха пулемётчилар қаторида кичик десантни ҳимоя қиладиган бўлди.

Ғиштин равоққа яқинлашишга, пулемётчилар тўх-тадилар. Қолганлар яна эмаклаб кетди. Аслида анҳор унча кенг эмас, икки-уч сакрашда нариги соҳилга ўтиш мумкин эди. Аммо равоқнинг у томонида нима борлигини билишмасди. Ҳар ҳолда пулемётлар бош кўтарганини ямлайман деб турган бўлса керак. Жанг-чилар ана шу хавотир билан оҳиста, овоз чиқармай эмаклашарди.

Афтидан бу ерда бир эмас, бир қанча равоқ бор кў-ринади. Ҳали ўнгда, ҳали чапда отишма кучайган-дан-кучайиб кетди. Полк анҳорни ошиб ўтишга жон-жаҳди билан киришди.

— Иванов, Кузнецов, менинг олдимга, — деди Сер-геев шивирлаб. — Гранаталарни олинг. Беш-олти қа-дамдан кейин ҳов анови тепачани мўлжаллаб отинг. Бу итвачча бошқа жойга яширинолмайди. Уша ерда бўлиши аниқ. Юлдибоев икковимиз уларни чалғитиб турамыз.

Иигитлар ярим йўлга етмай, душман пулемёти тилга кирди. Шунда ҳам жангчилар ирғиб туриб, гра-ната итқитишга, сўнг ана ўшандай чаққонлик билан яна ербағирлаб ётиб олишга улгурдилар.

Бу кўрсичқоннинг уяси анча чуқурга ўхшайди. Иккита граната ҳам кор қилмади. Яна бир жуфт бўл-са эди... Лекин на Иванов, на Кузнецов бош кўтаради. Наҳот иккови шаҳид кетган бўлса?! Бу орада мино-мёт ҳам ишга тушиб, дастлабки олти мина отряддан анча орқада портлади.



Шу пайт ё Иванов, ёки Кузнецов сал қаддини кўтариб, граната улоқтирди. Пулемёт тинчиди. Ягафар буйруқ ҳам кутмай сапчиб ўрнидан турди-да, югура кетди.

Равоқнинг қоқ ярмига етганда тепачани мўлжаллаб граната отди. У соҳилга қадам қўйиши билан яна иргитди... Тамом. Бошқа нарсани эслолмайди. Граната портлаган пайтда кўкрагига гурзи урилгандай бўлди. Кейин бағри куйди, Сўнг сувга қулади. Тепадаги оловли излар аста хира парда остида қолди... Кейин ўзига келгандай бўлди. «Кимдир судраб кетяпти,— деб ўйлади у,— рота анҳордан ўтганмикин?» Кўкрагида қаттиқ оғриқ турди-ю, яна ҳушидан кетди.

Ягафар кўзини очганда, тонг ёришиб қолган эди. У ўзини қандайдир хонада кўрди. Атроф осуда, фақат сал нарида кимлардир шивирлаб гаплашишяпти.

— Кузнецов увол кетди. Биз у билан Сталинграддан бери бирга эдик.

— Толя, сени назарга илмай юрсам, азамат йигит экансан, қойилман. Ҳамюртингни нақ ўлим оғзидан қайтардинг. Энди у бир умрлик қарздоринг бўлиб қолди,— деди иккинчи одам. Ягафар унинг овозидан Сергеевга ўхшатди.— Сен бўлмаганингда Юлдибоев чўкиб кетарди. Ана энди яшайди. Фақат Берлинни кўролмай, бир умр армонда юради.

— Энди, унинг учун уруш тугади. Вассалом,— деди «Толя» — Талха.— Бунақанги бесаранжом одамни сира кўрмаганман. Худди анҳордан ўтиб Берлинга кириб кетадигандай учди-я...

Ягафар инграб юборди. Талха шу заҳоти унинг қаршисида пайдо бўлиб, чўнқайди.

— Сенга ҳаммаёққа бурнингни тикаверма, деб минг марта айтгандим...— деди Талха ўпкаланиб. Кейин Ягафарнинг кўнглини кўтариш учун ҳақиқатга кўчди.— Агар сен билан Сергеев бўлмаганида бутун рота асфаласофилинга кетган бўларди. Ҳа, бўпти, афтингни буриштираверма. Яранг унчалик оғир эмас, тузалиб кетасан. Қўштерақдаги қизларга биринчи саломни ўзинг олиб борадиганга ўхшайсан.

Ягафар кўзини юмди.

— Раҳмат, дўстим,— деди инграшдан ўзини тийиб.

Ҳамқишлогининг қўлини сиқмоқчи эди, ҳатто бармоқларини ҳам қимирлата олмади. Кўкрагини бир

нарса эзиб ташлагандай оғриқ туриб, инграб юборди. Ёноғига ёш думалаб ,юзини куйдирди.

— Бе, қўйсанг-чи, тентак экансан-ку,— деди Тал-ха кулиб.— Аммо югуришда тенгсиз экансан, қўшни-жон. Гранатани иргитдингу ўзинг ундан тез учяпсан. Гранатадан олдин фрицларга меҳмон бўлмаса эди, деб юрагимни ҳовучлаб ўтирибман.

Шу орада санитарлар келиб, ҳамқишлоқлар хайр-лашишди. Улар ғалабадан анча кейин, кузда Қўште-ракда учрашдилар.

Ягафар ярим йил госпиталма-госпитал сарсон бўл-ди. Унинг кўкрагига иккита ўқ теккан бўлса-да, яра оғир эмасди. Лекин битиши жуда қийин кечди. Яра дам битай дейди, дам яна газак олади. Тан азоблари билан бўлиб, Лочинни пича унутди. Аммо кўкрагига учинчи ордени ҳам қадаб Қўштерак сари йўлга чиқ-қач, Лочин яна кўз олдига келди. «Ҳар қандай қора иш беришса ҳам майли, қочмайман. Фақат отларга яқин йўламайман», деб онт ичди.

Бироқ уйдаги гап кўчага тўғри келмайди, деганла-ридай у яна ўша эски касб-корига, отбоқарлик ҳуна-рига қайтди. Бу ишга ошкора аччиқ, аммо яширин со-ғинч билан киришди. Балки ўшанда аччиқлангани айни муддао бўлгандир...

#### 4

Мис қўнғироқча худди пешонаси устига осиглиқ-дай тиним билмайди, дам қаёққадир ғойиб бўлади. Энди кўзини очаман деганда яна изига қайтиб жиринг-лайди. Дам мунгли куйни бошлаб юрак торларини чер-тиб ғамгин хотираларни беҳос уйғотади. Дам шўх рақс бошлаб нималарнидир ҳикоя қилиб, қайларгадир чорлайди. Ажаб, ҳатто шу мис қўнғироқча ҳам Яга-фарнинг ўй-хаёлларини билгандай, ана шу эсдалик-ларга монанд равишда жиринглайди. Шу қўнғироқча овози сабаб бўлдими, ҳар ҳолда бўғинлардаги, кўкрак-даги оғриқ босилиб, чуқур нафас олди. Ҳатто ўттиз йил илгари оёққа ўрнашиб вақт-бевақт азоб берадиган ос-колка ҳам бугун безовта қилмай қўйди.

Қўнғироқча ҳамон жиринглайди, қаергадир чор-лайди. Хотиралар Ягафарнинг юрагини шоширади. Қароқчи тоғ ёнбағирларига унинг булут кўланкаси ка-

би ғамларигина сингган эмас. Йўқ, унинг қуёш нурига йўғрилган майсазор янглиғ қувончлари ҳам шу тоғда қолган. Майли, улар тоғу тош ошиб юраверсин, сувга қўшилиб ерга сингиб кетсин. Аммо соғинч ва тасалли Ягафарни тарк этолмайди.

...У киндик қони томган овулига қирқ бешинчи йилнинг октябрида қайтди.

Уша куниеқ Талха уни бир неча бор йўқлади. Ҳатто оқшомда ҳам ҳовлиқиб кириб келди. У Қўшгеракка икки ой бурун қайтиб, отнинг қашқаси бўлиб қолган эди. Шу вақт ичида қишлоқ советига котиблик ҳам қилибди. Кейин молия агентлиги кўзига мойлироқ кўринибми, шу ишга ўтиб, солиқ йиғадиган бўлиб қолибди. Мана ҳозир ҳам битта-яримта томоғини мойлаб юборганми, эшикдан ширакайф кириб, остонадаёқ овозини баралла қўйиб бақирди:

— Қанақа одамсан ўзинг, йигитмисан, ё қари қизмисан, мунча уйингга биқинасан, қани юр, кинога борамиз!

Ягафарнинг қимирлашга тоби йўқ эди. Оёқ зирқираб, кўкрак санчиб оғриб турганда кўнгилга томоша сиғармиди. Бунинг устига ягона гимнастёркасини онаси ювиб, печь қаршисига осиб қўйибди, буни Талхага тушунтириб бўлмасди, албатта. Яхшиси, озгина азоб чекса ҳам боргани маъқул. Онаси сандиқни очиб, тўрт йил эгасини кутган қора пиджагини олди. «Энди аскар эмассан, гимнастёркада юришинг шарт эмас», деди. Ягафар пиджакни кийиб, кўзгуга қаради-да, ўзини-ўзи танимади. Кулимсираб қўйди. Ҳозир хотираларга бериладиган пайт эмасди. Талха турган ерида: «Қани бўл, ивирсима, қизлар йўлингга қарайвериб, кўзлари тўрт бўлиб кетди», деб бақириб шошилтирди. Клубга киришганда кино бошланган эди. Орқа ўриндиқдагилар сурилишиб, жой бўшатишди. Кино уруш ҳақида экан. Бизникилар немисларни минг кўйга солиб, адабини бераётган бўлса-да, Ягафарнинг синиқ кайфияти яхшиланмади. Аксинча кинодаги ҳаракатлардан ғаши келди.

Фильм тугагач, ўриндиқларни четга олиб, рақс бошладилар.

Клуб асосан қизлар билан тўла эди. Уч-тўрт собиқ жангчи: «Бу қизларнинг улғайиб қолганини қаранг», дегандай четроқда туриб уларни кузатади. Рақс май-

донида кепкасини бостириб, бир тутам сочини пешонасига ҳурпайтириб чиқариб қўйган ўсмирлар мутлоқ ҳоким эдилар. Полни дупурлатиб ўртага тушган ўсмир даврани бир айланди-ю, ўзидан икки-уч ёш катта қизни оҳ-воҳига қарамай ё белидан, ё билагидан олиб рақсга тартади. Ҳозиргина ноз қилиб: «Уйнашни билмайман», деб оёқ тираб турган қиз ўртага чиқди-ю, худди бир юмалаб бошқа нозанинга айланиб қолгандай товусдек сузиб кетади. Қизни рақсга тортган ўсмир эса «Бопладимми!» дегандай ғоз юриб келиб тенгдошлари даврасига қўшилади-да, овозини хиёл баландлатиб: «Оғайни, тамакинг меникидан ўткирроқ экан, яна бир хуморбосди қилай», деб тиланиб олади. Кейин қоғозга бир чимдим ташлаб, қўполлик билан ўрагач, виқор билан тутатади.

Талхага клуб ҳам ўз уйдаи бўлиб қолган эди. У яшил ипдухоба пиджакни елвагай кийиб олиб давра бўйлаб юради, таклиф-қистовсиз ўзича рақсга тушади, қизларга маънодор қош қоқиб қўяди. Кейин Ягафар билан пича суҳбат қурган бўлади-да, яна қизлар тўдаси томон юради. Уларни писта билан сийлайди. Қизнинг кафтига озгина писта ташлайди-да, қулоғига нимадир деб шивирлайди. Қиз уялинқираб жилмаяди. Талха эса мириқиб кулади...

— Вой пирпираг-ей!— деди собиқ жангчилардан бири.— Қўштеракнинг бутун қизига эга чиқиб қолди-ку.

Ягафар бу гап ҳавасдан айтилдими ё қоралаш мақсадидами, тушунмади. Гапнинг мағзини чақишга улгурмай қизлардан бири: «Қўлингни торт!» деди-да, Талхага тарсаки туширди. Ҳамма хахолаб юборди. Талха бундай бўлишини сира кутмагани учун аввал атрофга аланглаб, гангиди. Кейин дарров ўзини қўлга олди-да, шапати еган юзини силаб, тиржайди.

— Бундай юмшоқ, бундай майин, бундай нозик, бундай ширин қўлчаларга бир умр зор эдим.— У шундай деб иккинчи юзини тутди.— Эркалашингиздан бу юзим ҳам қуруқ қолмасин, гўзалим...

Қиз йиғлаб юборай деб тескари қаради. Шу пайт эшик очилиб, яна бир гуруҳ қиз кириб келди. Барча эшик келганларга қаради.

— Ана, раисамиз ҳам келди!

— Келинлар, раисамизни ўйинга тсртамиз.

— Қани, Галия оёқ-қўлнинг бир чигалини ёз-чи...

— Кун бўйи соябонли аравада ўтиравериб оёгинг уюшиб қолгандир.

Ягафар беихтиёр равишда ўзини орқага олиб, болаларнинг орқасига яширинди. У яхши битмаган яра азобиданми ё вужудини чулғаган ажиб ҳаяжон, хавотир таъсириданми ҳалигача ўзига келолмаганди. Очигини айтганда, клубга оёғи тортмаганининг сабаби оғриқ эмас, мана шу учрашувдан чўчиш эди. У Галия билан бўладиган учрашувни бутунлай ўзгача тасаввур қилганди: кенг майсазор ёки гулга бурканган майдон, ё бўлмаса ирмоқ бўйидаги дарахтлар панаси... Қушлар базми авжга чиққан. Уларга чигирткалар жўр бўлади. Осмон мусаффо — кўкда бир чимдим ҳам булут йўқ. Ана шу кўз илғамас кенгликда икки киши — қиз ва йигит. Улар бир-бирларига роз айтадилар. Тўрт йил ичида гаплари анча-мунча йиғилиб қолган. Қиз йигитнинг елкасига бош қўяди. «Соғиндим, у хатти ҳазиллашиб ёзувдим, кечир», дейди. Уларга ҳеч ким халал бермайди. Упишаётганларида қушлар ҳам жимиб қолади...

Буларнинг бари пуч хаёл экан.

Учрашувлари бутунлай бошқача бўлди. Бе, бунинг нимаси учрашув? Ҳатто Галия уни кўргани ҳам йўқ-ку?! Ана, рақсга таклиф қилган ўспиринга бош чайқаб жилмайди. Пахталигини ечиб саҳна четига қўйди-да, гулдор рўмолини елкасига ташлаб қизлар тўпига қўшилди.

Анча ўзгарибдими?.. Йўқ, ўзгармаган шекилли? Ўзгарган ҳам дейиш мумкин, ўзгармаган деса ҳам бўлади. Тўғри, бир оз бўйи чўзилиб, гавдаси тўлишибди. Аммо жилмайиши ўша-ўша: кулганда юзида кулгичи ўйнайди. Қора қошлари қанот қоқиб учишга шай турган қуш қанотига ўхшайди. Фақат юзи хиёл ориқлаганидан кулгичи унча сезилмайдиган бўлиб қолибди. Юзига ҳоргинлик булути соя ташлаган, қарашларида қандайдир кескинлик пайдо бўлган. Ҳар ҳолда бу қиз Ягафар икки-уч марта уйигача кузатиб қўйган серзавқ Галия эмас.

Ҳарбий хизматга жўнаш олдидан Галияни кузатиб қўйишга журъат қилиб: «Эрта-индин кетаман... хат ёзсам жавоб қайтарасанми?..» деб сўраганда қиз: «Сен икки қуёни кўзламагин-да. Лочинингдан кўнгил уз-

гинг келмайди-ку?» — деб шарақлаб кулган эди. Шундан кейин Ягафар унга сира яқинлашмади. «Хизматдан қайтай, ана ўшанда гаплашаман сен билан», деб хўрсиниб кетаверди.

Ягафар Галияга нигоҳини қадаб турган пайтда ўспиринлардан бири ёш раисани қўярда-қўймай ўртага тортиб чиқарди. Раисанинг юзлари қизарди. У кулмаса ҳам қувончини ёниқ кўзлари ошкор этиб қўйди. Галия гулдор рўмолини тартибга келтирган бўлса-да, гармончи болани билагидан ушлаб:

— Бўлмаса «Қорабай»ни чал,— деб илтимос қилди.

Галия ихтиёрини куйга буткул бергандай бошини эгди. Қўлини белига қўйди. Кейин клубдагиларга бир сидра назар ташлади. Аммо чехрасига соя ташлаб турган ички бир ташвиш уни тарк этмади. Куй аста авжига кўтарилди. Бир-бирига тутатиб кетаёзган қошлар қоқ ўртасидан узилиб қизнинг чехраси ёришди. Ягафар унинг жойидан жилганини ҳам сезмай қолди. Галия шўх кулиб қўйди-да, уқнар булут каби оҳиста сузиб кетди. Даврани бир айланиб чиққач, куй тезлашди. Галия энди шиддатлироқ суза бошлади. Гармончи рўпарасига келиб оёқларини дупурлатди. Турган ерида шўхчан айланди.

— Уйқашини қара! Ҳурилиқобинг ўзгинаси,— деди Талха Ягафарнинг биқинига туртиб.— Сен ҳали ҳам ўйланиб юрибсанми? Агар шу қизни қўлдан чиқарсанг, қип-қизил тўнка бўласан, билиб қўй!

Хаёли рақсга берилган Ягафар тасдиқ ишорасини қилиб, бош ирғади-да:

— Ҳа, ҳа, тўғри айтасан,— деди. Кейин нима деганини сезиб қолиб: «Улмасак кўрармиз», деб хатосини тўғрилаган бўлди.

— Госпиталдалигингда атайин бориб, «Ягафардан хабар йўқми?» деб сўрасам, «Онасидан сўра», деб жеркиб ташлади,— деди Талха унинг қулоғига шивирлаб.— Гапидан ҳайрон бўлиб қолдим. Ё чиндан ҳам ораларингда ҳеч гап йўқми, а? Кўзингга қара, қўш-нижон, бундай гўзалларнинг харидори кўп бўлади-я!

— Ўзинг ҳам ўлиб турибсан шекилли?

— Мен сенга тушимни айтяпманми? Ҳалиги гапдан кейин Галиянинг боши очиқ экан, деб балога қолдим. Елкасидан қучоқлабману тирсагидан ушлаш хаё-

лимдан кўтарилибди. Бир туртиб бурнимни пачоқ қилай деди. Йўқ, қўшнижон, мен етти синф маълумотим билан унга тенг эмасман. Сени кутаётганлиги аниқ.

Клубда давработилик қилаётган ўспиринлар овозларини баланд қўйиб, раққоса шаънига шарафлар айтишар, бу билан қизнинг шижоатига шижоат қўшган бўлишарди.

— Яшавор, Галия!

— Эҳ, қайси йигитнинг пешонаси ярақлаган экан, а?!

— Бўш келма, Галия, бўш келма!

Йигитчаларнинг бири қарсақ урганича ҳатто ўртага чиқиб унга олқишлар ёғдира кетди. Афтидан, қизнинг таклифини кутди. Аммо Галия унинг атрофида бир айланди-да, Ягафарнинг қаршисига келиб шўхчан ер тепинди. Ҳамма кўзини бахти чопган йигитга тикди. Ягафар эса қизариб кўзини олиб қочди. Галия ўзини хиёл орқага ташлаб яна полни дупурлатди. Йигитчалар кулиб Ягафарни ўртага итариб чиқара бошлашди. Айниқса Талха: «Қайсарлик қилма, раиснинг ўзи чорляпти», деб ҳол жонига қўймади.

Айтишларича, бир йигитга етмиш ҳунар оз эмиш. Агар рақс тушиш ҳам шу ҳунарлар доирасига кирса, демак Ягафар ҳали йигит елкасидаги вазифаларни чала уддалаётган экан.

Ягафар хижолатомуз жилмайганича куйга монанд равишда катта-катта қадам ташлаб давра айланди-да, нотаниш бир қизни ўйинга тортди. Давра уни қайта зўрламади. Бахтига қиз ҳам ноз қилиб ўтирмай ўртага тушиб, енгил сузиб кетди.

Рақслар тугаб, барча тарқай бошлаганда Галия Ягафарнинг ёнига келди.

— Кираман, дейман, ҳеч қўл бўшамайди, — деди у айбдор оҳангда. — Қалай, эсон-омон келдингми?

Клубдан қандай чиқиб кетишни билмай турган Ягафар бугун гўзал раисани уйига кузатиб қўярман деб сира ўйламаганди. Тезроқ қайтиб, каравотга чўзилишни талаб этаётган оғриқлар ҳам сезилмай қолди.

— Бугун кайфиятинг бузуқ бўлдимми? Нима, овул кўнглингга ўтиришмадимми? — деди Галия.

— Йўқ, нега энди...

Ягафар нима учундир бошқа гап айтолмади. Суҳбат қовушмади. У қизнинг чехрасига, қатъий боқувчи

кўзларига қаради. «Ана энди, мирза Ягафар, кунинг қизалоқларга қолди. Тўрт йил жасур командирлар билан бирга жанг қилдинг. Энди эса ўзингдан икки ёш кичкина қизча нима буюрса, эмаклаб бўлса ҳам бажарасан. Овулда раис — командир деган гап. Орденларинг билан ҳисоблашиб ўтирмайди...»

Уларнинг ҳар бири ўз ўйига банди бўлиб то уйга қадар жим кетишди.

— Хўш, ботир жангчи, қайси ишнинг бошини тутмоқчисан энди, — деб сўради Галия уйига етгач.

— Билмадим... — Ягафар шундай деб кулиб қўйди. — Онам: «Тез уйланасан», деб турибдилар.

— Шунақами.. Шошириб тўғри қиладилар. Уйланиш ҳам жиддий иш. — Галия айёрона жилмайди.

Ягафарнинг ҳазиллашиб айтган бу гапи замирида ҳақиқат ҳам бор эди. Онаси ундан ҳол-аҳвол сўраб бўлиши билан ўз дардига кўчган эди. «Ҳали колхоз ишига кучим етади. Аммо уй юмушларига ҳолим қолмади. Бу ишлар бутун илигимни сўриб олди. Энди уйга ўзинг хўжайинсан. Уйлан, эр-хотин бир бўлиб хўжаликни изга солинглар. Мен ошимни ошаб, ёшимни яшаб бўлдим. Бир кун бўлса ҳам қайнонага ўхшаб тахтиравонда ҳузур қилиб ўтирай...» Онаси шундай деб кўз ёши қилиб, кейин калишини ечди-да, хике<sup>1</sup> га чиқиб, тахтиравонда қандай ўтиражагини кўрсатди.

Онанинг буюк, аини чоғда покиза ва содда орзуси бола билан бир вақтда дунёга келади. Фарзанди оёққа босгунча на уйқу билади, на ҳаловат. Уйига муҳтожлик соя ташласа, ўзи емай едиради, ўзи киймай кийдиради. Бола хасталанса, она оташда куяди. Гўдак учун жонини беришга ҳамиша тайёр турувчи ягона зот — она! Бола улғаяверади, она ташвишлари эса ортаверади.

...Ишқилиб, ёмон одамлар қўлига тушмасин...

...Ишқилиб, йўлдан адашмасин...

...Ишқилиб, нияти бузуқларга ҳамроҳ бўлмасин...

...Ишқилиб, бахти, омади ўзига ёр бўлсин...

Мана шу истаклар сўнгида: «Ишқилиб, онангни унутма, ўғлим», деган беозор илинж бўлади.

Она болажонини, юрагининг бир парчасини, орзуини шундай эъзозлаб, эҳтиётлайди. Ёшлиги, саломатли-

<sup>1</sup> Х и к е — пастак сўри.



ги, умуман, ҳаётини кун-бақун боласига қурбон қилади. Ўғил эса қуёш ҳарорати, беғубор ҳаво янглиғ яшаш учун зарур бўлган она муҳаббатидан ҳар он баҳра олаётганини сезмайди. Ҳаёт гўзалликларини таниналик билан сипқоргиси келади. Довонлар ошиб, шуҳратга интилади. Онаизор эса қишлоқ этагидаги ёлғиз қайин сингари унинг йўлига кўз тикиб чарчамайди. Дам қувониб, дам ғамга берилиб, дам фахрланиб ўғлини кутади. Она болам, деб куяди, боланинг кўнгли эса кенгликларга чопади... Ҳаётнинг беаёв ҳақиқати кўп. Аммо энг қаҳри қаттиғи мана шу бўлса керак...

Ягафарнинг жимиб қолгани Галияга ёқинқирамай, хайрлашди. Ана шундагина йигит ҳазиломуз гапни давом эттирди.

— Онам келин ҳам топиб қўйганмишлар. Лекин кимлигини айтмаяптилар.

— Вой, худойим-эй, азага келган хотин ўз дардини айтиб йиғларкан,— деди Галия уф тортиб.

— Нима, уйланиш гуноҳми?— деди Ягафар бўш келмай.— Клуб қизга тўлиб кетибди. Ҳаммасига куёв керак.

Галия худди бу гапни эшитмагандек, ўз ташвишларидан сўз очди. Қолхоз эркакларнинг куч-қуввати ва муҳтож эканини айтди. Талхага ўхшаганлар ўзини енгил, мўмай ишга ураётганини ҳам қистириб ўтди.

— Клубни тўлдириб турган боши очик қизларга келсак, улар жангчининг суратига учмайдилар. Эрсиз ўтиб кетаманми, деб куяётганлари ҳам йўқ. Улар ишда ҳам, тилда ҳам бийронлар. Қолаверса, собиқ жангчилар ҳам ҳар хил бўлади. Бутун уруш бўйи биғта медалга арзимаганлари ҳам учрайди...

Ана, холос!.. Бу гап Ягафарнинг қалбига найза бўлиб санчилди. Келиб-келиб гимнастёркасини бугун ювадимми, а? Йўқ, йўқ, шошилма, Ягафар. Ахир, ўзинг шундай бўлишини режа қилгандинг-ку? Шпрея соҳилидаги гап эсингдан чиқдимми? Сен унутган бўлсанг, Талханинг ёдидан кўтарилмади. Сир сақлабди. Сенга худди шу керак эди. Энди чидаб туравер...

Галия, шунча чақиб олгани етмагандек, буйруқ оҳангига ўтди.

— Уйланмоқчи экансан, уйланавер. Бу сенинг шахсий ишинг. Байрамдан кейин идорага кел. Сенга мос иш топилади. Бироқ портфелга умид боғлама!

Ягафар унга ялт этиб қаради. Галияга нима бўлди ўзи? Нимага бирдан ёниб кетди? Тўғри, илгари ҳам бетгачопарроқ эди. Лекин тўрт йил жангтоҳда қон ютиб, қон тупуриб келган одамга бундай сапчиш мисофданми! Ягафар офтобда қоринини силаб ётиш учун унга қайтгани йўқ. Эл қатори ишлаб, ризқини териб ейди. Портфель дегани нимаси бўлди? Жанг кўрган йигитнинг иззат-нафсига тегишга қандай тили борди экан бу қизалоқнинг?

Ана сенга кенг ўтлоғу мақа сенга хилватдаги ширин учрашув! Юзаки қараганда хафагарчиликка ирзирли гап ҳам бўлгани йўқ. Қиз ҳиссиётини жиловлаёлмай қолди. Лекин ҳар ҳолда... Ягафар жаҳл билан шарт бурилиб, «хайр» ҳам демай тез-тез юриб кетди. Галиянинг: «Тўйга таклиф қилишни унутма», деб қолиши ўлганнинг устига тепган бўлди.

«Майли, тилнинг суяги йўқ экан, гапираверсин,— деб ўйлади Ягафар алам билан.— Иш ҳақида балки тўғри айтгандир. Лекин намунча медалга ёпишиб олмаса. Ахир, аскар медалъ учун жанг қилмайди-ку? Севадиган одам медалга эмас, нишон ортидаги юракка қўл солиши керак...»

Ўша гапдан кейин Галия билан учрашганда саломалиқдан нарига ўтмайдиган бўлди. Бундай ҳолларда у суратан совуққон кўринса-да, сийратан ёнарди. Ҳар бир учрашув енгил шабада янглиғ тўрт йил давомида бағрида асраган чўғни пуфлаб алангалатарди. Ана шундай пайтда «Галиянинг сендан бошқа ташвиши йўқ, фақат сени ўйлаб, ҳажрингда куйяпти», деб ўзини-ўзи койиб, ўзига-ўзи тасалли берарди. Лекин баъзида унинг назарида, Галия ҳам ўша гапи учун ич-этини еб юргандек бўлади. Аммо Ягафар учун кутилмаганда бир куни раиса уни тўхтатиб:

— Байрам яқинлашиб қолди-ку, нимага тўйдан хабар бўлмапти. Қизлар кутавериб ёниб кул бўлишди,— деди.

Галия бу гапни пичинг билан айтдимиз ё масхара қилдимиз, Ягафар англай олмади. Қовоқ уюб индамади. Кейин бу қилиғи учун ўзини-ўзи лаънатлади. «Шу ҳам йигитнинг ишими? Қиз бола гап орасида сал тегиб ўтди. Энди аразлаб қовоқ-тумшуқ осилтириб юриш керакми!..» Ягафар ўзига ғоят даражада ишонадиган, иззат-нафси позикроқ йигит эди. Шунинг учун ўзини-

ўзи қоралаб улгурмай, оқлашга ўтарди. «Ҳечқиси йўқ, ҳозирча чақиб олаверсин. Байрам келсин. Ягафарнинг қандай жангчи эканини билиб қўяди!»

Қиз билан йигит дам хафалашади, дам ярашади. Ҳислари беркинмачоқ ўйнайди. Оқибатда топишиб, бир-бирига роз айтади. Боши бошига қовушади. Бу севишганлар оламида тез-тез учрайдиган гап. Ягафар билан Галия ўртасидаги масофани қисқартириш вақти келмадимикан? Кун ўтган сайин Ягафарнинг қалбидаги хафалик томчилаб эмас, ҳовучлаб чиқиб борарди. Ҳар ҳолда Галияга қийин. Қиз боши билан бутун колхознинг ишини зиммасига олган. Йигирма бир ёшли қизнинг шунча оғир юкни кўтариши осонми?! Қани, ярим оч, ярим юпун одамларни бир ишга чиқар-чи, эплай олармикансан. Бир ёқда отлар бурнига чертса қулайдиган бўлиб турибди. Ем йўқ, эгар-жабдуқлар ишдан чиққан. Қаёққа қўл узатсанг — етишмовчилик. Қаерга қарама — ярим харобалик. Бироқ одамларни дангасаликда, ишёқмасликда айблаб бўлмайди. Очиқдан силласи қуриса ҳам буюрилган ишни бажаришади. Овулнинг энг бообрў одамлари ҳам «Галия айтди», «Галия буюрди», деб туришади. Хуллас, мирза Ягафар, жуда катта кетмасанг ҳам бўлади. Ўйнаб-куладиган ёшга етган бу қизлар тўрт йил ичида сендан кам азоб чекишмаган. Бу ердаги иш жанггоҳдан ҳам оғир бўлгани сезилиб турибди...

Мана шу фикр Ягафарнинг кўнглига таскин бериб, қиз билан учрашиб очиқ гаплашишга ундади. Аммо бу пайтда кутилмаган воқеа юз берди.

Қайтганига роппа-роса ўн кун бўлганда уни идорага чақириб қолишди. Уни жанггоҳда бир оёғидан ажралиб келиб, Галияга ўринбосарлик қилаётган Темир-Сой қаршилади.

— Гап бундай, мирза,— деди у йигитга синовчан тикилиб,— анча ҳордиғнинг кўтарилгандир дейман-а? Балки отларни соғиниб қолгандирсан? Энди энг шимариб ишга тушмасанг бўлмайди.

— Отсангиз отинг, оссангиз осинг, лекин отхонага қадам ҳам босмайман,— деди Ягафар қовоғини солиб.

Ягафарга эргашиб келган Талха гапни илиб олиб, узилган жойидан давом эттирди:

— Бунинг кўриниши одам бўлгани билан бадани-

да соғ жойи қолмаган. Қаддини ростлаб юрганига раҳмат айтиш керак. Тўрт йил қаҳрамонларча жанг қилди. Урта маълумот бор. Унга озодароқ иш беришларинг керак.

— Сен нимага унинг бошини айлантириб ўз йўлингга тортясан! — Темирбой шундай деб жаҳлини яширолмамай ўрнидан туриб кетди. Ёғоч оёғини дўқиллатиб Талхага яқинлашди. — Агар қўшнингга жонинг ачиётган бўлса, жой алмаштира қол. Ягафар ўрта маълумотли экан, солиқ тўплаш унга ярашади. Сен чаласаводсан, сенга отхона ҳам бўлаверади. Йўқ, сенга отларни ишониб топшириб қўймаймиз. Сенга хотинларнинг атрофида эчкига ўхшаб ирғишлаш бўлса бас...

— Сен жуда катта кетма, Темирбой оға. Биз ҳам урушга борганмиз. Базми жамшиддан қайтганимиз йўқ.

— Ростдан-а? Қани бўлмаса чинакам жангчилигингни кўрсат! Нима, мен ҳар хил қаланғи-қасанғилар озулда қўлини совуқ сувга урмай юриши учун оёғимни ташлаб келган эканман-да, а? Қани, кўзимдан йўқол, кўпак, бўлмаса... — Темирбой, шундай деб ҳасасини кўтарди.

Агар Ягафар уни ушлаб қолмаганда Талха насибасини оларди. Илгари ҳам қизиққон бўлган Темирбой бир оёқдан ажралиб, асабийлашса, умуман ўзини тутолмай қолар эди. Бунин билган Талха шошиб-пишиб уринган портфелини чангаллади-да; «Хўп, Темирбой оға, кетаман. Мен сендан эмас, анови таёгингдан қўрқаман», деди. Шу пайтгача гапга аралашмай жим турган Галия: «Ахир, бу колхоз кимники, ўзи, бир меникими?» деб йиғлаб юборди.

Темирбой ҳам, Ягафар ҳам уни овутишга ботинмади. Галия бунга муҳтож ҳам эмасди. У ўзини тезда қўлга олиб кўз ёшини артди.

— Отларни қишдан қандай олиб чиқамиз, ўйлаб ўйимга етолмаяпман, — Галия гарчи босиқ гапиришга ҳаракат қилса ҳам, овози титраб чиқди.

— Тош кемиришга юборинг, йўқ демайман. Аммо отхонага қадам босмайман, — деди Ягафар ўжарлик билан.

— Ҳозирча тошга муҳтожлик еримиз йўқ, — деди

Темирбой вазминлик билан. Бироқ Галия ўзини тутолмади.

— Ҳалиулла бобони кўрсам уятдан ерга кириб кетгай дейман. Хасталик қулатмагунча отхонадан кетмади. Майли, энди кунимиз болачаларга қолар экан, на илож?!

Темирбой қўлбола сигаретасини чуқур-чуқур тортиб жаҳлини босди-да, Ягафарнинг ёнига ўтириб, елкасини қучди:

— Сенга нима бўлди ўзи? От деса ўзингни томдап ташлардинг. Фикри-зикринг шу жониворларда эди. Лочинни еру кўкка ишонмасдинг.

Ягафар сесканиб тушди. Елкасини унинг қўлидан бўшатиб, ўрнидан турди-да, дераза олдига борди. Темирбой Лочинни тилга олиб, унинг ярасига туз сепиб қўйганини фаҳмламай, гапини давом эттирди:

— Тўғри, энди ўшандай аргумоқларимиз йўқ. Отбоқарларимиз ҳам қайтишмади. Баҳорга қадар отларни қувватга киргазишимиз шарт. Бутун умидимиз сендан, мирза. Сендан бошқа одам дардимизга тушунмайди.

Галия бошини ҳам қилганча индамай ўтирибди. Темирбой эса Ягафардан садо чиқмагач, хона бўйлаб ёғоч-оёғини дўқиллатиб ўйга толди. Кейин калаванинг учини топгандек жилмайди:

— Минг ўйла, юз ўйла, барибир икки ўн беш — бир ўттиз. Бош қотиришнинг ҳожати йўқ. Галия сенга бегона эмас. Гапини ерга ташламай, қанақа йигит эканингни бир кўрсат. Сен олифта, ландовур эмас, жангчисан-ку?! Ҳеч бўлмаса баҳоргача эплаб берарсан-а? Бунинг эвазига тўйларингизга ўзим бош бўламан.

— Тўйларингиз дедингизми? — Галия истеҳзо билан кулди. — Худонинг ўзи асрасин! — Қиз шундай деб кескин бош чайқади. — Энди отлар масаласига келсак... Йўқ, Темирбой оға, бу йигит ғалаба билан қайтганлар, энди қўлларини гўнгга булғашни ўзларига эп билмайдилар. Ҳаммасига яна ўзимиз — хотинлар балогардон бўламиз. Уруш тугади-ю, лекин бечора хотинларга демобилизация эълон қилинмади. Сиз уни жангчи дедингизми? Қанақа жангчилигини кўриб турибман!

— Бўлди энди! Бунақа гаплар учун адабингни бериб қўйиш керагу... Йигит бўлмаганингга шукур қил.

Тўтига ўхшаб жаврайверасанми? Бўпти, аргумоқларингга қарайман. Бироқ баҳор ўтиши билан дод десанг ҳам, фарёд десанг ҳам отхонага қадам босмайман.

Ягафар шундай деди-да, эшикни тарақлатиб чиқди. Эшикда кутиб турган Талха уни қўлтиғидан олди.

— Кўндингми? Ғирт аҳмоқ экансан! Қўшни участкага молия агенти керак девдим-ку сенга!

Талханинг гапи оғзида қолди. Ғазабга минган Ягафар уни нари туртди-да, муштумини қисганча отхонага кириб кетди.

Пичоқ бориб суякка қадалди. Ягафар қизга қараш у ёқда турсин, номини ҳам унутишга, қасдма-қасдликка бошқа қизни севишга аҳд қилди. У ҳар кун ишдан қайтар маҳали: «Ҳозир ювиниб тамадди қиламан-да, клубга чиқаман», деб ўзига-ўзи ваъда берар, аммо уйига кириши билан қимирлагиси ҳам келмай қоларди.

— Уғлим, клубга чиқсанг бўлармиди, бутун ёшлар ҳозир ўша ерда, — дерди онаси худди унинг кўнглидагини уқиб олгандек.

Бироқ онанинг шамалари ҳам, хафалиги кўтарилган Талханинг ҳар оқшомги ташвиқоти ҳам иш бермасди.

— Чарчадим, эртага барвақт туришим керак, — деб ётиб оларди.

Ҳоришга ҳориб қайтарди, бу тўғри, аммо ётгани билан кўзига уйқу илинмасди. Дам ўжар Галияни эслаб рижинади, дам отларнинг аҳволига ачинади. Ишлаб ийиғи чиқиб кетган, туёқлари ёрилган, кўзлари шилпиқ ўн икки жониворни от деб ҳам бўлмайди. Бу жониворлар ҳам одамларга қўшилиб уруш ташвишларини баравар тортишди. Энди уларни ювиб-тараб, қувватга киргизиб, баҳорги экишга шайлаш керак...

Ягафар ишга истамайгина қўл урган эди. Бироқ тез орада Лочиннинг ўлимидан кейинги қасамёди эсдан чиқиб, киришиб кетди. Энг аввало отларни жуда ноилж қолгандагина аравага қўшишга рухсат олди. Бунинг учун баъзилар билан сан-манга ҳам борди. Қўтир отларни ювиб-қиртишлаб олтингугурт пуркади. Тўс-тўполон билан озгина ун олиб атала қилиб берди. Бир тутам пичанни ҳам чиқитга чиқармади.

Астойдил йиғласа сўқир кўздан ёш чиқар экан.

Қаров яхши бўлгач, отларга ҳам жон кириб қолди. Ушанда Галиянинг аччиқ сўзлари таъсир қилибми, ё раисанинг кўз ёшига раҳми келибми, қасамини унутиб, отларни баҳорга қадар боқиб беришга рози бўлганди. Ана ушандан бери неча баҳор ўтди. Ягафар отлардан кўнглини узолмади. Нима учун шундай бўлганига ўзи ҳам тушунмайди. Ушанда Ягафар қандай йиғит эканини амалда кўрсатди. Баҳорга чиқиб отларнинг туёғидан ўт чақнайдиган, омовча қўшадиган эмас, нақ тўйда хизмат қиладиган арғумоқларга айланди. Лекин бу арғумоқларга Ягафарнинг тўйи ўша йили насиб этмади. Отларнинг бу ҳолга келгунича ҳали олдинда қишнинг аёзди нафаси, баҳорнинг ем туғатган дамдаги ташвишли кунлари бор. Ҳозирча Ягафар бу ташвишларни билмайди. Отларни ювиб-тараши билан овора.

Унинг Галия билан муомаласи ўзгармади. Кунлар ўтиши билан аҳдидан қайтди. Яна раиса билан холи учрашганда айтадиган гапларини калласида пишта бошлади. Аммо у билан дуч келса ё бошқа мавзуда сўз очади, ёки кўрмагандек бўлиб ўтиб кетади. Қишнинг бетоқатланаётганини, лекин сир бой бермаётганини Ягафар унинг кўзларидан сезиб, ўзича қувонарди.

Уйда қулоғи гапдан бўшамай қолди. Оғаси баъзан ўсмоқчилаб, ўглининг режаларини билмоқчи бўларди, баъзан хасталигини айтиб нолирди, баъзан эса ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, Галияни мақтаб кетарди. Қишлоқда бехос йўталсанг ҳам барча эшитади. Шундай экан, Ягафарнинг раисани кузатиб қўйгани йўл-йўлакай қўшиб-чатилиб она қулоғига аллақачон етиб келган, кампир раисани келин қиларканман, деб қувонган ҳам эди. Бироқ ўглидан садо чиқмаётгани уни эзиб юборганди.

Илгари Галияни энг гўзал ҳурилиқолар сафига қўшиб юрган Талха энди бошқа дийдиёсини бошлади:

— Ҳой, сен намунча куюнасан! Гўнг титаётган товуққа ўхшаб кўзингни ердан узмай қолдинг. Эгилишга арзийдиган жонон бўлса экан... Ерга тепсанг дарахтдан қиз ёғиланти. Хоҳласанг, онаси ўпмаган ўн олти ёшлигини қўйнингга солиб қўйишади. Агар мен сенга ўхшаб ўрта маълумотли бўлганимдами?

— Бекорчи гапларни қўйсанг-чи...

— Бекорчи дейсанми? Ораларингдан ола мушук ўтганини бутун овул билади. Йигит бўлсанг сира паст келмайсан. Шартта бошқасини топасан. Унинг нимасини яхши кўрасан. Кошки сени бир чақага олса. Сени севгани учун отхонадан иш бердими? Отлар йиқилиб кетмасин, деб думидан ушлаб туриб ем бераверчи, расисанинг кўнгли юмшаб қолар. Гапнинг лўндасини айтганда, сени тоза лақиллатиб юрибди. Келаси йили ўқишга кетармиш. Кейин... — Талха овозини пасайтириб шивирлашга ўтди. — Район марказида йигити бор. Икковингни пойгадаги отдек чоптиряпти...

Ягафар ёнига тупуриб қўйди-да, индамай нари кетди. «Талханинг миш-миш ташиб юриши алам қилмайди,— деб ўйлади у ўзича.— Ҳаммасига ўзим айбдорман. Бугуноқ у билан кўришиб, орани очиқ қиламан...»

Аммо бу қарор бугун ҳам амалга ошмади.

Ҳамма байрамолди ташвишлари билан банд эди. Галия идорада ёлғиз эмасди. Ягафар уни чақиришга баҳона тополмай кечки томон келиб кузатиб қўйишга, йўл-йўлакай юракдан гаплашишга қарор қилди. Отхонага қайтиб жониворларнинг емидан, сувидан хабар олди. Ёрдамчисига қилинадиган ишларни тайинлади.

Қишнинг нафаси келиб қолди. Урушдан аввал деҳқон халқи бунақа пайтда даладаги бутун ишларини саранжомлаб, буғдой янчишга киришарди. Бу йил эса аранг ғарамлашга улгуришди. Энди янчиш қичга қолади. Барча ташвишдан қутулсанг ҳам, ишинг чала қолган бўлса ҳам, байрам уйингга кириб келаверади, сен уни хуррамлик билан кутиб олаверасан. Худди шунга ўхшаш Қўштерак ҳам байрамга тараддуд кўрарди. Кўчаларга байроқлар илтиган, уйлардан таралаётган ширин нон, таом иси димоқни қитиқлайди, одамлар батартиб кийиниб олишган. Ҳадемай байрамга тўйлар уланади. Камбағаллик тўйларни тўхтата олмайди. Ҳаёт қонуни ана шундай.

Ягафар гимнастёркасини яхшилаб дазмоллади. Уч орден, олти медалини духоба билан артиб ялтилатди. Энди камарни белига тортиб боғлади. Этиги гўзгу билан беллашадиган даражада ярақлади. Онаси эса аллақачон тайёр бўлиб, ўғлидан кўз узолмай ўтирибди. Фарзандига қараган сайин тўймайди. Ягафар



кушқомад йигит эди. Кулранг шинелни кийгач, яна ҳам очилиб, паҳлавон келбат бўлиб кўринди.

— Мана, онажон, аскарингиз тайёр!— деди у кулиб.

— Бўйларингдан онанг айлансин!..— кампир шундай деди-да, қувонч ёшларини яшириш учун бошини ўғлининг кўкрагига қўйди.

Октябрь тўрт йиллик урушдан кейин тинч осуда шароитда нишонланаётган биринчи байрам эди. Президиум столига ёпилган қизил матонинг хийла уриниб қолгани ҳам, еттинчи лампанинг милтиллаб ёниши ҳам, одамлар устидаги кийимнинг ғариблиги ҳам байрам жозибасига хира торта олмади. Одамларнинг кайфияти бағоят чоғ эди. Ҳали у ерда, ҳали бу ерда кўтарилган кулги зал бўйлаб сузарди. Томоқ ҳўллаб олишга улгурган эркаклар эса овозларини баралла қўйиб омонлашадилар:

— Танқчиларга саломлар бўлсин!

— Қалай, ўртоқ тўпчилар, бўш келиш йўқми?!

— Бўш келган — номард. Пиёда судралмаяптими ишқилиб...

Ҳа, тўпчи ҳассасига сўяниб турса ҳам бўш келмаяпти, бир енги камарга қистириглиқ пиёда ҳам бардам. Мажлис очилди. Ҳам колхозда парторг, ҳам мактабда директорлик қилувчи Ҳамматов маъруза бошлаши билан кимдир уни тўхтатди.

— Нимага гапни қоқ белидан бошлаяпсан? Шошаётган еримиз йўқ. Бир чеккадан гапиравер. Аввал Спартакни, кейин шоҳ Пугачни айт...

— Тўғри,— деди бошқаси унинг гапини маъқуллаб,— уй қурадиган одам ишни том ёпишдан бошлайдими ҳеч замон?!

Одамларнинг ҳазиломуз бу шамасида ҳам урушдан аввалги осуда дамларни қўмсаш бор эди. Илгарилари барча мажлисларнинг мутлақ нотиғи бўлмиш Ҳамматов гапни узоқ тарихдан бошларди. Унинг ана шундан одатини ҳам соғинишган экан, шунинг учун норозилик билдиришди.

Мажлис аҳли маърузани жон қулоғи билан тинглади. Баъзан йилт этган янги фикр учун Ҳамматовни қарсақлар билан тақдирлардилар. Баъзан эса гўё: «Калласи зўр-да бу одамнинг», дегандек бир-бирларига маънодор қараб қўярдилар. Қаҳрамон жангчилар

ҳақида сўз кетганда йиғилганлар ботир ўғлонларга ҳам фахр, ҳам шукроналик билан боқдилар. Шаҳидлар тилга олинганда эркаклар кўз ёшларини қайтариш учун томоқ қирдилар. Аёллар эса рўмолларининг учи билан кўз ёшларини артиб пиқ-пиқ йиғладилар.

— Мана шунча оғир довлар ошиб, биз Октябрнинг йиғирма саккиз йиллигини нишонлашга муяссар бўлиб турибмиз, — деди Ҳамматов маърузасини якунлаш чоғида. — Душман бизни қул қилмоқчи эди, муқаддас Қизил Байроқни топтамоқчи эди — пиятига эриша олмади. Душман ўз уясида янчиб ташланди. Бу кунга етишгунча шу зайлда ўтирган аёллар, қизлар, чол-кампирлар, ҳатто болалар оз азоб чекинмади. Аммо бирон киши «вой» демади. Тишни тишга қўйиб, азобларга чидаб, меҳнат қилди. Меҳнати, чидами билан Ғалабани тезлатишга ҳиссасини қўшди. Ана шу буюк меҳнатингиз, ана шу буюк чидамингиз учун сизларга раҳмат, азиз овулдошлар! Бугун мўътабар байрам чоғида юрагимизнинг бир учи ҳувиллаб турибди. Кўпчилик бағримизга қайтмади. Ҳали узоқ йиллар ер юзида уларнинг ўрни биллиниб туради. Биз энг ёвуз душмандан устун кела олдик. Лекин олдинда янада муҳимроқ вазифалар турибди. Биз энди ҳолдан тойган хўжалигимизни қувватга киритиб, қаддини тиклашимиз керак. Партия бизни ана шундай улуг ишга чорлапти!

Ҳамма бирдан оёққа қалқди. Ёшли кўзларда қувонч — кулгу балқиди. Қарсакбозлик бошланди.

Ягафар ҳаяжон билан овулдошларига қаради. Бирдан деярли курси остига кириб кетай деяётган қизчага кўзи тушди. Афтидан қизчани онаси турар чоғида тиззасидан олган эди. Қизча тепасига, бир оннинг ўзида қувонч офтобидан чарақлаётган, ғам булутидан қораяётган чехраларга, қарсак ураётган қўлларга қараб турди. Кейин у ҳам чапак чалмоқчи бўлади. Бироқ ёғи чиқиб кетган, катта пахталикнинг енги оғирлик қилиб, қўлини баланд кўтара олмади. Қизчанинг онасига қараб Сахабанинг оиласини таниди. Сахаба урушдан яраланиб қайтиб, Ягафар келишидан бир ҳафта бурун омонатини топширганди. Эҳ-ҳе, ҳали урушнинг яралари қачон битадию қачон муҳтожлик барҳам топали. Бунга қадар Қўштерак яна қанча синовларга дош бе-

риши керак. Лекин овул нурли кунларга албатта етади!..

Афтидан, Галия ҳам худди шу фикр оғушида эди. У сахна четида туриб кўз ёшларини артишни ҳам унутиб қарсак чаларди. Гуё бу билан узун дардли кунларни ҳам, чароғон онларни ҳам баҳам кўришган овулдошларига миннатдорчилигини изҳор этарди.

Мажлиснинг иккинчи қисми бошлангунча Галия сахнада бўлди. Томоша кўрсатувчи ҳаваскорларга кўмаклашди. Кейин пастга тушиб, биринчи қаторга ўтирди. Ягафар қизлар қуршовидаги раисага фақат томоша сўнггида дуч келди.

— Байрамингиз қутлуғ бўлсин, қизлар,— деди у.

— Ўзингники ҳам қутлуғ бўлсин. Қани, даврамизга марҳамат,— Галия шундай деди-да, сал нарида турган озгин йигитга қараб қўйиб қизариб кетди.

— Вой-бў, манави медалларни қаранг!— деди қизлардан бири ҳаяжонини яширмай,— кўкраги тўлиб келибди-ку, игна тақишга ҳам жой қолмабди.

Бирданига Ягафарни ўраб олишди. Клубнинг жўра бошиларидан бири бўлган ўсмир даврани ёриб ўтиб, ҳар бир нишонга кўрсаткич бармоғини ниқтаганча билангонлик билан санади:

— Қизил Байроқ, иккинчи даражали Ватан уруши, Шухрат ордени...

Галиянинг ранги бўзариб кетди.

— Мени кечир, Ягафар,— деди-да, ҳалиги озгин йигитча ёнига кетди.

Ана, мирза Ягафар, ўқинг нишонга тегди. Энди қувонсанг арзийди. Галия ҳамманинг олдида узр сўради. Очиғини айтганда, Ягафар бундай бўлишини ўйламаганди. Бирдан унинг вужудини болаларча қилиғи учун уялиш ҳиссими ё нохуш оқибатни сезиш ҳиссими чулғаб даврандан чиқиб кетмоғчи бўлди. Медаллар бир-бирига урилиб, жаранглади.

Ўйин-кулги тоятга қадар давом этди. Галия бу кеч бутун ташвишларини сидириб ташлагандек, ҳолдан тойгунча ўйнаб, ашула айтди. Ягафар уни чақириб олиб гаплашишга ҳеч имкон топмади. Ҳамма тарқагач, кузатиб қўяман, деб ўйлади.

Байрам яқунланиб, ёшлар тарқалишди. Клубдан чиқишлари билан Галияни ҳалиги озгин йигит қўлтиқлаб олди...

Кун хийла совуб қолди. Салқин шабада ўт-ўланларни ҳурпайтириб, Қароқчи тоғ бағри бўйлаб югурди. Уфқ кўксини нурли тиғи билан тилган яшин ёмғирдан дарак берди. Ягафарнинг димоғига ёмғир иси урилиб, бағри тўлди. Бу ёмғирга одамлар кўпдан умид билан кўз тикишяпти. Челақлаб қуйиб берса қани эди...

Бирдан ҳаммаёқ қовоқ уйғандек жимиб қолди. Осмонда қуёш билан булутлар кураши бошланди. Дам қора булутлар қуёш юзига чанг солади. Дам қуёш нурлари билан булутларни қиймалаб ташлайди. Бундай пайтда замин яшнаб кетади. Аммо кўп ўтмай лахтак булутлар бирлашиб, янада қуюқлашиб, вазминлашиб, яна қуёш юзини тўсади. Ҳозиргина кўзни қувонтираётган борлиқ бирдан тумтайиб олади.

Мана, умрнинг яна бир куни ниҳоясига етаяпти. Кунлар ойларни, ойлар йилларни туғади. Умр пойгачи отдек сўнгги манзилга шу зайлда учиб бораверади.

Ягафар кечагина Лочинига миниб мана шу тоғ ёнбағрида шамол билан басма-басликка учиб жониворларни чўчитиб юрган эди. Уша бахтиёр куни қани энди? Қайтмас бўлиб кетдими? У кунни қўмсаган сийин юрак ўртанади... Ягафар бир неча йиллар илгари эмас, балки кеча севгилисидан буткул айрилганини билгач, дунё кўзига қоронғи бўлиб, нақ ой остидаги анави тош устида ўтириб тонг оттиргандай эди. Ушанда айрилиққа чидолмай ўлсам керак, деганди. У кун ҳам ўтиб кетди. Лекин дарди эскимади. Қалби худди кечагидек яна...

...Октябрь байрамидан сўнг биринчи қор тушди. Покизалик рамзи бўлган қор Ягафарнинг бошига қора ғам, алам ёғдирди. Худди қор ёққан кун Галиянинг тўйи бўлди. Раиса ўша озгин йигит билан турмуш қурди.

Ягафар Галия билан учрашиш режаларини тузиб юрганда бу хунук хабарни Талха топиб келди.

— Мен сенга нима дегандим! Қачонгача шўппайиб юрасан!— деди Талха аламдан йиғлаб юборай деб.— Танлаган ўлакраси Районода ишлар экан. Тушундингми, Рай-оно-да! Унга маданиятли эр керак-да.

Сен билан менга ўхшаганларнинг юзтасини бир чақага олмайди у хоним!

Ана шундан кейингина Ягафар қиз билан очиқ гаплашишга журъат қилди.

— Тўй яқин, деб эшитдим... Ё мишмишми?..

— Йўқ, нега энди.

— Ҳазиллашяпсанми? — деди Ягафар унинг югурик кўзларини нигоҳи билан илиб олишга интилиб.

— Эсингдами, бир куни уйланиш-гуноҳ эмас, девдинг. Худди шунга ўхшаш эрга тегиш ҳам гуноҳ саналмас экан. Сен... қаллиқ излаётувдинг. Топдингми?

— Галия, тўхтаб тур... Ахир, мен... Тамоман...

— Тамоман?! Ана шунақа, Ягафар, мен ҳам тамоман. Энди ҳаммасига нуқта қўйилди. Кечикдинг. Кеча ЗАГСдан ўтдик.

— ЗАГСдан? Қанақасига?.. — Ягафар бу гапни эшитиб бутунлай довдираб қолди.

Назарида, худди туш кўраётгандек бўлди. Ҳа, туш кўряпти. Ҳозир уйғонади. Кўзини очади. Қаршисиде Галия... Галия? Ҳа, ўша. У нимага куляпти? Йўқ, қувониб эмас, ўзини мажбур қилиб жилмайяпти. Э-ҳа, бу туши эмас, ўнги. Галиянинг бу жилмайиши бежиз эмас. Ана шунда Ягафар уятдан эрга кириб кетай деди. Ўзини жиловлаёлмай, юрагидагини баён қилиш ўрнига, Талханинг гапларини такрорлади:

— Энди тушундим. Сиздек маликага қишлоқи оғбоқар тенг келармиди?! Ўша суйганинга... тупураман мен!

Ягафар шундай деб оёғи остига тупурди-да, кескин бурилиб тез-тез юриб кетди.

Галия: «Ягафар, шошмай тур!» — деганча қолаверди.

Раисанинг нимадир демоқчи эканини сезса ҳам, Ягафар орқасига қарамади.

Ешлик-бебошлик, жаҳл келса ақл кетар, деб шуни айтарканлар-да. Ушанда жиззакилик қилмай қизнинг гапига қулоқ берса, бирон ери камайиб қолармиди? Бош эггиси келмадими? Ғурури йўл бермадими? Йўқ, у йиғитлик ғурури эмас, балки аҳмоқона ожизлик эди. Ушанда; «Йўқ, Галия, сени ҳеч кимга бермайман! Сен-сиз яшай олмайман!» деса, балки тўй бузилармиди, унинг ҳаёти буткул бошқача бўлармиди...

Тўйдан сўнг Галия овулда узоқ қолмади. Қишнинг

қоқ белида ҳисобот-сайлов мажлиси бўлди. Галия фарзанд кутаётганини баҳона қилиб жавоб беришларини сўради. Мажлиснинг эртасигаёқ эри уни район марказига кўчириб кетди. Кузга бориб ўғил кўрди. Кейин медицина техникумини битириб, район касалхонасида ишлай бошлади. Бу хабарларнинг ҳаммасини Талха ўз вақтида етказиб турди.

Баъзи-баъзида қўшни аёллар район марказига тушиб чиққудек бўлишса, уларга гап топиларди. Айниқса, Ягафар уйидалигида атайин овозларини кўтариб шанғиллашарди:

— Галиянинг бахти нақ офтобдек кулибди. Турмуши бинойи, бирон нимадан камчилиги йўқ. Эри ичмайди, чекмайди. Уни: «Галияхон», «Галияхон», деб кафтида олиб юради. Унинг хушмуомалалиги, илтифотлилигини айтинг. Чолимга берилган қогозни ўқидию қаёққадир қўнғироқ қилди. Ишим ўша куниеқ битиб, чолимнинг пенсиясини ошириб келдим...

Ягафар хотинларнинг гапини қон бўлиб эшитади-да:

— Жуда яхши, бахти очилаверсин, — деб қўяди.

Ягафар бу бахтни чин юракдан истамаган эканми, Галия олти йил деганда юрак хасталигидан ўлган эрини қабрга қўйди. Эрининг қабри совиғунча район марказида турди. Сўнг Қўштеракка қайтиб келиб колхоз медпунктида ишлай бошлади...

Галиянинг тўйдан кейин Ягафар ҳушини йўқотиб қўйди. Ҳатто ичкиликка ҳам берилди. Бахтига Ҳалиулла бобо бор экан, уни бу исканжадан қутқариб қолди.

— Эркакмисан ўзинг, бу нима қилганинг, одамларга бир қарагин, номус борми сенда! — деб тергаганди чол. — Битта сенинг бошингга ғам тушибдими? Не-не алп йигитни уруш олиб кетди. Мана шуни мусибат десаңг арзийди. Сен шўрингни ароқ билан ювмоқчи бўл-япсанми?

Ягафар учун шу тенбеҳнинг ўзи етарли эди. Энди аламини ароқдан эмас, ишдан оладиган бўлди. Қўшни райондаги қишлоқ хўжалик техникуми ҳузурда зоотехникларнинг бир йиллик курси очилгач, колхоз Ягафарни ўқишга юборишга қарор қилди. Ушанда ҳам Ҳалиулла бобо унинг жонига ора кирди.

— Онангдан ташвиш чекма, — деди у, — ҳали унчалик қари эмас. Насибасини бир амаллаб териб ейди.

Биз ҳам қараб турмаймиз. Бир йил кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Ўқишга бориб келавер.

Она яқин орада қариб қайноналик тахтиравони-га ўтира олмаслигини фаҳмлаб, йиглаб-сиқтаб бўлса-да, унинг кетишига розилик берди.

Бир йилдан кейин у зоотехник бўлиб қайтди. Қизлар бу қелишимли, ишчан, ғайратли йигитга ўгринча қарашар, аммо биронтаси унинг кўнглига чўғ ёқолмасди. Чунки Ягафар ҳануз Галияни унута олмасди. У онасининг зўри билан баъзан клубга чиқар, таомилга биноан биронта қизни уйига кузатар, бироқ сира юраги жаз этмасди. Ўқишни тугатиб келиб ҳам Ягафар бир йил сўппайиб юрди. Охири онасининг кундалик кўз ёшларига чидаш бера олмай Ойхилу деган қизга уйланди.

Аввалига куёвтўра келин болага кўп ҳам рўйхуш бермади. «Бўғзимгача ишга ботганман», деб уйда кам бўларди. Дам идорада қоғозга кўмилиб ўтирарди, дам молхонадан, дам отхонадан бери келмас, ёзда эса ўтлоқларга чиқиб, уч-тўрт кунлаб қолиб кетарди. Шундай кезларда ҳам Ойхилу уни очиқ чеҳра билан кутиб олар, югуриб-елиб хизматини қилар, нолиш нималигини билмасди. Колхозда ҳам меҳнат қиларди, хўжалик ишларини ҳам зиммасига олиб, қайнонасини тахтиравондан сира туширмасди. Эрининг совуқ кўнглини ўзининг меҳр-муҳаббати билан эритишга уринарди. Ойхилунинг интилиши беҳуда кетмади. Бора-бора Ягафарнинг қалбига муҳаббат ҳам оралади. Уйим-жойим дейдиган ҳам бўлди. Оила кенгайиб, ташвишлар кўпайгани сайин эр-хотин ораси жипслаша борди.

Аммо бу кунлар тезгина, осонлик билан келгани йўқ. Баъзан Ягафар Ойхилуни хафа қилиб, тупроқ билан қориштириб юборарди. Ойхилунинг ўрнида бошқа жувон бўлганда: «Ойдинда кулиб боқмаган бахтинг қоронғиликда чеҳра очармиди», деб қўл силтаб жўнчворган бўларди. Йўқ, Ойхилу бундай қилмади. Дардини ичига ютиб, бахтининг очилишини кутди.

Ягафарни ташвишга солаётган, Ойхилудан совутаётган яна бир сабаб бор эди. Умр бўйи оғир-меҳнатдан боши чиқмаган келин фақат учинчи йилга бориб биринчи боласига ҳомиладор бўлди. Унга қадар: «Меvasиз дарахтнинг боридан йўғи», деб ажралмоқчи ҳам бўлди. Бу пайтда ҳам Ҳалиулла бобо йўлдан қайтарди.

Чол Ойхилуни яхши кўрарди. Ягафарни кўрди дегунча келинни мақтарди. Бир куни келин-куёвни атайин меҳмонга чақирди. Дастурхон устида тўнғичи Аҳмадуллани эслайверди. «Биз янгангиз билан фалон йили турмуш қурганмиз. Аҳмадулла отамнинг қазоси етган йили туғилди. Демак, бундай ҳисоблаб кўрсам, Аҳмадулла тушмагур бемалол, шошмасдан, тўйимиздан беш йил кейин дунёга келибди...» Ҳалиулла бобо «беш йилга» атайин урғу бериб Ягафарга: «Шошилма», дегандек шама қилган эди. Ё чолнинг гаплари сабаб бўлдимми, ё ўша пайт кўзлар тўқнашган онда Ойхилунинг қараши таъсир қилдимми, ҳар ҳолда ўша куни ёқ кўнгли анча эриди.

Бу орада Галия қайтиб, яна совуш бошланди.

Дастлаб Галияни ўйлаб эзилганда Ягафар: «Ўзи пиширган ошни ўзи ичсин», деб уни хаёлидан чиқариб ташларди. Галиянинг қайтганини эшитгач, бутунлай ўзгариб, босар-тусарини билмай қолди. «У бева, менинг ҳам оилам қовушмади», деган фикр миясида муҳрланиб қолди.

Эслайман десанг кўз ёшига сабаб бўлувчимми, ё қувонтирадиганми, воқеа топилаверади. Уйингга ниманингдир мўралагани учун шод бўласан, ниманингдир ҳовлингни четлаб ўтганига шукур қиласан.

Галия эллик биринчи йилнинг кузида қора либосини ечди. Бир куни Ягафар отхонадан келаётиб кўчани тўлдириб чавгон ўйнаётган болаларга дуч келди. Боғларни кўриб юраги сиқилди-да, дўконга кирди.

Ичкарида сотувчи қизлар билан Талхадан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Талха бир қўлида шиша, бир қўлида стакан билан уни шодон кутиб олди:

— Қўшнижон, ҳамиша насибанг ўзинг билан юради-да, ғариб дастурхонимизга етиб келдинг, — Талха шундай деб стаканни тўлдириб узатди: — Тўғри, сен бизни назарга илмайсан. Аммо биз ҳам мағрур эмасмиз. Сен баланд келсанг, биз паст келамиз. Шу йўсинда муросаи мадора қиламиз. Қани, ол, аскарчасига кўтар.

Бир жиҳатдан Ягафарнинг кўнгли ҳижил эди, ичгиси келиб турганди. Қолаверса, дўстининг қўлини қайтаришни ўзига эп билмади. Шу сабаб стаканни индамай олиб, бир кўтаришда бўшатди. Қайғуга ботган одам учун шунинг ўзи кифоя. Илгари юракни кеми-



риб келган ёмон фикрлар энди рўй-рост бош кўтарди.

Ягафар ўша ошқомни эсласа то ҳануз уятдан ерга кириб кетай дейди. Ўшанда ўзи билмаган ҳолда тиконни босиб олди. Ана энди захрини тортиб юрибди. «Билсам эрдим, босмас эрдим ул тиконнинг захрини», деб бежиз айтишмаган экан.

Агар: «Галия, нима қилсанг қил, мен сени юрагимдан чиқариб ташлаёлмайман», деган гапига ўшанда бева уни қувиб чиқарганда бунчалик азоб чекмаган бўларди.

Ҳамиша шаддодлик билан Ягафарнинг шохини қайириб юрган Галия ўша куни чақирилмаган меҳмоннинг мастлигини сезмагандек, илиқ кутиб олди.

— Эски қадрдонларни унутиш инсофдан эмас, Ягафар,— деди у жилмайиб.— Уғлим билан овулга қайтганимизга уч ой бўлибди-ю, бир хабар олай ҳам демайсан.

Ягафар қайғусини, аламли ўқиқларини бир бошдан тўкиб солди. Галия унинг гапини бўлмай, бошини ҳам қилганча жим тинглади. Икки марта бармоқларини кўзига олиб келди. Ягафар сўзини тамом қилгач, иккови ҳам жимиб қолишди. Сўнг Галия энтикди.

— Ана, дарду ҳасратимизни тўкиб солдик, кўё ёши ҳам қилиб олдик. Кўнгил анча енгил тортди,— деди у бошини кўтармай.

— Ахир!..

— Ишонаман, Ягафар, қайгуларингга ҳам, афсусларингга ҳам, мени унутмаслигингга ҳам ишонаман. Ишонмай десам, ўзим ҳам шу балога гирифтор бўлганман. Мен ҳам сендан баттар мағрур, сендан баттар қи-виққон эдим.

— Йўқ, Галия, ҳаммасига ёлғиз мен айбдорман.

— Кошқийди. Ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Сендан устун келмоқчи эдим. Орденлар билан қилган қилиғингдан ниҳоятда ранжигандим.

— Галия, ҳозир бизга нима халақит беради?

— Ягафар, уйингга бор,— Галия шундай деб ўрнидан турди.— Ойхилунинг кўзи йўлингга тўрт бўлиб тургандир.

— Уйда тарс ёрилиб ўлай дейман.

Галия бош чайқаб, жилмайди.

— Ҳали суюкли Ойхилуни бошингга кўтариб юра-

сан. Тезроқ бора қол, сени кутиб, қувонганидан ўзини қўярга жой тополмаётгандир...

— Ҳа... кетишга жой тополмаяпти, — деди Ягафар тўнғиллаб.

Галия уни тирсагидан ушлаб эшиккача кузатди.

— Ягафар, суюнчини тайёрлаб қўй. Бугун Ойхилу келган эди. Боши қоронғи экан... — Галия шундай деб гангиб қолган Ягафарни кўчада қолдирди-да, эшикни ёпиб, илгакни тушириб қўйди.

Ягафар чўчиб уйқудан уйғонгандек сесканиб тушди. Кайфи бир онда тарқалди. Галиянинг илиқ жилмайиши, ўзининг довдир нутқи туш каби узоқлаша бошлади. Қулоқларига ишонмай уйига югурди. Ойхилу қизлигида яхши кўрадиган яшил гулли оқ кўйлагини, ялтироқ пойафзалини кийиб, стол тўрида ўтирарди. Унинг чехрасида ҳам хавотир, ҳам қувонч бор эди, кўзларига ёш қуйилай-қуйилай деб турарди. Ягафар эшикни ёпишни ҳам унутиб, хотини қаршисида тиз чўкди-да, оёқларини қучоқлаб олди...

Жажжи Дилбар Ягафарнинг оиласига нур, ҳарорат олиб келди. Бошига қора кунлар келганда дардини, ичига ютган, қувонч чўғини бошқаларга гулхан қилиб кўрсатмоқчи бўлган, бахтини интиқлик билан кутган Ойхилу бирданига очилиб кетди.

Овулдаги ҳаёт ҳам аста ўз йўриғига туша бошлади. Ягафар иш деса жонини аямасди. Бошқаларни ҳам шундай бўлишга ундарди. Тушкунликка берилганларнинг кўнглини кўтарди, текинтомоқликни кўзлаганларни эл орасида шармандасини чиқарди. Колхоздан топган даромадига қаноат қилмай, бошқа ерга бахтини излаб кетганларни кўрганда юраги эзилди. Ёшларнинг ўрмончиликка ёки район марказига даромадлироқ иш излаб кетишига; барзангидай йигитларнинг сабаби тирикчилик учун идорада биқиниб ўтиришига Ягафар ўзини ҳам айбдор санарди.

Бундай номардлар гуручдаги курмак каби ҳамма ерда учрайди. Уруш йиллари қаддини букмаган Қўштерак ғалабадан кейинги оғир йилларда ҳам тиз чўкмади, аҳиллик ва тотувлик билан қувватга кириб борди.

Узганинг луқмасига кўз тикмоқ азал-азалдан айб саналади. Эшикни беркитиб, қўшнидан яшириқча меҳмон кутиш деган гап ҳали-ҳануз бўлмаган. Айниқса, қўштераклик уйда ёвгон қайнатса ҳам қўшнисини билан баҳам кўрган, янги кийим кийса ҳам аввал қўшнисига кўрсатган. Агар уйига ўт тушган одамга янги уй солиш, ёки мажруҳга ўтинми, пичанми тайёрлаш, ё шаҳид кетганларнинг етим-есирларига ёрдам керак бўлса, бутун Қўштерак ҳужумга ташланган жангчилардек яқдил оёққа қалқар эдилар. Ягафар ана шу Қўштеракнинг фарзанди, меваси. Шу овулга хос яхши хислати ҳам, ёмони ҳам унинг вужудига сингган. Шунинг учун ҳам ўзгалар тақдирига бефарқ қарай олмайди.

...Ягафарнинг фермасида Фариди деган соғувчи аёл ишларди. Бир пайтлар гулдек бўлган бу жувонни мусибат қовжиратиб юборди. У урушдан аввал колхознинг энг олди тракторчиси, шу яқин атрофдаги овулларда тенги топилмайдиган жингалаксоч гармончи Тошпўлат билан турмуш қурган эди. Тошпўлат ҳарбий хизматга Ягафар билан бир кунда кетганди. Ушанда Тошпўлат аравага ўтириб, тинмай қўшиқ айтган, Ягафар эса унинг ёнида Лочинни йўрттириб борган эди. Ана шу кўркам йигит танкада ёниб, иккала оёғини ҳам жанггоҳда қолдириб қайтди. Бу ҳам етмағандек, жингалаксоч ўрнида жизғанаги чиқиб, қовжиратган эт қолган эди. Тошпўлат азобларга чидаб тирик қолди. Аммо аламга дош беролмади. Иродаси заифлик қилди. Далдани фақат ичкиликдан оладиган бўлди.

Ягафар унга яхши гапириб ҳам кўрди, сўкди, ҳам, эпласа бўладиган иш ҳам берди. Тошпўлат аввалига инсофга киргандек кўринарди, бироқ сал назардан қочирдингми, бир-икки кун ичида асл ҳолига қайтарди. Тўйгунча ичиб, кайф қиларди-да, Фариданинг кўмаги билан эшик оғзига чиқиб ўтирарди. Эски гармонини олиб куй бошлайди. Эшитган одамнинг юраги эзилиб, кўзидан ёш чиқай дейди. Фариди, у ҳатто гапирмай туриб, ишора қилиши билан ёрдамга шошади. Эри учун жон фидо қилишга тайёр туради. Ишора бўлмаса икки рангпар боласини бағрига босганча унсиз йиғлаб, эрига жонсарак тикилади.

Уй исимайди, пол ёриқларидан совуқ гувиллаб киради. Уйнинг ҳар бир қаричи, ҳар бир бурчагига қаш-

шоқлик, ожизлик тамғаси урилган. Болаларнинг уст-бошлари юпун, оёқларига кийгудай пойафзал йўқ. Фариданинг топган-тутгани, то сўнгги чақасигача ароққа сарф бўлади. Фарида эрининг, қанотлари қирқилган лочикининг дардига нимаики малҳам бўлса, шуни топиб келишга тайёр. Бир соатгина бўлса ҳам Тошпўлагнинг кўнгли таскин топса бас унга...

Ана шу жонкуяр Фарида ўғирлик қилаётганда раиснинг ўзи қўлга туширибди. Бу киши қўштераклик эмас, Галия кетгач, юқоридан юборилган учинчи раис эди.

Ўша куни Ягафар билан парторг Ҳамматовни шопилинч равишда идорага чақиришди. Фарида хона ўртасидаги ёғоч курсида мунғайиб ўтирарди. Раис ўз ўрнида эди. Столи устидаги темир товоқни газета билан ёпиб қўйибди. Раиснинг ҳам, Фариданинг ҳам қўли ун юқи эди. Лекин аёлнинг рангида ранг йуқ, худди ун сепилгандек оппоқ, раис эса аксинча, ғазабдан қизариб кетган эди.

Раис ўғрини гувоҳлар иштирокида сўроқ қилиш учун Ягафар билан Ҳамматовни чақиртирган экан. Улар остонада кўринишлари билан ёрила қолди:

— Ҳаммаёқ тўкин-сочин бўлса ҳам майли эди. Шунанганги нозик пайтда-я! Гўшт, сут, ёғ плани жар ёқасида турибди. Мана бу беҳаё эса соғин молларнинг емишига кўз олайтирибди. Ана, қаранглар, ҳозир шахсан ўзи тортди. Учқилою икки юз қирқ грамм чиқди. — У шундай деб темир товоқ устидаги газетани олди.

Бу ишнинг нақадар даҳшат эканини таъкид этиш ниятида юзини ушлади. Ҳазабдан қизарган бетларида унга ботирилган бармоқларининг оқ изи қолиб, қўрқинчли тусга кирди. Раис Фаридани бошқаларга намуна сифатида қаттиқ жазолашга аҳд қилган, ҳатто милиционерни чақиришга ҳам улгурганди.

Раис тутқаноғи тутгандек, ўзини босолмас, хона бўйлаб юриб, бўғилиб гапирарди. Ягафар билан Ҳамматов унга қовоқ уюб қараб қўйишар, гапини бўлмайдимоқ қиришарди.

— Кўз тиккан нарсангни қара-ю, — деди ниҳоят Ҳамматов бошини кўтармай. — Унидан кепаги кўп-ку буниёг.

— Ҳамматов, сен бунақа гапларингни қўй. Биз

соғин сигирларнинг емига ёмон ун қўшмаймиз, — деди раис норози оҳангда.

— Ҳамматов оға, болаларим оч. Уйдан сичқонлар ҳам қочиб кетяпти. Болаларим картошка еявериб касал бўлиб қолди.

— Қамоқдан ҳам қўрқмайсанми?

— Қўрқаман, оға. Эримдан ҳам қўрқаман. Энди бечора ўзини-ўзи еб қўяди. Мен-ку бир кунимни кўрарман. Болаларимни давлат паноҳига олади, очдан ўлмайди. Болалар уйига беришса қайтага яхшироқ бўлади. Фақат эрим...

— Энди нима қиламиз, Фарида, — деди Ягафар хўрсиниб. — Уғирлик қилишга қандай қўлинг борди, а?

Фарида индамади. Ўзини оқлай деса — сўз йўқ, йиғлай деса бошига мусибат ёғилавериб кўз ёшлари қуриб кетган. Худди ҳайкалдек қотиб ўтирибди. Афғидан, бу тошбағир уч эркақдан яхши гап кутмаётганга ўхшайди. Бирдан хаёлига тузукроқ фикр келдими, жонланиб тилга кирди.

— Болаларимга қаерда эканимни айтманглар. Қутулиб чиқсам, ўсим топиб оламан. Меҳнатдан қочмайман. Қўлимни косов, сочимни супурги қилиб, болаларим олдидаги айбимни юзаман. Тошпўлатни касалхонага жойлаштиринглар. Балки фойда қилар...

Ягафар ўрнидан туриб кетди. Ёнғини қашиган бўлиб хона бўйлаб у ёқдан бу ёққа юрди. Бу қанақаси ўзи? Яхшими, ёмонми, бир оила тавжуд эди. Энди хотин қамоқда ўтирса, эр эса ҳамма аламлари устига қўшилган бу мусибатни кўтаролмай кўз юмиши аниқ. Етимлар эса болалар уйида. Ягафар товоқчадаги унга, тарози палласидаги тошчаларга қаради. Итоаткор Фариданинг нақадар аниқлик ва ҳалоллик билан ўлчаганини тасаввур қилди. «...икки юз қирқ грамм...». Тарози палласидаги ҳамма тошчаларни йиғса Ягафарнинг сиқмида йўқ бўлиб кетади.

Ягафар раисга эътироз билдириш қасдида орқасига ўгирилди. Аммо гапи ичида қолиб кетди. Шу зайлда хона очилиб, ичкарига милиционер кириб келди.

Милиционер ўта қайсар одам экан. Ягафар унга хўп ялинди. «Колхозда ўзимиз ҳал қила қолайлик», деди, бўлмади. Милиционер унинг гапини эшитгиси ҳам келмади. «Ҳозирча ҳибса олмайман. Эртага ўзи

районга борсин», деб уччовини ҳам чиқариб юбориб, Фариданинг сўзларини ёзиб олди.

Ягафар ўша тун ухлаёлмади. Кўзини юмди дегунча қаршисида ранги оқарган, кўзларини ерга қадаган, унга беланган жонсиз қўлларини тиззасига қўйиб ўтирган ғамнок Фарида гавдаланяверди. Уч кило кепак учун шунча ғалва?! Наҳотки бошқа чора йўқ? Агар иктиёр Ягафарда бўлганда бутун Қўштерак аҳолисини йиғиб, Фаридани бошлаб уялтирарди. Шунинг ўзи ҳам бечорага етиб ортарди.

Фарида ҳалол аёл эди. Жоқ куйдириб ишларди. Сал кўнгли ёришгудек бўлса, одамларга қўшилиб ашула ҳам айтарди. Ишга келганда уйдаги ташвишини ичча бўлса-да, унутарди. Илгарилари қандай бахтли, қандай қувноқ эди. Ҳозир ҳам уни саодатга қайтариш мумкин. Бахтнинг озгина хамиртуруши бўлса бас унга...

Уй-хаёллар бир-бирини етаклашиб келаверади. «Йўқ, ётган билан иш битмайди. Темирни қизигида бошиш керак!» Ягафар шу қарорга келиб кўрпадан сирғалиб чиқди-да, қоронғида кийимларини пайпаслаб топиб қўлтиқладию эшикка йўналди.

— Тўхта, шошмай тур...

Ойхилунинг уйқусиз тетик овозини эшитиб Ягафар ҳайрон бўлди.

— Ухлаганинг йўқми?

— Бир бечоранинг бошига мусибат тушиб турибди-ю, ухлаб бўларканми, — деди Ойхилу хўрсиниб. — Ягафар, сен ўйлаб, вазминлик билан иш кўр. Қизишма, қонунхўрлар билан айтишма, фойдаси йўқ. Сен партиядаги одамсан, бемулоҳаза қадам босма. Аввал Ҳамматов билан маслаҳатлаш. Маъқулласа, кейин районга бор. Эрталабгача улгурасан. Гимнастёркангни қўйиб, пиджагингни кий, бунақа пайтларда медаллар қалал бермайди.

Ягафар хотинининг меҳр-оқибатидан жўшиб кетди. Унинг иссиқ елкасидан қучди-да, кийиниб ташқарига чиқди.

Ҳамматовнинг уйдаги бир деразадан ёруғ тушиб турарди. Демак, у ҳам ухламабди. Айни муддао. Бироқ Ҳамматовникига тўғри кириб боролмади.

Кўчанинг нариги бетидаги уй ҳам бедор эди. Кимнингдир сояси деразадан тушиб турган нурни дам-ба-

дам тўсарди. Бирдан тунги осудаликни бузиб аёл киши қичқирди. Нимадир синди. Ягафар кўчани кесиб, четан девордан ошиб ўтди-да, уйга кирди. Тошпўлат уй ўртасида тик турган хотинининг этагига ёпишиб олганча бўралаб сўкарди. Фарида эса учолмаётган қушдек тиширчилар, эрини судраб кетмаслик учун бир қадам ҳам босолмас, бурчакда титраб-қақшаб турган болаларига қўл чўзиб йиғларди.

— Тошпўлат, бу нима қилганинг?!

Тошпўлат ўзига келиб хотинини қўйиб юборди. Ягафарга тикилиб қолди. Кейин сурилиб бориб бошини темир каравотга ура кетди.

— Энди... мен етимча... мен бадбашара... бадбахт мўлоқ... нима қилишим керак? Ўлишим, фақат ўлишим керак!.. Ўлишим... Ўлишим...

Фарида эса дам эрига жавдираб қарайди, дам болаларини бағрига босиб, ялаб-юлқаб йиғлайди.

— Қўзичоқларим, овунчоқларим, онангизнинг қўллари қирқилса бўлмасмиди, бадбахт онангизни қарғаманг, болаларим, унинг гуноҳидан ўтинг, худо ҳаққи, айбидан ўтинг...

Чирсқнинг пилиги ҳам айтиб йиғлаётгандек бўлиб пирилларди.

Ягафар уруш давомида кўз ёши дарё бўлган, тақдир булганган, ҳаёти мажруҳланган жуда кўп одамларни кўрди. Бироқ бунақасига биринчи дуч келиши эди. Ифлос полда яримта одам — мажруҳ жангчи ётибди. Куйиб, қовжираган юзида, ғазабга тўлган кўзида на қўрқинч бор, на умид. Кўзлари фақат ўлиш истағи билан ёнади. Бурчакда эса сўлиган, озғин, ранглар аёл икки боласини бағрига олган. Ҳаммалари бараварига жимиб қолишди. Олтита кўз полда ётган яримта одамга тикилди.

Тиззалари қалтирай бошлаган Ягафар печь томон юрди. Лампа пилигидан тутун кўтарилиб, шипани қорага бўяди. Жимлик чўкди. Фақат пиликнинг аҳён-аҳёнда тирсиллашию одамларнинг оғир нафас олишлари эшитилди. Бу Ягафарнинг бағрига оғир юк бўлиб ботгандек эди. Шу сабабли беихтиёр кўкрагини силади.

— Ярим кечада шовқин кўтарганларинг нимаси?

Ягафар шу саволни берди-ю, ўсал одамнинг соғлигини сўрагандек изза чекди. Лекин кўкраги юкдан бир оз холи бўлганини сезиб, енгил хўрсинди.

Фарида ўзига келди.

— Ягафар оға, умидим фақат сендан,— жувон шундай деб болаларини бағридан чиқарди-да, пиликнинг куйганини чимдиб олиб ташлади.— Мушкулимини фақат Ҳамматов оға икковларинг енгил қила оласизлар. Худо ҳаққи, буларни ёлғиз қўйманглар. Эрталаб районга боришим керак экан. Уч кунлик овқат олишим лозим эмиш.— Фарида шундай деб аянч билан жилмайди-да, бош чайқади.— Уч кунлик... Агар бир кунлик таом бўлса ҳам мен бу лаънати кепак унга қўл урмасдим... Ўзим овқатсиз кўникиб қолганман...

Тошпўлат пешонасини полга тираб йиғига берилди. Болалар кўзларини бақрайтириб Ягафардан нигоҳ узишмади. Улар Ягафардан қўрқишяптими ё яхши гап кутишяптими, англаб бўлмасди.

— Гап бундай, келин,— деди Ягафар овозини кўтариб. Болалар қўрқиб оналарининг этагига яширинишди.— Эрталаб ҳеч қаёққа бормайсан. Тўғри ишга чиқасан, тушундингми?

— Вой, йўқ, Ягафар оға, жарима солишади. Милиционер ҳам: «Кечиксанг, кўпроққа қамаласан», деб кетган. Йўқ, йўқ, тонг отмай туриб одамларнинг кўзига кўринмай чиқиб кета қолай.

— Бормайсан, вассалом!— Ягафар аччиқланиб буйруқ оҳангига ўтди.— Сен, айтган ишни қил. Болаларни ухлат. Тонг отаверсин-чи. Эртага худо пошшо!— Ягафар шундай деб Тошпўлатга яқинлашди.— Хўжайин, сенда гапим бор. Ташқарига олиб чиқа қолай.

Тошпўлат сассиз рози бўлди.

— «Хўжайин» деддингми? Исминни унутганга ўхшайсанми?— деди мажруҳ аскар шинелга ўралиб ўтирар экан.— Отим Тошпўлат. Пўлат дейиш ҳам мумкин. Эскичасига Пўлат гармончи десанг ҳам майли. Хизматга кетаётганингда сен ҳам гармонимга қўшилиб ашула айтувдинг, эсингдами?

— Эсимда, Пўлат гармончи, эсимда. У кунни унутиб бўларканми! Аммо ҳозир ишимиз чатоқ бўлиб турибди. Хотинингга икки йил беришлари мумкин.

— Ҳа, ана энди ўзингга келдинг, қаттиқроқ тишлайвер, этимни қийма қилиб ташла, ярамга туз сеп. Худо урган ожиз одамни бандалари ҳам туртиб ўтавераркан.

— Ўпкангни бос. Сўкишга менинг ҳам суягим йўқ.



Агар истасанг Фариданинг бу кўйга тушишига кимнинг лутфи карами сабаб бўлганини айтиб беришим мумкин. Лекин бу гапнинг фойдаси йўқ. Утган ишга салавот.

— Нишонга урдинг, Ягафар! Яъни «Ароқ — захардир, сени чақадир. Бўлмай десанг ёт — ичма Тошпўлат!» Бунақа гапларни эшитавериб қулоқда қулоқ қолмади, ошна. Аммо насиҳат билан оёқни ўстириб бўлмас экан.

— Шанғиллама, одамлар ухляпти. Менга қара, Тошпўлат, ярим кечада сеникига меҳмон бўлиб келганим йўқ. Кулфатнинг олдини олиш керак. Ўйлаб кўрайлик. Бошқа йўли, чораси бордир, ахир!

— Биттагина йўл бор — ўлиб қутулиш.

— Йўқ, Тошпўлат, бу аҳмоқларнинг йўли. Бошқа чораси бўлиши керак. Қамоққа ўзим тушсам тушман, бу чорани топаман.

— Катта кетма, Ягафар, қизил дафтарингни яна стол устига қўйиб юрмагин. Қонун Фарида томонда эмас-а?

— Сен мени биласан, Тошпўлат.

— Билмай-чи, «Сузангич Ягафар!» — Тошпўлат истеҳзо билан кулди. Кейин Ягафарни ёқасидан тутди. — Биламан, барибир гапимга ишонмайсан. Лекин Фарида қутулиб қолса, бир қултум ҳам ичмайман. Ичсам худо урсин!

— Қасам ичма, шундай ҳам ишонаман. Сендек жангчига ишонмай кимга ишонаман. Сен Ватан учун жанг қилиб икки оёқдан ажралдинг. Лекин виждонинг баданда қолгандир. Уни кесиб ташлашмагандир? Қандай эркак эканлигингни яна бир кўрсат. Эҳ, танкчи-гармончи, болаларингга қара. Ажойиб, мард йигит бўлади булар. Кейин оталари билан фахрланиб юришади.

Тошпўлат индамади. Шинелининг чўнтагидан тамаки халта чиқариб қўлбола қилиб сигарет ўради-да, Ягафарга тутди. Сўнгги тамакини қоқиб-қуриштириб ўзига ҳам ўради. Гугурт ёқди. Хумор босди қилиб тортишди.

Қора булутлар осмонни босиб кела бошлади. Кўчадан салқин шабада югуриб ўтди. Худди жанг арафасини эслатувчи хавотирлик тургандек бўлди.

Тошпўлат бирдан паст овозда ҳиргойи қила бошла-

ди. Энди унинг урушдан аввалги овози йўқ, нафаси етмайди, авж пардага кўтарилма олмайди. Титроқ, заиф овози юракдаги дардни ифода қилишга аранг етади. Тошпўлатнинг қўшиғи аввалги куч-қудрати, ўктамлигидан, мардлигидан, мағрурланиш, айни чоқда қуролдош дўстларини соғиниш ҳисси билан йўғрилган эди: «Баҳор юз очган маҳал, тўплар сўнгги бор тортдию наъра, тугади жанглар...» Тошпўлат худди туришга чоғлангандек бир қўли билан тирсагини маҳкам ушлаганча қўшиқ айтади. «Қайларда қолдингиз, қуролдошларим, елкадошларим...» «Бу қандай гап, шунқор йигитлар, ўзингиз ғалаба билан қайтиб, мен мўлоқни қоронғи жангтоҳ ўртасига ташлаб кетдингиз...»

Ягафарнинг кўзларига ёш қуйилиб келди. Томоғига нимадир тиқилди. Ютай деса ютолмайди. Гапирай деса овози чиқмайди. Тошпўлат елкасидан қучиб унинг ҳазин ашуласини сассиз эшитди.

Улар шу аҳволда то Қароқчитоғ тепаси ёришгунга қадар ўтиришди. Қаердадир укки бемаврид сайради. Ит уйқу аралаш улиди. Кейин Қўштерак хўрозлари қанот қоқиб, янги кун мадҳиясини бошладилар. Тонг шафағи осмонни нурга буркаб, аста ерга қўна бошлади. Осмон нурга чўмилган, ер сатҳи эса қоронғиликдан қутулмаган эди. Уйларнинг мўрилари худди қоронғилик бағрини тилиб, ёруғликка ёриб чиққандек кўрилади.

— Энди мен борай, Тошпўлат. Кел, сени олиб кириб қўяй. — Ягафар шундай деб ўрnidан турди. Бироқ Тошпўлат унинг гапини эшитмагандек уфқдан кўз узмади.

— Чиройлигини қара! — деди у қандайдир ички ҳаяжон билан.

«Эҳ, гармончи, гармончи... жондан тўйгандай бўласан-у, аммо юрагингда ҳаётдан илинжинг кўп. Буни ўзинг ҳам билмайсан...» Ягафар ўзича жилмайиб қўйди-да, кўчага чиқди.

Ҳамматов уйгоқ эди. Қизарган кўзлари бу тунни бедор ўтказганини ошкор қилиб турарди. У Ягафарнинг гапини диққат билан эшитиб, қарорини маъқуллади.

— Қариллик жиловлаб олганга ўхшайди. Белим зирқираб оғрийди, оёқдан жон чиқай дейди. Бу азоб тунни билан уйқу бермади. Райкомга ўзим боришим ке-

рак эди. Етолмайман, деб қўрқаман,— Ҳамматов аф-  
сус билан хўрсинди. Фақат биринчи котибга учрашиш-  
ни, қизишмай, вазминлик билан тушунтиришни уқ-  
тирди.

Ягафар райкомга келганда фаррош эндигина зина-  
пояни юваётган эди. У отдан тушиб, айғирни девор ос-  
тидаги дарахтга боғлади-да, эшикни очиб ҳовлига кир-  
ди. Орқа томонда кимдир енгил йўталди. Ягафар ўги-  
рилди-да, эшик ёнбошидаги тош устида ўтирган, ранги  
ўчган кителли гўштдор одамни кўриб тўхтади. Нота-  
ниш одам юзига фотиҳа тортган бўлди-да, қўл қовуш-  
тирди. Унинг оғир қараши Ягафарни ёқасидан олган-  
дек қимирлатмай қўйди.

— Ана холос! — нотаниш одам шундай деб қаққаг-  
лаб кулди. Йўталди. Кейин нафасини ростлаб олгач,  
бош чайқади.— Танимадинг-а? Эски қадрдонларни  
унутиш инсефдан эмас, Ягафар!

— Ҳеч эслолмаяпман...

— Оббо, жуда баландлаб кетибсанми? — у ҳали  
ҳам нигоҳини Ягафардан узмай истеҳзо билан жилмай-  
ди.— Мен Сатаевман! — Унинг кўзида қандайдир уч-  
қун ялт этди.

— Ҳа, энди эсладим. Ҳали ҳам бу дунёдан наси-  
банг узилмаган экан-да?

Ягафарнинг Сатаевга нисбатан бўлган қаҳри алла-  
қачон сўнган, ундан ташқари хаёли бошқа ташвиш  
билан банд эди. Шунинг учун унга совуққонлик билан  
қаради.

Ягафарнинг совуқ гапи унга оғир ботди. Ажин боо-  
ган, халтадек осилиб қолган юзидан ранжигани сезил-  
ди. Бироқ сир бей бермади.

— Танимаганингни қара-я... Мен эса сени дарров  
танидим. Одам эмас, бургутсан. Илгари ҳам бургут  
ёдинг, лекин ўз қанотингни ўзинг қирқиб юрасан. Шу-  
нинг учун баланд учолмайсан. Орденларингни қара...  
Санашга бармоқ камлик қилади. Колхозда ҳам обрў-  
йинг яхшимиш, деб эшитаман...

— Ўзинг қалайсан?

— Менми? Қарияпман. Райтопда ишлаётувдим.  
Иззат-борида кетишнинг ҳаракатини қияпман. Қаер-  
да ишлама — ҳамма жой бир гўр, ҳақиқатга зор бўлиб  
юраверар экансан. Пенсияга чиқсаммикин, деб турув-  
дим. Ҳар ҳолда ўттиз йил халққа хизмат қилдим.

— Ҳа, хизматни ўрнига қўйдинг,— деди Ягафар пичинг билан.

— Энди шундай дейиш расм бўлган. Аслида халқнинг ўзи хизмат қилиши керак.

— Кимга, сенгами?

— Нимага менга бўларкан? Мен нима учун хизмат қилган бўлсам, халқ ҳам ўша учун, очикроқ айтсам, куч учун хизмат қилиши керак. Мана сен, ҳамма нарсани ҳақиқат пойдевори устига қурмоқчи бўласан. Ҳақиқат — юқорининг кучи, демак. Сенлар эса кўпиртиришни яхши кўрасанлар. Гапнинг пўскалласини айтсам, ҳеч нима қуролмайсанлар, ҳеч нимага эриша олмайсанлар ҳам. Инқилоб шамшири ҳақида нима дейиларди. Жазоловчимиди? Сенлар эса...

— Бўпти, кўп шақиллама, сен билан лақиллашишга вақтим йўқ.

— Қаёққа шошаётганингни биламан. Райкомга нима дард билан келганинг ҳам менга маълум. Милиционер менга қариндош бўлади. Уғри хотиннинг қўлга тушганини кеча айтиб берди.

— Бунинг сенга нима кутгулиги тушиб қолди? Сен гап емай қўя қол, ўзимиз пиширган ошни ўзимиз ичамиз.

— Ошни-ку ўзинг ичасан-а, бироқ бу хабарни эшитиб мен ҳам тузи билан ухламай чиқдим. Барвақт турдиму тулпорни эгарлаб шу ёққа келавердим. Хўроз қичқирмай туриб сузонғич Ягафар келиб қолар, деб ўтирган жойим эди. Айтмоқчи, сени «сузонғич» дейишарди-а, унутмадингми? Уша қичима хотиннинг ҳимоясига отилиб келишингни сезган эдим. Сен бунақа пайтда ўзингни ҳам, оилангни ҳам, партиявий бурчингни ҳам, совет қонунларини ҳам унутасан. Фақат яхшилик қилсам, дейсан. Сен ўша хотинга, мўлоқ эрига ачинасан. Мен эса кўпроқ покизаликнинг, кучнинг топталишига ачинаман.

— Инсонга раҳм қилишга қудрати етмаган куч қанақа куч экан?

— Жуда оддий куч. Ҳозир сенга тушунтириб берман: сен хотиннинг айбидан ўтасан. У эса устингдан ўзича кулиб қўяди. Эрининг ичгиси келгудек бўлса, энди ўн кило урни эҳтиёткорлик билан ўмаради. Қолхозни юлқилаётганини ўн киши кўради-ю, бир киши ушлайди. Бошқалар қараб-қараб туради-да, сендан

қолсам, қулогимни кесаман, деб улар ҳам ўғирлай бошлашади. Йўқ, Ягафар, одамларни инсофга келтириб бўлмайди. У хотин юқумли касаллик тарқатади. Чора кўрилмаса, бутун колхоз, бутун музофотга юқтиради касалини. Энг яхши йўл — хотин уч йил керакли жойда ҳасибасини терсин, эрни касалхонага, гўдакларни болалар уйига жойлаштириш керак. Улар очликдан, совуқдан рахитга чалиниб, қинғир-қийшиқ ўсмаслиги зарур. Хўш, гўдаклар уйда нима кўради? Ифлосга булганиб ётган майхўр отаними? Уғри онаними? Болалар — бизнинг келажагимиз. Биз келажгимизни ўйлашимиз керак. Сен эса фақат битта биянинг ташвишини тортяпсан. Уттиз саккизинчи йилда отларга ёпишган манқа касал эсингдами? Бу хотин ҳам худди шунақа юқумли касалга гирифтор бўлган. Ўшанда нафасинг қайтгур Ҳалиулла райкомга келиб: «Сатаев ўзини кўрсатиб, мансабга интиляпти», деган. Нима, мен армияга бериладиган айғирларни оттирадиган аҳмоқ эдимми? Ўшанда бошимни зўрға омон сақлаб қолдим. Сал бўлмаса худога омонатимни топширай дегандим. Ут билан ўйнашаётганимни билардим. Ҳа, билардим. Агар касал бутун районга тарқалса нима бўларди? Унда бошдан айрилишим тайин эди. Сизларнинг эса бу жониворларга раҳмингиз келди. Сассиқ чол касал бошланаётганини сезмаганимиди? Йўқ, сезганди; мендан аввалроқ сезганди. Лекин отларга ачинди. Ўшанда, сенларни бир қўрқитиб қўймасам, ачиниб ўтираверардиларинг. Тўғри, ўшанда мен касал отларни ажратиб олсам ҳам бўларди. Бироқ ўжарликларинг гашимга тегди. Меҳрибонликларингни бир синаб кўрай дедим. Мен соғлом отларни ҳайдаб чиқаётганда чол йўлни тўсар, деб кутгандим. Тўсмади. Темирбой эса муҳр босилган қоғоздан қўрқди, дарвозани ўзи очиб берди. Яна у қизил суворий эмиш! Мен ўшанда чинакам кучнинг қандай бўлишини кўрсатиб қўймоқчи эдим. Аста-секин кўникиб қолардинглар, хўрсиниб, кўз ёши қилиб бўлса ҳам отни берардинглар. Кейинги сафар эса...

Бирдан Сатаевнинг нафаси ичига тушди. Нигоҳи бошқа томонга қадалди.

— Сен улардан ҳам баттарсан. Сенга гап уқтириб бўлмайди. Бунинг устига аҳмоқона бўлса ҳам мардлинг бор. Ўшанда Лочинни омон қолдиришим мумкин

эди. Унинг соғломлигини билардим. Аммо олдимга бош эгиб, айғирни етаклаб келишингни истаган эдим. Чолнинг гапига кириб отни яширдинг. Сенга бу камлик қилди, бошқа айғирларни ҳам ҳимоя қилишга шошилдинг. Ушанда Лочининг тасодиф билангина омон қолди. Ўзим ҳам уни отишни истамагандим. Мен бошқа ўн бешта отдан кўра кўпроқ унга қайғурдим. Сен келганигда галати аҳволга тушиб қолдим. Бош эгиб, айғирни етаклаб келганингга суюндимми ё энди айғир отиладиган бўлди, деб қўрқдимми, билмадим. Қичқириб, менга ташланганинга отни эмас, ўзингни бўғиб ўлдиргим келди. Менга очигини айт: сен нимани иш-ботламоқчи бўласан? Нима учун бошқалардан кўпроқ нарсани талаб қиласан? Ушанда Иблислар маконига нима учун Ҳалиулла эмас, Темирбой ҳам эмас, сен келдинг? Хўш, Лочинингни қутқариб қолган эдинг, худога шукур қилиб ўтиравермай, нимага бошқалари учун ҳам жон койитдинг? Бугун-чи? Нима, у хотин синглингми, қариндошингни ё ўйнашингни? Ёки жамият учун қимматли одамми? Қариндошимнинг айтишича, Ҳамматов ҳам куйиб-пишиб уни ҳимоя қилган экан, бугун нимага келмади?

— Бели оғрияпти.

\* — Бели, дегин? Менинг ҳам белим оғриятувди. Лекин мен келдим. Чунки мен ҳам сенга ўхшаб оғриқларни писанд қилмайман. Сенга ўхшаш жонкуярларни деб қонун кучи қирқияпти, ҳамма раҳмдил бўлиб кетяпти. Бунақа пайтда Сатаев иссиқ уйида хотиржам ўтиролмайдди. Мен покизалик ва кучни то ўлимга қадар ҳимоя қиламан.

— Кимнинг ўлимига қадар?

— Кимнинг деганинг нимаси?

— Ўзинг «ўлимга қадар» деясан-ку! Агар сенга қолса покизалик ҳам, қудратимиз ҳам аллақачон ерга кўмиларди.

— Тилинг бурро, Ягафар... Бироқ мен қари бўлсам ҳам пойгада олдинроқ юраман. Мен кечаёқ келиб қабулга ёзилиб кетганман. Биринчи бўлиб мен кираман. У ердагилар ҳам,— Сатаев райкомга имлаб кўрсатди,— меҳрибон одамлар. Мен қариб қолдим, кучдан кетганман. Лекин уларнинг меҳрибонликларини бўға оламан. Ҳозир кираман-да, «Юлдибоевни даҳлизда тасодифан кўриб қолдим. Фермасида ўғирлик авжга чиқ-

қанмиш. Кеча энг ашаддий ўғрини ушлашибди. Юлғичликнинг бежилов бўлиб кетганига ажабланманг. Юлдибоев-ку, ўзига бир чимдим ҳам нарса олмайди. Лекин тартибга қарашга вақти йўқ. Хотинидан аччиқланиб, ичгани ичган, ичиб олиб бева хотинникида вақт ўтказди», дейман. Нотўғри дейсанми? Хўш, бу ерга нима учун келдинг? Ҳақиқат излабми? Мен ҳақиқат юзасидан ҳамма гапни айтдим сенга. Сен меҳрибонлигини намойиш этиш учун келдинг. Бунинг учун сен ҳамма нарсани унутасан. Ҳатто медалинг ортидаги қизил дафтарингни ҳам!

— Йўқ, мен уни сира унутмайман. Чунки менинг ҳақиқатим ҳам, меҳрибонлигим ҳам, виждоним ҳам шунда. Мана шу мени бу ерга олиб келди.

— Орденларим қалқон бўлади, деб ўйлама. Стол устига қўйишинг ҳеч гапмас.

— Хотиржам бўл, Сатаев. У орденларим ортига яширинмайди.

Ундан кейин нималар бўлганини эслашни ҳам истамайди. Ҳар ҳолда бу гап чўзилди. Оқибатда Ягафар қатъий ҳайфсан билан қутулди. Фарида эса колхозда қолди.

Ҳаёт йўриғига тушиб кетди. Тошпўлат аҳдида туриб беш-олти йил ичмади. Фарида енгил нафас олди. Ишлади, болаларини боқди. У-бу нарса ҳам орттирди. Лекин Тошпўлатнинг иродаси кўпга дош беролмади. Қалбидаги дард яна қўзғаб, ича бошлади. Қишнинг аёзли тунларидан бирида хотини, болалари ухлаб ётган маҳалда битта кўйлақда ташқарига судралиб чиқиб гармонини қучоқлаганча музлаб қолибди.

Агар кишининг бошига мусибат тушса кунларнинг ўтиши қийин бўларкан. Шодлик мўралаган пайтда эса кунлар тулпордек қувлашиб ўтиб кетаркан. Ягафар гоҳ аравага қўшиладиган отда, дам Лочин каби айғирда учиб эликдан ошганини сезмай қолди. Бу йиллар ичи қанча бахтли ҳодисалар бўлди. Ҳаммаси яхшилик ваъда қилиб кўтарилган қуёшдек бир чарақлади-ю, яна уфқ ортига сингиб, қоронғиликни қолдириб кетди. Кулфатлар, аламлар-чи... Улар ҳам келиб, булут каби тарқади. Лекин бахтсизликларни эсласанг ҳозир ҳам юрагинг тирналади.

Ягафар энди Ойхилуни ўйлади. Ойхилу... Бу доно, куйгинчак аёл туфайлигина Ягафар бутун довлардан ошишга куч топди. Умр хазинасигача етиб келди. У турмушнинг оғир ташвишларини эри билан баравар тортишди. Эрини қаноатга ундади, ақлли маслаҳатгўй, содиқ ёрдамчи бўлди. Ойхилунинг ташвиши фақат оила билангина чекланмасди. У эрининг хизматдаги ташвишларига, беором, ҳаловатсиз орзуларига бефарқ қарамасди. Ойхилу болаларини парвариш қилишга ҳам, эрининг атрофида парвона бўлишга ҳам, колхозда ишлашга ҳам улгурарди. Барчага бирдек, ҳамманинг кўнглини олгиси келади. Ҳатто бир куни Галия Ягафарни тўхтатиб ҳавасини яшира олмади:

— Бахтинг бор экан, Ягафар, бундай кўркем, бундай хушмуомала хотин ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Қўл-оёғи чаққонлигини айтгин. Медпунктга бир дақиқага кириб қолгудек бўлса: «Опой, йиғиштиришга ёрдам берайми», деб туради. Болаларининг бахтига омон бўлсин...

Аёвсиз йиллар одамларнинг чеҳрасида тамағасини қолдириб ўтаверади. Бир авлод қуриб, иккинчиси куртак ёзади. Ягафарнинг онаси қайтиш қилиб берганига кўп йил бўлди. Ягафар билан Галиянинг авлоди ҳам умр кузагига қадам қўйди. Болалар улғайиб, қанот чиқариб учиб кета бошлашди.

Галиянинг ўғли Элдор етимман, деб қисиниб ўсмади. Қоришимли, ўктам йигит бўлди. Нимжон отасига ўхшамади. Институтни битириб, Уфада инженерлик қилади. Ўзининг Дилбари-чи? Кечагина узун этагини чувалатиб, оёқ яланг югуриб юрарди. Бугун эса дорилфунунни битиряпти. Дилбардан кейин туғилган Марат эса кузда ҳарбий билим юртига кирмоқчи. Қариб бораётганининг билгинг келса, болаларингга қарагин экан...

Ягафарнинг энг катта бойлиги, фахри — унинг фарзандлари. Ота учун ҳар бир фарзанд бирдай суюкли. Аммо узоқ куттириб, дунёга келгани учунми, ё қиз бола бўлгани учунми, Дилбар ота юрагига яқинроқ. Ягафарнинг бутун ўй-хаёли шу қизи билан банд. Шу қизим ўқисин, ҳаётда ўрнини топсин, деб кеча-кундуз меҳнат қилади, куюнади. Дилбар шаҳарга кетгандан бери ҳар ойда кўргани боради. Уст-боши бутми, соғли-



ғи яхшими, деб ташвишланади. Бу ташвишлар унга олам-олам шодлик келтиради.

Ушанда Галия билан аразлашмай, Ойхилуга уйланмаганда нима бўларди? Ҳаёти ҳам бўлакча кечарди, бошқа болалар туғиларди. Бошқа болалар?! Бу гапни тилга олгинг ҳам келмайди. Агар Галия билан турмуш қурганда ҳатто ўзи ҳам бўлакча бўларди. «Бошқа Ягафар...» У бош чайқаб кулимсиради. Умр ўтгани сайин одам бошқача бўлиб бораверади. Кўп нарсадан воз кечади, кўп талабларга кўникади. Шахсий ташвишларини унутиб, хотин, бола-чақа, атрофдаги дўст-биродарлар ташвишига ўралиб қолади. Мусибатига ўзи қоврилиб, шодлигини баҳам кўради. Қим билан турмуш қурмасин, Ягафарнинг тақдири Қўштерак билан боғланиб қолаверади. Уша кулфатларни кемириб, ўша бахтиёрликдан маст бўларди. Болалар эса... Худо йўқ, Ягафар коммунист, худога ишонмайди, агар ерни кузатиб турувчи қудрат соҳиби бўлса ҳам, бу юмушини фақат болаларни деб бажаради. Бу ёруғ дунёда бошқа эмас, айни шу одамнинг яшашини таъминлайди. Бу дунёда Дилбар яшаси\*, Марат яшасин, дейди. Аммо болаларнинг яшаши учун катталар кўпга тушадилар. Демак, Галиядан ажраб ғамга ботиши шу Дилбар, шу Марат йўлидаги илк қурбонлиги экан-да?! Галия эрга теккач, у икки йил ит азобида тўлғонди. Бу ҳам ўтди. Бўрон тиниб, қалби тин олгандек бўлди. Аммо Галияни унута олдимиз?.. Оддий савол, бироқ жавоб бериш қийин. «Ҳа, унутмадим», дейилса кўз олдига Ойхилу келади. Бу сўз унинг покиза чеҳрасига гўё балчиқдек чапланади. «Ҳа, унутдим. Бу бир алдамчи туш, ўткинчи шабада эди», деса ёшлигига хиёнат қилган бўлади. Инсон сўнгги нафасига қадар тайин жавоб бера олмайдиган мана шундай мушкул саволлар ҳам бўлади. Бу саволлар ўтмишинг билан бугунингни кўринмас ип билан боғлаб туради. Жавоб берганинг ҳамон ип узилади. Қалбингнинг бир парчаси тушиб, хотираларинг парчланади. Баъзан яра пишиб, чақаси тушиб кетини чоғида баданнинг бир улуши бўлган бу жигарранг қаттиқ этга ачинасан. Ҳолбуки, у йиринглар сенга азоб берганди. Шундай бўлса ҳам бу чақа ўз аъзойингнинг бир улуши эди...

Яна шу яқин атрофда мис қўнғироқча жиринглади. Ягафар осмонга қаради. Булутлар чокини сўкиб юрган

қуёш тоғ чўққисини ошиб ўтган, ёнбағрига қуюқ кўланка тушган эди. Енгил изғирин турди. Сўфитўрғай бугунги кўшигини айтиб тугатди. Мис қўнғироқчанинг овози эса тинмади.

Пастда йўлни чангитиб келаётган соябонли арава кўринди. Ягафар тик турганча отларга қамчи босаётган ўғлини дарров таниди. Афғидан, врач жаҳлига чиолмай, овулга қўнғироқ қилгану ўғли ўйлаб ўтирмай аравага отни қўшиб йўлга чиққан. Арава тўхтаб, Марат ирғиб тушиб, отаси ёнига кўтарилла бошлади.

— Пиёда чиққан бўлса, албатта шу йўлдан юради, девдим, янглишмабман, — деди у ярим йўлдаёқ бақириб. — Энди оёққа турган одам ҳам тоғ ошадими?

Марат яна нимадир демоқчи эди, отасининг қовоғи солинганини кўриб гапини ичига ютди.

— Тинчликми? Уйдагилар соғ-саломатми? — деди Ягафар ўтирган еридан қўзғалмай.

— Тинчлик. Ҳамма соғ-саломат. Опамдан хат олдик. Бугун-эрта келар эмиш.

Бу гапни эшитиб Ягафар туриб кетди. Шошилиб арава сари юрди.

— Нимага келар экан? Ўзи соғмикан? Нима бўлибди унга?

Марат: «Ҳали ҳеч нарсадан хабарим йўқ», дегандек унга кулиб қаради-да, шошилмасдан пастга туша бошлади.

Ўтган ҳафтада Дилбар талабаларнинг қурувчи отряди билан узоқ бир совхозга кетиши керак эди. Августда қайтаман, деганди. Бу қанақаси бўлди? Шуларни ўйлаган сайин Ягафарнинг хавотири ошди.

— Нима бўлибди, деб сўраяпман сендан?

— Ҳеч нима бўлмабди... Дилбар эрга тегаётган эмиш.

— Қачон эсинг киради сен боланинг. У сенга Дилбар эмас, опа! — Ягафар шундай деб дашном бергандан кейингина ўғлининг гапларини англаб етди. Аравага узатилган қўли қайтди.

— Дада, ўтира қол энди, кеч киряпти.

— Сен нимага отларни тоққа ҳайдаб келдинг? Мен сенга пойга қилишни кўрсатиб қўймайин ҳали! Терлаб кетганини қара. Далада иш қайнаб ётибди-ю, булар соябонли аравада юрадилар. Бу қайсар ўз оёғи билан

етиб келолмайди деб ўйлагансанлар-да, а? Ё мени қарига чиқариб қўйдиларингми? Ўзбошимчалик қилиб, ўз хоҳишларингча яшамоқчи бўласанлар, биламан...

— Ахир, дада, мен ўзимча чиққаним йўқ, раис айтди. Опам ҳали эрга тегмабди. «Турмушга чиқмоқчиман», деб ёзибди.

— Буни қара-я, фарқига фаҳминг етдимми? Чиқдим, чиқаман, чиқмоқчиман... Келаверсин-чи, бир гап бўлар...

Ягафар лов этиб ёндию ўшандек тезлик билан ўчди. Уғлини беҳуда ранжитганидан хижолат бўлди. Бекордан-бекорга бақриб отни ҳам ҳуржитди. Бечора жонивор мўлтиллаб қараб турибди. Ягафар бўғзига келган хўрсинишни қайтариб, аравага чиқди. От қамчи тушишни кутмай, ўрнидан жилди. Ёилдираклар майда тошларни эзиб, ғижирлаб айланади. Хавотир гардиши Ягафар қалбини худди шу тошдек эзади. Балки Дилбар ҳазиллашгандир? Э, йўқ, у онасининг ўзгинаси, ҳазил нималигини билмайди. Эрта тегса нима, бўйи етиб қолди. Бугунми, эртами, ким биландир турмуш қуриши керак. Қиз боланинг йўриғи шу. Йўқ, йўқ, ўпкани босиб, Дилбарнинг қайтишини кутиш керак. Сабр таги — олтин дейдилар. Дилбарнинг эс-ҳуши жойида. Ота-онадан берухсат қадам босмайди.

Ягафар яраш белгиси сифатида ўғлининг елкасига қўлини ташлади. Софкўнгил Марат отасининг чеҳрасидан тундлик йўқолганини кўриб, ўша заҳоти хафагарчилигини унутди.

— Дада, шу жумада сабантўй экан. Овул арининг инига ўхшаб ғувиллаб, совға тўплайпти. Курашчилар билан чавандозларга колхознинг ўзи совға олибди. Бу сафар мотоциклга ҳам бўлармиш.

— Маллани кўрдингми?

— Кўрдим. Салоҳ оғанинг ўғли ҳар куни: «Ягафар бобо келмадими, Ягафар бобо қачон келади», деб безор қилиб юборди. «Ҳой, Халаф қайтса ўзим айтаман, сен овора бўлаверма», десам ҳам Маллани миниб келаверади. Малла ҳам деразадан бошини суқиб сени қидиради. Айғирмисан, айғир бўлиб етилибди. Аммо сени қидириб келиб яронгулни еб кетибди...

— Айғирликка айғир-а. Раис нима деяпти?

— Ҳали ҳам баҳс тугамаганмиш. Лекин раис ён

босибди. «Майли, Малла пойгада қатнаша қолсин. Лекин ютқазгудек бўлса, ярим баҳосига ҳам сота олмаймиз. Емни кўрдим демайди-ю, берадиган фойдасининг тайини йўқ. Сотиш керак», дебди. Ҳалиулла бобо жуда сенинг йўқлигингдан афсусланаётувди. «Отанг чорва бўйича раис ўринбосари, ҳал қиладиган сўзни ўзи айтсин», дейди.

Демак, Малланинг атрофидаги олишувлар ҳали ҳам ниҳоясига етмабди-да...

Бундан ўн икки йил муқаддам Ягафар отларни деб қанча балога дуч келган эди. Уша йили буғдой камроқ ерга экилди. Ут мутлақо сепилмади, яйловлар ҳам ҳайдалиб, маккажўхорига ажратилди. Ана шундан кейин: «Ем молларга ҳам етмаяпти. Ҳамма ишни техника бажаряпти, отга муҳтожлигимиз йўқ», деб жониворларга ёпишишди. Ягафар ўшанда бундай ақли расолар билан томоқ қирадиган, ҳатто ёқа бўғишиб, тугмалар узиладиган даражада айтишди. Яхши ҳамки Ҳамматовга, Темирбой, Ҳалиулла бобога ўхшаган одамлар топилиб, уни қўллади. Бўлмаса: «Сен Юлдибоев, тараққиёт душмани экансан, техникани тан олгинг келмаяпти. Чириган одатларга ёпишяпсан. От — эскилик сарқити, у билан узоққа бориб бўлмайди. Сен — коммунистсан. Буни унутма!» деб балчиққа булғаб юбораёзган эди.

Энди бу гапларнинг ўзи эскирди. Ҳозирги раис ёш, машинанинг ҳам, отларнинг ҳам ўз ўрни борлигини яхши тушунади. Колхоз отхонаси катта бўлмагани билан жониворларнинг тақдири умум мажлисга ҳам қўйилди. Ушанда қарор қабул қилишганди. Барибир тинчишмабди-да.

Урушга қадар пойгаларда голиб чиқиб, донғи кетган Лочинни фақат Ягафар, фақат қўштеракликлар эмас, бошқалар ҳам унутишмаган экан. Утган йили ёзда овулга жиккак қария келиб бошқирдларнинг энг учқур отларидан бири бўлган Лочиннинг тақдири билан қизиқибди. Насл қолдирган, қолдирмаганини сўрабди. Чолни Ягафарга рўпара қилишди. Чол Ягафарнинг гапларини эшитиб, дард билан бош чайқади. Ягафар унинг қайғули чехрасига қараб жониворга чиндан ачинганини англади.

Унга Маллани кўрсатишди. Қария отни синчиклаб қараб чиқди. Аммо Малла ҳақида сўз айтмади. Ҳали-

улла бобо билан қарияларга хос гапларни гаплашиб кетди. Бир ойдан кейин харидорлар келиб отни баҳолашди. Бу қадар катта нархни кутмаган колхоз раҳбарлари аввалига ишонишмади. Кейин дарров сотишга кўна қолишмоқчи эди, Ягафар оёқ тираб туриб олди. Оқибатда, масала умум мажлисга қўйилди.

Аввалига кўпчилик Ягафарга қарши эди. Ипподром битта от учун икки «Белорусь» билан бир юк автомашинасининг пулини бераман деб турганда ноз қилиш ўринлими ахир! Қолаверса, айғир яхши одамларнинг қўлига тушади. Пойганинг ҳавосини олади. Шухрати оламга тарафлади. Хуллас, мажлис аҳли гуруҳларга бўлиниб, узоқ баҳслашди.

— Ҳамма айғир ҳам бирдек айғир-да, харидор айниб қолмай туриб пуллаш керак,— дейишди Маллани умрида кўрмаган билафонлар.

— Йўқ, улар бизни лақиллатишмоқчи. Малла ановманов айғир эмас, Лочиннинг наслидан-а, жуда арзон сўрашибди.— Бундай деганлар ҳам Малланинг асл баҳосини билмасди. Улар деҳқон аҳлининг: «Кўп пул ваъда қилса, яна қўшиши мумкин», деган содда ҳақиқатига кўра шундай даъво қилишганди.

— Бу айғирнинг сариқ чақалик фойдаси йўқ колхозга. Ўрнига машина олиш керак.

— Бу пулларга озмунча нарса олиш мумкинми?!

Шундай деган калта ўйловчилар ҳам топилди.

Колхоз аттанг, деб қолмасин учун айниқса Талха кўпроқ куюнди. Сўз олиб, қоқилиб-суқилиб саҳнага чиқди. Эшитганидан ақли лол қолган кишининг кўзи билан йиғилганларга тикилди.

— Ҳаммангизга маълумки, азиз ўртоқлар, партия ва ҳукуматимиз халқ фаровонлигини, бойлигини ошириш масаласини биринчи қилиб қўйган.— Талха титроқ овозда гап бошлади. Унинг овозидаги бу титроқ ҳам, гапни анча нозик ердан бошлаши ҳам ғайритабий туюлиб, барча жимиб қолди.— Аммо, азиз ўртоқлар, қўл қовуштириб ўтирган билан у... ҳалиги... фаровонлик ошадими? Йўқ, албатта. Уни... ошириш учун чиройли уйлар қуриш керак. Уй қуриш учун даромад камроқ.

— Қанақасига кам бўлади. Томорқанг бор-ку, сабзавотларни пулламайсанми?— деди кимдир кулиб.

— Сен, оғайни, кулмай қўя қол. Савдога бало бор-

ми. Ҳеч нарса кўкармаяпти. Қулоғидан тортиб ўстиришга кучим етмайди. Олма ҳам мева бермайди, карам ҳам, ҳатто анави... серсоқол аҳмоқ бодринг ҳам... Сабзини қўшнилардан оламиз. Яна «Савдо қил» дейсан-а! — Талха шундай деб пешонасидаги терни артдида, асл муддаога кўчди. — Ҳозир уй қургинг келади-ю, на тахта топасан, на ғишт. Масалан, шахсан менга ғишт керак.

Йиғилганлар бараварига кулиб юборишди.

— Ғиштин уй ҳали ҳам жонингга тегмадими?

— Ўттиз йил биттадан ғишт тўпласанг ҳам саройга етадиган бўларди.

— Малланинг ғиштга нима даҳли бор?

— Мана шу саволларинг жоҳил эканликларингни ошкор қилиб турибди. Урушга борганлардан бир сўраб кўринглар. Мана, масалан, Темирбой оғадан... Йўқ, у Европани кўрмаган, сал етмай қоқилиб қайтган. Мана, қўшним Ягафар Европани кўрган. Уйларнинг қанақа чиройли, озода, пишиқ эканлигини ўзи айтсин. Энди Маллага келсак... Ипподром машина эмас, пул беради-ку? Машинани эса эртами, кечми давлатдан албатта оламиз. Менимча, айғирни ғиштга алмаштириб... кимнинг ишқибозлиги бўлса ўшанга тарқатиш керак.

Клуб кулгидан ларзага келди. Бировлар кулавериб қорнини ушлаб қолди, баъзиларнинг кўзи ёшланди, бошқалар эса оёғини дўпирлатиб мириқиб-мириқиб кулди. Талха «гапга тушунмаган жоҳилларга» маънос қараб қўйди-да, бир-бир босиб, саҳнадан пастга тушди.

Одамлар зўрға ўзларини босдилар. Раис қўл кўтариб бир нима демоқчи эди, Ҳалиулла бобо саҳнага чиқиб келди.

— Балки сўз олганимга кўпчиликнинг гаши келгандир-а? «Бу кемшик чол пенсиясини кемириб ётавермайдим, барибир айниган миясидан ақлли гап чиқмайди», дейдиганлар ҳам бор бўлса керак ичларингда. — Ҳалиулла бобо шундай деб вазмин гап бошлади. — Лекин бир томонда қари от жўякни бузмас деган, бир томонда қари билганни парн билмас, деган нақл бор. Шунга кўра Ҳалиулланинг гапига қулоқ тутсаларинг кам бўлмайсизлар. Сизлар шовқин солиб ўтирган маҳалда мен Лочинни эсладим. Ўттиз тўққизинчи йили Ишимбойдаги нефтда ишлайдиган ўғлимни йўқлаб бордим. Нотаниш одам кўринса ҳамма ерда ҳам

келган жойини суриштиради, буни биласизлар. Мендан ҳам сўрашди. «Қўштеракданман», деб жавоб бердим. «Қайси Қўштерак? Машҳур Лочин чиққан Қўштеракданмасми?» деб яна қайта сўрашди. Кайфиятим, ўз ўзидан чоғ бўлиб, кўкрагим тордай кўтарилиб кетди. «Худди ўзидан, биз бошқа Қўштеракни билмаймиз», дедиму шу музофотдаги Қўштерак деб номланган овулларни ичимда санадим. Уч-тўртта бор экан. Бутун Бошқирдистонун Татаристонни кезиб чиқсанг яна неча Қўштерак чиқаркин, буни билмайман. Аммо Лочинни берган Қўштерак битта, ягона! Бунақа от юз йилда битта туғилади. Малла ўша ноёб айғирнинг насли. Худди Лочиндек учқур бўлиши аниқ. Талха, мана сен гишт деясан. Вақти келиб гишт уйлар ҳам қурамыз. Гишт нима деган гап экан? Лой қориб қолипга бир урсанг — гишт тайёр. Лекин Маллага ўхшаган айғирни лойдан қориб бўлмайди. Бунақанги учқур отларнинг қолипи йўқ.

Ҳалиулла бобонинг шу гапидан кейин мажлис аҳли «Сотилмасин!» деган қарорга келди. Харидорлар кетар маҳалида раис, келаси йили яна бу масалага қайтамиз, хабар олинглар, бу йил ҳосил қанақа бўлиши маълум эмас, деб ланжлик қилиб ўтирганда Ягафар гапни чўрт кесди:

— Яна уч-тўрт йилдан кейин Малланинг наслини кўргани келинг, — деди у ишонч билан.

У касалхонага кетибдию яна шу машмаша кўтарилибди.

Ҳалиулла бобо қариса ҳам кўзи ўткир. «Малла — қуйиб қўйган Лочиннинг ўзи», деб тўғри айтган. Кечагина ирғишлаб юрган тойчоқ бугун уюрбоши бўлиб олди. Уюрни кўпдан бери бошлаб юрувчи кекса, аммо кучли отни сиқиб қўйибди. Бу қайсар Малла Ягафарни қанча азобга солди. Неча марта жиловлашга, эгар уришга, минишга уринди, от неча марта уни кўтариб ташлади. Туёқлари билан топтаб юборай деди. Отбсқар йигитлар: «Ягафар оға, яна майиб бўлиб қолманг, уни ўзимизга қўйиб беринг», дейишди. Уларга қўйиб берармиш. Бу йигитлар жонини қийнаб ўтирмайди. Жониворнинг бўйнига арқон ташлаб айлантириб, югуртириб, савалашади. Терга ботиб, ҳолдан тойгунча тиндиришмайди. От бошини осилтириб қолгандан кейин, дадилроғи эгарга ўтиради. Йўқ, Ягафар жониворга бу азоб-

ни раво кўрмайди. Сабр-тоқат билан эркалаб ўртади.

Малла аждодига тортса эди, Ягафар идорада биқсиб ўтирадиганлар билан гаплашиб қўярди. Пулни эшитиб яна кўзлари ёнибди. Савдо қиладиган бошқа нарсалари йўқми? Ё муҳтожлик мажбур қилияптими? Оғиз очсанг ичагинг кўринадиган замонлар ўтиб кетди. Ўтган йили олинган икки миллион сўм даромад ҳам камлик қилибдими? Ёки томоқларининг тешиги шу айғир билан беркиладиган даражада каттайиб кетибдими? Қайси эркак учқур, зотли, овул кўрки бўлган отни пулга алмаштиради?! Падарига лаънат, яна булар бошқирд эмиш! «Ютмаса сотиб юборармишлар», фақат нархи пастроқ кетармиш. Айғир ҳали ёш, пойгага чиқмаган бўлса. Балки чўчир, балки чавандозни йиқитар, ютмаса нима, шунга ҳам ота гўри қозихонами...

Қўнғироқча жиринглайди. Соябонли арава тош йўлда титраб боради. Ягафар бир оз ҳовуридан тушиб, бўлажак пойгани ўйлайди. Салоҳ қашқирнинг ўғли отасига тортган бўлса ғалабани бой бермайди. Аммо қолган уч кун ичи бир терлатиш керак. Яхшилаб машқини олса пойгада панд емайди. Маллани чоптиришнинг ўзи бўлмайди. Бутун вужудингни кўз-қулоққа айлантирмасанг адабингни ейсан. Агар хушига келмаса отхона тўсигини ҳам синдириб чиқаверади. Икки қават арқон ҳам унга дош бермайди. Қайсарлик билан туриб олса қорнини паншаха билан тешиб юборсанг ҳам қимир этмай тураверади. Неча-неча қайсар отларни жиловлаб эгар урган, Лочинга ҳам биринчи бўлиб минган Ягафарни шу Малла касалхонага жўнатди. Ҳечқиси йўқ. Малла ҳали ёш, қайин пўстлогидек, но-зик, сал шабадага ҳам ҳуркади...

Марат отасининг ўйга толганини кўриб, унга гап қотмади. Фақат қишлоққа яқинлашганларида эҳтиётлик билан сўз очди:

— Дада, менда ҳам янгилик бор...— Ягафар ялт этиб ўғлига қаради. Нигоҳлари тўқнашди. Марат журъатсизлик билан гапини давом эттирди: — Учувчилар билим юртидан чақириқ қоғози келди.

Бу боланинг ичдан пишганини қаранг-а! Пойга, Малла, сабантўй... Ҳаммасини айтди. Бу ёқда ўзининг пойгаси бор экану яшириб ўтирибди.



Ягафар ўглининг хоҳишига мутлақо қарши эди. У: «Болам зоотехник бўлади, ўқиб, ўрганиб, овулга қайтиб қўлимдаги ишни олади», деб орзу қиларди. Маратни бу ишга кўп ундади. Аммо фойдаси бўлмади. Ягафар балки чақириқ қоғози келмас, деб умид қилиб юрганди. Бу умиди ҳам синибди. Энди учишга қанот чиқариб турган ўглини ҳеч қандай куч тўхтатиб қолмайди.

— Ичингга сиғмай ўтирган экансан-да? Нимага дарров айта қолмадинг?

— Билмадим... Жаҳлинг чиқмасин дедим. Ишқилиб, кириб олай, конкурс катта дейишяпти.

— Ҳаракат қилиш керак. Астойдил йиғласа сўқир кўздан ҳам ёш чиқаркан.

— Мен ҳаракат қиламан, — деди Марат жилмайиб.

Ягафарнинг аччиқланмаганини, ҳатто қовоқ уймаганини кўриб Марат очилди. Қанақа имтиҳонлар бўлишини, қайсинисидан қўрқшини, қай биридан осон ўтиб кетишини айтиб гўё сайради. Кейин оғир жумбоққа дуч келган боладек: «Ишқилиб кириб олай-да», деб чуқур хўрсинди.

Вақт ҳам, замон ҳам ўзгарди, авлод ҳам, уларнинг орзу-ўйи ҳам бошқача. Илгари Ягафар Лочинга жону дилини бағишлаганди. Ўгли пўлат лочинга меҳр қўйибди. Бу ерда узилиш эмас, балки қандайдир уйғунлик ҳам бор. «Нурли орзу сари кетяпсан, ўғлим! Сен булутлардан, ҳатто юлдузлардан юқори учарсан балки, аммо одамлардан баландроқ учолмайсан. Дунёга, она-Ерга, бу дўнгликларга, водийга, ҳатто кўз илғамас жойларга баланддан қарайсан. Бироқ табаррук тупроққа ўзингни баланд олиб қарама. Чунки бу тупроқ остида табаррук инсонлар ётибди. Бу одамларнинг номи қолмаган, лекин насли бор. Уларнинг хайрли ишлари халқ қалбидан ўрин олган. Уларнинг эгатларда қолган изидан ҳарорат олиб, улар обод қилган ерларда заминнинг бойлиги, инсониятнинг шодлиги, бахти — буғдой ўсади».

— Мана шуни унутма, — Ягафар хаёлида кечган фикрларга беихтиёр овоз чиқариб яқун ясади. Марат худди отасининг фикрларини уқиб олгандек:

— Хўп бўлади, дада, унутмайман, — деб қўйди.

Ягафар ҳаммомнинг бугхонасида роҳат қилиб чиқиб, энди-чойга ўтирган ҳам эдики, эшик очилиб Галия кириб келди. Ягафар ҳайратдан қотиб қолди. Чунки ўттиз йил илгари бека сифатида кириб келиши керак бўлган бу уйга Галия энди қадам қўяётган эди. Уни бу уйга қайси юмуш бошлаб келди экан? Сўхилу эри каби довдираб қолмади. Дарров дастурхон тузади-да, Ягафарни қўшни хонага имлаб чақириб, тузукроқ кийиниб олишга мажбур қилди. Ҳаракатларига қараганда у Галиянинг ташрифидан огоҳ, унинг келишини интизорлик билан кутаётганди. Йўғ-е, нима учун Галияни кутар экан. Галия шунчаки юмуш билан бевақт, кутилмаганда кирди. Ойхилу эса меҳмондўстлик олатига кўра уни кутяпти, холос. Ундай деса, хотинни ясаниб олибди. Хотинларнинг бу қилиғида бир гап борга ўхшайди.

Чой ичиб ўтириб майда-чуйдаларни гаплашиб ўтирдилар. Галиянинг ташриф буюриши боисини ўйлаб Ягафарнинг боши қотди. Минг ўйлагани билан ўйлаб ўйига етмади. Меҳмоннинг муддаога кўчишини куттишдан ўзга чораси қолмади.

Ойхилу билан Галия эса узоқ вақт кўришмаган опасингил сингари оғизлари гапдан бўшамайди. Ойхилу юраги беҳад кенг аёл-да. Ягафар кимнинг ишқида ўртанганини билса ҳам ўзини билмаганга солади. Ягафар Галия ҳажрида ёниб-куярди. Ойхилунинг сабри бу оташга чидаш берар, эр-хотин орасидаги губор эса тобора кўтариларди. Бунинг осонликча бўлмаганини Ягафар кейинроқ ҳис қилди. Хотин кишининг шу қадар сабр-тоқатли бўлишига ана ўшанда ишонди. Мана, ҳозир ҳам икки рақиб эмас, икки туғишган опа-сингил сир бой бермай гурунглашяпти.

Худога шукурки, улар Ягафарни ҳам эслаб қолишди.

— Пойгани эшитгандирсан? — деди Галия унга ўгирилиб.

— Эшитдим...

— Ҳозир Темирбойни кўрдим. Сизларникига келаётган экан. «Правление Ягафарни пойга ҳаками қилиб тайинлади, айтиб қўй», деб остонадан қайтди.

— Бу яна қанақаси? Ҳали бир азобдан қутулмай

туриб... Нима, овулда бошқа эркак йўқми? — деди Ойхилу астойдил равжиб.

— Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деган гап бор. Пойганинг қонун-қондаларини ҳамма ҳам билавермайди. Ягафар эса пойганинг пири бўлиб кетган. У Лочинга минганда анов-манов чавандоз юрак бетлаб пойгага чиқавермасди. Лекин, — Галия жилмайиб қўйди, — ҳамма вақт ҳам ютавермаган. Отни ундан ҳам олдинроқ қамчилаганлар бўлган...

Жавобга тили айланмай қолган Ягафарнинг жонига яна Ойхилу ора кирди.

— Пойгага қадам ҳам босмайди. Шу тортган азоблари етиб ортади. Пойгага борса яна кўрпа-ёстиқ қилиб олиши аниқ. Бу ёқда шунча ташвиш...

Ойхилу сирни фош қилиб қўйгандек, бирдан лабини тишлади. Эрига хавотир билан қараб қўйди. Кейин гапни чалғитиб, меҳмонни дастурхонга ундади.

Ягафар хотинининг галини бошқа нарсага йўйди. Ойхилу ҳақ. Ташвиш керагидан ортиқроқ бўлади. Сабантўйга бутун музофотдан одам тўпланади. Баъзилари от-аравада келади. Уларнинг уловидан бохабар бўлиш керак. Меҳмонларнинг дастурхони тўкин, кайфияти чоғ бўлишини таъминлаш, нзатини ўрнига қўйиш шарт. Бу ёқда Маратнинг сафар-жабдуқларини ҳозирлаш лозим. Устига-устак, Дилбарнинг мактуби... Ҳар ҳолда-ороми пича бузилиши аниқ. Лекин оилавий ташвишлар деб пойгадан воз кечмайди. Ягафар унақа эркаклардан эмас.

Ягафар хотинига эътироз билдираман, деб энди оғиз жуфтлаган эди, Галия пиёласини тўнтариб қўйиб, диванга ўтиб ўтирди.

— Иш билан келиб, чой ичиб ўтирганимни қаранг, — деди у жилмайиб.

Ягафар иккала аёлга ҳам синовчан назар ташлади. Галия мақсадини айтишга сўз тополмаяпти. Келгандан бери гапни чувалаштириб, ора-сира учирик қилиб қўйиши бежиз эмасга ўхшайди. Ойхилу ҳам қизариб ундан кўзини олиб қочди. Иккови бир балони бошлагану айтишга тили бормаяпти. Ойхилу кеча қоронғисида Галияни овулнинг у бошидан бу бошига ҳайдаб қелган дардни билади.

Ойхилу нима учундир курсисини Ягафарга яқинроқ суриб ўтирди. Ягафар пиёласини нари суриб, «қу-

логим сенда», дегандек меҳмонга савол назари билан қаради.

— Элдор келяпти,— деди у ниҳоят.— Бу йил барвақтроқ отпускаи олибди.

— Тўғри қилибди. Сабантўйни кўриб кетади.

Ягафар шундай дейишга деди-ю: «Ўғлининг келиши билан менинг нима ишим бор?» деб ўйлади. Кейин Галиянинг бир оз ҳаяжонга берилганини кўриб, қўполроқ гапириб юбордим шекилли, деган хижолат билан сўзини давом эттирди.

— Ўғлинг жуда яхши йигит бўлди, Галия, бахтинг бор экан. Яхши қиз топиб уйлантирсанг, бир ёгингни қишга, бир ёгингни ёзга қўйиб яшайсан.

Шу гапдан кейин Ягафар бирдан жумбоқни очгандек бўлди-ю, тили айланмай қолди. Галия эса пайтдан фойдаланиб гапни илиб кетди:

— Яхши гапларинг учун раҳмат, Ягафар. Ниятинг йўлдошинг бўлсин,— деди у сал жонланиб.— Ҳориб келганингни билсам ҳам болам дардида безовта қиялман сени. Дилбарнинг келаётганини ҳам эшитгандирсан? Болаларимиз кўпдан бери бир-бирига кўнгили қўйган экан...

— Ҳа...— Ягафар чуқур нафас олиб хотинига қаради.

Ойхилу юзларини қўли билан беркитиб, йиғлаб юборди. Хотинларнинг иши оппа-осон: мусибатни ҳам, қувончини ҳам кўз ёши билан ювиб ташлашади.

Эрталабдан бери юраги бекорга бесаранжом бўлмаётган экан-да. Ярамас Марат ҳам: «Дилбар эрга тегяпти», деди-ю, очиқроқ гапирмади. Отларни аравадан чиқараман, деб анча йўқ бўлиб кетувди. Демак, Галияни хабарлагани жўнаган экан-да. Худди фитначиларга ўхшашади. Гапдан хотини хабардор, ўғли бохабар, у эса бехабар. Демак, отанинг, оила бошлигининг сўзи бир чақа экан-да буларга!

— Ҳа!— Ягафар ўрнидан туриб эшик томон юрди. Кейин шашт билан ўгирилиб изига қайтди.— Ўзларинг ошни ими-жимидан пишириб қўйибсанлар-ку, энди мен сузиб берайми?!

Ҳамиша вазминлиги билан ажралиб турадиган Ойхилу бу гапни эшитиб тутаб кетди.

— Астағфирулло!— деди у қўлларини ёйиб.— Бу нима деганинг? Уялмайсанми? Сенсиз бир қарорга

келганимиз ҳам йўқ. Ахир, қиз сен билан меники, ўғил Галия опайники. Сендан маслаҳат сўраяпмиз. Дилбар... менимча... ёмон қаллиқ танламабди.

— Ойхилу, тўхта, ўзингни бос,— деди Галия уни тинчитишга шошиб.— Умуман, Ягафар бир жихатдан тўғри гапиряпти. Болаларимиз бир-бирини деб аҳду паймон қилгандан кейин биз четга чиқиб қолгандек бўламиз. Лекин уларнинг ташеиши, интилиши биз учун бегонамас-ку, Ягафар, ҳозир сен: «Ўглинг жуда яхши йигит бўлди», дединг. Дилбар ҳам гўзал, кўз олдимизда гулдек очилди. Уларга бахт тилаб, одатимизга кўра тўйларини қилиб берайлик...

Бу хотинлар ё гапга тушунмайди, ё ўзларича йўл қилишяпти. Нима, Ягафар қизим бахтли бўлсин, демайдимиз? Ёки тўй қилиб бермайман дедими? Йўқ, у ҳаммасига рози. Фақат бу янгилик томдан тараша тушгандек бўлди. Ҳе йўқ, бе йўқ, касалхонадан чиқишига тўйни рўпара қилиб туришибди. Кечагина отасининг бўйнидан қучиб, ширин тиллари билан ашула айтиб берадиган қизалоқнинг қанот чиқариб учиб кетиши унга беҳос зарба бўлди. Устига-устак, Галиянинг ўғлига кўнгли қўйганидан бутунлай гангиб қолди.

Ягафар тўзиган хаёлларини тартибга келтираман, деб ўтирганда эшик шашт билан очилиб, остонада Талха пайдо бўлди.

— Ассалому алайкум! Қўшнижон, бу дунёда индамасларнинг кўпини кўрганману, аммо сендек ичимдагини топ дейдиганини сира учратмаганман!— Талха ичкари кирмаёқ таъна қилди.— Менга бир оғиз айтсанг бўлмасмиди, отим бекор кавшаниб ётибди, ўзим бориб олиб келардим. Уйингда шундай қувонч, қўшнимга илинайин ҳам демайсан. Овулда Элдор билан Дилбарнинг тўйи ҳақида дув-дув гап. Мендан бошқа ҳамма хабар топибди, бу янгиликдан.

Талха оғзини гапдан тиндирмаган ҳолда қўнжидан бир шиша шампань виносини голибона тарзда стол устига қўйди-да, жовондан қадаҳларни олди.

— Омбордан мол олгани боргандим. Пича ушлашиб қолдим. Уйга кирсам фариштам қўшнимизникига Галия келди, дейди. Дарров тушундим. Жиддий масала кўриларкан, демак, гап ҳам чўзилади, бунинг учун эса томоқни ҳўллаб туриш керак, йўқса, гуноҳ бўлади, дедим,— Талханинг тилига нисбатан қўли чаққонроқ

чиқиб қолди. У тиқинни эпчиллик билан очиши билан вино вижиллаб чиқди. Талха унинг бир томчисини ҳам тўкмай қадаҳларга қуйишга улгурди.— Болаларимизнинг ҳаёт йўллари ойдин бўлсин. Қани, қўшнижон ол, ичвор. Пиёда келибсан, деб эшитдим, ҳоригандирсан, бу вино бутун чарчоғингни сўриб олади.

— Хўш, Ягафар, нима қиламиз энди?— деди Галия айёрона кулиб.— Ичамизми?

Ягафар индамай бош ирғади-да, қадаҳни бўшатди.

— Бунақа масалада гаплашишни хотинларга чиқарган, қўшни. Гаплари эрталабгача ҳам тугамайди. Қани, юр, бир тутатайлик.

Дарҳақиқат, бу масала устида узоқ гаплашиш керак. Ягафарнинг эса бир оғиз сўзга ҳам қурби етмай турибди. Шу сабабли чеккиси келмаса ҳам Талхага бажонудил эргашди.

Иккови зинапояга ўтириб тутатишди. Талха қанча ва қанақа мол олиб келганини, кимни ёрдамчи қилиб олмоқчи эканини бир бошдан айта кетди. Ягафар қўшинсининг гапларига қулоқ тутиб ўтирган бўлса-да, хаёли кутилмаган янгиликда эди. Талханинг гаплари унга гоҳ узоқдан, гоҳ яқиндан эшитиларди. Талханинг жон куйдириши зое кетмасин, деб баъзан: «Ҳа, ҳа», деб қўярди-ю, эртага янги ҳаёт бошлаши лозим бўлган қизи, ўз йўлини ахтараётган ўғлини, кейин ҳозиргина Галия олдида бесабаб бўғилганини ўйлади...

Ягафар отасини эслай олмайди. Онаси бечора бутун умрини соғиниш, йўл пойлаш билан ўтказди. Аввалига эрининг Гражданлар урушидан қайтишини кутди. Кейин эса Ягафарни. Эри қайтди-ю, аммо қувончи кўпга чўзилмади. Йигирма бешинчи йилда яраси очилиб, омонатини топширди. Ушанда Ягафар энди учга тўлганди. Онаизори эса Дилбар уч ёшга кирганда қайтиш қилиб берди. Бечора энди кутиш азобидан қутулиб, қайнаналик тахтиравонига эришган, елкаси оғир меҳнатдан энди бўшаган, беҳад узоқ давом этган хавотир исқанжасидан қутулиб, енгил нафас олаётган эди. Етдим деганда йиқилиб, бу шодликлардан бенасиб кетди...

Енгил хўрсиниб, Талханинг гапини бўлди. У Ягафарга қарадию сўздан тўхтади. Талханинг ёнида Ягафарнинг фақат жисми ўтирибди. Хаёли эса қайларда экан?

— Қўшнижон, қўй эзилаверма!— Талха шундай деб Ягафарни елкасидан қучди.— Дунёнинг иши шунақа экан-да, а!— Ягафарнинг тушкун кайфияти Талхага ҳам таъсир қилиб, хўрсинди.— Олам ажабтовур экан, қўшни, шу мўъжизаларга ажабланиб кўз юмаман шекилли. Умрнинг учқурлигини қара. Арғумоқдек тез чопади-я!

— Ҳа, ундан ҳам тез учади.

— Сен қўшнижон, ҳалиги... Умуман, Талханинг турган-битгани шу бўлса ҳам, у-бу гапга ақли етади. Сен-Галия билан энди қуда-қудагайсан. Ёшликда бутунлай бошқача. Қариндошчиликни истардинг...

— Бемаъни гапларингни қўйсанг-чи...

— Тўғри гап туққанингга ёқмайди-да! Йигит киши юргани билан турмуш қураверса мирза Талха қадим хонлардек ҳарам қуриши керак бўларди. Демокчиманки, уяладиган, тили қиснғлик еринг йўқ, оиланг кўрса ҳавас қилгулик, болаларинг эсли-ҳушли бўлди. Сен яна хушомад қияпти, деб ўйлама...

— Бу дейман, қўшни, бир илтимос борга ўхшайди, а?— деди Ягафар кулимсираб.

— Мана шу-да!— Талха хафа бўлиб ўрндан туриб кетди.— Астойдил ўзимни яқин олиб чиқсам, хаёлингга бошқа гап келади. Агар керагидан ортиқча нарса сўрасам, сен хўп деганинг билан худо рози бўлмайли. Энди ўзинг гап очиб қўйдинг, дардимни айтаман. Бу сен ўйлаганчалик илтимос эмас, шунчаки арзимас юмуш. Умуман, сенга раҳмат айтгим келади. Сендек ҳалол одам билан ҳамнафас яшаш барчага ҳам насиб бўлавермайди.

— Бўпти, қўшни, муножотни бас қилиб, муддаога кўчавер «Сузанғич Ягафар» деб ўзинг лақаб қўйгансан-а, унутма!

— Деган бўлсам дегандирман. Паст-баландсиз ҳаёт — ҳаётми? Мендан ўтган бўлса узр, қўлим ҳамиша кўксимда. Энди гапнинг пўскалласига келсак, эрта-индин тўй бўлиши аниқ. Менинг уйим — сенинг уйинг. Меҳмонларни икки қўллаб кутиб оламан. Лекин... пишган гишт бўлмапти-да. Одамлар Талханинг қандай яшаётганини бир кўриб қўйишарди!— Бу гап Талханинг ўзига ҳам таъсир қилдими, алам билан қўл силтаб уйига чиқиб кетди...

Ягафар уни эшиккача кузатди-да, уйга қайтиб ки-

риш-кирмаслигини билмай, туриб қолди. Кейин беихтиёр отхона томонга юрди. «Жуда ҳам тошбағир, ноинсоф бўлиб кетяпсан, Ягафар,— деди у ўзига-ўзи.— Бошингга кулфат тушса ҳам, шодликка рўпара бўлсанг ҳам биринчи бўлиб Талха қанотингга киради. Астойдил жон куйдириб: «Қўшни», «Қўшнижон», дегани деган. Сен-чи? Сен бўлсанг доим осмондан келасан. Нима учун уни менсимайсан? Учарлиги ёқмайдами? Бе, учарлиги қаёққа ҳам борди унинг. Бир мири фойда, уч мири зиён қилиб юради доим. Баъзиларга ўхшаб: «Юлавер, сен юлмасанг, сени юлқийдилар», қабалида иш тутса нима қилардинг? Ана, иккита паҳлавон ўғилни тарбиялаб қўйибди. Иккови ҳам боодоб, меҳнаткаш. Талханинг фақат сал сергаплиги бор... Лекин шунча эзма бўлгани билан ўттиз йил бадалида қўшнисини дарёдан олиб чиқиб, ҳаётини сақлаб қолганини ҳатто тилга ҳам олмади-ку?! Йўқ, Талха очикқўнгил одам. Ташвишлар сал нари-бери бўлса, район марказига бориб пишган ғишт суриштираман. Анқонинг уруғи эмас, топаман. Ўттиз йилдан бери «ғишт-ғишт» деявериб, одамларга кулги бўляпти. Ҳеч бўлмаса, қариганда орзусига етсин...»

Чироқ нури тушиши билан Малла ер тепиниб, кишнаб қўйди. Кейин кўзларини чақчайтириб аланглади. Ягафарни танимай отхона бурчига суқилди. Айғир зоти шунақа бўлади ўзи. Бировга ўргангандан кейин бошқалардан ҳуркийверади. Мана, Малла ҳам Ягафарни майиб қилгани етмагандек, энди тан олгиси келмаяпти.

— Малла, Малла, ювош, ювош, типирчилама, жонивор. Сени оёққа ким қўйган эди, дарров унутдингми, а?

Овозни эшитгандан сўнг Малла уни таниб яқинлашди. Бошини елкасига қўйиб, кўйлагини ямлади. Гўё бу билан: «Йўқ, ҳеч нимани унутмадим», дегандек бўлди.

— Мана бу бошқа гап. Сени одам, йўғ-е, от қилган кишини унутиб бўларканми?

От билан «салом-алик» қилиб олгач, Ягафар унинг бўйнини силади, ёпқични суриб баданини диққат билан кўздан кечирди. Айғирнинг кўринишидан ҳам, ўзини тутишидан ҳам кўнгли таскин топди.

Энди уйга қайтиш керак. Ойхилу хуноб бўлиб ўтиргандир. Ҳамма вақт ўзини боса олувчи, вазмин, сабрли,



мулоҳазали бу жувон Ягафарнинг битта гапи билан ёниб кетди. Йўқ, у эридан хафа бўлмади, балки қизининг тақдирига куйганидан ўзини туюлмади. Ягафар буни яхши билади.

Ягафар эшикни гижирлатмай аста ёпди-да, уй бичинига тахлаб қўйилган ўтинларга яқинлашиб, тўнгат устига ўтирди. Галия кетиб қолганга ўхшайди. Деразадан Ойхилунинг сояси тушиб турибди. У ҳали ҳам тинч ўтирмай, куймаланиб юрибди шекилли? Эртадан кечгача шу аҳвол — тиним нималигини билмайди. Агар шу хотиннинг бир кунлик ташвишлари донга айлантирилиб сочиб юборилса, битта товуқ ўн кунда ҳам териб олгуролмас. Ҳали қанча иш турибди. Бу ишларнинг асосий оғирлиги, шубҳасиз, Ойхилу зиммасига тушади.

Кундузи қуёшга бас келолмаган лахтак булутлар заминни эзишга чоғлангандек бирлашиб, қуюқлашди. Узоқ-узоқлар яшин шуъласида чарақлаб қолади. Момақалди роқ овулни синамоқчидек, ларзага солади. Изғиринди шамол эсади.

Уй эшиги очилди. Эрининг қайтганини сезган Ойхилу зинадан пайпаслаб тушиб Ягафарга яқинлашди.

— Салқин тушиб қолди. — У шундай деб эрининг елкасига пахталик ташлади. Кейин пича ўйланиб турди-да, Ягафарнинг ёнига ўтирди. — Ёмғир ёғадиганга ўхшайди.

— Бир қуйиб берса эди... Кутавериб жон ҳалқумга келиб қолди-ку... — Ягафар шундай деб гапини Ойхилунинг сўзларига қовуштириб қўйди.

Шу пайт уларнинг нақ тепасида нимадир гудрай бошлади. Булутлар қуюқлашиб, куч тўплашди-ю, бироқ пуфак каби ёрилишди — ҳовлини яшин шуъласи ёритди. Осмон иккига ажралди. Шуъла сўнмай туриб само қулоқни қоматга келтириб қарсиллаб синди.

Узоқ куттирган биринчи томчи суюнчи сифатида Ягафарнинг ёноғига тушди. Ягафар пахталикни олиб Ойхилунинг елкасига ёпди.

— Ўзингга-чи?.. Яқинроқ ўтир. Икковимизга ҳам етади. — Ойхилу шундай деб ўзи эрининг пинжигга кирди. — Сабантўй олдидан ёққани яхши бўлди. Бўлмаса одамларнинг ичига чироқ ёқса ёришмасди.

Дарҳақиқат, юракда дардинг бўлмасагина сабантўй ҳам, пойга ҳам, болаларингнинг тўйи ҳам татийди.

Бирдан Ягафар сергакланди. Энди бу нимаси бўлди?

Юраги бирдан потирлаб қинидан чиқай дейди. Қандайдир темир панжа уни сиқиб юлқийди-ю, тортиб ололмайди. Бу азоб етмагандек, мудроқ босади... Нима бу? Уйқуми, мудроқми? Йўқ, уйқу ҳам, мудроқ ҳам эмас. Юрак санчигини ҳам, ёмғир томчисини ҳам билиб турибди. Ойхилунинг пинҳоний шодлигини ҳам сезяпти.

Оғриқ чаккасига, қўл-оёғига ҳам кўчди. Ягафар инграб юбормаслик учун чуқур нафас олди. Ойхилу ҳеч нимани сезмай, эрининг елкасидан тушган пахталикни тўғрилаб қўйди.

Қулоқлари остида мис қўнғироқча жиринглади.

Кўзига шарпа кўринди.

Иё, бу шарпа эмас, одамлар-ку! Барчаси таниш. Таниш бўлмай-чи?! Ҳаммаси қўштерақлик-ку! Улар аввал Ягафарга салом беришди. Кейин Талханикига ўтишди. Ҳаммасининг қўлида биттадан ғишт. Талха эса пешайвонда мамнун қўл силқияпти. Ёмғир тиниб, офтоб чиқибди. Талханинг чаккасидаги чандиқ офтоб нурида ялтиллади...

Бирдан қуёш нурини булут тўсди. Ерга ёқимсиз кўланка тушди. Талха ҳам, ғишт кўтарган одамлар ҳам кўланкага сингиб кетди. Фақат битта одам қолди. Унинг қўлида ғишт йўқ. Ким бу? Сатаев-ку! Чаккасини қашиб, худди милтиқдан нишонга урмоқчидек, бир кўзини қисган. Ягафарга қараб гапирди. Овози чиқмаса ҳам Ягафар аниқ эшитди:

«Нимага қайғуряпсан? «Менсиз дунёнинг умри қирқилади», деб ўйлаяпсанми?»

Ягафар ҳам унга овоз чиқармай жавоб қайтарди:

«Йўлингдан қолмасанг бўларди, Сатаев. Барибир ниятингга эриша олмайсан».

«Орзуларинг пуч, интилишларинг эса зое. Хўш, шунча йил тиришиб-қақшаб нима кўрдинг? Молхонадан нарига ўтмадинг-ку?»

«Сенга айтган билан фаҳмига бормаيسان. Хўш, нимага келдинг?»

«Жанозанга келдим. Кўролмай сендан бурунроқ ўлиб кетаманми, деб қўрқувдим, худога шукур, кўрадиган бўлдим».

«Менинг ўлимим сенга нима учун керак бўлиб қолди?»

«Яшашга халақит беряпсан».

«Йўқ, мен эмас, сенинг яшашингга бутун олам, ҳатто ҳаётнинг ўзи ҳалал беряпти».

«Сеники ўлганнинг устига тепган бўлаётувди. Ана энди кўнгил ором топади. Ягафар мангу эмас, шохи синадиган кун ҳам бор экан-ку, а?!»

«Барвақт қувоняпсан, Сатаев. Умрим мангу бўлма-са ҳам, ишим, уй-рўзгорим абадий».

«Мен ҳам қариб қолдим. Мен ҳам яқин орада бу дунёни ташлаб кетаман».

«Сен аллақачон ўлган эдинг, Сатаев. Сен ўзингни ўзинг ҳукм қилдинг. Ҳукми ҳам ўзинг ижро этдинг. Бу ёруғ дунёда ўзингдан кейин ҳеч нима қолдирмадинг. Ўз-ўзинг билан чиқишолмай яшадинг».

Сатаев яна нимадир деди. Лекин Ягафар унинг сўнгги гапини англай олмади. Инграб юборди.

— Вой, нима бўлди? — деди Ойхилу хавотирланиб.

— Ҳеч, ҳеч нима. Ҳаммаси яхши...

— Ҳа, Ягафар, ҳаммаси яхши бўлди. Хурсандликдан йиғлагинг келади.

«Ана, яна кўз ёшига эрк беради», деб ўйлади Ягафар. Аммо бу сафар аччиқланиш ўрнига хотинининг қўлини кафтлари орасига олиб, силади. Киприги ёмғир томчисиданми ё кўз ёшиданми, намланганини ўзи сезмади. Юраги санчди. Санчиб ҳам азоб, ҳам қувонч беради. У Ойхилунинг ёнида ўтирганидан, ёмғирнинг тун бўйи ёғиб чиқишидан, эртага эса борлиқнинг покиза юз очишидан, атроф яна яшил, беғубор тусга киражагидан қувонади.

Юрак сиқади. Кўз олди қоронгилашади. Аммо Ойхилу, болалари, овулдошлари ҳақидаги, ўтган умри ҳақидаги ўй-хаёллари ойдин, покиза.

У тўғри яшадими? Қўштеракликлар кўнглини оғритмадими?

Ихтиёрли, ихтиёрсиз айбларидан одамлар кечишармикан?

Пойга... Пойга... Бу фақат сабантўйдаги учқур отларнинг ким ўздиси эмас. Ҳаётнинг, бутун умрнинг ўзи пойга экан.

Тақдиринг, юракка далда берувчи орзуларинг, ҳудудсиз, қайноқ ўйларинг, мақсад сари интилишинг ҳам бир пойга.

Умринг кечаётган вақт эса — энг улуғ пойга!

Ҳа, буниси анов-манов пойга эмас. Эгарга михла-

ниб ўтириш керак. Галиянинг ҳалиги гапи тўғри. Бу катта пойгада ютиб чиққан вақти ҳам бўлди, отни унга нисбатан барвақт қамчилаганлар ҳам топилди. Бу кўп ҳам алам қилмайди. Муҳими, қалбинг, умидинг тэпталмаслиги, тулпорда маҳкам ўтиришинг, нигоҳинг эса олдинга — уфққа қадалган бўлиши керак.

Ёмғирнинг сийрак томчилари тезлашди.

Ёмғирнинг шовиллашига қўшилиб қўнғироқчалар жиринглайди.

«Жиринг-жиринг», «жиринг-жиринг...»

Улар нима ҳақдадир ҳикоя қилади.

Ниманидир ёдга солади.

Нимадандир огоҳ этади.

Қаёққадир чорлайди.

Уларнинг овози бир умр тинмайди.

Бир умр...

# АХИЁР ҲАҚИМОВ

## ОҚСОҶ БҮРИ

Тоҳир Малик таржимаси

Бўри йўлдан югуриб ўтди-да, шабадага муқобил йўналишда отарни ёнлаб боргач, икки боласини панонага олганича ғарам панасига писиб олди.

Қуёш анча кўтарилиб, чор-атрофни қиздира бошлаганига қарамай, бўри умрида биринчи бор кундузи оёга чиқишга журғат этди. Аниқроғи, бундайин хавфли оёга уни муҳтожлик судраб келди.

Бир неча кундан бери номаълум хасталик домига банди бўлган Бўрининг силласи қурирди. Қорин атрофида пайдо бўлган оғриқ унинг бутун баданига оловли оқим сингари тарқалар, дармочини қирқиб, баъзан кўздан нур қочар, баъзан эса қўлоғи эшитмай қоларди. Бундай дамда кўз олдини тинмай чарх ураётган рангбаранг ҳалқачалар эгаллаб олар, боши эса азоб берадиган даражада ғувилларди. Эндигина иссиқ гўшт мазасига тушуниб қолган Бўри болалари эса онасининг ҳолсиз баданини яна азобга қўйиб, сўтсиз эмчакларини тинмай сўришар, нафслари ором олмагач, очликдан ғингишишар, шалвираган қорнини тишлаб ташлашарди.

Бўри найзасимон тумшугики олдинги оёқлари устига қўйганча очиқиб ҳолдан тойган болсларига айбдор, айни чоқда ғамгин қиёфада қараб ётарди. Ниҳоят, оналик меҳри, мажбурияти оғриқлардан устун келиб бўғиқ бир инграш билан ўрнидан турди-да, чайқалганча дам олдинга юрди, дам изига қайди. Кўз олдидаги ҳалқачалар аста йўқолиб, ўрмон ҳам, жарлик ҳам асл қиёфасига кирди.

Писиб ётган билан иш битмайди. Нимадир қилиши керак. Бўри увлашга чоғлангандек бошини юқорига чўзганча, тишларини иржайтирди. Аммо овоз чиқар-

мади. Болаларини тумшуғи билан туртиб турғизди-да, қаёққа боришини ўзи ҳам билмаган ҳолда йўлга бошлади. Худди чеки-чегараси йўқдек туюлувчи заҳкаш ўрмондаги дарахтлар бу ерда сийраклашиб, бутазорга айланган. Бўри бутазорга тақалган ўтлоқда сакраб юрган қўйларни кўрди-ю, одати бўйича кўкрагини ерга бериб писиб олди — гарданидаги юнглари ҳурпайди. Нафс балоси уни тезроқ ўлжага ундар, кўп йиллик тажриба эса унинг оний шошқалоқлигига қарши эҳтиёткорлик жиловини тортган эди. Бўри ер бағирлаб юрганча нариги ғарамни паналаб ўтди. Яна оғриқ қўзғаб аззойи баданини тилкалаб ташлади. У дам ўнг биқинини, дам чап биқинини офтобга тоблаганча худди қувғиндан энди қутулган каби тилларини осилтириб тинмай ҳансирарди. Болачалари эса яна овқат дардида унинг биқинига тиқилишди. Агар мана шу болалари бўлмаганда у очликдан ўлса ўлардики, бундай ишончсиз, айни пайтда хатарли овга чиқмас эди. Ҳеч бўлмаса бугун ориқ қўзини бўлса ҳам ўлжага олиши керак. Йўқса, болаларидан айрилади.

У аста бошини кўтарди. Икки совлиқ қўзиларни эргаштирганча у ётган ғарам сари яқинлашиб келарди. Совлиқлар йўл-йўлакай ўриб олинган ўтларнинг саргайган танасини паналаган майсаларни дам чимдиб, дам эса хавотир билан атрофга жавдираб қараб қўйишарди. Бўри болалари ўлжанинг яқинлашаётганини сезиб, туриб кетишди. Оналарини овга ундагандек, ғингший бошлашди. Бўри болаларини аста тишлаб тинчлантирди.

Совлиқлар тобора яқинлашар, шабада уларнинг ҳидини Бўри димоғига олиб келиб уриб, бетоқатлигини оширар эди. Унинг кўзлари ўлжа илинжида ёнган, аззойи баданидаги ҳар бир томир таранг тортилган — у ҳал қилувчи ҳамлага шай эди. Аммо... ҳамлага улгурмади. Қандайдир кучли шовқин ҳамма нарсани остин-устун қилиб юборди. Шовқин пасайиш ўрнига кучая борди. Қишлоқ томонда одамлар тўдаси кўринди. Улар шовқин-сурон билан ўрмонга қараб югуриб келавердилар. Ҳали одамлар тўдасида, ҳали ўтлаб юрган қўйлар орасида кетма-кет оловли тўзон кўтарилар, шовқин авжига чиқарди. Бўри эса нима бўлаётганига тушунолмай, атрофга жавдираганча қараб турарди. Юраги қандайдир хатарни сезган Бўри болаларини

тумшуғи билан туртиб ўрмон ичкарисига қочишга шайланди. Бироқ шу онда нимадир ҳуштак чалиб келди-ю, ғарамга урилди. Ғарам бир зумда оловга бурканди. Бўрини эса қендайдир куч аввал осмонга ирғитди, сўнг икки-уч қайта ер бағирлаб чирпирак қилиб борди-да, тўнкага қадсб қўйди. Олдинги ўнг оёғини нимадир қаттиқ кўйдирди. Аввалги оғриқларга чидаб келган Бўри бу сафар ўзини тутолмай улаб юборди. Лекин болалари эсига тушган ҳамон дарров ўрнидан турди-ю, алангага беланган ғарам сари йўналди.

Бироқ... болачалари бу атрофда кўринмади.

Шу пайт сал нарида яна оловли тўзон кўтарилиб, қулоқни кар қилгудек шовқин эшитилди. Қандайдир куч Бўрини яна итқитиб юборди. У илиниб турган оёғига бир қараб олди-да, оғриқни ҳам писанд қилмай боши оққан томонга югура кетди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалар содир бўлаётган эди. Қўйлар атрофга тўзиб кетишган, ораларида Бўри борлигини ҳам сезишмасди. Ҳатто тўс-тўполонда ўзини қаерга қўйишни билмай зир югураётган совлиқларнинг бири Бўрига урилиб ҳам кетди. Тезроқ... тезроқ... ҳар томондан ўлим аждаҳоси олов пуркаб, қаҳқаҳа ураётган бу лангати ердан тезроқ қочиб қутулиш керак! Бўрининг бирдан-бир мақсади шу эди. Шовқин тинаман демайди. Оловли тўзоннинг тўхташидан дарак йўқ. Ҳали олдинда, ҳали орқада замин бағри бирданига ёрилгандек бўлади. Борлиқни тутун, чанг, шовқин-сурон эгаллаб олган. Осмондан худди тош, кесак, дарахт навдалари ёғилаётганга ўхшайди. Гумбурлашлар етмагандек, қўйлар бараварига маърашади. Бир неча дақиқа олдин ўлжасига очкўзлик билан ташланиб, дандон тишини ўлжа бўғзига ботиришга тайёр турган ваҳший ҳайвоннинг атрофида сон-саноксиз қўйлар сарсари кезар, аммо ўлим талвасаси олдида унинг кўзига ҳеч нима кўринмасди. Бўри бу даҳшатлардан тезроқ қутулиш учун ўрмон ичкарисига интиларди. У тобора ҳолдан тоярди. Бир томонга қийшайганча яна уч-тўрт бор сакради-ю, боши айланиб назматик устига йиқилди. Бу ерда қанча ётганини билмайди. Ўзига келдию беҳад оғриқ азобидан улаб юборди. Сўнг осилиб турган оёғини тишласб ўзиб ташлади. Бўри бетўхтов қонаётган оёғини ялаганча узоқ вақт фикрини ётди. Унинг кўз олдида яна рақсга тушаётган сариқ, яшил, қизил ҳал-

қачалар орасида икки жуфт қора нуқта кўринарди, нуқталар борган сари катталашиб болачаларига айланарди. Ана шунда Бўри алам билан қаттиқ инграб юборди. Иўқ, бу оғриқ азобидаги ингроқ эмас, балки болалари ҳажридаги она юригининг фарёди эди.

## БИРИНЧИ ҚИСМ

Саратоннинг бесас, айни чоқда жарангдор тонги...

Туни билан самода ғужғон ўйнаган юлдузлар бирин-кетин кўз юмади. Юзига тонг шафағидан парда тортувчи Зуҳра ҳам хийла хира тортиб қолган. Заминдан кўтарилган ҳовур эринибгина ер бағирлаб сузади. Қуёш ҳали бош кўтармаган бўлса-да, унинг ўтли нурлари осмоннинг машриққа туташ четларини олтин ҳал билан безаб қўйган.

Икки от қўшилган, ишига пухта устанинг қўлидан чиққан узунчоқ арава сокин кўлда сузган қайиқ сингари енгил чайқалиб боради. Туёқларнинг бир маромдаги овози, ғилдирақлар остида эзилган майда тошларнинг ғижирлаши, сабонинг сарҳуш ҳавоси сабаб бўлиб йўловчилар кўзига мудроқ илинган. Улар сафар олтидан бир соатгина мизғиб олишган, энди фурсатни бой бермай хушбўй ис таратаётган пичанни тўшак ўрнида кўриб ҳордиққа чоғланишган эди.

Аравада тўрт чоғли ҳарбий борарди. Уларнинг бири — кенг елкали, ёноқ суяклари бўртиб чиққан, кўзлари кулиб турувчи Рамазон исмли бошқирд йигит мириқиб эснаб олди-да, шинелининг ёқасини кўтариб, араванинг орқа томонига ёнбошлади. Аммо кўз юмишга улгурмади.

— Ухламанг! Кузатишни давом эттиринг!

Командирнинг қатъий, бир оз хирилдоқ овози шу топда Рамазонга жуда ёқимсиз туюлди. Аскар йигит афтини буриштирганча эринибгина қаддини тиклади. Бошини силкиб уйқуни ҳайдаган бўлди. Унинг ҳаракатларини кузатиб ётган Қамишсурнай лақабли пулемётчи Суминов: «Қалай, ёпиштирдимми?» деган маънода имлаб қўйди. Рамазон унинг имосини кўрмаганга олиб бошқа томонга қаради. Ҳар ҳолда Рамазон бу гуруҳда анов-манов аскар эмас, балки каштандан кейин-



ги бошлиқ. Тўғри, даражаси капитандан анча паст бор-йўғи бўлима командир, лекин ҳар ҳолда унвон жиҳатидан Суминовдан хийла баландроқ. Шундай экан, қўл остидаги оддий аскар олдида мулзам бўлишни ўзи-га ор деб билди.

Капитанга ҳам худо унвон беравергану фаросатдан сал қисганми... «Кузатишни давом эттиринг!» дейди. Атроф бийдек дала бўлса, анқонинг уруғига қоқиниб кетадими бу ерда. Ё ер ёрилиб битта-яримта шайтоннинг боласи юзага чиқиб қолармикин. Ҳамма нарса кафтдагидек кўриниб турибди. Илонизи йўл далани икки паллага ажратган. Уч чақиримча нарида эса ўрмон балаңд девор сингари қорайиб турибди. Тамом, бошқа ҳеч нарса йўқ. Ҳаммаёқ сокин. На бирорта бегона товуш, на бир одамнинг қораси кўзга чалинади. Штабдан чиқишганига бир ярим соатдан ошди. Йўлда биров тирик жон учраганича йўқ. Худди беҳудуд, бежон саҳрода боришайтганга ўхшайди.

Наилож, уклаш мумкин эмас экан, мижжа қоқмайди. Буйруққа шак келтириб бўлмайди. Сафар диққина-фаслик билан ўтади шекилли. Узоқ йўлнинг дардини улфатчиликка мойил ҳамсуҳбат олади. Отамлашиб кетсанг, вақт ўтгани билинмайди. Бу капитан билан гаплашишга умид йўқ. Қошларини қаншарига уйиб олганча атрофга олазarak бўлгани-бўлган. Дам-бадам планшетида харитани чиқариб, тикилиб қолади. Ажаб, адашиб қолишдан чўчиyaптимикин? Нимадан қўрқади? Бу ерларда кўзни чирт юмиб юрсанг ҳам адашмайсан.

Аравакаш ҳақида гапириш ҳам ортиқча. Узини Федотов деб таништирган бу аскар худди мункиллаган чолдай букчайиб ўтириб олганча миқ этмайди. Худди отларнинг думи атрофида бир ажойибот кўриб қолгандай кўз узмайди, баъзи-баъзида жиловни тортиб: «Ҳа, жониворлар!» деб қўяди, тамом. Оғзига толқон солиб олгандай бошқа овоз чиқармайди. Суминов ҳам жонга тегди. На ухлайди, на жим ётади. Гумирлагани гимираган. Худди кавш қайтараётган сигирдай жағи тинмайди. Чўнтагидан нимадир чиқаради-да, осмонга отиб оғзини катта очганича илиб олади. Баъзан қорайиб кўринган буталарга хавотир билан бақрайиб тикилиб қолади. Авваллари бемаъни ҳуштаклари билан йигитларнинг жонига тегарди. Ҳозир ўша ҳуштагини чалса ҳам

майли эди. Ҳеч бўлмаса араванинг гилдираклари ги-  
жирласа-чи...

Афтидан бу Қамишсурнай Рамазондан жиддий ха-  
фа бўлган кўринади. Шунинг учун гаплашгиси ҳам  
йўқ. Бирон нарса сўраса «ҳа» ёки «йўқ» деб қўяди.  
Баъзан елка қисиб тескари қараб олади. Бу сафарга  
хоҳиши йўқ экан, қолавермайдими, Рамазон уни маж-  
бур қилгани йўқ-ку. Тўғри, ҳамма пулемётчилар яра-  
ланган. Шунда ҳам Рамазон: «Мажбур қилмайман,  
истасанггина юр», деди. Ана, Козлов қанча ялинди.  
Аслида ўшани олса бўларкан. Козлов латифа айтишни  
қийиб юборади. Латифатгўйлик қилиб... Бе, қайда, ка-  
пиган оғиз очишга қўярмиди...

Рамазон Суминовни кўпам яхши билмайди. У ро-  
тада ўтган ҳафтада, қуршовдан чиқар маҳалларида  
пайдо бўлиб қолган эди. Суминовнинг пулемётчи эка-  
нини билиб Рамазон ўйлаб ўтирмай уни ўз бўлинмаси-  
га олди. Қуршовга тушиб анча баракаси учган ротада  
Суминов дарҳол отнинг қашқасидай бўлиб қолди. Бир  
жиҳатдан ёмон йигитга ўхшамайди. Аммо юрган йўли-  
да ҳуштак чалавериб ҳаммани безорижон қилиб юбор-  
ди. Маънили ҳуштак чалса ҳам майли эди. Худди ша-  
молда қолган қиёқнинг ўзи. Шунинг учун ҳамма унга  
Қамишсурнай деб ном қўйди. Суминов эса бунга парво  
ҳам қилмади. Қулф урилган сандиқ нимаю Қамишсур-  
най нима. Даврага қўшилиб қолса ҳам кўзини лўқ қи-  
либ жим ўтираверади. Ниманидир ўйлагани ўйлаган.  
Азроил билан қўлтиқлашиб юрадиган жангтоҳда бун-  
дай индамаслар билан ўтиришга кимнинг тоб-тоқати  
бор? Беш қўл баравар эмас дейдилар, даврада ўнта  
аскар бўлса, ўнта шаклу шамойил, ўнта феъл-атвор.  
Ҳаммаси билан тил топишиш зарур. Қамишсурнайга  
ҳам худо инсоф бериб қолар. Уни жангда синаб кўриш  
керак. Балки жанг чоғида унга ҳеч ким бас келолмас.  
Шундай бўлса ҳуштак у ёқда турсин, карнай чалса  
ҳам майли. Пулемётини ўрнига қўйиб сайратса бўл-  
гани...

Федотов-чи? Бу нуханинг одам бўлиши қийинроқ.  
Урушда икки марта салом-алик қилсанг ака-ука бўлиб  
кетасан. Бу эса етти ёт бегона. Қурбонлиққа ҳам яра-  
майдиган бир одам. Рамазон у билан шу тун, йўлга  
чиқишларидан бир оз олдин танишди. Уни кўрди-ю,  
эвсаси қотди. Бир қарашдаёқ ҳушига ўтирмади.

Капитан штабда майда-чуйда ишлар билан ивирсиб юрганда Рамазон бу аравакашни суҳбатга тортмоқчи бўлди. У эса тамакини баралла тутатиб, отнинг жабдуқларини тузатди-да: «Шошқалоқ аскар — жосуснинг ўлжаси», деб истеҳзо билан кулиб қўйди. Бу гап гурзи бўлиб Рамазоннинг бошига урилса-да, тил тишлашга мажбур эди. Аравакаш ҳам бунни сизди. Йўлга тушар маҳалларида: «Оғайни, гапимга хафа бўлма. Уйқу босиб турган маҳалда одамга гап ёқмас экан. Мен Федотовман», деб туппа-тузук одамдай жилмайди. «Жуда кўнглимга таскин бердинг-ку. Сендай дўстга кўзим учиб турган эди». Рамазон тилига келган гапни қайириб: «Ўтган ишга салавот», деб қўл узатди. Аммо барибир нафратини яшира олмади. Аравакашнинг ирkit уст-бошига қараб олди-да, юзини буриб четга тупурди. Кейин бир сакраб аравага чиқиб тескари ёнбошлади. Якка чўпда икки қўчқор қандай дуч келган бўлса, улар шу зайлда танишдилар.

Баъзан дунёнинг ишларига ҳам тушунмай гаранг бўлиб кетасан киши. Нима, битта топшириқни бажаришга йўл олган ҳамроҳинг билан яқинроқ танишиш ҳам гуноҳ саналадимми? Шеригингни дарду ҳасратидан огоҳ бўлишинг керак-ку, ахир. Отлар бир-бирини кишнашидан танир экан. Одам одам билан гап-сўзсиз таниша олмайди-ку? Бу одамларнинг бир қайнови ичидами, нима бало. Хўп, Соколов-ку командир, аскарлар олдида маза-бемаза гап айтиб обрўйини тўкиши ярмайди. Манови иккита нуска-чи? Булар ҳам обрўталабми? Мана, Федотов: аввал қаерда жанг қилган, ота юрти қаерда, қайси йили туғилган... Жанг кўрган аскарга гап қаҳат эканми? Худди инидан ёруғликка ҳайдаб чиқилган бойқушга ўхшайди. Даҳанига тўппонча тирасанг ҳам одамга ўхшаб гапирмаса керак. Афтангорига бир қарасанг йигирма беш ёш берасан, ткилиброқ қарасанг, ўттизга кирганга ўхшайди. Бу одамнинг чекига тушган хотиннинг шўрига шўрва тўкилади...

Федотов жиловни қаттиқроқ ниқтади. Отлар тезлашди. Туёқлари шағалда сирганиб арава худди бешикдай тебраниб юра бошлади. «Эҳ, капитан, қуёш тизига олгунга қадар мизғиб олсак осмон узилиб ерга тушармиди?!»

Рамазон хаёллар чангалидан қутулиб астойдил кө-

ришди. Ҳатто суяклари ҳам қисирлаб, маза қилди. Кейин Федотовга ўгирилиб қаради.

— Оғайни, тамаки билан бир сийласанг-чи, — Рамазон шундай деб аравакашнинг елкасига оҳиста уриб қўйди. У тамаки баҳона Федотовни гапга солмоқчи эди. Яна бўлмади. Аравакаш тош ҳайкал сингари қимирлаб ҳам қўймади. Капитан эса худди шуни кутиб ўтиргандек, кескин ўгирилди:

— Чекилмасин!

«Ана холос... Уртоқ капитан, балки бу гуноҳкор бандага нафас олиш учун рухсат берарлар? Бунча эҳтиёткор бўлмасангиз? Мабодо фюрернинг уясига кетаётганимиз йўқми?.. Сен жангчи эмас, штаб каламушисан, Соколов! Капитан эмас, фирт гурбатнинг ўзисан...» Рамазон шу зайлда яна хаёлларига эрк бериб ўзини ўзи овутиди.

Кимсасиз, худди қабристондек кўринган қишлоқни оралаб ўтишгач, йўл болутзор томонга бурилди. Капитан янада сергакланди. Маузерини қинидан чиқариб, «шай туринглар», деган маънода жангчиларга имлаб қўйди. Суминов худди сайдининг исини сезган овчидек, сергак тортиб атрофга синчков тикилди. Ҳатто Федотов ҳам тиззасидаги милтиқни ушлаб кўрди. Рамазон эса оёқларини аравадан осилтирганча ўлжа «шмайсер»нинг оғзини буталарга қаратиб келаверди. Ҳамроҳларининг ҳаракатларини кузатиб ўзича истеҳзо билан кулиб қўйди.

Қип-қизил ҳангоманинг ўзи. Булар нимадан қўрқишяпти? Соялариданми? Урмон дейишга арзигулик дарахтлар бўлса ҳам гўрга эди. Йўл чеккасидаги бутазор-ку бу. Одам тугул қуён ҳам яширина олмайди бу ерга.

Рамазон фашистни энди кўраётгани йўқ. Чегарадан то Смоленскка қадар чекиниб келди, қуршовдан чиқди, абжир бир аскарга нимаики лозим бўлса ҳаммасини эгаллади. Шундай экан, душмanning феълени у билмай ким билсин? Агар шу атрофда немислар бўлганда биқиниб ётмай шартта рўпараларидан чиқишарди-ю, автоматларини сайратишарди. Фашист зоти кучини кўрсатиб қўйишга ишқибоз. Керак бўлса иккита одамга қарши ҳам бронетранспортёрми, танкми чиқариб юборишдан ҳам тоймайди. Наҳотки, полк разведкасининг бошлиғи бўла туриб капитан шуларни билмаса?

Билмай ўлибдими, билади! Фақат ўзини талабчан командир қилиб кўрсатмоқчи. Менга нима, билганини қилсин. Унинг иши буйруқ бериш, менинг ишим бажариш.

Соколов ҳаддан зиёд эҳтиёткорлик қилаётгани учун Рамазоннинг гаши келарди. Аслида Рамазон бунинг сабабини яхши тушунарди. Капитан вазифанинг бажарилиши учун боши билан жавоб беради. Жангчилар билиши шарт бўлмаган сирдан у огоҳ. «Шундай экан, ўртоқ Иргалин, ундан хафа бўлиш ўринсиз, гашингиз ҳам келмасин, индамай ўтириб кетаверинг. Бу ёғи бир гап бўлар...»

Рамазон ўзини-ўзи овутишга киришди. Лекин бу фикр миясида узоқ қўноқ бўлмади. Ранги оқарган Суминовга, букчайиб ўтирган Федотовга кўзи тушди-ю, тиш оғриғи қўзғгани мисол алами жунбушга қелди. Ҳамма бало командирда! Қарга билан лочин ҳеч маҳалда ога-ини бўлармиди. Бунақанги сафарга взвод командири Миронов билан чиқиш керак. Ўзи у ҳам Соколовга ўхшаб дағал ва кескин одам. Аммо лозим бўлса елканга қоқиб қўяди, лозим бўлган тақдирда эса аямай сўкади ҳам. Лекин қувноқликда унга етадиган одам йўқ. Шунинг учунми, худо унга омаддан ҳам берган. Ахир у қуршовдан фақат взводини олиб чиқдигина эмас, балки адашган аскарларни тўплаб бутун бир рота тузди! Ҳатто яраланиб замбилда ётган маҳалида ҳам жангчиларнинг руҳини кўтариб турди... Агар ҳозир Соколов ўрнига Миронов пайдо бўлиб қолса, шубҳасиз, бутунлай бошқача вазият вужудга келарди. У капитанга ўхшаб тил тишлаб бормасди. «Бўшашманглар, азаматлар. Биз ўз еримиздамиз. Биздан немислар қўрқсин!» деб орқасидан ичакузди ҳангомаларидан айтиб берарди. Қарабсизки, манзилга етиб олганингизни сезмай қоласиз...

Рамазоннинг бошвоқсиз фикрларини узоқдан келган отишма овози бўлди. Пулемётларнинг тириллаши, снарядларнинг бўғиқ портлашини эшитиб баданига енгил титроқ югурди. Автоматни кўтариб ҳадеганда тамом бўлмаётган йўл четидаги бутазорга тикилди. Кўпни қўрган жангчилар отишма овозини эшитганлари ҳамон бармоқлари беихтиёр тепкига югуради. Рамазон ҳам шундай қилди.

— Пулемётни тайёрланг! — деб буйруқ берди Соколов.

Суминов «дегтярев»ни тиззасига олди. Федотов нима учундир пилоткасини бостириброқ кийди. Рамазон ҳам шундай қилди.

— Буйруқсиз ўқ узилмасин. Бирор кори ҳол бўлса Ивановка пойидаги қабристонда учрашамиз. Қишлоқ шарқидаги қабристонда, — деди капитан сўзларини дона-дона қилиб.

Ҳаммаси равшан, демак улар манзилга яқинлашиб қолишибди. Энди капитаннинг эҳтиёткорлигидан кулмаса ҳам бўлади. Рамазон капитан ҳақидаги ғаразли фикрларини эслаб ўзидан-ўзи хижолат бўлди-да, томоғини қириб қўйиб пилоткасини тузатди. Бармоқ тишлаб қолгандан кўра аввалдан сергак бўлган минг марта афзал. Ахир уларга юклатилган вазифа ҳазилакам эмас: Рославл биқинидаги Ивановка қишлоғи атрофида мудофаада турган дивизия командирига муҳим бир пакетни етказиб бериш осонми? Ҳар ҳолда жанггоҳ — анқайиб юрадиган майдон эмас...

Бутазорлар ўрнини аста-секин қалин дарахтзор эгаллай бошлади. Яна бир оз юришгач, мўъжаз ўрмон оралаб кетишди. Худди битта-битта танлаб парвариш қилингандай саф тортиб турган қарағайларнинг ҳидидан маст бўласан киши. Рамазон тўйиб-тўйиб нафас оларкан, роҳатини яширмади. Капитан унга бир хўмрайиб қараб қўйди-да, яна нигоҳини ўрмон ичкарасига қадади. Рамазон ҳам автоматини қаттиқроқ ушлади. Суминов эҳтиёт дисклар солинган брезент сумкани елкасига осди. Фақат Федотовда ўзгариш сезилмади. Уша-ўша: букчайиб олган, энди битта-битта қадам ташлаётган отларнинг думидан кўз олмайди.

Соколов шимининг дўппайиб турган чўнтагига қўл юборди. Рамазон бу чўнтакда пакетга ўралган граната борлигини, иложсиз қолинган тақдирда пакет граната билан бирга йўқ бўлиши лозимлигини билади. Аммо у бир нарсага тушунолмаётган қолди. Агар капитанга бирор кори ҳол бўлса пакетга ўралган бу граната кичик командир Иргалинга эмас, нима учундир писмиқ аравакашга берилиши керак. Аввалига Рамазон бундан қаттиқ ранжиди. Кейин: «Федотовга бўлса Федотовга-да», деб тинчланди. Ҳар ҳолда вазифани юклаш аскарларнинг эмас, катта командирларнинг

иши. Хизматга ошиқма ҳам, бўйин товлама ҳам, деган ҳақиқатни Рамазон яхши билади.

Отлар ҳам яқинлашиб келаётган хавфни сезгандай ўрмон ичкарисига қараб-қараб секин юришади. Барча сергак. Атроф эса сокин. Снаряд гумбураши тинган. Худди у томонларда жанг бўлмаётгандек, кимдир эрмакка эринибгина тепкини босиб қўяётгандек. Пулемёт аҳён-аҳёнда бир сайраб қўяди. Атрофдаги шохшаббаларда ҳам ҳаракат сезилмайди.

Кутилмаганда отлар таққа тўхтаб, пишқириб орқага юра бошлади. Унгадаги от олдинги оёқларни тикка кўтариб жон-жаҳди билан кишнади. Иккинчиси эса абзалга ўралашиб типирчилади. Арава йўлга кўндаланг туриб қолди, орқа гилдираклари ариққа тушиб қолди.

— Нима бўлди?

Рани оқаринқираган Соколов ерга сакраб тушди. Федотов эса чаққон бориб отларнинг жиловидан маҳкам тутди. Чордона қуриб ўтирган Суминов арава ўртасига учиб тушди. Даҳшатдан ортга бақрайиб тикилиб турди-да, жон ҳолатда: «Бўри! Оқсоқ Бўри!» деб қичқириб юборди.

— Жим бўл! — деди Рамазон унинг биқинига туртиб.

Шу онда буталар орасидан Оқсоқ Бўри чиқди-ю, йўлни кесиб ўтиб кўздан йўқолди. Рамазон уни тузукроқ кўра олмади ҳам.

Отлар ҳадеганда тинчланмади. Рамазон қовоқ-тумшугини осилтириб ҳамроҳларига қаради. Уларнинг юзига ҳам «шундан чўчидикми?» деган хижолат булути соя ташлаган эди. Ўрмонлар билан қопланган тор бағрида униб-ўсган Рамазон ёш бўлишига қарамай бўрини ҳам, айиқни ҳам кўрган, кўргангина эмас, овларда иштирок этган эди. Шундай бўлса-да, бутазордан қўққисдан чиқиб, кўланка сингари судралиб ўтган бу Оқсоқ ваҳший унда ёмон таассурот қолдирди. Ҳатто барча нарсага бефарқ қараб келаётган Федотов ҳам бошини чайқаб қўйди.

Судралиб ўтаётган Оқсоқ Бўри ҳали кўз олдидан кетмаган Суминов худди дуо ўқиётгандай пичирлаб дам пулемётни қўлига олади, дам тиззасига қўяди. Ўрмонга олазарақ қарайди. Бир маҳал қўндоқ билан Рамазонни туртиб юборди.

— Типирчилайвермасанг-чи! — деди Рамазон афтини буриштириб. — Қанақа жангчисан ўзинг, Бўрини кўриб тизсанг қалтирайди.

— Қўрқмай кўр-чи... — Суминов шундай деб гудранди-да, ўн кун илгари, полкдан адашиб, ўрмонда якка-ёлғиз юрганда бошига тушганларни эслаб кетди.

...Ўшанда Суминов тасодифан Бўрига дуч келдимиз ёки аксинча бўлдими, бунисини англай олмади. Ҳар ҳолда Оқсоқ бўри билан биринчи марта ўша кезлари юзма-юз бўлди.

Суминов жонҳолатда югурди. Юзларини шох-шаббалар тилиб кетди. Кучдан кетиб, нафаси қайтиб юзтубан йиқилди. Бу ҳам етмагандай бирдан қорни мижғиб оғрий бошлади. У кўзларини юмиб, тишларини ғижирлатганча қорнини силар, оғриқ эса босилай, демасди. Ҳушидан кетдимиз ё оғриқ босилиб ухлаб қолдимиз, буни ҳам англай олмади. Ҳар ҳолда ниманингдир шитирлашидан чўчиб ўзига келди. Кўзини очдию даҳшатдан қўл-оёғи акашак бўлиб қолди: ундан тўртбеш қадам нарида қандайдир йиртқич қонли кўзларини унга тикканча тинмай титрарди. Суминов, «тушимми, ўнгимми», деб ўйлаб бошини силкиб кўрди. Йиртқич худди ҳаво етишмаётгандек, бўйинини чўзди. Ярма синиб узиб ташланган олдинги оёғини кўтарди-да, бир томонга судралиб кетди. Суминов аввалига уни ит деб ўйлади. Кейин Бўрининг оқ дандонини кўргач, худди юраги уришдан тўхтаб қолгандек бўлди.

Аскар йигит сал нарида ётган пулемётга қўл чўзди. Йиртқич одамнинг қўлидаги темир даҳшатдан кўз узмаган ҳолда янада ер бағирлаб судрала бошлади.

Ночор йиртқич билан ночор одам бир-биридан узоқ кўз олмади. Суминов орқасига чекинишни ҳам югуришни ҳам, Бўрини уришни ҳам билмасди — қўрқувнинг эс-ҳушини олиб қўйган эди. Бўри эса ундан шафқат сўрагандек, дам-бадам синган оёғини кўтариб ҳаракатларини кузатади. Ниҳоят, Суминов ўзига келиб Бўрига қараб қичқирди-да, пулемётини ўқталди. Йиртқич шу оннинг ўзида унга қараб сапчиб кўкрагига урилди. Суминовнинг қўлидаги пулемёт нарига учиб тушди. Йигит чалқанчасига йиқилиб, орқаси тўнғакка тегди. Кўзидан гўё ўт чақнади. «Тамом!» У тақдирга тан бергандай кўзини юмди. Узоқ ётди.



Лекин бирдан чор-атрофга осудалик қўнганини сизди. Кўзларини очди. Туриб ўтирди. Атрофга аланглади. Ҳеч ким йўқ. Ажаб, алаҳсираяптими? Ундай деса кўкрагига урилган бўрининг иси ҳали димоғидан кўтарилганича йўқ. Гимнастёркасига қаради: бўрининг оёғидан томган қон ёпишиб турибди. Дастлабки қўрқув яна уни исканжага олди. Бутун бадани кишанланиб ҳаракатдан қолди.

...Терга ботган отлар атрофга хавотир билан қараб шошилмай юради. Йўловчилар ҳам сукутда. Ўзгаларнинг сезгирлиги Рамазонга ҳам ўтди. Кутилмаганда оёқ остидан чиққан бу Оқсоқ йиртқич одамларнинг юрагига гулгула солиб кетди. Битта ўқ ҳам отишмабди. Ҳеч бўлмаса елкадан босиб эзаётган бу осудалик барҳам топармиди. Бу ўлик сукунат, кимсасиз йўл яхшиликдан нишона эмас. Фақат жанггоҳ чизигини кесиб ўтишда шундай бўлишини Рамазон яхши билади. Дивизия билан алоқанинг узилиши бежиз эмас кўринади. Фашистлар тинмай суқулиб кирапти. Бу ерларда бизникилардан қолмаган. Фашистлар эса келиб улгуришмаган. Соколов ҳам бекорга сергак тортмагандир. Тузуккина ҳаяжонга ҳам тушган. Аммо буни жангчилардан яширишга уринади.

— Бу жимлик жинимга ҳеч ўтиришмаяпти, — деди Рамазон тўнғиллаб. Гапи оғзидан чиқмай капитан ёқасига ёпиштирди:

— Жинингга ўтиришмаса полкда қолиш керак эди!

Капитан шундай деб, «гап тугатилсин!» деган маънода қўлини кўтарди.

Рамазон бўйнини чўзиб олдинга қаради.

Отларнинг яғринидан энгил титроқ югуриб ўтди. Шамол барглари ўйнаб ўтса ҳам, биронта қуш патиллаб учса ҳам уларнинг қулоқлари дарҳол чимирилади, кўзлари олазарақ бўлади.

Ниҳоят, ўрмон адоғига чиқишди. Зимистон ўрмон даҳлизидан сўнг кафтдек дала кўзларни яшнатиб юборди. Гўё ҳибсан қутулиб, озодликка етишгандай бўлишди. Тонгги нурга йўғрилган теп-текис дала пойидан муз каби қотиб қолган тўлқинларни эслатувчи дўнгликлар бошланади. Суминов энгил тин олиб бемаъни ҳуштагини чалганча чўнтагини кавлаё бошлади. Федотов буйруқни кутмаёқ отларга энгил қамчи

уриб тизгинни бўшатди. Арава яна қайиқ сингари сузиб кетди.

Ўуёш терак бўйи кўтарилди. Унинг нурлари йўловчиларни эринмай кузатиб куйдира бешлади. Дам чап, дам ўнг томонда — ўрмон биқинида сокин қишлоқлар кўзга ташланади. Заъфарон жавдар тўлқинланади. «Бир мартагина ёмғир ёғиб берсами... Иссиққа одам чидамаяпти, бугдой қандай чидайди», деб ўйлади Рамазон уларга қарар экан. Шу онда бир неча сония уруш даҳшатлари ҳам, дўстларнинг шаҳид кетгани ҳам, чекиниш аламлари ҳам уни холи қўйди. Қўлини соябон қилиб беғубор осмонга тикилди: ҳов уфқда оппоқ булутлар тўдаланишяпти. Рамазон жилмайди. Қалбига болалик сурури қайта кириб келди. Лаблари беихтиёр: «Ёмғир ёғалоқ эчки чақалоқ...», деб шивирлади. Кўзларини юмди. Ёмғир овозини, сувнинг шилдирашини эшитди. Яланг оёқ болалар кўлмакларни сачратиб, қувнаб, қийқириб, қишлоқни бошига кўтаргандай бўлиб югуради...

Арава потекис йўлга чиқиб қаттиқ силкинди. Рамазон чўчиб тушди. Ажабтовур хаёллар изсиз йўқолди. Яна кишини эзувчи осудалик, яна кутиш, яна хавотирли дақиқалар...

Соколов хавотирдан бир оз холи бўлдими, шянелининг тугмаларини ечиб папиросини ёндирди-да, бир-икки мириқиб тортди.

— Ол, хуморингни бос, — деди у Рамазонга чавандознинг сурати туширилган папирос қутисини узатар экан. — Бунақа узоқ сафарга тамакисиз отланган одам ўрмонга болтасиз чиққан ўтинчидан фарқ қилмайди.

Капитаннинг қаншари атрофида йиғилиб турган қошлар асл ҳолига қайтиб, унинг юзини кулгига ўхшаш бир нарса сийпаб ўтди.

— Мен чекмайман, ўртоқ капитан. Шунчаки... баъзи пайтларда эрмакка тутатиб қўяман, — деди Рамазон. Аммо капитан узатган қутидан битта папирос олиб ҳар эҳтимолга қарши қулоғига қистириб қўйди.

— Сен ҳам чекиб ол, лейтенант. — Соколов қутини Федотовга узатди-ю, бирдан жимиб қолди, сўнг қўшиб қўйди. — Тфу, жин ургур, хаёлим бир қадрдон лейтенантга олиб қочибди...

— Хаёлнинг тизгини бўлмайди, ўртоқ капитан, бизга лейтенантликка йўл бўлсин. Аравамизни эпласак

ҳам... — Федотов шундай деб папиросни олди-да, ниҳоятда чаққонлик билан уни ёндирди. Йўлга чиқишгандан бери унинг биринчи бор гапириши шу эди. Жимликдан сиқилган Рамазон суҳбатни давом эттириш учун гапни илиб кетди:

— Лейтенантинг нимаси. Баландроқдан келавер. Полковник ёки генерал дегин! Э, Федотов, сенга ўхшаган вазмин бўлганимда бундан пастига сира кўнмас эдим.

Федотов жавоб ўрнига мийиғида кулиб қўйди. Суминов ўзидан-ўзи ҳуштак чалди. Рамазоннинг холис ҳазили капитанга ўтиришмади.

— Жуда маҳмадона экансан, — деди у дағаллик билан.

«Тоза ҳамроҳларнинг «гули»га учрабманми, — деб ўйлади Рамазон юзини четга буриб ёнбошлар экан. — Бу капитаннинг феълига ҳам ҳайронман. Лочинмас, бойўғлининг ўзи. Ҳадеб менга ириллагунча Федотовига бир қараб қўйсин. Қизил аскар эмас, полиз қоровулнинг ўзи-ку».

Ажаб, капитан нимагадир аравакашга бутунлай эътибор бермай келяпти. Ҳатто йўлга чиқар маҳаллари у Иргалин билан Суминовнинг кийим-кечаги, қуролини яхшилаб кўздан кечирди, пулемётчи тугмаси узилгани учун яхшигина гап эшитиб олди. Лекин капитан Федотовни хўжакўрсин учун ҳам текшириб қўймади. Рамазоннинг назарида, у аравакашга: «Шу исқирт кийиминг маъқул», дегандек қараб жилмайди. Федотов бошига эски, шўралаб кетган пилоткани беўхшов кийиб олган, шинелининг орқа камарчаси узилган. Чамаси, беш кунча қўлига устара олмаган бўлса керак — юзни малла соқол-мўйлов босган. «Агар менинг бўлимамга тушсанг, бир кундаёқ армиянинг нима эканини билиб олардинг», деб ўйлаганди Рамазон бу аскарнинг уст-бошига ҳазар билан боқиб. Ҳар ҳолда капитаннинг бу исқиртга нисбатан бўлган яхши муносабати Рамазоннинг назаридан четда қолмади. Қанча ўйламасин Соколовнинг жўжасини эҳтиётлаган товукдай бўлиб юриши сабабини англаб етолмади.

Шу пайт Федотов Рамазоннинг фикрларини уқиб олгандай шартта орқасига ўгирилди-да, кулиб имлаб қўйди.

— «Шмайсер»ни олганинг яхши бўлибди. Жуда иш

берадиган нарса-да бу,— деди худди қуролнинг фаҳмига етадиган одамдек.

— Буни қара-я, автоматнинг номини ҳам билар экансан-ку, балки отиб ҳам кўргандирсан?

Рамазон бу гапдан кейин аравакаш яна оғзига толқон солиб олади, деб ўйлаган эди. Йўқ, Федотов кутилмаганда жавоб қайтариб қолди:

— Бе, автомат отишга йўл бўлсин. Тизгин билан қамчинни эпласам ҳам катта гап. Мана шу қуролимиз билан жанг қилиб юрибмиз,— деб кулиб юборди.

Бу гап қамчи бўлиб Рамазоннинг елкасига тушди. Бир нафас сўз тополмай иккиланди. Кейин оғзига келган гапни қайтармади.

— Сенга қуролнинг нима кераги бор? Сенга дуч келган немис афт-ангорингни кўриши билан қўрқувга тушиб иштонини ҳўл қилиб қўяди. Узингни хор қилиб, жангчиларга қўшилиб юрибсан. Сенинг асли жойинг — полизда, қаргаларни қўрқитиб юрсанг, фойданг кўпроқ тегади.

— Иргалин!

— Ўртоқ капитан, нима, аравакаш дайдисифат бўлиб юриши мумкин, деган қонун борми?

— Бас қилинг!

Федотов Рамазонга истехзо билан кулиб қўйди-да, яна тўғри йўлга қараганча букчайиб ўтириб олди.

«Бу нуханинг фақат шаклигина одам, томир-томиригача тартиб-қоида сингиб кетган. Кўрсатмада қайд этилмаган бўлса, ўзининг одам эканини ҳам тан олмайди. Бу шалтоқни тартибга чақириш ўрнига меңга ириллайди-я! Агар тентак одам ҳам буни кўрса қизил аскар эмас, полиз қоровули, дейди. Майли, биз кичкина одамимиз. Тилимиз қисиқ. Немислар билан юзма-юз келайлик, кимнинг нимага қодир эканини ўшанда аниқлаймиз. Федотовинг милтиқ тепкиси қаердалигини билса, калламини олиб ёнингга қўяман, капитан». Рамазон капитанга хаёлан эътироз билдиргач, папиросни олиб Суминовдан тутатди. Аламини босиш учун чуқур-чуқур тортди. Бўғзи тутунга тўлиб, йўтал тутди. Бўйин томирлари бўртиб чиқиб, кўзлари ёшланди.

— Ҳаддидан ошган кулгидан йиғи яхшироқ, — деди Суминов ярим чин, ярим ҳазил оҳангда. Федотов қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбормаслик учун лабини тишлади.

Суминовнинг гапи ҳатто капитанга ҳам нашъа қилиб, жилмайиб қўйди.

Йўтал азобидан томоғига оғриқ турган Рамазон шерикларининг бу кулгисини сезмади.

Бу орада арава баландликка чиқиб олди-да, пастга қараб тезлашди. Икки чақирим нарида уйларнинг оппоқ деворлари, сада-сада бўлиб турган дарахтлар кўринди. Отлар ҳам қишлоқ ҳидини туйгандек қадамларини тезлатишди. Капитан елкасидаги шинелини ташлаб, соатига қаради. «Демак, яқинлашибмиз, — деб ўйлади Рамазон унинг хатти-ҳаракатини кузатар экан. — Бу ярамас пакетдан тезроқ қутилиб, полкка тезроқ қайтмасам юрагим тарс ёрилади. Иккинчи марта бундай бедаволар билан ўйлашиб сафарга чиқаман..»

Рамазон йўлга отланаётганда яхши кайфиятда эди. Арзимаган сафарга борамизу қайтамиз, деб ўйлаганди. Сафардаги диққинафаслик, капитаннинг бемаъни талабчанлиги уни зериктириб, аниқроғи, толиқтириб қўйди. Шунча йўл юришибди-ку, кейинчалик бичиб-чатиб гапиришга арзийдиган саргузаштбоп воқеага дуч келишмабди. Ўша тентак Бўрини айтмаса матчойи сайрнинг ўзгинаси. Рамазон худди толқон ютгандай жимгина, бунинг устига ақлли қиёфада ўтиришдан кўра маза-бемаза гаплари билан қулоқни қоматга келтирувчи бирор маҳмадана билан ҳамсафар бўлишга минг марта рози эди. Зерикиш пешонасига битилган экан, бундай тўнкамижозлар билан сафарда эмас, оқолда душман хужумини кутиб, диққинафас бўлгани афзал эди... Рамазон шу хаёллар билан ўзини-ўзи еб борарди.. Айни чоқда чор-атрофдан нигоҳини узмасди. Чекиниш пайтидаги саргардонликлар, тўнлари буталар орасидан мушук каби писиб юришлар, оч-наҳорли, азобли кунлар ҳали унинг ёдидан кўтарилгани йўқ. Асаблар таранг тортилган, у ҳар қандай шарпага қарата ўқ узишга шай эди. Бир неча кун давом этган ўта сергаклик унинг қонига сингиб қолди. Атрофга зийраклик билан боқиб бориши ҳам шундан. Баъзан капитаннинг талабчанлигини оқлаб қўйиши ҳам ўша хавотирли кунлардаги хотираларини унутмаганидан...

Арава тез юрган сайин жануб томондан сонсиз моторларнинг бўғиқ гувиллаши, кетма-кет гумбурлашлар, пулемёт тириллашлари аниқроқ эшитиларди. Ча-

маси саккиз чақирим нарида аёвсиз жанг бораётгани аниқ эди. Соколов ўша томонда бир нарсани кўраётгандек тикилиб қаради-да, аравакашнинг елкасига туртиб қўйиб «тўхта», деди. Арава тўхтагач, ерга сакраб тушди-да, бир-икки қадам юриб борди. Сўнг яна тикилиб, жанггоҳдан эшитилаётган товушларга диққат билан қулоқ тутди.

Шу пайт қишлоқдан ярим чақирим наридаги кўприк томонда одамлар оқими кўринди.

— Оббо, кўприкдан ўтишга улгуролмай қолдик,— деди хўрсиниб Федотов.— Энди то одамлар ўтиб бўлгунча анча вақт йўқотамиз.

— Балки улгурармиз?— деди капитан аравага чаққон чиқиб ўтирар экан. Федотов: «Қайдам», дегандек елка қисиб қўйди-да, отларга қамчи босди. Йўқ, барибир улгуришолмади. Улар ўзи кичик, аммо қирғоқлари беҳад тик дарёга етиб келишганда бетартиб юраётган оломон кўприкни энлаб ўтаётган эди. Бягиллаб йиғлаётган болаларини бағрига босган аёллар, қўлига илинган кийим-кечакларини тугиб орқалаб олган, аравача судраган чол-кампирлар, атрофга қўрқув, хавотир билан тикилганча югуриб бораётган болалар кўприкдан ўтишлари ҳамон ўрмон томонга чопишарди. Адоғи кўринмаётган оломон ичида отлиқлар ҳам, велосипед минганлар ҳам бор эди. Бор мол-мулкнинг аравага бетартиб тахлаб, отга тинмай қамчи босаётганлар яқинлашиб келаётган хавфдан тезроқ қутулишга, қандайин бўлмасин жон сақлашга шошилишади. Қамчилар азобидан титраган отлар эса оломонни бошиб ўтолмай бошларини кўтариб, буриларини керганча пишқириб, кишнашади. Одамлар орасида худди ўргимчакка ўхшаб ўрмалаб келаётган автомашина кўприкнинг қоқ белида йўлни шартта тўсиб тўхтади. Бақриқ, йиғи овози, сўкишлар авжига чиқди. Вақтнинг зое кетаётганидан бетоқат бўлаётган Федотов машина кабинасида ивирсиётган ҳайдовчини кўриб гижинди.

— Латта, пандавақи!— деди ёнига тупуриб.

Бундай бетартиблик Рамазонга ҳам, унинг шерикларига ҳам яхши таниш. Смоленскка чекиниш пайтида улар бир неча чақиримгача чўзилган қочоқлар тўдасини қувиб ўтишди. Бақриқ-чақриқ, лаънатлар ёмғири, ваҳм гаплар, хунук сўкинишлар... Болалар, қариялар, аёллар... Қочоқларнинг аксари ўзини эмас,

балки ҳимоясиз жигарбандларини омон сақлаб қолиш учун қадрдон гўшаларини, мол-мулкларини ташлаб чиқишган эди. Улар ҳали қандай уқубатлар билан юзма-юз келишларини билмас эдилар. Улар фақат бир илинж — ҳаёт илинжи билан борардилар. Ҳозир уларнинг қанчаси тирик экан? Мана бу кўприқдан шошиб ўтаётганларнинг қанчаси бугун, қанчаси эртага, индинга ҳаётдан кўз юмар экан? Улимнинг бу қадар беаёв эканини ўйлаганинг сайин юрагинг зил кетади...

Рамазон ҳар сафар ортга чекиниб мудофаа марраларини шайлар экан, ниҳоят, фрицни тўхтатадиган бўлди, деб енгил тортарди. Аммо нияти ҳар сафар дарз жетарди. Дўзах азобидан баттар оғир жангдан сўнг ҳолдан тойиб, кўзлари киртайган аскарлар сафида чекинарди. Яна айрилиқни бўйинларига олиб, мумкин бўлган барча нарсадан ажраган қочоқлар тўдасини қувиб ўтиб янги мудофаа маррасини эгаллашарди.

Рамазон машина атрофидан айланиб ўтаётган, талваса ичида юкларини ҳам ташлаб югураётганларга маъюс тикилиб турарди.

— Танклар ёриб ўтганга ўхшайди,— деди Суминов синиқ овозда. Унга ҳеч ким жавоб бермади. Улар икки ўт орасида қолдилар. На қочоқларга ёрдам беришга, на ўзлари кўприқдан ўтиб йўлларида давом этишга қодир эдилар.

— Капитан, нима қиламиз?— деди Федотов бўғиқ овозда. Унинг бундай эркин муомаласи Рамазоннинг эътиборини дарҳол ўзига тортди. «Уни қара-я! «Ўртоқ капитан» эмас, шунчаки «капитан». Худди тенгига мурожаат қилгандай гапирди-я?! Чакана эмас бу аравакаш!» Рамазон энди таъзирини берар, деган умидда Соколовга қаради. Аммо капитан бу сафар ҳам уни ҳайратда қолдириб аравакашнинг муомаласига эътибор бермади. Оломонга қараб туриб бўйинини қашиган бўлди-да, ноилож эканини ошкор қилиб: «Падар лангнати, ипсиз боғландик», деб қўйди.

Федотов йўлга чиққан маҳалларида бир оз бўшашганроқ, лоқайдроқ эди. Кўзлари уйқусираганнамо қисилиб турарди. Урмонни кесиб чиқишдию ўзгарди-қолди. Худди чўчиб уйғонган одамга ўхшаб атрофга олазарак қарайди, кўзларида ўт пайдо бўлди. Ҳаракатлари ҳам кескинлашди. Буларнинг ҳаммаси синчков Рамазоннинг назаридан четда қолмади. «Ўлмасак,

кимлигингни билиб оламан, ҳар ҳолда сен анойи аравакашлардан эмассан, Федотов», деб қўйди ўзича Рамазон.

Федотов оломонга яна бир оз тикилиб тургач, жилони Суминовга узатиб: «Мен бир қараб келай-чи», деб кўприк томон юрди.

Рамазон: «Мен ҳам борайми?» деган маънода капитанга қаради. Соколов «маъқул» ишорасини қилгач, аравакашга эргашди.

Бир ярим тоннали юк машинасининг олд гилдираги чириган тахталарни синдириб то темир айланасига қадар ботиб қолган эди. Ярим аскарча кийиниб олган, ранги оқаринқираган кекса ҳайдовчи машина атрофида зир югуриб ёрдам сўрар, аммо бақирик-чақирик, ўқинишлар орасида унинг овози эшитилмас эди. Ҳамманинг хаёли бир нарса билан — паноҳ берувчи ўрмонга тезроқ етиб олиш илинжи билан банд эди.

— Нима ортгансан? — деди Федотов одамлар орасини ёриб ўтиб ҳайдовчига яқинлашгач. Ҳайдовчи унга бошдан-оёқ қараб қайди-да:

— Сендақа бошлиқ етишмай турувди. Нима ортирганим билан неча пуллик ишинг бор. Қўлингдан келса ёрдам бер, бўлмаса туёғингни шиқиллат, — деди.

Федотов унинг гапларига эътибор бермади. Чаққонлик билан кузовга чиқди-да, қутилардан бирини қўндоқ билан уриб синдирди.

— Э, макижон, бундай юкнинг баҳридан кечсангиз фақат савобга қоласиз-ку.

— Нима қиялсан, итвачча! Ўғри! — Ҳайдовчи шундай деб бақирганча титроқ бармоқлари билан наганининг уриниб қолган қинини пайпаслади. Аммо курагига автомат тиралганини сезиб, жимиб қолди. Сўнг жаҳл билан қўл силтади-да, капотга ўтириб олди.

— Ҳозир латта-путтани ўйлайдиган вақт эмас, йўлни бўшатиш керак, — деди Рамазон.

— Бу ўзбошимчаликларинг учун ҳали жавоб берасанлар! — деди ҳайдовчи қайсарлик билан. Аммо орадан бир-икки дақиқа ўтмай кузовга чиқиб ўзи ҳам қутиларни дарёга улоқтира бошлади.

— Қутиларда нима бор экан ўзи? — деб сўради Рамазон.

Федотов энсаси қотгандек, пешонасини тириштирди.



— Бир чақага қиммат нарсалар. Қамоқхонанинг буюмлари...

Кузовни тўлдириб турган қутилар сувга ташлангач, машина бир силтанди-да, ёриқдан чиқиб олиб қирғоққа ўтди. Ҳайдовчи машинани тўхтатиб кабинадан тушди.

— Эй, ўртоқ... Нима деб чақиришни ҳам билмайман сени... Энди нима қил, дейсан. Юксиз Ельнага боришдан маъни ҳам қолмади-ку?

Федотов узоқ ўйлаб турмади.

— Шунини ҳам сўраб ўтирибсанми, — деди у оломонини имлаб кўрсатиб, — кузовингга сиққанча одам олу қайдасан Ельна деб йўлга тушавер.

— Гапириш осон, жавобгарлиги-чи? Бу қутилар менинг гардананда-я!

— Тупур ўша қутиларингга, — деди Рамазон унинг елкасига уриб. Ҳайдовчи қўққисдан тушган зарбдан чайқалиб кетди. — Юр, капитанимиз сенга тилхат ёзиб беради.

Федотов машина ёнидан ўтаётган болани даст кўтарди-да, кузовга чиқариб қўйди. Болали аёллар машинага ошиқишди. Рамазон эса Ҳайдовчини Соколов томонга бошлаб кетди.

Капитан воқеадан огоҳ бўлгач, ўйлаб ўтирмай дафтарчадан бир варақ йиртиб олди-да, тез-тез ниманидир ёзиб унга узатди. Ҳайдовчи миннатдорчилик билан ортига қайрилган маҳалда Соколов уни тўхтатди.

— Ивановка ўзимиздами?

— Ҳозирча ўзимизда, — деди Ҳайдовчи. — Ўзим Рославлдан зўрға чиқиб олдим. Хотиним билан онам ўша ерда қолишди. Ишларимиз ёмон, ўртоқ капитан. Қуршовнинг ҳиди келяпти.

Капитан мушти билан оғзини тўсиб йўталди.

— Яхшиси... изингларга қайтганларинг маъқул, — эҳтиётлик билан маслаҳат берди Ҳайдовчи.

Капитан уни худди унутиб қўйгандек, гапларига эътибор ҳам бермади. Кўзларини қисганча оломонга тикилиб турди-да, аравакашни чақирди:

— Федотов, кетдик!

Пиёда қолганларнинг бақириқ-чақириқлари остида машина ўрнидан қўзғалди. Бу орада Федотов ҳам жойини эгаллаб, аравани кўприк томонга Ҳайдади.

Кўприк югураётган оломон зарбидан титрарди. Рамазон билан Суминов аравадан тушиб отларнинг жиловидан тутганларича муқобил оқимни икки ёнга ажратиб бордилар. Бировнинг биров билан иши йўқ, сўкинишларга ҳам эътибор бермай олдинга интилади. Рамазонни одамлар оқими суриб, сувга йиқитиб юборай деди. Чаққонлик қилмаганда ё дарёда чўмилиб чиқарди, ё арава тагида қолиб кетарди. Титраётган кўприк синиб тушай дейди. Отлар пишқириб кўкка сапчимоқчи бўлади. Федотов қамчини ўйнатиб, шақиллатади. Соколов нимадир деб бақиради...

Бирдан самолётнинг қулоқни қоматга келтирувчи овози эшитилди. Қанотларига сариқ бут тамғаси туширилган «Мессершмитт» нашлаб учиб ўтди-да, сал нарига бориб изига бурилди. Оломон бир зум даҳшатдан қотиб қолди.

— Аблаҳ!

Рамазоннинг жон-жаҳди билан бақирғи бу жимликни бузиб юборди. У худди ҳушини йўқотгандек яна «аблаҳ, аблаҳ!» деб бақирганча рўпарасидан калхатдек ёпирилиб келаётган самолётга қараб ўқ узди.

Қий-чув авжига чиқди. Қоқилиб йиқилган, кўзлари бежо жавдираган аёлнинг: «Воё, онажоним! Саня, Катенка, қаердасизлар», деган ноласи барча қичқириқларни босиб кетар, бироқ нариги қирғоққа интилаётган одамлар бу фиғонга кўп ҳам эътибор бермасдилар. Федотов отларга қанча қамчи босмасин, улар деярли жойларидан қўзғалмай турардилар.

Ниҳоят, отлар одамлар оқимини бир амаллаб ёриб ўтди. Шу оннинг ўзида чумоли каби сочилган одамлар устига бомбалар ёғилди. Пулемётдан узилган ўқлар йўлни тилкалаб ўтди. Рамазон жон аччиғида жиловга ёпишди:

— Отларни тўхтат! Эшитяпсанми? Мён газандани пулемёт билан... Тўхтат, деяпман!

— Олға! — Соколов шундай деб бақириб Рамазонни нари сурди. — Ҳайда!

«Одамларни не кўйга соляпти, не азобларга гирифтор қиляпти!» Рамазон ўзи билмаган равишда пичирлаб, бошини қўллари орасига олди-да, пичан устига юзтубан йиқилди.

Қонталаш оғзидан кўпик сачратиб пишқираётган отлар йўлни чангитганча, худди қутургандек югури-

шарди. Дам ўтмай қишлоқ пойидаги уйлар ҳам кўзга ташланди.

Ожиз газаб алангасида қоврилаётган Рамазон аввалига тепаларида «Мессершмитт» учиб ўтганини сезмади. Кейин... назарида замин худди иккига ажралгандек бўлди. Отларнинг бири юракни эзадиган даражада зорланиб қишнаганча орқа оёқларида тик турди-да, кейин бўшаган қопдек шилқ этиб тушди. Даҳшатга тушган иккинчи от эса ўзини ёнга олди. Арава зовурга тушиб тўнтарилди.

Рамазон бир неча бор ўмбалоқ ошиб кетди. Ҳеч қарерида оғриқ сезмади. Аммо кимнингдир инграганини эшитиб бошини кўтарди. Федотов билан Суминов оқсоқланганча у томон келар, беш қадамча нарида — йўлнинг қоқ ўртасида эса капитан узала тушганча ҳаракатсиз ётарди. Рамазон беихтиёр ирғиб туриб ранги мурдадек оқариб кетган, кўзлари азобдан бенур бўлиб қолган Соколовга яқинлашди. Капитаннинг атрофидаги тупроқ қонни шимган эди. Рамазон унинг камарини бўшатиб қонга беланган гимнастёркасини кўтарди. Осколка ўйиб юборган қорнини кўриб инграб юборай деди. Бир нафас тахтадек қотди. Кейин ўзига келиб чўнтагидан шошиб қоғозга ўралган бинт олди. Ярага яна бир қараб, бинт билан иш битмаслигини, сочиқ ёки чойшаб лозимлигини англади. У ожизликдан яна йиғлаб юборай деди. Бу орада капитан ўзига келди. Кўкарган лаблари пичирлади:

— Ирғалин... Овора бўлма... Пакетни ол... Эҳтиёт бўл... Федотовга...

Рамазоннинг қўллари ўзига бўйсунмади. У титроқ қўлини Соколовнинг чўнтагига тикди. Бармоқлари илиқ қонга тегиши билан сесканиб кетди. Кўнгли алланечук бўлиб, боши айланди. Нафас ютиб гранатани олди. Шу онда у ғайритабиий равишда ҳаракат қилаётгани англади. «Падарига лаънат, шу пакетни ҳам, гранатани ҳам... Капитанга ёрдам бериш керак. Суминов қани? Ҳозиргина шу томонга югуриб келаётган эди ку?!» Рамазон бошини кўтариб ҳамроҳлари келаётган томонга қаради. Федотовнинг сонини бинт билан боғлаётган Суминовга кўзи тушди, юраги эзилди.

Дақиқа дақиқани қувиб ўтгани каби нохушликлар бирин-кетин рўпара бўла бошлаган эди. Тонгги осудалик, диққинафаслик алдамчи экан: мана, бир нафасда

даммаёқ остин-устин бўлиб кетди. Юз ўйла, минг ўйла, ақлинг бовар қилмайди. Федотов ҳам яхшигина яраланган кўринади. Инграб юбормаслик учун пастки лабини тишлаб кўкартириб юборди. Унг қўли билан этигини ечгану шу кўйи маҳкам чангаллаганча ўтирибди. Рамазонга қараб-қараб қўяди. Бир нарса сўрашга интилади-ю, гапиролмайди. Ана, ниҳоят тилга кирди.

— Капитан... қандай? — деди у тишини тишига маҳкам босган ҳолда.

Рамазон қўл силтаб қўйди.

— Ўзинг-чи? — деб сўради унинг аҳволини сезиб турган бўлса ҳам.

— Осколка тирнаб ўтибди. Югуришга ярайди.

— Ҳа... сомонхонагача югуришинг мумкин. Уч киши беш оёқлаб қаерга бораркинмиз... — Суминов шундай деб норози қиёфада ўрнидан турди.

Рамазон дастлабки довдираш исканжасидан қутулиб, ўзига келди. Дам-бадам ўзини ҳар томонга уриб қочишга уринаётган отни тинчлантирди-да, аравани ўнглаб қўйди. Ҳозир энг муҳими, капитанни санбатга етказиб бориш керак. Федотов ҳам жиддий ёрдамга муҳтож. Қолгани бир гап бўлар...

— Суминов, тезроқ! — деди Рамазон капитан томонга юрар экан. Аммо Соколов унинг ёрдамига муҳтож бўлмай қолган эди. Боши бир томонга қийшайиб тушган капитаннинг юраги тепмасди.

Тонготарда бошланган сафарнинг бу зайлда якуланиши барчалари учун ҳам қутилмаган эди. Соколовнинг сўнгги манзили шу ер эканини ким ўйлабди, дейсиз. Аравадаги тўртовлон ҳали ёнма-ён туриб жанг қилмаган эди. Бир-бирини деярли билмасди. Лекин ҳаётнинг бир улуши, таъбир жоиз бўлса, бир зарраси — уч соатлик йўл уларнинг тақдирини кўринмас ип билан ўзаро боғлаб қўйганди. Минг афсуски, бу ип ҳали ниҳоятда сжиз эди... Рамазон энди Соколовнинг хатти-ҳаракатини жиззакилик нуқтаи назаридан эмас, теран ақл кўзгусидан ўтказиб кўрди. «Соколов биринчи марта урушни кўраётгани йўқ, яқинда махсус топшириқли отрядни қуршовдан олиб чиқди», деган узун-қулоқ гаплар рост экан-да! Ҳар ҳолда рота командири бекордан-бекорга полк разведкаси командири қилиб тайинламайдилар. Командирнинг шахсан ўзи са-

фарга чиқибдими, демак, бу пакетда гап кўп. Рамазон бунни яхши тушунарди.

Федотов кўпни кўрган, пишиқ-пухтагина экан — аравасидан болта ҳам, бел ҳам топилди. Бир ярим қулоч чуқурликда гўр қазиб, бий дала ўртасидаги якка қабр устида сукут сақлаб капитаннинг хотирасини бажо келтиришди-да, қишлоқни айланиб ўтиб, Рославл томонга йўл олишди.

Тўхтовсиз отишмалар, уфқ бағрининг тез-тез ёрилиб туриши, ғаним самолётларининг пастлаб учуши жанггоҳга жуда яқин қолганидан далолат берар эди. Аммо нима учундир қизил аскарлардан дарак йўқ эди. Балки... чиндан ҳам юк машинасининг ҳайдовчиси айтгандек, қуршовда қолишгандир? У ҳолда немиснинг чангалига тушгунга қадар кетаверишадими?

— Ирғалин,— деди Федотов Рамазоннинг қовоқ уйиб олганини сезиб, — бу юришимиздан иш чиқмайди. Йўлни четлаб, панароқ жойга ўтиш керак. От ҳам нафасини ростласин. Бир киши разведкага бориши керак, тўғрими? Ҳозир худди кўр одамга ўхшаб тикка юриб кетяпмиз. Нима дейсан?

Рамазон бу гапга сўзсиз қўшилди. Аравакаш аравани ўрмон ичкарисига ҳайдади. Суминов разведкага кетди. Бу орада улар консервани очиб, қаттиқ нон билан тамадди қилиб олишди.

Кун тушдан оғиб, оқшомнинг салқин шабадаси эса бошлади. Мағрибда тўпланаётган қора булутлар, ўрмондаги қушларнинг безовта чириллаши ёмғирдан дарак берди. Рамазон ҳам, Федотов ҳам табиатдаги бу ўзгаришга бефарқ қарашар, шу топда овқат нима экан, юракларига қил ҳам сиғмасди — нон эмас, хашак чайнаётгандек базўр ютинардилар. Қоринлари оч бўлса ҳам, иштаҳалари йўқ эди. Шунинг учун олинган нарсалар яна халтага жойланди. Иккови ҳам шу тобда капитаннинг илиқ хотираси билан нафас оларди. Назарларида, капитан ҳозир қовоқларини уюб келиб қоладигандек, аравага чиқиб ўтириб «кетдик», деб буйруқ берадигандек эди. Қушларнинг сайраши қулоқларига кирмасди, ёқимли пичан ҳидини димоқлари сезмасди. Федотов баъзан тишларини ғижирлатиб қўяди. Рамазон унинг яраланганини, азоб чекаётганини билса ҳам индамайди. Агар тасалли берса аравакашга оғир ботишини билади. Қолаверса, у менсимаган

арвакаш, энди шу кичик гуруҳнинг каттаси. Рамазон гранатага ўраб боғланган пакетни унга узатди. Федотов қонга беланган пакетни индамай олди-да, айлан-тириб кўрди.

— Сен Соколовнинг буйруғига тушунолмай гаранг бўляпсан, тўғрими?— деди у бир оз ўйланиб тургач.

Рамазон елка қисиб қўйди. Жавоб беришга шошилмади. Чунки бу онда унинг хаёлини моторларнинг гувиллашию танк занжирларининг ғижирлаши эгаллаб олган эди. Шундай бўлса ҳам, нигоҳини овоз келаётган томондан олиб арвакашга қаради.

— Умуман, шундай десак ҳам бўлади...— Рамазон гапини тугатмай йўлда ҳансираб, оёқлари чалишиб югураётган Суминов кўринди. У кела солиб ўзини бир уюм хашак устига чалқанчасига ташлади-да, сувдан маҳрум этилган балиқ сингари оғзини очиб нафас ола бошлади. Рамазон ундан яхши хабар кутмаган эди. Шундай бўлса ҳам юраги ошиқди:

— Хўш?!

— Ишлар ёмон,— деди ранги оқаринқираган Суминов хавотир билан.— Немислар...

— Немисларни биринчи марта кўраётганимиз йўқ. Йигирма иккинчи июндан бери улар шу ерда,— деди Федотов унинг гапини бўлиб.— Ваҳимага тушмай, ўпкангни босиб ол.

— Сен менга ақл ўргатма!— деди Суминов ўрнидан ирғиб туриб. Кейин телба одамдек ён-атрофга аланглади-да, овозини баралла қўйиб бақира кетди:— Гапим ёқмаётган бўлса, қулоғингга қўрошин қуйиб ол. Ўрмон салкам икки чақиримдан кейин кичкина қишлоққа тақалиб тугайди. Ўша ерда ўттизтача танк турибди. Қишлоққа йиғилаётган танкларни санаб улгуролмайсан. Иш чаппасидан кетди. Хўш, қани, менга айтинглари-чи: бу ерга нима учун келдик бизникилар қаерда? Минг лаънат шу пакетингга. Биқинимиздан дарча очишмасдан, иззат борида этакни йиғиштириш керак.

— Гапинг тамомми?— деди Рамазон совуқ оҳангда.

Суминов унга жавоб бермай от томонга шошилди. Федотов индамади. Рамазон унга савол назари билан қараб Суминовни имлаб кўрсатди-да, автоматини отишга шайлаб, ўрмон ичкарисига шўнғиди. У бировнинг

ваҳима аралаш гапларига эмас, ўз кўзига ишонишни истарди. «Ажаб ишлар бўляпти,— деб ўйлади у ўзича буталар орасини ёриб ўта туриб.— Аввалига Федотовдан хавфсираган эдим. Йўқ... хавфсираш эмасу сал ишонқирамагандим. Энди Федотов сеҳргарга ўхшаб бир имладию ишончли одамга, Суминов эса юраксиз бир олчоққа айланди. Танклардан қўрқибди... Немисни биринчи марта кўраётган бўлса ҳам гўрга эди. Умуман... Суминовни қўрқоқ дейиш ҳам тўғри эмас, бу темир ялмоғизни кўрганда ҳар қандай ботирнинг ҳам тиззаси қалтирайди...»

Рамазон ҳар бир бута ортини синчиклаб кузатиб аста юрарди. Бирдан ўрмон адоғига чиқиб қолди. Ўзини таппа ерга ташлади. Кети кўринмаётган танклар сафини кўрди-ю, эти жимирлаб кетди. Қулоғига нотаниш тилдаги сўзлашувлар, кескин берилган буйруқлар эшитилди. У автоматни маҳкам қисди. Ҳатто бармоқлари ҳам қисирлаб кетди. Кўзларида ёш пайдо бўлди. Йўқ, у танклар тўдасидан қўрққани учун эмас, балки эндигина етилган буғдойзорни алақча ичида кўриб ўзини тутолмай қолди.

Кейинги бир соат ичи қалбида тўпланган ғазаб, алам, ўз ожизлигидан азоб чекиш ҳислари жунбушга келиб, инграб юборди. Киприклар қаршмиғини енгиб чиққан ёш ёноғини куйдириб ўтди. Бу қандай кўргилик экан: буғдой ёняпти, ризқ-рўз ёняпти-я! Одамзод ўз қўли билан етиштирган энг буюк неъматнинг кулини кўкка совурапти. Деҳқон зоти учун бундан улугроқ азоб бормикан? Урушнинг одамлар бошига ёғдирувчи энг қаҳрсиз офати шу эмасми?!

Шу пайт Рамазоннинг аянчли фикрларини тасдиқ этгандек, бир тўда одамлар кўринди. Бечораҳол деҳқонларни беш-олти немис бақириб-чақириб, қўндоқ билан туртиб Рамазон томонга ҳайдаб келарди. Кутилмаганда тўда тўхтади. Немислар уч-тўрт қадам орқага чекинишди. Кимдир итга ўхшаб вовиллаб буйруқ берди. Автоматлардан ўқ ёғдирилди. Одамлар болта урилган ниҳол каби йиқилишди. Рамазон тишларини гижирлатиб, жон азобида бошини ерга урди.

Орадан кўп ўтмай, танклар тўдаси ҳаракатга келди. Майдонни тутун қоплади. Гуриллашдан қулоқ қар бўлаёзди. Энг олдиндаги танк олачипор «хартум»ини баланд кўтарди-да, яқиндагина Соколов гуруҳи юрган

йўлга чиқди. Қолган танклар унинг изидан саф тортишди. Қишлоқда машъала кўтарган немислар ивирсиб юришар, катта-кичик уйлар бирин-кетин аланга оғушига бурканарди.

Рамазон ғазабини жиловлаб, бармоғини тепкидан олди. Бир амаллаб ўрнидан турди-да, ҳориб-толган одам сингари оёғини базўр босиб, гандираклаганча ўртоқлари тсмон кетди.

\* \* \*

Одамларга рўпара бўлиб, ваҳимага тушган Оқсоқ Бўри бир оздан сўнг нафасини ростлаб ўзига келди-да, болаларини йўқотган ерни — ўлжа илинжида пусиб ётган ғарамни излаб топди. У ўрмондан чиқиши билан димоғига аччиқ тутун ва янги қон ҳиди урилди. Чоратрофда пичан ғарамлари тутар, майдонда қонга беланган саноқсиз қўйлар сочилиб ётар эди. Бугин эмас, майсазор бири нурсиз кўзларини самога тиккан, бири эса ерга юзтубан бўлган одам мурдалари билан тўлганди.

Она Бўри тайёр ўлжаларига ҳам қарамай, тутаётган ғарамлар орасини дарбадар кезиб, болаларини излай бошлади. У очликни ҳам, тан азобларини ҳам унутган эди. Бўри бурни билан ер искаб юриб, ҳали куйиб улгурмаган бир парча этга дуч келди. У боласини ҳидидан билиб ингради. Чайқалди. Кейин орқа оёқларига ўтирди. Аста тутаётган териға мўлтиллаб қараб, юракни эзадиган даражада ушлаб юборди.

Майсазорнинг нариги четида йиғи-сиғи қилаётган аёллар кўринди. Она Бўри уларга бефарқ қараганчи жойидан жилмади. Бўри шу ўтиришда дунёдаги барчи нарсани унутган эди. Ҳатто узилган оёғидаги, куйган биқинидаги оғриқни ҳам сезмас эди.

Агар Бўри инсон тилини билганда эди, гўдагини бағриға босиб дод солаётган сочлари паришон аёлнинг дардини тушунарди. У ҳам ўша онаизор каби: «Офтобим, овунчоғим, қўнғироқдек овозларингни қайдан излайман энди, бебахт онангнинг гуноҳи нима эди. Худо сени қайси гуноҳларинг учун жазолади, болажоним. Энди сенсиз қандай яшайман!» деб айтиб йиғларди. Ким билади дейсиз, Бўрининг алам билан ушлаши худди шу нолаю фигонни англатар? Майсазорнинг икки



четида икки жабрдийда. Иккови ҳам жигарбандининг қайси гуноҳи учун жазоланганини билмайди. Аёл боласининг мурдасини бағрига босганча нола қилади. Она Бўри эса тутаятган бир парча терига ғамнок тикилади... Аёллардан бири дод солаётган хотинга яқинлашди-да, мурғак мурдани олиб, рўмолга ўради. Бағри бўшаган она ўзини ерга отди. Икки аёл уни қўлтиғидан олиб қишлоқ томонга юрди. Боласи дардида куяётган онанинг оёқлари боғланган, қон ҳали тўхтамаган, ҳатто латгадан ҳам сизиб чиқаятган эди. Қадди дол она ўксиб-ўксиб йиғлар, аёллар эса унга нималардир деб тасалли беришарди. Агар Бўрининг кўзларига ғам парда тортмаганда буларни аниқ кўрган бўларди. Аммо Бўрининг дарди ўзига етгулик эди. Шу топда аёллар унинг олдига келган тақдирларида ҳам, балки жойидан жилмасди. У яқингинада атрофида шўх ирғишлаб юрган боласидан қолган ёдгорликни — бир парча этни тишлаб чуқурчага олиб келди-да, тоза тупроқ тортди. Эт кўмилгач, устини турли ахлат билан ёндида, дам-бадам қабрга қараб-қараб қўйганча ўрмонга кириб кетди.

Энди Бўри яккаю ягона бир мақсад — изсиз йўқолган иккинчи боласини топиш истаги билан нафас оларди. У энди ўрмонда дарбадар кеза бошлади.

Оқсоқ Бўри йўл-йўлакай фақат ўзигагина маълум бўлган меваларни, кўкатларнинг уруғларини еб борарди. Кўп ўтмай, унинг яраси битди. Аммо у бир умрга оқсоқ бўлиб қолган эди. Энди унинг ёшлиги ҳам, куч-қудрати ҳам, чаққон югуришию ҳамла қилишлари ҳам, ўлжа илнжида писиб ётиб ҳаёт лаззатларини ҳис этиш ҳам ортда қолди.

Емишга муҳтожлик барҳам топди. Ҳар қадамда ҳали ириб улгурмаган, баъзан эса яраланиб ўлар ҳолда ётган қўй ёки от танасига дуч келади. Кўп ҳолларда ўлжага қараб бефарқ ўтиб кетади. Чунки уни емиш масаласи эмас, ёлғизлик азсби исканжага олган. Оқсоқ Бўри дарбадар кезишлардан сўнг уясига қайтгач, барча бурчакларни искар, кейин уяга сиғмай ташқарига чиқар эди. Ҳаёт унинг учун лаззатсиз, маънисиз бўлиб қолганди. Бўри баъзан қалин чакалакзорга кириб, тумшуғини ерга бериб рўпарасига тикилганча соатлаб ҳаракатсиз ётарди...

Федотов раҳбарлигидаги кичик гуруҳ, жанггоҳдаги вазиятдан беҳабар эди. Улар фақат душман танкларининг мудсфаяни ёриб ўтганини, пиёдалар эса қизил аскарларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келганини аниқ билишарди. Демак, улар Рославлга тезроқ етиб боришлари зарур. Пакетда дивизияни оғир аҳволдан халос этувчи йўл-йўриқ кўрсатилган бўлса ажаб эмас...

Энди катта йўлдан юриш хавфли эди. Шунинг учун улар Федотовни отга ўтқазиб, қоронғи тушгунга қадар чакалак оралаб юришга қарор қилдилар.

Суминов отни жиловидан олди. У асаблари панд бергани учунми ё продасининг бўшлигидан хижолат чекибми, бошини эгганча жим борарди. Баъзан бўйин томирлари бўртиб, юзлари ички бир дард азобида буришарди. Федотов эса тез-тез харитага қарар, баъзан Соколовнинг маузерини олиб хаёлга ботар эди. Уни бу онда нима ташвишга солаётганини ҳориган мовий кўзлари ошкор этмас эди.

Агар харита алдамаса, дам кенгайиб, дам тораювчи ўрмон Рославлга бориб тақаларди. Албатта, йиқилган дарахтлар, чакалакзор, бутазорлар оралаб юриш мушкул эди. Бироқ бу вазиятда текис йўлдан юришни хаёл қилиб ҳам бўлмасди. Рославл яқинида дарахтлар сийраклашади. Бу масофани фақат қоронғида босиб ўтиш керак. Яна беш-олти чақиримдан сўнг Федоровка қишлоғига келишади. Юриш қанчалик оғир бўлмасин, олга босиш зарур.

Рамазон отдан уч-тўрт қадам орқада эди. У ҳалига қадар хаёлларини тизгинлай олмаган, баъзан қоқилиб, баъзан эса беҳосдан чуқурликка тушиб, мункиб кетганда отда ноқулай ўтирган Федотовга ғалати қараб қўярди. «Ҳарбий хизматга кимнингдир янглишуви билан чақириб қолинган» аравакашнинг гуруҳга раҳбарлик қилиши унга ҳеч ботмаётган эди. Пакет унинг қўлида. Буйруқ бериш ҳуқуқи ҳам унда. Яраланганини айтинг. Худди атайин, катта командирлар каби отга миниб кетиш учун оёғини осколкага тутиб бергандай-а! Энди бу ёғига нима бўлади. Кемага тушганнинг жони бир, дейишади. Наиллож, аравакашга бўйсунмиш керак экан, бўйсунмиш. Пакетнинг унга топширилгани қизиқ. Ҳар

ҳолда бу ерда бир сир бор. Командирлар аҳмоқ эмас, кимга ишонишни билишади...

Федотовнинг оёғи борган сайин шишарди. У азоб чекаётганини ҳамроҳларидан яширишга ҳаракат қилар, аммо дард азоби оқаринқираган юзида ошкор бўлиб қоларди. Рамазон унга қараб туриб ачинди. «Бир иложини қилмасам, бу ҳам нобуд бўлади», деб ўйлади.

Чакалак тугагач, расво ботқоқликка дуч келишди. Тиззаларига қадар балчиққа беланиб минг азоб билан қайинзорга чиқиб олишди. Офтоб нурида яшнаб турган ялангликка боришгач, Рамазон раҳбар эмаслигини унутиб «Тўхта!» деб буйруқ берди. Федотов бу буйруққа монелик қилмади. Рамазон уни қўлтигидан олиб отдан туширди. «Қўнмасак бўлмайди», деди Рамазон қарсрини изоҳлаб. Федотов «маъқул» ипорасини қилиб бош ирғиди. Бақириб юбормаслик учун лабини тишлади. Унинг бутун бадани қақшар, юзлари ловиллаб ёнарди. Рамазон ўз фароғатини эмас, балки Федотовни ўйлаб тўхташга буйруқ берган эди. Суминовга: «Қараб тур», деди-да, ўзи ялангликнинг нариги томонига қараб йўл олди. Лейтенант Мироновнинг тез-тез қайтарадиган «Биз ўз еримиздамиз!» деган сўзларини эслади. Озгина юрса Федоровка қишлоғига чиқади. Бутун бир қишлоқда ҳеч бўлмаса фельдшер топилар. Биройта раҳмдил одам ярадорни бағрига олса, пакетни Рамазоннинг ўзи элтиб, қайтишда шеригини олиб кетар эди. Одам ўз еримдаман, деб ўзини қатъий ишонтирса, ҳеч нимадан қўрқмайди, тушкунликка тушмайди. Умид билан ҳар қандай мушкул ишга қўл уради. Лейтенант кўп такрорлайдиган бу уч оғиз сўзда ҳикмат кўп! Рамазон ҳозир ҳам бу сўзларни муқаддас калима сингари такрорлаб қишлоқ томонга борарди.

У ўрмон пойига етиб қишлоқ томонга назар ташладию дарҳол юзини панага олди. Юз қадамча наридаги сарой олдида папаси ёпиқ юк машиналари турар, кулранг кийимли аскарлар эса катта-катта қутилари туширишарди. Нима қилишяпти, аслаҳа омборими? Бу яна қанақаси бўлди? Рамазон кўзларига ишонмади, оёғига енгил титроқ турди. У чуқурроқ нафас олиб атрофга аланглади. Ўрмон сокин. Яқин орадан отишма овози ҳам келмаяпти. Демак, масала ойдин — дивизиянинг тақдири ҳал бўлган...

Рамазон очикликка чиқишга ботинмай бир соатча дарбадар юрди. Федоровкани топишдан нсумид бўлиб, тарвузи қўлтигидан тушай деган маҳалда мунғайиб турган қишлоққа кўзи тушди. Федоровка деганлари шу бўлса керак. Кўчада одам кўринмайди. Итларнинг ҳуриши, ғозларнинг ғағиллаши эшитилияптими, демак, қишлоқда тирик жон бор. Немислар одатда қишлоққа киришлари билан биринчи галда ғоз билан товуққа қирон келтиришади. Бу ерда эса... Ажаб, наҳотки душман бу қишлоқни четлаб ўтган бўлса... Қишлоқ ҳайрон қоларли даражада хотиржам эди. Ҳатто кимдир ё ўтин ёрарди, ё устачилик қиларди. Рамазон чамаси чорак соат қишлоқдан кўз узмади. Хавотирли ҳеч нима сезилмагач, панадан чиқди-да, картошказорни тўғри кесиб ўтиб, чеккадаги ҳовлига яқинлашди. Омади юришмаганини қаранки, кимсасиз уйнинг деразаю эшикларига тахта қоқиб ташланган эди. У яна ташқарига чиқишга мажбур бўлди. Рамазон ҳужумга отлангандек, қуролини шай тутганди.

— Эй жангчи, нимангни йўқотдинг?

Рамазон ўзини девор панасига олиб «шмайсер»ини овоз келган томонга қаратди.

— Немис юрагингни олиб қўйибди-ю. Бу ёққа қара!

Рамазон аланглади. Боланинг беғубор овози уй пойида ўсиб ётган қайрағоч тепасидан келар эди. Рамазон овоз берган болани кўриб улгурмади. Ун тўрт-ўн беш ёшлардаги боланинг ўзи дарахт шохига осилиб тўп этиб тушди. Рамазон шошиб ўзини ичкарига, бегона назардан панароққа олди. Болани бетиним сўроққа тутди.

— Қишлоқнинг ярми бор мулкани ташлаб қочиб кетди,— деди бола.

— Ярми дегин... Қолган ярми-чи... Ҳар ҳолда қишлоқ ғалати... Жимжит.

— Чунки ғирт аҳмоқлару қўрқоқлар қолган.

— Нимага ундай деяпсан?

— Ҳаммаси ертўлага беркиниб олган. Уша ерда жон сақлашмоқчи.

— Сен-чи... Ўзинг қўрқмайсанми?

— Нимадан қўрқаман. Ўз еримдаман-ку!

Майкаси устидан пиджак кийиб олган, ўсиқ сочлари қошларини беркитган, оёқлари узун, нимжон бу бо-

ла ўзи билмаган ҳолда лейтенант Мироновнинг гапларини такрорлаётган эди. Бундан Рамазон қувониб, меҳри товланиб кетди. Болани маҳкам қучоқлаб, елкасига қоқиб қўйди.

Ўзини йигит ёшига яқинлашиб қолаётганини кўрсатишга тиришаётган болага аскарнинг бу қилиғи ёқмади. Ўзини орқага олиб, худди катталардек томоқ қириб қўйди.

— Ҳозир немислар келиб қолади. Қайинқишлоққа бир нарсаларни ташишяпти...— деди у жиддий оҳангда. Кейин болалигига бориб автоматга қизиқиш билан қаради. Рамазон боланинг кайфиятини тушуниб, тенгқури билан суҳбатлашаётгандек гапга тутди:

— Отинг нима?

— Меними? Вася... Сен у ёқдан қандай қутулиб чиқдинг,— деди бола Рославл томонни кўрсатиб.

— «У ёқдан», дедингми? Э, огайничалиш, «у ёқдан» эмас, ўша ёққа боришим керак эди... Ишнинг пачаваси чиқиб қолди. Ўртоғим яраланди. Врач излаб юрибман.

— Ўҳ-ҳў... врачмиш. Врач отлиққа йўқ-ку... Қишлоғимизга врач зотининг оёғи ҳам тегмаган. Битта фельдшер бор эди. У ҳам кетиб қолган. Бошқасини юборишга улгуришмади.

— Энди нима қиламиз, аскар бечора нобуд бўлади-ку.

Вася унга синовчан, жиддий тикилиб қаради.

— Ҳозир бувамни чақираман. Бирон маслаҳатга келамиз.— Бола шундай деб кўздан ғойиб бўлди. Рамазон уни бир оз кутди. Кейин бетоқатланиб оғилхонадан чиқди-да, девор оша ташқарига қаради. Кўчаларда ҳали ҳам зоғ кўринмайди. Қишлоқ нафас ютган, эҳтиёткор, гўё хавотирдан титраётганга ўхшайди. Ётоғига бош қўяётган қуёшнинг илиқ, ёқимли нафаси гўё қишлоққа таъсир этмаётгандек. Кимдир орқада енгил йўталди. Рамазон ўгирилди. Унинг қаршисида кийимларига сомон илинган, паҳмоқ соқол, озғин, аммо кўринишидан бақувват бир чол турар эди. Қария саломлашмаёқ, қўшниси билан узилган суҳбатини давом эттираётгандек гап бошлади:

— Шу келишимда Рославлдан келяпман,— деди у таъна оҳангида.— Йигитларимиз қон ютиб, қон тупуриб ётишибди. Ёрдамдан эса дарак йўқ...

— Ёрдам беришади...— деди Рамазон гапига ўзи ҳам ишонмаган бир тарзда.

— Ёрдам беришади, дегин. Ҳайитдан кейинми? Оломонни кўриб, ўз қаричим билан ўлчаб кўрдим. Бунақа босқинни аскарларнинг ўзи даф этолмас, дейман. Назаримда, халойиқ бош кўтармаса бўлмас.

Рамазон ўзини айбдор сезиб кўзини олиб қочди. Шундагина нигоҳи қариянинг учи чўнтакка тиқиб қўйилган энгига тушди. Чол буни сизди.

— Ҳечқиси йўқ. Нефёдич анойилардан эмас. Будённий армиясида қилич ўйнатганлардан, ҳа. Немиснинг биқинидан дарча очишга битта қўл ҳам кифоя. Аммо, бўтам, бу ердан тезроқ кетганинг маъқул.

Вася бувасининг энгидан тортиб қўйди.

— Бува, бўладиган гапни гапир.

Чол унинг бўйнига шапати уриб қўйди.

— Кишт, тирранча. Ҳамма тешикка бурнингни тиқаверма.

Вася бобосининг бу қилиғидан хафа бўлиб нари кетди.

— Менга қара, югуриб тамаки олиб кел. Егулик бирон нарса ҳам қара. Ҳа, ана, гап деган бундай бўпти. Хўш, энди бўтам, бундай қиламиз: мен колхоз ветеринарига ёрдам бериб юардим. Бирон кори ҳолга яраб қоларман. Сен ўрмонга бориб дамингни ола тур. Тўхта, отинг нима, айтиб кет.

— Рамазон, отахон.

— Рамазон?.. Бу қайси тилда бўлди?

— Мен бошқирдман.

— Э-ҳа, бошқирдман дегин. Бошқирдларни яхши биламан. Будённийнинг армиясида сенга ўхшаган йигитлар бор эди. Аммо Рамазон дегани бўлмаган. Бўлса, сўраб ўтирмас эдим. Ҳа, энди боравер, дамингни ол.

Рамазон маъқул ишорасини қилиб, атрофга аланглаганча ўрмон сари югуриб кетди. Ўрмон этагидаги пичан гарамига бориб чалқанча тушиб ётиб олди. Уни яна ёлғизлик ҳисси қамраб олди. Чекинаётганларига қарамай, ротада энгилроқ эди. Дўстингнинг нафаси юзингга урилиб турса, оёқ босишинг ҳам энгил бўлади. Бошқаларни билмайди-ю, Рамазоннинг ёлғизлик, диққинафасликка дош бериши оғир эди. Аксига олиб тақдир бу борада ҳам уни мушкул синовга рўпара қилди.

Бу ерда маслаҳат берадиган одам йўқ. Ҳаммасини ўзинг қилишинг керак. Дўстларингнинг тақдири ҳам, вазифанинг адо этилиши ҳам зиммангда. Қишлоққа келиб, тасодифий одамларга сир айтиб ножўя иш қилмадими? Хаёлига яшиндай урилган бу фикрдан Рамазоннинг ўзи ҳам уялиб кетди.

Қуёш ботар эди. Осмондаги қирмизи булутлар чўғланарди. Енгил шабада ёнғинларнинг заиф исини бу ерларга ҳам олиб келарди. Элас-элас қулоққа чалинаётган отишма овозлари тобора узоқлашарди. Мосторларнинг гувиллаши эса, аксинча, яқинлашарди. Балки бизникилар ёрдамга шошилишаётгандир? Йўқ. Овозлар Рославл томондан келяпти. Танклари изидан душмanning мотопиёда қўшинлари йўлга чиққан кўринади. Агар шундай бўлса улар тез орада бу ерда бўлишади. Рамазон кўзларини юмиб ўзини худди қоронғи бўшлиққа тушиб қолгандек ҳис этди. Одамнинг овози ҳам келмайди, игнадек тешикдан тушувчи нур ҳам йўқ. Сукунат, жимлик, ёлғизлик, қоронғилик... Тошдан тошга урилиб тушаётган тоғнинг шиддатли суви каби у ҳам қисқа муддат ичида содир бўлаётган нохуш воқеалар оқимига измини бериб қўйган эди. Чоратрофни дўзах алангаси чулғаётган бўлсаю у юмшоқ пичан устида мушук боласи каби маза қилиб ётса! Йў-ўқ, бас, етар. Бу лаънати пакетни тезроқ эгасига топшириб, изига — қисмга қайтади. Биқиниб ётиш унинг иши эмас. У жанг қилиши керак!

У қадини тиклаб, қишлоқ томонга қаради. Қишлоқ кўчасида немис мотоциклчиларининг галасини кўриб, ўзини таппа ерга ташлади. Нефёдич эса ҳеч тап тортмай сал букчайганча картошказордан югуриб келаверди. Олдиндаги мотоцикл тўхтаб, немислардан бири ирғиб тушди-да, автоматидан ўқ ёғдирди. Рамазон ўзини тутолмади. Ирғиб ўрнидан турди-да: «Ётинг, ётинг, деяпман!» деганча қарияга пешвоз чиқди. Аммо Нефёдич унинг гапларини эшитмади. Ўқ билан қувлашмачоқ ўйнаётгандек, илонизи қилиб югуриб келаверди. Нишонни мўлжалга ололмай ғазабланган немис «Хальт, хальт!» деб бақириб қариянинг изига тушди. Рамазон ўзини ерга отиб, тулки каби писиб олди. Кейин немис яқинлашгач, мўлжаллаб ҳам ўтирмай, тепкини босди. Немис бир неча бор ўмбалоқ ошиб тушди. Ёқимсиз бир овоз чиқарди-да, картошказор

ида кўринмай қолди. Қария эса бу орада ғарамга қинлашиб ҳансираганча ўтириб олди.

— Нефёдич, қочиб керак, ҳозир изимизга тушишади!

— Тўхта, бўтам, нафас... нафасим бўғилди...

Қария шундай дегани билан ўрнидан турди-да, Рамазонга қўшилиб югуриб кетди. Аммо юз қадам босмасдан шилқ этиб йиқилди. Йўтал тутиб, ушоқ гавдаси яна ҳам кичрайиб кетгандек бўлди. Бир тола ҳам сочи қолмаган боши зўриқишдан қизариб кетди. Рамазон унинг нафас ростлашини бетоқатлик билан кутди. Немислар бир лаҳза ичида бўлиб ўтган воқеани тузукроқ англаб етишмаган, шунинг учун ҳали қочоқларнинг изидан тушмаган эдилар. Қария кўп куттирмади. Яна Рамазонга қўшилиб югурди. Бехавотир чакалакзорга етганларидан кейингина орқада ўқ овозлари эшитилди. Яна бир оз юргач, қария тўхтади.

— Ишлар чатоқ,— деди у бош чайқаб.— Худо урди...— У шундай деб эшитилаётган овозларга қулоқ тутиб турди-да, шартта орқасига бурилди.

— Бобо, нима бўлди?

— Худо урди. Уйдагилар сиртмоққа тушадиган бўлди,— деди қария ғамгин оҳангда гудраниб,— қари аҳмоқнинг айбидан ўт, Настасья Петровна, мени худо уриб қўйди...

Қариянинг гапларини эшитиб, миясига: «Чиндан ҳам қайтиб кетса-я», деган фикр келдию Рамазоннинг нафаси ичига тушиб кетди. Кетса кетаверади. Ахир, қишлоқда оиласи қолган. Немислар шерикларининг мурдасини топишгач, қишлоқнинг шўрига шўрва тўкилади. Кутилмаганда қария тўхтаб, изига қайтди.

— Балки худонинг раҳми келар,— деди у умидвор бир сўзганда.— Майли, бўлар иш бўлди. Қани, кетдик, сўздан қайтиш номарднинг иши. Халтани елканга осиб ол. Сен ёшсан. Менинг қувватим қолмаган.

— Бобо, ҳаммасига мен айбдорман.

— Сен эмас, уруш...

Қария гапни калта қилди. Рамазон индамай йўлга тушди. Белгиларга қараганда яна бирор соатдан сўнг ялангликка чиқишади. Федотовнинг аҳволи қандай экан? Бекорга нобуд бўлиб кетмаса эди. Нефёдич ҳам аранг юряпти. Қари бир бечорани қўлидан сургаб югуртириб бўлмаса... Тағин ҳам, отасига раҳмат, шу



азобларни бўйнига олиб келяпти. Ана, йиқилиб ётган дарахтга ўтирди. Чуқур-чуқур нафас олиб, бир қўлаб сигара ўраб, ёндирди. Рамазон норози қиёфада унга қараб қўйди, аммо бироқ, нима дейишга ботинмади.

Вақт ўтар, қария эса шошилмасди. Рамазон энди гап бошламоқчи эди, Нефёдич ирғиб ўрнидан туриб, қўлини қулоғига қўйди-да, унга «жим бўл», деб ишора қилди.

Узоқдан: «Бува-а...», деган овоз келди.

— Вася... — Нефёдич беҳосдан бақириб, оғзидаги сигарасини тушириб юборди.

— Қимирламай ўтиринг! — Рамазон шундай деди-да, халтачани ташлаб буталар оралаб кетди. Заиф шохлар у ўтиб кетиши билан яна асл ҳолига қайтиб йўлни беркитди. Рамазон чакалакни тик кесиб чиқиб, яна таниш овозни эшитди.

— Вася, биз бу ердамиз!

Шу пайт буталар икки айрилиб Вася кўринди. Унинг рангида ранг қолмаган, кўзи жиққа ёшга тўлган эди.

— Нима бўлди? — деб сўради Рамазон унинг елкаларидан маҳкам ушлаб.

Бола жавоб бермади. Бир оздан сўнг ўзини йиғидан тўхтатиб: «Бувам қани?» деб сўради.

— Буванг, соғ-омон, бизни кутяпти.

Рамазон боланинг нима сабабдан дард чекаётганини дарров англаган, лекин таскин бера оладиган сўз тополмай гангиб қолган эди. Ярим соат ичида Вася ҳайрон қоларли даражада ўзгарган эди. Рамазоннинг қаршисида ўзини катталардек кўрсатмоқчи бўлган, болаларча манманлик билан муомала қилган Вася эмас, балки кўзларида дард ва ғазаб чўғи ёнаётган, ўзини қасосга чоғлаган йигитча турарди. Васяни энгил титроқ босди. Буни кўриб Рамазон муздек сувга тушгандек сесканди. Боланинг елкасига қўлини ташлаб йўлга бошлади. Улар шу зайлда — бир-бирининг пинжиги тиқилганча Нефёдичга рўпара бўлдилар. Вася бобосини кўриб ўзини тутолмай йиғлаб юборди. «Буважон!» деди-да, қариянинг кўксига бошини қўйди.

— Бўлди, бас, — деди қария боланинг бошини силаб. Кейин нимадир деб гудранди. Набирасини елкасидан ушлаб ўзига қаратди. «Бардам бўл», дегандек

силкиб ҳам қўйди. Аммо Вася ҳадеганда овунмади.— Бас қил, деяпман. Қани, гапир, нима бўлди?

— Бувим...

— Бувингга нима қилди?

— Отиб ташлашди, уйимизга ўт қўйишди.

Нефёдич чайқалиб кетди. Дарахтга беҳолгина ўтирди. Вася бобосининг оёқ томонига тиз чўкиб, бошнини унинг тиззасига қўйди.

Рамазон алам билан лабини тиглаганча нари кетди. «Пакет жуда қимматга тушди. Бебаҳо бир нарсага айланди», деб ўйлади у ўзича. Капитан Соколов, Рамазон умрида кўрмаган Настасья Петровна, ярадор Федотов... Арзимаган вақт ичида ана шу пакет баҳонасида ажал неча тақдир ишларини бир-бирига боғлаб кетди. Балки Суминов ҳақ гапни айтгандир? Балки чиндан ҳам пакетнинг бир чақалик қадри қолмагандир?.. Ҳой, нималар деб довдираяпсан. Сен амманнинг уйида меҳмондамас, армиядасан-а! Буйруқни муҳома қилишни сен омига ким қўйибди?!» Шу топда Рамазоннинг қалбига азоб бераётган дард ҳамроҳларникидан кам эмас. Қўйиб берса уларга қўшилиб дардлашарди. Лекин... ярадор дўсти кутиб турибди. Чолини безовта қилишга кўнгли чопмаса-да, унга қарашга мажбур бўлди.

— Бобо, мени айбситмангу...— Рамазон шундай дедию томоғига бир нарса қадалганини сезди. Тупук ютиб, кўзини олиб қочди.— Турмасак бўлмайди.

— Ҳозир, бўтам, ҳозир,— деди Нефёдич уйқудан беҳос уйғонгандек.— Мен уйимга... Настянинг олдига борай... Уни дафн қилишим керак...— Нефёдич шундай деб уч-тўрт қадам босди. Вася ирғиб туриб бобосининг бўш енгидан ушлаб тортди.

— Қаёққа? Немислар бор! Бу ёқда... бизни ярадор қизил аскар кутиб ётибди?

— Ким кутяпти? Ҳа... қизил аскар... Хаёлимдан кўтарилибди...— Қария шундай деб уларга итоаткорона эргашди.

Улар дўстларини шомга бориб топишди. Суминов чўнтак фонарини чиқариб қария билан боланинг юзини ёритди-да, ҳафсаласи пир бўлганини ошкор этиб узун ҳуштак чалиб қўйди. Бу ҳам етмагандек: «Мана шу... жулдурвақаларни деб уч соат дайдиб юрдингми, ёрдамчиларни жуда топибсан-да»,— деб қўйди.

— Овозингни ўчир,— деди Рамазон унга ғазаб билан тикилиб.

— Қўли гул врачни топибсанми, а?— деди Суминов бўш келмай. Аммо Рамазоннинг қаҳр билан пишиллатганини кўриб, чирт этиб тупурди-да, нари кетди.

Федотов уйқу аралаш ингради. Нефёдич ўзининг дардини унутиб ёрдамга шошилди. Қонга беланган ифлос бинтни чаққонлик билан ечиб ташлади-да, бош чайқаб қўйди. Кейин ярани самогон билан ювди. Бу пайтда Рамазон билан Вася ўз хаёллари билан банд бўлиб, ёнма-ён жимгина ўтиришди. Федотов эса оғриққа бардош бериш учун лабини тишлар, тишларини гижирлатарди.

— Ҳечқиси йўқ, қаҳринг қаттиқроқ бўлади,— деди Нефёдич ярани бир қўли билан чаққон боғлар экан.— Ҳозир ҳамманинг қаҳри қаттиқ бўлиши керак. Йўқса, иш чатоқ...

Ярани боғлаб бўлгач, Федотовга қандайдир дориларни ичирди. Бир оздан кейин аравакаш қаттиқ ухлаб қолди.

— Қалай, енгил тортдими?— деди Рамазон қарияга яқин келиб.

— Ким билади дейсан... Агар тонгга қадар шиши қайтса, қайтгани... Аслида уни эмлаш керак эди. Бу аҳволда... иложимиз қанча?

Суминов шарпасиз юриб келиб уларга яқинлашди-да, бурнини тортди.

— Ажойиб тамакининг ҳиди келяпти, отахон, бир сийламайсизми?

— Мен сенга отахон эмасман. Устин Нефёдичман,— деди қария қоғоғини уйиб.— Сендақаларга тамаки хайф.

— Одам эмас, чипқоннинг ўзи экансан,— Суминов шундай деди-да, беш қадамча нарига боргач, шинелини ерга тўшаб ётиб олди.

Ўз гами ўзига етгулик бўлиб турган қарияни безовта қилишни истамаса ҳам, Рамазон гапни асосий мақсадга бурди: агар қария ишим битди, деб орқасига жўнаворса, аскарнинг аҳволига вой. Нефёдич бир чимдим тамакини қоғозга ўраганча унинг гапларини бўлмаёти эшитди.

— Қанчалик йўл изламай, калаванинг учи сизга бориб тақалаяпти...

Рамазон қариянинг оғзини пойлаб жим қолди. Бундан бўлак иложи ҳам йўқ. У тузган режа фақат шу Нефёдичга боғлиқ. Қария эса жавобга шошилмай, ўрмоннинг қоронғи бағрига тикилганча тутун бурқситади. Рамазоннинг кўзлари қоронғиликка кўникиб қолган, у қариянинг юзлари янада тундлашганини, янада жиддийлашганини кўрди.

— Мана сизга қурол, — деди тоқати тоқ бўлган Рамазон унга капитаннинг маузерини узата туриб. — Отишни билсангиз керак? Озиқ овқат икки кунга бемалол етади. Кейинига худо пошшо. Балки ёмғир ёғар, балки мен кечроқ қоларман, ҳар аҳтимолга қарши чайлага ўхшаган бир нарса қуриш керак. Умуман, эрталабга қадар қайтишим керак.

— Шундай дегин. Янглишмасам, мени команданга аъзо қилиб қўйдинг чоғи, а?

— Ҳа, шундай. Лекин... қайтишимиз билан демобилизация эълон қиламиз, — деди Рамазон гапни ҳазилга буриб.

— Демобилизацияни урушдан кейин эълон қиласан, — деди қария жиддий оҳангда. — Менга қара, сени Роман деб чақира қолай. Отингни айтишга тилим келишмаяпти.

— Шуни ҳам сўраб ўтирибсизми?

— Ҳамма гапингни уқдим. Бошқа илож йўқ экан, боравер. Вақт зиқ. Кўз очиб-юмгунигча тонг отади. Аммо у ёқда... — қария Рославл томонни имлаб кўрсатди, — масала ҳал бўлган кўринади. Отишма деярли тинди.

Қария гапини тугатмаган ҳам эдики, тун сукунати пораланди — шу яқин ўртада беаёв отишма бошланди. Рамазоннинг ичига чироқ ёқилгандек бўлди. Енгил тин олди. Демак, масала ҳал этилганича йўқ, бизникилар тирик, улар душман билан олишяпти!

Рамазон тез-тез юриб Федотовга яқинлашди. Аста туртиши билан у чўчиб уйғониб, қўли беихтиёр чўнтагига югурди.

— Кетяпман, — деди Рамазон паст овозда.

— Ҳа, ҳа, тезроқ бор. Пакетни ол. Менга бошқа граната бер. Қсмандирнинг фамилияси эсингда, а? Пакетни шахсан ўзига топшир. Агар у... шаҳид кетган бўлса, унинг ўрнидаги командирга бериб, тилхат ол.

Ярадорнинг хаста овози ўзгариб, буйруқнамо, қатъий гапириши Рамазонни яна ҳайрон қолдирди. Аммо нима учун шундай эканини ўйлашга вақти йўқ эди. Шу сабабли гранатага боғланган пакетни чўнтагига солиб ўрнидан турди. Тил бесуяк эмасми, барибир гаши келганини яширмади:

— Федотов, дейман, буйруқ беришга уста экансан, а?

— Қўй энди, ҳозир майдалашиб ўтирадиган вақт эмас. Сен бир нарсани — Ватанга қасамёд этганингни унутма. Пакет зинҳор душман қўлига тушмаслиги керак, уқдингми? Агар... хуллас, сен ҳарбий одамсан. Ургатишнинг ҳожати йўқ.

— Буйруғингиз бажарилади, ўртоқ қўмондон,— деди Рамазон ярим ҳазил, ярим пичинг аралаш.

Федотов унга тикилиб қараб турди-да, Рамазон учун кутилмаганда майин оҳангда сўз бошлади:

— Иргалин, сен ўт-олов йигитсан. Эҳтиёт бўл.

Рамазон пулемётни Федотов ётган ерга судраб келди-да, гимнастёркасини тортиб, тартибга келтирди. Федотовнинг муомаласидаги ўзгариш гашига тегса ҳам ўзини тутди, гап талашиб ўтирмади. Суминовни уйғотиб унга Федотовнинг милтиғи билан ўқларни тутқазди.

— Яна шу пакетми, падарига минг лаънат...— деди Суминов кўзларини уқалаб керишар экан.

Нефёдич уларни яланглик этагигача кузатиб қўйди. Ҳали ўрмонни кесиб чиқишга улгуришмаган ҳам эдики, орқадан нафаси тиқилгудек бўлиб Вася етиб келди.

— Ўртоқ командир,— деди у хафақон бир оҳангда,— бу қанақаси бўлди? Бувамни қоровул қилиб қўйиб, ўзинглар кетяпсизларми? Уни энди ким уйгача кузатади.

— Э, тирранча, сен етишмай турган эдинг!— деди Суминов жаҳл билан қўл силтаб.

— Вася, биз тезда қайтамиз. Барибир ҳозир уйга қайта олмайсизлар-ку.

— Роман амаки, менга битта граната беринг, немисларнинг кунини кўрсатаман.

Рамазон тошдек қотиб қолди: бу ёғи қанчадан тушди энди? Болага бақириб бўлмаса, қамаб қўйишнинг иложи бўлмаса? Ҳозир кўзига ҳеч нима кўрин-

майдиган пайт. Қишлоққа бориб бир балони бошлаши ҳеч гап эмас.

— Менга қара...— деди Рамазон чайналиб. Кейин малаванинг учини топиб, дадил гапира кетди:— Комсомолмисан? Жуда саз! Смирно! Жанговар буйруқни эшит: Бу ерда — қизил аскар яраланиб азоб чеклпти. Қари Нефёдич бир қўли билан уни ҳимоя қилиши қийин. Сен ўша сафда бўлишга мажбурсан. Уларда пулемёт, маузер, граната бор. Фамилиянг нима?

— Комаров. Комсомолга шу йил, февралда қабул қилишган,— деди қаддини ғоз тутиб турган Вася.

— Гап бундай, ўртоқ Василий Комаров. Биз қайтуғунимизча ярадорни ва Нефёдични қўриқлаш сенга топширилади. Тушунарлими? Узоққа бориш ман этилади. Гуруҳ жойлашган ер сир тутилсин. Мен сенга ўт очувчи қурол беролмайман. Аммо... Суминов, милтиқни берчи...

— Эсинг жойидами?

— Бериб тур, деяпман!— Рамазон милтиқ найзасини олиб Васяга узатди.— Ма, ушла. Энди буйруқни бажар.

Вася аскарлардек шашт билан орқасига ўгирилиб, найзасини ўйнатганча изига қайтди. Рамазон унинг орқасидан қараб қолди.

Ниҳоят сўнгги марра сари яқинлашиб қолишди. Штабга тезроқ етиб олишса бас, пакетни топширадилару ротага қўшилиб чинакам жанг бошлайдилар. Бунақанги биқиниб юришлар барҳам топади. Кун бўйи Рамазон жон олиб-жон бераётган биродарлари қаршида ўзини айбдор деб билиб, виждон азобида қийналаётган эди. Манзил яқинлашгани сайин бу азоб исканжасидан қутулиб ўзини енгил ҳис эта бошлади. Бироқ кутилмаганда яна капитан Соколовнинг талабчан, қатъий қиёфаси унинг кўз олдида гавдаланди. Бирдан юраги сиқилди. Назарида, шаҳидларни у азал-азалдан биладигандек, улардан ўзга яқин сдами бўлмагану ҳаммаси жон бериб бу ёруғ дунёда якка-ёлғиз қолгандек туюлди. Тез орада полкига қайтади. Бироқ кетар олдидан Васянинг мовий кўзларига, Нефёдичнинг ғамгин нигоҳига тик боқа олармикин? Улар учун қасос олмай қандай кетади? Йўқ, уларни ғамга ботириб жўнаш номардлик бўлади. Қасос, ҳа, фақат қасос билан дардларига малҳам қўйиш мумкин. Қасос қасди-

нинг бу қадар тез виждон амрига айланиши Рамазонни яна руҳий эзилиш ботқоғидан олиб чиқди.

Юрагининг «Қасос!» дея тегишидан мамнун бўлган Рамазон қадамини янада тезлатди. Бугун жуда кўп вақт йўқотди. Тезроқ, штабга тезроқ етиб бориш керак. Ун беш қадамча орқада қолган Суминов жон койитай ҳам демайди.

Улар шу зайлда, жимгина ярим соатча юришди. Урмон пойига етгач тўхтаб, буталарни паналаб катта йўлга қарашди. Дам ўтмай йўлнинг ғарб томонида пиёдалар ўтирган машиналар, бронетранспортёрлар кўринди.

— Иккитагина «максим» бўлгандамиди,— деди Рамазон афсус билан.

Суминов: «Бу жинни бўлганми ўзи», деб ғижиниб қараб қўйди:

— Жонингдан тўйганмисан?!

Колонна ўтиб бўлгач, Рамазон шеригининг биқинига туртиб, имлади-да, жавоб кутмай югуриб кетди. Беш-олти қадам ташлаб йўлни кесиб ўтди-да, ариқ ичига ётиб олди. Аммо Суминов ҳадеганда кўринмади. Қаёқда қолди бу Қамишсурнай, бир ёмон ният қилмадимикин бу падарлаънати.

— Суминов!— деб бақирди Рамазон ғазаб билан. Бу орада яна мотор овози эшитилди. Ана шундан кейингина Суминов бу томонга ўтди. Колоннадан қолиб кетган машина яқинлашарди. Рамазон гранатани қўлига олди.

— Ёт!— Рамазон шундай деб бақирди-да, қаддини кўтариб, гранатани машина томон ирғитди.

Граната портлаб машинанинг олди учиб кетди. Шунда ҳам у бир оз юриб борди-да, сўнг алангага бурканди. Рамазон билан Суминов қаддини букканча ўрмон ичкарасига кириб кетишди. Бир чақиримча йўлни тўхтовсиз югуриб ўтишди. Нафаслари қайтиб, қолдан тойиб майса устига чўзилишлари билан Суминов шеригини исканжага олди:

— Қип-қизил ўпка экансан-ку!— деди у жаҳл билан.— Уша машина энангнинг маҳрига тушган эканми? Таппа босишса нима қилардинг?

— Ҳайронман, бирдан шундай бўлиб қолди,— деди Рамазон ўзини оқлашга тиришиб. У бемаъни иш қилганини англади, аммо шу заҳоти айбини бўйнига

олгиси келмай ҳамроҳига қараб бақириб кетди.— Тоқатим тоқ бўлди, билдингми? Қачонгача қўрқиб, биқиниб юрамиз? Бу итваччаларни тишлаб, тимдалаб бўлса ҳам поралаб ташлаш керак!

— Тишлаб... тимдалаб эмиш...— Суминов шундай дедию шарт ўгирилиб, бағрини ерга берди-да, пешонасини майсаларга тираб жим қолди. Бироқ бўғзига қадалиб келган йиғини тўхтата олмади.— Етар, бас! Бошқа чидай олмайман! Агар кучлари етганда... тўхтатишарди. Россия барбод бўлди! Тамом!

Рамазон ҳамроҳининг асабий бақирқиқларини эшитиб, довдираб қолди. Тилига на овунтирувчи, на бу гапларни инкор этувчи сўз келди. Суминов эса сукут аломатини ризо деб билибми, бақираверди:

— Нима, кўзинг кўрмаяптими! Ақлингни йиғ. Қара, бу кучга тенг келадиган қудрат қани? Нимага жимиб қолдинг? Ҳа, немислар айтгандек, ҳаммамизга капут!

Суминов яна йиғлай бошлади. Рамазон ирғиб ўрнидан турди-да, уни ёқасидан олиб кўтарди ва бор кучи билан юзига тарсаки туширди.

— Эҳ, мараз!

Бехосдан унинг қўллари титраб кетди.

Нафратдан бўғилди. Юзтубан ётганча ҳиқиллаб, тинимсиз ўт чангаллаб юлаётган ҳамроҳига хазар билан қаради.

Энди нима қилиш керак? Бу ҳезалакка энди қандай ишонсин? Афтидан, тузукроқ жангга рўпара бўлмаган кўринади, шунинг учун дарров думини қисяпти. Балки шу тошгача умуман ўқ узмагандир. Қисмларига қўшилгунга қадар қаерларда писиб юрганини ким билиб ўтирибди... Йўқ, йўқ, жуда унчалик эмас. Жанг кўрган йигит экани аниқ. Фақат асаблари бўш экан. Кун бўйи бир арава нохушлик бошига ағдарилиб ўзини эплаёлмай қолди. Шунақа тушкунликка мойил одамлар ҳам учраб туради. Танлаб, танлаб ҳамроҳининг тозисига учрабман, илож қанча? Рамазон шу фикрлар билан ғазабини жиловлади. Бу орада Суминов қаддини кўтариб ўтирди. Кўз ёшларини қўллари билан артиб, ўрнидан қўзғалди.

— Кетдик, дам ҳам олволдик,— деди у худди Рамазоннинг фикрларини тасдиқлагандек.



Индамай йўлга тушдилар. Аммо Рамазон жим кетишга чидай олмади. Гапни узоқдан бошлади.

— Бир жиҳатдан қараганда... Сен ҳақсан. Ҳозир улар биздан кучлироқ. Борадиган ерига бориб қолди. Сен у ердагилар...— Рамазон кўрсаткич бармоғини сурмаранг осмонга ниқтади,— мудраб, папша қўриб ўтирибди, деб ўйлаяпсанми? Йў-ўқ. Бекорга қўйиб беришмайди. Тез кунда биз ҳам эзишни бошлаймиз. Шундай эзамизки, қовурғаларигача қисирлаб, дунёга келганларига пушаймон ейдилар.

Суминов унга жавоб бермади. Муштини пана қилиб йўталиб қўйди-да, индамай кетаверди.

— Сен уларнинг сиртига қарама. Сирти ялтироқ. Аммо думини бир босиб олсак борми, қочгани жой тополмай қолади. Сен каллангдаги бемаъни фикрларни чиқариб ташла. Жангчимисан ўзинг ё хотинчалишмисан?

— Биз сиёсий ўқишда эмасмиз. Фалсафа сўқмай юравер.

— Шу пакет қўлимизни ипсиз боғлаб турибди. Эгасига топширамизу чигалларни бир ёзамиз. Нима дединг?— Рамазон ҳамроҳининг билагини аста қисди. Суминов қўлини силтаб тортди.

... Ниҳоят, манзилга етдилар. Кажавасидаги пулемёт мажақланган мотоцикл, мина қутилари, майдонда сочилган қурооллар, чўғ бўлиб турган бронетранспортёрлар — бу ерда яқингинада даҳшатли жанг бўлганидан далолат берарди. Бизникилар ўрмонга чекинган кўринади. Немислар эса, ҳар ҳолда ҳал қилувчи зарбани кундузи беришга қарор қилгандир.

Улар майдонни кесиб ўтишлари билан бута орқасидан: «Тўхта, ким келяпти», деган овоз эшитилди. Жавоб беришга улгурмасларидан уларни беш-олти қизил аскар ўраб олди. Қовурғаларига бир неча найза қадалди.

— Бизга дивизия командири керак,— деди Рамазон аскарларнинг юзини кўришга ҳаракат қилиб. Лекин қоронғида уларнинг юз-кўзларини ажрата олмади.— Унга пакетни беришимиз керак.

— Қаёқдан, қайси қисмдан? Ҳужжатларинг?

Илонизи сўқмоқдан ўрмон ичкарасига бошладилар. Узоқ юрдилар. Ниҳоят ағдарилиб ётган дарахтлар ёнига шошқич тикланган муваққат чайла рўпара-

сидан чиқдилар. Чайладан боши бинт билан боғланган майор чиқди. Рамазон роз туриб честь берди-да, муд-даосини айтди.

— Генерал оғир яраланган, ҳушсиз ётибди... Унинг вазифасини ҳозирча мен бажаряпман. Фамилиям Орлов. Мана, ҳужжатларим.

Рамазон унга пакетни узатди.

— Ҳа... Пакет анчагина саргузаштга гувоҳ бўлган кўринади,— деди майор пакетни гранатадан айқрар экан.— Лекин фойдаси тегармикин..

Орлов қўл фонари ёруғида хатни бир неча бор ўқиб чиқди. Кейин ўйга ботиб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Сўнг Рамазонни четга тортди-да, қўшни қисмларнинг аҳволини, йўлда кўрган-кечирганларини суриштирди. Соколовнинг ҳалок бўлганини эшитиб қаттиқ изтироб чекди.

— Хизматинг учун раҳмат. Бир оз дамингни ол, кейин орқангга қайтасан. Демак, Федотов ярадорми?

— Ҳа, уни ўрмонга ташлаб келдик. Мутлақо юролмайдди. Уни дивизияга олиб келишга рухсат беринг, ўртоқ майор. Иккита қизил аскарни қўшиб юборсангиз, тонг отаргача улгураамиз.

— Дивизия дейсанми? Дивизиянинг номигина қолди. Чиқса беш юз аскар бордир. Икки соатдан сўнг жанг бошланади. Ериб чиқишимиз керак. Федотовни ўйлашга фурсат йўқ, тушунапсанми?

— Унда нима қиламиз?

— Сени тушуниб турибман. Пакетда ҳам лейтенант Федотов дивизияда қолиши керак, дейилган.

— Лейтенант? Қанақасига лейтенант ахир, у оддий аравакаш-ку?

— Ҳа-я, рост, мен нима деб додираяпман, чарчабман шекилли?— деди майор гарданини қашиган бўлиб.— Ҳар ҳолда гап унинг ким эканида эмас. Аравакашми, генералми, барибир ёрдам беролмаймиз. Дивизиянинг аҳволи оғир. Кечаги жангдан кейин вазият кескин ўзгарди. Мудофаа иншоотларини ташлаб чекиншга мажбур бўлдик. Олдинда яна ҳам даҳшатлироқ жанглар турибди. Узимизнинг ярадорларни қайга қўйишни билмай гарангмиз.

— Биз у билан қаёққа борамиз?

Рамазон ҳолдан тойган майор билан талашиб-тор-

тишишнинг фойдасиз эканини, бу ердан тезроқ кетиш кераклигини тушунди.

— Сизларга ҳам қийин, тушуниб турибман. Лекин Федотовни деб ҳужумни бекор қила олмайман. Гап бундай, сиз Федотовнинг олдига қайтиб, вазиятга қараб иш тутинг. Боринг. Омадингизни берсин.

— Сизга ҳам омад ёр бўлсин, ўртоқ майор.

Майор қўл фонарини Рамазонга бериб, ёритиб туришни илтимос қилди. Аввал пакетни олгани ҳақида тилхат битди, сўнг Рамазон билан Суминовнинг исм-шарифини, қисмини ён дафтарчасига ёзиб олди.

— Тезроқ йўлга туш, Иргалин. Жанг бошлангунга қадар изларингга қайтишга улгуришларинг керак.

Рамазон Суминовни шу ерда қолдирмоқчи бўлиб, энди гапга оғиз жуфтлаган эди, майор старшинани чақириб, «Меҳмонларни кузатиб қўйинг», деб буюрди. Старшина уларга сафар халта тутқазди.

— Тамадди қилиб оларсизлар,— деди у.

— Раҳмат, старшина. Менга қара, бизга озгина ўқ беролмайсанми, а. «Дегтярев»га иккита магазин бўлса ҳам майли, маузерга ҳам...

— Ўқ дейсанми... Ўқ ҳозир отлиққа ҳам йўқ. Кўпчилик ўлжа қурол билан жанг қиляпти.

...Икки қизил аскар уларни ялангликка қадар кузатиб қўйди. Жимгина хайрлашди-да, яна қоронғилик қаърига сингиб кетди.

Пакет эгасининг қўлида қолгач, Рамазон жуда оғир юкдан халос бўлганини ҳис этди. Елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Айни чоқда бадани чарчоқдан эзилди. Оёқларида дармон қолмади, боши тарс ёрилай деди. Оёқнинг зириллашию бошнинг лўқиллаши ўткинчи бир хасталик. Тез орада жанг бошланади. Яна қанча йигит шаҳид кетади... Тўрт мучали соппа-соғ бўлишга қарамай Рамазон билан Суминов жангни четлаб ўтади. Аъзойи баданнинг оғришига чидаш мумкин, аммо яна ҳуружга кирган виждон азобига дош бериш мушкул эди.

Узоқда тўплар гумбурлайди, осмон ёғдуга бурканади, аммо бир лаҳзада қоронғилик ҳукмига измини бериб қўяди. Дам-бадам отилган мушакларнинг сўниқ нури мунғайган ўрмон устини эринибгина ёритиб туриб, у ҳам қоронғиликка ем бўлади. Катта йўлда эса

ҳаракат тинмайди. Душман қурол-яроғи худди ердан қайнаб чиқаётгандек — кети кўриная демайди. Қандайдир ваҳший бир қудратдан дарак берувчи бу қурол оқими киши руҳини исканжага оларди, юрагига ваҳм соларди.

Қирқ биринчи йилнинг баҳорида ҳарбий хизматга чақирилган биринчи курс талабаси Рамазон Иргалин ваҳимага измини тутқазиб қўядиган ёшдан ўтган эди. Мамлакат тақдири билан ўз тақдирининг чамбарчас боғланганини англасанг, даврнинг нақадар суронли эканини ҳис этасан. Ёки... Йўқ, ўзгача бўлиши мумкин эмас. Ватан тақдири — сенга боғлиқ, сенинг тақдиринг эса Ватаннинг эртасига, келажагига боғлиқ. Рамазон буни яхши тушунади, лекин хаёлига қуйилиб келаётган жавобсиз саволлар оқимини тўхтата олмайди.

Саволлар беҳисоб, турли-туман. У барчасига жавоб топгиси келади, жилла бўлмаса аниқлик киритмоқчи бўлади. У баъзилар сингари: «Биз кичкина одаммиз, масалани юқоридагилар ҳал қилади», деб виждонини қийноқлардан ҳоли қилиб қўя олмасди. зиммасидаги масъулиятни бир зум ҳам унутмасди. Шунингдек, ғалабага бўлган ишончи бир нафас ҳам хира тортмасди. Лекин кутилаётган онга қачон етажagini билмасди. Снёсий машрулот пайтларида: «Кам қон тўкиб, ғалабага эришамиз», дейишарди. Кўпроқ қон эвазига ҳам душманни тўхтатишса эди... Рамазон-ку ёш, қони қайноқ, билагида кучи бор, айиқ билан теппа-тенг олишадиган сиёқи бор. Қолаверса, нияти покиза. Бошига ҳар қанча мушкулот тушса ҳам дод демайди. Хўш, Суминовга ўхшаганлар-чи? Кучли ва бешафқат душман билан юзма-юз бўлиб, унинг қуролли оқимини кўриб юраги орқасига тортган, ишончи сўнган одамларни нима кутади? Охир-оқибат улар буткул тиз чўкиб қолмайдиларми?

Тўғри, душман пайт пойлаб, куч тўплаб туриб, писиб ётиб, қўққисдан ҳужум қилди. Яна бир ой, боринг, икки-уч ой зўр берар. Бир кунмас бир кун ҳансираб қолар-ку, ахир. Ана ўшанда қисилиб бораётган пружина қўйиб юбориладию, Гитлер деганлари сичқоннинг инини минг тангага ҳам тополмай, сарсон бўлади. Нафсиламбрни айтганда бу ўз-ўзидан, осонгина амалга ошадиган иш эмас. Рамазон юрагидаги истакни ҳақиқат деб билаётганини яхши тушунади. Лекин қайси

бир ўн тўққиз ёшли йигит воқеалар оқимини ўзи истаган йўналишга бурилишини истамайди?

Стратегия масалаларни бўйича хаёлини эгаллаган ёруғ фикрлар Рамазоннинг анча кўнглини тинчлантирди. У ҳурпайганча орқароқда келаётган Суминовга қаради.

— Ҳечқиси йўқ, оғайни, пешонамизда шундай синов бор экан, сув келса симириб, тош келса кемирамиз. Қайси бир донишманд: «Бахтиёрлик ичра сен бахтсизликка учрашдан қўрққил», деган экан. Ҳафтада ҳайит, кунда байрам бўлавермайди, тўғрими? Шунинг учун ҳам...

Рамазоннинг гапи оғзида қолди: кучли отишмадан тун сукунати пораланди. Осмонга ранго-ранг мушаклар отилиб, отилаётган ўқлар қоронғилик бағрида ўтли из қолдириб, визиллаб учди. Дивизия ҳужумни бошлади. Рамазоннинг юраги ҳаприқди. Отишма овозига қулоқ тутди. Ўзича: «Мен ўша ерда бўлишим керак эди», деди-да, афсус билан бош чайқаб юриб кетди.

Федотов уларни бедор кутаётган эди. Рамазоннинг келганини билиб шошқич қурилган чайладан минг азоб билан чиқди-да, ялангликдаги тўнкага суяниб ўтирди. Йўлдаёқ мудрай бошлаган Суминов ҳеч нарсага қарамай ётдию уйқуга кетди. Нефёдич билан Вася сал нарироқдан жой олишди.

— Хуллас, буйруқ бажарилди,— деди Рамазон енгил тин олиб. Кейин ўзи сезмаган ҳолда, беихтиёр: «Пакет топширилди, ўртоқ лейтенант», деб қўшиб қўйди.

Федотов кулимсираб қўйди.

— Генерал оғир яраланибди. Унинг ўрнига майор Орлов командирлик қилаётган экан.

Федотов, «бунинг унчалик аҳамияти йўқ», дегандек бош ирғаб қўйди. Тамаки тутатди. Кейин майда-чўйда нарсаларгача сўраб-суриштирди.

— Демак, қуршовда қолибмиз-да,— деди у Рамазоннинг сўзларини диққат билан тинглаб.

— Ҳа, шундай бўлиб қолди. Мен сизни дивизияга олиб келай десам, майорнинг эшитгиси ҳам келмади. Бир жиҳатдан уни айблаб ҳам бўлмайди. Бу аҳволда дивизияда нима қилардингиз?

Лейтенант жавоб бермади. Унинг бир нуқтага нигоҳини қадаб босим чекишидан изтиробга тушганини

пайқаш мумкин эди. Рамазон унинг хаёллар тузоғидан халос бўлишини тоҳат билан кутди. Ниҳоят, лейтенант бир қарорга келиб, гап бошлади:

— Энди бундай қиламиз, дўстим Иргалин,— деди лейтенант ишончсиз бир оҳангда.— Бу ерда қолишим лозимлигини тушунган бўлсанг керак. Агар дивизияга етиб олганимда ишимиз рисоладагидек битарди. Русларда: «Бахти қароликдан бебахтликнинг ўзи асради», деган мақол бор. Энди вазият ўзгарди. Сен вазифангни бажардинг. Энди бориб дамингни ол. Кейин Суминов икковинг ўзимизникилар томонга жўнайсизлар.

— Йўқ, бунақаси бизга тўғри келмайди, ўртоқ лейтенант,— деб астойдил эътироз билдирди Рамазон.— Мен ярадор одамни ташлаб кетолмайман. Ўзингиз вазият ўзгарди, деяпсиз-ку. Демак, мен сизнинг ихтиёрингизга ўтаман.

— Сен ҳам менга ўхшаб полиз қоровули бўлмоқчимисан?— деди Федотов гапни ҳазилга буриб. Бу гап Рамазоннинг юзига шапати бўлиб урилди.

— Ўртоқ лейтенант, айбдорман, ким билиб ўтирибди...

— Хижолат бўлмай қўя қол, ҳазиллашдим. Ўтган ишга салавот. Лекин бу ерда қолишинг сира ҳам мумкин эмас. Меҳрибонлигинг учун раҳмат. Менинг ўз вазифам бор, тушуняпсанми, ўз вазифам! Сен... менга халал беришинг мумкин. Бу ёғидан хотиржам бўл. Уч-тўрт кундан кейин ярам битади.

— Худо хоҳласа...

— Худонинг хоҳишини кутсанг, кун кеч бўлмас экан. Яна бир нарсани унутма: қисмга қайтгач, менинг бу ерда қолганимни тирик жон билмаслиги шарт.

— Тушунарли, ўртоқ лейтенант.

— Энди дамингни ол.

— Ўртоқ лейтенант, агар мумкин бўлса, бир нарсани сўрамоқчи эдим... Капитан Соколов қанақа одам эди?

Федотов дарҳол жавоб бермади. Хотиралар оқмига бир оз майлини топшириб, сочинини силаган бўлди.

— Яхши чекист эди,— деди ниҳоят дардли овозда.— Гражданлар урушида, кейин Испанияда жанг қилган. Яна саволлар борми? Бўлмаса, дамингни ол.

Қаттиқ ҳориган бўлишига қарамай, Рамазоннинг кўзига уйқу келмади. Янтоқ устида кўйлакчан ётган-

дек, ҳали у ёнга, ҳали бу ёнга ағдарилаверди. Кун бўйи кўрган-кечирганлари ҳарир парда ортига ўтиб, гўё тушга айланди. Энди ҳаёлини Федотов эгаллади. Рамазон лейтенантнинг вазифасини аниқ билмас, фақат тахмин қила оларди. Унинг учун бир нарса ойдин эди: бунақанги ишга анойи одамларни юборишмайди. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб, биқиниб, писиб ўтиш бошқа. Бу ерда иш ўзгачароқ: хавф-хатар соядек илашиб юрган вазиятда ҳаммаси учун бир ўзинг жавоб беришинг керак. Қўлтигингга кирадиган одамнинг бўлса-ку, бу хатарлар бир нави. Бўлмаса-чи? Федотов ҳам анойи эмас экан. Ўзини аравакаш қилиб кўрсатиб, Рамазоннинг маза-матрасиз гапларига чидаб келганини айтнинг.

Отишма овозлари тобора мащриқ бағрига сингиб борарди. Моторларнинг наъраси ҳам эшитилмай қолди. Дўзахга айланган жанггоҳда нималар содир бўлди, кимлар тирик қолди, кимлар бағрини совуқ ерга бериб ётибди, дивизиянинг қанча жангчиси ёриб ўтди экан? Рамазоннинг полки ҳозир қаерда экан?

Ўйлар бир уюм ип каби чувалашиб кетган. На боши бор, на охири. Бир чигални ечсанг, иккинчиси чиқиб туради. Дам кўз олдида кейинги кунлар ичи бўлиб ўтган жанглар, жон олиб, жон беришлар гавдаланади. Дўстларининг жилмайишлари, маъюс чеҳралари, имо-ишоралари... худди яшин чақнагани мисол нигоҳида намоён бўлади. Ўйлар уни тобора орқага тортади. Энди уруш йўқ. Ҳатто эшитганда баданга титроқ юритувчи бу ибора ҳали одамлар тилига ҳам кўчмаган. Осуда дамлар. Қадрдон овули. Казаяк дарёсининг роҳатбахш соҳили. Сўнг — шаҳарнинг бесаранжом кўчалари. Қишлоқ хўжалик институти... Кириш имтиҳонларидан сўнгги ташвишли, беором кечалар... Кира олармиканман, деган ўйда бедор ўтган тунлар...

Буларнинг ҳаммаси ўнгида бўлганмиди ё бу лахтак-лахтак хотираларни тушида кўрганми?..

Тонгда дарахтларнинг қилтириқ шохларини тебратиб салқин шабада эди. Кейин осмон чокини сўкиб, ўрмонни лаҳзалик нурга чўмдириб яшин чақнади. Ёмгир ёға бошлади. Рамазон шинелига бурканиб олди. Шу онда ўзини тубсиз жарда қолгандек ҳис этди. Момақалди роқ алла ўрнини босдими, ҳар нечук тезда қаттиқ уйқуга кетди.

У қанча ухлаганини билмади. Уйғондию анча те-

тиглашганини ҳис қилди. Шинелни чаққон олиб ташлади. Қуёшнинг тигсимон нурлари покиза дарахт шоқлари, барглари орасидан йўл топиб майсага қўниб турган томчиларга жило беради. Қушлар чуғури авжга минган. Осудалик. Худди тонгги ёмғир фақат япроқлардаги ғуборни эмас, балки бутун ташвишларни, энг муҳими — урушни ҳам ювиб кетгандек Рамазон ирғиб ўрнидан турди-ю ҳайратдан қотиб қолди. Чайланинг изи ҳам йўқ. Федотов пулемётни орқалаган, қўлида таёқ. Сафарга шай бўлиб турибди. Сал нарида халта кўтарган Нефёдич. Вася найзани ханжар сингари осиб олган. Суминов эса кўринмасди.

Кечаги шубҳаларини эслаб Рамазоннинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Суминов қани?..— деди у жонҳолатда.

— Бу итваччанинг қаёққа ғойиб бўлганини худоси билмаса, бандасига номаълум,— деди Нефёдич қўл силтаб.— Икки соат бурун навбатчиликни мендан қабул қилиб олган эди. Худди ер юртгандай изсиз кетибди. От ҳам йўқ.

— Балки чор-атрофни текширгани кетгандир,— деди Рамазон ўз гапига ишонмаган бир оҳангда. Федотов эса гапни калта қилиб қўя қолди:

— Жойимизни ўзгартирамиз!

Рамазон юрган йўлида ўзини-ўзи лаънатлаб борди. Кечаги воқеадан сўнг бу Қамишсурнайдан кўз узмаслиги лозим эди. Яна бу падар лаънатига раҳми келиб ўтирибди-я! Шайтон васвасига учмаса, уни шундай мураккаб топшириқни бажаришга ҳамроҳ қилиб олармиди?! Қуёнюррак хотинчалиш пайт пойлаётган экан-да? Агар чиндан ҳам қочворган бўлса, қайдадир сичқоннинг инини ижарага олиб писиб ётади ё милтиқни ташлаб, қўлларини кўтариб немисларга бўйин эгади.

Улар икки соатча чакалакзор оралаб юриб, ниҳоят гир айланаси қалин дарахтзор билан ўралган ялангликка чиқишди. Қўноқ учун бундан ўзга қулайроқ жой топиш мушкул эди. Шунинг учун муҳокама қилмаёқ ҳамма чайла қуришга киришди. Аввал ағанаган дарахт ғўлалари терилиб устига қайин шоқлари тўшалди. Сўнг эгилувчан новдалардан чайланинг «қовурғаси» тиклангач, шу яқин орадаги ботқоқда қийраб ётган қамишлардан ўриб келиб, устини ёпдилар.



— Энди қишлоқни зиёрат қилиб келсам ҳам бўлади,— деди Нефёдич шошилиб.

Вася бу гапни эшитиб ирғиб ўрнидан туриб кетди. Баҳс бошланди. Узоқ давом этган можародан сўнг бир битимга келишди: Вася қанчалик ўжарлик қилмасин, у Федотов билан қоладиган, Нефёдич қишлоққа кириб чиқишга уринадиган, Рамазон эса уни кузатадиган бўлди.

— Қадамингни билиб бос. Ҳовлиқма,— деди Федотов. Кейинги дақиқалар ичи бу гапни иккинчи бор эшитишдан Рамазоннинг ҳамияти жиндек озор чеккан бўлса-да, сир бой бермади. Федотовни: «Хотиржам бўлинг», деб тинчитди. У Нефёдични кузатиш баҳонасида Суминовнинг изини топиш илинжида йўлга тушди.

Федотов уларнинг орқасидан анчагина қараб қолди. У ўз ёғига ўзи қоврилиб ўтирарди. Суминовнинг қочиши фақат ҳарбий интизомнинг бузилиши эмас. Бу воқеанинг замирида нохуш гаплар ётади. Рамазон, «у ёқбу ёқдан хабар олгани кетгандир», деб вазиятни юмшатмоқчи бўлгани билан, лейтенант унинг қочиб кетганига амин эди. Ўз хизматига, бурчига, қасамёдига ўта содиқ бўлган Федотов қочоқни ўз вақтида пайқаб, чора кўрмагани учун ўзини айбларди. Ҳар ҳолга бу яхшиликка олиб бормади. Ҳатто немислар ўрмоннинг тит-питили чиқариб тинтиб чиқишлари мумкин.

Федотов нигоҳини бир нуқтага қадаганча ўйларига банди бўлиб ўтирар, унинг қатъий, совуқ чеҳрасига қараб-қараб қўяётган Вася гап очишга журъат этмасди.

...Бир оз юрганларидан сўнг Рамазон қариянинг тун ичи ўзини анча олдириб қўйганини сизди. Нефёдич бошини ҳам қилганча аранг қадам босарди. У дам-бадам тўхтар, ўйга толгандек бўлар, сўнг худди калима келтиргандек бир сўзни қайтарарди.

— Эҳ, Настя, Настя! Сени асрай олмадим. Энди то қсра ерга киргунимча тинчим бўлмайди...— Қариянинг пичирлаб айтган бу сўзлари Рамазоннинг қалбига ўқдек қадалар, у аламдан инграб юбормаслик учун тишини тишига қўярди.

Афтидан, Нефёдич набирасининг олдида ўзини тутган экан. Мана энди ёнида Вася бўлмагани учун бутун эркини гамига бериб қўйди. У биринчи дуч келган тўнкага ўтирди-да, бошини муштлири орасига олди. Рамазон унга яқинлашиб тасалли беришни ҳам, жим ту-

ришни ҳам билмай гаранг бўлди. Ниҳоят, Нефёдич чуқур хўрсиниб ўрнидан турди.

— Қариганда одам шунақа бўлиб қоларкан. Хафа бўлма, бўтам.

Бир зумда Нефёдичнинг қарашлари ҳам, юриши ҳам тетиклашди. Рамазон унинг бир қарорга келганини сизди. Қишлоқнинг қораси кўрингач, қария тўхтаб, ҳамроҳига ўгирилди:

— Ҳов анови бужумни кўряпсанми?

Рамазон тасдиқ ишорасини қилди. Кеча Вася худди шу дарахтдан туриб уни чўчитган эди. Энди дарахтнинг баргларида асар ҳам қолмаганди. Барглар, нозик сурхлар куйиб, дарахт танаси қорайиб, худди худога нола қилиб чўзилган қилтириқ қўлни эслатарди. Кеча Рамазон паналаган уй ҳали ҳам тутарди. Печь труба си сўнган ҳаётга қўйилган мақбарадек қорайиб турисди.

— Кўряпсанми? — деди Нефёдич. Бу сафар унинг хирилдоқ овозида таҳдид оҳанги бор эди. Кўзлари газанок чақнарди.

— Кўряпман, — деди Рамазон паст овозда.

— Раисимиз Семён Иванович... Скоробогатов... Кузнецов... Соколов... ҳаммаси правление аъзолари эди. Ҳаммаси коммунист эди. — Нефёдич нигоҳини дам у, дам бу тутаётган уйларга тикиб, қурбонларни бир-бир санарди. — Бир кунда шунча ваҳшийлик қилибди, итнинг боласи...

Кўча худди кечагидек кимсасиз эди. Сукут худди баргга илиниб турган шудринг томчиси каби титраб-титраб гуарди. Қишлоқ ваҳима билан нафас ютган, унинг бу жимлигида қайғу ҳам мужассам эди. Афтидан, немислар қиладиган ишларини қилиб, яъни уйларга ўт қўйиб, сдамларни отганлару йўлларида қолмаганлар. Қишлоқ қўққисдан зарб еб, ўзига келолмаётган одамга ўшарди. Сукунатга ишонмаслик — урушнинг беиёв қонуни. Ҳар ҳолда коммунистларнинг уйини шу ерликлардан бири кўрсатган. Немислар анойи эмасдир. «Янги қонун»ни жорий этиш учун кимнидир қолдирган бўлишлари керак. Нефёдич қишлоққа киргудек бўлса сотқинларнинг тузоғига тушиши мумкин. Рамазон худди шундан чўчирди.

— Бобо, қишлоқда яна кимингиз бор. Бирон... қариндошларингиз, яқинларингизми...

— Федоровканинг ярми Комаровлар. Қўшнилardan хабар олай. Татьяна Ивановнакига кириб чиқаман. Сен шу ерда тура тур.

— Бирга борамиз, — деди Рамазон буйруқ оҳангида, — қўшнингизни оғилхона этагига чақиринг.

Нефёдич олдинга тушди. Ун беш қадамлар орқанда Рамазон қуролини шай тутганча атрофга олазarak боқиб келарди.

Улар қўрғоннинг орқа томонидан келиб тўхташдида, ичкарига бир оз қараб туришди. Сўнг Нефёдич эшикни шашт билан очиб, ҳовлига кирди. Уй зиналаридан кўтарилиб, пешайвонга чиқди-да, эшикни тақиллатди. Дам ўтмай эшик оғзида йиғидан кўзлари қизарган, ўрта ёшлардаги ранглар аёл кўринди. Қарияга энди дардини тўкиб соламан, деганда Нефёдич: «Жим бўл», деб ишора қилиб, изига қайтди. Аёл йиғламсираганча унга эргашди. Оғилхона ортига ўтиб Рамазонни кўргач, саломлашишни ҳам унутиб, айтиб йиғлай бошлади:

— Қиёматли қўшнимдан айрилиб қолдим. Вой худойим, жаннати қўшнимни қайси гуноҳи учун жазолади экан. Бечора Настя холагинам! Улдиришлари етмагандек, бу йиртқишлар оловга ҳам ташлашди! Куйиб кул бўлди холагинам! Бу қанақанги қиёмат ўзи, худо бизнинг бошимизга қандай балони юборди!..

Нефёдич тишларини гижирлатиб, эшикни беихтиёр равишда маҳкам ушлаб олди. Қандайдир бўғиқ, титроқ овоз бағридан отилиб чиқди:

— Татьяна Ивановна, бор гапни айт. Ҳаммасини айт!

— Немислар машинаю мотоциклларига ўтириб энди жўнамоқчи бўлиб туришганда, кетиб қолган фельдшеримиз ё осмондан тушдимиз, ё ердан чиқдимиз, билмай қолдим. Пешонамизнинг шўри экан-да, назаримда, алвасти қайси юргларадир дайдиб юрган фельдшерни излаб топиб, бошимизга бало-қазо ўрнига олиб келиб ташлаганга ўхшайди. — Аёл йиғидан ўзини тўхтатишга ҳаракат қилар, аммо қалбидан отилиб чиқаётган фарёдни тўхтата олмасди. Фақат қовоқ уйиб турган қарияни кўргач, ўзини бир оз босиб, ҳикоясини давом эттирарди. — Одам оласи ичида экан. Эсингиздами, қандай хушмуомала, ширинсўз эди. Ҳамманинг қаваси келарди. Кеча кўриб, кўзларимга ишонмай қолдим.

Нақ қутурган итнинг ўзгинаси. Немисларнинг каттасига яқинлашиб бир нарсалар деди. Қўлини пахса қилиб ҳали у уйни кўрсатди, ҳали бунисини кўрсатди. Немисчада ҳам булбулигўё бўлиб кетаркан. Немиснинг каттаси бир нима деб бақриши билан ялмоғизлар фельдшер кўрсатган уйларга ёпирилдилар. Ойналарни синдириб, суриштириб ўтирмай ўқ ёғдирдилар. Даҳшатдан танамдан жон чиқиб кетай деди. Кейин ўт қўйдилар...

— Уй эгалари-чи? Уларга нима бўлди? — деди Рамазон аёлнинг сергаплигидан бўғилиб.

— Уларга худонинг ўзи раҳм қилган экан, айланай. Уларнинг ҳаммаси коммунист эди. Бало-қазонинг нафасини сезиб кечаёқ ўрмондан бошпана топишганди. Лекин икки киши... Ишқилиб, худо раҳмат қилсин уларни... Кузнецовнинг онаси бетоб ётган эди. Козловнинг синглиси ҳам уйда экан. Эшикни ёпиб...

Аёл яна кўз ёшига эрк бериб, гапиролмай қолди.

— Бас қил, улима, — деди Нефёдич қўпол бир тарзда. — Фельдшер қишлоқдами?

— Билмадим... Одамлар ўша уйга жойлашди, дейишяпти. Эшигининг олдида худди ўзидай қопагон ит бормиш. Унга рўпара бўлишдан худонинг ўзи асрасин. Тирик жонни яқин йўлатмасмиш. Сал нарсага милтиққа ёпишармиш...

Нефёдич аёлни гапиртиргани қўймади. Ёқасидан ушлаб силтай бошлади:

— Болта!.. Керосин!.. Тезроқ олиб кел!

— Нефёдич, эсингни йиғ, отагинам, отиб ташлайди. Кейин бизга ҳам тинчлик бермайди. Худо ҳаққи, ўзингни бос, Нефёдич!

Нефёдич уни қўйиб юбориб, саройга кириб кетди. Бир нафас ўтмай газабнок кўзлари чақнаган қария қўлида болта билан чиқди.

Рамазон бир ялиниб, бир буйруқ оҳангида гапириб, газабга минган қарияни тинчлантириб, болтани унинг қўлидан олди-да, уни нащазор томон бошлади.

— Уруш кўрган одам ҳам шунақа бўладими? Будённийда жанг қилганман, дейсизу ўзингизни боса олмайсиз. Бунақа ҳам ҳар қандай одамни эс-ҳушидан айириб қўяди. Сизни айбситмоқчи эмасман. Лекин бунақа ишда шошилиб бўларканми? Сал у ёқ-бу ёққа қараб олишимиз шарт. Бу ҳарсининг уйда қай маҳал бўли-

шини билиш лозим. Ахир у аҳмоқ бўлмаса керак, гуноҳи учун оқибатда хун тўлашини билар. Озгина сабр қилсак, қопга тириклайин, худди мушук боласидек тикамиз, қўямиз.

Ҷария Рамазонга эътироз билдирмади. То қоронғи тушгунча нашазорда яшириниб ётишди. Татьяна Ивановна қишлоқ оралаб топган гапларни етказиб турди. Аммо бу янгиликлар ичида пичоққа илинадигани йўқ эди. Кун, уларнинг назарида, ниҳоятда чўзилди. Ниҳоят, оқшом чўка бошлади. Қоронғилик қишлоқ устига аста-секин ғубор сингари чўка бошлади.

Татьяна Ивановна бу сафар югуриб келди-да, хавотирини яширган ҳолда: «Фельдшернинг уйи олдида қандайдир арава турибди», деб пичирлади.

— Вақт етди, — деди Нефёдич қаддини ростлаб.

— Қизимни ўрмонга кузатиб қўйдим, — деди аёл уларга эргашиб келаркан. — У Вася билан бир кунда комсомолга ўтган. Анови кўппакнинг бундан хабари бор.

— Омон бўл, Таня, бирон кори ҳол юз берса, яхши-ёмон гапларимдан хафа бўлмай айбларимдан ўтиб рози бўлгин. Ўзинг ҳам ўрмонга кетсанг бўларди. Ҳозир мол-мулкни ўйлайдиган вақт эмас.

Кимдир эшикни тақиллатди. Татьяна Ивановна кўз ёшларини артиб изига қайтди.

Нефёдич билан Рамазон ғарамнинг орқа томонидан айланиб ўтиб, фельдшернинг уйига писиб келишди. Нафас ютиб ҳовлини кузатишди. Иккови ҳам кўчада бўзчининг моксидек у ёқдан-бу ёққа юриб турган соқчини қандай гумдон қилсак экан, деб ўйлашиб қолишди. Ниҳоят, бир қарорга келган Рамазон Нефёдичнинг қулоғига шивирлаб: «То ишора қилмагунимча жилманг, соқчини йўқотишим билан уйга бостириб кирамиз», деди.

Рамазон уй деворига биқиниб, дераза томонга аста силжий бошлади. Энди деразадан мўралайман, деганда кўчада шарпа сезилди. Дам ўтмай дарвоза очилиб, олдинда йиғламсираётган икки аёл, орқароқда эса милтиғини елкасига осган соқчи кириб келди. Уй эшиги очилиб, одам қораси кўринди.

— Оҳ, ана, жононлар келишди. Йўлингизга тикилавериб кўзимиз тўрт бўлди-ку!

Ичкарида узуқ-юлуқ куй эшитилди.

Соқчи сирень олдида тўхтаб бошини эгди-да, кафтарини пана қилиб тамаки тутатди. Ичкаридан таралаётган куйга, эркак-аёлларнинг говурига бир оз қулоқ тутиб турди-да, аста-секин қадам босиб кўчага чиқди. Гамазоннинг юраги ўйнади. Томоғига қуруқ йўтал қадалди. Қулоқлари шанғиллади. «Бу аммамнинг бузоғи ҳали кўчада кўп ўтлайдими!»

Соқчи кўздан йўқолди. Рамазон энди бир қадам қўйган ҳам эдики, у яна тўсатдан пайдо бўлди. Буталар орасидан чиқдими ё бошқа ерданми, Рамазон буни сезмай қолди. Соқчи бамайлихотир юриб оғилхона томонга йўл олди. Нефёдич Рамазонни ўша ерда кутаётганди. Рамазон донг қотди. Бирор қарорга келишга ҳам улгурмади. Оғилхона ичида чириган тўнкага тўқмоқ урилгандек бўлди. Кимдир ингради. Кимдир гуп этиб ағдарилди. Рамазон чаққонлик билан уйни паналаб ўтди-да, бир неча сакрашнинг ўзидаёқ оғилхона эшиги қаршисида пайдо бўлди.

— Буниси тайёр...— деди Нефёдич титроқ овоз билан. У узоқ масофани тўхтовсиз босиб ўтган ҳорғин от сингари оғир-оғир нафас оларди.

— Йўқотиш керак. Уйдагилар пайқаб қолишади!

— Ҳа, албатта... Жойини топдим.— Нефёдич шундай деди-да, ҳожатхона полининг тахтасини кўчарди...

\* \* \*

*Худудсиз дарбадарлик кунлари Она Бўри фақат ўз ҳаётида эмас, балки одамлар, ҳайвонлару қушлар макони бўлмиш осуда ерни қандайдир ёвуз куч остин-устун қилиб юборганини англади. Ҳаммаёқ ўлик, ҳаммаёқ совуқ, нурсиз бир либосга бурканган...*

*Аваллари ўй-хаёлларининг, ҳаракатларининг чеки чегараси бор эди. Ов бароридан келиб, ўзи ҳам, болалари ҳам тўқ бўлса бас, дунёнинг жами ташвишларини унутиб унидан чиқмай ётарди. Энди Оқсоқ Бўри ўша ов паллаларини, қулоғини динг қилиб сўнги ҳамлага шай бўлиб писиб ётган дамда вужудида уйғонган шиддат ва эҳтирос ҳисларини, ўлжага ташлашни чоғидаги куч ва эпчиллик таптанасининг меваси бўлмиш ғурурни соғинч билан эсларди.*

У тунги бедорликни хуш кўришини энди сезди. Тун. Итларнинг вовиллаши ҳам тинди. Чўпонларнинг гулханлари учқун сачратиб бирин-сирин аста сўнади. Сокин борлиқда фақат у уйғоқ. Энг кучли, эпчил мавжудот ҳам — у!..

Энди-чи? Энди айни ёз бўлишига қарамай — на ўтлаб юрган пода бор, на итларнинг ҳуриши эшитилади. Борлиқда ҳаёт сўнгандек. Қишлоқлар ҳам ҳувиллаб қолган. Одамлар нима учун чакалакзорларда яшай бошладилар? Тулки, қуён сингари майда ҳайвонларнинг изини ҳам топиб бўлмайди. Ҳатто энг довюрэм бўрилар ҳам турли томонларга бош олиб кетишган.

Бўлаётган воқеаларни англашга Бўрининг ақли қодир эди. Аммо у икки оёқлиларнинг бошига кўп ташвиш тушганини сезарди. Сезмаслиги мумкин ҳам эмасди. Ахир, у бутун умр бўйи одамларга яқин яшарди. Унинг тақдири одамлар билан ипсиз боғланган эди.

Одам одамга ғаним бўлиб қолди. Ўрмон атрофларидаги йўллардан тинмай оқиб ўтаётган бир хил кулранг кийимлиларни кўрганда Оқсоқ Бўри дарров яширинарди. Дастлаб уларга айтарли эътибор бермаган эди. Бир кун боши айланиб, қўққисдан ялангликка чиқиб қолди, кулранг кийимли нотаниш одамлар чунон бақириб-чақириб унга қарата олов учқунлари ёғдиришди. Иккинчи сафар ҳам шундай бўлди. Ўрмонларда яшаётганлар эса бундай қилишмасди. Фақат бақириб-чақириб қўярдилар. Уларнинг хатти-ҳаракатида ғазаб йўқ эди. Бўри буни сезарди.

Айниқса, оқшом чоғи ҳар қандай кимса унинг аҳволини кўриб, қўрқиб кетганини, у фаҳламамасди, албатта. Агар Бўри ўзига четдан туриб қарай олганда эди, жунлари ҳурпайган, тишлари иржайган, бир ёни куйган, қовурғалари саналгудек бўлиб қолган, уч оёқда каловланиб турувчи арвоҳни кўрарди. Бўрининг бу аҳволини кўрган энг ботир овчининг ҳам қўрқиб кетиши ҳеч гап эмасди. Бўри одамларнинг қочишини кўриб ҳайрон қолар, айни чоқда ўзи ҳам қўрқарди. Чунки илгариги куч-қувват, эпчиллик, демакки, дадиллик ҳам уни алақачон тарк этган... Унинг одамларга ҳамла қилиш нияти йўқ. Унга ҳеч нарса керак эмас. Фақат уни ҳоли жонига қўйсалар етарли, болаларини йўқотган ўша ерларда изғишга йўл берсалар бас...

Кун гулхандан отилиб чиққан учқун сингари сўниб, борлиқни қоронғилик ютиб борарди. Яна бир кун йўқотилди... Бу кун қайтмас бўлиб, Федотовнинг ушалмаган орзуларини ўзи билан олиб кетди. Хаёл уни минг бир кўчага бошлар, аммо нурли йўлдан дарак йўқ эди. Қалбини аччиқ алам ва хавотир куйдирадди.

Федотов оёғини авайлаб шамолда йиқилган дарахт устига қўйди-да, узала тушиб яна хаёлга берилди. Яна ўтган кунлардаги воқеаларни кўз олдига келтирди.

Агар у яраланмаган тақдирда ҳам белгиланган маррага етолмас, чунки дивизия улар мўлжал қилган вақтдан илгарироқ чекинишга мажбур бўларди. Бу борада Федотовнинг айби йўқ. Лекин айбсизман, дегани билан енгил тортмайди-ку! Буйруқни ҳам бекор қилиш мумкин эмас. Энди бу лаънати яра битиб кетгунча ўрмонда биқсиб ётишдан ўзга чораси йўқ.

Урушдан икки йил муқаддам махсус мактабни тамомлаб, ғарбий чегарадаги ўқувчиларнинг контрразведка бўлимида хизмат қилган Федотов ғарбий вазиятни Иргалинга нисбатан тузукроқ баҳолай оларди. Балки у яросий кучлари қирқиб қўйилган дивизиянинг Россиядаги ҳимоя қилишга қурби етмаслигини ҳисобга олмагандир. Аммо шундай тахмин хаёлига келган эди-ку? Нимага шуни чуқурроқ ўйлаб кўрмади? Дивизиянинг чекинишини разведка қўмондонлиги яхши билган. Шу сабабли ҳам шаҳарлик ўртоқлар билан алоқани барвақтроқ ўрнатишга киришганлар. Федотов қўллангани, шаҳарда алоқа ўрнатиши лозим бўлган ўртоқларнинг исм-шарифи, турар жойини ёддан биларди. Фақат вақт панд бериб қўйди.

Бу Федотов зиммасига юклатилган дастлабки маъсул вазифа эди. Қилинажак ҳар бир иш, қўйилажак ҳар бир қадам пухта ишлаб чиқилганди. Аввалига иш кўнгилдагидек эди. Федотов аравакаш қиёфасида дивизия штабига қадар етиб олиши, кейин эса шаҳарнинг гавжум кўчаларидан бирида ҳамроҳларини лол қолдириб ғойиб бўлиши, сўнг керакли одамларни топиши лозим эди.

Федотовдан илгари ҳам шундай ишга қўл урилган, у разведка бўлимида бу ҳақда етарли маълумот олган эди. Шаҳардаги маъсул ўртоқлар ёрдамида қуршовда



қисмларини йўқотган аскарларни тўплаб партизан бўлинмалари ташкил этиш аввалига осон вазифадек туюлди. Федотов бундан ҳам хавфлироқ ишга тайёр эди. Ноилож, қўлни қовуштириб ўрмонда беркиниб ётишга мажбур бўляпти. Устига-устак, дивизиядаги майор Иргалинга сирни фош қилиб қўйган кўринади. Бир жиҳатдан қараганда беркинмачоқ ўйнашнинг ҳожати қолмади. Бутун режа кутилмаган табиий офатга дуч келгандек барбод бўлди.

Охир-оқибат у манзилга ета олмади. Оёғидан осколка еди. Суминов ҳам балки унинг асл мақсадида хабардордир? Штабдагиларга ҳам ҳайронсан, одам танлашни билишмайди-я! Қари Нефёдич билан Вася бошга бало бўлишмасайди. Ҳар ҳолда операцияга ҳақиқат берадиган нарсалар сал меъёридан ошди.

Уни оғир ҳаёллар гирдобидан Вася қутқарди. Лейтенантнинг олдига бир бурда нон, қўлбола қолбаса ва кружкада буғи кўтарилаётган чой қўйди. Федотов томоғидан овқат ўтмаса ҳам, сир бой бермай оғзига бир лўқма нон солди.

— Чинакам партизанга ўхшаб кетибсан-ку, а? — деди Федотов Васянинг найзасига ишора қилиб.

Бола бир кечадаёқ таниб бўлмас даражада ўзгарган эди. Эти устихонига ёпишган, кўзлари киртайган, лаблари бир умр кулги нималигини билмагандек қимтилган. У Федотовнинг ҳазилнамо гапига жавобан хўмрайиб қўйиб, тўнғиллади:

— Партизанмиш... Масҳара қиялпсизми? — Вася шундай деб четга қараб тупурди. — Бобом қайтсин, қаёққа кетишни ўзим биламан.

— Қаёққа кетасан, сир эмасми?

— Онамни излаб топаман. Мени кичкина деб билиб, қаёққа кетганини айтмади. Уралга кетяймиз, дейди. Жуда гўл болани топиб олишган-да, ҳеч нарсага ақли етмайди, деб ўйлашади. Агар Уралга бўлса, мени, бувам билан бувимни ташлаб кетармиди?!

— Ишонмаслигинг чакки, ошна. Онанг алдамаган бўлиши керак. Ҳозир кўпчилик шарққа кўчирилди.

— Ҳамма суваракдек тирқираб қочяпти.

— Э, оғайни, сўз танлашга уқувинг йўқроқ экан. «Қочяпти» эмас. Эвакуация қилиняпти. Тўғри, қочганлар ҳам бор. Аммо икки сўз — икки тушунча. Орасидаги фарқ катта.

— Онам ҳеч қаёққа кетмаган. У шу ерда, — деди Вася ўжарлик билан.

— Сен буни қаёқдан биласан?

— Сиз унинг кимлигини биласизми? Район партия комитетининг инструктори ҳозир қаерда бўлиши керак? Албатта шу ерда. Наталья Сергеевна Комарова кўл қовуштириб ўтирадиган аёл эмас!

Федотов боланинг ғурур билан айтган бу сўзларини эшитиб қалқиб кетди. Кружкани ерга қўйиб, Васянинг елкаларидан маҳкам ушлаб олай деди. Лейтенант алоқа ўрнатиши лозим бўлган одамлар орасида Наталья Сергеевна ҳам бор эди. Вася, шубҳасиз, Федотовдаги бу ўзгаришнинг боисини тушунмади. У: «Қалай?!» деган маънода бир кўзини қисиб, бурнини тортиб қўйдиди, лейтенант тикилиб қолди, деб ўйлаб елкасига қоқиб қўйди.

— Утиб кетдимиз?

Федотов дарвор ўзини тутиб олди-да, унга ҳазил билан жавоб берди:

— Гурзига ўхшаган қўлинг тушадию ўтмайдимиз?

— Еу ўрмонда партизанларни минг йил қидирсангиз ҳам тополмайсиз. Улар анови ёқда, — Вася шундай деб, шимол томонни кўрсатди. — Вешкинск ўрмонининг хилват ерларида.

Бола нигоҳини ўзи кўрсатган томонга қадаганча жим бўлиб қолди.

Қиш кунлари осмон тундлашиб, ҳафталаб қуёш кўринмайди. Кишининг юраги сиқилиб юрганда енгил шабада эсади-ю, булутларни ҳайдаб кетади — қуёш чарақлайди. Шабада булутларни эмас, вужудни эътибор турган қоронғиликни қувгандек туюлади. Ҳозир Федотовни худди шундай ҳис чулғаб олди. Кейинги соатлар ичи илк марта кутилмаган қувончли хабарни эшитиб, кўнгли яшнаб кетди. Чигалнинг учини топди. Энди ишнинг жўнашиши аниқ. У вужудининг хавотирдан ҳоли бўлаётганини ҳис қилди. Олма пиш, деб ўтирадиган вақт ўтди. Энди ҳаракат қилиш керак. Аввало тезроқ оёққа туриб олиш лозим. Нёфёдичнинг ажабговур малҳамларию дорилари кор қилгандек бўлиб турибди. Иссиғи тушди, оғриқ ҳам босилди. Агар иш шундай давом этса, тез кунда бемалол юриб кетади. Аммо уни Иргалин масаласи сал қийнаб турибди. Воқеалар тўфони уларни бир-бирига суяб қўйган бўлса-

да, ўжар, бетгачопар, аммо содиқ бу йигитни қисмга қайтариб юбориши шарт. Буйруқ шундай, ўзга иложи йўқ. Ундан ташқари, Федотовнинг режаси бўйича ҳам Иргалин изига қайтмоғи даркор эди. Федотов ундан мутлақо хавфсирамас, аксинча, Иргалиндан ўтадиган ишончли одамни топиш амри маҳоллигига амин эди. Агар Иргалин бўлмаса, худо билади, гуруҳнинг тақдирини нима кечарди. Лекин Иргалиннинг ёрдами маълум босқич учун зарур эди. У вазифасини аъло даражада уддалади. Энди унинг ҳаётини хавф остида қолдиришга Федотовнинг ҳаққи йўқ. Қолаверса, қўмондонликнинг буйруғини фақат фавқулодда вазият юз бергандагина буза оларди.

«Балки мана шу аҳвол фавқулодда вазият саналар?» Федотов ўзини шундай деб алдамоқчи бўлар, энди фатво топдим, деганда қўмондонлик буйруғини эслаб хўрсиниб қўярди. Ҳа, Иргалинни қайтаришга мажбур. Лекин бугун ё эртага эмас, сал кейинроқ, оёққа туриб, керакли ўртоқлар билан алоқа боғлаб, албатта қисмига қайтариб юборади. Иргалиннинг ёрдамисиз, рўйхатдаги ўртоқларни бир оёқлаб қидиришни ўйлашнинг ўзиёқ хомхаёллик...

Федотовнинг хаёллари беихтиёр Суминовга кўчди. Ажаб, бу йигитнинг аблахлигини нимага сеза олмади. Шу қадар ичидан пишган муттаҳам эканми? Энди истасанг, истамасанг, у билан ҳисоблашишга мажбурсан. Балки у шунчаки ўтакетган қўрқоқдир? Агар шундай бўлса, қабиҳлик қилишга ҳадеганда ботина олмайди. Бирон жойда юмронқозиқдек беркиниб ётади, ҳужжатларини ерга кўмиб, пешонасига ёзилганини кутиб кунини ўтказади. Федотов бунақа воқеаларни кўп эшитган. Суминов ҳам шундай одамлар тоифасидан бўлиши керак. Аммо иш чапласидан кетили ҳам мумкин. Агар қишлоқма-қишлоқ дарбадар кезса, оқибатда немисларнинг қонқонига тушади. Улар бу қўрқоқни сиқиб сувни ичишади. Биринчи қийноқдаёқ бор гапни тўкиб солади. Немислар анойи эмас, улар учун яримта нима экан, чоракта гап етарли. Бир илинтиришдими, тамом. Суминов шу яқин орада, деган тахмин ҳақиқатга яқин экан, демак, бу ўрмонни тезлик билан тарк этиш керак. Кейинига худо пошшо. Агар омадлари чоғиб Суминовга дуч келишса гапни калта қилишади.

Федотов беихтиёр маузерга қўл юборди. Назарида дарахтлар пойида таниш кўланка кўрингандек бўлди... Шу пайтда Суминов пайдо бўлганда у нима ҳам қила оларди. Иргалин бўлса бошқа гап...

Федотов кулимсираб қўйди. Одамнинг феъли кўнам қизиқ-да. Бирон ножўя ишга қўл урмоқчи бўласану шу топнинг ўзида баҳона ҳам топасан. Шунақа, ўртоқ лейтенант, яхшиси бу мард йигитни қўйиб юборишга юрагинг бетламаётганини бўйнингга олиб қўя қол. Илгари пўлатдай мустаҳкам мантиқдан четга чиқмасдинг. Нима, энди у занг тортдими? Э, йўқ. Бундай чуқурроқ ўйлаб кўриш керак. Иргалинга жавоб берилди ҳам, дейлик. У қаёққа боради? Омади юришган тақдирда ўрмонда адашиб юрган бирор отрядга йўлиқадию партизанлик қилади. Ҳаммаёқда немис изғиб юрган дамда бундай отрядга йўлиқадими ё йўқми? Шу вазиятда уни изига қайтариш ўлимга юбориш билан баравар эмасми? Ишнинг бу томони ҳам бор. Ҳар ҳолда Иргалин масаласи ҳали унга кўп азоб беради шекилли...

Лейтенант аста ўрнидан туриб ярадор оёғини эҳтиётлик билан босганча оқсоқланиб юрди. Ҳа, бунақа оёқ билан узоққа бориб бўлмайди. Пайи лат еганга ўхшайди. Оёқ босганда оғриқ туриб, худди ханжар сингари бутун баданини тилиб ўтяпти. Азобдан кўз олди ҳам қоронғилашиб кетяпти.

Мана шундай нохуш хаёллар гирдобига тушган Федотов шумуртзорга етиб олди-да, узоқ қидиришдан сўнг айришоҳ топиб синдирди. Агар бу кеч ўрмондан кетадиган бўлишса, бундай қўлтиқтаёқсиз юриши амри маҳол. У жойига қайтди-да, шохнинг пўстини шилиб, ўзини шу иш билан овутиб, кутиш азобидан озгина бўлса ҳам қутулиш ниятида бўлажак қўлтиқтаёқни обдан шошмасдан текислади. Кейин ўрнидан туриб ҳассага суянганча у ёқдан-бу ёққа юриб кўрди. Қадам олиши анча енгиллашибди. Ҳар ҳолда ҳасса ўрнидаги йўнилмаган таёқдан бу анча қулай чиқди. Агар бола алдамаётган бўлса Иргалин билан чол қайтган заҳоти бир дақиқа ҳам тўхтамай Вешкинск ўрмонига — партизанлар ҳузурига йўл олади. Яранинг тузалишини кутиб ўтирмайди.

Ўрмон қоронғилик бағрига синга бошлади. Рамазон билан чолдан эса дарак йўқ. Лейтенант ташвишла-

на бошлади. У Иргалинининг қизиққон йигит эканлигини билгани учун ҳам қишлоқдан тинч қайтмай, бирор кори ҳолни бошлашига амин эди. Чолнинг томорқасида немисни отиб ташлаб, катта йўлда автомашинани портлатган одам қишлоқдан қуппа-қуруқ қайтмаса керак. Ушанда Федотов автомашина воқеасини эшитиб: «Ўзлари зиён-заҳматсиз қолишибди», деб Иргалинга ҳеч нима демаганди. Мана энди, пакетдан қутулиб, бир ташвишдан холи бўлган дамда яна ўша воқеани эслади-да: «Қўпоровчи гуруҳни бошқаришга ундан ўтадиган одам йўқ», деган ўй беихтиёр хаёлини ёритиб ўтди. Вақт ўтиб борапти. Ундан эса дарак йўқ. Агар унинг қизиққонлигига Нефёдич юрагининг алам билан ёнаётгани қўшилса... Хуллас, икки аламзада бир бўлдими, алғов-далғов қилмай қайтишмайди.

Вася Федотовнинг ташвишланаётганини сезиб, унга яқинлашди.

— Маузерни беринг, мен уларни кутиб оламан, — деди у қатъий бир оҳангда.

Федотов ташвишини яшириш учун кулимсиради.

— Маузерни бермайман, Василий. Уни отишни билиш керак. Уларни қаршилаш ҳам шарт эмас. Шу ерда кутамиз.

Федотов пулемётни кўздан кечирди. Предохранителни олди. Ялангликка назар ташлаб, чекиниш мумкин бўлган ерни белгилаб қўйди. Агар душман ёпирилса, эплаб чекина олмаслигига унинг ақли етади. Аммо ёнидаги пулемёт унга бир оз далда бераётган эди. Вася ҳам ҳужумни қайтаришга шай эди. Федотовнинг рад жавобини олгач, ирғиб ўрнидан туриб ялангликни кезиб чиқди.

Атроф бутунлай қоронғилик бағрига сингиб кетди.

Ўрмон ажабтоғур бир сукунат оғушида. Фақат уйқуси бузилган қандайдир қушча патирлаб қолади, синган сурхча шатир-шутур қилиб тушади-да, майса устига оҳиста қўнади. Сўнг оламни ер ютгандек, осудалик ҳукмига бўйсунди. Федотов қалбидаги ташвиш ғалайни эса тобора авж олади. Агар ўртоқлари... қайтишмаса бутун илинжи мана шу малласоч болага боғланади. Иргалинни юбормаса бўларкан. Иргалин кетгач, қўл-оёқсиз одамдан фарқи қолмайди-ку! Нефёдички ҳам ҳисобдан чиқариш инсофдан эмас. Бир қўлли қарияда ҳам гап кўп.

Укки икки марта қичқирди.

— Келишяпти!— Вася шундай деб ўзини чакалакзорга урди.

— Вася!

Федотовнинг буйруқнамо чақириги жавобсиз қолди. Бола бир нафасдаёқ буталар орасида ғойиб бўлди.

Яна укки хунук қичқирди. Лейтенант пулемётни ҳозирлаб ётди. Бир неча дақиқадан сўнг Вася ғойиб бўлган томондан одамларнинг бўғиқ овози эшитилди.

— Тўхта, ким келяпти?

— Бу бизмиз, ўртоқ лейтенант,— деди Рамазон унга жавобан.

Шу ондаёқ учта кўланка дарахтлардан иборат қора пардани ёриб чиққандек, ялангликда кўринди.

— Отахон, бунақада одамнинг юрак ўйноғи бўлиб қолиши ҳеч гап эмас,— деди Федотов ўрнидан турар экан.

Вася эса чолнинг бўш енгидан ушлаб тортди:

— Нимага бунчалик қолиб кетдинглар? Нимага титраяпсиз?

Чол неварасига хўмрайиб қараб қўйди-ю, саволига жавоб бермади. Федотов оқсоқланиб нари юрди. Рамазон унга эргашиб йўл-йўлакай бўлган гапларни айта бошлади:

— Бир сотқинни кутиб кунни кеч қилдик. Собиқ фельдшер экан... Асфаласофилинга жўнатмоқчи эдик, уйига келмади, итвачча. Ҳамтовоқлари бор экан...

— Хўш?..

— Хўш, деганингиз нимаси? Тинчитдик...

Федотов газабини босиш учун тамаки тутатди. «Йўқ, бунақаси кетмайди, оғайничалиш,— деб ўйлади у,— агар ҳар бир одам истаган ишини қилаверса...» Энди Рамазоннинг адабини бераман, деб турганда уми йўтал тутди. Кейин қаршисида Нефёдич пайдо бўлди.

— Ҳамма гуноҳ менинг бўйнимда, командир. Қўй энди, жаҳлинг чиқмасин,— деди у айбдор одамнинг овози билан.— Мен сени биринчи кўрганимдаёқ командир эканлигингни сезганман. Кийиминг бошқача бўлгани билан, қари аскарнинг кўзини алдай олмайсан, ҳа. Лекин сен ташвишланма, лозим экан, тил тиш ҳатламайди. Шу десанг, қишлоғимиз бошига балони худо юбормай, ака шу итдан туғилган фельдшер ёғдирибди. Менинг кампирим ҳам ўша қутурган кўппак важи-

дан... Итга итнинг ўлими даркор эди, бахти кулиб уйига келмади. Лекин у менинг совунимга кир юлмаган ҳали. Чангалимдан чиқиб бўпти!

— У фельдшер эканми?

— Аввал шундай эди. Урушдан сал илгарироқ го-йиб бўлганди. Энди фашистнинг ялоқхўрига айланган. Немислар билан бир пайтда пайдо бўлди, хароми. Узунқулоқ гапларга қараганда полицияга бошлиқ этиб тайинлашибди. — Нефёдич шундай деб Рамазонга ўғирилди. — Ҳамтовоқларининг қоғозларини командирга кўрсат-чи.

Федотов чўнтак фонарини ёқиб қоғозларга кўз югуртирди:

— «Полицияга хизмат қилишга лойиқ одамлар...», «Қизил командирларнинг оилалари», «Тезлик билан ҳибсга олинмиш лозим бўлган хавфли кимсалар...» Уҳ-хў, тузуккина ўлжа билан қайтибсизлар-ку, а? Хўш, демак, сиз ҳозирча дам олинг. Бир мулоҳаза қилишга тўғри келади.

Қария билан Рамазон чайладан жой олиб мудраётган паллада Федотов қўлтиқтаёғига суянганча яланликни кезиб, хаёлида турли режалар тузди. Уй-хаёллар тизгинини бермади. Ниҳоят, у ақл бовар қила оладиган тўхтамага келиш мушкуллигини англади. Режалар беҳисоб эди, аммо ҳаммаси одамларга бориб тақаларди. Ҳеч бўлмаса кичикроқ гуруҳ билан боғланмай туриб бирон ишни амалга ошириш мумкин эмасди.

Федотов Нефёдичнинг елкасига қўл юбориши билан чол дарров уйғонди. Сотқин тузган рўйхатдаги одамларнинг исм-фамилияларини диққат билан эшитди.

— Энг яхши одамларни сотишибди, харомилар.

— Уларни огоҳлантириб қўйиш керак.

— Мен ҳозироқ йўлга тушишим мумкин. Лекин учта қишлоқни айланиб чиқишга улгурелмасам керак-ов...

— Ҳа, мен ҳам шундай деб қўрқаман. Тонг отаё деб қолди. Балки...

— Бекорга иккиланяпсан, командир. Бунақа пайтда чайналиш ярашмайди. Барибир Василийсиз иш битмайди. Ҳамма одамни танийди, оёқларида куч ҳам бор. Уни уйғотавер.

— Нефёдич, очигини айтсам, бошим қотди.

— Бошни кейин қотираверасан,— деди қария қўлини пахса қилиб.— Волани кишанлаб қўйсанг ҳам тинч ўтирмайди энди. Комаровларнинг феъли шунақа ўзи. Насли тоза. Ўзини эмас, одамларни ўйлайдиган хилидан.

— Ҳа, ҳа, албатта, бунга шак келтириб бўлмайди...— Федотов шундай деди-ю, томоғига нимадир қадалиб, гапини давом эттиролмади. Қариянинг юрак-юракдан чиқариб айтган сўзларини эшитиб ҳали нотаниш бўлган Наталья Сергеевна Комаровани, унинг дўстларини хаёлан кўз олдига келтирди. Шу лаҳзада ўзининг оиласи ҳам ёдига тушиб кўнгли ғалати бўлиб кетди.

Бу ерга қайтишни хатарли деб билиб Вешкинск ўрмонида учрашишга келишиб олишди. Қарияни кузатиб келгач, лейтенант чайла ичида гужанак бўлиб ухлаётган Басяга аста яқинлашди. Рамазонни ҳозирчи безовта қилишга ҳожат йўқ эди. Шунинг учун уни уйғотишни лозим топмади.

Вася уйқусида ҳам нотинч эди. Уйқу аралаш нимадир, деб гудранарди. Федотов унга тикилиб қолди, уйғотгиси келмай, устига аста шинел ташлади.

«Ниҳоят, сенинг навбатинг ҳам етиб келди, ўртоқ Василий Комаров. Аслида уруш сенинг юмушинг эмас. Сен айни каптарвозлик қиладиган, ўртоқларинг билан шўхликнинг учига чиқадиغان ёки гаройиботлар ҳақидаги китобларни ўқиб ётадиган ёшдасан... Лекин... Аёйсиз, қаҳрли давр билан юзма-юз келиб қолдинг. Илож қанча?! Қизил командир шу топда ёрдамингга муҳтож. Уйқунгни бузишга мажбурман...»

Ҳа, Васяни безовта қилишни истамаса ҳам уни уйғотишдан ўзга чораси йўқ эди. Федотов Васянинг елкасига қўл юборди-ю, аммо дарров тортиб олди. Бола лабларини чапиллатди-да, уйқу аралаш йиғламсираб: «Ойижон, бувимизни ўлдиришди», деб шивирлади. «Менинг гуноҳимдан ўт, болакай. Буванг битта қишлоқни сенга ишонади. Ҳозир турсанг, улгурасан. Улгуриш керак!»

Федотов унинг елкасини аста туртди.

— Нима дейсиз? Ухлагим келяпти...— Вася шундай деб гудранди-да, ёнбошга ағдарилди, аммо шу сонианинг ўзидаёқ кўзлари мондек очилиб, сапчиб қаддини кўтарди. Афтидан, Наталья Сергеевна ҳам илға-



рилари уни ана шундай беозор туртиб уйғотган, Вася эса ҳозир ўзини сокин уйида ҳис этган эди.

— Василий, бу менман.— Лейтенант раҳм-шафқат ҳисларидан ҳоли бўлиб, боланинг тунги салқиндан титраётган елкасига қўлини қўйиб буйруқ оҳангида гапира бошлади: — Муҳим топшириқ бор.

Вася устидаги шинелни ташлади-да, лейтенантнинг гапларини диққат билан эшитди. Одамларнинг исм-шарифини номма-ном ёддан айтиб берди-да, чакалакзор томонга юрди. Аммо шу заҳотиёқ изига қайтди.

— Қурол бермайсизми?

— Вася, сенга қурол шарт эмас. Бирдан тинтув қилиб қолишса, нима бўлади? Йўқ, сен найзани ҳам ташлаб кет. Битта таёқча кесиб ол, юришинг енгил бўлади,— Федотов шундай деб боланинг нисбатан заиф қўлларини кафтлари орасига олди.— Қайтиб келишинг билан маузерни сенга совға қиламан. Командирнинг чин сўзига ишонавер.

Агар Федотов ўша онда энди Нефёдич билан ҳам, Вася билан ҳам умрбод кўриша олмаслигини билганда болага маузерини бериб юбсрган бўларди. Аммо одам авлиё эмаски, эртанги воқеа унга аввалдан аён бўлиб турса. Бир неча кундан сўнг қария билан боланинг вазифани вақтида уддалаганидан, рўйхатдаги кишиларнинг ўрмонга қочганидан хабар топди. Аммо қасос ҳиссими ёки бўлак нарсами бобо билан набирани қишлоққа тортиб, иккови ҳам фельдшернинг қопқонига тушибди. Уларнинг тақдирлари лейтенант учун қоронғи бўлиб қолаверди.

Умуман олганда лейтенант вазифани бажаришга киришган эди. Қилинажак ишларнинг бир зарраси адо этилган бўлса-да, у Нефёдич ва Рамазоннинг маълумотларига асосланиб маълум хулосага келди: демак, ён-атрофда душмanning ҳаракатдаги армияси йўқ. Бутун куч шарққа ташланган. Бу ерларда эса турли бошқармалару маҳаллий полиция бўлинмалари ташкил этилган. Душмanning харомхўрлари яқин орада қора ниятларини амалга ошира бошлайдилар. Аввалига, албатта, молҳол, озиқ-овқатга чанг солишади. Тезлик билан отрядлар ташкил этиш, жанглардаги ўлжа қуролларни тўплаш керак. Энди Федотов, Рамазон,

қолаверса, Нефёдич билан Васянинг ёрдамига муҳтожлик сезди. Ҳозирча энг муҳими — катта ўрмонга етиб олиш...

Федотов разведкада икки йилгина хизмат қилганди. Аммо шу вақт ичида энг муҳим қондани — бу соҳада майда иш бўлмаслигини, биринчи галдаги вазифа билан иккинчи даражали ишни айириш мумкин эмаслигини аъло даражада ўзлаштириб олган эди. У бегона кўздан панадаги, алоҳида эътибор ва масъулият талаб этувчи хизматининг ўзига хос талабларига ҳам қисқа муддат ичида кўникиб кетганди. Федотов буйруқни кўр-кўрона бажариши эмас, аксинча, вазиятни таҳлил этиш, тегишли хулоса чиқариш, энг майда икки-чикирларни ҳам ҳисобга олгандан кейингина ишга киришиши зарурлигини яхши биларди.

У мана шу хизмат йўлида ўз манфаатларидан ҳам воз кечган эди. Очиргани айтганда, таҳлил чоғида ҳам, ундан кейин ҳам тез-тез: «Шу касбни танлаб тўғри қилдимми?» деган ўй исканжага оларди. Федотов хизматининг нозик сир-асрорларини ўзлаштира борган сари, болаликдаги жасур чекист бўлиш орзуси тобора йироқлашиб, рангин жилоларини йўқотаётганини ҳис этарди. Йўқ, бу мутлақо пуч хаёлнинг емирилиши эмас, зеро Федотов танлаган ишда пуч хаёлга ўрин ҳам йўқ. У фақат орзунинг болаликда англаб етмаган қирралари билан юзма-юз бўларди. Совет ҳокимиятини қўпориб ташламоқчи бўлган оқгвардиячи қулоқларнинг ёвуз гуруҳлари аллақачон емирилган. Федотов жиллақуримаса хорижий разведкага қарши иш юритувчи ҳам бўлмади. Армия штабидаги махсус бўлимга тайинланди. Бу ерда писиб ётган душманга қарши қўққисдан ҳужум қилиши, сўнг ғалаба нашидасини тотиш ҳам, ҳаёт-мамот учун юзма-юз олишувлар ҳам йўқ эди. Болалик орзуси хира тортгани билан у ишдан пича бўлса-да, совимаган, аксинча ҳар бир топшириқ масъулиятини ҳис қилиб, астойдил бажарарди.

У кўз очган шаҳар Волга бўйида эди. Дарё шаҳарни қоқ иккига бўлиб ўтган, агар бола зоти қорин, кийим-бош ташвишини қилмаса, беармон яшайдиган жой эди. Унинг отаси гимназистлигидаёқ инқилобий ҳаракатга қўшилган. Гражданлар урушида комиссар бўлган, уйга кўкрагини орденларга тўлдириб қайтганди. Етти пушти ишчи сулоласига тақаладиган онаси эса

бир амаллаб савод чиқариб олган эди. Ота-онаси ташқи қиёфада ҳам, интилишда ҳам бир-бирига ўхшарди. Ҳатто иккови бир хил хасталик билан — юраклари ёрилиб бу дунёдан ўтдилар.

Федотовнинг амакиси ҳарбий учувчи эди. У Испанияда ҳалок бўлди. Қора денгиз флотидаги акаси қардадир жанг қилаётган бўлиши керак.

Эндигина йигирма тўрт ёшга кирган Федотов бўйдоқ эди. У бола чақалик бўлиб кетган дўстларининг пичингу кинояларига заҳарли сўзлар топиб жавоб берар, аммо ёлғизлик дарди ич-этини кемирарди. «Ойла — разведкачи учун ортиқча ташвиш», деган алмисоқдан қолган «ҳикмат»ни неча бор такрорлар, аммо қадрдон уйининг бўш ётганини эслаганда юраги увишарди. Ёш командир таътилга келган онлари ҳувиллаган хоналар бўйлаб узоқ юрар, қалбига яқин сиймоларни кўз олдига келтириб сиқиларди. Ана шунда «ёлғизлик» деган иборанинг бутун нохушлигини, даҳшатини ҳис этарди. Аммо бир нарсага ақли бовар қилмасди. Четдан қараганда у муҳаббат оловида ёнувчи ёшдан ўтган, аммо ҳалигача бирон қиз ҳажрида ўртанмаган, таниш, нотаниш гўзалларнинг ўтли нигоҳи юрагини пораламаган эди. Ота-онаси муҳаббатни муқаддас нарса, деб билишар, ҳатто шу иборанинг ўзини ҳам алоҳида бир эъзоз билан тилга олишар, болаларини ҳам шу руҳда тарбиялашар эди. Севги-муҳаббатга енгил-елпи қарамаслик руҳи Федотовнинг қон-қонига сингиб кетган. Шунинг учунми, қизларга кўнгил қўйиши хийла мушкул эди. Баъзан бу зоҳидларча феълига таҳсилнинг мураккаблигини, хизматнинг ўзига хослигини, масъулиятини сабабчи деб биларди.

Хуллас, ҳали у-ҳали бу баҳона бўлиб, уйланишни галга соларди. Бир юракка бир муҳаббат даркор эрур, деганларидек, уруш арафасида юраги бир лов этдики, бедаво дардга йўлиққанига дастлаб ўзи ҳам ишонмай қолди.

Федотов бу қиз билан апрелда, она шаҳрига келган чоғида танишди. Очиғи, «танишди» дейиш бир оз ноўрин. Чунки Люба уларнинг девор-дармиён қўшниси, Федотов ҳар келганда у билан учрашар эди. Ҳатто ўқувчилик йиллари қиз билан неча бор қайиқда сайр қилган, балиқ овига, баъзан дарсдан қочиб киноларга ҳам борган эди. Федотов билим юртини тугатган йили

Люба ўнинчи синфда ўқирди. Бу йил институтга кирганди.

Баҳор сувларини бағрига сиғдира олмаган тошқин Волга бўйлаб қайиқда сайр қилиш имкони бўлмагани учун улар кетма-кет кинога тушишди. Оқшомлари ё театрга боришарди, ё куртаклар ҳидига тўйинган, дарёдан эсаётган шабада ўйноқлаб юрган боғда сайр қилишарди. Бунақа пайтда вақт оқимини тутиб бўлмайди. Таътил гўё кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади. Илгари таътилнинг тезроқ тугашини кутувчи йигит бу сафар, ўзи ҳам тушунмаган ҳолда, кунларнинг гез ўтишидан норози эди. Ниҳоят, қайтар чоғи ҳам етди. Федотовнинг юраги сиқилиб, камсасиз хоналар бўйлаб узоқ юрди.

Люба нима учундир кузатгани чиқмади. Федотовни турли ўй-хаёллар кемириб ташлади. Ҳаммадан ҳам юрагидаги гапларни, дардини очолмай қайтаётгани бағрини куйдирарди. Балки айтмагани яхши бўлгандир? Ахир бундай гўзал, ақлли қиз ҳажрида фақат Федотов куйиб-ёнмаётгандир? Унинг хушторлари соч мингтадир? Аҳмоқона бир тарзда муҳаббат изҳор қилиб, оғзини очиб қолмаганига шукур қилиш керак.

Федотов ўзини шундай ўй-хаёллар билан овутди. Бироқ хизмат жойига келгач, соғинч ўти аланга олиб, чидаб бўлмас даражада қалбини куйдирди. Хизмат ташвишлари ҳам, қизларнинг беқарорлиги ва яна юзлаб бемаъни хислатлари ҳақидаги ўйлари ҳам бу ўтти ўчира олмасди. Икки ҳафта муттасил азоб чекди. Охири чидай олмай, хат ёзди. Жавоб кутилмаганда тез келди: «... мен ҳаммасини биламан. Ўзим ҳам сени минг йилдан бери севаман...» Қизнинг хати қора булутни ёриб чиққан қуёшдек қалбини ёритди.

Шундан сўнг у ҳар куни хат оладиган, ҳар куни жавоб ёзадиган бўлди. Севишганлар учун узоқ масофа қўрқинчли тўсиқ эмасди. Икки юрак бир-бирига ҳамоҳанг бўлди, ташвишлар ҳам, ўй-хаёллар ҳам бирлашди. Люба таътилда бу ерга келиши, унинг тақдири ҳал бўлиши лозим эди. Тўйнинг ҳиди келиб турганди...

«Ҳозир хаёлга бериладиган дам эмас», дегандек, дарахт шохларини шитирлатиб шамол турди. Федотов ширин хаёлларини чўчитиб юборишдан қўрққандек, юзини аста силади. Ҳа, орзулари беҳад узоқлашди, балки бу умидлар ушалмас бўлиб кетгандир? Ҳали

уруш сўқмоқлари уни қаерларга элтади. Уруш Любанинг бошига қандай ташвишлар ёғдиради?..

Федотов бош чайқаб хаёл тузоғидан қутулмоқчи бўлди. Урнидан турди. Қўлтиқтаёққа суяниб чайлага ақинлашди. Рамазон ҳам уйғоқ ётган экан.

— Йўлга тушишимиз керак,— деди Федотов ён-атрофдан келаётган хавотирли товушларга қулоқ тугиб.

— Сиз ухламадингизми?

— Ухлолмадим,— Федотов шундай деб ярадор оёғини узатиб, унинг ёнига ўтирди.— Иргалин, вазият анча мураккаблашди. Менинг кимлигим сенга аён бўлгандир, а?..

— Мен бир кўришдаёқ сезгандим,— деди Рамазон қаддини ростлаб, сочларини панжаси билан тараган бўлиб.— Аравакашимиз ғалатироқ, деб кўп ўйладим.

— Бекор айтибсан, ҳеч нима сезмагансан!— деб юборди Федотов беихтиёр.— Сендақа Шерлок Холмлардан ўргилдим. Қария ҳам, сен ҳам салкам авлиёсанлар...

Федотов Рамазон гапидан аччиқланган бўлиб кўринса-да, аслида ўзидан-ўзи норози эди. Икки оддий одам либосингга эътибор бермай кимлигини сезибдими, бу демак, разведка бобида хом экансан деган гап.

— Хафа бўлма. Шунчаки айтдим-қўйдим. Хўш, тақдиримиз тўрва халтасида нима қолди. Энг муҳим юкдан холи бўлдик — пакет эгасининг қўлига бориб етди. Шу яқин орада партизанлар бўлиши керак. Лекин... капитан шаҳид кетди. Суминов қочди, мен эса ярадорман. Тарози палласи биз томонга босмас экан.

— Хароми Суминов қўлимга тушса борми...

— Қўлга тушадими ё йўқми, уни ҳозирча ҳисобдан чиқарамиз. Аммо оғайни, орқага ёлғиз қандай қайтишингни билолмай гарангман.

— Яна ўша гапми? Ё менга ишонмаяпсизми?

— Буйруқ шундай...

— Ҳеч қаёққа бормаيمان, ҳе, буйруғингиздан,— Рамазон ўзи сезмаган ҳолда сачраб кетди. Бироқ дарҳол ўзини тутиб, босиқроқ оҳангда гапира бошлади: — Кечиринг, ўртоқ лейтенант, айбдорман. Ахир, ҳозир изга қайтишнинг беҳуда эканини ўзингиз ҳам тушуниб турибсиз-ку! Хўш, ҳозир немисларнинг қаердалигини биласизми? Жангоҳни қандай кесиб ўтиш мумкин?

Хатто снаряд овозлари ҳам эшитилмаяпти, сезяпсизми? Осмондан фақат немис самолётлари учиб ўтади. Узингиз вазият ўзгарди, деяпсиз. Шу аҳволда қаерга бормоқчисиз?

— Ҳа, оғайничалиш, аҳволимга маймунлар йиғлайди,— деди Федотов хўрсиниб.— Майли, бир гап бўлар, етти офатга бир жавоб деганлар-ку.

— Ана энди ўзингизга келдингиз. Аммо ўртоқ лейтенант, мулоҳазага жуда эрк берар экансиз.

Федотов унинг киноясини тушунса-да, эътибор бермади.

— Менинг бундай қилишга сира ҳаққим йўқ, чунки энди сени қисмингдагилар «бедарак йўқолганлар» рўйхатига тиркаб қўйишади.

— Бе, бедарак деганингиз нимаси ахир, мен боғланмаган бузоқмидимки, дарбадар йўқолсам. Ахир мен сиз билан биргаман-ку!

— Агар дайди ўқ мени олиб кетса-чи? Унда нима қиласан? Додингни кимга айтасан? Иссиқ ертўлада беркиниб ётмаганингни қандай исботлайсан. Ҳозирги вазиятда кавлаштириб, текшириб, ўтиришмайди... Калта ўйламаслик керак, Иргалин.. Энди менинг мақсадимга келсак, менга... оддий вазифа эмас... партизанлар ҳаракатини оёққа қўйиш топширилган. Мен сенга ишонаман, лекин...

— Шунисига ҳам раҳмат! Бошим осмонга етди! Жуда таскин бердингиз-да, қуллуқ, минг карра қуллуқ!— Рамазон шундай деб бош эгди.— Бу ҳимматингизни умр бўйи унутмайман.

— Ҳаддингдан ошма! Унвони улуғроқ одам билан гаплашяпсан!— Федотов шундай деб ўрнидан туриб кетди.

— Айбдорман... Агар кет, деб буюрсангиз, кетавераман. Лекин яхшими, ёмонми, мен ёрдамчингизман. То ишлар юришмагунча сиз билан қоламан. Сўнг, Ватан нимани буюрса, сўзсиз бажараман. Кейинроққа бориб қўғирчоқ ўйнамаётганимни полкимга хабар қилиш мумкин-ку. Вақти келиб рация, самолётлар билан алоқа боғланар, ахир?

— Рация, самолётлар...— Федотов ҳорғин кулимсиради.— Хўп, майли, шу қарорга келдик.— У шундай деб омбирдек панжалари билан Рамазонни биллагили сиқди.

Рамазон Нефёдичнинг қопчиги билан пулемётни елкасига олди. Ҳар бир товушга зийраклик билан қулоқ тутиб, ҳар бир бутага кўз толадиган даражада боқиб, ўта эҳтиётлик билан юрдилар. Дарахтлар хийла сийраклашди. Тонгнинг беғубор ҳавоси димоқларига урилди. Бирдан уларнинг қаршисидан ғалати кўланка югуриб ўтди. Рамазон автомат тепкисини босиб юб-рай деди.

— Ит шекилли? — деди Федотов шивирлаб.

Кўланка бир оздан сўнг орқада пайдо бўлди. У аскарлардан сал нарида тўхтаб, ҳеч бир чўчимай қараб турди. Рамазон лейтенантни олдинга ўтказиб ўзи орқа-роқда қолди. Кўланка уларга эргашди. Бир оз юриб тўхтади-да, бўйнини чўзиб увлаб юборди.

— Тфу, шайтон! Ахир, бу бўри-ку! — деди Рамазон тупуриб. — Суминовнинг ўтакасини ёрган Оқсоқ Бўри эсингиздами?

Бўри одамларни бамайлихотир кузатар, узиб ташланган оёғи титрарди. Бўри шу зайлда пича турди-да, худди ит каби гингшиди.

— Қопқонга тушганга ўхшайди, — деди Рамазон.

— Балки минага дуч келгандир...

— Ҳатто ҳайвонларнинг ҳам ҳаловати бузилгач. Нималар бўляпти ўзи, а?!

Рамазон беихтиёр автоматини асабий равишда қаттиқ сиқди.

\* \* \*

*Одамлар олға қараб кетдилар.*

*Болалари дардида юраги тилка-тилка бўлган нажотсиз Она Бўри яна тўшугини чўзганча алам билан увлади.*

*Рамазонга бу она-Ернинг бутун жондорлари, ўрмону кўкатлари билан бирга торгаётган ноласидай бўлиб ўшитилди.*

\* \* \*

### ИККИНЧИ ҚИСМ

Суминов ўзига келди. Бироқ қаерда ётганини, нима учун боши оғриётганини, нима сабабдан томоғи қуруқшаб қолганини англай олмади.

У зўр-базўр кўзини очди. Атрофга аланглади: мўъ-жаз яланглик ўртасида ёлғиз ётибди. Қуёш атайин унинг бошини мўлжалга олгандек, тикка туриб олган. Эсаётган шабада ҳам илиқ. Чинорнинг пайдор, йўғон шохлари ҳорғин, худди тақдирдан нолигандек гижирлаб қўяди. Қуёш нурларига юз тутган япроқларни паналаган қушлар тинмасдан чуғурлашади. Баъзан шабада ҳам, қушлар чуғури ҳам тиниб, атрофга осудалик чўкади. Суминовнинг томоғидан чумолими ё қўнғизми ўрмалаб қитғини келтирди. Аммо уни олиб ташлаш учун қўлни қимирлатишга қурби етмади.

Бу қанақаси бўлди?! На оёқни, на қўлни қимирлатишнинг иложи бор. Худди бутун танасидан жон чиққандек. Ҳатто қуриб қолган лабларни ҳўллаш ҳам мумкин эмас. Тилини чиқарай деса, қуруқ бир нарсга тегади. Ташналикни қондиришнинг сира иложи йўқ.

Суминов эсини йиғиштириб олишга ҳаракат қилди. Ажаб, қўллари қайрилиб боғланган-ку! Оёқлари ҳам тўпиқдан то сонга қадар чандиб ташланган. Оғзига эски латта тиқилганга ўхшайди. Тушими бу, ё ўнгими? Ёки бирон сафдоши ҳазил қилдими? «Лаънати бекорчилар, шунақа ҳам қўпол ҳазиллашадими, а?»

«Тўхта, тўхта,— деди ўзига-ўзи Суминов.— Нина қаерда қолди? Бу ерда бошқа гап бор. Қани, бир бошдан эсла-чи...» Демак... аввал у Германияга жўнатилиши лозим бўлган, айюҳаннос солаётган аёлларни уриб, туртиб машинага чиқарди. Кейин уйига, тўғрироғи, собиқ қўналғасига қараб юрди. Остонада Нина турган экан. Ҳа, Нина дастурхон тузатиб кутаётган экан. Стол устида самогон, егулик нарсалар сероб эди. Суминов қалбини безовта қилиб қўйган овозларни бўғиш учун кўп ичди. Нина эса атрофида гирдиқапалак бўлиб: «Қанақанги эркаксан ўзинг, бир шиша самогонга ҳам ярамай қолибсан-ку. Қани, жоним, бир кучингни кўрсат», деяверди. Кейин нима бўлгани эсида йўқ. Демак, ҳаддан ташқари ичиб, эсини йўқотибди. Энди атрофи дарахт билан ўралган ялангликда ётибди. Туш кўряптими ё алаҳсираяптими?

Япроқларни оралаб ўтган нур тўғри кўзига тушди. Боши қизиди. Салқинроқ ерга сургалиб ўтишни орау қилиш ҳам мумкин эмас. Хаёлига: «Партизанлар тузоғига илиндимми», деган фикр келдию баданидан совуқ тер чиқди. У аввалига ҳар бир қилғилиқнинг



ниҳояси бўлади, деб тақдирга тан бермоқчи бўлди. Бироқ шу оннинг ўзида бу бемаъни фикрни хаёлидан қувиб, «қандайдир англашилмовчиликдир», деб қўйди... Боши тарс ёрилай дейди. Томоқ қақраган. Агар озгина ухласа, ҳаммаси ўтиб кетарди. Суминовни уйқу, йўқ, мудроқ элтгандек бўлди.

Орадан бир нафас ўтдими ё бир соатми, Суминов англай олмади. Шу яқин орада ниманингдир шитирлашидан чўчиб уйғонди. Жон аччиғида юмаланиб, тўнкага урилди. Нафаси қайтиб, хириллади. Кайфи учди.

Ундан бир неча қадам нарида қуёшга юз тутган оқсоқ бўри ундан кўз узмай ўтирарди. Суминовнинг юзидан қон қочди. Бу лаънати бўрига неча бор дуч келиб, неча бор сувдан қуруқ чиқди. Барибир тинч қўймайди бу қонхўр. Наҳотки, энди...

Суминов нимадир демоқчи бўлди. Аммо қуриб, ишииб қолган тили айланмади. Қандайдир ачимсиқлатта то томоғига қадар қадалиб турарди. У жонҳолатда бош чайқаб яратгандан шафқат сўради. Суминов умрида кўп марта ўлим билан юзма-юз келди. Бироқ ҳар сафар омад кулиб Азроилга чап берди. Наҳотки бу сафар омад қушини бой берган бўлса...

Ўлимнинг нафаси ёноқларини ялаб ўтгандек бўлди. Вужудини ёввойи бир қўрқинч қамради. Ҳозирга қадар бу ерга келиб қолиши боисини ўйлаб ётган эди. Бўрининг ўткир нигоҳи унинг барча ўй-хаёлларига барҳам берди қўйди. Юраги ярадор қуш каби потирлади. Бадани совуқ тердан жиққа ҳўл бўлди. Қани энди имкони бўлса-ю, қўл-оёқларини бўшатиб, маза қилиб керишса, чуқур, бағрини тўлдириб, тўйиб-тўйиб нафас олса. Ҳаво аксига олиб бугун очилиб турибди. Ҳаммаёқ гўзал. Ўтларнинг ҳидидан бош айланади... Мана шу дарахтлар орасидан ўтган ҳар бир сўқмоқ ҳам уни қишлоққа олиб борган бўларди. Қайси қишлоққа бориш у учун барибир эди. Мана шу қонхўр чангалидан қутулиб, одамлар орасига бориб олса, минг марта шукур қиларди. Шу топда қалбини нотаниш бир ҳис — одамларнинг овозини эшитишга илҳақлик ҳисси қамраб олди. Қорнида пайдо бўлган қандайдир совуқ оқим бағрини музлатиб, томоғига қадалди. У инграб кўзини кўмди.

Оқсоқ бўри бирдан сапчиб оёққа қалқди. Қулоқла-

рини чимирди. Сўнг кескин орқасига бурилиб, буталар орасида ғойиб бўлди. Суминов кўз ёшларига эрк берди.

Қуёш нурига чўмилаётган ўрмон юзига сокинлик пардасини тортди.

Пакетни топшириб қайтишгандан сўнг Иргалин чайлага кириб Федотов билан узоқ пичирлашиб қолди. Бу, тоқати тоқ бўлиб юрган Суминовнинг юрагига ханжар каби санчилди. Йўқ, энди сайру саргардонликни бас қилиш вақти етди. Улим билан беркинмачоқ ўйнаш жонига тегди. Ё бир амаллаб ҳаракатдаги қўшинларга етиб олиш керак, ёки бирор ўрмончининг уйданми, қишлоқданми бошпана топиб, бу довулнинг тинишини кутиш керак. Пакетни топширишдими, топширишди! Буйруқ худди рисоладагидек адо этилди. Қўмондонлик олдида ҳам, ҳатто худо олдида ҳам юзлари ёруғ. Хўш, буларга яна нима керак?!

Дарвоқе, у Қизил Армия жангчиси эканини инкор этмайди. Қасамёд этгани ҳам ёдида. Лекин у ўшанда ҳали кўзи очилмаган кучукдек ожиз эди. Ҳаёт эса аёвсиз ва шиддатли экан. Наҳотки чайлада пичирлашаётган икки «донишманд» тарози палласи қаёққа оғаётганини сезмайдиган даражада тентак бўлишган? Ҳамма нарсани куч-қудрат ҳал қилади. Агар немислар шу тарзда боришса, бирон ҳафталарда Москвани ҳам эрмакка босиб олишади. Қизил Армия қайда қолди? Ҳа, ана, сичқоннинг инини ижарага қидириб юрибди. Қора денгиздан то Болтиққача шу аҳвол...

Ҳам уйқусизлик, ҳам қўрқув исканжасига тушган Суминов тонгга қадар бесаранжом ётди. Чувалган ўй-хаёллари ипга тизилиб, бир хулосага келди: Федотов аравакаш эмас, Иргалиннинг ҳисоб бераётганини, ҳа-ҳа, айнан унвони улугроқ командирга ҳисоб бераётганини ўз қулоғи билан эшитди. Аввалига Иргалин яна қитмирлик қилиб Федотов устидан куляпти, деб ўйлади. Кейин диққат қилса, ҳисоб оҳанги жиддий. Агар каллани дурустроқ ишлатиб кўрилса, коса тагида нимкоса борлигини англаш мумкин. Ажаб, ажаб, йўлда капитан Федотовни нима учун «лейтенант» деди. Янглиш айтдимми? Майор Орлов -чи? Йўқ, Суминов ёш бола эмас, бировнинг касрига қолишни истамайди. Бунақанги найранг унга тўғри келмайди!

У қуршовни ёриб ўтган чоғларини эслади.

«Қип-қизил аҳмоқсан, — деб ўзига-ўзи дашном берди. — Шундай вазиятни бой бериб, лалайиб, юрибсан, фирт аҳмоқсан!»

...Суминов билан ҳамроҳига қишлоқ пойига жойлашиб, батальоннинг чекинишига имкон яратиш вазифаси юкланди. Буни Суминов ноҳақлик, деб билиб, ғоят оғринди. Тўғри-да, батальонда ундан бўлак пулемётчи йўқми?

Батальон дарахтга бурканган тепаликлар ортига ўгиши билан Суминовнинг қароргоҳи атрофида чинакам қиёмат бошланди. Суминов пулемётидан учган ўқларга жавобан мина ёғилар, душман ўқи ўт-ўлани ўткир чалғи сингари ўрар, дарахтларнинг нозик сурхлари ширт-ширт узилиб тушарди. Ҳаммаёқни ачимсиқ дуд ва чанг-тўзон босган эди. Бу манзарадан Суминовнинг вужудида қўрқув уйғонди. Кейин «Куним битди», деган хаёл бутун баданини музлатиб юборди. У пулемётига телбаларча ёпишиб, нишонга ҳам олмай, бир зумда ўқларни тугатди. Душмандан кўзини узмаган ҳолда ўқ сўраб шеригига қўл чўзди. Ўртоғи ҳадеганда ўқ узатмади. «Тезроқ қимирласанг-чи!» деб бақирди Суминов. Жавоб бўлмади. Суминов орқасига ўгирилиб, бақириб юборди. Шеригидан оққан қон қўлмакча ҳосил қилишга улгурган, ўлим билан олишаётган иккинчи пулемётчи фақат «сув... сув» деб пичирларди. Немислар эса тобора яқинлашардилар.

Суминов, бир нафас, ҳа, бир нафасгина довдираб қолди. Оёғидан жон чиққандек бўлди. У ваҳима билан атрофга аланглади. Сўнг жонҳолатда пулемётини судради-да, ўлар ҳолатдаги дўстини ҳам унутиб орқага чекинди. Суминов илон сингари қорнини ерга бериб қанча судралганини билмайди. Кўп тиришиб, ҳаракат қилгани билан узоққа кетолмаган экан: елкаси оша орқасига қараганда немисларни бутун бўй-басти билан кўрдию қолган-қутган эсидан ҳам айрилди. Беихтиёр ирғиб ўрнидан турди-да, энкайганча ўрмон томон югурди. Ўқ ёмғири изларига қадалди. Автоматчилар бўғиқ овоз билан узоқ қичқирдилар. Аммо шу топда Суминовнинг кўзига ҳеч нима кўринмас қулоғига ҳеч нима кирмас эди. Ҳушидан айрилган қочоқ қаёққа кетаётганини ҳам билмасди. Ниҳоят, мадорсиз оёқлари ўзига бўйсунмай чалишди. У буталар устига юзтубан йиқилди. Суминов пойгадан қайтган от каби ҳансирар,

юраги потирлаб уриб, кўкрак қафасини ёриб чиққудек бўларди. Шу зайлда номаълум бир дунё бағрига сингиб кетди.

Ҳушига келиб, аввалига ҳеч нимани англамади. Фақат ўлик сукунат уни ҳайратга солди. Ҳозирги тўстўполондан кейинги бу осудалик ҳар қандай шовқиндан устунлик қиларди. Ўрмоннинг бу сирли сукунатидан қулоқ шанғилларди. Суминов чалқанча тушди. Кўз олдида наъматак гули чирой очди. Худди ҳозирги ола-тасирдан сўнг жаннатга тушиб қолгандек ҳис этди. Худди даҳшатларни тушида кўргандек, бу атрофда уруш ҳам, қон тўкиш ҳам йўқдек туюлди. Суминов қўлларини ёйди. Мох босган дўнглик пар ёстиқдек юмшоқ эди. Бадани ором олиб лаззатланарди. Кўз олдида наъматак гули. Унинг ортида кўм-кўк покиза осмон. Ҳар бир ҳужайраси ҳаёт нашидаси билан нафас оларди. «Тирикман, бус-бутунман!» деган бахтиёр ўй унинг куч-қувватини қайтарарди.

У ҳатто темир қалпоқли, кўзлари чақчайган, оғзиларидан салкам кўпик сачратиб бақираётган одамларга яна рўпара бўлишни хаёлига келтиришдан ҳам чўчирди. Портлашлар зарбидан тилкаланган Ер худди тик туриб осмон билан қўшилиб кетгандек бўлади. Суминовнинг юрагига яна ваҳима оралади. У: «Йўқ, минг маротаба йўқ», деб пичирлаб, кўзларини юмиб олади. Дам ўтмай яна кўзини очади. Ҳамма нарса жой-жойида. Осмон покиза. Ўрмон осуда. У энди эртанги тақдирини ҳақида ўй сура бошлади. Агар бўйин эгсанг, тақдир сени хас-хашакдек учириб, ҳар балога олиб бориб ураверар экан. Йўқ, бунақаси кетмайди. У ҳали эсини еб қўйганича йўқ. Тақдир исканжасига бўйин бермай ўзи ҳақида ҳам ейиш пайти келди. «Тамом, ҳар қандай тақдир ҳазилларига нуқта қўяман!» деган қатъий қарордан Суминовнинг ўзи ниҳоятда руҳланиб кетди. У қаддини кўтариб ўтирди. Ботинкасининг хом теридан ишланган ипларини бўшатиб, обмоткани тиззасига қадар қайтадан яхшилаб ўради. Кейин: «Яна бирон соат дам олгач, йўлга тушарман» деган қарорга келиб дўнгликка ёнбошлади.

...Қуёш мағрибга бош қўйди. Суминовнинг қорни очиб, ичаклари ачишди. Ўйлаб қараса, кечадан бери туз тотмабди. Алғов-далғов, ундан кейинги ҳордиқ билан бўлиб очиққани сезилмаган эди. Мана энди ўзини

хотиржам сезгач, иштаҳаси ҳам очилди. Олма пип, оғзимга туш, деган билан қорин тўйиб қолмайди. Нимадир қилиш керак... Суминов ўрнидан туриб пулемётини елкасига олди. Шу пайт чакалак орасида нимадир шитирлади, қуруқ шох-шаббалар синди. Нимадир бўғиқ гингшиди. У Оқсоқ Бўрига худди ўша кунни, худди шу зайлда дуч келган эди. Қиёмат қойимдан қутулиб, шукур қилаётган одам учун Бўри билан учрашиш — ўлганнинг устига тепган бўлди. Бўри гўё ҳамма нарсани — танкларнинг юракларни ларзага солувчи гулдирашини ҳам, пулемётларнинг тириллаши-ю, ярадорларнинг оҳ-воҳини ҳам, мурдаларни, бағри тилинаётган Ернинг безгакдек титрашини ҳам ўзида мужассам этгандек эди. Ўша дастлабки учрашувдаёқ бўри Суминов учун даҳшат ва ўлим рамзига айланди...

Суминовнинг қандай бўлмасин тирик қолиш учун жон-жаҳди билан уринишини «ҳаётга нисбатан чанқоқлик», деб изоҳлаш мумкин эмасди. У қарама-қарши ҳислар гирдобига тушган, ўлимдан ҳам, янги ҳаётдан ҳам бирдек қўрқарди. Шох-шаббанинг шитирлаши, қушларнинг бехос сайраши, ўрмоннинг қоронғи овлоқ ерлари — ҳамма-ҳаммаси ундаги ваҳимани алангалатарди. У даҳшатдан титраб-қақшаб хатарнинг ўтиб кетишини кутарди. У ўқсиз пулемётини дам орқалаб, дам судраб икки кеча-кундуз ўрмонни дарбадар кевди. Кийимлари йиртилди, очликдан эти устихонига ёпишди, ташналикдан томоғи қақшади. Икки кунгача бирон қишлоққа чиқишга юраги дов бермади. Силласи қуриган сари: «Эгилган бошни қилич кесмайди», деган нақл онгига тобора қуйилиб, михланиб бораверди. Ҳар ҳолда немислар ваҳший ҳайвон эмас, одам-ку. Балки ўлдирмаслар. Оддий қизил аскарни ўлдириб нима барака топишарди...

Баъзан эса, жондан тўйган кезлари жанг майдонида ўзини йўқотиб, ўқ ололмай қочганига афсусланди. Агар ўқ бўлганда бунчалик азобларга бўйин бериб қўймасди. Ботинкасини ечиб, бармоғи билан тепкини босарди, тамом. Оқий талвасадан сўнг роҳати тугаб, фақат азоби қолган бу дунёдан батамом қутуларди.

Ҳа, ҳаёлан барча иш осон кўчади. Кунни кеча ўлимдан қочган, то ҳануз қочиб юрган, иродасиз одам ўзини-ўзи ўлдирishга журъат қила олармиди? Суминов бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмасди. «Бўлар иш бўлди, қиш-

лоққа чиқаман», деган фикри эса қатъийлашиб борарди.

У ўт босган сўқмоққа тушиб олиб бир ярим чақиримча йўл босди. Бирдан одамларнинг овозини эшитди-ю, илдизи қирқилган дарахтдек йиқилиб, ўзини панага олди. Овозларга диққат билан қулоқ тутиб, қуршовдан чиқаётган қизил аскарларга дуч келганини англадию асир тушиш фикридан дарҳол қайта қолди. Қарорини бу зайлда тез ўзгартиришига: «Яна немислар ўз ихтиёрим билан асир тушганимни инobatга олишмаса-я?» деган хавф сабаб бўлди. У ҳаммасидан ҳам душманнинг суриштириб-нетиб ўтирмай шартга отиб ташлашидан қўрқарди.

Йўқ, қизил аскарларга қўшилиш керак. Ҳар қолда булар орасида тирик қолиши аниқ. Қуршовдан чиқишгач бир гап бўлар.

Қизил аскарлар гулхан ёқишган, осма қозончадан буг кўтариларди. Ундан таралаётган ҳид шабадала дарров Суминовнинг димоғига урилди-ю, кимдир унинг ошқозонини ханжарда тирнагандек бўлди. Аскарларнинг овози тетик. Баъзан кулишарди ҳам. Уларнинг аҳвол-руҳияларига қараганда, ишлар айтарли чатоқ эмас кўринади.

Суминов аста ўрнидан туриб буталарни икки ёнга айирди. Тақдир уни сотқинлик сарҳадида тўхтатиб қолди.

Унинг пулемётчи эканини билиб Иргалин дарров бўлинмасига олди. Отряд Дорогобуж тарафга борар чоғида Суминов йигитлар билан бир оз илакишди. Аммо ўлим даҳшати ҳали унинг ҳиқилдоғини қўйиб юбормаган, оқ-қорани ажрата олмайдиган даражага бориб етган иродасиз бу одамнинг мантиқи немисларга бош эгмагани учун ўзини айбларди. Лекин Иргалиннинг қатъий ҳаракатлари, некбинлиги, аскарларнинг бирдамлиги уни яна асл ҳолига қайтарар эди. Ана шу дамда хотирасига муҳрланиб қолган даҳшат ва ўлим рамзи — Бўрини эсдан чиқарарди. Ҳатто жанг майдонида ярадор дўстини ташлаб қочгани учун эзиларди ҳам. Айни чоғда: «Унга барибир ёрдам бера олмасдим, икки киши ўлимидан нима наф?» деб ҳаракатига фатво топарди.

Кейин... Яна даҳшатларга рўпара бўлди. Пакет воқеаси бошланди.

Суминов қайсидир шайтоннинг васвасасига учди-ю, вазифани енгил деб ўйлаб, Иргалин билан боришга кўна қолди. Иргалин: «Кўнглинг чопмаётган бўлса борма, мажбур қилмайман», деганда иззатини билиб қолаверса-ку, олам гулистон эди.

Сиртдан енгил кўринган вазифанинг бошига минг балолар келтиришини қаердан билибди? Жангчилар ишонч билан: «Фрицларнинг югургани сомонхонага-ча. Тамом, энди бир қадам ҳам силжиша олмайди. Энди ғарбга қараб ҳужум бошлаймиз», дейишарди. Бу гаплар Суминовга ҳам оз бўлса-да, далда бериб юрганда, лаънати пакет туфайли яна Бўри билан юзма-юз келди. Даҳшат ҳам, ожизлик ҳам, тушкунлик, ҳалокатга маҳкум этилганлик ҳисси ҳам яна қайтадан уйғонди. Одамнинг инон-ихтиёри ўзида эмас, худонинг измида деганларича бор экан.

Агар у биқинига хоч тасвири туширилган танкларнинг адоғсиз сафинчи, осмонни чигирткадек босган самолётларни, қон истаб бўй чўзган тўпларни кўрмаганда ҳам майлига эди. Аммо ҳаммасини кўрди. Ўз кўзи билан кўрди! Ана шу ўлим оқимини тўхтата оладиган тўсиқ бормикин?

Жанггоҳнинг машриқ томонидагиларнинг барчасини ҳам шу ўй банд этгани Суминовнинг хаёлига ҳам келмасди. У жангчилардаги галабага бўлган ишончнинг тобора мустаҳкамланиши, тобора жипслашувини вақтинча ожизликка, ақли қосирликка йўйди. Шу бос у қулоқ беришга рози бўлган одамга ўз нуқтаи назарини изҳор қилишдан қайтмайдиган ҳолга тушди. Аммо бу борада чурқ этмади. Чунки бирламчи, бу гапларни эшитадиган одам деярли йўқ, иккиламчи, бадбин тахминларни овоза қилишининг охири вой бўлиши мумкин эди. Иргалин одам эмас, ваҳшийнинг ўзига айланди. Йўқ, бунақада тирикчилик қилиб бўлмайди. Пайт пойлаб туриб, иззат-нафси борида этакни йиғиштириш керак. Иккови бир-бирининг гўштини еб юраверсин. Анови бир қўлли чол билан бола ҳам эртамикечми қишлоғига гумдон бўлади. Суминов улар учун жон фидо қилиш ниятида эмас. Ўзининг жони ўзига ширин. Ҳали унинг бутун ҳаёти олдинда. Уйда гўзал хотини, икки ёшли ширин ўғилчаси кутяпти. Агар оила бошлиғи аҳмоқлик қилиб дайди ўққа учса, қандайдир бир сассиқ ботқоқда ириб ётса уларнинг ҳоли

нима кечади? Ҳа, у оиласи учун ҳам тирик қолиши шарт! Асирга тушса ҳам майли, ҳақорату шармандаликка ҳам чидайди. Уйига қайтса бўлгани. Уруш яқин кунлар ичи тугайди. Немислар одамларни қадрдоғларига қўйиб юбормай, пишириб ермиди?

Суминов қарорини обдан тарозига солиб, аниқ с хулосага келди. Қулай пайт уни узоқ куттирмади. Тонгга яқин у Нефёдичдан соқчиликни қабул қилиб олди. Қариянинг ухлашини пойлаб турди. Кейин отни етаклаб ўрмон этагига қараб йўл олди. Ярим чақиримча писиб юрди. Кейин отга минди-да, йўрттириб кетди. Энди туёқ овозлари ширин уйқуга берилганлар қулогига етиб бормас эди.

Суминов шошилар эди. У тонг оқаргунга қадар кеча танклар тўхтаган қишлоқни четлаб ўтмоқчи эди. Бу тўсиқдан ҳам омонлик билан қутулди. Энди унга отнинг кераги йўқ. Суминов отни қўндоқ билан уриб ҳайдади. Атрофни синчиклаб кўздан кечирди: ялангликнинг бир этаги саёз жарликка бориб тақалади. Унча катта бўлмаган жарликда фақат икки қайин қад ростлаб турибди. Қайинлар нобуд бўлмаса бу жойни бир неча йилдан кейин ҳам адашмай топса бўлади. Суминов тиз чўкиб олди-да, пичоқ чиқариб майсазорда узун чуқурча қазиди. Ичқўйлагини ечиб, милтиқ билан ўқларни ўради. Қизил аскарлик гувоҳномасини эса газета бўлагига ўраб кўйлак ичига яширди-да, чуқурчага жойлаб, устини сезилмайдиган қилиб беркитди. Қилган ишидан кўнгли тўлиб, дадил ўрнидан турди-да, ўрмон пойида ўтувчи йўлга чиқди. Ҳар ҳолда шу йўл бирон қишлоққа олиб боради, деган хаёл билан тез-тез юриб кетди.

Уфқ бўзариб қолди. Узоқдан уйлар қорайиб кўринди. Қишлоқ унча узоқ эмас экан. Дастлабки бурилишдаёқ биринчи уйларга дуч келди. Атроф сокин. Хўроз тонгни қаршилаб қиқирмайди. Итлар нотаниш одамга қараб ҳуримайди. Ҳаммаёқ жимжит. Қочоқ қишлоқ ичкарасига қадам қўйиши билан воқеани англади. Ҳали у ерда, ҳали бу ерда ёнгин қолдиқларига дуч келди, айрим уйларнинг ёғочлари ҳали ҳам тутарди. Мўрилар кечаги қайноқ ҳаёт хотирасига ўрнатилган қайғули ҳайкалмисол мунгайиб турибди.

Суминов тўхтаб, бир неча дақиқа ўлик қишлоққа олазарак қараб қолди. Шу онда у ўзини даҳшатли



дунёда якка-ёлғиз эканини янада бир алам билан ҳис этди. Ҳеч ерда ором йўқ. Ҳаёт ва ўлим дўст тутингандек. Гўё шу дўстлик эвазига ҳаёт бу қишлоқни ўлимга ҳада этгандек. Қишлоқ нафас олмайди. Қишлоқ ўм-бўш. Одамлар уяларини тарк этган қушлар каби тирқираб кетишган. Суминов шафқат ҳисларига эндигина берилай деб турганда вужудидаги қаҳр уйғонди. «Нимага бақиряпсан, ҳозир сайл эмас, уруш-ку!» деб яна юриб кетди.

У қишлоқ остонасига етганда қандайдир мўъжиза билан омон қолган, ёзлик емакхонани эслатувчи қулбадан ғалати овоз келди. Қочоқ беихтиёр равишда ўзини панага олиб, қулоқларини динг қилди. Ҳам қўрқув, ҳам қизиқиш ҳисси аралашиб, унинг бу ердан кетишига йўл қўймади. Қўлига ярми куйган ғўлани олиб қулбага яқинлашди. Ерда ётган, нималигини ажратиш мушкул бўлган қорамтир бир нарса заиф чийилларди. Бўри! Уни таъқиб этаётган Бўри! Суминов титраб, ғўлани ҳам тушириб юбориб, орқасига қайтмоқчи бўлди. Аммо шу заҳоти ердаги қорамтир нарса қимирлади.

— Аскар амакижон, келдингизми?— деган заиф, энтиккан овоз эшитилди. Ерда латта-путтага ўралган гўдак ётган экан.

— Уф... жин ургур!— деди Суминов енгил нафас олиб, пешонасидаги совуқ терни артар экан.

Суминов уни кўтариб олиш мақсадида бир-икки қадам ташлади. Кейин: «Шошилма, аввал ўйлаб кўр. Болани бошингга урасанми? Нима, ота-онаси йўқми бунинг», деган хаёл миясига урилиб, тўхтади.

— Отинг нима?— деб сўради.

— Лена,— деди гўдак яна энтикиб.

— Онанг қани?

— Ўлдиришди... Уйимизни ёқиб юборишди.

Суминов орқага қадам қўйди.

— Аскар амакижон, қаёққа, мени ташлаб кетманг, қўрқаман...— Қизча шундай деб ёлборди. Бечоранинг йиғига мадори ҳам йўқ, шунинг учун кўзларини пир-пиратиб қолаверди.

Қочоқ эса шарт ўгирилди-да, қадамини тезлатди. Қизча, унинг заиф овози қалбини оз бўлса-да, куйдира бошлаган эди. Суминов бу ўтни ўчириш учун йўл-йўлакай турли фатволар изларди.

«Ўзингга кимнинг раҳми келарди?— деб ўйларди

у.— Ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетган дамда биогина сен эмас, барча тирик жон ўз ҳаловатини кўзлайди. Дийдамнинг қаттиғи — жонимнинг ҳузури, деб бекорга айтишмаган».

Шу зайлда у кўп ўтмай болани ҳам унутди. Бурнини тез-тез тортиб, ўзига ўзининг раҳми келиб, ўзи чанималардир деб мингирлай бошлади. Қаяққа бораётганини ўзи ҳам билмай қолди. У энди юрмасди, йўқ, довдирга ўхшаб лўкиллаб борарди. Лекин бу ҳол узоқ давом этмади. Пастликда ястаниб ётган қишлоқни кўргач, тўхтади. Яшил боғларга бурканган бу қишлоқ хийла катта эди. Қишлоқ биқинидан ўтган дарёдан енгил туман кўтарилиб, дарахтлар устига келиб туриб қолар, ниҳоллар худди ёришаётган осмон бағрига сингиб бораётгандек туюларди. Бу ер ҳам осудалик ҳукмида эди. Аммо бу сукунат ёндирилган қишлоқдаги ўлик жимлик эмас, балки ҳорғин, ҳаловатталаб тинчлик эди. Афғидан, ҳали бу қишлоққа немиснинг оёғи тегмаган кўринади. Агар шундай бўлса, нур устига аъло нур. Ҳам нафас ростлаб олади, ҳам атрофдаги воқеалардан хабар топади. Суминовнинг елкасидаги ташвиш тоғи ағдарилгандек бўлди. У шудринг қўнган майсаларга узала тушди. Димоғини явшан ҳиди қитиқлади. Қўлоғи жимликдан шангиллади. Тезда кўзига уйқу келди. Тушида қишлоқ қуюқ тутунга бурканган эмиш. Мана шу дўзахсимон макон қаъридан... онаси, ҳа, онаси оёғини базўр судраб чиқиб келаётганмиш. Онаси нимадир деб бақирармишу, аммо у эшитмасмиш. Етмишни уриб қўйган кампир ўғлига яқинлашгач, у онасининг мовий кўзларини, ҳатто ажинларини ҳам аниқ кўрганмиш. Онаси титроқ қўллари билан қишлоқни кўрсатиб: «Тезроқ борсанг-чи, хотининг билан ўғлинг ўша ёқда», дермиш. Бирдан онасининг қўлида латта-путтага ўралган бегона гўдак пайдо бўлиб қолибди. Онаси унинг кўкрагига ҳассасини тираб, ғазаб билан: «Фашистлар бу қизнинг ота-онасини ўлдиришди. Сенинг эса бир тукинг ҳам тўкилмабди. Оилангга ўзинг қара...» дермиш. Суминов диққат билан қараса, онаси бола эмас, жуда катта қўрқинчли ит етаклаб юрганмиш. Бирдан ит тишларини гижирлатиб одамга ўхшаб тилга кириб: «Мени танимадингми? Мен эски қадрдонинг, Оқсоқ Бўриманку?! Менинг болаларим ёниб кетди. Сен уларни асраб қолмадинг», деб ташланишга чоғланармиш. Суминов

жон аччиғида қишлоққа қараб қочармиш, қишлоқ эса, аксига олиб тобора ундан узоқлашармиш. У хотяни билан боласини чақирармиш. Жавоб бўлмасмиш. Бақиравериб овоздан қолганмиш. Тутун янада қуёқлашиб, бўғилармиш. Осмон тутундан қоронғилашиб, уйлар ҳам кўринмай кетганмиш... Суминов ерга багрини бериб йиғлармиш. Оқсоқ Бўри эса узиб ташлаган оёғини унинг кўкрагига қўйиб хахолаб кулармиш. «Одамлар, жаноза ўқинг, жаноза!» деб бақирармиш...

Суминов жон азобида қичқирмоқчи бўлар, аммо овози чиқмас, хириллар, даҳшатли тушдан, кўкрагидаги узиб ташланган оёқдан қутулиш учун тўлғанарди.

— Тинчлан, тинчлан.

Бўрнинг бақириги ўрнига хотиржам, майин овозни эшитиб, кўзлари мошдек очилди. У ёнида кўркам ёш жувонни кўриб ҳайрон бўлди. Ўрнидан турмоқчи эди, аёл унинг кўкрагига қўлини қўйди.

— Ётавер, мунча қўрқмасанг? — деди аёл кулимсираб. — Эчкимни соғай десам, арқонни узиб қочибди. Изидан келаётган эдим...

Суминов дарҳол аёлнинг қўлига қаради. У узун арқоннинг бир учини қўлига ўраб олган, иккинчи учига боғланган қўнғир эчки эса дам нотаниш одамга бақраяр, дам типирчилаб, арқонни узиб, эркинликка чиқишга интиларди.

— Тек тур, харом ўлгур! — аёл шундай деб арқонни қаттиқ силтаб тортди. Суминов базўр жилмайди.

— Яраландингми? Бу ерларга қандай келиб қолдинг, — деди аёл унга хиёл яқинлашиб.

Қочоқ чордана қуриб ўтириб олди. Томирларига иссиқ қон югуриб қайта жон киргандек бўлди. Юраги қувонч эпкинидан ҳаприқди. Қўрқинчли туш таъсиридан буткул қутулди. Шудринг ялтираб турган майсазор, осудалик, одми кўйлак кийган ёш, келишган жувон... Йўқ, бу туш эмас. Ўнги. Худди дўзахдан қутулиб, жаннатга тушиб қолгандек. Шодлик учқунлари энди чехрасида акс эта бошлаганда эсини йиғди. Юзи яна тундлашди. Пешонасини тириштирди.

— Ярадорликка ярадорман-а, лекин, — Суминов гудраниб, бир оз дудуқланиб гап бошлади. — Рославлдан чекинаётган пайтимиз эди. Уч-тўрт қадам нарида мина портлади... қолгани эсимда йўқ. Ўрнимдан тураёй десам, бошим ёрилай дейди, қулогим шангиллайди.

Атрофда на ўзимизникилар бор, на немислар. Тирик жондан асар ҳам йўқ. Тирикман десам, оёқларим измимга бўйсунмайди, ўлганман десам, қиёматнинг изларини аниқ кўриб турибман.

— Вой худойим-е,— деди аёл афсус билан қўллари икки томонга ёйиб.— Бу бечораларни мунча азобламасанг?

«Худога шукур, гапимга ишонди...» Суминов анча енгил тортди.

— Энди нима қилмоқчисан?— деди аёл унинг гамига шерик эканини яширмай.

— Ҳайронман. Бошим бир айланса, ўзимни йўқотиб қўйяпман. Бу ерга қандай келиб қолганимни ҳам билмайман.

Суминов шундай деб аламзада одамдек тиззасига шапатилаб уриб қўйди. Аёл ўйга толди. Қочоқ уни зимдан кузатди. «Гапларимга ишонқирамай, иккиланяптимикин. Ҳозир шарт ўрнидан туриб: «Билганингни қил», деб жўнаворса-чи...» Қочоқ бунга йўл қўймаслик учун бошини чангаллади, тишларини ғижирлатиб, аста ингради. Аёл буни пайқамадими ё ўзини сезмаганга солдими, ҳар нечук лабини тишлаб, пешонасини тириштирганча ўйга берилиб ўтираверди. Кейин бир қарорга келиб унга қаради-да, ҳамдардлик билан: «Юра оласанми?» деб сўради.

— Бошим исканжадан қутулган пайтда... Анча титклашиб қоламан...— деди у гўё пешонасидаги терни артган бўлиб.

— Гап бундай... Ҳар ҳолда Нина виждонсиз одам эмас, нима қилса ҳам рус аёли! Икки шўр пешона бир бўлиб тақдирга тан берамиз энди. Бизникилар қайтгунча меникида турасан. Немисларми ё уларнинг исковичларими ғиди-биди қиладиган бўлса, бирор баҳона топарман.

— Қўрқмайсанми?..— Суминов манзират қилмоқчи эди, ишни бузиб, хотинни чўчитишдан қўрқиб тил тишлади-ю, гапни бошқа ёққа бурди.— Бизникилар қачон келадию...

— Қўрқиш-қўрқмаслигим билан ишинг бўлмасин. Жангчининг бошига кулфат тушгандан кейин ёрдам бериш керак. Бизникилар қачонгача чекинишарди. Узоққа кетишмайди. Албатта қайтишади. Бу ерлардан немиснинг ризқи қирқилган...

Суминов бағрида жўш ураётган қувончини жиловлаёлмай қолганди. У кўзининг ёшини ошкор қилиб қўймаслик учун ерга қаради. Ҳаётнинг гирдоби ҳам қизиқ. Бир қарасанг гурбатга солади, бир қарасанг бошингда омад қуши ўтирган бўлади. Минг марта шукур қилиш керак. Ҳамма иш рисоладаги каби хамирдан қил суғургандек чиқяпти. Бизникилар ҳақида қайғурмаса ҳам бўлади. Суминов уларнинг қайтмас бўлиб чекинаётганларига қатъий ишонади. Аёл ундан жавоб кутарди. Суминов хаёлга берилганини сезиб тезда ўзини ўнглади:

— Ҳа, ҳа... Мен ҳам сал ўзимга келаману...

— Ана, қелишиб олдик. Манови харом ўлгур қипқизил дайди бўлгани билан сутни яхши беради. Бир амаллаб тирикчилик ўтказамиз. Бутун қишлоқ ҳавас қиладиган сигирим бор эди, немислар сўйишди. Ишқилиб, томоқларига суяк тиқилиб ўлишсин, жумонмарглар. Қани, кетдикми?

— Немислар дедингми?

— Ҳа, немислар... Қишлоғимизда немис зоти йўқ. Аммо полицай деган хотинчалишлари сероб, самагон ичиб уйма-уй изғийди харомилар. Улардан қўрқмаса ҳам бўлади. Сўрашса, эрим, деб қўя қоламан. Касаллиги учун урушга олишмаган, дейман.

Суминовнинг қувончи беҳад эди. Ишнинг бундай энгил кўчиши етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Худо, «ол қулим», деб юборса бас экан, омад оёқ остидан чиқиб қолавераркан. Зеро, қочоқ учун бундан ўтадиган омад бўлмаса керак. У шод эди. Айни чоқда аёлнинг: «Яқин орада ўзимизникилар келади», деган ишончи юрагига зирапча каби қадаларди. Майли, аёл ишонаверсин. У эса... ёлғонни қотириб яхши қилди. Мина... контузия. Аёл ҳам дарров ишона қолди... Энди дуч келган ерда ўзини ташлаб, тутқаноғи тутгандек, типирчилаб ётиши керак. Шунда бу содда, лекин кўҳлиқ Нинада мутлақо шубҳа туғилмайди.

Шундай қилиб, қочоқ ёлғиз яшовчи беванинг уймага қўноқ бўлди. Уч кеча-кундуз ёстиқдан бош кўтармай ҳордиқ чиқарди. Одамларнинг кўзига кўринмаслик учун ҳовлига камроқ чиқди. Нина эса кутилмаган бу ҳамхонасини бошига кўтаргудек эди. Суминовга куч қўшилаётгани, рангига ранг кираётганини кўриб қувонарди. Ўнгланиб олсин, деб ўзи емай едирарди.

Найранг Суминовга тобора ҳаловат бахш этадиган бўлиб қолди. У бир неча кундан кейиноқ ўзини уй хўжасидек ҳис қилди. Нинага саволлар ёғдириб, аввалги ҳаётига қизиқди. Нина аввалига тақдирдан нолиб кўз ёши қилди. Кейин биринчи оиласини гапириб берди. Эри икки йил муқаддам баҳор чоғида муз кўчганда сувга чўкиб ўлган экан. Шундан сўнг бир-икки таниш ортирибди-ю, бироқ оила қурмабди. Уруш ҳалал берибди. Нина гап орасида қишлоқ аёлларининг рашкдан ёниб туҳматлар тарқатишганини ҳам қистириб ўтди. «Фариштадек кўринган маъшуқанг анча-мунча эркакнинг қўлидан ўтган кўринади-ку?! Тоза қўлга тушдинг-ку!» — Беванинг ҳикояларини тинглаб ўтирган Суминов шундай деб ўзини лаънатлади. Кейин: «Ҳовлиқма, ўпкангни бос. Иш битиб, эшак лойдан ўтсин, этакни йиғиштириш қочмайди», деб ўзини-ўзи овута бошлади.

Қишлоқда ўзгариш йўқ, ўша-ўша осудалик ҳукмрон эди. Одамларнинг ташвиши ўзларига етарли эдими ё уруш барчани шу даражада бефарқ қилиб қўйганмиди, ҳар нечук Суминовга ҳеч ким айтирли эътибор бермасди. Тўғри, баъзан қўни-қўшнилар чиқиб қолишарди. Уларнинг айримлари билан суҳбат қуришга тўғри келарди. Лекин қочоқ кўрган-кечирганларини ҳикоя қилиб бергач, аёллар ёқа ушлаб қолишарди. Бу аёлларнинг кимидир, ё эри, ё отаси, ака-укаси жангда эди. Бечоралар жигарларининг қаерда юрганидан, тақдирларидан беҳабар эдилар. Суминов жанг тафсилотларини ҳикоя қилганда уларнинг кўз олдига жигарбандлари келарди. Гап мина ва контузияга тақалганда: «Ўзимизнинг одам экан, бечора шунча азоб чекибди, балки бир умрга хаста бўлгандир», деб раҳмлари келиб, кўзлари ёшланарди. Кўринишидан тоғни урса талқон қилгудек бу йигитнинг балиқдек типирчилаб қолишини кўришганда, худога нола қилиб шафқат сўрашарди. Собиқ пулемётчи аёлларнинг бу қадар куйинишларини кўриб баъзан ўз найрангига ўзи ҳам ишониб кетарди.

У Нинанинг эридан қолган уст-бошни торроқ бўлса ҳам кийиб олиб, соқол-мўйлов қўйди. Гўё шу билан унинг ўтмишини сув ювиб, шамол учириб кетгандек бўлди. Ўзини бошқача ҳис қилди. Энди у кечаги Суминов эмас. Урушга қадар кечган ҳаёти қалин парда

ортига ўтди, онаси, хотини, ўглининг мавҳум қиёфалари фақат баъзи-баъзида тушида гавдаланадиган бўлди.

Катта йўллардан анча йироқда, хилват ерда жойлашган бу қишлоққа янгиликлар узук-юлуқ ҳолда, жуда кеч етиб келарди. Немислар тобора шарқ сари силжиб боришар, янги-янги шаҳарларни қўлга киритишарди. Бу хабарлар Суминовга мойдек ёқарди. Аммо сир бой бермас эди. Баъзан қари-қартаглар, баъзан аёллар бу собиқ жангчи билан дардлашгани чиқишганда, ғалаба ҳақида ишонч билан гапириб, уларнинг кўнглини кўтарган бўларди-да, боши оғриётганини баҳона қилиб ётишга шошиларди. Ёлғиз қолган маҳаллари Нина ғалабадан сўз очса, дарров гапини бўларди. Туғлари эса ҳеч нарса бўлмагандек, уни бағрига босиб ётарди.

Кўнлар шу зайлда изсиз ўтаверди.

Ниҳоят, уруш қиёматидан, халқ бошига ёғилган кулфатлардан ҳоли ётган, уйини, ўз ҳаётини ташқин дунёдан кўринмас девор билан ажратиб олган қочоқ қутилмаган воқеаларга рўпара бўлди.

Бу тун уни яна Оқсоқ Бўри безовта қилди: Суминов кимсасиз, сокин ўрмонда ёлғиз ўзи дарбадар кезади. Шу пайт узоқдан: «Мен боряпман, боряпман», деган даҳшатли овоз эшитилади. Суминов тўхтайдди. Дам ўтмай қаршисида ёвуз арвоҳдек Оқсоқ Бўри пайдо бўлади. Тишларини иржайтириб: «Оёғимни тўлаб бер», деб увиллайди... Терга ботган, безгак тутгандек титраётган қочоқ ярим тунда уйғониб кетди. Уйда ўлик сукунат ҳукмрон. У юрагининг дукиллашини аниқ эшитди. Ой дераза ортига михлаб қўйилгандек, хонада эса ғалати кўланкалар изғиб юргандек бўлди. Суминов қимирлашга ҳам қўрқиб, Нинага кўз қири билан қаради. Унга Суминовнинг дарди бегона, хотиржам ухлаяпти. Паришон сочлари ёстиққа ёйилган, оппоқ билагини чойшаб устида. Тушида жилмайяпти. Суминов: «Қани кулаверчи, эрта-индин навбатдаги эрингнинг ҳам изини ўпиб қоларсан», деб бадхоҳлик билан тишини гижирлатди.

У чойшабдан қўлини чиқариб стол устидаги кечаги бозор Нина келтирган немис сигаретасини олди. «Йўқ, бунақада эсим оғиб қолиши мумкин. Ўзимни босиб олишим керак». У сигаретни лабига қистириб, эн-

ди гугурт чақаман, деганда эшик қаттиқ тақиллаб қолди. У чўчиб, лабидаги сигаретани ҳам тушириб юборди. Бошини чойшаб остига олиб эсига келган калималарни қайтариб худога илтижо қила бошлади. «О, тангрим, мени бу балолардан ўзинг қутқар. Гуноҳларимдан ўт, ўзинг асра...» Бу пайтда худо бошқа муҳим ишлар билан банд эканми, ҳар нечук унинг илтижолари инобатсиз қолди. Эшик яна қаттиқ тақиллади.

— Ким у?— деди Нина ўрнидан сапчиб туриб.

Суминов эса ўзини уйқуга солиб ётаверди. Эшик қолиб деразани ҳам тақиллатдилар. Суминовнинг тана-сидан жон чиқиб кетгандек бўлди.

— Эшикни оч! Полиция!

— Тунда дайди итга ўхшаб изғиб юрганларинг юрган,— Нина шундай деб минғирлаб ҳамхонасини турди. Суминов уйғонишини кутмай елкасига бир нарсани ташлаб даҳлизга чиқди. Қочоқнинг назарида эшик тарақлаб очилди.

— Хўжайин қани?— деди йўгон овозли одам.

— Тунда санқишларинг етмай турувди,— деди Нина норозилигини яширмай.— Тўхта, қаёққа ёпирилясан. Гугуртни топай. Қаёққа қўйган эканман. Ҳа, ма-на, топдим.

— Хўжайинни уйғот!

— Хўжайиннинг нимаси,— деди иккинчи овоз,— кўлпакни дегин.

— Оғзингга қараб гапир, аҳмоқ!— деди Нина.

— Унингни ўчир,— деди полицайнинг биринчиси.— Гугуртсиз ҳам уйнинг ёруғ экан. Агар уйқуси қаттиқ бўлса, ўзимиз уйғотамиз.

Полицай ичкари кириб, чойшабни силтаб тортди-да, милтиқ найзасини кўкрагига тиради.

— Ким бу ўзи, нима керак экан унга?— деди Суминов оёғини осилтириб ўтирар экан.

— Типирчиламай, кийин. Бўл тез, танбал. Мунча титрайсан, қўрқма, жонингни олмаймиз. Бошлиқлар йўқлашяпти.

...Суминов тонгга яқин қайтди. Бу вақтга қадар Нина мижжа қоқмай, кўзларини йўлдан узмай ўтирди. Кутгани кўрингани ҳамон кўз ёшларини арта-арта-унинг қаршисига қушдек учди. Остонада каловланиб турган ҳамхонасини қучоқлади.

— Худога шукур, омон қайтдинг. Уйлайвериб,



ўйимда ўй қолмади. Юракларим минг пора бўлиб кетди.— Нина шундай дея туриб бирдан ўзини орқага олди.— Бунинг нимаси?

Суминов елкасига осган милтиқни олди-да, деворга суяб пастак курсига ўтирди.

— Оғзингга талқон солганмисан? Милтиқни қаердан олдинг?

У Нинанинг тўполон кўтаришини сезган эди. Лекин ишнинг бунақа томонга бурилишини сира ўйлаб кўрмаганди. Энди бу тентак хотиннинг қафасдаги силовсиндай қутуриши ортиқча.

— Шанғилламай ўтир, нима, умриңда милтиқ кўрмаганмисан, — деди Суминов жеркиб.— Полицайликка тайин қилишди, тушундингми?

Бу гапни эшитиб Нинанинг рангида ранг қолмади.

— Полицайликка?! Сеними? — Нина кўкрагини ушлаганча стол томонга юрди. — Вой, худойим, менга шу етмай турувди ўзи. Сен...

— Нима мен, бошқаларга ўхшаб кўнгилли бўлиб ёзилибманми,— деди Суминов баланд келиб.— Кекирдагимга тўппонча ниқтаб: «Ё хизмат қиласан, ё гестапога топширамаи. Сенинг ҳеч қанақа касалинг йўқ, шунча тек қўйиб берганимиз етар», деб туришганда мен нима қилишим керак эди. Улар гапни чўзиб ўтиришмайди. Мен ҳам одамман. Менинг ҳам жоним битта, ўнта эмас. Бекордан-бекорга ўлиб кетишга ҳеч ким ҳам рози бўлмаса керак?

Нина жавоб бермади. Хўрлиги келиб, бошини стол устига қўйди-да вужуди титраб, йиғлаб юборди. «Йиғлагани дуруст бўлди. Йиғлаб-йиғлаб, тақдирга таян беради», деб ўйлади Суминов. Кейин аста юриб келиб унинг сочларини силади. Нина худди шуни кутиб тургандек, унинг қўлларини силтаб ташлади. Дераза ойналарини титратиб юборгудек бўлиб бор овози билан бақирди:

— Беҳаё одам экансан! Полицайларинг билан ҳамтовоқ бўлиб яшайвермайсанми энди?! Бу ерга нимага келдинг? Милтиқ ушлашга қурбинг етар экан, нимага партизанларга қўшилмадинг?

— Партизанларга? Бу ерда партизанлар нима қилади? — деди Суминов ҳайрат билан.

— Йўқол, кўзимга кўринма. Афтингга қарашга тоқатим йўқ, йўқол!

Суминов қарасаки, жаҳл отига минган бу аёлни дўқ-пўписа билан инсофга келтириб бўлмайди. Шунинг учун мулоийм оҳангга ўтди.

— Акангнинг қизил командир эканини улар билишмайди, деб ўйлаясанми? Шу хизматга ўтганим учун ҳам сен тентакни холи қўядиган бўлишди. Тушундингми? Мен фақат ўз ҳаловатимни эмас, сенинг ҳаётингни ҳам ўйладим. Овозим бор экан, деб бақираверма. Ҳаммаси изига тушиб кетади. Уруш ҳам тугай деяпти. Бу томонларда партизанларнинг уруғи ҳам йўқ. Мишмишларга ишонаверма...

Нина хотиржамлик билан айтилган сўзларнинг бутун даҳшатини ҳис этиб қулоқларига ишонмай қолди. Кўзларини катта-катта очиб, унга тикилди: ҳамхонаси бир нафасдаёқ унга бегона, айни пайтда манфур одамга айланиб қолганди. Ниҳа ўзириб юбормаслик учун оғзини кафти билан беркитди. Алам билан бош чайқаб, сочларини булут каби тўзғитди-да, яна бошини стол устига қўйиб, ҳўнграб юборди.

Кутилмаган бу воқеа Нина учун оғир зарба бўлди. У анчагача гангиб юрди. Кейин тақдир измидан чиқиб бўлмайди, деган фикрга бориб, аста-секин ўзига кела бошлади.

Суминов баъзан икки-уч кунлаб йўқ бўлиб кетарди. Қайтгандан кейин ҳам очилиб гаплашмасди. Тумшугини осилтириб ўтираверарди. Нина уни саволга тутиб қийнамас, аксинча, ўзи ҳам «ҳа» ёки «йўқ»дан нарига ўтмасди. Энди Суминов у учун танлаган умр йўлдоши эмас, балки шунчаки бир ўткинчи, вақтинчалик овуңчоққа айланган эди. Аёлларча раҳмдиллик кўзини кўр қилган Нина узоқни кўзламай, бу олчоқни уйига бошлаб келди. Бунинг учун ўзини тинмай ланатлайди. Аввалига бахтиёр эди. Ёлғизликда ҳарорати, ўчиб бораётган юраги яна ёнган, хира бўлса-да саодат илинжидаги умиди уйғонган эди. Энди-чи? Энди ҳаммаси куйиб кулга айланди. Нина бутунлай бефарқ бўлиб қолди. Суминовни «ўзи келди ёр-ёр, ўзи кетди ёр-ёр», қабалида кутиб, кузатишни одат қилди. Ундаги меҳр, танлагани атрофида айланиб-ўргилиш, овутиш ҳислари буга каби кўтарилди. Ўтган кунлар тушга айланди. Гўшаси ўлик сукунат пардасига ўралди. Суминов уйга ҳоргин, уйқусизликдан кўзлари киртайган, ранги оқарган бир аҳволда кириб келар, тупук ютиб

остонадаёқ дастурхонга кўз ташларди. Қарашлари совуқ, юриши оғир бўлиб қолган эди. Нина арзимас оқатни пешонасига ургандек тақиллатиб келтириб қўярди-да, ниманидир баҳона қилиб ё ҳовлига чиқиб кетарди, ё уйда бирор иш билан куймаланарди. Суминов билан бирга ўтириб чой ҳам ичмасди.

Суминов полицаё бўлгач, қўшниларининг ҳам қадами қирқилди. Дардлашиб, ҳасратлашиб ўтирадиган кечалар ҳам йўққа чиқди. Одамлар Нинани кўчада кўрсалар бурилиб кетадиган, бехос дуч келиб қолган тақдирларида эса кўзларини олиб қочадиган бўлиб қолдилар.

Суминовнинг тутқаноғи ҳам тўхтади. Энди бундай найрангга вақти ҳам йўқ эди, ҳожат ҳам қолмаганди. У одамларнинг нафратини сезар, аммо ўзини билмаганга оларди. Бундай совуқ муомаланинг ўткинчи эканига ишончи комил эди. Ўз кўнглида узоқни кўра олувчи, мулоҳазали полицаё: «Одамларнинг оғзидаги лаънат ҳавога учади-кетади, пешонага тамға бўлиб ёпишмайди. Бир-икки кун қутуриб, кейин мулла минган эшакдек мулойим бўлиб қолишади», деб ўйларди. У аста-секин янги хизматнинг моҳиятини англаб, ойна-оғайни орттирди. Буйруқларни астойдил адо этгани учун бошлиқ таҳсинига ҳам сазовор бўлди.

Полицаё дўстлари билан қишлоқма-қишлоқ юриб, немис армияси учун мол-ҳол тўплаши ёки бошқармада навбатчиликда туришни Суминов ўзига ер деб билмасди. Бундай буйруқларни мамнуният билан бўлмаса-да, ҳар нечук сўзсиз адо этарди. Баъзан виждони уйғониб, уни айблагудек бўлса, дарров фатво топарди; авваламбор, уруш пайтида буйруқдан бўйин товласанг, кунингни кўрсатишади. Қолаверса, молидан ажралган деҳқонга ҳарбий маъмурлар муҳр босилган тилхат беришади. Уруш тугагач ё моли қайтарилади, ё пули тўланади. Шундай экан, уни гуноҳкор қилиш ноўрин. Фақат уни эмас, немисларни ҳам айблаш инсофдан эмас. Энди, асирлар масаласига келсак, бу Суминовнинг иши эмас. У кичкина одам, бунақа ишларга аралашмайди. Энг муҳими — урушдан, дўзах азобидан нарироқда турибди. Бу ёғига бош омон бўлса, қалпоқ топилаверади.

Суминов баъзи-баъзида ўрмонда қолиб кетган Федотов билан Иргалинни эслаб қўярди. Уларнинг галабага бўлган ишончи, немисларга нисбатан нафрати ёди-

га тушган маҳалда бирдан танлаган йўлининг ҳақ ёки ноҳақлигини билолмай, иккиланиб қоларди. Аммо, ўз таъбири билан айтганда: «Ҳаётга зийрак назар билан боқиб», вазиятни ойдинлаштирарди-да, яна хотиржам нафас оларди. Маълумотларга қараганда немис қўшинлари тўхтовсиз олға босишарди. Партизанлар ҳақида миш-миш эшитиларди-ю, ўзлари кўринмасди. Тўғри, у ер-бу ерда кимлардир немисларга хизмат қилаётганларни уйига ўт қўярди. Лекин бу маъмурларнинг гапига қараганда, шахсий ғараз оқибати эди. Тунов куни икки ўсмир танк замбарагининг оғзига қум сеппиб қўйибди. Бошқаларга ўрнак бўлсин учун отиб ташлашди. Булар партизанчилик эмас, шунчаки бебошлик. Хўш, ҳозир ўжар Иргалин лейтенанти билан қайларда изғиб юрибди экан? Тирикмикан ё аллақачон омонатини топшириб қўйганмикан? «Бизникилар ғарбга қараб силжийдилар», деб чучварани хом санарди. Қани, энди юриб кўрсин-чи! Энди Суминов қўлга тушиб берадиган анойи эмас. Вақтида этагини йиғиштирди. Ҳали бу ёруғ дунёдан илинжи кўп унинг...

Ўзини шу зайлда овутиб юрган кезлари яна кутилмаган воқеа юз берди.

Аҳолидан молларни тортиб олишда бошқаларга ўрнак бўлгани учун унинг лавозимини бир поғона кўгарди. Энди у икки полицайга катта. Маоши ошган. Озиқ-овқат ҳам етарли. Майхўрлик эса чекланмаган.

Ўша куни Суминов ҳаммомдан мазза қилиб чиқиб, чой ичиб ўтирарди. Нина одатига кўра ошхонада куймаланарди. Уйда гўё зор йўқдек эди. Суминов унинг бу қилиғидан кулиб қўйди. Ҳозир Нина уйга киради. Суминов унга ажойиб совға — шол рўмол келтирган. «Хотин зотининг феъли бизга маълум», деб ўйлади у ўзича. Ҳозир рўмолни елкасига ташлайман, кейин ўзини кўзгуга солади-ю, қанддай эриб, мулойим бўлиб қолади. Бунақанги рўмолни у тушида ҳам кўрмаган...»

Йўқ, Суминов кутгандек, Нина ўзини кўзгуга солмади. Аксинча, елкасига ташланган рўмолга қайрилиб ҳам қарамади. Рўмол елкасидан сирғалиб тушди. Суминов жаҳл билан ўрнидан туриб унга энди бақирмоқчи эди, кўчада арава тўхтаб, қўл остидаги полицай кўринди:

— Бошқармага чақиришяпти! Тезроқ! — деди у аравадан ҳам тушмай.

Бошқармага етиб келганларида қуёш уфққа ёнбоцлаган эди. Яланглик одамлар билан тўла, немис аскарлари автоматларини шай тутган ҳолда ҳайкалдек қо-тиб туришарди.

— Яна нима бало бўлди? — деди Суминов минғирлаб.

— Нима бўларди. Иккита партизанни тутишибди. Одамларнинг кўз олдида отишармиш. «Ҳай, халойиқ, жинни бўлмаларинг, эсларингни йиғиб олларинг», дейишмоқчидир-да. Шу кунларда итда ҳаловат бўлса бордирки, бизда йўқ...

Улар отларни девор қозиқларига боғлаб, сафга туришлари билан бошқарма остонасида қош-киприқлари, сочлари худди чўчқа боласиникидек оппоқ, ориқ ва бесўнақай бир офицер кўринди. У қўлидаги қамчисимон ўрама симни ўйнатганча дарвоза оғзидаги аскарлар сафига яқинлашди-да: «Абер дох шнеллер!»<sup>1</sup> деб бақирди. Аввал аскарлар, сўнг полицайлар одамлар орасини ёриб ўта бошлашди. Оломон хиёл орқага чекинди. Кимдир нафратини яширолмай тўнғиллади:

— Бу ифлосларни ер ютмаганига ҳайронман.

Бу гапни бошқалар илиб кетишди:

— Уят борми ўзи буларда?!

— Сотқинлар!

Илгарилари хашак бостирилган чуқур атрофидаги одамларни суриб жой бўшатдилар. Шу пайт калтаклар зарбидан юзлари моматалоқ бўлиб, кийимлари титилиб кетган, ҳолсиз икки кишини судраб келишди.

Оломон ичида ғовур-ғувур бошланди.

Уртага полиция бошқармасининг бошлиғи, Фёдоровканинг собиқ фельдшери чиқди. У оломонни кўздан кечириб чиққан бўлса-да, қўлларини баланд кўтарди.

— Ҳамма эшитсин! Жаноб офицер гапирадилар! — деди у тантанавор оҳангда.

Офицер ўрама симни асирларнинг кекирдагига ниқтаб, қисқа гапирди. Фелдшер эса таржима қилди.

— Буюк Германия манфаатига зид келувчи бузғунчилик билан машғул бўлган ёки шунга ўхшаш ҳаракат қилган одамни мана шу жазо кутади. Жаноб обер-лейтенант фюрернинг голиб лашкарларига ёрдам

<sup>1</sup> Тезроқ!

қўлини чўзишга, коммунистлар, комиссарлар ва яҳудийлар ташвиқотига учмасликка сизларни даъват этади. Мана буларнинг бири тор-мор этилган большевик қўшинларининг аскари. У бизга қарши жанг қилиб содиқ ўғлонларнинг ўлимига сабаб бўлди. Қисқаси, у хавфли каллакесарга айланди. Иккинчиси эса ташвиқотчилик ва фитначилик билан шуғулланган. Немисларга бир дона бугдой, бир қултум ҳам сув берманг, техникасини ишдан чиқаринг, пайт пойлаб аскарларини ўлдириш, деб одамларни тўғри йўлдан оздиришга ҳаракат қилган. Хўш, бу қонхўрлар қандай жазога лойиқ?

Собиқ фельдшер салқиган қовоқлари остидаги қизарган кўзларини ғазабини ичига ютиб турган оломонга тикди. Саволи жавобсиз қолгач, бош эгиб турган полицайларга қаради-да, овозини янада баландроқ кўтариб, гапини давом эттирди:

— Жаноб обер-лейтенант сизларни Россиянинг мана бу содиқ ўғлонларидан ўрнак олишга чақирадилар. Одил жазони ижро этишни, миннатдорчилик нуқтаи назаридан шу ўғлонларга ишониб топширадилар.

Полицайлар орасида шивир-шивир бошланди. Лекин немис аскарлари сафи улар томон қадам қўйиши билан жимиб қолдилар.

— Диққат!— деган буйруқ янгради.

Аскарлар оломонни орқага тисарилишга мажбур қилдилар. Ўлимга маҳкум этилганлар қонталаш уфқ фонида яққол кўзга ташланардилар.

Суминов офицернинг совуқ нигоҳига тик боқолмай, буйруқ берилгани ҳамон милтиққа ўқ жойлади. Иккинчи буйруқдан оўнг йигирма беш қадамлар нарида турганларнинг бирини мўлжалга олди. Мағрибдаги тарам-тарам булут ортига яширинган қуёш шу дамда яна юз очди. Ана шунда у нишонга олган одамни — Рамазон Ирғалинни таниб қолди. Қулоғи шанғиллаб, қўли тираб кетди. Милтиқни тушириб юборай деди.

— Ут оч!

Буйруқ унинг онгига милтиқлардан ўқ отилиб, тутун тарқала бошлаган пайтда етиб борди. Оломон ичидаги қайси бир аёл юракни эзадиган даражада фарёд кўтариб, ўзини билмаган ҳолда, одамлар чангалидан юлқиниб чиқишга ҳаракат қила бошлади. Болалар қўрқиб кетиб, оналарининг этакларига беркинганча йиғ-

лаб юборишди. Қатл еридан қочмоқчи бўлганларни аскарлар тепиб, қўндоқ билан уриб, худди қўй подасини ҳайдагандек қайтариб келишди. Офицер нимадир деб бақирди. Аскарлар автоматлари билан одамларни ниқтаб сиқувга олишди.

Суминов бошини кўтариб, маҳкумлар турган ерга қарадию қотиб қолди. Ҳозиргина бир неча милтиқдан учган ўқ қайга кетибди. Булар одамми ё авлиёми? Ҳеч нарса бўлмагандек, ҳали ҳам бир-бирини суяганча тик турибди-ку?! Иргалиннинг қонталаш юзида истеҳзоли кулги бор. Суминовни таниган шекилли, ундан кўз узмайди. Нимага тикилади? Бўйнидаги тахтачага нима деб ёзилган. «Оқсоқ Вўри?!» Суминовнинг кўз олдини хира парда қоплади. Ана, бўри тишини иржайтирди. Унга яқинлашяпти. Ҳозир бўғзидан олади. Бирдан уни ҳиқичоқ тутди. Қутурган собиқ фельдшер билан офицер полицаёларга ташланиб, оғзига келганини қайтармай ҳақорат қила бошлади. Икки хил тилда учаётган сўқинишлар уларнинг миясига гурзи бўлиб тушарди.

— Ўзларингни итдек отиб ташлайман,— дерди собиқ фельдшер тобеларини юз-кўзи аралаш урар экан.

Офицер Суминовнинг қўлидан милтиқни тортиб олиб, затворни орқага тортди. Ўқдондан отилмаган ўқ сапчиб чиқди.

— Ах, зо! Дрек! — Офицер шундай деб унинг жағига ўрама сим билан туширди.

Суминовнинг кўзидан олов сачрагандек бўлди. Назарида, ер силкинди. «Тамом!» деб ўйлади-да, қадини тутиб қололмай майса устига йиқилди.

Йўқ, ҳали куни битмаган экан. Офицер уни тепиб турғизди-да, қўлига латтами, рўмолчамни бериб, имошора билан юзини артиб олишни буюрди. Суминов оғзига тўлган қонга қўшиб бир неча тишини ҳам тупуриб ташлади. Эшитилар-эшитилмас ихраб, қонга беланган лабларини артди. Бу орада автоматчилар каловланиб турган полицаёларни сиқиб, четга сурдилар.

Суминовнинг якка ўзи маҳкумлар билан юзма-юз бўлиб қолди. Ҳозиргина ғала-ғовур бошган майдонга сукунат чўкди. Оломон нафас ютди. Қаердадир игулиди.

---

1. Ҳали шундайми?! Ярамас!

«Қисматим шу экан-да... Ҳозир партизанлар билан ёнма-ён қўяди. Агар Иргалин ўч олиш қасдида қизил аскар бўлганимни айтган бўлса, тамом, жондан умиқ йўқ... Мени гезарган Ганснинг ўзи... Ҳа, ҳозир... ҳозир...»

Суминовнинг хаёллари кўлмакка урилиб сачраётган ёмғир томчилари каби телбаларча тутқич бермас; ҳатто тили калимага ҳам келмай қолганди.

Офицер ўрама симни ёнидаги аскарга берди-да, совуққонлик билан шопилмай милтиққа ўқ жойлади. «Отсанг ота қол, ҳароми!» деган фарёд Суминовнинг қалбида туғилди-ю, бўғзидан отилиб чиқолмади. Бунга журъати етишмади. Бироқ унда бирдан қатъийлик уйғониб, офицерга тик боқди. Офицер унинг жонини шунчаки эрмак учун суғуриб олмоқчидек, нигоҳини дам пешонасига, дам кўкрагига қадаб, тепкини босишга шопилмасди. Полицай вужудида уйғонган қатъият қай даражада уйғонган бўлса, шундай тезлик билан сўнди. Оёқлари титраб, кўзи тинди. Сачраётган хаёллари ҳам сўнди. Бўғзига нимадир чанг солгандек бўлди. Набларини хиёл очиб, синган тишлар ўрни орқали ҳаво симирди. Ҳолсизланиб ерга чўкди. Унинг тилидан лаънат ҳам, ёлбориш ҳам учмади. Телбаларча: «А-а-а!» деб хириллади-да, эс-ҳушини йўқотди. «Улим... Неча бор чап бериб, охир тузоққа илиндим. Ажаб... ҳеч қўрқинчли ҳам эмас, оғриқ ҳам йўқ. Қўрқинчли эмас? Унда нимага қўрқяпсан?» деб ўйлади. У ётган ерида энтикар, тинмай титрарди. Тубсиз, қоронғи жарликка тушиб қолгандек бўлди. Ён-атрофда кимлардир хахолаб куляпти. Ким булар? Кулги жарликдан чиқяптими? Суминов базўр кўзини очди. Автоматчилардан бири уни эрмак қилиб ҳуштак чалди. Иккинчиси «шмайсер»ини ўқталганча лунжини шиширди-да, «ту-ту» деб мазах қилди. Ўз қилигидан ўзи завқ олиб, букчайганча мириқиб кулди.

Тасодикий бу воқеа бутун аскарларнинг баҳри-дилини очиб юбрди. Улар шармандаси чиққан полицай устидан кулишар, тузоққа тушган ҳайвондек ўртада жавдираётган Суминов уларнинг мазахларига чидарди. Офицер ўрама симни кўтариши билан кулги тўхтади. Собиқ фельдшер милтиқни олди-да, ҳали ҳам ерда кучала бўлиб ётган Суминовга яқинлашди.

— Тур ўрнингдан! Милтиғингни ол!



Суминов зўрға ўрнидан туриб ўтирди. Калтак еб, абжағи чиққан итдек хўжайинига бошдан-оёқ жавдираб қаради.

— Тур деяпман, нимага оғзингни очиб қолдинг? Жаноби офицер айбингдан ўтдилар. Мишқи эмаслигингни ўзинг исбот қил.— Собиқ фельдшер шундай деб далда берган бўлиб, унинг елкасига қаттиқ уриб қўйди.

Суминов ҳали айтарли ўзига келмаган бўлса-да, тубсиз, қоронғи бўшлиқ қаъридан қутулиб чиққанини англади. Энди у яшайди! Ҳеч нимага қарамасдан яшайди! Унга ҳаёти калитини.— милтигини қайтариб бердилар. Милтиқ — ҳаёт, демак!

У юзида из қолдириб оққан кўз ёшини артишни ҳам унутди. Чуқур нафас олмоқчи эди, хўрсиниб кетди. Телбага ўхшаб жилмайди. «Уларнинг муддаолари нима экан? Ландовур эмаслигимни қандай исбот қилишим керак?» деган бемаъни саволга жавоб излади. Бирон хулосага келолмай, бошини қуйи эгиб, беихтиёр равишда автоматчилар қуршовидаги полицаёлар томонга юрди. Беш қадам қўймаган ҳам эдики, итнинг ангиллашини эслатувчи «Вэг!» деган овозни эшитиб тўхтади.

— Қип-қизил тўнка экансан!— деди полиция бошлиғи ғазаб билан, кейин енгларини ушлаб, уни маҳкумлар томонга қаратиб қўйди.

Шу заҳоти икки аскар Суминовга яқинлашди-да, автоматларини унинг биқинига тирашди.

Полицай ҳеч нарсага тушунмай, гангиб қолди. Ахир, бошлиқ ҳозиргина: «Жаноб офицер гуноҳингдан ўтдилар», деди-ку? Ёки алдадими? Алдамаган бўлса, бу автоматчилар нима қилмоқчи? Наҳотки партизанлар ёнига олиб бориб қўйишади? Унда нима учун қўлига милтиқ беришди? Суминовни муздек тер босди. Жавдираётган кўзларида: «Худо ҳаққи, нималар бўлаётганини тушунтириб беринг», деган илтижо бор эди. У тасаввур қилиш қудратидан мутлақо айрилди. Кимнингдир марҳаматига, ҳамдардликка муҳтожлик сездди. Аммо ҳамдардликни кимдан олади. Қишлоқ ақлиданми? Ундай деса, бу одамларнинг кўзлари нафратдан ёняпти. Немисларданми? Бе, уларга калака қилиш бўлса...

— Милтиқ ўқланган,— деди собиқ фельдшер бақи-

риб юбормаслик учун тишларини гижирлатиб.— Ҳадеб титрайверма, ўзингни тут. Тез бўл. Шундай ҳам чўзиб юбордик.

Суминовни йўтал тутди. Бошлиғига савол назари билан қаради. Шундагина ундан нима талаб қилинаётганини тушунди. Лекин унинг қуён юрагида ҳали ҳам: «Кўрган-кечирганим туш бўлса эди, ҳозир уйғонсаму енгил нафас олсам», деган умид бор эди.

Лекин ҳеч қандай мўъжиза юз бермади. Бунинг ўрнига икки биқинига икки автомат қаттиқроқ тиралди. Суминов титраб кетди. Аскарларга қаради: пўлат қалпоқ остидан қараб турган нурсиз нигоҳларга кўзи тушиб, юраги орқасига тортди. Сеҳрлангандек, илоникидек совуқ, ҳаракатсиз кўзларга тикилиб қолди. Аскарларнинг юпқа лаблари қимтилган. Этик кийган оёқлар икки ёнга керилган. Бармоқ тепки устида.

«Итдек қийналиб яшагандан кўра, бу лаънати ҳаётдан кўз юмган ҳам яхши. Биттагина бармоқ босилса, тамом, оғриқ ҳам сезилмайди...», деган фикр унинг хаёлини яшин нуридек ёритди-ю, сўнди.

Суминовнинг журъатсизлигини сезган обер-лейтенант бетоқатланиб, ўрама сим хивичини силкиб қўйди.

Автоматчилар унинг елкасига туртдилар. Шу он калтак зарбидан тўкилган тишлар ўрнида кучли оғриқ туриб, инграб юборди. Бир қўли билан лунжини ушлаб, иккинчи қўлидаги милтиқни ҳам ташлаб юборай деди. Аммо икки биқинига автоматлар тиралиб, оғриқни ҳам унутди. Бошини кўтариб кўзлари маҳкумларнинг нигоҳи билан тўқнашди...

Тақдир баъзан бераҳмлик билан одамни қалака қилади. Собиқ полкдошларнинг бу зайлда, ўлим остонасида учрашувини ким ўйлабди, дейсиз. Суминов шу пайт Иргалиндан нафратланишини ҳис қилди. Ҳа, уруш учун ҳам, ўрмонда дарбадар юргани учун ҳам, Оқсоқ Бўри учун ҳам, ҳатто отиб ўлдириши лозим бўлгани учун ҳам ундан нафратланарди. Тўғри, Иргалини Суминовнинг иштирокисиз ҳам ўлдиришлари мумкин эди. Лекин гап бунда эмас.. Мутлақо бунда эмас..

Иргалиннинг лунжида лой аралаш қон, чаккасидаги яра изи қоғиб қолган. Елкасидан ҳали ҳам қон оқиб турибди. Бу аҳволда оёқда қандай турибди? Беҳоллигини сездириб қўйяпти. Аммо кўзлари, қора қошларида кулги бор. Унинг бу хотиржамлиги оломон ораси-

даги баъзиларга далда берар, бироқ Суминовнинг пешонасига заҳарли ўқ бўлиб қадаларди. Қотилнинг юрагига яна ваҳм оралади. Тахтачадаги «Оқсоқ Бўри» деган сўзлар эриб, ваҳшийнинг тишига айлангандек бўлди...

Иргалиннинг ёнидаги бўйдор йигит жуда ёш экан. Кўринишидан худди улкан эман қанотида ўсган ниҳолга ўхшайди. Вақт-соатини кутиш азоби баъзидан унинг қадини букиб қўяди. Аммо ҳамнафасининг далдаси билан қад ростлаб сурмаранг парда тортаётган осмонга тикилади. Энди, иккинчи ўқ арафасидагина, унинг хаёлига: «Урмимда нима кўрдим ўзи?» деган фикр урилган эди. Кечагина, болалик кунларида бу йўқлик олами узоқ, худди эртадек туюларди. Энди эса... келажаги милтиқ оғзида турибди. Мана шу жимжилоқдек торроқ қора тешик милтиқ оғзи эмас, балки алангали уфққа ҳам, эманнинг хушбўй исига ҳам, оқшомги тутундан хира тортган ҳавога ҳам қўйилган нуқта бўлиб кўринади...

Иргалин нимадир деб пичирлади. Суминов унинг нима деганини эшитмади. Аммо лабларининг қимирлашига қараб «Ҳайвон!» деганини англади. Иргалин чайқалиб олдинга босди. Суминовнинг ранги кўрқувдан оқариб кетди. Орқасига тисарилди-да, шиддатли бир қатъият билан милтиқни ўқталди...

Суминов майхўрликка берилди. Ҳушини йўқотгунча молдек ичди. Сал кайфи тарқади дегунча қатл майдони, Иргалиннинг ўтли нигоҳи, оломоннинг қаҳрли сукунати кўз олдида гавдаланаверди. Моторларнинг гулдираши, отишмалар, немисларнинг қаҳқаҳа овозларини бирдан Иргалиннинг «Ҳайвон!» деб пичирлаши босиб кетди. Қочоқ тишларини гичирлатиб, бошини ёстиққа босиб инграр, лекин арвоҳсифат тасвирлару овозлар уни тарк этмасди. Кўчага чиқишга журъат қилолмасди. Полицай дўстларининг тилда ҳамдардлик билдиришлари, тинчйтишга уринишлари, зимдан эса нафратланишлари, бошлиғининг қутуриб сўкиши ҳақ хаёл кўзгусидан бирма-бир ўтди. У фақатгина беҳуш бўлгунга қадар ичгандан кейингина ором оларди. Бу онда ҳатто Нинани ҳам унутарди. Нина нима экан, бутун дунёни унутарди.

У қоровулхонада ичарди. Аввалига қўл силтаб, уца парво қилишмади. Майли, аламидан чиқсин; асаби нозикроқ одам шунақа бўлади, дейишди. Аммо бошлиқ узоқ чидолмади. Уриб, қонга белаб ташлади. Суминов бойқуш каби одамлардан қанчалик беркинмасин, барибир кўчага чиқишга, хизматини адо этишга мажбур бўлди. Қишлоқ аҳли унга рўпара келганда четроқдан тезроқ ўтиб кетишга шошилар, баъзан «қонхўр» деган оғизларидан лаънат деган сўз чиқарди. Кампирлар эса чўкиниб олиб, унинг изига тупурардилар. Ҳатто полицайлар ҳам ундан ўзини олиб қочадиган бўлдилар. Ана шундагина энг оғир жазо — якка қолиш эканлиги ҳақидаги фикр унинг самогондан гарангсиган миясига етиб борди.

Суминов нафрат тўла кўзларнинг таъқибидан, жонига теккан манфур хизматидан қочишни, қаёққа бўлмасин, изсиз йўқолишни хаёл қилиб қолди. Ҳатто бир кун маст ҳолича бўйнига сиртмоқ ташламоқчи ҳам бўлди-ю, аммо журъатсизлиги яна панд берди. У оёғи остида ер борлигини сезмас, ўзини жирканч бўшлиқда сузиб юргандек ҳис қиларди. Тун сукунатини бузган тиқ этган товуш ҳам унинг асабига тегар, уйқу қўрқинчли васвасага айланарди. У тез-тез нафаси қайтиб уйғонадиган бўлди. Бундай пайтларда юзлари ёнар, кўзлари ичига ботиб, киртайиб қоларди.

Иргалин билан ёш партизаннинг қатлидан роппа-роса бир ҳафта ўтгач, бошлиқ Суминовни чақиртирди. Майхўрликдан шишиб, қолдан тойган катта полицайга нафрат билан қаради. Лекин ғазабига эрк бермади. Стаканни тўлдириб ароқ қуйди-да, уни ичиб, тузланган бодрингни карсиллатиб тишлаб, газак қилишини кутди. Шундан кейингина муддаосига кўчди.

Маълум бўлишича, ёш қиз-жувоёларни Германияга жўнатиш ҳақида буйруқ келибди. Суминов ёнига уч полицаини олиб, қўшни қишлоққа бориши ва аввалдан тайёрланган рўйхат бўйича одамларни тўплаши лозим экан.

— Немисларнинг ўзи жўната қолмайдами? — деди Суминов эҳтиёткорлик билан бошлиғига боқиб.

— Катта полицай деган унвонинг бору оддий нарсаларга ақлинг етмайди. Гапнинг мағзини чақиб кўрмайсан. Ёшлар Германияга ўз ихтиёрлари билан жўнашлари керак, тушундингми? — собиқ фельдшер «ўз

ихтиёрлари» деган иборага урғу бериб бош бармоғини  
юқори кўтариб қўйди. — Сиёсат шунақа. Сизлар ту-  
шунтиришларинг керак. Кимки тушунмаса... Хуллас,  
ташвиқот қилиш керак. Лекин ҳаддан ташқари кўн-  
гилчанликка берилманглар. Ҳар ҳолда ҳозир одам-  
ларни аяйдиган вақт эмас. Немислар қишлоқда кутяп-  
ти. Иккита бўлинма, тўртта пулемёт бор. Машиналари  
шай. Ишни тезлатиб, одамларни ортинглару... — Бош-  
лиқ гапини тугатмай қўл силтаб қўйди.

Аравага от қўшиб, йўлга чиққанларидан кейинги-  
на Суминов Нинанинг қишлоғига кетаётганини англа-  
ди. Англади-ю, кайфи учди. Хаёлига келган биринчи  
фикр — аравадан сакраб тушиб қочиш бўлди. Йигир-  
ма-ўттиз қадам наридан ўрмон бошланади. Дарахтлар  
сокин чайқалиб, уни бағрига чорлади. Суминов энди  
сакрашга чоғланган ҳам эдики, полицайлардан бири  
«Бўри!» деб бақариб юборди.

Полицайлар талвасага тушиб милтиқни қўлга ол-  
гунларича Бўри лапанглаб йўлни кесиб ўтди-да, бута-  
лар орасида кўздан ғойиб бўлди. Суминов Оқсоқ Бў-  
рини таниди. Қўрқувдан сочлари ҳурпайди. Арава  
ичига юзтубан тушди. Полицайлар бақариб-чақариб,  
хуштак чалиб, бетартиб ўқ уза кетишди. Аравакаш  
эса жонҳолатда отга қамчи босди. Улар мўъжаз қиш-  
лоққа шу зайлда кириб келишди.

Орадан чорак соат ўтмай, сокин қишлоқда ола-ғо-  
вур бўшланди. Кимдир немисларнинг муддаосидан  
қишлоқ аҳлини огоҳ қилганми, ҳар ҳолда рўйхатдаги-  
ларнинг кўпи топилмади. Топилганлари эса боришдан  
қатъий бош тортиб, қочишга ҳаракат қиларди. Хул-  
лас, бошлиқ айтган ташвиқот билан иш битмаслиги  
аниқ эди. Полицайлар ўнга яқин ёш қизларни ҳибс-  
га олиб, дод-фарёдларга, ёғилаётган лаънатларга қа-  
рамай, машинага суриб чиқаришди. Немислар зоҳи-  
ран бефарқ қараб турардилар, аммо уларнинг нафрат-  
га тўла кўзларидан ўқ узиб, қишлоқ ҳаётига биратўла  
нуқта қўйишга тайёр эканликларини сезиш мумкин  
эди. Одамларнинг бахтига бундай буйруқ берилмади.  
Мотоцикллар қуршовидаги машина ўрнидан қўзғалди.

Полицайлар гуноҳларга тенг шерик бўлиб буй-  
руқни адо этишгач, қаердандир ароқ, чўчқанинг сон  
гўшти топиб, оғир меҳнатдан сўнг табиат бағрида ҳор-  
диқ чиқаришга қарор қилдилар. Бу таклиф Суминов-

нинг кўнглига ўтиришмади. Чунки унинг назарида ҳар бир бута ортига хатар яширинган эди. Текинхўрликни одат қилган ҳамтовоқлари эса хоҳ сабабли, хоҳ сабабсиз зиёфатларга кўникишган. Уларга таралабедод бўлса бас. Лекин шериклардан ажралиш ҳам хавфли. Шунинг учун Суминов кепкасининг айвокини қошига қадар тушириб, арава ортидан истамайгина эргашди.

Яна озгина юрилса, кўча охирлайди. Кўча адоғига эса Нинанинг уйи жойлашган. Масофа қисқарган сайин Суминовнинг юраги қинидан чиққудек тепади. Бу уй вақтинчалик бошпана бўлишига қарамай, ҳар ҳолда шу ерда яшади, шу ерда одам қаторига қўшилди. Шу уй қаршисидан тезроқ ўтиб кетса эди. Агар Нинага дуч келса, қатл ҳақида гап очади. Ҳисоб беришга, ўзини оқлашга тўғри келади. Балки бундай бўлмас? Балки Нина у билан гаплашишни мутлақо истамае?

— Нима бало, ухлаяпсанларми, ҳайдасанг-чи, — деди Суминов аравакашнинг елкасига милтиқ найзасини ниқтаб. Сўнг сакраб аравага чиқмоқчи бўлди-ю, остонада жилмайиб турган Нинани кўриб тўхтади.

Нинанинг чехраси очиқ. Елкасига Суминов совга қилган ўша шол рўмолни ташлаб олган. «Уйга кир, кутавериб кўзим тўрт бўлди», деган маънода полицайга қўл силкиди. Суминов шерикларига нимадир деди-да, жувон томонга юрди. Нина карашма билан рўмолини тузатган бўлиб нозли оҳангда унга пўписа қилди:

— Ҳа, қочоқ, дайдилик ҳам эви билан-да. Бир ҳафтадан бери қорангни ҳам кўрсатмайсан-а?

Суминов қулоқларига ишонмади. Чунки Нинадан бундай юмшоқ муомалани сира кутмаган эди. Шунинг учун ҳали ҳам кўзига тик қарашга ботинолмай: «Иш кўп, Нина бош қашнишга қўл тегмаяпти», деб тўнғиллади.

Ана холос! У юраги пўкиллаб у ёқда юрибди-ю, жувон бу ерда уни кутибди. Бекорга қўрқибди. Хотинкишининг ўткинчи инжиқлигини тушунмай, бекорга ноумид бўлиб юрган экан. Партизанларни қатл этганини билармикан? Билса нима? Ахир, эрмакка отгани йўқ-ку. Уруш кетяпти! Нина ҳам аҳмоқ эмас. Улим

оғзидан қайтган одамнинг аҳволини тушунади. Аёл қалби мумга ўхшайди, эриши ҳам осон, қотиши ҳам...

У яхшилаб йиғиштирилган, салқин хонага кирди. Нина қувончини яширмай, ҳануз таънали оҳангда гапирарди:

— Унвонинг ошиб, мени эсдан чиқардингмикан, девдим. Ё битта-яримта бевага ишқинг тушиб... а?

Суминов бу гапдан эриб, уни белидан қучди. Аммо Нина енгил сирғалиб, унинг қучоғидан чиқди. Суминов муздек сувда роҳат билан юз-қўлини ювди. Нина эса самовар қўйиб, дастурхон тузади. Бодринг, олгинсимон қўзиқорин, карам, қовурилган балиқ... Нина яқин орада бундай сахийлик билан уни сийламаган эди... Ниванинг ўзи стаканни тўлдириб самогон қуйди-да, нозли карашма билан унга тутди. Жувоннинг кўзи кулиб турган бўлса ҳам, ҳаракатида жонсарақлик бор эди. Юзида, бўйнида қизил доғлар пайдо бўлган, қўллари ҳам аста титрарди. Суминов гапга солмасин, деб тинмай жаврарди:

— Ош-овқатингнинг ҳам тайини бўлмаганга ўхшайди. Этинг суюгингга ёпишибди. Кийимингни қара, нима бало, ит таладими? Ҳар ҳолда бошлиқ деган номинг бор, дайдиларга ўхшаб юриш ярашмайди.

Суминов уни яна қучоғига тортди. Нина яна сирғалиб чиқди.

— Аввал қорнингни тўйгазиб ол, улгурасан...

— Эҳ, Нина!..

— Хўрсинаверма, ич. Одамбашара бўлмагунингча, энди ҳеч қаёққа қўймайман. Тўйиб ухлайсан, ҳаммомга тушасан... Минг баҳодир бўлганингда ҳам ором олишинг керак.

Ҳаёт яхши нарса-да! Улимнингга рози бўлиб юрганнингда, сенга мана шундай юз очиб турса, қувончинг бағрингга сиғмай кетади! Суминов тўхтовсиз ичиб, иштаҳа билан овқат ерди. Уни азобга солаётган қўрқувлар ҳам, шубҳалар ҳам туман каби тарқаб, хушбахтлик либосида кайф қиларди. У ҳатто чала-чулла билувчи қандайдир қўшиқни хиргойи қилмоқчи ҳам бўлди-ю, қалқиб кетиб айтолмади. Нина унинг бошини силаб, кўпроқ ичишга, кўпроқ овқат ёйишга дават этарди.

— Ҳа, Ниночка! Яқин орада ҳаммаси... Уруш гаммом бўлади,— деди Суминов хирилдоқ овозини кўта-

риб.— Мен ҳали кўрсатиб қўяман. Мен ҳали яшайман!— У шундай деб кимгадир мушт ўқталиб, кимнингдир кўланкасини ҳайдаган бўлди.

— Қўй уларни, айшингни қилсанг-чи. Қанақа эркаксан ўзинг, стаканингни яримлатиб ўтирибсан, қани, ол, бирга ичамиз.

Суминов нимадир деди-ю, бошн шилқ этиб тушди. Тирсагини карам тўла ликопча устига қўйди-да, пешонаси столга тиралган ҳолда хуррак ота бошлади.

Нина эҳтиётлик билан уйдан чиқди...

...Нинанинг уйда кайф қилган одам мана энди қуёш чарақлаб турган сокин майдонда ётибди. Бошн ёрилай дейди. Ичини ўт куйдиргандек бўляпти.

Оқсоқ Бўри қаёққа йўқолди? Еки уни тушида кўрдими? Йўқ, ёнида тимирскиланганини аниқ кўрди-ку!

Одамларнинг овози, шох-шаббаларнинг қисирлаши эшитилди. Булар ким экан? Ҳа, полицай дўстлари бўлса керак. Овоз орқадан келяпти. Ўгирилишга мадор йўқ. Устига-устига, қимирласа қўлини ингичка арқон баттар қисди.

— Кайфи тарқалганга ўхшайди,— деди таниш овоз,— қўлларини ечинглар. Замбилларни яқинроқ олиб келинг.

Кимдир Суминовнинг қўлини бўшатди. У уюшган елкасини силаб, қаддини ростлади.

— Бу қанақа аҳмоқлик...— зўр-базўр тили гапга келаётган одам бирдан сапчиб туриб кетди. Федотовни кўрдию оғзи очилиб, кўзи бақрайганча тошдек қотди.

— Бу ёққа қара,— деди Федотов икки замбилда ётган одамларни кўрсатиб.

Суминов қоқшоқ чол сингари титрарди. Орқасига тисарилди. Лекин икки номаълум киши уни билагидан қисиб тўхтатди. Шу пайт қаердандир Нина пайдо бўлиб, унинг ёқасига ёпишди:

— Мен ўзим, ўзим ўлдираман уни!

Федотов уни қочоқдан айирди.

— Бас қил!— деди буйруқ оҳангида, кейин мулойимлик билан уни елкасидан ушлади.— Ўзингни бос, Нина.

Нина нари кетди. Федотов Суминовга юзланди:



— Танияпсанми? — деди замбилдагиларни кўрсатиб.

Полицайнинг кўз олди қоронғилашди.

— А-а! — унинг оғзи кўпикланди. — Йўқ... Мен... Мени мажбур қилишди. Ўзи айтсин! — У шундай деб ўзини ерга ташлади. Қўрқинчли арвоҳдан қочмоқчидек, орқасига эмаклади. Сўнг Федотовнинг оёқларини қучоқлади: — Худо ҳаққи, гапларимга қулоқ сол. Истасанг, қасам ичай...

Замбилдаги одамнинг лаблари қимирлади. Нимадир деб шивирлаб, кўзини юмди. «Иргалин... бу ерга қандай келиб қолди? Ахир, мен... ўзим отган эдим-ку. Ёки чуқурга йиқилган одам бошқа эдими? Йўқ, ўша! Шайтон васвасасими бу ё айни ҳақиқатми? У дунёдан ҳам одам қайтадимми?»

Дарҳақиқат, Суминов талвасага тушган эди. Қатлдан сўнг майхўрликка берилган чоғда, Федотовнинг одамлари қишлоққа кириб келишган, Иргалин билан партизан йигитнинг жасадларини ўрадан олишган эди. Рамазоннинг юраги ҳали уришдан тўхтамаган эди. Нинанинг партизанлар билан алоқа боғлагани ҳам, уни найранг билан уйига чақириб ичиргани ҳам Суминов учун қоронғи эди.

Оқсоқ Бўрининг тушига киравериши, йўлни кесиб ўтиши бежиз эмас, мана шу оқсоқ махлуқ бевақт ўлимнинг даракчиси экан.

— Аблаҳ, ўлакса!

Таниш полицайга ўхшайдиган одам уни қўндоқ билан уриб юборай деди.

Бунақа одамдан мурувват кутиб бўлмайди. Яхши ҳамки Федотов уларга қўйиб бермайди. Йўқса, аллақачон хомталаш қилиб ташлашарди. Ҳали ҳам вақт бор, ялиниб-ёлбориш лозим, қасам ичиш керак. Наҳотки тушунишмаса. Ахир, у полицайга ўз ихтиёри билан бормади-ку? Қатлга ҳам мажбур қилишди-ку! Ҳа, буни тушунтириш шарт. Иродасининг бўшлигини важ қилиб кўрсатиш керак.

— Ўртоқ Федотов... — деб энтикканича сўз бошлади Суминов. Аммо гапи бўғзида қолди. Федотов уни ёқасидан олиб силтади.

— Ўртоқ дейсанми? Вой, ҳароми, итвачча-ей, — Федотов уни қўйиб юбориб, ифлос нарсани ушлаб олгандек қўлини гимнастёркасига артди-да, нари кет-

ди.— Яна ўртоқ дейди-я. Сенга ўртоқни кўрсатиб қўярдиму...

Суминов бошини майсага уриб ҳўнграб юборди. Замбилдагиларни олиб кетишди. Майдончада Федотов билан Нина қолди.

— Менинг бутун қалбимни булғади бу ифлос. Ўртоқ комадир, тушунинг, бунга фақат менинг ҳаққим бор, ўз қўлим билан...

Федотов паст овозда унга нимадир деди. Яна уч киши келди.

— Юринглар, ўртоқлар, мурдорни суд қилиш вақти етди, — деди лейтенант ҳорғин овозда. — Нина, сен Иргалиннинг ёнига бор. Сенинг вазифанг, уни оёққа тургазиш. Буни унутма!

Уч номаълум киши Суминовга яқинлашди. Уччовининг кўзи бир хилда — ғазаб ва нафрат билан ёнарди.

*Арава ғилдиракларининг дукур-дуқури тобора яқинлашарди. Бўри қулоғини динг қилиб сергакланди. Атрофга олазарак тикилиб, хатар туғилган тақдирда беркинадиган жойни мўлжаллаб қўйди. Энди одамларнинг овози ҳам эшитилди. Кимдир томоғи йиртилгудек бўлиб хахолаб кулар, кимдир бўкирар эди. Бунақа одамлардан яхшилик кўтиб бўлмаслигини Оқсоқ Бўри яхши тушуниб қолган. Бундайлар ўйлаб ҳам ўтирмай, гумбурлатиб олов ёғдиришади.*

*Қолдан тойган Оқсоқ Бўри тақдир билан ҳазиллишиб ўтирмай, ўрмон ичкарасида ғойиб бўлишга қарор қилди. Йўлни кесиб ўтай деганда, чанг кўтариб келиётган икки от қўшилган аравага кўзи тушди. Аравадагилар ҳам уни кўриб, шовқин кўтаришди. Гумбурлаган говушлар эшитилди. Бўрининг қулоғи остидан оловли арилар визиллаб уча бошлади. У жон-жаҳди билан ўзини бутазорга урди.*

*Бўри биринчи бутага етай деганда, биқинини нимадир кўйдирди. Баданига кучли оғриқ туриб, югураётган ерида ўмбалоқ ошиб тушди. Шу заҳоти кўз олдич қоронғилашиб кетди... Кўзини очди-ю, ўзини қуёш нуридан яшнаб турган ялангликда кўрди. Уридан турди-да, баданидаги оғриққа қарамай керишиб, эснади.*

Шундан кейингина икки кундан бери оч экалэги эследи.

Бирданига Бўрининг кўзлари чақнаб, мушаклари таранг тортилди. Сал нарида ётган ўлжани кўриб, ташланишга шайланди. Улжа қимирламаяпти, демак, унчалик хавотирли ери йўқ. Оёғидаги яра ҳам битган, ҳозир оғриқлар ҳам босилган. Шу топда уни фақат очлик қийнади. Овага даъват этарди.

Оқсоқ Бўри номаълум ўлжаси томон писиб эмактарди. Ҳали сакрашга вақт бор. Янада яқинроқ келиши керак. Яна озгина... Яна... Яна... Энди у ўтлар орасидаги ўлжани аниқ кўряпти: қўзига ўхшайди...

Бўри сакрашга чоғланиб орқа оёқларини ерга тиради. Аммо шу онда димоғига таниш ис урилиб, боши айланиб кетди. Бир оздан кейин кўзини очди. Ўтлоқда дўнгпешона, беўхшов боласи ўтирарди, кўзларига ишонмай ўрнидан турди-да, унга яқинлаша бошлади. Бўривачча жунларини ҳурпайтириб, дандон тишини кўрсатиб иржайди-да, тисланди. Она Бўри тумшуги билан унинг биқинига аста туртди. Бўривачча гингишиб ағанади-да, оёқчаларини баланд кўтарди.

Она Бўри боласини бошдан-оёқ ялай кетди. Агар унинг ҳаракатларини бирор кимса четдан кузатиб турган бўлса, шубҳасиз, Бўри тўсатдан ақлдан озибди, деган хулосага келарди. Бўривачча эса бу эркалашни ўзига ўйнашиш учун таклиф деб тушуниб, у ёндан бу ёнга ағдарила бошлади. Бир оздан сўнг Она Бўрига кўникиб, ирғиб турадиган, дам саналиб турган қовурғасидан, дам чўлтоқ оёғидан аста-тишлаб қўядиган бўлди. Дунёдаги барча нарсани унутган Она Бўри эса қадрдон ҳиддан маст бўлиб, болачасини ўмбалоқ ошириб ўйнатарди...

Қуёш қалин дарахтзорлардан иборат девор ортига ўтиб, кўздан йўқолди. Салқин шабада турди. Шу пайт дунёнинг у қадар осуда эмаслигини эслатишга қасб қилгандек, бир нарса гумбурлади. Кейин гулдираш овози келди.

Она Бўри ирғишлаётган боласини эргаштириб, ўзини бутазорга урди. Энди уни лоқайдлик ва бефарқлик бутунлай тарқ этган, ўрнига-ўрин яшаш иштиёқи аланга олган эди. Илгари нима учун яшаётганини билмасди. Энди билади. Ҳаёти ўзгача мазмун касб этди.

Рамазоннинг тез тузалиб кетишига умид йўқ эди. Район марказидан яширинча келтирилган кекса жароҳ операция қилиб, ўқни олиб ташлагач, изига қайтди. Аммо яра ҳадеганда битавермади. У дам иситма оташида куяр, дам ҳушини йўқотиб алаҳларди. У ҳаманинг кўз ўнгида шам сингари сўниб борарди. Федотов уни хавотирсиз ерга кўчиришни ўйлаб, қайғурарди. Самолёт чақиришнинг имкони туғилганда-ку, нур устига аъло нур бўларди-я. Лекин ҳозир буни хаёлга ҳам келтириш ортиқча. Гуруҳ ҳали кичкина, алоқа эса йўқ. Шундай экан, бошқа йўл излаш керак. Ярадорни ботқоқликлар орасида асраш хавфли. Кузакнинг совуқ нафаси сезилиб турибди. Тезроқ бир қарорга келиш керак.

— Ишончли бир ўрмончи топишимиз керак. Бир ўйлаб кўринглар-а,— деди у дўстлари даврасида хаёлга чўмиб ўтирган чоғида.

Биров у деди, биров бу деди, ниҳоят бир қарорга келиб, катта йўлдан йироқроққа жойлашган, жарликлар билан ўралган қўрғонни танлашди. Қўрғон партизанлар ҳаракат қиладиган Вешкинск мавзудан анча узоқ, унга олиб борувчи йўллар эса кўримсиз бўлгани учун ҳам хатарсиз эди. Жарликлар ҳам дарахтга бурканган, гўё одам оёғи етмаган хилватгоҳга ўхшарди. Кўздан йироқроқ бўлган қўрғонда бир кампир ёлғиз яшар экан.

Федотов билан Нина бу ерга келиб вазиятни аниқлашди. Қўрғон бекаси ярадорга жой беришга бажонидил кўнди.

Бу кунларда отряд ҳаракатини сезиларли даражада фаоллаштирган, катта кўчада душман машиналарининг кули кўкка созурилар, кўприклар портлар, омборлар ёнарди. Усаётган отряд сафи кундан-кунга қад ростлаб борарди.

Ярадор қўрғонга жўнатиладиган оқшомда отряднинг Федоровкадаги полиция маҳкамасига ҳужум қилиши режалаштирилган эди. Лейтенант бу операцияга пухта тайёрланди, разведка маълумотларини ипидан игнасигача ўрганди.

Бу ҳужумдан икки мақсад кўзланган, шу сабабли унинг натижаси келгуси ҳаракатлар учун муҳим эди.

Федотов аввало жаллодга айланган собиқ фельдшерни қўлга туширишни мўлжаллади. Иккинчиси ва энг муҳим вазифа давлат полиция взводини тор-мор қилиш эди. Ҳозирча жандармерия аскарлари ҳамма ишни полицайларга ташлаб, тек туришибди. Уларнинг бу бепарқлиги вақтинча. Эрта-индин улар ҳаммаёқни остинустун қилишни бошлашади. Партизанлар бундай ҳарбий куч билан илк марта юзланишлари лозим эди. Шунинг учун операцияга астойдил ҳозирлик кўрардилар.

Қолаверса, уларнинг Федоровка атрофидаги фаол ҳаракатлари душманни чалгитар, Иргалинга мўлжалланган қўрғон хавфдан холи қоларди.

Нина олти партизанга бош бўлиб қўрғонга жўнади. Асосий кучлар эса Федотов қўмондонлигида Федоровка сари юрди. Рамазон билан Федотовнинг йўллари яна айри тушди. Бу сафардаги айрилиқ узоқ давом этармикин?

Мана, бир ярим ҳафтадирки, Рамазон бекаси бўлимиш Варвара Ивановнанинг зийрак нигоҳи остида. Саломатлиги асталик билан яхшиланяпти. Рамазоннинг бахтига бу камгап аёлнинг табобатдан хабари бор экан. Турли гийёҳлардан тайёрланган дори-дармонлар дуруст натижа бера бошлади.

Оғриқ босилиб, ҳушига келган чоғлари чуқур ўйга толиб, қатл майдонида кўрган-кечирганларини бир ипга тизишга уринарди. Унлаб дўстларининг бевақт ўлимига гувоҳ бўлган Рамазон ҳаёти эртами, кечми, ҳеч кутилмаганда, учар юлдузнинг изи каби қўққисдан сўниши мумкинлигини биларди. Литвадан то Смоленск ерларига келгунга қадар бошига нималар тушмади. Ўлим билан неча бор юзма-юз келди. Лекин бахти кулган йигит эканми ё аскарлик тақдири шундай эканми, ҳар қолда бирон ери тирналмади ҳам. Рамазон бахт юлдузига қаттиқ ишонгани учун ҳеч нарсадан қўрқмасди, ҳатто энг хатарли вазифаларни ҳам дадиллик билан бажарарди. Ана шу жасурлиги учун унга бўлинма командирлигини ишониб топширишганди.

Ким билади, балки чиндан ҳам унинг саодатли бахт юлдузи бўлгандир? Балки... Аммо бу юлдуз нима учундир сўнгги дақиқада бевафо аёл каби уни унутди. Ё буткул юз ўгирдимикан? Йўқ, ахир тирик қолди-ку!

Бу балога дуч бўлишига ўзи айбдор. Зийраклигини озгина сусайтирдию душман қопқонига илинди. Рамазон душман қўлига тушганидан эмас, балки ёпирилган немисларнинг ҳеч бўлмаганда биттасини у дунёга жўнатмаганидан афсусларди...

Улар Федотов билан Вешкинск ўрмонига кутилмаганда жуда осонлик билан етиб бордилар. Район фаолларидан иборат партизан отрядини излаб, кўп ҳам дарбадар кезмадилар. Рамазон улар орасидаги аскарча гимнастёрка кийиб, белига энли камар таққан аёлга дастлаб унча эътибор бермади. Федотов эса у билан узоқ суҳбатлашди. Кейин ёнига Рамазонни чақирди.

— Иргалин, танишиб ол, Наталья Сергеевна Комарова.

Аёл Рамазонга қаради. Қуюқ қора киприк остидаги мовий кўзларни кўрдию Иргалиннинг юраги эзилди. Уттиз бешларни қоралаган бу аёл Васянинг ўзгинаси эди. Наталья Сергеевна унинг узатган қўлини қаттиқ сиқди. Кўзига нам келди. Дийдаси бўшлиқ қилгани учун йигитлардан узр сўради-да, гапни бошқа ёққа бурди. Энди у гапга кўмилиб, йиғи-сиғи қиладиган она эмас, балки қатъий, жасур, ўч ҳисси билан ёнаётган аёлга айланган эди.

Комарова ўрмондан кетмай туриб улар билан яна бир суҳбат қурди. Уғли билан отасининг ҳалокатини ҳаяжонга берилмай, қуруққина қилиб сўзлади. Аммо Рамазон бу совуққонлик замиридаги қаҳр-газабни сизди ва бир қадар ўзини айбдор билиб, ўнғайсизланди. Шунинг учун суҳбатга қўшилолмади.

— Наталья Сергеевна, менинг биттаю битта орзум бор, унга эришолмасам, бу дунёдан кўзим очик кетади. Фельдшерни ўзим бўғмасам, хумордан чиқмайман,— деди у Комаровани кузатар маҳалида.

Комарова кетгач, Федотовнинг чехраси очилиб, Рамазонга кўз қисиб қўйди. Рамазон бениҳоя вазминтабиат лейтенантнинг бу қилиғига дастлаб тушунмади. Эртасига эрталаб чайла қаршисида йигирмага яқин бақувват йигитларни кўрдию, Федотовнинг бекорга хурсанд бўлмаганини англади. Йигитлар қуруқ келишмаган, баъзиларида биротар, баъзиларида қўшотар, ҳатто қирқма милтиқ ҳам бор эди. Федотов Рамазонни разведкачилар гуруҳига бошлиқ қилиб тайинлади. Улар

га жанг майдонларидан қурол тўплаш, қисмларини йўқотиб, дайдиб юрган қизил аскарларни топиш вазифаси юклатилди.

— Суминов-чи— деди Рамазон буйруқни бир бошдан эшитиб бўлгач.

— Нима, Суминов?

— Қачон уни...

— Ҳозир бундан муҳимроқ иш бор. Вақт-соати билан унга ҳам гал келади.

Отрядга яқинда қўшилган райкомкомсомол ходими Ваня Стрельцов Рамазоннинг атрофида гирдика-палак бўлиб қолди. У баъзан бурнига қўндирилган катта кўзойнакни тўғрилаганча нолиб қоларди:

— Бу кўзойнак мени пичоқсиз сўйяпти. Илгари туппа-тузук кўрар эдим. Икки йил ичида кўр бўлаёдим.

— Ойнаси жуда қалин-ку, а?

— Минус олти-да!— Ваня шундай деб ҳафсаласизлик билан қўл силтади.— Шунинг учун ҳам хизматга олишмади.

— Укинма, шу ерда ҳам иш етиб ортади.

— Биз бу ерда нимани кутиб ётибмиз. Газандаларнинг бўғзига чанг солиш вақти етди. Ҳар бир қишлоқда менинг дўстларим бор. Командирга айт, уларни бу ерга олиб келиш керак.

— Командир менинг гапим билан иш қилмайди. Унинг ўз калласи бор.

Вазифа бўлишда яна Ванянинг омади чопмади. У хатарли ҳужумлар, жангларни ихтиёр қилган эди. Командир эса унга жуда оддий туюлган ишни — қишлоқ-ма-қишлоқ юриб, аҳолининг руҳини кўтариш, янгиликлар билан таништириш вазифасини юклади.

— Менинг пешонамга фақат шунақа иш ёзилган шекилли?— деди у Рамазонга зорланиб.

У ишдан норози бўлса-да, буйруқни виждонан ба-жарарди. Бу ишни Ваняга юклаб командир янглишмаганди. Ваня аввало бу ерларни яхши биларди, комсомол ишларида тажриба орттирган, тузуккина ноғиқ эди. Одамлар билан тез киришиб кетадиган одати бор эди. Ташвиқотни Ванядан бўлак киши ўринлата олмасди. Суминовнинг полицаё бўлганини ҳам Ваня билиб келди. Ҳар бир қишлоқда унинг ишончли одамлари бор эди. Улар Стрельцовни керакли маълумотлар би-

лан, сотқинлар ва полицайлар ҳақидаги хабарлар билан таъминлаб туришарди.

Рамазон қатл этишлар, ҳибсга олишлар ҳақидаги хабарни эшитган чоғлари ўзини тутолмай, Федотовни исканжага олиб қоларди:

— Ҳали ҳам эрта деяпсанми? Яна қанча кутиш керак?— дерди у жиғибийрони чиқиб.— Одамларни осияшти, отияшти!.. Менга йигирматагина йигит бер, юзлаб фашистни ер тишлатиб қайтамиз.

— Юзлаб фашистни дегин? Дуруст. Сен-ку уларни ер тишлатиб, шарафга бурканиб қайтарсан-а, хўш, қишлоқда қолган одамларнинг аҳволи нима бўлади? Буни ўйлаб кўрдингми? Битта жангчиси учун улар бизнинг ўнта бегуноҳ одамимизни қиради. Йўқ, бизга бундай қимматга тушадиган жасорат керак эмас. Ҳозир кучимиз кам. Куч тўплаб туриб, фрицларнинг пуштагини яхшилаб қоқиб қўйсак, кейин биз билан ҳам ҳисоблашадиган бўлишади.

Рамазон Федотовнинг ҳақ эканига шак келтирмасди. Лекин шу ўринда бу ҳақиқат унга далда ҳам беролмас эди. Бунинг устига тонг отиши билан Ваня пайдо бўларди-да, немисларнинг манфур ишларини гапира бошларди. Ана шунда Рамазоннинг юраги тарс ёрилиб, автоматини қўлга олганча бир ўзи жангга отилгиси келарди.

Бир куни Ваня автоматини тозалаётган Рамазонга бошини эгган ҳолда яқинлашиб, индамайгина ўтирди. Рамазон унинг маънос чехрасига қараб, яна хунук хабар олиб келганини сизди. Лекин нима гап, деб сўрамади. Ваня бир оз сукут сақлаб ўтирди-да, гап бошлади:

— Буларни одам дейишга ҳам тилим бормайди. Дунёга Марксни, Тельманни берган халқда шундай ваҳшийлар туғилишини тасаввур қилолмайман. Улай агар, бунга мутлақо ишонгим келмайди,— деди у йиғлаб юборадиган даражада ғазабга миниб.— Йўқ, улар одам эмас. Кеча Ивановкада бир қизни ҳақоратлашибди. Энди ўн олтига тўлганди. Онаси ўттиз бешларда бўлса керак. Бир кечада сочлари оқариб, эси оғиб қолибди... Надя ғойиб бўлибди... Онасини дарвозага боғлаб, унинг кўзи олдида қизини... Аблаҳлар!..

Ваня сапчиб ўрнидан туриб кетди. Қайиннинг илди-



зига қоқилиб, йиқилиб тушай деди. Кутилмаганда ўз ёғига ўзи қовурилиб ўтирган Рамазонни ёқасидан олди.

— Яна қанча кутиш мумкин?! Нимага жимсан? Юрак деган нарса борми сенда? Ё йўқми?

Ваня ожизлигини ҳис қилиб, ўзини шох-шабба устига юзтубан ташлади. Қоқсуяк елкаси ямоқ солинган пиджагини туртиб чиқди. Қўллари титради.

Рамазон индамади, унга далда ҳам бермади. Вужудини душманга, айти чогда ўзига ҳам бўлган нафрат қамраб олди. «Ҳаммасига ўша бир чақага қиммат пакет айбдор. Менинг ўрним ҳаракатдаги армияда! Жанггоҳда ҳаммаси кафтдагидек: душман қаршингда, она тупроқ учун жон олиб, жон беришинг керак. Бу ерда эса... Ҳаммаёқ сокин. Лекин душман ёнгинангда нафас оляпти. Сен эса тишни тишга қўйиб ўтираверасан. Ён-атрофда нималар бўляпти — билмайсан. Худди кўр одамга ўхшайсан... Ушанда лейтенантнинг гапици икки қилмай, жўнаб кетаверсам бўларкан. Узимизникиларни бир амаллаб топиб олардим. Мендек ландовур жангчи шим эмас, хотинларнинг кўйлагини кийса ҳам бўлаверади...»

Ваня бир оз тинчланиб, қаддини кўтарди. У оғир азобда қолган одам каби қошларини чимирган, лабларини қимтиган эди. Қовоқ уюб ўтирган Рамазонга бирикки қараб қўйиб, ҳорғин овозда гапира бошлади:

— Баҳорда комсомолга ўтадиган ивановкалик ёшлар йигирма чақиримли йўлни лой кечиб келганди. Улар орасида Надя ҳам бор эди. Секретаримиз Надяга: «Комсомол аъзосининг вазифаси нималардан иборат?» деб савол берди. Жавоб бераётган Надя ҳозир ҳам кўз ўнгимда турибди. У қаддини роз тутган ҳолда шеър ўқиган эди. Сен бу ҳолни тасаввур ҳам этолмайсан... «Олға бос, ўртоқ, тонг учун, тонг учун курашмоқ даркор, олға бос, ўртоқ...» Райком тарихида бунақаси сира бўлмаган эди. Аввалига бюро аъзолари гангиб, ўзаро шивирлашиб қолишди. Кейин қизиқиб шеърни жон қулоқлари билан тинглашди. Надянинг эса кўзлари чақнарди, овози бир оз титрарди. Йўқ, у шунчаки шеър ўқимасди, барчанинг номидан қасамёд қиларди. Шеър тугади-ю, гапирай десак, сўз тополмаймиз. У ҳаммамизни сеҳрлаб қўйганди. Анчадан кейин кимдир: «Сенинг мақсадинг, энг олий ниятинг нима?» деб

сўради. Бу сафар у шеър ўқимади. Киприklarини пир-пиратиб ҳаммага қараб чиқди. Кейин жилмайиб: «Мақсадим битта — ҳамма бахтли бўлиши керак», деди... Уф... ваҳшийлар, шундай қизни бадном қилишибди-я! Шундай юлдузни юлиб ташлашибди, қонхўрлар!

— Сен уни севасанми? — деб сўради Рамазон эҳтиётлик билан.

— Нима? — савол Ваняни гангитиб қўйди. Кўзойнагини олди-да, енги билан арта бошлади. — Б... балки... билмадим. У мағрур эди. Энди уни қаердан топасан? Изсиз йўқолди, тамом!

...Рамазон нима қиларини ҳали ўзи ҳам билмаса-да, қоронғи тушишини интиқлик билан кута бошлади. Холли қолишга интилиб, ўйлаб ўйига етолмади. Ниҳоят, дарахт ораларини тароқ тишлари қаби тилиб ўтган қуёш нурларини йиғиб олди. Ўрмоннинг сурмаранг чодирини ҳам йиғилиб, қуюқ қоронғилик тушди.

Бу кеч Ваняга ҳордиқ берилди. У хушбўй ҳид таратаётган игна баргли дарахт шохлари устига ўзини ташлади-да, эски пўстинга ўраниб ётди. Рамазон унинг уйқуга кетишини узоқ кутди. Кейин эҳтиётлик билан ўрнидан турди. Ваня тирсагига тиралиб, пўстин ичидан бошини чиқарди.

— Қаёққа? — деди у шивирлаб.

— Ётавер. Уйқум ўчди. Бир оёғимнинг чигалини ёзиб келай.

Ваня сапчиб ўрнидан турди. Шоша-пиша кўйлагининг тугмаларини қадади. Камарини тақиб пайпаслаганча гранаталарни излаб топди.

— Сен нимага туриб олдинг?

— Чигални бирга ёзиб келамиз, — деди Ваня Рамазонга яқинлашиб. — Мен қоронғида кўзойнакни ҳамяхши кўраман. Фақат кундузи кўзойнаксиз юрелмайман.

— Гранаталарни нима қиласан?

— Ҳар эҳтимолга қарши. Граната билан юрсам кўнглим хотиржам бўлади.

— Ишлатишни биласанми ўзи?

— Ҳа, ўргатиб қўйишган, хотиржам бўлавер.

Рамазон бу ўзбошимчалиги учун Федотовдан яхши гап эшитмаслигини биларди. Аммо ортиқ ўзини тутолмасди ҳам. Чунки Ванянинг ҳикояси унинг сабр косасини тошириб юборган сўнгги томчи бўлган эди. Надя-

нинг ўчини олмаса, кўнгли тинчимайди. Назарида, у Надаgni кўпдан бери биладигандек эди. Кўз йўғудек бўлса, зўравонлар қўлида типирчилаб, ёрдам сўраётган қизни кўрарди. Кўрарди-ю, юраги эзилиб кетарди...

Бу нотаниш, аynи пайтда яқин, қадрдон қиз унга узоқдаги бошқа бир қизни эслатиб қўйган эди. У ҳам ёрдам сўраганди. Биргина сўз кифоя эди. Елкасига бош қўйиб, тузоққа тушган қуш каби титраганди.

Бу гамнок хотирани ҳайдашга қанчалик ҳаракат қилса-да, кун бўйи безовталиқдан қутулмади.

Саккизинчи синфда ўқиётганда Рамазон бесўнақай, дароз бола эди. Уларнинг қишлоқларидаги мактаб бошланғич бўлгани учун бир тўда бола шовқин-сурон билан саҳарда Қўштерак қишлоғига йўл оларди. Фақат баҳорда, дарё тошган маҳалда улар вақтинчалик ижара уйларда яшашарди. Рамазон Ғилмитдин деган узоқ бир қариндошиникида паноҳ топган эди.

Ижарачи халқининг тўрт тарафи қибла бўлади — истаса уйига келади, истамаса йўқ. Рамазон ҳам шуларнинг бири эди. Дарсини мактабда тайёрлаб бўлгач, ўртоқлари билан дарё қирғоғига югурарди, муз кўчишини томоша қилишарди, гулхан ёқишарди, кечалари эса колхоз клубида шахматдан бош кўтармасди. Уйга ярим тунда қайтарди. Уй эгасини безовта қилмаслик учун дарров ўзини кўрпа остига оларди. Хуллас, уй эгалари ўз йўлига, Рамазон ўз йўлига кунини кўриб юрарди.

Қирқларни қоралаган камгап Ғилмитдиннинг бир айби бор эди: у майхўрликка муккасидан кетганди. Ғилмитдин нонушта ўрнига бир стакан ароқни симириб олар, уйда ўтирганча колхоз отхонасининг анжомларини: эгар-жабдуқларни, арава тиркишларини тузатиб ўтирарди. У хотин, бола-чақасининг жонини олиб қўйган эди. Уйдалигида хотини ҳам, болалари ҳам пичирлаб гаплашишар, ортиқча товуш чиқмасин учун деярли оёқ учида юришарди. Агар бирор бола ниманидир тушириб юборса ёки қаттиқроқ кулса, отасининг қалин қошлари остидаги совуқ нигоҳига дуч келар, қўрқибгина бошини хам қилиб оларди.

Бу хонадонда фақат тўнғич қиз Зухрагина ўзини эркин тутарди. Агар сувга чиқса, челақларни тарақлатиб чиқарди, истаса, ярим свозда бўлса-да, қўшиқ ай-

тарди. Уйда унинг жарангдор, беғубор, кулгиси тез-тез эшитиларди. Зуҳра ёшлик сурурини вужудига сиғдира олмагани учун ҳам кўп куларди. Унинг ҳаракатларида ўлик сукунат қурбони бўлаётган хонадонга, отасининг қаҳрли хоҳишига нисбатан қаршилиқ очиқ сезиларди. Ғилмитдин эса энди ўн олтига тўлган қизига қовоқ уюб қарар, кейин бутун уйдагиларни қўрқувга соладиган даражада бақирарди.

Бир куни кечқурун Рамазон тез-тез тамадди қилдида, ўрнига ётди. У одатда Ғилмитдин билан деярли гаплашмасди. Бу сафар ҳам дераза тоқчасини ушлаб, тинмай ҳиқичоғи тутаётган Ғилмитдинга энсаси қотиб қараб қўйди-ю, индамади. Ғилмитдин нима учундир кўчадан кўзини узмасди. Бир маҳал кўча томондан Зуҳранинг бахтиёр кулгиси эшитилди. Кўча эшиги ги-жирлаб очилиб, ёпилди. Дам ўтмай Зуҳра уй остонасида пайдо бўлди.

Ана шунда Рамазон учун кутилмаган хунук воқеа содир бўлди. Ғилмитдин қўпол сўкинди-да, қаёқдандир қўлига тушиб қолган арава тиркиши билан қизнинг елкасига туширди. Зуҳра қичқириб қочмоқчи бўлди. Аммо қоқилиб йиқилди. Ғилмитдин қутуриб кетди. Йўлини тўсмоқчи бўлган хотинни туртиб юборди. Бечора она енгил хасдек нарига учиб тушди. Болалар қўрқувдан йиғлай бошлашди.

Рамазон тўполоннинг боисини билмаса-да, беихтиёр равишда ўрнидан сапчиб туриб, Зуҳрага ёрдам беришга ошиқди. Ҳимсячини кўриб, Ғилмитдин баттар ваҳшийлашди. Тинмай сўкиб, дам қизни, дам болани калтаклайверди. Нимадир тушиб кетди, стол устидаги идиш-товоқ синди. Рамазон чаққонлик билан тиркишнинг бир учидан ушлаб олди-да, ўзига тортди. Мувозанатини йўқотган Ғилмитдин чалқанчасига йиқилди. Зуҳра уйдан отилиб чиқди. Рамазон унга эргашди. Аммо қиз қаёққадир ғойиб бўлганди.

У уйга киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай, каловланчб турганда оёғи остига кўрпа-тўшағи, китоблари учиб тушди.

— Иккинчи қорангни кўрмай, ҳароми итвачча! — Ғилмитдин шундай деб бақирди-да, эшикни ёпиб олди.

Рамазон бир қўлтиққа сиғадиган кўч-кўронини кўтариб мактабга қараб кетди. Шу топда унинг бошқа борадиган ери ҳам йўқ эди.

У Зухра билан бирга ўқирди. Эртаҗига Рамазон қиз билан гаплашишга пайт пойлади. Лекин Зухра кечаги воқеадан уялибми, ўзини олиб қочаверди. Эрта-сига ҳам, индинига ҳам шундай бўлди. Рамазон бу тентак қизнинг ёнини олганига афсус чека бошлаган маҳалда Зухранинг ўзи унинг ёнига келди.

— Рамазон оға, тўхтаб тур... Нима қилишни билмай қолдим. Ўлимимга минг марта рози бўляпман... — Қиз шундай деб пешонасини унинг елкасига қўйди.

Рамазон нима дейишини билмай, гаранг бўлди.

— Уряптими? — деди ниҳоят.

— Қазноққа қамаб қўйяпти. Шамоллаб қолдим. Баданимни яра босяпти... Уртага тушма, деб онамни ҳам урди. Уч кундан бери юрадиган ҳоли йўқ, бечоранинг.

— Нимага бунақа қияпти, айбинг нима?

— Акрамни деб... — Зухра энди овоз чиқариб йиглай бошлади. — Ахир у... менга ёқса, нима қилай? Ушанда мени кузатиб келган эди. Отам кўриб қолибди...

Рамазонга бутун болалар ичида бир синф юқорида ўқувчи Акрам кўпроқ ёқарди. Суюмли, қувноқ табиатли, муомалали бу бола гармонни ҳам яхши чаларди, овози ҳам ёқимли эди. Мактабнинг бирон-бир концерти ё томошаси усиз ўтмасди. Ҳатто курашларда ҳам елкаси ер искамай ютиб чиқарди. Хуллас, биҗта эр йигитга етарли ҳамма хислат бор эди унда. Ғилмитдинга унинг нимаси ёқмади экан?

Рамазон Зухрани девор остидаги ёғоч курсига бошлаб борди.

— Отанг нимага Акрамга тиш қайрайди?

— Сен унинг бақирганларини эшитмадинг: «Мен қизимни қандайдир ялангоёқ, зоти паст татарга берман деб ўстирганим йўқ! Саккизинчини битиришинг билан Ғарифулланинг ўғли Фозилга бераман сени. Фозилдан ўтадиган йигит йўқ бу яқин орада. Бунақанги бадавлат оила билан қуда бўлсанг ярашади...» дейди. Шартта кетворай дедиму, онамни кўзим қиймади. Мен кетсам, аламини онамдан олади.

— Қишлоқ советига бориш керак. Бу қилиғи учун...

— Топган гапингни қара-ю. Онам беркитиқчи борибдилар ўша қишлоқ советингга. «Қонуний эрингдан

шикоят қилгани уялмайсанми», дейишибди. Раиснинг кимлигини биласанми? Ҳа, ўша Самат деган киши. Ахир у отамнинг ҳамтовоғи-ку. Бир-бирини еру кўкка ишонмайди. Онамнинг айтишича, шу раис Акрамнинг отаси — Темирбой отамнинг бошига етган. Бу ҳақда ҳамма гапирди. Лекин қўлга тушмаган ўғрини жазолаб бўлмайди-ку, тўерими? Акрамнинг отасини яхши одам эди, дейишади. Шунинг учун ундан қутулишган-да...

Рамазон кафти билан курсини уриб қўйди.

— Шуларни тегишли одамларга айтсанг бўлмай-дими?

Зухра жимиб қолди. Кейин унинг саволини эшитмагандек, ҳикоясини давом эттирди:

— Колхоз тузилган пайтда дадам билан Темирбой оға Саматнинг бир найрангини пайқаб қолишган экан. Самат ўшандаёқ: «Хал, сеними», деб қўйган экан. Отамни ичкиликка тортиб, у билан тил топишиб кетибди. Отам шунинг учун ҳам дарғазаб бўлиб қолган, деб ўйлайман. Кайфи ошганда нуқул Саматнинг гапларини такрорлайди.

— Сени қара-ю!— деди Рамазон муштини қисиб. Лекин гапи оғзида қолди.

— Бир куни отам билан Самат ярим кечагача ароқхўрлик қилди. Мен ўзимни ухлаганга солиб, гапларини эшитиб ётдим. Самат: «Яқинда уруш бошланади. Алгов-далгов бошланади», деса қотиб қолай дебман. Ўшанда комсомолга ўтаман, деб юрган эдим. Отам эрталаб туриб дабдурустан: «Қиз болага комсомолга киришни ким қўйибди», деб йўлимни тўсмоқчи бўлди. Мен чидаб туролмай: «Самат билан пичирлашганингизни эшитдим. Ҳаммасини мактабга бориб айтаман», дедим. У сакраб туриб, сочимдан ушлаб олди. «Бўғиб ўлдираман», деб бақирди. Онам зўрға ажратиб олдилар. Мен... унга раҳм қилиб, уни ҳеч кимга айтмадим.

— Сени қара-ю!— Рамазон шундай деди-да, ўридан туриб кетди.— Уйингни ташлаб чиқиб кет! Агар қўрқаётган бўлсанг, районга ўзим тушаман. Қанақа даврда яшаётганингни унутдингми?!

Улар ўша оқшомда бир қарорга кела олмадилар. Рамазон тунда мижжа қоқмади. Чунки у шундай ярамас, қинғир ишларнинг ҳануз давом этиши мумкинлигини илгари тасаввур ҳам қилиб кўрмаган эди. Унинг

назарида янги ҳаёт бошланиб, ҳамма оқил, доно бўлиб кетганди. Энди эса... У ўйлаб-ўйлаб отасидан маслаҳат сўрашга қарор қилди. Ҳар ҳолда отаси кўпни кўрган.

Ундан доно фикр чиқиши аниқ...

Эртасига қишлоқда: «Акрамни кимдир ўласи ҳолатда калтаклабди», деган овоза тарқалди. Қанча излашмасин, зўравон топилмади. Бу орада баҳорги таътил бошланди. Тошқин тугаб, ер қотгач, яна ўқиш бошланди. Аммо Зухра мактабда кўринмади.

Рамазон: «Қизни мактабга қайтариш керак», деб директорга югуриб, комсомол комитетидагиларни оёққа турғазгунча: «Ғилай Фозил Зухрани ўғирлаб қочибди», деган янги овоза тарқалди. Кейин маълум бўлишича, бу қинғир иш ҳам Ғилмитдиннинг ризолиги билан амалга оширилган экан. Акрам бу иснодга чидолмай мактабни ташлаб қаёққадир кетиб қолди.

Рамазон ўзини Зухра олдида айбдор, деб билиб, тинчини йўқотди. Бу ҳис унинг вужудига сингиб, тоҳануз тарк этмаган эди.

Зухранинг ҳаёти дардли бўлди. У рўзгор ишлари билан ўралашиб қолди. Эри уни ҳатто колхоз ишларига ҳам чиқармасди. Ғилмитдин хатога йўл қўйиб, қизининг ҳаётига зомин бўлганини англади-ю, ичкиликка баттар ружу қўйди. Лекин бўлар иш бўлган, сўнгги афсуснинг фойдаси йўқ эди. Саматни эса ишда олишди. Энди у ҳамтовоғидан хабар ҳам олмас, ўз ташвишига кўмилиб қолган эди. Қунларнинг бирида иккита аравага кўчини ортди-да, оиласини олиб номаълум томонга жўнади. Ўзининг гапи бўйича: «Шундай яхши хизматчининг қадрига етмаганларнинг кўзидан йироқроқ ерларга бош олиб кетди».

Бу воқеалардан сўнг орадан уч йил ўтди. Бу вақт ичида Рамазон Зухрани фақат бир марта кўрди. Институтга кириш учун унга справка керак эди. Шунинг учун Қўштерак қишлоқ советига келди. Иши битгач, отга миниб, йўрттириб кетди. У дарёга солинган кўприкка яқинлашгач, бир боғлам шох-шаббани орқалаб, бутазордан чиқиб келаётган Зухрани кўрди.

Кутилмаган бу учрашувдан ноқулай аҳволга тушган Зухра елкасидаги ўтинни ташлаб юборди. Эски кўйлагининг этагини тортиб, енгларини тўғрилаган бўлди.

Зухра анча озган, ёши улғайган, кўриниши бечора-

ҳол эди. Рамазоннинг томоғига нимадир қадалди. У бир зум ўзини йўқотиб қўйди. Сўнг узангига оёқ тираб энгашди-да, ерда ётган ўтин боғламини кўтариб, отини Қўштерак сари елдирди. Қишлоққа гўё учиб кирди. Фозилнинг дарвозасига етиб келгач, жиловни кескин тортди. От кишнаб, орқа оёқларида тик турди. Рамазон ўтинни ҳовлига отди-да, ҳақоратомуз сўз айтиб, изига қайтди.

У терга пишган отида кўприк олдига қайтиб келганда, Зуҳра оёғини сувга солганча маъюс ўтирар эди.

— Эҳ, Рамазон, Рамазон. Елкамдаги юк фақат шугина бўлса эди... — деди у бош чайқаб. Илгари «Рамазон» эмас, «Рамазон оға» дер эди. Энди эса турмуш қурган аёл сифатида, йигитдан бир ёш кичик бўлса-да, ўзини у билан тенг, ҳаттоки ёши улугроқ ҳис қилиб гапирарди.

— Нимага колхозда ишламаяпсан?

— Фозил қўймаяпти. Ҳаммага рашк қилаверади. «Хотин кишининг жойи — уйда», дейди. Менга қолса бир кун ҳам ўтирмасдим уйда...

— Ушанда гапимга кириб, уйни ташлаб кетишинг керак эди.

— Онамга раҳмим келган эди. Бўлар иш бўлди, эски гапларни кавлаштирама. Мен энди барибир бу мазористонда яшамайман. Бир қарорга келиб қўйганман.

Зуҳра кўзини сувдан олиб, Рамазонга қаради. Энди унинг кўриниши бечораҳол эмасди. Кўзида қатъият бор эди. Йиллар бўйи вужудида куч тўплаган бу қатъият энди чехрасидаги хотиржамлик ниқобини ёриб зохирга чиққан, Зуҳра энди ҳаётини тубдан ўзгартиришга қодир аёлга айланган эди.

Ушанда Рамазон Зуҳрага ёрдам бера олмади. Кечикди. У ҳам, Акрам ҳам ҳали ёш эди. Алмисоқдан қолган урф-одатларга қарши чиқишга ожиз эдилар. Қалби пок Зуҳра ҳали ўз йўлини топади. Аммо бечора қиз бекордан-бекорга уч йил азоб чекди. Мана шуниси алам қиларди Рамазонга.

... Рамазон қоронғи тушишини, ўрмондан яширинча чиқиб кетиш учун пайт пойлаб юрганда, мана шуларни хаёлидан ўтказди. «Мен ҳамиша кечикиб юрман, — деб ўйлади у. — Ёвузликнинг учқур қанотлари бўлади. Барвақтроқ отни қамчиламаганим учун ҳар доим гафлатда қоламан. Унинг йўлига ров бўлолмай-



ман. Мана, бу сафар ҳам шундай бўлди...» Надянинг бахтсизлигида унинг на бевосита, на билвосита айби бўлмаса-да, виждони азоб чекарди. Қизнинг фожиаси Қизил Армия аскарлари билан партизанларнинг виждонига ҳавола. Юртга бало ёпирилибдими, биргаликда даф этиш керак. Жонга — жон, қонга — қон! Ҳақоратлар учун эса қасос! Фақат қасос! Бошқа кутиш мумкин эмас!

Ўрмон этагига қадар жим кетишди. Ваня ҳамроҳининг аҳволини сезиб, уни гапга тутмади.

Улар қоронғи жарлик бўйлаб Ивановкага яқинлашганларидан кейингина Рамазон Ваняни саволга тутиб, қишлоғидаги немисларнинг сони, полицаёларнинг яшаш жойи, соқчиларнинг алмашиш вақти билан қизиқди.

Тун яримлади. Ҳамроҳининг маълумотларини таҳлил қилиб, ақл тарозисида тортиб кўргач, Рамазон дадил ишга журъат этди. Тўғри, унинг режасини амалга ошириш учун камида беш-олти одам керак эди. Лекин у омадига ишонди. Қолаверса, разведкачи деган номи бор, таваккал қилиши керак. Ўйчи ўйига етгунча, таваккалчи уйига етади, деганлар. Нима бўлса бўлар, ҳеч бўлмаганда малъунларга заҳрини сочиб, кўнгли ором олади-ку.

— Менга қара, сен Суминовни бир ёқлик қилмоқчисан шекилли, а? — деди Ваня унинг саволларидан сергакланиб.

— Ернинг тагида илон қимирласа биларкансан, — шивирлади Рамазон ичи қоралик билан, кейин «Баракалла», деган маънода унинг елкасига уриб қўйди.

Ваня эса қўйнидан дафтар варағидек келадиган юпқа тахтача чиқарди.

— Мана бундай дастхат қолдирсак бўлармикан? — Ваня шундай деб «Оқсоқ Бўри» деб ёзилган тахтачани Рамазонга узатди. — Мен бир-икки ерга шундай тахтачаларни қўйиб келганман.

— «Оқсоқ Бўри» деганинг нимаси?

— Биласанми... Шу ўрмонда бир Бўри пайдо бўлибди. Биқини куйган, бир оёғи узиб ташланган. Одамлардан унчалик ҳайиқмайди, аксинча, одамларнинг атрофида санғийди. Энг қизиги, немисларга тоқат қилолмайди. Санғиб юриб-юриб, бир ув тортиб қолади. Худди одам йиғлаётганга ўхшайди. Юракни эзиб юбо-

ради. Кампирлар, қалби тилкаланган ер инграяпти, дейишади.

— Ғамнок ер йиғлаяпти... — деди Рамазон дард билан.

— Немислар ҳам уни пайқаб қолишибди. Уни кўришлари билан кўзлари бежо бўлиб, ибодатга берилишади. Бўрини шунча отиб ўлдиришолмагач, жуда қўрқиб қолишган.

— Балки бу ўша Бўридир... Агар бизнинг йўлимизни кесиб ўтган Оқсоқ Бўри бўлса... Ундан бу малъун ўшимдан қўрққандек қўрқарди, — деди Рамазон тишларини ғижирлатиб. Кейин полицайлар жойлашган қишлоқ, кўча, уйларни яна қайтадан сўради.

Осмондаги ой сийрак булутларни чайқаб ўйнагандек, дам юзига парда тортади, дам чирой очиб, атрофни сутдек нурга белади. Қишлоқ бу нурда мунғайиб турибди. Уйлар, дарахтлар қандайдир хатарни сезиб, эҳтиётлик билан сергак турганга ўхшайди. Осудалик. Юрак уриши сезилмаётган дардли қишлоқ. Баъзи-баъзида уккининг овози эшитилиб қолади. Баъзан ит уйқу аралаш ғинғшиб қўяди.

Саҳарги салқиндан эти жунжиккан Ваня сесканди.

— Нинага ҳам ҳайронман. Мен унинг марҳум эрини танирдим. Азамат йигит эди. Туппа-тузук аёл сотқиннинг қармоғига қандай илиниб қолди экан, минг ўйласам ҳам, саволимга жавоб тополмаяпман.

Ўша тун улар Ивановкага етиб боролмадилар. Энди катта йўлни кесиб ўтамиз, дейишганда муюлишда юк машинаси кўринди. Иккови ҳам бир нафас шошиб қолиб, ерга бағрини берганча ётиб олди. Кейин бараварига қаддини кўтариб, худди аввалдан келишиб олгандек, кетма-кет граната иргитишди.

Автомашина портлаш зарбидан йўлдан чиқиб, ёна бошлади. Тепадаги тўрт немис қичқирганча ўзини ерга отиб, дуч келган ерга мўлжалсиз ўқ узди. Ёнаётган машина ёруғида уларни кўриб турган Рамазон биринкетин ер тишлатди.

Ваня эса жонсиз аскарнинг автоматини олиб, машина кузовига чиқди.

— Тоза овимиз бароридан келибди-ку, а? Манави дори-дармонларни қара. Бу ёққа тезроқ кел, бўлмаси ҳаммаси бекорга ёниб кул бўлади, — Ваня тутунда йўтала-йўтала бир неча қоғоз қутини пастга ташлади.

Шу пайт мстоциклларнинг овози келди. Туннинг қоронғи бағрини ўқларнинг оловли излари тилкалаб ташлади. Вазя «Оқсоқ бўри» деб ёзилган тахтачани мурдалардан бирининг бўйнига шоша-пиша оғач, қоз қутиларни кўтарган икки қасоскор яна жар бўйлаб изига қайтди.

Бу ўзбошимчаликдан командир аллақачон хабар топгандир, деган хаялга бориб тўппа-тўғри Федотовга рўпара бўлдилар.

— Бунинг учун икковингни ҳам... Тўрт томинг... — Гоят ғазабланганиданми ё қёғида оғриқ турганиданми, Федотовнинг афти буришиб кетди: — Дам оллариң! — У шундай деб бақирди-да, қаёққадир гоёиб бўлди.

Энг қизиғи шундаки, Федотов Рамазон билан Ваняни эмас, балки «Тунда икки кишини лагердан чиқариб юборган» соқчиларни жазолади. «Сергаклик шу даражада бўлса, ҳаммамизни жўжадек бўғизлаб кетишади. Бу ер мактаб эмас, партизанларнинг қароргоҳи!» деб соқчиларни гаупвахта вазифасини ўтовчи кийим сақлакадиган ертўлага қамаб қўйди. Шундан кейин чайласига Рамазонни чақириб олди. Ярим соатлардан сўнг Рамазон ҳаммомнинг буғхонасидан бўриқиб чиқиб келаётган одамдек, чайла оғзида кўринди. Ярим соатли суҳбат унинг фойдасига ҳал бўлмагани рангидан маълум эди. Бироқ бу ўжар йигит ҳали ҳам бўш келмагани, кўзларида шодлик учқунлари бор эди.

У ўша кунгёқ ёнига икки қизил аскар билан ун заводидан келган уч йигитни олиб разведка илмини ўргата бошлади. Йигитларга у-бу нарсани тушунтирган бўлади-ю, қулоғи оғзида Федотовнинг гаплари жаранглайди: «Сен бу ерда нима учун қолдинг? Партизан дегани ўзбошимчалик деган гап эмас! Ўзимга хон, ўзимга бекман, деб хомтама бўлма. Сен нима учун одамларинг билан машғулот олиб борма, санғиб юрибсан?...» Федотов унга бақирмади. Лекин унинг бу гаплари вужудини тешиб юборгудек бўлди. Рамазон машғулотларни командирдан қўрқиб эмас, балки виждонан олиб борди.

У баъзан йигитларни ҳолдан тойдириб юборар, машғулотни ножиддий иш, шунчаки уруш-уруш ўйини, деб билиб, кўнгли таскин топмади. У ўша суҳбатда Федотовни енгмоқчи ҳам бўлди. «Бу ерга мени ипсиз

боғладингиз, ўртоқ лейтенант, — деди Рамазон ёниб. — Ахир, полицайлар билан ҳисоб-китоб вақти етди. Полицайлар жазоланса, халқ енгил нафас олади. Унда умид уйғонади. Умидсиз яшашнинг азоблигини биласизми?» Федотов унинг барча гапларига жавоб топиб берди. Командирнинг фикрини ўзгартириш ўлимдан ҳам қийин эди. У ҳарбий интизомга сўзсиз бўйсунди, тинимсиз машғулот олиб боришни талаб қилди. Рамазон «Оқсоқ Бўри» деб ёзилган тахтачаларни гапириб берганда эса норози қиёфада бош чайқаб кулимсиради:

— Эшитувдим бу гапни. Бу асаби бўш одамларга ярашади. Бўрининг нима алоқаси бор экан бу ишларга. Ҳаммадан кутсам ҳам, бундай гўдакларча қилиқни сендан кутмаган эдим.

Орадан икки-уч кун ўтгач, Федотов Рамазон билан Ваняни Ивановкага юборишга мажбур бўлди. Қишлоқдан келган маълумотга қараганда Петренко деган асаларичи пулемёт яшириб қўйган эмиш. Рамазоннинг вазифаси шу гапнинг рост-ёлғон эканини аниқлаб, маълумот чин бўлган тақдирда пулемётни олиб келиш эди.

Гапларга қараганда Петренко одамови, қурумсоқ одам экан. Урушга қадар ҳам, ҳозир ҳам бировни ош-нон билан сийламаган, бировнинг ушоғига кўз ҳам тикмаган экан. У кампири билан яшаркан. Уйига полицаини жойлаштирмоқчи бўлганда кўнмабди. «Калламни олсангиз олинг, оссангиз осинг, уйга одам қўймайман. Ўзимнинг таъвишим ўзимга етгулик — кампирим ҳаста. Зўрға-зўрға юрибди», деб қайсарлик билан тўриб олибди. Кейин полиция бошлиғига бир хумчада тоза асал берибди. Ҳақиқатан ҳам унинг кампири оқсар экан. Аммо битта ижарачига қарашга қурби етаркан. Энг қизиғи шуки, ўша воқеадан сўнг кампир бутунлай одамлар кўзига кўринмайдиган бўлибди. Чолнинг яна бир иши кишини ўйлантириб қўярди: полиция одамларнинг молини тортиб олаётганда хўжалигидаги ягона чўчқани лом-мим демай бериб юборибди.

Ҳар ҳолда чолнинг ҳар қадами муаммо эди. Одамови қариянинг пулемёт сақлашига ақл бовар қилмасди. Чол пулемётни нима қилади? Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, пулемёт уни дор тагига ҳайдаб келиши мумкин-ку?

— Қизиқишмасдан жиддий гаплаш. Юрагига қулоқ сол, балки дарди бордир. Кейин, шовқин-суронсиз,

ими-жимиди иш қил, — деб тайнлади лейтенант уни кузатар чоғида.

Ярим кечада ғарамларни паналаб, баланд деворга яқинлашдилар. Ичкари жимжит. Бирин-кетин девор ошдилар. Шу заҳоти бузоқдек келадиган ит ташланиб, икковини қимирлатмай қўйди. Унинг гулдиракдай во-виллаши немислар ва уларнинг малайлари тўлдирган, тўлдирмаган қишлоқ уйларигача етиб борди. Рамазон билан Ваня энди орқасига тисарилмоқчи бўлганда уй остонасида чол пайдо бўлди-да, итига нимадир деди. Ит эгасининг овозини эшитдию томоғига суяк тикил-гандек, бирдан улишдан тўхтади.

— Кечалари итни қўрқитишдан бўлак ишга яра-майсанлар, — деди чол гудраниб, эшикни ёпар экан. — Сёнларни-ку жин ҳам урмайди, оёқларингда куч-қув-ват бор. Қилғилиқни қилиб, жуфтакни ростлаб қола-санлар, дардини биз бечоралар тортамыз...

Чол бошқа сўз айтмай қушқўнмас ва қичитқи ўт-лар ортида кўриниб турган ҳаммом томонга юрди. Чор-атрофга диққат билан қулоқ тутиб турди-да, бош чайқаб қўйиб, пўпанак босган хода устига ўтирди. Йигитларга зимдан тикилди. Кейин Рамазонни имлаб чақириб, ёнидан жой кўрсатди.

— Уртоғинг ҳов анови ерга бориб турсин.

— Қўрқяпсизми?

— Немис ҳазиллашиб ўтирмайди, — деди асалари-чи соқолини сийпалаб. — Шунчалик жасур экансан, тунда санқимай, кундузи келсанг, бирон еринг камай-иб қолармиди? Ҳа, бўпти, ортиқча гапни қўятур. Дардингни айт. Сенга ўхшаганлар мени бекорга йўқла-майди.

Чолнинг бу гапидан сўнг Федотовнинг барча ўги-тию кўрсатмалари Рамазон хаёлидан кўтарилиб, гап-нинг дангалини айтиб қўя қолди:

— «Максим» керак, бобо.

Петренко кутилмаганда «бобо» деб мурожаат қил-инганиданми, нотаниш аскарнинг ҳазиллашиб бўлмайдиган мавзуда бу қадар дадиллик билан гап бошлага-ниданми, сесканиб кетди. Йўтал тутди. Кўзи ёшланди. Йигит очиқчасига гап бошлагани учун у чалғитиб ўтирмади:

— Пулемёт-ку бор-а...

Чолнинг жавоби ҳам Рамазон учун кутилмаган

бўлди. Ишнинг бу қадар енгил кўчишидан ҳатто зериқди ҳам. Федотов минг хил режалар, кўрсатмалар билан бошини гангитиб ташлаган эди. Туппа-тузук, тушунадиган чол экан. Рамазон шу фикрга келиб, ўрnidан туриб кетаёзди.

— Пулемёт-ку бор-а, — деб яна такрорлади чол ўйчанлик билан. — Уч қути ўқ ҳам бор. Тепкисини боссанг бас, булбулигўё бўлиб сайраб беради. Лекин мен қайси марҳаматинг эвазига уни сенга беришим керак, а? Қани, бир тананга ўйлаб кўр-чи? Уша... беркиниб ётган ерларингга бир нотаниш одам писиб келса-да, автоматингни бер, деб талаб қилса. Хўш, бу гапга нима дердинг?

— Менинг йўригим бошқа, — деди Рамазон бир оз жим қолгач. — Мен — қизил аскарман.

— Қизил аскарлар ҳозир жанггоҳда, — деди чол қўполлик билан унинг гапини чўрт кесиб. — Гапимни оғир олма-ю, йўлингдан қолма. Ўзимизникилар келса, бу булбулигўёни икки қўллаб топшираман. Ҳар қолда пулемёт ўйинчоқ эмас, давлат мулки.

Рамазон ўзини босишга ҳаракат қилса ҳам бўлмади. Қариянинг бақувват елкаларидан ушлаб ўзига қаратди.

— Ўзимизникилар, деб кимларни назарда тутяпсиз?

Чол хотиржамлик билан Рамазоннинг билагидан қисди-да, елкасини унинг қўлидан бўшатди.

— Мен ҳам баъзан ҳазилни яхши кўраман. Лекин гўдакларнинг бундай қилиғини ҳазм қилолмайман, бола. Мени қўрқитишга ҳали ёшлиқ қиласан. Энди ўзимизникилар ҳақидаги гапга келсак, каллани ишлатиб кўриш керак. Пулемётни немислар билан полицияларга нима учун бериб юбормаяпман. Хўш, ўйлаб кўр-чи?

«Ҳамма ишни расво қилдим», Рамазон шундай деб ўзидан-ўзи нафратланди. Айтилган сўз, отилган ўқдек гап. Энди чолни инсофга келтириб бўлмайди. Қуруқ қўл билан қайтиши тайинга ўхшаб қолди.

— Биз партизан отрядиданмиз. Наҳотки тушунмасангиз, — деди у сўнгги илинжини ишга солиб.

Чол бу гапни эшитиб, қимирламай ҳам қўймади.

— Партизан дегўн, — у киноя билан шундай деб Рамазонга бошдан-оёқ разм солди. — Нимагадир қаҳ-

рамонона ишларингиз ҳақидаги миш-миш қулоғимга чалинмабди.

— Ҳали шундайми? Бўлмаса кўприк соқчиларини авлиёлар савалаб кетибди-да, машинани балки арвоқлар ёндириб юборгандир? — деди Рамазон бўғилиб.

— Бўлса бордир. Бу ишни сизлар қилганингизни билиб ўтирибманми. Тунов куни қандайдир ишбузиқилар учта немисни жойлаб машинани ёқиб юборишибди. Кейин: «Одамлар, ҳайратдан ёқа ушланг, Оқсоқ Бўрилар жанг қилипти», деб тахтача осиб қўйишибди. Партизанларинг шуларми?

— Ахир, душман ўлдирилган-ку?

— Сен менинг миямни ачитма. Ҳозир томоша кўрсатадиган вақт эмас, жанг қилиш керак.

Рамазон бу ҳақ гапга қарши эътироз билдира олмади.

«Бу қари қурумсоқ гапни чалғитяпти, — деб ўйлади у. — Пулемёт ҳақида сўз очганимда нимага дарров очиқ гапни айта қолди? Немисларни кўришга кўзи йўқ, бизга эса ишонмайди. Нима исташни ўзи ҳам билмаса керак бу чол. Лекин... чол бир жиҳатдан ҳақ. Замон нотинч, ўрмондан чиққанларнинг ҳаммаси ҳам партизан эмас. Ҳар хил дайдилар кўп. Улар орасида Суминовга ўхшаганлар ҳам бор». Мана шу фикр Рамазонни сал юмшатди.

— Биз ҳали жанг қиламиз. Отрядимиз энди куч тўплайпти.

— Бўлмаса, ана ўшанда келарсан. Командирингдан қоғоз олишни унутма. Имзо билан муҳр бўлиши шарт.

— Қанақа муҳр, эсингизни еганмисиз, — деди Рамазон тишларини гижирлатиб. — Петренко, олов билан ҳазиллашманг, — Рамазон шундай деб бармоғи билан автомат қўндоғини уриб қўйди.

— Менинг сендан қарз ерим борми? Менда пулемётнинг уруғи ҳам йўқ! Хўш, шундай десам нима қилардинг? — Петренко ўридан турди. — Етар, жуда юракдан дардлашдик. Мен ким билан гаплашаётганимни билишим керак. Замон шунақа. Кўз очиб юмишга улгурмай қолишинг мумкин.

Чол уларни тамакизор этагига қадар кузатиб қўйди.

— Бирор уч кўздан кейин тузукроқ, гап уқадиган одам юборинглар.

Петренко шундай деди-да, хайрлашмаёқ жўнади.

Шу воқеадан сўнг Федотов Ивановкадаги одамларига Петренконинг ҳар бир қадамини кузатишни топширди.

Аввалига ҳеч қандай шубҳали ҳаракат сезилмади. Чол асалариларидан хабар олди. Кейин қишлоқдан йигирма чақирим наридаги синглисини йўқлаб қайтди. Айтишларича, илгарилари чолнинг синглиси билан у қадар борди-келдиси йўқ экан. Унинг шундай пайтда тўсатдан синглисини эслаб қолиши шубҳали эди.

Петренконинг синглиси бутун умр гиёҳлар териб, дори-малҳам тайёрлаш билан кун кўрар экан. Битта-ярим одам сўраб қолгудек бўлса: «Янгамнинг тоби йўқ. Дорини ўшанга тайёрлаяпман. Уни шу дориларим одам қилиб турибди», дерди.

Ивановкадан келган сўнгги хабар Федотовни қаттиқ ўйлатиб қўйди.

Рамазон билан Петренконинг учрашувидан роса уч кун ўтгач, асаларичининг дарвозаси олдида қўш отликки арава келиб тўхтади. Аравадаги бадмаст полицайлар бор овозлари билан қўшмиқ айтишарди. Уларнинг каттароғи ўрнидан туриб, дабдурустдан қарияни гадаблаб қолди.

— Ҳой, мияси айниган галамис, сен нима учун фюрер армиясидан асалингни беркитяпсан. Қанл, яхшиликча эшигингни оч!

Ичкаридан бақирӣқ-чақирӣқ овозлари келди. Бир соатдан сўнг полицайлар аравага ниманидир ортиб, жўнаб кетдилар. Зоҳиран шундай бўлди. Лекин кузатувчининг зийрак кўзи бошқа нарсани ҳам пайқади: полицайлар қанчалик гандираклашмасин, улар маст одамга ўхшашмасди. Кўчадан ўтишаётганда уйларга хавотир билан қараб, автоматларини шай тутиб туришарди.

Уларнинг худди шу ҳаракати Федотовни ўйга солди. Ажабланарлиси шундаки, бу «бегона» полицайлар қишлоқ полицайларининг йўқлигини пойлаб туриб, қарияни йўқлашган. Иккинчидан, кузатувчи уйдан чиққан полицайларнинг биттага кўпайганини сезиб қолган. Демак, уйда яна бир киши бўлган. Ундан таш-



қари, полицайлар, қишлоқдан чиқишлари билан катта йўлдан юрмай, ботқоқлик ўрмонга бурилишган. Энг муҳими: немислар ҳеч қачон полицайларни автомат билан сийлашмаган. Уларга ё ўлжа қурол, ё оддий милтиқ берилгучи йди. Қарияни йўқлаган полицайлар эса «шмайсер» билан қуролланганди.

Узини мастликка солган полицайлар ким бўлди экан? Петренконинг уйидан кимни олиб чиқиб кетипди? Федотов уларнинг изидан разведкачиларни юборди. Рамазон билан Ваняни эса яна Петренконикига жўнатди.

— Чол жиннилик қилмасин. Отрядда справка нима қилади. Яхшилаб сиқувга ол. Унинг қилиғи ёқинқирамай турибди. Ужарлик қилса, бу ёққа бошлаб келавер.

Қария ўша кеч уйда тунамади. Икковлон кун бўйи жарда биқиниб ётишди. Осмонга юлдуз тошгач, улар полизни кесиб ўтиб, Петренконинг деворига яқинлашишди.

Бу сафар қарияни уйғотишнинг ҳожати бўлмади. Уни ҳаммом олдида учратишди.

Рамазон Ваняни соқчиликка қўйиб, қарияни сўроққа тутмоқчи бўлди. Аммо Петренко ундан аввалроқ гапнинг пўскалласини айтиб қўя қолди.

— Анча кечикдинг, йигит. Сен айтган нарсанинг эгаси чиқиб қолди.

Рамазон эсанкиради.

— Ҳали шунақами? Мен сизни огоҳлантирган эдим. Хўш, ким экан унинг эгаси? Қани жавоб беринг!

Бу пўписани эшитиб чолнинг ҳам қайсарлиги тутди.

— Агар отам у дунёдан тирилиб келса ҳам айтмайман буни, уқдингми?

— Ё пулемётни олиб чиқасиз, ё биз билан борасиз. Сизнинг қайсарлигингизни деб жондан кечадиган аҳмоқ йўқ. Ҳар бир қадамингизни кузатиб турганмиз, еиз ҳам буни уқиб олинг!

Рамазон кузатувчининг гапларини қисқа қилиб айтиб берди. Петренко сир бой бермай соқолини силаб қўйди.

— Айғоқчиларинг ҳам ўша полицайларга ўхшаб қиёмида бўлган, шунинг учун тилига келганини қайтармаган. Сен лақмалар эса ишонавергансанлар.

— Бас қилинг! Қани, юринг биз билан. Лекин би-  
либ қўйинг, найранг қила кўрманг, аяб ўтирмайман.

— Тўхта-чи, йигит. Бундай қарасам, иш чиндан  
ҳам жиддийга ўхшайди. Худо шоҳид, сенга тўғрисини  
айта қолай,— бизникилар чекинган пайтда...

Чолнинг гапи оғзида қолди. Девор остидан Ваня-  
нинг «Немислар!» деган хирилдоқ овози келди.

Сокинликни автоматдан узилган ўқлар овози пора-  
лаб юборди. Рамазон девор томонга сапчиди. «Чол сот-  
ди!» деган фикр хаёлини ёриб ўтди. Бирдан кўзи олди-  
да ўт чақнади, ер остин-устун бўлиб кетди...

Биринчи сўроқдан маълум бўлдики, шубҳали поли-  
цайларнинг келиб кетиши немисларнинг эътиборидан  
четда қолмаган экан. Ушандан кейиноқ Петренконинг  
уйи атрофига пистирма қўйилган экан.

Йигитларни уч кун калтаклашди. Юзлари таниб  
бўлмайдиган даражада дабдала қилинган Рамазон ус-  
тидан қўйилган муздек сув таъсирида ҳушига келган-  
да ҳамроҳининг руҳини кўтаришга куч топа биларди.

— Чида, укажон, ҳеч нима айтма,— дерди у гап-  
ларни ямлаб.

Ваня титилиб кетаёзган лабларини базўр қимирла-  
тиб: «Аблаҳлар» дерди-да, кўзини юмарди. Нимжон  
кўринган бу йигитнинг бу қадар мустаҳкам иродага  
эга экани Рамазонни лол қолдирарди.

Қатл куни уларни Ивановкага бирга олиб келдилар.  
Дароз офицер хонасида сўнгги марта сўроқ қилишди.  
У ўрама сим билан асирларнинг бўйнидаги тахтачани  
ниқтаб кўрсатди-да:

— «Оқсоқ Бўри» сенми ё сенми?— деб сўради.

Унинг гапларини собиқ фельдшер таржима қилиб  
турди.

Рамазон четга қараб олди. Офицер ўрама сим би-  
лан унинг юзига урди.

— Кимсан ўзинг, осие арвоҳи!

— Бунинг аҳамияти йўқ...

— Олиб чиқинг!— офицер шундай деди-да, ғойиб  
бўлди.

— Ҳадемай бу ерлардан қоранг ўчади, газанда,—  
деди Ваня полиция бошлиғига нафрат билан тики-  
либ.

... Қуёш ўша сқшом гўё бу икки йигит учун сўнгги  
бор нур сочаётгандек, уфқни ёндириб юборган эди.

Сентябрь кунлари ҳали ёздаги каби иссиқ эди. Бир оз қувватга кирган Рамазон худди шу кунлари уйдан ташқарига чиқди.

Атрофни ўраган ҳудудсиз ўрмондан кузакнинг нафаси келади. Ранглар рақсидан кўз қувнайди, хушбўй ҳидлардан юрак ҳаприқади. Қуёш ва иссиқликдан бахтиёр ёввойи асаларилар тинмай гимирашади. «Қандай яхши!» деб ўйлади Рамазон. Кейин тўйиб нафас олди. Тоза ҳаводан боши айланди. Ичкаридан идиш-товоқ овози, аёлларнинг гапи эшитилди. Атроф уруш арафасидаги осудаликни эслатарди.

Қуёш нуридан Рамазоннинг кўзи қамашди. Овозлар, турфа ранглардан баҳра олиб, ўрмонга суқ билан тикилди. Бир маҳал ёз сўнггида, таъбир жоиз бўлса кечиккан томошада кукулаётган какку овозини эшитиб қолди. Рамазон унинг тикишини кутиб турди-да, қандайдир ички ҳаяжон билан она тилида: «Какку-жон, ҳой какку, мен яна қанча йил умр кўраман», деб сўради.

Шунда мўъжиза юз берди. Рус ўрмонларининг каккуси ўша заҳотиёқ бошқирд йигитининг саволига жавоб қайтарди. Рамазон қимирлашга ҳам чўчиб, кўзларини катта очганча ўн бешгача санади. Ўрмон фолбини унга яна ўн беш йил умр ваъда қилди. Рамазон сергакланди. Кейин қилиғи ўзига хумор қилиб, кулиб юборди.

Унинг бошига оғриқ кириб, яраси азоб бера бошлади. Аммо уйга киришга ошиқмади. Япроқлар ҳорғин, осойишта титрайди. Қуёшнинг куйдиргувчи кучи қирқилган. Энди ерга оташ эмас, меҳр пуркаётганга ўхшайди. Бундай пайтларда қуёш унинг овулини ҳам шундай меҳрга буркайди. Фақат у томонларнинг уфқи бўлакча. Овул осмони бағри керик тоғларга бориб туташади.

Уфқ баҳонасида бирдан у Ваня билан бўлган суҳбатни эслаб кетди. Рамазон партизанликка тоғ қулай, деган маънода: «Бу қанақа жой ўзи, на тоғ, на бир қоя бор. Ўрмону паёт-баландликдан бошқа ҳеч вақо йўқ», дейиши билан Ваня куйиб-пишиб унинг фикрини рад қилган эди. «Мақтанишга топган нарсангни қара-ю. Тоғнинг нима бўпти. Бир уюм тош-да! Қандайдир ёвуз

куч уларни ер бағридан чиқариб отган...» Ваня шундай деб ўрмонларни таърифлаганди. Шунда Рамазон унинг гапини бўлиб, паст овозда бошқирдча қўшиқ айтиб берганди. Ваня эса бош чайқаб: «Сўзларига тушунмадим, лекин юрагимни ўртаб юборди», деганди. «Бу «Сибай» деган қадимги қўшиғимиз. Бу қўшиқни сургун қилинган бир одам Урални қўмсаб тўқиган экан». «Сен ҳам қўмсаёпсанми?», «Бўлмасам-чи! Агар одам Ватанидан узилса, фақат жисмигина одамга ўхшайди...»

Рамазоннинг юрагини тиг тилиб кетгандек бўлди. Аста ётиб, юзини ўт устига қўйди. «Эҳ, Иван, Иван... Мана, бизнинг она-Еримиз, у тирик, у нафас оляпти. Мен ҳам тирикман, тирик...»

Шу атрофда куйманиб юрган Нина унинг ерга ётганини кўриб югуриб келди.

— Нима бўлди? — деди у ҳам хавотир, ҳам меҳрибонлик билан.

— Шунчаки ўзим... Хотираларим жонланиб қолди, — деди Рамазон қаддини кўтариб ўтирар экан.

У хаёлидан кечган гапларни айтиб, бу аёл дардига дард қўшишни исмади. Бу қўрғонда бўлиш Нинага фойда қилди. Илгариги хушвақтлиги қайтди. У кун бўйи Варвара Ивановнага хўжалик ишларида кўмаклашар, Рамазон атрофида парвона бўлиб, унга пашша ҳам қўндирмасди. Қалби яраланган Нина ҳаётга қайтмоқда эди. Тўғри, у шармисор бўлганини яқин орада унута олмайди. Уруш одамларга нисбатан гоят қаҳрли. У кимнингдир ёстиғини қуритади, кимнидир шуҳрат либосига ўрайди, қариндошларни бир-биридан жудо қилади, кимнидир виждон азобига солиб кетади. Уруш ҳеч бир кимсани четлаб ўтмайди, ҳеч кимни аямайди ҳам, барчанинг қалбига ўзининг темир муҳрини босиб ўтади. Айбсиз айбдор бўлган Нина соддалиги ва енгилтаклиги учун ўзини умр бўйи кечиролмаса керак...

Яқинда ўт ичида қолган қўшни қишлоқдан тўрт яшар қизалоққа даво истаб, уни Варвара Ивановнага олиб келишди. Нина қизчанинг етимчалигини билиб: «Худо мени фарзанддан қисди, меҳримни шу норасидага берай», деб ялиниб-ёлворди. Ҳеч ким бу эзгу илтижони рад этолмади.

— Лена қалай? — деди Рамазон бу жонкуяр аёлга меҳр билан қараб.

Нинанинг кўзлари қувончдан ёнди.

— Ухлаяпти,— деди у деярли шивирлаб.— Бечора қизгинам... Яралари битиб қолди. Биласанми, у биринчи куниёқ кўзимга иссиқ кўринганди. Ўйлаб-ўйлаб, бугун эсладим. Қўшни қишлоқда эр-хотин ўқитувчи бўларди. Фамилияси... янглишмасам Грачев эди. Улар сулизорга ўт қўйиб, қўлга тушишганди. Немислар ўша заҳотиёқ отишган бечораларни. Қизнинг ота-онасини эсладим қўрқиб қолдим...

— Нимадан?

— Ленанинг қариндош-уруғи чиқиб, уни мендан тортиб олмасмикан?

— Ким билади...

— Ҳеч кимга бермайман,— Нинанинг кўзларида ёш кўринди.— Яшириб қўяман. Ҳеч кимга кўрсатмайман.

— Ахир сен отряддасан-ку?

— Бир умр жанг қилмаймиз-ку, тўғрими?— Нина Рамазондан жавоб кутмай, гапни бошқа ёққа бурчс юборди.— Биласанми, Петренко топилди!

— Йўғ-е?!

— Ҳа, рост. Граната портлаган пайтда ҳаммомнинг орқасидан қўшнилариликка қочиб қолибди. Чолинг шайтонга ҳам дарс берадиганлардан экан-да. Кампинини аввалроқ ишончли жойга олиб бориб қўйган экан. Бизникилар чекинишаётганда чол қайси бир ярадор командирга бошпана берган экан.

— Полицайлар-чи?

— Улар полицайлар эмас, ўрмонда ётган бизникилар экан, ўзларини мастликка солиб командирларининг орқасидан келишибди. Баҳонада пулемётни ҳам ола кетишибди.

— Оббо чол-е!

— Сизларни қўлга олишганда, қутқараман, деб ташланибди. Лекин йўл беришмабди. Сизларни эски черковга ташлашган эди. Бориб бўлмасди. Немисваччалар ҳам тиқилиб кетганди. Ваняга жабр бўлди...

— Эҳ, Ваңя, Ваня, сени асрай олмадим...

— Бўпти, энди тура қол,— деди Нина кўз ёшини яширишга уриниб.— Шамоллаб қоласан, уйга кир.

— Яна озгина ўтирай, йўқ дема.

— Хўп, яна ўн дақиқа. Кўп эмас,— Нина шундай деди-да, Варвара Ивановнанинг ёнига кириб кетди.

Рамазоннинг юрагида оғир дард тоши бор эди. Бир оз уятчанроқ, ҳақиқатгўй, дадил, кўзидан шикоят қилиб юрувчи Ваня унинг кўз олдидан нари кетмасди. Рамазон тишларини ғижирлатиб, бинтларга алам билан қараб қўйди. Қани энди, яралари тезроқ битсаю тезроқ отрядга қайтса...

Рамазон ҳали икки кундан сўнг бу ерни ташлаб Варвара Ивановна, Нина ва Леналар билан биргаликда жанубга, Брянск ўрмонига жўнаб кетишини ҳам, сафга фақат бир ярим ойдан сўнг қайтишини ҳам, у табиатга мафтун бўлиб ўтирган чоғда Федотовнинг Петренколикда бошпана топган полковник билан учрашгани, икки отряд қўшилганини ҳам билмасди.

Немисларнинг партизанлар ҳаракатидан чўчиб жангтоҳдаги қатор батальонларни орқага қайтара бошлаганлари ярадор аскарнинг хаёлига ҳам келмаганди. Жуда кўп нарсалар унга кеч кузакда, майда партизан отрядлари қўшилиб, йирик кучга айланган, Катта Ердан самолёт орқали қурол-яроғ, ўқ-дори, озиқ-овқат ташлана бошлаган, партизанлар ҳаракатининг Марказий штабидан вакиллар келгандан сўнггина маълум бўлди.

Урушнинг кутилмаган воқеаларга бой эканига ақли етган, аммо бу тасодифларга руҳан тайёр бўлмаган Рамазон кунларнинг бирида Москвадан келган радистга рўпара бўлди-ю, Зухранинг биринчи муҳаббати Акрамни кўриб, ҳушидан кетай деди.

Лекин буларнинг бари ҳали олдинда эди. Ҳозир табиат ажойиботларига суқ билан тикилаётган аскар йигит бу кунга етгунча ҳали кўп синовларга дош бериши лозим.

... Рамазон тарвақайлаб ўсган эман остида қандайдир кўланкани кўриб сергак тортди. Кўланка буталар орасида кўздан ғойиб бўлди. Дам ўтмай Рамазондан ўттиз қадамлар нарида Оқсоқ Бўри пайдо бўлди. Рамазон ҳайрат билан ҳуштак чалиб қўйди. Бута шитирлаб Она Бўри ортидан унинг беўхшов боласи чўчибгина чиқиб келди.

Рамазон олдинги оёғининг ярми узилиб тушган, биқини куйган Оқсоқ Бўрини дарров таниди: қадам олиши ҳам эҳтиёткорона. Лекин илгариги танглик сезил-

майди. Гарданидаги юнг ҳурпайган, бели букрига ўхшаб қолган.

Бўри бошини кўтариб қўрғонга кўз тикди-да, ҳид олди. Шу пайт одам билан ваҳший бўрининг кўзлари тўқнашди. Бўри аввалгидек ўзини панага уришга ошиқмади. Эҳтиёт чораси сифатида боласига қараб қўйди-да, жойидан жилмади. Дунё ташвишлари тўпигача чиқмайдиган боласи эса ўрнашиб ўтирганча, ҳузур қилиб орқа оёғи билан қулоғини қашларди. Она Бўрининг хавотири йўқолди. У шошилмай бурилди-да, боласини нигоҳи билан изига чорлаб, ўрмонга кириб кетди.

Она Бўри яна ўрмон бекаси бўлиб қолди...

# АХИЁР ҲАКИМОВ

## ШУЪЛА

*Тоҳир Малик таржимаси.*

Қиссамни бошламасимдан илгари муҳтарам китобхонни огоҳлантириб қўймоқчиман: агар сиз саргузашт-талаб бўлсангиз, ҳикоядан ажабтовур воқеаларни изласангиз, яхшиси ўқишдан воз кечиб қўя қолинг. Чунки қисса урушнинг оддий кунлари, урушга хос оддий жанг тафсилотлари ҳақида. Қаҳрамонлар ҳам шуҳрати оламни тутган, шаҳар боғларига ҳайкаллари ўрнатилган машҳур жангчилар эмас, балки сиз билан биз номини билмайдиган оддий одамлар, тўрт йиллик қонли урушнинг оддий заҳматкашлари. Улар ҳақида кинофильмлар, дostonлар яратилмаган. Қаҳрамонларимнинг номлари нари борса полк ёки дивизия солномасида қолган.

Йилдан йилга уруш даҳшатларидан йироқлашяпмиз. Айни чоқда фидойиларнинг порлоқ сиймоси тобора қалбимизга сингиб боряпти. Мен қаҳрамонларим билан худди кеча учрашгандайман. Ҳолбуки, ўшанда минг тўққиз юз қирқ учинчи йилнинг кузаги эди...

Днепрнинг тик соҳиллари, сув ювиб кетган ўпқонлар, ўтиб бўлмас жарлар, Канев остонасидан бошланган ўрмон... Отишма эндигина тўхтаган. Аччиқ порох тутуни билан аралашган чанг ер бағрини булут каби силаб, дарё томонга шошади. Аскарлар кўзларини қўллари билан қуёшдан пана қилиб осмонга қарайдилар. Баландда аргимчоқ солган турналар осмонни тўлдириб учмоқда... Ёш аскар йигитларнинг ўша топдаги болаларча қувончини, ёниқ кўзларини, бешафқат уруш тамғаси босилган чеҳраларини сира унута олмайман. Таъбир жоиз бўлса, уларнинг ўзлари ҳам қушга ўхшардилар. Фақат улар ҳаловат кўзлаб иссиқ ўлкаларга учмай, хатарли йўлларда парвоз қилиб, бўронга дуч



келмоқ, жон олиб, жон бермоқ қасдида бу ерларга келган эдилар. Уларнинг аксари табиат ажиб тароват касб этган ўша оқшом чоғида қанотларидан айрилиб, замин бағрига бир умрга бош қўйдилар...

Ҳа, менинг қаҳрамонларим бир қарашда оддийгина одамлар эди. Аммо минглаб чақиримга чўзилган жанггоҳнинг тобора ғарбга силжишини, ғалаба баҳори кириб келишини уларнинг камтарона улушисиз тасаввур этмоқ мушкул. Буюк дарёлар номсиз жилғалардан сув ичгани каби муаззам Ғалабамиз миллионлаб оддий одамларнинг ҳар кунлик, ҳар дақиқалик тинимсиз меҳнати, фидойилиги натижасида қарор топди.

Бу қисса ана шу миллионларнинг айримлари ҳақида.

*Муаллиф.*

### ҚУШИҚ

Осмоннинг ерга бориб туташган қисми заҳил тусга кирди. Чор-атроф тонг илинжида нафас ютиб, сокинликка берилди. Замин ҳам осуда уйқуда. Гўё дунё урушдан, ўлимлардан холи, гўё инсон бошига мусибат, кулфатлар ёғилмагандек...

Аммо уруш худосининг бесаранжом уйқусига ишониб бўлмайди. Ҳадемай у инжиқ боладай кўз очиб, ҳаммаёқни ғам-ҳасратга кўмиб юборади. Узоқдан бошиб келаётган самолётларнинг бўғиқ овози заминни титратиб уйғотди. Тун бўйи ҳордиғи кўтарилган пулемёту замбараклар жазавага тушди. Орадан кўп ўтмай пушти ранг самода оқ нуқталар кўринди. Улар тобора катталашиб ерга аста қўнаётган парашют гумбазига айланди.

Н-десант бригадасининг радисти Карим Азнабоев худди шу тонг палласи фалокатга дуч келди. Бошқа парашютчиларнинг қўнишига хаёли кетдими ё осмонни ларзага солаётган ўқлар ваҳмидан чўчидими, ҳар ҳолда ерга яқинлашганини сезмай қолди. Оёғи сурхларни шитирлатиб, новдаларни қарсиллатиб синдиргач, дарахтга осилиб қолганини англади. Қуюқ ўрмонга тушса ҳам алам қилмасди. Келиб-келиб ёлғиз қўққайиб турган дарахтга илинганини айтинг. «Одам ҳам

шунчалик ландовур бўладими», деб ўзини-ўзи койиб, атрофга аланглади. Сал нарида, ғариб одамга ўхшаб мунғайган яккам-дуккам дарахт кўринди. Узоқда эса ўрмон қорайиб турибди. Худди ялангликка ҳужум қилишга шайланган лашкарлар сафига ўхшарди. Қўшиннинг баҳодир вакили сифатида майдонга тушган басавлат эман ўпқон лабида тўхтаб, сертомир қўллари билан ўн олти ёшли десант йигитнинг парашютини тўтиб қолган эди. Водий томоқда қандайдир иншоотлар қорайиб кўзга ташланади. Осмонда оловли из қолдираётган ўқлар худди шу ердан отилиб чиқяпти.

Машғулот пайтида Карим мана шундай тарзда осилиб қолган ёки кўлга, дарёга қўнган парашютчиларни кўп кўрган. Улар кўзларини жавдиратиб, сувсар каби бўкиб, қалтираб қирғоққа бир амаллаб чиқиб олардилар. Бир-икки кун шамоллаб, димоқлари битиб, акса уриб, яна ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетардилар. Дарахтга илинганларнинг эса у ер-бу ери тирналиб, жуда омади юришмаган тақдирда лат ерди.

Синовда ҳамиша яхши натижа кўрсатган Каримнинг дарахтга илиниб қолиши чакки бўлди. Ҳар ҳолда машғулот пайтида кўнгил анча хотиржам бўлади. Хатар сезилмайди. Ҳозир эса тақдир ришталарининг қандай офатга бориб тақалишини ҳам билмайсан. Дўстлар вақтида етиб келса-ю, хўп-хўп, «Меҳмонлар»ни оловли гулчамбарлар билан қаршилаганига қараганда, немис ҳам лалайиб ўтирмас. Сен қафасдаги қушга ўхшаб типирчилаб тургунингча, етиб келиши ҳам ҳеч гап эмас. Қўл учини теккизса пишиб етилган олмадек тўп этиб оёғи остига тушасан. Бе, немислар овора бўлиб дарахтдан олиб ўтиришармиди. Автоматини бир сайратадию йўлидан қолмай кетаверади.

Бу аҳволда мўъжизага ишониш ҳам қийин. Десантчилар уни қидириб овора бўлиб юришмайди. Оёқлари ерга тегиши билан келишилган жойни — овчининг кулбасини излаб кетишади. Улар: «Мени ташлаб кетманг», дегандек парашютни чангаллаб турган бу ёлғиз эман сари эмас, балки ўрмон томонга ошиқишади.

Каримнинг хўрлиги келди. У учини қурби етмай муз устига қўнганча узоқлашаётган галасига дард билан қараб қолган қуш ҳолига тушди. Карим худди шундай воқеани ўтган йили ўз кўзи билан кўрган эди. Хаёлида тирилган бу хотира қалбини ўртади. У йиғлаб

юбормаслик учун лабини тишлар, омади юришмаганидан зорланиб ўзини-ўзи лаънатлар, аста кўтарилаётган қоронғилик бағрига хавотирлик билан кўз югуртирарди. Қаерга келиб қолди ўзи? Самолётда тушар жойларини таърифлаб: «Кўр одам ҳам топади», дейишганди-ю. Шамол тегирмон қани? Лейтенант Чукреев тушунтирган чорраҳадаги эски ибодатхона қани? Кўзи очиқ одам ҳам тополмайди-ку буларни? Кўз олдида ҳудудсиз водий ястаниб ётибди. Сувнинг захри сезиляпти. Баъзан тўлқиннинг қирғоққа келиб урилиши эшитилади. Нима бу? Шайтон васвасага соляптими ё чиндан эшитяптими? «Наҳот Днепр бўлса?! Йўқ, йўқ!» Карим аёвсиз бу тахминга ишонишни ҳам истамади. Чунки Днепр улар қўниши лозим бўлган ердан йигирма чақирим нарида бўлиши керак. Самолётдан сакраш чоғида бундай мунгли аҳволга тушиши хаёлига келмаган экан. «Айб ўзимда, лалаймаслик керак эди. Шамол оқимига тушиб қолганман».

Карим самолётларининг моторига осколка текканини, муддатидан беш дақиқа илгари сакрашганини ҳали билмасди. Дўстлари билан душманнинг тарам-тарам қилиб жойлаштирган икки мудофаа чизигининг қоқ ўртасига тушиб қолгани ҳам кейинчалик маълум бўлди.

Ҳозир эса аҳмоққа ўхшаб осилганча, гарамларнинг ёнишини томоша қилишдан, қуроллардан чиқаётган овозни эшитиб туришдан бўлак имкони йўқ. Дам ўтмай қандайдир расво бир фриц келади. Бир сидра ўқ ёғдиради. Аламинг ичингда қолиб кетаверади. Қўлингдан ҳеч нарса келмайди. Автомат қийшайиб қўлтиғи остига, парашютнинг таранг тасмасига қисилиб қолган. Уни олиш у ёқда турсин, ҳатто қимирлатиб ҳам бўлмайди. Гранаталар солинган қутини ҳам очолмайди. Хуллас, тирик ўлжанинг ўзгинасига айланган. Мана шуларни хаёлидан ўтказар экан, Каримнинг хўрлиги келди. Осилиб тургани етмаган экан, худди уни калика қилгандек, ўқлар осмонда оловли изларини қолдириб, визиллаб уча бошлади.

Каримнинг елкасини қайиш эзиб юборди. Қайишни сал бўшатиш мақсадида оёғини типирчилатди. Аммо фойдаси бўлмади. Кейин йўғонроқ шохга илашиш учун тебранишга ҳаракат қилди. Бадани оғриқдан зирқиради. Батарёяли алоқа ускунаси жой-

лашган темир қути даҳанига тиралиб қолди. Шунда ҳам ётиб қолгунча отиб қол дегандек, тўрга тушган қушдай типирчилашни қўймасди. Ниҳоят, автоматни қўлтигидан чиқарди-да, енгил нафас олди. Пешонасидаги терни артиб ППШсини<sup>1</sup> силаб қўйди. Бармоғи беихтиёр тепкига югурди. Сўнг: «Вой, жангари полвон-е», деб ўз қилигидан гаши келди.

Шу пайт пастда кимдир ҳансиради.

Қуруқ шох-шаббани босиб шитирлатди. Каримнинг баданига енгил титроқ югурди. У затворни тортди-да, автомат оғзини овоз келган томонга, қоронғи ўпқон тарафга қаратиб, бор овози билан «Хальт!» деб қичқирди.

— Ўчир овозингни! — деди пастдаги одам жаҳл билан. — Туш пастга! Ё ёрдам берайми?

Каримнинг қовурғасига нимадир тиралди. У аста айланиб юқорига кўтарилгандай бўлди. Дам ўтмай кафти эманнинг баданига тегдию оғриқларини унутиб жонҳолатда йўғон шохга осилди.

— Ҳой, елимга ўхшаб ёпишмай, қимирласанг-чи!

Карим не азоблар билан парашют тасмаларидан холи бўлди-да, бўйнидаги юклари билан тап этиб ўзини ерга ташлади. У қоронғида халоскорининг юзини кўролмади. Фақат кийимларининг бир хил эканини пайқади, холос. Узоқдан итларнинг вовиллаши, нотаниш тилдаги бақирешлар эшитилди. Қоронғилик тобора тез чекина бошлади.

Ўлимга деярли чап бердим, деган қувончли фикр йигитнинг кучига куч қўшди. Уюшган қўл-оёқларига қон югурди. Томоғига нимадир қадалди. «Тирикман!» деб ҳайқиргиси келди. У арқонини узган тойчоқдек ўзини енгил ҳис қилиб елиб борар, орқалаб олган темир қутининг оғирлигини мутлақо сезмасди.

Ҳаллослаб қолган шериги сал нари боргач, тўхтаб ўтирди. Ханжарини чиқарди-да, пойафзалига ёпишган лойни қириб тозалади. Сўнг Каримга обдан тикилди.

Карим ҳам нотаниш халоскорига қаради. Оғир аҳволга тушиб қолганидан сиқилмай, балки ўзини эркин тутаётган бу бош яланг оддий аскар йигитнинг кўзларида шаддодлик учқуни бор эди.

<sup>1</sup> Автоматнинг бир тури.

— Қайси қисмдансан? — деб сўради ундан кўзини олмай.

Карим дарров жавоб қайтармади. Бундай ўйлаб қараса, беркинмачоқ ўйнашнинг вақти эмас. Ҳар ҳолда бу одам уни қутқарди. Қолаверса, кўзига иссиқ кўриняпти, қаердадир учрашганга ўхшайди. Карим узоқ мулоҳазага берилмай қисмнинг шартли номерини айтди.

— Иш деган бундай бўпти. Ўзимизниқидан экансан, а? — деди йигит ханжарини қинига солар экан. — Бундай қарасам, дарахт оқ рўмол ўраб олган бева кампирга ўхшаб мунгайиб турибди. Ҳар ҳолда бу рўмолнинг учида ўзимизнинг йигитлардан биронтаси арғимчоқ учаётгандир, деб ўйладим. Орқадан немис занғар ўқим зое кетар, демай тинмай тариллатиб ётибди. Жон ширинлик қилиб ўрмонга қочай дедиму арғимчоқдаги биродарни кўзим қиймади. Осилиб турган овсар ким бўлди, десам, ўзинг экансан-да. Ҳай, майли, шунақаси ҳам бўлиб туради. Парво қилма, аммо бепарво ҳам бўлма... Немислар изимизни йўқотди шекилли, а? Нима, мени танимаяпсанми? Мен Рябчиковман. Қуролсоз Ваня Рябчиковни ҳеч эшитганмисан? Ана энди эсладингми? Баракалла, эсли йигит экансан. Бахтинг бор экан, биродар, Рябчиков билан бирга бўлган одамнинг юки ерда қолмайди! — Ваня шундай деб ўрнидан турди.

Дарҳақиқат, бу ўктам, ҳангоматалаб, қўли гул устани танимаган одам йўқ эди. Ваня ҳангома учун одам танлаб ўтирмасди. Овулдаги қарияларнинг таъбири билан айтганда, у «шайтонга ҳам дарс берадиган»лар тоифасидан эди. Бир ой муқаддам Подмосковьеда турган чоғларида Карим унга мушқаси синган учта автоматни олиб борганди. Ишга ҳам, гапга ҳам чаққон бу йигитни Карим ўшанда кўрган эди. Ванянинг бармоқлари жарроҳникидай эпчил ҳаракат қилар, оғзи эса бир зум гапдан бўшамасди. То ишини битиргунча қанча латифа, қанча ҳангомани айтиб ташлаганди. Кейин: «Бор экану йўқ экан, чолу кампир бор экан. Жаҳли чиқса чол тушгур кампирни ниқтар экан», деб Каримни ниқтамдочи бўлган, Карим шошиб қорнини ҳимоя қилган чоғда мойли бармоқлари билан унинг бурнини чимдиб олиб, хузур ки-

гўйликка берилишар, энг қизиқ латифаларни шубҳасиз, Рябчиков айтиб берарди.

— Осилиб ётганингни кўриб, овсармикин, девдим, йўқ, ишингга пухта экансан. Жуда юмшоқ жойга қўнибсан. Мен аҳмоқ тақир ерга тушиб, оёқдан айрилай дедим,— Ваня шундай деб қулиб қўйди.— Янгига ўхшайсан, а? Сени нимагадир эслолмаяпман?

— Уч ой бўлган келганимга, янгилигим қолибдими? Чукреевнинг хўжалигида эдим,— деди Карим унинг гапидан ранжиб.

Рябчиков бош чайқаб қўйиб, кулгисини яшириб, унга жиддий қиёфада қаради.

— Оббо сен-ей, сирканг сув кўтармас экан-ку, а? Бўлди, аччиғинг чиқмасин. Бўлмаса бурнингни тишлашингга тўғри келади.

Карим вақти келганда ёнбошга олиш керак, деган нақлга амал қилиб Рябчиковга захрини сочмоқчи бўлди.

— Узинг десантда нима қилиб юрибсан. Ахир, сен қурулсосзан-ку?— деди у ичиқоралик билан.

Не ажабки, Ваня бу истехзони ҳам ўзига олмади. Уша-ўша ҳазиломуз оҳангда жавоб қайтарди.

— Киройи десант бўлса мендек бўлиши керак. Мен қўлимга қурул олганда ман-ман деган мерганларинг қуллуқ қилиб туради. Мақтанишни ёқтирмайману, аммо бурганинг нозик ерини мўлжалга олишим ҳам мумкин,— Рябчиков шундай деб Каримнинг елкасига қўл ташлади.— Хуллас, оғайничалиш, икковимизнинг ҳам омадимиз чошмади. Мен учинчи машинадан сакрадим. Самолётларинг тутаётган эди. Барвақтроқ сакраганга ўхшаймиз. Мўлжалдаги жойга қўнмабмиз. Энди ўзимизникиларни излашимиз керак.

Карим Ваняга сўзсиз эргашди. Овоз чиқармай, тез-тез юраётган ҳамроҳидан орқада қолмасликка тиришди. Одамохун биродарининг дадил қадам олиши унга далда бўлиб, қўрқув вужудини буткул тарк этди. Жасур ҳам қувноқ йўлдош билан юрсанг ҳар қандай шатир-шутирга чўчиб тушмайсан. Карим бу жиҳатдан мамнун эди. Аммо Васянинг менсимагансимон оҳангда: «Янгига ўхшайсан, а», деган гапи гоҳ-гоҳида эсига тушиб, иззат-нафсини тирнаб ўтарди. Мавриди бўлганда-ку, бамайлихотир ўтириб олиб бошидан ўтганларни айтиб берарди. Йўқ, азага келган хотиндек ҳасрат даф-

тарини очиб ташламасди. Чунки у марҳум бувасининг: «Эзмалик йигитнинг ҳусни эмас», деган гапига ҳамisha амал қилиб келган. Отасидан қорахат олгани замон ўч қасдида жанггоҳга интилгани, ҳарбий комиссариат билан район комсомол комитетидагиларни безор қилиб юборгани, улардан ҳеч иш чиқмагач, бувасига ширингина хатча қолдириб, «қаердасан, жанггоҳ», деб йўлга тушгани, балки Рябчиковга қизиқ туюлмас? Балки... Кўнгилли комсомоллар вағонида беркитиқча юрганини кейин йўлда тушириб қолдиришганини, шунда ҳам изига қайтмай, бир ҳафта деганда танкка қарши устунлардан холи бўлмаган, деразаларидаги қоғозлар кўчирилмаган сергак Москвага етиб келганини айтсамикан? Десантчилар билан бўлган биринчи учрашувнинг унча қизиғи йўқ. Буни айтмаса ҳам бўлади. Аммо парашютдан кетма-кет ўн марта сакраганини албатта айтади. Тўғри, ўнта эмас, ўн беш марта деб озгина қўшиб мақтанарди. Озгина ёлғон қўшилса, гуноҳ бўлмайди. Ўнта деди нима-ю, ўн бешта деди нима, Рябчиковга барибир эмасми? Сакрашлар у ёқда турсин, арзимаган уч ой ичида радистликни ўрганиб олиш осон эканми? Яна «янгига ўхшайсан» эмиш? Унинг битта айби — ҳозирча жанг кўрмади. Ахир, уруш эрта-индич тугаётгани йўқ. Қўрқоқ эмаслигини кўрсатадиган фурсат ҳам келиб қолар...

Карим кечагидек кўчада шатлоқ отиб юрган болакай эмас, ҳақиқий қизил аскар эканидан фахрланиб бир ҳафта бурун лейтенант Чукреев топширган гвардиячи нишонини меҳр билан силаб қўйди.

Шу пайт Рябчиков тўхтаб унга ўгирилди:

— Кел, чарчаганга ўхшайсан. Қўтингни кўтаришиб юборай.

Карим чиндан ҳам толиққан эди. Лекин Ванянинг таклифига кўнишга иззат-нафси йўл бермади. Елкасини узиб юбсрай деяётган қайишни ўжарлик билан силтаб тортди-да, чирт этиб тупуриб, қадамини тезлатди. Шу пайт буталар орасидан автомат тариллади. Карим немиснинг қора кўланкасини кўрдию ўзини таппа ерга ташлади.

— Отма,— деди Рябчиков шивирлаб. — Тириклайин олмоқчига ўхшайди, ярамас, пала-партиш ўқ узяпти. Сен сергакроқ бўлиб тур. Мен ҳозир... — У брезент халтачасини олиб Каримга узатди. — Мановини эҳти-

ётлаб қўй. Бутун асбоб-анжомларим шу ерда. Йигитларга асқатади.

Уларни ўққа тутган немис, афтидан, Рябчиковни изма-из қувиб келаётган, шерикларидан ажралиб йўлни қешиб чиққан эди. У десантчиларни бир зум кўздан қочирди. Шундай бўлса-да, кетма-кет ўқ узди. Ваня ўша томонга эмаклаб кетди. Немис ўқ узмай қўйди.

Ўтган бир неча дақиқа Каримга бир неча соатдек туюлди. Узоқ-узоқда, водийнинг у томонидан отилган ўқлар сурмаранг осмонда қизғиш из қолдириб сўнади. Отишма овозлари бу ерга етиб келмайди. Бу овозларни шабада қайралган тишдек бўлиб турган ўрмон томонга ҳайдайди. Қаердадир хўроз қичқиради. Аммо тонг жарчисининг бу шодон хабарига ҳамоҳанг овоз эшитилмади. Шерикларининг қисмати эсига тушдими, ҳар нечук хўроз дамани ичига ютиб, бўлак қичқирмади.

Шу топда Каримнинг бутун аъзойи-бадани қулоққа айланган, тонгнинг даҳшатли сукунати ичида тезроқ ҳамроҳининг овозини эшитишни истарди. Бадани ўзи истамаган ҳолда титрар, бармоғи тепки устида шай турарди. У ортиқ чидолмай Ванянинг изидан эмаклашга қарор қилди. Энди олдинга интилган ҳам эди, бир-бирига урилган икки автоматнинг овози келди. Темирдан бўлган «шмайсер»нинг овози жаранглаб чиқди. Ваняники сал бўғиқроқ эшитилди.

Дақиқа ўтмай ҳансираган Рябчиков эмаклаган томонда эмас, балки кутилмаган бошқа ерда пайдо бўлди. Қўл силтади-да, хумордан чиқиш учун яхшилаб сўкинди.

— Югурмасак бўлмайди, оғайничалиш, қора тортиб келишяпти, ярамаслар.

Карим унинг гапини икки қилмай югурди. Бир оздан сўнг ҳамроҳининг орқада қолаётганини сезди-да, қадамни секинлатди. «Қўрққанидан тез чопяпти», деб ўйламасин деган хаёл билан ўгирилиб қаради-ю, тўхтади. Қорнини чангаллаганча чопаетган Рябчиков Каримга яқинлашгач, инграб юборди-да, тиз чўкди. У оғир ҳансирар, бақириб юбормаслик учун тишини тишига маҳкам босарди.

— Чучварани хом санабсан, итвачча, Ванядан осонликча қутулиб бўпсан!— Рябчиков шундай деб ўрнидан туришга ҳаракат қилди. Аммо қурби етмай мук тушди.



Карим аввалига гангиб, атрофида ивирсиб қолди. Ҳамроҳининг кафтидан қон сизиб чиққанини кўргач, воқеани англади. Титроқ қўллари билан Рябчиковнинг гимнастёркасини йиртди. Ваня чап қовурғасининг остидан яраланган эди. Карим ярани боғлай бошлади.

— Аяб ўтирма... сиқиброқ боғлайвер... Яна, яна сиқ,— Рябчиков тишларини гижирлатиб тирсагига суянди-да, қаддини кўтарди. Лабларида ҳам қон кўрибди.— Баракалла, пишиқ йигит экансан. Ана энди одамга ўхшаб қолдим. Нафас олишим ҳам енгиллашди. Қўлинг енгил экан. Умримда ўзимни бунчалик енгил сезмаган эдим. Қани кетдик,— Рябчиковнинг бу ҳазили унга ўтиришмади. Буни ўзи ҳам сезиб афтини буриштирди-да, автоматига суяниб, ўрнидан турди.

Бир неча қадам ташлашга улгуришмаган ҳам эдики, буталар орасида яна бузоқдек ит етаклаган немиснинг қораси кўринди. Ит аввалига десантчиларни сезмай хўжасини бошқа томонга тортди. Бундан фойдаланган йигитлар ўзларини ерга отиб ўқ узишди.

— Қаёққа отяпсан, меров! Немисни мўлжалга ол, немисни,— деб бақирди Рябчиков.— Гангима, немиснинг қимирлашини пойлаб от. Итни ўзим тинчитаман.

Немис ҳам анойилардан эмас экан. Ўзини дам чапга, дам ўннга олиб, ўқни эҳтиёт қилиб отарди. Қутуриб, арқонни узгудек бўлаётган ит бир гингшидию жимиб қолди.

— Тинчиди,— деди Рябчиков ён томонга сурилар экан.

Фриц итни кўриш учун бош кўтарди. Унинг асфала-софилинга кетиши учун шу кифоя қилди. Ҳар икки автомат бир вақтда тилга кирди. Немисни кимнинг ўқи олиб кетганини Карим билолмай қолди.

Биринчи ғалаба нашидасидан юраги ҳаприққан Карим сапчиб ўрнидан турди-да, бир-икки сакрашда Рябчиков ётган ўпқонга тушди. Рябчиков чўнқайганча пешонасини ерга тираб ўтирар, худди ерни ўпаётганга, йўқ, бир нима излаётганга ўхшарди. Карим унинг бу қилигидан ҳайрон бўлди. Тезроқ қочиш ўрнига нимага хотиржам ўтирибди? Ёки...

— Ваня...— деди Карим қичқириб. Унинг юрагига яна қўрқув оралади.— Ваня, нимага ўтирибсан?

Рябчиковнинг бадани титрар, бармоқлари ерни тимдаларди. Карим унинг елкасидан ушлаб аста ўзига қа-

ратди. Ҳамроҳининг юзи қонга беланган, фақат битта кўзигина ёниб турарди. Буни кўриб Карим сесканиб кетди. Бир зум даҳшатга тушиб Рябчиковни қўйиб юборди. Ваня ўпқон деворига суяниб қолди.

— Ҳаромилар... — Рябчиков шундай деб энтикди. — Безорилар Ваньканинг қанотини қирқиб қўйишди-я! Ванька капут энди, биродар...

Бу қадар азобни, тинмай оқаётган қснни илк бор кўраётган ўн олти ёшли боланинг нима кўйга тушишини бир тасаввур қилинг-а. Карим жангтоҳга телбаларча интилган чоғларида урушнинг бундайин қаҳрсиз, беаёв бўлишини кўз олдига келтирмаган ҳам эди. Агар имкони бўлганида, дўстининг бутун азобларини ўзига оларди. Урушнинг раҳмсиз қиёфасини энди кўраётган бола шуларни ўйларди. Урушда ҳар бир одамнинг ўз тақдири, ўз кўргиликлари бўлишини у ҳали билмасди.

Рябчиковнинг аҳволи оғир эди. Уқ унинг жағига тегиб, титиб юборганди. У ҳар нафас чиқарганда лабларида қон кўпикланарди. Чап кўзи атрофида тўққизил шиш пайдо бўлган эди. Карим ниҳоятда эҳтиётлик билан ярани боғлагач, Рябчиков сал ором олгандек бўлди. Нафас олиши ҳам енгиллашди. Карим даҳшат исканжасида анча ўтирди. Ниҳоят, бир қарорга келиб, шартта ўрнидан турди-да, Ванянинг қўлтигидан олиб турғазмоқчи бўлди. Рябчиков ўзига келиб, соғлом кўзини очди-да, бош чайқади:

— Бекор уриняпсан, ошна, мен ошимни ошаб бўлдим.

Дарҳақиқат, Рябчиковнинг куни битганини забардаст, чаққон гавдасининг сўлиб, шалвираб қолганидан билиш мумкин эди. Карим кўз ёшларини тийиб, сувдонни чиқарди-да, ҳамроҳининг оғзига тутди. Рябчиков бир қултум ҳам ичолмади. Сув қонга араллашиб, кўкрагига оқиб тушди.

Карим тиз чўкиб, қўлларини осилтирганча ёрилган лабини тишлаб ноилож бир аҳволда ўтирарди.

— Тезроқ кета қол... — деди Рябчиков хириллаб. — Урмонга қараб... уч... бизникилар... ўша ерда... Йигитларга айтарсан... Ванька... Ваньканинг кўзи... очиқ кетмади... дегин... Улим олдида... Ҳаромилар... ҳаромиларда ҳақини қолдирмади дегин... Асбоб-ускуналаримни... йўқотма...

— Йўқ! Бирга кетамиз!— Карим шундай деб бақирди-да, яна уни кўтаришга ҳаракат қилди.

Лекин Ваня беҳол қўли билан Каримни четлатди. Лабларини ялади.

— Буни қара... Сени қаёнда кўрган эканман деб... бошим қотувди... Эсимга тушди... Радистлар... бир болани... бошлиқлардан беркитиб... юришган экан... Сени яширишганмиди?

— Ҳа, нима эди?

— Гўдак... бу дўзахда... сенга нима бор эди?.. Бу саёҳатга ўзинг...

— Ҳа, ўзим...— Карим шундай деб кўз ёшларини тўхтата олмади, энтикди.— Бакиров деган радист касал бўлиб қолди. Ушанинг ўрнига олишди.

— Бакиров... дейсанми?— Рябчиковнинг бутун танази қалтираб кетди.— Мен уни танийман... Бечора Фаина... Фаинани йўлдан урди... Эҳ, Фаина... Рябчиковнинг... қадрига етмадинг-а... Назарингга илмадинг... эзма дединг... Гап десанг қоп-қопу... Тил жонивор бесуюк-да... Одамлар... хурсанд бўлсин десам... Қўғирчоқ ўйнаётганимиз... йўқ... урушяпмиз. Лекин... муҳаббатимни... ҳимоя қилишга... Аёлларнинг кўзидан... жуда... жуда қўрқаман... Қизларни... қучоқлашдан ҳам...— Ваня зийрак тортиб кўзини очди.— Қара-чи, нима гап?

Карим ўпқондан бошни чиқариб атрофга тикилди.

— Ҳаммаёқ жимжит...

Рябчиков чуқур нафас олди. Бемажол қўлини аранг кўтариб, Каримнинг тиззасига қўйди.

— Оғайничалиш... Худо хайрингни берсин. Тезроқ кет... Бунақанги... қахрамонлик ҳеч кимга... керак эмас. Куним битган... Кета қол.

— Йўқ!

— Биродар... меров деганим учун... мендан хафа бўлма... Дўст тутинишга... арзийдиган йигит экансан... Аммо Бакиров... Сен унга албатта айтиб қўй... У эркак эмас... қанжиқ экан... Қанжиқ бўлганда ҳам... энг марази... энг қўрқоғидан экан... У қасал эмас... Ҳаммани лақиллатди... Ишонмасанг Фаинанинг хўжайини Сима холадан... сўра... Бакиров бу «саёҳат»дан қочиб... оёғини атайин майиблаган...

• — Ёлгон! Алдаяпсан!— Карим шундай деб беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Кейин яна тиз чўкди-да, Ваня

нинг жон бераётганини ҳам унутиб тирсагидан ушлаб олди.

— Ҳзи дейсанми? Атайин яралабдими? Рост айтяпсанми?— Карим қулоқларига ишонмади. Чунки эр йигитнинг бундай пасткашликка бориши мумкинлигини у етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди.

Бирдан кўз олдида Бакиров намоён бўлди: жингалак сочлари пилотка остидан чиқиб турибди, юмалоқ юзи, ҳиёл туртиб турган ёноғи, кулгидан бир оз қисилган кўзлари... Сафарга отланиш чоғида нимагадир хафақон бўлиб қолган эди. Бошини эгиб олиб, нуқул ғамгин ашулаларни айтарди. Каримнинг Бакиров билан ошналығы йўқ эди. Аксинча, Бакиров уни тентак болакай ўрнида кўриб менсимас, айтарли аҳамият ҳам бермасди. Бакиров балки қўполдир, манмандир, балки одамовидир. Лекин уни қўрқоқликда, оёғини атайин майиб қилишда айблаш инсофдан эмас. Йўқ, йўқ. Карим бунга ишонмайди. Ваня янглишаётган бўлиши керак. Балки алаҳсираётгандир...

Рябчиков титраб-қақшаб, тез-тез нафас ола бошлади. Худди оғир меҳнатдан сўнг ҳордиқ истагандек, соғ кўзи юмилиб кетай дер, аммо киприклар учрашмай туриб, яна чарақлаб очилиб кетарди. У қаттиқ сесиб-сесиб нигоҳини осмонга тикиб қолди:

— Турналар... Эшитяпсанми?

Чиндан ҳам осмондан турналарнинг овози эшитиларди.

— Кўриняптими?.. Бир мартагина кўрсам эди...— деди Рябчиков хўрсиниб.— Турналарни... кузатишни... яхши кўраман... Болалигимда... уларнинг овозини эшитишим... билан... хилват жой топиб... катталардан яшириниб йиғлардим...

Карим ҳамроҳининг кафтини қўллари орасига олди. Унга далда бергучи сўз излаб тополмади. «Куксима, уруш бор жойда яраланиш ҳам бўлади-да, эрта-индин тузалиб аламингни оласан ҳали», демоқчи эди, ўзини ўзи алдаётганини, Рябчиковни бу ёруғ олам билан боғлаб турган ҳаёт ришталарининг шу дақиқаларда узилиши аниқ эканини сезиб тилини тийди.

Рябчиков оғир ҳансираб, тўхтаб-тўхтаб гапира бошлади. Карим: «Жим ёт, гапирсанг яранг очилиб кетади», деса ҳам қулоқ солмади.

— Тонг ёришди... Ахир, сени... батареяларни ку-

тишяпти-ку... Немислар... Тезроқ жўна... Менга грана-  
та... қолдир... тишларим билан... ҳалқасини... узаман...  
Бакиров... Бакиров ҳақидаги... гапларим... бўҳтон  
эмас... Фаинани деб... уни булғаётганим йўқ... Бакиров-  
ингга туфураман... Бу гапни... ҳеч кимга... айтмовдим.  
У ҳаромига яқилашиб... ўзингни булғама... Фаинага сал-  
лом айт... Мен... расмини онамга... юборгандим... Кели-  
н-ингизни бир кўриб... қўйинг, девдим... Онажоним...

Рябчиков чуқур нафас олди. Томоғи хириллаб, оғ-  
зида қон кўпиклашди. У яна нимадир демоқчи бўл-  
ди-ю, улгурмади, оғзидан қон отилиб чиқди. У бармоқ-  
лари билан ниманидир излагандек бўлди. Лаблари қан-  
дайдир сўз айтишга чоғланиб қимирлади. Оғзида сўз  
ўрнига яна қон отилди. Бадани қаттиқ титраб, бир не-  
ча бор силкинди. Сўнг оёғи томир тортишгандек чўзи-  
либ, ўпқон деворларига тиралди. Боши эса елкасига  
шилқ этиб тушди...

Карим ўзини унинг устига ташлаб, «Ваня, Ваня!»  
деб бақира бошлади. Шу топда унинг дарди қўрқувдан  
устун чиққан, дунё кўзига қоронғи бўлиб кўринаётган  
эди. У ҳамроҳининг ўлганига ишонмай билак томири-  
ни ушлади. Томир бир-икки кучсиз ҳаракат қилди-ю,  
сўнди. Умиди сичган Карим халоскорининг ёнига ўзи-  
ни ташлади-да, бошини қўллари орасига олди. Биринчи  
марта ўлимни кўриб, гангиган, бўғзигача дардга бот-  
ган йигитчани ҳозир ўрнидан туриб йўлга тушишга ҳеч  
қандай куч, ҳеч қандай буйруқ мажбур қилолмасди.  
Карим ўпқон тубида узала тушганча узоқ ётди. У бир  
авжга чиқиб, бир тинаётган отишма овозларини эшит-  
мас, фақат гоҳ-гоҳида халоскорининг номини такрор-  
лаб пичирларди.

Кун ёришди. Аммо у кетишга шошилмади. Мурда-  
нинг устини қовжираган ўт, хазон билан беркитди.  
Сўнг чўнқайиб, ўпқон деворига суянганча бу ғариб  
қабрга тикилиб қолди. Назарида, Рябчиков бу хаҳ-ха-  
шакларни устидан олиб ташлаб, жилмайиб туриб ке-  
тадигандек: «Хафа бўлма, оғайничалиш, шунчаки ҳа-  
зиллашгим келган эди. Қани энди немис келмай туриб  
туёғимизни шиқиллатиб қолайлик», дейдигандек эди.

Тонг юлдузи ҳам юзига қуёш нуридан парда тор-  
ди. Узоқдаги дарахтларнинг учли найзасига қадалиб  
тўрган парқу булутларнинг четлари чўғланди. Тонгда-  
ги шабада Каримнинг жон-жонидан ўтиб кетди. У

шабнамдан намиққан пахталигига ўраниб, узоқлардан келаётган отишма овозларига қулоқ тутди. Дастлабки пайтларда унда титроқ уйғотган урушнинг гулдирак овози энди уни қўрқитолмасди. У отишма овозлари ичидан бошқа бир төвушни, қадрдон, беғубор товушни ажратиб олиб эшитишни истарди.

Мўъжиза юз бериб, истаги рўёб бўлди. Эндигина бош кўтарган қуёш нурида ҳали илиб улгурмаган самодами ё аламдан ҳилвираб турган Каримнинг қалбидами учиб кетаётган турналарнинг овози эшитилди. Карим бир энтикиб, кўзларини юмиб олди.

...Турналар ноласин эшитганим он —  
Хаёл риштасига банди бўлиб мен,  
Учарман, қўл етмас қишлоғим томон...

Бу қўшиқни қачонлардир, болалик кезлари бувисидан эшитганди. Хотирасида сақланиб қолган қўшиқ сўзлари шу топда эсига тушиб, кўнглини ўртаб юборди. Туни билан минг азобга дуч келган Каримни хотиралар оқими аллалаб ухлатди.

У қанча ухлаганини билмади. Қандайдир ваҳший уни тумшуғи билан туртиб ириллагандек бўлди. Карим сапчиб ўрнидан туриб атрофга аланглади. Қуёш энди кўтарилган, худди осмоннинг қоқ ярмини эгаллаб олгандек. Қуёшнинг ўртасида эса немиснинг яраланган ити тишларини иржайтириб турибди. Каримнинг юраги шувиллаб, қўллари титради. Аммо дарҳол ўзини тутиб, автомат тепкисини босди. Безакли бўйинбоғ боғланган ит бир ғингшидию тинчиди.

Итнинг мана шу овози Каримдаги ожизлик ва ёлғизлик ҳиссини қувиб чиқарди.

У Рябчиковнинг мурдасини пахталиги билан ўрадида, устига яна хас-ҳазон ташлади. Сўнг дадил туриб ўпқондан чиқди. Ҳеч қаёққа алангламай, ўлимни ҳам писанд этмай, ўрмон томон юриб кетди.

Ўрмонга яқинлашган сари йўл тобора тиклашарди. Аммо Карим елкасидаги юкнинг оғирлигини ҳам, қадам босишнинг қийинлашганини ҳам ҳис қилмай, бир меъёрда юрарди. У ўз юки камлик қилгандек, Рябчиковнинг брезент халтаси билан автоматини, немиснинг «шмайсер»ини ҳам олволганди.

Каримнинг ичини нимадир ёндирарди. Назаримда, у гўё бехосият туш кўргандек, бир неча сонияда нима-сидандир умрбод ажралгандек эди. Йўқ, у ҳеч нарса-дан айрилмади. Аксинча, урушнинг бешафқат қону-нияти кучга кириб, унинг кўзидаги пардани суриб таш-лади. Усмирни эр йигитга, эр йигитни эса жангчига ай-лантирувчи бу қонуният Каримга ҳам ҳукмини ўтказ-ганди. У пулемётнинг сайрашларига ҳам, ўқларнинг визиллаб учишига ҳам парво қилмади. Ҳатто шрап-нел<sup>1</sup> портлаб, елкаси жизиллаганда ҳам ўзини бута-зорга урмади. Йўлидан қайтмади.

Яна эллик қадам юрса ўрмонга етиб олади. У тез-роқ сафдошларини, сержант Толкуновни топишга оши-қарди. Толкунов батареясиз бир чақага қиммат рация-ни ишга сололмай хуноб бўлиб ўтиргандир. Толкуновга Каримнинг тирик қолишидан ҳам батареялар зарурроқ. Ҳозир жиғибийрони чиқиб: «Бу мишиқи панд беради, ундан иш чиқмайди, десам гапимга қулоқ солмадин-гиз», деб ғазабланаётгандир. Толкунов ҳам ҳар қанча сўкса арзийди. Айб Каримнинг ўзида. Эси бор одам ҳеч қачон ёлғиз дарахтга келиб илинмас эди...

Карим сержантнинг дарғазаб қиёфасини тасаввур ётдию қадамини тезлатди. Ўрмонга қадар қўл узатса етгудек йўл қолди. Қуёш дарахтларнинг тепа шохига нур сочарди. Кўкат япроқларида шудринг марварид каби ялтирайди. Орқада эса пулемёт қорашақшаққа ўхшаб тариллайди. Ўқлар унинг нақ оёқлари остидаги буталарга келиб тушиб, тупроқни титиб юборарди. Ка-рим шундагина пулемёт ўқлари унга қарата узилаёт-ганини англади. Шу пайт дарахтзор томонда кетма-кет ҳуштак чалинди. «Толкунов!» Карим ҳолсизланиб бу-талар орасига ўтириб қолди. Жавоб қилиш учун ҳуш-так чалмоқчи эди, эпллолмади. Ўрмон томонда бошқа ҳуштак чалинмади. «Кўздан йўқотишди», деб ўйлади Карим. Кейин гандираклаб ўрнидан турди.

— Ҳа, дайди, келдингми?

Карим дастлаб овознинг қай томондан чиққанини билмай довдиради.

— Парол!— деди у автоматини дарахтзор томон ўқталиб.

— Жинни бўлма!— деди ҳалиги хирилдоқ овоз.—

<sup>1</sup> Ичи ўқ билан тўлдирилган снаряд.

Ўзингникиларни танимаяпсанми? Автоматингни тушир, бўлмаса довдираб отиб қўясан.

Карим ўрмон сари шошар экан, дўстлари билан учрашиш онини ўзича тасаввур этарди: табиийки, биринчи кўрган одамини маҳкам қучоқлаб олади. Кейин кўрган-кечирганларини, Ванянинг ўлимини, яраланиб, қутурган итни отиб ташлаганини бирма-бир айтиб беради. Айтмаса юраги тарс ёрилиб кетади... Бироқ автоматларини тушириб унга тикилиб турган икки сафдошини кўрдию барча режаси хаёлдан кўтарилди.

Паст бўйли, кенг елкали қирғиз Маҳмуд Жақиевнинг оғзидаги трубкаси бўлмаса таний олмасди. Чунки Жақиевнинг кийимлари тилка-тилка бўлиб кетганди. Гимнастёркасининг йиртиқ еридан қонталаш кўкраги кўриниб турарди. Унинг беҳол осилган қўллари, мудроқ босган қисик кўзлари, оқаринқираган юзи беҳад ҳориганидан далолат берарди.

Узундан келган, озғин Толкуновнинг кўриниши ҳам бир аҳволда: бошига боғланган бинт кирланган, юзлари кўкариб, шишиб кетган. Бир неча соат ичида минг чиғириқдан ўтган сержантнинг эти суягига ёпишганга ўхшайди.

Карим сукунатга берилган сафдошларига қараб бир оғиз ҳам сўз айтолмади. Самолёт бортини тарк этишгач не азобларни бошдан кечирганларини уларнинг ҳорган кўзлари айтиб турарди. Карим меровларча қўнгани учун, Рябчиковнинг ўлими, Толкунов бетоқат кутаётган батареяларни вақтида етказмагани учун ўзини айбдор ҳис этди. Сержант унга бошдан-оёқ разм соляпти. Қаттиқ норозилиги шундай аён бўлиб турибди. Ҳозир бошлаб сўкиб ташлайди...

Бироқ кутилмаганда Толкунов узун қўлларини чўзди-да, уни қучоқлаб ерга юмалатди.

— Маҳмуд, манови тирранчани қара, тирик. Эсон-омон етиб кепти. Сен нималар деб юрувдинг, Маҳмуд?!

Маҳмуд бирдан уйқудан уйғонгандек кўзларини катта очди-да, қувончини яширолмамай ўзини дўстлари устига ташлади.

— Вой, шайтонвачча-е, топилдингми, а? Биз бўлсак сени...— Жақиев Каримнинг оёқ-қўлларини пайпаслаб чиқди.— Етти мучалинг соғ-омон экан, ҳўдога шукур.

Жақиев ўрнидан туриб бир неча қадам тисарилди-да, Каримга тикилди.



— Мана шу тирранчани йигитнинг гули деса бўлади. Дўзахнинг оғзидан тирик қайтибди, азамат!

Толкунов ўрнидан туриб кийимини тузатган бўлди. Қиёфаси яна жиддийлашди.

— Шу пайтгача қаёқларда тентираб юрибсан?

— Дарахтга илиниб қолдим,— деди Карим бошини эгиб.— Анави ерда Рябчиковни ўлдиришди.

— Ваняними? Қуролсозними?— деди Жақиев қулоқларига ишонмай.

Толкунов эса унинг гапига ҳам парво қилмай ўшқира бошлади:

— Одаммисан ўзинг ё кўзи кўр эшакмисан? Қайси аҳмоқ кафтдек ерда хода ютгандек юради, а? Орқада немис йирик калибри пулемётини шақиллатиб ётибди-ю, бу қаҳрамонча парво қилмай ғоз юряптилар. Бунақанги аҳмоқона қаҳрамонлигинини уйингга борганда қиласан, тушундингми? Манавини нимага кўтариб юрибсан, ғалвирга айланиб кетибди-ку?

Толкунов шундай деб унинг елкасидаги батареялар жойлашган темир қутини силтаб тортиб олди. Қутининг бир учини снаряд осколкаси учуриб кетган, қолган ерларига эса ўқлар қадалган эди. Сержант қутини жаҳл билан нарига итқитди. Кейин брезент халтанг юлқиб олди.

— Бунинг нимаси, ташлаб юбор!

Карим халтага икки қўллаб ёпишди.

— Тегма! Бу Рябчиковники. Асрашим керак.

— Агар кучинг ошиб кетаётган бўлса, кўтариб юравер. Аммо автоматларни олиб яхши қилибсан. Ўқларини ҳам олганмисан? Баракалла. Бу ишинг дуруст бўлибди. Қани, энди кетдик.

— Рябчиков-чи? Уни ким кўмади?— деди Карим.

Толкунов жавоб бермай дарахт оралаб кетди. Жақиев чуқур хўрсинди-да, Каримнинг елкасига қўлини қўйди.

— Урушда шунақаси ҳам бўлиб туради.— У шундай деди-да, тиши зирқирагандек афтини бурштириб олға босди.

Дастлабки қўрқинчли воқеалар ортда қолгач, Каримга окири бахайр бўлувчи тушининг хотимаси яқинлашгандек туюлди. Ҳатто Рябчиковнинг ўлими юрагини эзмай қўйди. Жақиев билан Толкуновнинг бу хабарни совуққонлик билан эшитиши ҳам кўнглидан кўта-

рилгандек эди. У фақат бир нарсага ҳайрән эди. Яқингинада ҳазиллашаётган, қувониб, кулаётган одам бирдан йўқ бўлдими? Балки бу ёруғ дунёда Валя Рябчиков деган аскар йигит бутунлай бўлмагандир? Унда манови брезент халта кимники? Балки Рябчиковнинг ўзи ҳам, унинг ҳар нарсага моҳир қўли, қувноқ табиа-ти, қаҳри ва муҳаббати чиндан ҳам тушдир. Аммо унинг хазонлар остидаги дафн этилмаган ғариб муртаси, аскар йигитни бир умр бағрига олган ўпқон туш эмас. айна ҳақиқат!

Қарим яна бир нарсани ўйлаб ўйига етолмасди. Арзимас бир жангда нима учун у эмас, балки кўпни кўрган, эпчил, дадил, яхши мерган Рябчиков панд еди? Қарим калаванинг учини топиб тўхтаб қолди. Ахир, ҳар икки олишувда ҳам Рябчиков ҳамма оғирликни бўйнига олиб бу гўдакни ўлимдан сақлаб қолди-ку. Бунинг нимасини тушуниш қийин экан? Қарим эса ҳеч нарса бўлмагандек хатардан қочиб, ўрмон ичкари-сига кириб кетяпти. Қўрқоқлик, йўқ, сотқинлик қилди. Уни уч бор ўлимдан пана қилган халоскорини хазонлар остида ёлғиз қолдириб қочяпти... «Тўхта!— деди Қарим ўзига-ўзи буюриб.— Ҳозир шартта сержантни тўхтатасан-да, изинга қайтиб Рябчиковни дафн ки-лишга боришингни айтасан». Қарим энди гапга оғиз жуфтлаган эди, Толкунов тўхтаб орқасига ўгирилди-да, уф тортди.

— Шу ерда дам оламиз, оёқда оёқ қолмади.— У шундай деб ёлғизоёқ сўқмоқдан бурилиб четроққа чи-қиб ўтириб, қуролини ёнига қўйди. Кейин жойидан жилмай турган Қаримга қаради.— Хўш, Азнабосов, менга бирор нарса демоқчимисан? Гапинг бўлса, айт, аммо Рябчиков ҳақида оғиз оча кўрма! Тушундингми? Қанча одамнинг шаҳид кетганини биласанми? Ҳамма-сига аза очишга фурсатимиз ҳам, имкониятимиз ҳам йўқ. Улмасак, ҳамма дўстларимизни ҳали ёдга ола-миз.

Ажаб, ҳозиргина сержантга шартта-шартта гапи-риб изига қайтмоқчи бўлган Қарим бирдан ювош тор-тиб қолди. Индамай четга чиқди-да, ўт устига узала тушиб хаёлга берилди. Унга ҳам қийин. Ўт-олов кеч-ган, неча бор яраланган сержантга ҳеч нима кўрмаган бир бола нима деб эътироз қила оларди. Сер-

жанг билмай туриб бир нарса демайди. Лекин барибир Ваняни бу аҳволда ташлаб кетиш инсофдан эмас. Нахотки Толкунов шу даражада тошбағир, бераҳм бўлса?.. Карим ҳамроҳларига кўз қирини ташлади. Жақиев бўш трубкасини тишлаганча турли овозларга қулоқ тутиб бедор юрибди. Толкунов эса чордана қуриб ўтириб олган. Тишини тишига қўйганча бошидаги бинтни тортиб-тортиб қўйиб кейин қон чиқмадимикан, деб кафтига қарайди.

Карим яна кўзини юмиб хаёлга берилди. «Катталарнинг хатти-ҳаракатини муҳокама қилишга сенга ким ҳуқуқ берди. Ўзинг кимсан? Ҳали бу урушда қилажак ишларингнинг бир улушини ҳам бажармай туриб, маҳмаданалик қилишни сенга ким қўйибди? Улар сен каби душман билан биринчи марта юзма-юз келишгаётгани йўқ. Умуман, уларни яхши биласанми ўзинг? Мана, Жақиев, сенга меҳрибон, кўп яхшилик қилди. Унинг кимлигини биласанми? Тўғри, Подмосковьёда радистлар ҳам, разведкачилар ҳам бир уйда туришарди. Жақиевнинг зоотехник эканини, урушга кўнгилли бўлиб келганини, Великие Лукига ташланган десантчилик сафида жанг қилганини... ҳа, яна икки ой бурун чекишни ташлаб, ўзини-ўзи алдаб қуруқ трубка сўриб юришини, йигитлар ҳазиллашиб чўнтагига тамаки солиб қўйишса ҳам бўш келмаётганини биласан. Шу, холос. Унинг ичида қандай дард, қандай алам, қандай орзу борлигидан эса мутлақо хабаринг йўқ. Агар Маҳмуд бўлмаганда сени аллақачон бирон комендант қўлига топширишарди-ю, оёғийгни ерга теккизмай уйингга олиб бориб қўйишарди. Кимнинг кўмаги билан десант бўлганингни унутма, кўзингни оч, болакай!

Толкунов командиринг бўлгани билан уни ҳам яхши билмайсан. Сержантнинг ўзи камгап, юрагидагини очиб айтмайди. Фақат радистларнинг узук-юлуқ гапларидан унинг ким бўлганини эшитгансан...»

Карим ҳордиқ маҳаллари радистларнинг сержант ҳақидаги ўзаро гап-сўзларини эслади.

...Айтишларича, Толкунов заводда механик бўлиб ишлар экан. Урушдан бир ой аввал аварияга йўл қўйиб, икки йилга кесилибди. Тез орада душман у ётган қамоқхонага яқинлашибди. Соқчилар қочиб қолишибди. Толкунов маҳбусларни бир отрядга бирлаштириб, шарқ томонга бошлабди. Йўлда учраган дастлабки ша-

ҳар комендатурасига кириб аҳволни тушунтирибди-да, «бизга қурол беринг, гуноҳимизни қон билан ювайлик», дебди. Шу зайлда қизил аскар бўлибди. Уша кундан бери, яраланиб госпиталларда ётгани ҳисобга олинмаганда, жанггоҳдан нари кетгани йўқ. Жасорат учун Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланган. Карим келиб қўшилган десантчилар қисмига тўғри госпиталдан юборилган Толкунов взвод командирига ёрдамчилик қиларди.

Карим десантчилар сафига қирқ учинчи йилнинг майида қўшилди. Бир амаллаб Москвага етиб келди-ю, у ёғига омади юришмади. Оч-наҳор, кир-чир бир аҳволда юк вагонининг тормоз майдончасига ўтириб фронтга йўл олган маҳалда яна қўлга тушай деди. Аввалига поезд тўхтовсиз ғарб сари юриб бораётган эди. Уч соатлардан кейин қайси бир бекатда тўхтади. Индамай ўтираверганда-ку, сезишмасди. Йўқ, қаерга келганини билиши зарурдек, бошини чиқариб қаради-ю, ишнинг пачавасини чиқарди.

У жўнаб кетган поезд ортидан алам билан анчагача қараб турди. Кейин темир йўлларнинг у бетидаги қудуқ атрофида ҳазиллашиб бир-бирига сув сочаётган аскарлар томонга юрди. Ҳеч ким унга эътибор ҳам бермади. Аскарлар ювиниб, тараниб бўлгач, дарахт соясида давра қуриб тамадди қила бошлашди. Дастурхон ўрнини ўтовчи барра майса устида консервалар, нон, кружкалар пайдо бўлди. Овқат ҳиди димоғига урилиб, Каримнинг боши айланди, қорни ачишди. Оғзининг суви келиб, бу мўъжаз дастурхондан кўз ололмай қолди. Кейин ўз қилиғидан ўзи ранжиб чўнқайганча йиқилиб кетмаслик учун дарахтга суянди-да, кўзларини юмиб бошқа нарсаларни ўйлашга ҳаракат қилди.

Қулоғига чалинаётган гап-сўзлардан, кўк погонларидаги қўшқанотни эслатувчи белгидан уларнинг десантчи-радиост эканини билди. Очлик азобидан силласи қуриган Карим ўрнидан турди-да, уларнинг суҳбатига қизиққан одамдек аста яқинлашди. Вужудида уйғонган қандайдир умид уят ва қўрқинчдан устун келди.

— Ҳой, шўртумшук, қани кишт бу ердан, — деди аскарлардан бири жулдур кийимли, исқирт, чўпдек озиб кетган Каримга қараб. Кейин ўзича кулиб ўрнидан қўзгалди.

Карим бир неча кун дарбадар кезиб юрган чоғларида қорни тўқ аскарнинг сахий ва меҳрибон бўлишини билиб олган. Аскарлар бундай пайтда гаплашишни, кўнгил очишни яхши кўришади. Аввалига шундай пўписа билан ҳайдаган бўлишади. Шунда бола юз-кўзидаги очкўзлик, дард ўрнини бир муддатга жилмайиш эгаллайди, гапга чечанроқ бўлишга, ҳатто гўдакларга хос қилиқлар қилишга интилади. Шунда аскар болага қарайди-да, ўйга берилади. Кейин дардли овоз билан уйида шундай шумтака қолганини айтади: Бундай кезларда ҳисоб ҳамиша бола фойдасига ҳал бўлади. Шунинг учун ҳам Карим аскарнинг гапидан эсанкирамай, ўзини мағрур тутди.

— Кўзим учиб тургани йўқ, — деди-да, жойига бориб ўтирди. «Мени овқатинг билан ҳайрон қолдиrolмайсан», дегандек юзини тескари ўгириб олди.

Майдончадан юз қадам нарида бир гуруҳ лўли жўнашга ҳозирлик кўриб бир-бирини сўкар, бақириб-чақиритарди. Аравалари гижирларди. Эркакларга қўшилиб аёллар бақирарди. Улардан болалари ҳам қолишмасди. Каримни қувган аскар йигит: «Бу исқиртнинг бир жиғига тегай», деган ниятда унга яқинлашди-да, кулимсираб лўлиларни имлаб кўрсатди.

— Уруғингдан қочиб қолмоқчисан шекилли, а? Сенсиз уларнинг аҳволи нима кечади?

Карим эътироз билдиришга улгурмади. Аскарлар бири олиб бири қўйиб шерикларининг гапини маъқуллаб кетишди.

— Аммо ҳақ гапни айтдинг. Бола кетса лўлилар очдан қирилади.

— Йўқ, оғайнилар, бу қаёққа ҳам кетарди. У от излаб юрибди. Оч товуқнинг тушига дон кираркан. Лўлининг дарди нимадалигини мендан сўранг, мен айтай.

Каримни «шўртумшуқ» деб атаган жангчи чўққайиб ўтирди.

— Намунча тумшуғингни осилтириб олдинг? Ундан кўра фол очсанг-чи, қуруқ қўймайман, қўрқма.

Тамадди қилиб бўлган бошқа десантчилар ҳам текин томошадан қуруқ қолмай, деб Каримни ўраб олишди.

— Э, менга қара, калланг ишлайдими ўзи, лўлининг эркаги фол очганини қаерда кўргансан? Фол очишни хотинларга чиқарган. Эркагининг дарди — от!

**Жуда бўлмаганда дастурхонингдаги егулик нарса ҳам тешиб чиқмайди, тўғрими, лўливачча? Ишлар қалай энди?**

— Ишлар-ку, чакки эмас, лекин қорин сал ҳуштак чалапти, — деди Карим зўрма-зўраки кулиб.

Бу орада лўлилар бақриқ-чақриқ билан соябонли араваларига жойлашдилар-да, жўнаб кетдилар. Дам ўтмай уларнинг карвони қайинзор томондаги тонгги енгил туманга сингиб, кўздан йўқолди. Шундагина Карим лўли эмаслигини айтди. «Шўртумшуқ» деган аскар ҳафсаласи пир бўлиб ҳуштак чалди-да, ўрнидан туриб нари кетди. Бошқалар эса жимгина уни кўздан кечириб туришди.

— Масала равшан: уйдан қочган, — деди аскарлар ичидаги каттаси шериклари билан кўз уриштириб. — Отасидан ажраб, ўч олгани йўлга чиққан. Бунақалар ўрмондаги чумолидек бижиб кетди ҳозир. Бир хили фрицдан қочиб шарққа интилади, мана бунақалари эса, аксинча, ғарбга чопади.

У бир неча дақиқа Каримга кўз қирини ташлаб, хумор босди қилиб чекиб турди. Кейин сигарет қолдигини оёғи билан эзди.

— Қани, бир шип-шийдам бўл-чи! — деди буйруқ оҳангида. Кейин Каримнинг тушунмай каловланиб қолганини кўриб кулди. — Ечин, деяпман. Улгудек битлаб кетгандирсан?

Карим оғзини очишга ҳам улгурмай қолди. Десантчилар худди буйруқ берилгандек хахолаб кулиб, бир неча сонияда унинг шўрлаб кетган пиджагини, рангини йўқотган кўйлагини, почаси титилган шимини ечиб ташладилар-да, қудуқ ёнига бошлаб келиб устидан суя қуя бошлашди.

— Бўйини қаранг, тагига ўғит солиб ўстиришганми, а?

— Уйлантирса бўладиган йигит экану башарасидан от ҳурқади. Уят-е!

Аскарлар ҳам ҳазил, ҳам тергаш билан уни ювинтиришди. Кимнингдир қопчиғида тоза кўйлак бор экан, кимдир янги иштон берди. Бошқа бири йиртиқ шимни ямади. Ёши улугроқ десантчи эса қалин нон бўлагига димланган гўшт қўйиб узатди. Кейин кружкага иссиқ чой қўйиб берди. Карим нонни ейишча ошиқмади. Узини зўрға тийиб, худди қорни тўқ одам-

дек луқмани шошилмай, ҳатто истамайгина чайнади. Йигитлар эса уни ҳоли-жонига қўймай, қай бири ҳазил билан, қай бири жиддий равишда сўроққа тута бошлади.

— Ростдан урушга бормоқчимисан? — деди Каримни ёлғон пўписа билан ҳайдамоқчи бўлган йигит.

Каримнинг бағрида умид учқуни чарақлаб: «Балки олиб кетишар», деган фикрдан юраги ҳаприқиб кетди.

— Мени сафингизга олинг, кейин хафа бўлмай-сиз, — деди у ҳазил оҳангида.

— Одам бўладиган сиёҳи бор экан.

— Балки радио бўйича буюк мутахассисдир?

— Баракалла, лўливачча, қўймайсан!

— Лўли танглайингизни кўтарганми, мунча «лўли, лўли», деяверасиз? Мен лўли эмасман, бошқирдман! — деди Карим аччиқланиб.

Аскарлар бу гапдан гангиб, ҳайрон бўлганча бир-бирларига тикилиб қолишди. Кейин даврага қўшилмай рация билан овора бўлаётган кичик сержантни ўртага олишди.

— Бакиров, анови болага қара, ҳамюртинг экан!

Бакиров деганлари ғудраниб қўл силтаб қўя қолди. Бироқ Володя Петров деган ёш радист уни зўрлаб Каримга рўпара қилди.

— Хўш, қайси номаъқул бузоқнинг гўштини искаб келдинг, — деди у бошқирдчалаб. — Сенга бу ерда пишириб қўйганмиди?

— Тоза боплаяпти-ку, а? — деди аскарлардан бири унинг елкасига қоқиб. — Қўймайсан, Бакиров, бир сиқиб сувини ол-чи...

Бакиров ҳамюртини кўриб қувониш у ёқда турсин: «Аҳволинг қалай, қанақа дард-ҳасратинг бор», деб қизиқиб ҳам кўрмади. Карим унинг бу қилмишидан аввалига ҳайратланди, кейин жаҳли чиқиб, юзини ўгирди. Бакиров яна нимадир деб тўнғиллади-да, нари кетди.

— Иш юришмади... — деди кимдир хўрсиниб.

Аскарлар Каримни эргаштириб олиб кетишди. Зум ўтмай у сержаҳл сержантга рўпара бўлди. Сержант хазар қилгандек унга бошдан-оёқ разм солди-да, йигитларга ўшқирди:

— Шундан бошқа эрмак топилмадими сенларга,

қорнини яхшилаб тўйдириб, йўлга овқат берларинг, ҳозироқ қорасини ўчирсин бу ердан.

— Ахир, ўртоқ сержант, ёш бола эмас-ку, ўн еттидан кам эмас ёши, ўзи ҳам ботир экан, — бўш келмади Петров, — уқувли экани кўзидан билиниб турибди.

— Кўзидан дегин... Кўз молда ҳам бўлади. — Сержантга Петровнинг гапи таъсир қилдимиз, бу сафар дароз йигитга сал бошқачароқ қаради. Кейин ишонқирамаётганини айтиб, ҳужжатларини сўради.

— Пиджагим қани? Ҳа, анови ерда қолди-ку... — деди Карим бир оз гангиб. Кейин югурганча изига қайтди-да, латта-путталар орасидан пиджагини олиб, астарини йиртди. Тимирскиланиб, комсомол билетини топгач, яна сержантга (фамилиясининг Толкунов эканини кейинроқ билди) рўпара бўлди.

— Э, оғайни, бунақаси кетмайди, — деди у билетни очиб кўриши билан. — Уйингга бориб ўртоқларинг билан ҳаммопиш ўйнашинг керак экан. Йигирма еттинчи йилнинг иккинчи феввалида туғилган экан бу азаматларинг. Йўқ, мен боғча мудирин эмасман.

— Федя, бунақа ишда шопилмаслик керак. — Даврага трубка тишлаган, кўзлари қисиб, ёноқлари бўртиб турган, қорамағиздан келган кичик сержант қўшилди-да, Толкуновнинг елкасига қўлини қўйди. — Гап бор, бу ёққа юр.

Иккови узоқлашгач, Карим Петровнинг енгидан тортди.

— У қозоқми, дейман, а?

— Йўқ, қирғиз, аммо мана бундай тенги йўқ одам, — Петров шундай деб бош бармоғини кўрсатди.

... Уларнинг нима ҳақда гаплашгани барча учун қоронғи эди. Ҳар ҳолда Каримнинг бахтига сержант анча юмшаб қайтди. Каримни сафлари тўлаётган қисмда бир ойга қадар бошлиқлардан яшириб олиб юришди. Ўзларининг улушларидан бериб тўйдиришди. Чинакам десантчидек қилиб кийинтиришди. Бекор лақиллаб юрмасин, деб радио тилини ўргата бошлашди. Зийрак, ишга тез қовушадиган Карим аскар йигитларга ёқиб қолди. Парвариш яхши бўлганидан тезда кучга кириб, тўлишди. Бўй-басти бошқа жангчилардан қолишмас, ёшлигини фақат юз-кўзи ошкор этиб турарди. Вақт ўтиб қисм ёрдамчи кучлар билан тўлдирилгач, ҳордиқ вақти тугаб, жангчилар батальонларга бўлин-



дилар. Каримни паноҳига олган взвод қисм штаби ҳузурида қолдирилди.

Карим, Петров таъбири билан айтганда, ҳали ҳам қушдек бесаранжом эди. Ишора қилинса беркинади, овоз берилса яширинган жойидан чиқади. Улар ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, Карим барибир янги взвод командирига бехос дуч келиб қолди.

— Ҳа, дарбадар ўғилча, радио тилига тушуниб қолдингми? — сўради лейтенант Чукреев. Карим қандай жавоб қайтаришини билмай тилдан қолиб, тошдек қотди. Лейтенант унинг бу аҳволини кўриб кулимсиради. — Яна булар махфий иш олиб боришармиш. Қани, мен билан юр-чи.

Улар радистлар яшайдиган уй қаршисидан ўтишпаётганда Чукреев очиқ деразага қараб:

— Толкунов, менга учраш, — деб бақирди.

Толкунов лейтенант қаршисида ўтирган Каримни кўрдию остона ҳатлашни билмай ҳаракатсиз туриб қолди.

— Киравер, сержант, тортинма. Беркинмачоқ ўйини тугади. Хўш, энди нима қиламиз?

Сержант ёғоч курсига омонатгина ўтирди.

— Фаросати етяптими? — деб сўради Чукреев.

— Бўлмаса-чи, — деди Толкунов чеҳраси очилиб. — Рацияни тўла ўзлаштирди. Учинчи синфга арзийди.

— Усулларни биладими?

— Билади, Жаҳиёев билан ўргатганмиз. Лекин, ўртоқ лейтенант, била туриб нега индамадингиз?

— Арқонни узун ташлаган эдим-да, — Чукреев шундай деб Каримга қаради: — Бўпти, сенга рухсат, боравер.

Карим енгил тин олиб эшик томонга юрди.

— Орқангга қайт, — деб буюрди Чукреев.

Остонага қадам қўяётган Карим изига қайтиб, қаддини роз тутди.

— Армиядалигингни унутдингми?!

— Кетипга рухсат этинг, ўртоқ лейтенант.

— Ана, бу бошқа гап. Боравер.

Карим ҳестъ берди-да, шашт билан бурилиб шаҳдам қадам босганча чиқди. Чукреев унинг орқасидан қараб қолди.

— Пиширган ошингни бирга баҳам кўрамиз шекилли, а, Толкунов?

— Яхши йигит, ўртоқ лейтенант, биз уни сира эркалатганимиз йўқ. Чинакам десантчидан ажрата олмайсиз.

— Бўпти, штабдагилар билан гаплашиб кўраман. Аммо кўздан нарироқда юра турсин.

— Хўп бўлади!— Толкунов шундай деб ўрнидан турди.

— Эртага роппа-роса ўн иккида ҳузуримга келинглар.

— Эшитаман!

...Эртасига Толкунов Каримни бошлаб келди. Лейтенант Каримни остона ҳатламаёқ саволга тутди:

— Азнабоев, уйингда киминг қолди?

— Бувим...

— Ота-онанг-чи?

— Отамдан қорахат олдик. Онамдан эса дарак йўқ, Онам врач эдилар. Мени бувимга қолдириб урушга бир кунда кетишганди.

Чукреев тирсагини столга тираб жағини кафти устига қўйди.

— Қани, ўтир-чи...

Карим қаршисига келиб ўтиргач, олдига қоғоз-қалам қўйди.

— Қани ёз!— деб буюрди лейтенант.— «Бувижон, сизни ёлғиз қолдирганим учун кечиринг. Мендан хавотир олманг. Тақдир мени яхши одамларга рўпара қилди. Мен, айниқса, сержант Фёдор Толкунов билан кичик сержант Маҳмуд Жақиевдан миннатдорман. Улар ҳатто кипригимга чанг ҳам қўндирмай, ҳарбий машқларни ўргатишяпти. Энди мен шуҳратли Қизил Армия аскариман. Бувижон, менга хат ёзиб туринг, адресим...» Хўш, энди дала почтасини ёз. Бўлдим. Ҳа, охирига «Жанговар салом билан», деб қўшиб қўй.

Каримнинг пешонасида реза тер кўринди. Қулоқларига ишонмай бир лейтенантга, бир кулимсираб турган сержантга қаради. Эшитганлари ҳазил эмас, ҳақиқат эканига амин бўлгач, хатни шоша-пиша учбурчак ҳолига келтирди-да, катта-катта ҳарфлар билан адресини ёзди. Лейтенант унга кўз қисиб қўйди. Аммо шу пайтнинг ўзида юзидаги кулги йўқолиб, ўрнидан турди. Карим ҳам сапчиб қаддини фоз тутди.

— Оддий аскар Азнабоев! Сен полковникнинг руҳсати билан взводга қабул этилдинг. Сен эҳтиётдаги ра-

дист сифатида Петровга бириктириб қўйилдинг. Лекин билиб қўй, сал ножўя қадам боссанг...—Лейтенант шундай деб кўрсаткич бармоғи билан стодни уриб қўйди. Кейин кулимсиради-да, қўлини Каримнинг елкасига ташлади.— Тушундинг, а? Хўп, боравер бўлмаса, десантчи...

Шундай қилиб, Карим десантчи-радист бўлиб қолди. Тез орада мураккаб машғулотлар бошланди. Десантчилар парашютда сакрашни ҳам ўзлаштиришлари шарт эди. Карим биринчи марта сакраганини умрбод ёдда сақлайди. Ажабланарлиси шуки, сакрагандан сўнг юраги ҳам шувилламади, тубсизликдан чўчимади ҳам. Қандай ўргатишган бўлса, ўшандай оҳиста, белгиланган ерга қўнди. Тажрибали десантчилар уни дарров ўраб олиб қангомаларини бошлашди:

— Иштонинг қуруқми ишқилиб?

— Биринчи сакраш ҳеч гап эмас. Кейингиларида сузма сузиб тушади.

Десантчилар бекор чўчитмоқчи бўлишган экан. Кейинги сакрашларда ҳам у қўрқмади.

Толкунов уни ёш, деб аяб ўтирмади. Ҳолдан тойиб, чўзилиб қолгунча тиндирмади. Баъзан Карим бурнига чертса йиқилгудек бўлиб қолар, шунда сержант кўз қисиб:

— Армия нон емасларнинг жойи эмас, билиб қўй. Бир қават теринг шилиниб тушмагунча сендан жангчи чиқмайди. Уқдингми?— дерди.

Сентябрь охирларди. Куз ёмғирли булутларни даракчилагандек, Москва этакларидаги ўрмонларни олтинранга бўлб борар, ҳадемай борлиққа мутлақ ҳоким бўлажагини билдирарди. Ана шу пайтда машғулотлар янада мураккаблашди.

— Демак, яқин орада йўлга чиқамиз,— дейишарди аскарлар бундан ўзларича хулоса чиқариб. Кейин яна Каримнинг жиғига тегишарди.— Биз қайтгунча ошхонани яхшилаб қўриқла, хўпми?

Карим бу ҳазилларга эътибор бермагандай ўтирар, аммо ичини ит тирнарди. Ҳар ҳолда бу гапларда жон бор. Дод деса ҳам, фарёд кўтарса ҳам уни ташлаб кетишади. Чунки у бор-йўғи эҳтиётдаги радист.

Уруш кўрган жангчидан бирон нимани яшириш қийин. Десантчилар командирлар ҳаракатидаги ҳаяжондан, штабдаги ходимларнинг томоқ қириб қўйишлари-

дан, хуллас, оддий одам пайқамайдиган жуда кўп белгилардан учиш куни яқин эканини сезишган эди. Шаддодроқ жангчилар эса учишнинг аниқ вақт-соатини ҳам билиб олишганди.

Шу кунларда ҳеч кутилмаганда Бакировнинг тоби қочиб қолса бўладими. Орадан кўп ўтмай Петров хуш-хабар топиб келди.

— Сен ҳам учадиган бўлдинг,— деди у Каримнинг елкасига шапати тушириб.— Энди бошингни кўтариб юравер.

Бу гапга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай юрганда Каримни лейтенант йўқлаб қолди. Чукреев индамай чеккасини силаганча хона бўйлаб кезди. Кейин Каримга имлади-да, ташқарига чиқди. «Йўқ, олиб кетишмайди», деб ўйлади Карим лейтенантнинг хатти-ҳаракатидан ўзича хулоса чиқариб. Чукреев кутилмаганда тўхтаб Каримнинг қўлидан силтаб тортди-да, устидан ошириб ташлади.

— Карим, эҳтиёт бўл, энди ханжар билан...— деб қичқирди қаёқдандир пайдо бўлган Жақиев довдираб қолаёзган йигитчани огоҳлантириб.

Карим мушукдек сапчиб ўрнидан турди. Дарҳақиқат, лейтенант қўлида ханжар билан унга ҳамла қилмоқда эди. Карим чаққонлик билан ўзини четга олди-да, лейтенантнинг ханжар тутган қўлидан маҳкам ушлади. Кейин илон каби бурилиб уни елкасидан ошириб ташлади. Сўнг билагини маҳкам қисиб, ханжарни туширишга мажбур қилди. Чукреев буни кутмаган эди-ми ё атайин бўш келдими, ҳар ҳолда Каримнинг ҳаракатлари рисоладагидек чиқди.

Лейтенант ўрнидан турди.

— Жуда сержаҳл экансан-ку, а?— деди у кийимларини қоқа туриб.

Чукреев ханжарни қўлига олди-да, уни зарб билан отди. Ханжар деярли ярмига қадар қайинга санчилди. «Мана буни маҳорат деса бўлади», деди ўзича Карим.

— Қайтар!— деди Чукреев унга.

Карим отган ханжар дарахтга санчилди-ю, бир оз ликиллаб туриб тушиб кетди. Энг қийини ханжарни тиғидан эмас, дастасидан ушлаб отиш керак эди. Агар ханжар ўқдек учмаса дарахтга ё ёни, ё дастаси билан бориб уриларди. Карим бу қонунни ҳам ёмон ўзлаштирмаганди. Аммо қаттиқроқ санчишга ҳали уқуви етмасди.

Лейтенант ханжарини йигирма мартача отиб, Каримга намойиш қилди. Жақиев эса чўнқайиб ўтирганча бўш трубкасини сўриб йигитчага изоҳ бериб турди.

— Ҳаяжонланмаслик керак. Силтовни қаттиқроқ ол. Отаётган пайтингда гавдангни хиёл олдинга ташла...

Шундан сўнг радист маҳорати бўйича синовлар бошланди. Машинага ўтириб йигирма беш чақиримча йўл босдилар. Номаълум ялангликка етишгач, унга алоқа боғлаш буюрилди. Карим бир ҳафтача ором билмади. Ҳамма чиғириқлардан бутун ўтгандан кейингина Бакировнинг ўрнига асосий радист қилиб тайинлашди. Ҳамма вақт Каримни қўллаб келаётган Толкунов шу ерга келганда қайсарлик қилиб туриб олди.

— Биз қўғирчоқ ўйинига эмас, жангга кетяпмиз, ўртоқ лейтенант, бола керакмас менга!— деди у қўлларини пахса қилиб.

— Бошқа радистни қаердан олай?— деди Чукреев ҳолдан тойиб.— Бошқа одам йўқ, ахир. Одам бўлган тақдирда ҳам тайёрлашга фурсат йўқ. Эртага йўлга чиқамиз.

— Яхшиси, бир ўзим эплайман.

— Мумкин эмас. Қанақа бетайин одамсан ўзинг, бир қарасанг, болани мендан яширасан, бир қарасанг керакмас, дейсан.

Толкунов ҳам, Чукреев ҳам иложсиз эди. Карим Бакировнинг ўрнига отланди. Икки кеча-кундуз деганда Харьковга етиб келдилар. Бутун йўл бўйи, ҳатто аэродромга бориб, сакраш чоғигача ҳам Толкунов Каримни ҳоли-жонига қўймади. Алоқа боғлаш вақтини, асосий ва ёрдамчи тўлқишларни қайта-қайта сўради. Карим аниқ ва дадил жавоб берса ҳам, унинг кўнгли тўлмайдиган афтини буриштирарди.

— Энди кунимиз гўдакларга қолди... Батарейаларни кўз қорачигидек сақла. Бизнинг ҳаёт-мамотимиз шу батареяларда. Тушундингми? Ҳой, менга қара, мунча кишнайсан!— Толкунов шундай деб сўкинган бўларди-да, кейин йигитчанинг елкасига қоқиб қўярди.

Қисқа муддатли ҳордиқ чоғида мана шу хотиралар Каримнинг хаёлини ёритиб ўтди. У қаддини кўтариб чордана қуриб ўтирди. Толкунов чўзилиб олибди. Бошидаги бинт оқ саллага ўхшайди. Жақиев дарахтга

суяниб турибди. «Мени аллақачон ҳайдаб юборишлари керак эди,— деб ўйлади Карим ҳамроҳларига қарар экан.— Хўш, мендан нима фойда бўляпти? Толкуновнинг рацияси бус-бутун, лекин батареяси бир уюм темирдан фарқи йўқ-ку. Штаб бошлиғи биздан хабар кутиб тоқати тоқ бўлаётгандир...»

Карим даст ўрнидан турди-да, Толкуновга яқинлашиб, дилидан ўтган шу гапларни айтди.

— Алоқа, дегин... Ҳозирча бу муҳим эмас. Штаб самолётини уриб туширишди, шунга бошим ғовлаб турибди. Йигитлар тариқдай сочилиб кетган. Уларни энди Черкасск ўрмонидан излаш керак.

— Унда нимани кутиб ўтирибмиз. Кетдик, излаб топамиз.

— Овчи билан айиқ ҳақидаги матални эшитганми-сан? Эшитмаган бўлсанг, диққат билан қулоқ солиб, қиссадан ҳисса чиқар. Овчилардан бири: «Айиқни ушлаб олдим», деб бақирибди. «Бу ёққа олиб кел», дебди шериги. «Юрмаяпти», дебди овчи. «Юрмаса, қўйиб юбор, ўзинг келавер», дебди шериги. Шунда овчи: «Ўзи юрмаганга яраша мени ҳам қўйиб юбормаяпти», деган экан. Биз ҳам ўша овчининг аҳволига тушганмиз. Немислар қўйиб берса, Черкасск ўрмони нима экан, ундан нари ҳам бораверамиз.

Шу пайт Карим елкасини ушлаб инграб юбоди.

— Ҳа, нима бўлди?— Толкунов шундай деб ўрнидан туриб ўтирди.— Қани, кўрай-чи... Сени жангчи бўлганингга ўлиш керакми, куйиш керакми, билмайман. Яраланибсан-ку, нимага индамайсан? Қани, тугмаларингни еч.

— Ҳеч яраланганим йўқ, тилиниб кетгандир,— деди Карим сир бой бермай, аммо елкаси зирқираб, яна инграб юборди.

— Қани, маҳмаданалик қилмай гимнастёркангни еч. Ичкўйлагингни ҳам,— деб буюрди сержант хириллаб.— Ана холос, қовурғаларинг саналадиган бўлиб қолибди-ку? Боқиб, семиртиряпмиз десак... Қоқи қилиб қуритган эканмиз-да, а, сени?

У шундай деб ўткир ҳидли суюқликни ярасига суртди. Каримнинг елкаси жизиллаб қўйди.

— Суягингга тегмабди. Битиб кетади. Кийинавер.

— Унчалик хавфли эмасми?— деди Карим сержантга хавотир кўзи билан боқиб.

— Ҳали ҳам гўдаклигинг қолмабди, а? Бу ерларда сўраб-нетиб ўтирмай, шарт каллангни узиб ташлашлари мумкин. Шунини биласанми? Билсанг, арзимаган ярангдан чўчимас эдинг.

Боланинг яраланганини эшитган Жақиев дарров унга яқинлашиб елкасига қаради.

— Шу ҳам яраланишми? — деди у кулиб. — Мушук бундан ҳам ёмонроқ тимдалайди.

Улар яна йўлга тушдилар. Каримнинг кўнгли бир қадар кўтарилиб, шериклари ортидан изма-из юрди. Сўқмоқ баъзан намиққан чакалаклар оралаб ўтар, дам мўъжаз ялангликка бориб тақаларди. Йўл тобора юқорилаб, юриш мушкуллашарди. Шундай бўлса-да, Карим сержантлардан қолиб кетмасликка ҳаракат қиларди. Айниқса, ялангликка чиққан кезлари бегона ўрмон кузининг турфа рангларига суқланиб боқарди. Кучи қирқилаётганини сезган қуёш жазава си тутиб, дарахт шохларини оралаб ўтли нурини сарғая бошлаган ўтларга қадайдди. Олтинга бўялган япроқлар нурлар оқи-мида сўнгги марта чарх уриб, аста ерга қўнади. Табиат ҳар қандай ўлимни доғда қолдириб, атрофда қирғинбарот кетаётганига парво қилмай, кўзни олувчи олтин либосига бурканар, келгуси йил учун, янги ҳаёт учун тадорик кўрарди. Ўт-ўланларнинг хушбўй иси йўловчиларнинг димоғини қитиқлар, барча нарсани унутиб табиат ажойиботларидан баҳра олишга ундарди. Карим бошини орқасига ташлаб осмонга, қуёш нурида оҳиста рақсга тушаётган булутларга тикилди. Ажаб, ҳамма нарса қуёш нуридан баҳра олиб яйрапти. Фақат одамларгина бу мўъжизага бефарқ. Улар бир-бирларини ўлдириш, таъқиб қилиш билан бандлар. Агар ҳамма табиат гўзалликларига бирдай мафтун бўлганда эди, бу қирғинлар барҳам топарди. Чунки гўзалликни ҳис қила олувчи одам ҳеч маҳал қон тўкишга журъат этолмайди.

Олдинда бораётган Толкуновни йўтал тутди. Карим хаёлдан фориг бўлиб унга қаради. «Толкунов менга раҳм қилиб сўкмади. Ҳозир рация муҳим эмас, деб мени ҳам, ўзини ҳам чалғитди. Балки чиндан ҳозир муҳим эмасдир. Лекин шу бир неча соат ичида сув билан ҳаводек зарур бўлиб қолса-чи? Ҳозир эфирни кў-кўрмас, қулоқ эшитмас радио тўлқинлар тўлдириб юборгандир. «Кама», «Кама», мен «Волга»ман, нима-

га жавоб бермаяпсиз?» деган чақириқларнинг кетги узилмаётгандир. Йўқ, табиат ниҳоятда адолатсизлик қилди. Уша ўнқонда Рябчиков эмас, мен қолишим керак эди». Карим шундай деб ўзига танбеҳ берди-ю, лекин бу ўйидан баданига титроқ турди.

Ўйлар уни гирдоб каби чирмаб, яна Ванянинг ўлимига қайтарди. Ҳаёт ва ўлим... Бири бирини инкор этмай, қиёмат ҳамкор бўлиб олганга, ҳаёт одамга кўпроқ хиёнат қилиб ўлимга ён босаётганга ўхшайди. Одамлар бир-бири билан ёвлашгач, ҳаёт билан ўлим худди битимга келиб, қўл олишгандек. Энг алам қиладигани шундаки, табиатдан завқ олиш ўрнига кимдир йиғлапти, кимдир азобдан нола қиляпти, кимдир эса ҳеч қўли қалтирамай одам ўлдирапти. Дунёда бундан аёвсиз даҳшат бормикин?

Жанггоҳга интилган чоғида бу зиддиятлар сира хаёлига келмаганди. Урушни бутунлай бошқача тасаввур этган эди. Қўни-қўшниларига, қариндош-уруғларига, ниҳоят ўз уйига қузғун каби учиб келган қоракатларни унинг назарида кимдир шунчаки янглишиб юборарди. У жасур эркакларнинг бекорга ўлиб кетишларига ҳеч ишонмасди. Яқин орада ғалаба тантана қилади, шундан сўнг ҳамма бирин-кетин кириб келади, деб ўзини ишонтирмоқчи бўларди.

Урушга кетар чоғида отаси онасига: «Тақдирнинг сўнгги нуқтаси — ўлим», деган эди. Ванянинг ҳалоқатини кўргач, Карим бу гапнинг нечоғли ҳақиқат экани англади. Зиннур, Харрас оға, Фозил, Мақсум... Эҳ-ҳе, яна нечта ҳамқишлоғи Ваня каби азоб чекиб жон берган экан... Уларнинг ҳаёти ҳам душман чангалидан нафаси қирқилган Сэсэн<sup>1</sup> нинг қўшиғидек қоқ ярмида узилган. Карим қоракат олган чоғда бувисининг: «Ёввойи ғозлар инларига қайтадилар, жангчиларнинг эса ҳаммаси қайтмайди. Баҳор қишнинг ўрнига, ёз баҳорнинг, куз эса ёз ўрнига келаверади, келаверади, бироқ марҳумлар ҳеч кимнинг ўрнига келмайди», деб айтиб йиғлаганини эслади.

Хаёллар гирдоби бехосдан Каримни Бакировга рўпара қилди. Карим барча жон олиб, жон бераётган чоғда кимнингдир айёрлик қилиши, ўзини четга олиб

<sup>1</sup> Бахши.



Ўлимга бошқа бировни рўпара қилиши мумкинлигини сира миясига сиғдира олмади. Ўпқонда, хазонлар остида қолган Рябчиковга фикран эътироз билдирди. Бакиров панада қолиш учун бирон аъзосини майиб қилмаган. Бир куни у консерва очаётиб, қўлини кесиб олган, кейин қон заҳарланмасин, деб қўрқиб юрган эди. Мана шундай одам бирон ерига тиғ санчишга журъат эта олармиди. Қолаверса, дўстлари сафида боролмаслигини билиб куйиниб юргани ҳаммага аниқ-ку? Рябчиков, Сима холадан сўра, дейди. Етмишдан ошган кампир оғзига келганини қайтармай валақлайверади-да...

Индамай кетаётган Толкунов тўхтаб, олдинга Жақиевни ўтказиб юборди-да, Каримнинг келишини кутиб турди.

— Хўш, немис билан қандай танишдинг, айтиб бермайсанми? — деди у Каримнинг хаёлларини тўзғитиб.

Карим истамайгина қисқа қилиб сўзлаб берди.

— Сен йигит эмас, худди узугини тили остига яширган қари қизга ўхшайсан, — деди Толкунов унинг гапларидан аччиқланиб. Кейин бўлган воқеаларни қайта бошдан, дақиқа, сонияларигача аниқлаштириб, бирма-бир сўради.

«Мунча ширадек ёпишиб олди. Кўрган-кечирганларим билан унинг нима иши бор», деб ўйлади. Карим Толкуновнинг ўткир нигоҳидан кўзини олиб қочар экан.

— Нега нордон довучча егандек афтингни буриштиряпсан, — деди Толкунов уни ҳоли-жонига қўймай. — Оғзингга талқон солиб олганмисан? Агар одамнинг бошида қовоқ эмас, мия бўлса ҳар қандай шароитда ҳам йўл топа олиши мумкин. Ванькага раҳми келмайди, деб ўйлайсанми? Сен уни бир мартагина кўрдинг. Мен эса у билан госпиталда танишиб, ош-қатиқ бўлганман. Яхши йигит эди. Лекин одамлар у ҳақда ҳар хил гап тарқатишганди.

— Ана шу-да, — деди Карим ёниб, — бир мақол бор-ку, нима эди... Эл оғзига...

— Элак тутиб бўлмайди. Ваня...

— Бўлди, ҳурпаяверма. Ваня яхши йигит эди, дейман-ку. Фақат сал сергапроқ эди. Одамларни кулдираман, деб ўзига-ўзи кераксиз гап орттирарди. Одам-

нинг юрагидаги дарди пешонасига ёзиб қўйилмайди. Бошқалар гапингга қараб баҳо беришади сенга.

— Жилосиз тойчоққа ўхшаб иргншлайверма,— деди Жақиев дўстини қўллаган бўлиб.— У Рябчиковни лойга булгаётгани йўқ-ку. Сен ҳали ёшсан. Яхши-ёмонни ажратишга ақлинг етмайди. Сен учун дунёда фақат оқу қора бор. Бошқа нарсалар билан ишинг йўқ. Шунинг учун катталар бир нима деганда сапчийверма. Ваняни ҳимоя қилаётганинг яхши. Ёмон одам эмасди, лекин ўзимни кўрсатаман, деб номаъқул бузоқнинг гўштини ейшдан ҳам қайтмасди. Назаримда, яхши кўрган қизи ҳам шунинг учун уни ташлаб кетди. Ванянинг олдида айбсиз айбдор бўлиб қолди. Тилнинг бесуяклиги баъзан анча қимматга тушади... Сен унинг отишини кўрмагансан, а? Юз қадамдан туриб гугурт чўпини уриб туширарди. Кўзимизга ишонмай анграйиб қолардик.

Карим шу топда Бакиров ҳақидаги гапни ҳам қўзғитмоқчи бўлди-ю: «Ҳозир вақти эмас», деб ўзини тутди.

— Беайб парвардигор, деган гап бор. Бу дунёда сутдек оқ, булоқ сувидек покиза авлиё йўқ,— деди Толкунов.— Қани, ўзинг айт-чи, Ваня немисларга нима ёмонлик қилувди? Немиснинг уйини ўмардими ё биронтасини атайин ўлдирдими? Бу ҳаромиларга нима керак ўзи? Бир қўлимга тушсаю...— Толкунов шундай деб чуқур хўрсинди.— Шуларни ўйлаб беихтиёр қутуриб кетасан. Юракдаги бор раҳм-шафқат ҳам тома-тома қурийди шекилли...

Олдинда бораётган Жақиев бирдан тўхтаб: «Эҳтиёт бўлинглар!» дегандек чап қўлини кўтарди. Толкунов билан Карим автоматларини шайлаб Жақиевга яқинлашдилар-да, буталарни аста ёриб, жарлик ёқасига келиб қолганларини фаҳмладилар. Водийни қоқ иккига бўлган жар тубида ниқобланган танклар, машиналар қаторлашиб турарди. Жарлик эндигина ўлжасини ютган улкан чипор илонга ўхшаб кетганди.

— Айни сабантўй қиладиган жой экан-ку, а,— деди Толкунов.— Ана энди рация зарур бўлиб қолди. Маҳмуд, Петров ўлган жой эсингдами?

— Петров?!— деди Карим қулоқларига ишонмай. Аммо унинг саволи жавобсиз қолди.

— Кўзимни юмиб топиб бораман... Бироқ...

— Биламан, немислар ҳаммаёқнинг тит-питичи чиқариб юборишгандир. Лекин Володя ўрмонга тушган эди. Кейин ёрдамга югуриб чиққанди.

— Тушундим, Фёдор,— деди Жақиев. Кейин ўгириб этигини ечди-да, пайтавасини қайтадан ўради. Қуролини кўздан кечириб, трубкасини чўнтагига солиб қўйди.

— Бир ярим соатда улгуришинг керак. Агар бир-биримизни йўқотиб қўйсак, жарнинг у томонида топишамиз. Насиҳат эшитадиган ёшда эмассану, аммо эҳтиёт бўл,— деди Толкунов меҳрибонлик билан.

Жақиев кулимсираб Каримнинг елкасига қоқиб қўйди-да, буталар орасида кўздан ғойиб бўлди.

Рацияни текшириб кўришди. Иккита лампаси синган экан, Карим янгисига алмаштириб қўйди. Катта ўлжага дуч келганиданми, Фёдорнинг кайфияти кўтарилди.

— Бир оз кутамиз энди. Жақиев келгунча радиограммати тайёрлаб қўяйлик. Бироқ айни муддао бўлди, а?— деди у ён дафтарини чиқариб. Толкуновнинг гап оҳангида: «Сени деб Жақиев кетди», деган таъна сезилмади. Шунинг учун Карим ўзини эркин сизди.

— Лампалар нима учун синди?— деб сўради у орага сукут тушишини истамай.

— Буни фрицдан сўра,— деди Толкунов дафтарчадан нигоҳини узмай. Кейин жилмайиб қўйди.— Бир жиҳатдан сўрамасанг ҳам бўлади. Чунки у жавоб беролмайди.

Карим гап тополмай жим қолди. Толкунов дафтарчани ёпиб, яна унга кулиб қаради.

— Ўртоқ сержант, лейтенант бу ердан узоқдами?

— Билмадим. Шу атрофда бўлиши керак. Немислар бизни қўнмасимизданоқ ўққа тутишди. Бирлаша олмай қолдик. Қўлдан келганча ҳужумни қайтариб панага қочдик. Кўпчилик шаҳид кетди.

— Чукреев қаерда бўлиши мумкин?

— Биз у билан ҳов анови минора атрофида учрашишимиз керак эди,— деди сержант, беш-олти чақирим нарида турган минорани кўрсатиб.— Биз сендан хавотир қилиб излаб кетдик. Қандай қилиб у томонга тушиб қолдинг, қўрқдингми?

— Сал-пал...— деб тан олди Карим.

— Найранг қилмай, тўғри айтганингга беш кета-

ман. Бир жиҳатдан четроққа тушганинг ҳам яхши бўлди. Дўзахдан омон чиқишингга ақлим етмайди. Самолётимизнинг ёниб кетганини кўрмагандирсан? Экипаж увол кетди-да... — Толкунов шундай деб нима учундир тескари қараб олди.

Фёдор Каримнинг кўрган-кечирганларини миридан-сиригача сўраб-суриштириб, ўзининг саргузашти ҳақида лом-мим демади.

Аслида воқеа бундай бўлганди:

Фёдор ёнаётган пичан ғарами яқинига қўниб, парашютини йиғиштираётган пайтда қайдадир писиб ётган уч немис унга ташланиб қолди. У душманнинг бирини тишлаб, иккинчисини тепиб, ўзини ҳимоя қилди. Агар бўйнига осиглиқ рация бўлмаганда-ку, учовина ҳам сўзсиз бас келарди-я. Шунда ҳам эпчиллик қилиб немиснинг бирига ханжар санчди, қолганини қўндоқ билан уриб тинчитгач, енгил тин олди. Аммо немислардан бирининг ҳушига келганини сезмади. Жақиев ўт очмаганда борми, ўша пичан оташида куйиб кулга айланган бўларди. Толкунов бошидан яраланди. Лекин бунга парво ҳам қилмай, қизгин отишма бораётган ўрмон этаги томон юрди. Жақиев унга эргашди.

Немислар десантчиларни ўраб олган маҳалларида орқаларида автоматлар тириллаб, гранаталар портлади. Душманлар гангиб қолишди. Бундан фойдаланган десантчилар ҳалқани ёриб чиқиб, ўрмонга кириб кетишди. Гуруҳни сақлаб қолган Толкунов билан Жақиев эса уларни йўқотиб қўйди.

Чукреев гуруҳини қидиравериш оёқларида жон қолмади. Айниқса, уларни Каримнинг тақдири безовта қиларди.

— Бола увол кетади, — деди Жақиев афсус билан.

— Тоза гаранг қилди-ку бу бола, — деди Толкунов ҳайрон бўлиб, — у мендан олдин сакради. Парашютнинг гумбазини кўрдим. Кейин кўздан қочирибман. Қаёққа тушганини ҳам билмай қолдим.

— Нақ дўзахнинг қозонига тушдик ўзиям, ола-тасирда кўздан қочирганмиз. Энди қидириб топмасак бўлмайди. Ҳаромиларнинг қўлига тушса увол кетади...

Орадан бир ярим соатдан кўпроқ вақт ўтса-да, Жақиевдан дарак бўлмади. Толкунов хавотирини яшириш

учун атрофни кезиб, ёввойи нок узиб Каримга тутди. Карим мевани қўлга ҳам олмади, Шу пайтда томоқдан нок ўтармиди.

Икковлон жарга тикилганча жим қолди.

Шу пайт осмондан самолёт овози келди. Дам ўтмай жар тепасида «Кукурузник» деб ном олган қўшқанот самолёт пайдо бўлди. Самолёт водийни пастлаб учиб келди-да, жар устига етганда кескин юқорилади. Айла-ниб келиб яна шу ҳаракатини такрорлади.

— Эҳ... товуққа ўхшамай... Нима бало, кўрмаяптими,— деди Толкунов афтини буриштириб.— Ҳозир битта ўққа ем бўлади... Йўқ, ўқ узса немис ўзини фош қилиб қўяди... Кўрмаяпти... Учувчи эмас, шапкўр, лан-довур экан... Маҳмуд, Маҳмуд, тезроқ кела қолсангчи...

— Шу онда Карим ўзини-ўзи бўғиб ташлагиси келди. Рациясиз десантчининг қўл-оёқсиз одамдан нима фарқи бор. Ўзимизникиларга қўл узатсанг етади. Днепрнинг у соҳилида бутун вужудлари кўз-қулоқ бўлиб кутиб туришибди. Радиограмма қилмай, очиқдан-очиқ: «Фалон квадратда душман техникаси тўпланиб турибди», деб хабар берилса ҳам бўлади. Ун дақиқага қолмай ҳаммаёқни остин-устун қилиб ташлашади...

Каримнинг жирибийронлиги узоққа чўзилмади. «Кукурузник» жардан узоқлашмай туриб қайдандир учиб келган икки-уч снаряд аввал душман карвонининг бошида, сўнг думида портлади. Шундан сўнг жарни снарядлар овози босиб, ер ларзага келди. Баҳайбат дарахтлар илдизи билан қўпорилиб, хасдек учди. Водий тутун ва чангга беланди.

— Бу ёққа кел!— деди Толкунов бақриб, Карим аланглаб, эман остида қандайдир ҳайвоннинг инига ўхшаб кавланган ўрада ўтирган сержантни кўрди-да, ўша томон эмаклади.

— Қалай, қўшиқ ёқяптими? «Катюша»лар куйлашапти,— деди Толкунов хурсандлигини яширмай.

Улар вақтида пана жой топишган экан. Битта-икки мина улар турган ерга ҳам адашиб тушди.

— Ҳаромзодаларни емириб ташла. Сал ўнгга, ўнгроққа ол!— деб бақирди Толкунов ўрадан чиқиб кетгудай бўлиб. Ҳудди унинг буйруғини эшитгандек артиллеристлар мўлжални ўнгроққа олиб, бутун карвон устини минага кўмиб ташладилар.

Ярим соатдан сўнг ола-тасир тўсатдан тўхтади. Гумбурлашлардан кар бўлаёзган десантчилар уяларини ташлаб чиқиб, жар ёқасига келдилар. Шабада тутун ва чагғни водий томонга учирди. Дам ўтмай уларнинг кўз олдида даҳшатли манзара намоён бўлди: яқингинада ўлжасига ташланиб, темир тишлари билан тилка-пора қилишга шай турган улкан илон қиймаланиб ташланган эди. Тупроққа кўмилган танкларнинг тумшуғи қорайиб кўринарди. Бир-бирига мингашиб кетган машиналар гуриллаб ёнарди. Омон қолган немислар эса ини бузилган чумолидек изғирди.

Бу манзарани кўргач, Толкуновнинг чиройи очилди. Пешонасидаги муҳрланган хафагазаклик, серзардалиқдан асар ҳам қолмади. Қувончини ичига сиғдирилмай худди ёш бола сингари Каримнинг орқасига туширди.

— Уруш худоси инсофга келадиган кун ҳам бор экан-ку! Тоза боплашдими, а?! Лекин бизнинг иштирокимиз билан бўлганда тозаям хумордан чиқардим. Кимдир эпчиллик қилибди. Бу худди Чукреевнинг ишига ўхшайди. Кўнглим сезиб турибди. Қара, жарни очиқ мозорга айлантириб ташлашди. азаматлар.

Толкунов сўзини тугатмай туриб самода қирувчи самолётлар пайдо бўлиб, жар сари бирин-сирин шўнғий бошладилар.

— Концертнинг иккинчи бўлими бошланди, — деди Толкунов шодон кўз қисиб. — Бунақа томошани умрингда кўрмагандирсан, қара!

Улар томошанинг «иккинчи бўлими»ни кўрмай Жақиевга пешвоз чиқишга қарор қилишди. Чунки уни бу ерда кутишга ҳожат қолмаганди. Йўлга тушишдию яна Каримни виждон азоби бўға бошлади. Агар шу лаънати батареяларни эплаб асраганда Жақиевнинг ҳаётини гаровга қўймасди. Балки у... аллақачон...

— Уртоқ сержант, балки кўнилган ерга борганимиз маъқулдир?

Толкунов унга қовоқ уюб қаради. Ҳозиргина боладек қувонаётган сержант асл ҳолига қайтган — серзарда Толкуновга айланган эди.

— Одам бўламан десанг, жиян, душманни ҳеч вақт аҳмоқ деб ўйлама. Ҳозир ялангликка чиқсанг кўкрагингга медаль эмас, ўқ қадалади, билиб қўй. Немис пистирма қўйиб, сендақа галварсларни кутиб ётибди.

«Жиян» деган сўзни эшитиб Каримнинг юраги ҳаприқиб кетди. Толкуновга меҳри ортиб, унинг пичингларидан хафа бўлмади.

Бу жанг десантчилар учун жуда қимматга тушди. Самолётдан сакраш вақти озгина ўзгардию ҳамма тариқдек сачраб кетди. Мана энди бир-бирини излаб дарбадар юришибди.

Кўкдан яна турналарнинг овози келди. Бегубор самога арғимчоқ солган қушлар Каримнинг тилкаланган қалбига туз сепгандек бўлди. Бу беозор қушлар табиатнинг асрий қонунларига бўйсундилар: кузакдан дарак берувчи салқин шамол туриши билан сафарга отланиб, минг йиллар илгари аждодлари очган само йўли бўйлаб иссиқ юртларга учиб кетадилар. Жанггоҳнинг икки-уч кунлик осудалигидан фойдаланиб, кўкда турналар арғимчоқ солдилар. Днепр соҳилларига дардли соғинч уруғини сочиб, бу нотинч ерларни ташлаб кетдилар. Уларни олдинда иссиқ гўшалар кутади. Аммо гўшалар тинчми ё нотинчми, ҳали ноаниқ. Ҳар ҳолда беозор қушларнинг ҳам ҳаловати бузилди. Уларнинг ҳам ўзига яраша ташвишлари бордир. Балки улар овоз чиқариб бу ташвишларни раво кўрган одамзодни лаънатлашар?..

Учбурчак найза шаклида тизилган қушлар тўғри қуёшга қараб учади. Балки улар чиндан ҳам қуёш бағрига сингиб кетмоқчидир. Энг иссиқ, энг тинч жой балки ўша ердадир? Бошқа ҳар қандай қонуниятларга ўзгартиш киритиш мумкиндир, аммо табиат қонунларига тегиб бўлмайди. Мана, масалан, турналарни бу ерларда олиб қолиш мумкинми? Бунинг учун камида Ер куррасининг ҳаракатини ўзгартириш керак... Ўз дардида ўзи қоврилаётган одам бундай пайтда турналарга оқ йўл тилайди. Уларни келгуси йили яна кўриш илинжи билан хайрлашади. Турналар баҳор, демакки, заминга ҳаёт бошлаб келадилар. Улар иссиқ юртларга бориб келгунларича неча одам ҳаётдан кўз юмади. Неча ерда аза очилади...

Шиддат билан қуёш сари учиб бораётган турналар бирдан тўзиб кетишди. Сафлари бузилди. Десантчилар бу манзарадан лол қолиб осмонга тикилдилар. Шу пайт оқ булутлар бағрини икки самолёт ёриб чиқди. Бирининг қанотлари остида дилга яқин қизил юлдуз, иккинчисида эса сариқ салб тасвири бор эди. Самолёт-

лар гоҳ юқорига кўтарилиб, гоҳ ер бағирлаб бир-бирини қувар, пулемётлар тинмай тариллаб, лаҳзалик сокинликни бузарди. Турналар эса ҳамон бирлашолмай тўзиб учинарди.

Каримнинг юраги эзилиб кетди. Қалби: «Тезроқ учиб кетинглар, тезроқ», деб ҳайқирди. Ана битта, йўқ, иккита турна қаноти қирқилгандек ерга шўнғиди. Самолётлар эса бир-бирини таъқиб этиш билан овора. Карим муштини қисиб, худди турналарга ёрдам берадигандек қадамини тезлатди.

Толкуновнинг бутун хаёлини энди турналар эмас, самодаги жанг эгаллаган эди.

— Бизникининг иши чатоқ, — деди у осмонга тикилганча. Карим анча илгарилаб кетгани учун бу гапни эшитмади.

Дарҳақиқат, бизнинг самолёт ёнбошга оғиб, аста пастлай бошлади. Немис самолёти эса ҳал қилувчи ҳужумга ўтиш учун бурилаётган маҳалда кутилмаган воқеа содир бўлди. Бизнинг самолёт бир наъра торти-ю, кўкка парвоз қилиб, булутлар орасига кириб кетди. Кейин немис самолётининг ортига ўтиб ўққа тутди. Ярим дақиқа ичида немис самолёти ўрмонга тушиб портлади...

Турналар чуғурлашиб, яна сафга тизилдилар. Энди бу сафда самолёт жанги қурбонларининг ўрни бўш эди...

Турналар ҳалокатидан кўнгли эзилган икки десант ҳам жимгина борарди. Кутилмаганда рўпараларидан:

— Тўхта, қўлингни кўтар! — деган овоз келди.

Улар ўзларини панага олишга ҳам улгурмадилар. Буталар орасида автомат ўқталган учта десантчи кўринди.

— Ўзи-қизникилар! — деди Карим қувончини яширолмай.

Уларнинг бири Жақиевни ҳозиргина қисм командирининг ҳузурига кузатиб, энди Толкуновни излаб юришганини айтди. Кейин қўлини бўғзига қадаб: «Рация жуда зарур», деб қўшиб қўйди.

— Ният холис экан, биз сизни қидириб юрган эдик, мана олдимиздан чиқиб турибсизлар, — деди иккинчиси боладек қувониб.



Урмон тобора қуюқлашиб борарди. Ёлғизоёқ сўқмоқ бутунлай йўқолиб, чакалакзор, кейин ботқоқлик бошланди. Ботқоқликдан чиқиб яна бир қалин чакалакка етишгач, соқчиларга дуч келишди. Пароль айтилди. Чакалак унча катта эмас экан. Дам ўтмай бир томони жарлик, бир томони қайинзорга тақалувчи ялангликка чиқишди.

Толкунов паст бўйли, кийимлари озода, батартиб, қора мўйловли нотаниш майорга рўпара бўлди. Майор унинг ҳисоботини чала-ярим эшитиб, сўкиб кетди. Толкуновнинг ранги оқариб, зардаси қайнади.

— Уртоқ майор, оғзингизга қараб гапиринг,— деди у ўзини тутолмай. Кейин ярадор полковник ёнида ўтирган ҳамширани имлаб кўрсатди:— Ҳар ҳолда аёллар олдида...

— Мен билан айтишма!— деб бақирди майор.— Офицер олдида қандай туришни унутдингми! Сен партизан отрядида эмас, ҳаракатдаги армиядасан, буни унутма!— Майор шундай деб десантчиларга қарадио уларнинг норози қиёфаларини кўриб ҳовуридан тушди.

— Гап бундай, сержант,— деди у энди юмшоқ оҳангда.— Тезлик билан алоқа боғлаб, самолёт чақириш керак.

Майор: «Самолёт полковник учун керак,» деган маънода бармоғи билан ниқтаб кўрсатди-да, яланглик этагида ер қазийётган десантчилар томонга тез-тез юриб кетди.

Толкунов ҳамширага яқилашди. Шунда Карим қизнинг юзида қувонч пайдо бўлганини сезди.

Карим Жақиевни кўриб унинг қучоғига отилай деди. Жақиев эса трубкасини оғзидан олмай, қисик кўзлари билан кулимсираб, шу икки соат ичидаги саргузаштини ҳикоя қилди:

— Володяни дарров топдим. Ростдан ҳам немислар уни четлаб ўтишган экан. Қулочини кенг ёйиб ётибди. Уқ курагига теккан экан. Ханжар билан ер кавлаб бир илож қилиб кўмдим. Батареяларни олиб йўлга тушдим. Бир ярим соатдан кўпроқ вақт ўтганини сездим. Хавотирланиб кутаётганларингларни ҳам билдим. Бир маҳал тепадан ўзимизнинг «Ил»лар учиб қолди. Қарасам, ўша жарликка қараб боришяпти. Уша томонда тутун кўтарилди. Гумбур-гумбур бошланди. Жарнинг авра-астарини ағдараётганини билдим. Ҳар ҳолда у ер-

дан кетгандирсизлар, деб бу ёққа қараб келавердим. Ишим ўнгидан келди.

Жақиев келтирган батареялар бус-бутун экан, Дарҳол алоқа боғлашди. Полковникнинг чақириқ сигналларига ўша заҳотиёқ жавоб берилди. Шифрланган радиограммани қабул қилгач, яна чорак соатдан сўнг алоқа боғлашди-да, белгиланган вақтда айтилган ерга самолёт юборилишини маълум қилишди.

...Кун ботгач десантчилар полковникни «кукурузник» да жанггоҳ ортига жўнатишди.

Жақиев асабийлашиб трубкасини сўриб турди-да, бирдан тупуриб, қирғизчалаб сўкинди.

— Ҳа, сенга нима бўлди? — деди Толкунов.

— Нима бўлганига ақлинг етмаяптими? Биттагина полковникни асрай олмадик.

— Полковникка нима бўлибди? Фақат яраланган. Аммо... Биз ўзимизнинг йигитларни топишимиз керак.

— Фёдор, нимагадир анови чигиртканг жинимга ўтиришмай турибди.

— Ким дединг?

— Майорингни айтяпман.

Толкунов елка қисиб қўя қолди.

— Мен қолган ярадорларни ҳам полковникка қўшиб жўнатган бўлардим. Айниқса қон қусаётган икки жангчи ёрдамга муҳтож эди.

— Майор учувчиларга тайинлади. Эртага келамиз, деб ваъда беришди.

— Энди қизил қор ёққанда келишади. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Нима, немисни аҳмоқ деб ўйлаяпсанми?

Ярим чақирим нарида снарядлар кетма-кет портлаб сурмаранг борлиққа шуълалар сачради.

— Кўрдингми? — деди Жақиев бош иргаб. — Тез орада бизни ямламай ютишади.

Толкунов, «қўйсанг-чи», дегандек қўл силтаб қўйди. Жақиев эса ҳали чала қолган гапига қайтди:

— Аксига олиб битта ҳам врач йўқ. Бу ҳамширадан эса умид қилиш қийин. Қўғирчоқ ўйнайдиган қизалоққа бу ерда нима бор экан?

— Ҳамширани тинч қўй, — деди Фёдор аччиқланиб. — Нозларини қарангу... Бу кишига врач керакмиш. Сен аввал одамга ўхшаб жанг қил, кейин профессорни талаб қилсанг ҳам ярашади.

— Бу қиз Таня эмасми? — деди Карим томдан тараша тушгандек.

— Кимлиги билан сенинг нима ишинг бор. Ҳамма нарсага бурнингни суқишинг шарт-а? — Толкунов шундай деди-да, нари кетди.

Карим беихтиёр қовун туширганини сезиб Маҳмудга юзланди. Жақиев истеҳзо билан жилмайди.

— Мана шунақа, ошна, ҳеч кимга сўз бермайдиган ботирнинг ҳам нозик ери бўлади.

Жақиевнинг жумбоқнамо бу гапига Каримнинг тиши ўтмади.

Карим Таняни яхши танимас эди. Уни бир-икки парашютдан сакраш машқи пайтида кўрган. Лекин ҳам парашют, ҳам санитар сумкаси оғирлигидан қадди букилиб кетай деяётган бу қизга кўп ҳам эътибор бермаган эди. Уни самолётга чиқар пайтида ҳам кўрди. Йигитлар бири олиб, бири қўйиб: «Таня, бу ёққа чиқинг, зериктирмаймиз!», «Таня қўрқманг, мен сиз билан биргаман», деб қичқиришган эди. Толкунов Таня ҳақида сўз очилиши билан сапчиб тушди. Ё ораларида бирон гап бормикин?

Жақиев билан Карим хазонларни тўплаб, энди ётишган ҳам эдики, ялангликка сафланиш буюрилди.

Майор ўртага чодир тўшаб, бор озиқ-овқатни тўплашни буюрди. Кўпчилик эрталабки жанг маҳали қопчиғини йўқотган эди. Шунинг учун дастурхон ўрнидаги чодир усти тўкин бўлмади. Егулик нарсаларнинг энг яхшилари ярадорларга ажратилади. Десантчилар: «Омон бўлсак овқат топилади», қабилдаги ҳазил-мутойиба билан уйқуга кетдилар. Шунда Жақиев Каримга бир тугунча узатди-да: «Таняга олиб бориб, Фёдор бериб юборди, деб айт», деди. Карим бир эснаб олди-да, шошқич тикланган чайла томон кетди.

Енгил ярадорлар ухлаб қолишганди. Оғирроқ ярадорлардан бири, орқасига ўқ текканми, юзтубан ётибди. Бошқа бирининг соғ жойи йўқ шекилли, бошдан оёқ бинт билан чандиб боғланган. Учинчисининг оёғи парашют тасмалари билан шохга осиб қўйилган. Сал нарида ярадорларга қараб турувчи десантчилар қўлбола сигареталарини шинель енгига беркитганча пичирлашиб гурунғ қилишяпти.

Карим тиззаларини қучоқлаб ўтирган ҳамшира ёнига ўтирди. Қизнинг елкалари аста титради.

— Таня,— деди Карим паст овозда.— Йиғляп-санми?

Қиз шошиб-пишиб чўнтагидан рўмолча чиқарди-да, кўз ёшини артди.

— Азнабоев, сенмисан? Дори керакми?

— Йўқ, ҳеч нарса керак эмас. Ҳзим... шунчаки келдим.

— Қандай янгиликлар бор?

— Янгилик йўқ. Ҳаммаси ўша-ўша...— Карим шундай деб қизга савол назари билан қараб қўйди. «Йиғлаб ўтириши бошқачаю янгиликка қизиқиши бўлакча. Ҳарбий сир билан ўйнашиб бўларканми,— деб ўйлади у. Кейин ҳарбий сирларга алоқаси борлигидан бир қадар ғурурланиб қўйди.— Кўп нарсани билиб тез қариб қолмасин тағин? Яхшиси тугунчани бериб изимга қайтганим маъқул. Бўлмаса гапни чувалашти-ради».

Карим ўзини барча нарсадан хабардор қилиб кўрсатишга урингани билан, аслида ён-атрофда нималар содир бўлаётганидан мутлақо беҳабар эди. Аввалга ҳамма гап батареяларга бориб тақалди. Жақиев батарея топди. Рация ишлаяпти. Яъни десантчиларнинг кўз-қулоғи бус-бутун бўлди. Энди асосий кучларни вазиятдан огоҳ қилиш мумкин. Лекин нима учун отряд ҳаракатсиз турибди. Ҳамманинг кайфияти бузуқ, қовоғи солиқ, арзимаган нарсага гап талашади. Карим ёш бўлгани билан буларнинг ҳаммасини кўриб-билиб турибди. Аммо нима сабабдан ҳаракатсиз эканликларини минг ўйласа ҳам тушунолмасди.

... Таня жимиб қолган Каримни аста туртди.

— Ҳеч гап йўқ, дегин. Қисминг асосий кучлари қаёқда қолибди. Фёдор нима деяпти?

Карим жавоб ўрнига тугунча узатди.

— Ма, Фёдор бериб юборди.

— Нима бу?— Таня ўрнидан туриб тугунчани ечди. Елкасига ташлаб олган шинели сирғалиб пастга тушди. Қиз совгадан беҳад қувониб кетди. Карим шундагина Толкуновнинг ҳалиги хатти-ҳаракатини англади.

— Шоколад-ку бу,— деди қиз қувониб,— қандай яхши! Ярадорларнинг кўнгли кўтариладиган бўлди,— Таня шундай деб шоколадларни санитар сумкасига жойлади.

— Таня, полковник бу ерга қандай қилиб келиб қолди?

— Нима бало, уйқусираб юрганмидинг. Ҳртоқ полковник ерга тушмаёқ яралангандилар. Немислар қандай ўт-олов билан кутиб олганини кўрмадингми? Ҳртоқ полковник ерга қўнганларида беҳуш эдилар.

— Сен... ўзинг ҳам шоколаддан еб кўр,— деди Карим меҳри жўшиб.— Мен яна олиб келаман,— Карим шундай деб катта ваъда беришга берди-ю, бундай кам-ёб ширинликни қаердан топишни ўйлаб ҳам кўрмади.

Таня жавоб ўрнига миннатдорлик билан унинг қўлини ушлади. Карим кетиш учун чоғланган эди, қиз уни тўхтатди.

— Шошма, кетмай тур,— деди у шошиб.— Отинг нима эди? Федя айтганди, лекин нуқул эсимдан чиқариб қўяман. Кериммиди?.. Сен Кавказдансан-а? Ҳа, бўлди, эсимга тушди. Отинг Карим, Бошқирдистондансан. Салават ботирларингиз ҳақида ўқиган эдим.— Қиз ҳаяжонланиб ўқиганларини гапириб берди. Кейин аста кулимсиради.— Федяга айт, келиб кетсин. Бошини боғлаб қўяй. Бу юришида худди турк султонига ўхшайди.

— Султонгамас, суртанга,— деди Карим хахолаб кулиб.

— Жим!— деди қиз чайла томонни имлаб,— суртанинг нимаси?

— Суртан — бошқирдчасига «чўртан балиқ» дегани. Сержантнинг баджаҳллиги худди суртанга ўхшайди.

— У баджаҳл эмас,— деди Таня хўрсиниб.— Сен ҳеч нима билмас экансан...

Карим қайтиб келганда Толкунов ўрнида йўқ эди.

— Қаёққадир кетди,— деди Жақиев Каримнинг саволига жавобан.— Иккита автоматни кўтардию жўнади. Қаёққалигини айтмади. Жуда хурпайиб олган. Гапиргиси ҳам келмайди.

Дарҳақиқат, Толкуновнинг феъли айниган эди. Карим ҳам, Жақиев ҳам Толкуновнинг майор билан айтишиб қолганини билмасди. Толкунов Жақиевнинг гапига зарда қилиб нари кетгач, тўғри майорга рўпара бўлган эди. У атрофда кўрганларини, хулосаларини майорга баён қилди. Майор унинг гапларини эътиборсиз тинглади.

— Яхши, бу жонбозлигингизни назардан қолдир-

маймиз, — деди у ланжлик билан. — Энди рацияни менинг чайламга қўйинг. Болани ҳам биринчи навбатда қайтариб юбориш керак.

— Болани жўнатсак, алоқасиз нима қиламиз? — деб эътироз билдирди Толкунов.

— Яна айтишяпсанми? — деб бақирди майор. Кейин атрофга аланглади-да, ғазаб билан шивирлади. — Одамларнинг ҳаёти учун сен эмас, сержант, мен жавоб бераман. Мен ҳозир рацияга муҳтож эмасман. Немис пеленгаторини ишга солгудек бўлса, биронтамиз омон қолмаймиз.

— Уртоқ майор, нима, биз бу ерга ҳордиқ чиқаргани келганмизми?! Биз — десантчилармиз. Бизнинг ишимиз — разведка, ҳужум, қўпоровчилик, тезкор алоқа...

Майор бошини бир ёнга қийшайтирганча Фёдорга еб қўйгудек бўлиб тикилди.

— Ҳаракат режаси ишлаб чиқиляётганда сенга маслаҳат солишмаган экан-да? Бирпасда ҳаммасини қойилмақом қилиб ташлардинг. Штабдагилар маслаҳатингга муҳтожлик сезишмабдими, демак, мен ҳам ҳозир зор эмасман. Билиб қўй: отряд жангга ҳозир эмас! Жанггохнинг яқинлашувини кутишдан ўзга чорамиз йўқ. Қароргоҳдан бир қадам ҳам нарига чиқилмасин. Кимки буйруққа бўйсунмаса, қочоқ сифатида сўзсиз отиб ташланади. — У шундай деб белига осиглиқ янги тўппонча қинига уриб қўйди.

Толкунов шунда ҳам бўш келмади.

— Мен Совет Армиясининг сержантиман, ўртоқ майор. Омбор мудирин эмасман.

Майор гап тополмай қолди. Ранглари бўзариб «Кругом!» деб бақирди. Толкунов буйруққа итоат қилиб шашт билан бурилди-да, командир чайласидан нари кетди. «Аҳмоқлар билан тинч шароитда ишлаш мушкул, урушда эса минг чандон ҳам оғир, ҳам хавфли. Бу фақат аҳмоқ бўлса ҳам гўрга эди. Қип-қизил қуён-юрак-ку! Қандайдир кимёвий хизматдан чиқиб, десантчиларга қўшилиб қолган. Узи-ку оддий бир десантчининг тирноғига ҳам арзимамайди. Қандайдир йўл билан кўтарилиб, энди кекирдагини чўзади...» Толкунов шу қабилдаги сўзлар билан майорни ишлаб борди...

... Жақиев хазонлар устига чалқанча тушиб узоқ юлдузларга боққанча Каримнинг ҳисоботини бўлмай

эшитди. Гап шоколадга тақалганда ўрнидан туриб Каримнинг елкасидан қучди.

— Ростдан ҳам хурсанд бўлдимми? Мана бу ишга беш кетсанг арзийди. Узим ҳам билган эдим. Одам минг йил қиргин барот ичида қолиб кетса ҳам муҳаббатдан умидини узмайди. Агар чинакамига юракдан севса, уруш писанд эмас одамга. Лекин... анави ҳамюртинг... Бакировга ўхшаса муҳаббат булғанади. Уйда хотини, бола-чақаси бўла туриб Фаинанинг бошини айлантириб юрибди-я, у ярама! Уруш ҳамма гуноҳни ювиб кетади, деб ўйлайди-да. Йўқ, чучварани хом санабди. Уруш бунақанги аблаҳона гуноҳларни ювишга қодир эмас. Ке, қўй, падарига лаънат унинг. Лекин шоколад ҳақида Фёдорга оғиз оча кўрма. Нақ теримизга сомон тиқади-я.

— Ие, ҳали мен уни алдаб келдимми?

— Эзгулик йўлида ёлғон гапирсанг аядашга кирмайди,— деди Жақиев, кейин хазонни уриб тўзитиб юборди.— Бу лаънати уруш тезроқ тугай қолса эди! Қирқ биринчи йилнинг августидан бери жангдаман. Ваъзан хаёл юртимга олиб қочади. Иссиққўлнинг соҳили. Тун. Қозонда шўрва биқирлаб қайнайди. Менинг Майрагим меҳмон кутишни хуш кўради. Юрагида дарди бўлса ҳам ташига чиқармайди, меҳмонларга сездирмайди.

— Бизда ҳам худди шунақа. Меҳмоннинг кўнглини чўктириш айб саналади. Маҳмуд оға, нечта боланг бор?

Жақиев кулди.

— Онаси йўқ-ку, бола қаердан бўлади?

— Марьям-чи?

— Марьям эмас, Майрам. Уни қаллиқ десаммикин... Ўзига сира айтмаганман. Лекин эллик қақирим йўл босиб кузатгани чиқибди. Эсдалик деб рўмолча совға қилди. Айтишларича, севган қизинг совға қилган рўмолча билан ярағни боғласанг тез битар эмаш,— Жақиев бирдан очилиб кетганидан хижолат бўлиб бўш трубкани чўпиллатиб тортиб қўйди.— Қиз тушмагур тамакининг ҳидини ёмон кўрар экан. «Чекадиган бўлсанг, кўзимга кўринма», деб ёзибди. Уйланганимдан кейин ҳам мана шунақа қилиб бўш трубкани сўриб юрадиганга ўхшайман.

— У чиройлими?

— Майрамми? Секин айтасанми бу гапни?— Жақиев трубкасини олиб ҳавода доира чизди.— Юраги мана шундай кенг. Бугун оламни сигдиради. Овулда унга етадиган чўпон йўқ. Сочлари қоп-қора. Юзи эса ойдек... Танияга ўхшаб кетади, Майрамнинг фақат бўйи сал пастроқ...

«Таня... Оппоқ, озгин қизалоқ-ку, у ахир. Маҳмуд оға ҳам қизик. Атрофда бошқа қиз йўқлиги учун Майрамни шу Танияга ўхшатапти», Карим ўзича кулиб қўйиб, муҳаббат мавзуини бошқа ёққа бурди.

— Маҳмуд оға, шу майор қанақа одам ўзи...

— Бугун жуда чарчабман, уйқум келяпти,— деди Жақиев унинг гапини чўрт кесиб.— «Ботирга ҳам лозимдир ҳордиқ», деган экан машойиҳлар. Сен ҳам ухла, дамнингни ол.

— Бунча уйқуни яхши кўрасизлар? Худди бизникилар Берлинга кириб боргандек, ётганларинг ётган!

— Сержант сени бекорга елим демас экан. Фингиллайвермай жим ёт. Тагингга тиканак сөлганмисан, мунча типирчилайсан,— Маҳмуд шундай деб жеркидида, тескари ўгирилди.

Аслида унинг уйқуси ўчган эди. Лекин майорнинг хатти-ҳаракатини бола билан муҳокама қилишни ўзига эп билмади.

Қаттиқ чарчаганига қарамай, Каримнинг уйқуси келмади. Тонгги воқеалар яна қайта кўз ўнгида гавдаланди. Назарида, бугун вақт кенгайиб, бир умрга етгулик воқеаларни бағрига жойлаган эди.

Карим учун энг қизигй — икки сержантнинг юракдаги сиридан кутилмаганда огоҳ бўлиб қолди. Ҳамиша қовоқ уюб юрадиган, ҳамма гапи тиканакдек санчиладиган хафагазак, бесўнақай Толкунов қалбида муҳаббат бор, деб ким ўйлабди дейсиз? Уша жиккаккина қизалоқ номини эшитишнинг ўзидаёқ ғалати бўлиб кетди. Жақиевнинг садоқатидан баъзан одамнинг кулгиси келади. Узоқ овулда қолган севгилисининг сўзини икки қилмай чекишни ташлаб, ўзини ўзи алдаб бўш трубкани сўриб юради. Тания-чи? Бечора қизча оғир ярадорларга ёрдам беролмаслигини билиб йиғлаб ўтирибди. Карим бундай ўйлаб қараса, Таниянинг иши эркакларнинг юмушидан ҳам оғирроқ экан. «Унга далда бериб туриш керак. Бечора Толкуновни кутиб ўтириб-



ди. Толкуновнинг эса ташвиши ўзига етарли. Қизиқ, у қаёққа кетди экан? «Десантчиларнинг ассосий кучлари Черкасскда жанг қиляпти», деганди. Нима учун якка ўзи, ҳеч кимга билдирмай кетди. Буйруқ билан жўнаганмикан ё ўзбошимчалик қилганмикан? Бу майор офтобга тоблангани келганми, жанг қилишни ҳеч ўйлаётганмикан? Қачонгача қорин қашлаб ётамиз. Сабр ила кутмоқ ҳам жасоратдир, деганлари ростдир, балки...»

Карим тонгга қадар ҳам ухлай олмади. Жақиёв дам у ёнбошига, дам бу ёнбошига ағанаб, хўрсинади. Карим унинг уйғоқ эканини сезса ҳам, гап ташлашга ботинолмайди. Унга қараб-қараб қўйиб, хаёлларига эрк беради: ўпқон лабидаги ёлғиз эман, қуёш доирасига сингиб, тиш қайраб турган ит, водийда изғиб юрган қўнғир кўланкалар... «Катюша»ларнинг даҳшатли «қўшиғи», ёнаётган танклар, машиналар, чумолидек изғиётган немислар... Турналарнинг фиғонли овозлари, улар сафида бўшаб қолган жой... Бирин-кетин тикланаётган хотиралар бўтқага айланиб кетади. Худди алаҳсираётганга ўхшайди. Аъзойи бадани фароғат иштайди, тийрак ҳаяжони эса уйқуга йўл бермайди.

Назариди, десантчилар макон тутган бу яланглик ўтиб бўлмас ботқоқлигу чакалаклар билан ўралган, ҳатто урушнинг ўтли шамшири ҳам етолмайдиган узоқ сайёрага ўхшайди. Самодаги юлдузлар осудаликдан зериккандек мудрайди. Фақат олис-олисларда осмон бағрига ёриб кириб, сингиб кетаётган шуълалар бу ернинг нотаниш сайёра эмас, балки уруш кетаётган оловли заминнинг кичик бўлаги эканидан дарак беради. Бир томондан у жангга интиларди, иккинчи томондан, одамларнинг Рябчиков сингари азобланишини, биринкетин яқинларидан жудо бўлишини ўйлаганда эса вужудига ваҳима ораларди. Кейин яна кечаги кунга қайтади. У қайтадан самолётдан ташлайди, оёғи остидаги замин уларни ўтли тиллари билан қаршилайди, ёлғиз эман «бужур қўллари» билан уни илиб олади, халоскори Рябчиков кўринади, сўнг жағидан ўқ еб жон талвасасига тушади... Ушанда Карим ўлимдан қўрқдими? Йўқ, ўлимдан эмас, балки душман қаршида гангиб қолишдан чўчиди. Хўш, шундай экан, қўрқоқлик билан ваҳмга берилиш орасида чек-чегара борми? Бўлса қаердан бошланиб, қаерда тугайди. Бал-

ки ваҳмга берилиш ўша қўрқоқлик деган тамга босиладиган ерга олиб борар?..

Кеча тонгда пулемётдан ўққа тутишди. Сачраган шунча ўқдан биронтаси ҳам тегмабди. Бу нима, омадмикан? Ё ҳар бир пушта, шудрингдан намиқиб қолган ҳар бир ўнқир-чўнқир қалъа деворлари каби тикланиб, уни ўлимдан сақлаб қолдимикан? Душман билан юзма-юз келиб, тепкини босганда ўзига ҳали номаълум бўлган ғазаб, қасос ҳисси уйғонганини қандай тасвирлаш мумкин. Автомати илон каби оловли тилини чиқарарди. Қўндоқ елкасига тепарди. Ҳар тепганда ғазабига ғазаб қўшиларди. Юмшоқтабиат одамнинг худди шу вазиятда қаҳрга тўлишини, «Душман ўқига учмай десанг, тепкини ўзинг аввалроқ бос», деган урушнинг оддий назарияси нақадар ҳақ эканини Карим тўла ҳис этди. Ушанда уруш бошларида радиода эшитган: «Ўғлоним, фашистларни қир!» деган сўзлар қулоғи остида жаранглагандек бўлди. Кейин жағини ўқ ўпириб кетган Рябчиков, унинг сўнгги гаплари, Бакиров...

Карим истамаган ҳолда яна Бакировни ўйлади. Агар Рябчиковнинг гаплари ҳақ бўлса, унда Бакиров энг бадбахт, энг аянчли одамга айланади. Шундай бақувват, етти мучали соғ гавдага қуён юраги ўрнашса, эр йигит учун бундан даҳшатлироқ шармандалик борми?!

Маҳмуд нимадир деб минғирлади-да, устидан тушиб кетган чодирни пайпаслаб излади. Карим намиққан чодирни унинг устига ташлаб, елкасини ўраб қўйди.

— Нимага ухламаяпсан,— деди Жақиев қунишиб.— Ҳалиям ҳаёт ҳақида ўйлаб, файласуфлик қилаяпсанми?

— Ўзинг ухлайвер, ҳали вақт эрта.

— Сен одамга уйқу берармидинг?— Жақиев шундай деб трубкасини пайпаслаб топди-да, оғзига солди.— Аскарни сержантидан ортиб қаёққа борарди. Қани, нима дардинг бор, тўкиб солавер...

— Мен бир нарсани, арзимаган бир нарсани сўрамоқчи эдим. Маҳмуд оға, агар жангчи топшириқни бажаришга бормаслик учун оёғини ёки қўлини атайин майиб қилса...

— Шундан бўлак тузукроқ гапни ўйлаб топмадингми? Ақлга сиғадиган гап айтарсан, деб ўйлабман,

бўлди, гимирлайверма, ухла,— Жақиев шундай деб ўрнашиб ётди-да, роҳатланиб эснади.— Бунақа нарса-ларни Жақиевдан эмас, ҳарбий трибуналдан сўраш керак.

Карим куни билан толиққан одамни безовта қилганидан хижолат бўлиб, бошини шинель ичига олиб, тинчиб қолди. Аввалига саволни тентакликка йўйган Жақиев бирдан сергакланди. Ирғиб турди-да, Каримнинг устидаги шинелини силтаб тортди. Карим чўчиб ўгирилди. Маҳмуднинг кўзлари қоронғида ялтиллаб кетди.

— Бунақа гаплар билан бекордан-бекорга қизиқмайди расми. Хўш, нимага сўраб қолдинг?

Айтган сўзим — душманам, айтмаганим — қулим, деган эканлар. Бисмиллосини бошлагандан кейин, истасанг-истамасанг қолганини ҳам айтишга мажбурсан. Бунақа савол ўртага ташланса, энг тентак аскар ҳам қулоғини динг қилиши тайин. Карим энди нима қилсин? Айтсинми, айтмасинми? Айтишга-ку айтар, лекин Рябчиковнинг гаплари шунчаки тахмин бўлса-чи? Каримнинг бобоси: «Рашк билан идрок — ит билан мушук», дерди. Балки у рашк қилиб тўқигандир бу гапни. Бакировни айбловчи бирон далил борми ўзи? У Рябчиков билан Бакиров ўртасидан қандай гап ўтганини биладими? Йўқ. Муҳаббат, рашк нималигини-чи? Йўқ, умуман, бу одамларни яхши танийдими? Йўқ. Шундай экан, қандай қилиб бирининг гапини қурол қилиб, бирини нишонга олмоқчи? Бўлмаса нима қилсин, юрагига жойлашган бу оғир тошни кўтариб юраверсинми?

— Нимага анграйиб турибсан? Уйғотишга уйғотиб, энди оғзингга сув солиб олдингми?

Карим Бакиров ҳақидаги гапларни айтишга журъат қилолмай, бўзрайиб ўтираверди. У икки ўт орасида қовриларди. Айтса тили, айтмаса дили куярди. Бирдан хаёлига: «Балки Рябчиков кампирнинг гапини яхши англамагандир», деган фикр келиб, уни мушкулотдан ҳоли қилгандек бўлди. Аммо ўша заҳоти бу фикр чўкаётган одамнинг хасдан умид қилишидек бир гап эканини англаб, ҳафсаласи пир бўлди. У Бакировнинг аблаҳлиги учун эмас, балки жангтоҳда дуч келган ҳаромиликнинг ҳамюрти номи билан боғлиқлигидан куяди.

Яхшиси, тўғри гапдан бўйин товлаб: «Шунчаки сўрадим, китобларда ўқиган эдим», деб қўя қолсамикин? Ҳа, шуниси маъқул, Карим энди гапга оғиз жуфтлаган эди, Жақиев унинг елкасидан ушлаб ўзига қаратди:

— Сен ҳамюртинг Бакировни назарда тутдингми?

Бу савол ўққа айланиб Каримнинг бўғзига қадалди. У сесканиб кетди. Энди гишт қолипдан кўчган, ҳақиқатни айтмай иложи йўқ эди. Шунинг учун Карим бош ирғаб, юзини тескари бурди.

— Узинг ўйлаб топдингми бу гапни?— Жақиевнинг овозида дағаллик сезилди.— Сен олов билан ўйнашма, бола. Бунақа айбнома билан ҳазиллашиб бўлмайди.

— Нима, мен эсимни еб қўйибманми? Буні Ваня Рябчиков ўлими олдидан айтди.

Жақиев Каримнинг гапларини бўлмайд эшитди. Ғазабдан ҳансиради, трубкасини ғажиб ташлагудек тишлади. Унинг бу аҳволини кўриб Карим сирни ошкора қилганидан ўкинди. Жақиев бир нуқтага тикилганча узоқ ўтирди. Кейин бошини кўтарди-да, қирғизчалаб сўкинди.

— Топиб келган янгилигинг меъдани хира қилишдан бошқа нарсага ярамайди,— деди у ниҳоят ўзини бир оз босиб олиб.— Бу гапни менга айтишга айтдинг, бўлди, бошқа оғиз оча кўрма. Очигини айтсам, мен ҳам унинг беморлигидан шубҳаланган эдим. Аммо ҳозир бу гапларни каллангдан чиқариб ташла. Омон бўлсак, ҳали оқ-қорани ажратиб оламиз.

Бу гапдан кейин Карим юрагидаги тошнинг эриб кетганини ҳис қилди. Чуқур тин олиб шинелига ўранди.

— Юракни безовта қилиб қўйдинг, бола. Янгилигинг ўлганнинг устига тепган бўлди. Ҳай, майли, ухлай олсанг, ҳордигингни чиқаравер.

Карим ўзи ҳам кутмаган ҳолда тезда уйқуга кетди. Бироқ ёмон туш кўриб, тўлганиб чиқди. Дам юраги шувиллаб, тубсиз жарликка қулайди, энди ўлдим деганда, мирза диккакдек бир туки ҳам тўкилмай туриб қолади. Замбараклар тинмай гумбурлайди, автоматлар тириллайди. Баданларига ўқ санчилади-ю, қон чиқмайди. Қўрқиб қочади. Шу пайт юзи қонга бўялган Рябчиков рўпарасига чиқади-да, мазах қилиб ку-

лади. Кейин итга дуч келади. Автоматини отай деса, қўлини қимирлата олмайди. Ит ириллаш ўрнига худди кулганга ўхшайди... Шу ерга келганда уйғониб кетди. Худди чиғириқдан чиққандек бадани зирқиради, ичкийимлари тердан ҳўл бўлиб кетибди. Қўли эса автоматни чангаллаб олган. Сал нарида кимнингдир шивирлаганини эшитиб, қулоғини динг қилди.

— Кечаги сабантўйни эшитганмидинг? Тўйбоши ўзимизнинг Чукреев экан.

«Толкунов қайтибди», деб ўйлади Карим кўзларини очмай.

— Қандай хабар қилибди?

«Жақиев ухламаган экан-да?» ўйлади Карим.

— Қалови топилса қор ҳам ёнар экан. Чукреев бўлади-ю, қўл қовуштириб турармиди. Рацияни немисларнинг ўзидан тортиб олибди. Куппа-кундузи штаб машинасига ҳужум қилибди. Мана энди ҳам омад йўқ нарса, деб кўр-чи.

— Танк йиғилган жарни қаердан билибди?

— Ҳамма гап шунда-да. Улар бизни жарнинг у томонида излашган экан. Артиллериячиларимиз ўқ очиши билан Чукреев рацияни қучоқлаб олиб ўпибди. Хуллас, сафарим беҳуда кетмади. Энди мен жиндек мизғиб олай. Туни билан бўларим бўлди.

### ЕШИНГ НЕЧАДА, ЖАНГЧИ?

Карим кўзини очишга эриниб ётиб, яна ухлаб қолди. Бу сафар даҳшатли туш кўрмади. Уйғониб қараса, қуёш тиккага келиб қолибди. Атрофни қушлар чуғури босган. Ердан енгил ҳовур кўтарилади. Қароргоҳ оёққа қалққан. Баъзилар атрофга хавотир билан қарашади. Толкунов ётган ердан икки қадам нарида тўпланган беш-олти жангчи эса ниманидир муҳокама қилади. Толкунов бу гўнғир-гўнғирлардан уйғониб, кўзларини аранг очганча эснаб, керишди. Кейин бир сесканди-да, баҳслашаётганларга норози қиёфада қаради.

— Нима бало, уяларингдан илон чиқдимиди, мунча тинчларинг бузилмаса?

Жангчилардан бири унга ҳайрон бўлиб қаради.

— Ие, сен ўзинг осмондан тушдингми? — деди у.

— Десантчи осмондан тушмай ердан чиқарми-ди, — деди бошқаси гапни илиб.

Тўпланганларнинг хавотирли юзига кулги югурди.

— Ҳа, бўпти, гапни айланторма.

— Офат одамга соядек илашиб юради. Тонгда омадинг, юришмадимми, оқшомдан умид қилма, деб тўғри айтишган экан. Ишнинг пачаваси чиқиб қолди, сержант... — Жангчи бўлган гапни бир бошдан ҳикоя қила кетди.

...Тонгда майор икки автоматчини ёнига олиб разведкага борибди. Аскарларнинг гапига қараганда у харитани узоқ ўрганибди. Улар паноҳ топган ўрмон яхлит эмас, аксинча, ботқоқликлар, ялангликлар, жарликлар билан бўлинган лахтак-лухтақдан иборат экан. Майор мана шундан хавотирга тушиб, тахминларни текшириш учун шахсан ўзи разведкага чиқибди.

Ўрмон этагига чиққач, майор дарахт панасига ётиб олиб рўпарадаги мўъжаз қишлоқни кузата бошлабди. Қишлоқ билан улар ётган ернинг ораси айтарли узоқ эмас, дурбиндан қараганда ҳатто ниқобланган машиналарнинг номерлари ҳам кўринар экан. Баъзи мўрилардан эринибгина тутун чиқаётган қишлоқ жимжит. На бир овоз, на бир ҳаракат бор экан. Шу пайт кўчада ўн чоғли немис кўриниб, қишлоқ этагидаги сарой томонга кела бошлабди. Ана шунда майор ҳеч кутилмаганда «Итдан тарқаганлар!» деб сўкинибди-да, мерганлик милтиғидан ўқ узибди. Немислардан бири қорнини чангаллаб йиқилибди. Лекин шу заҳоти сарой томида пулемёт тариллабди. Ўқлар визиллаб учиб тепаларидаги сурхчаларни шарт-шурт уза бошлабди. Майорни кузатиб келган автоматчиларнинг бири кўкрагини ушлаб бир типирчилабди-ю, тинчибди. Бошқа бир дайди ўқ иккинчиси қўлидаги автоматнинг қўндоғини кемириб кетибди. Майор «Ўрмонга!» деб бақирибдию чекинибди. Аммо уни ҳам ўқ қувиб етибди...

...Хуллас, жангчиларнинг хавотири бежиз эмас эди. Толкунов ўрнидан туриб майорнинг чайласи томон юрди. Юзлари оқариб кетган майор чайла олдида, ўт устида тишини тишига босганча ётарди. Унинг қора кўзларида ҳам дард, ҳам пушаймон азоби бор эди. Толкунов унга аламли бир ачиниш билан тикилди. «Бунақанги бефаросат одам қандай қилиб шу да-

ражага кўтарилди экан? Фақат жиннигина разведкада ўт очиши мумкин...»

Таня майорнинг ярасини боғлаб ўрнидан турди. Майор афтини буриштирди.

— Ишқилиб, инфекция тушмадими?..

— Ўртоқ майор, бас энди, бўлди қилинг,— деди тоқати тоқ бўлган ҳамшира.— Бу ерда мендан бўлак медик йўқ. Сал уялсангиз бўларди.

— Врач чақириш керак,— деди Толкуновга эргашиб келган Жақиев.— Рация шунақа пайтда иш бермаса, кимга кераги бор унинг.

Майор бу гапни эшитдими ё ўзини эшитмаганга солдими, ҳар нечук индамади. Кейин бирдан кўзини очиб ўшқирди:

— Нима, бу ерда маймун ўйнатяптими? Тарқалинг! Офицерлар ҳузуримга келсин. Толкунов, сиз ҳам қолинг.

Гуруҳда мавжуд офицерлардан бири кўкрагидан яраланган, иситма оташида ҳануз жанг қилар, алаҳсираб: «Транспортёрни мўлжалла!», «Сергей, орқадан!», «Яхши!», «Қаёққа?» деб бақирарди. Танянинг тахминича, у тонгга етолмасди. Врач бўлганда балки бир илож қилармиди... Хуллас, бу офицер майор ҳузурига келадиган даражада эмасди. Гуруҳдаги иккинчи офицер — озгин, кўзойнакли кичик лейтенант индамай келиб майорнинг ёнига ўтирди. Қисм штабининг таржимони бўлган бу йигит кечаги жангда насибасини олган, бўйни бинт билан боғланган эди. Ўз автоматидан айрилиб, ўлжа «шмайсер» билан қуролланганди.

— Ҳа, лейтенант, ишсиз қолдингми?— деди унга майор.

— Ишсиз қолганим йўқ, майор,— деди у кўзойнагини тўғрилаган бўлиб.— Урушда бекор қоладиган аҳмоқ йўқ, жанг қиламиз энди...

— Бу гапинг ҳам тўғри. Яқинроқ келишлар, ўртоқлар, гапириш оғир...

...Толкунов Жақиев билан Каримнинг олдига хўмрайган бир ҳолда кириб келди. Дўстларини савол назари билан қараб турганларини кўриб бирдан ёрилди.

— Чироқ ёқиб қидирсанг ҳам бу майорнинг миясидан заррача ақл тополмайсан. «Фрицларнинг жиғига тегманг, жангчиларни эҳтиёт қилинг, ўзимизникиларнинг келишини кутинг». Тамом, билган гапи шу.

Тўтига ўхшаб қайтаверади. Йўқ, унинг эси жойида эмас. Жинни-минни бўлган. Гап уқмайди. «Ахир, жанггоҳ ўргатилган қуш эмаски, ҳуштак чалсангиз етиб келса, унинг ғарбга қараб силжишига биз ҳам туртки берайлик-да. Немисларни оёғи қуйган товуқдек типирчилаб қоладиган қилиб бир қийратайлик. Шу иш қўлимиздан келмаса, десантчи деган номимиз икки пулга қиммат-ку?» десам, яна кўзини лўқ қилиб: «Мумкин эмас», дейди.

Сержант шундай деб тупурди-да, хумордан чиққандек тинчиди. Кейин қароргоҳни айланиб чиқди. Бекорчиликдан нима қиларини билмаётган десантчилар тўп-тўп бўлиб гуруннга берилган эди.

— Қароргоҳ учун топган ерларини қаранглар буларнинг,— деди Толкунов бўғилиб.— Ҳаммамизни тинчиттиш учун ўнта ақлли автоматчи кифоя. Соқчи дегани пашша қўришга ҳам ярамайди. Ёнгинасидан ўтсам ҳам сезишмади меровлар. Ярадорларни ўрмон ичкарасига яшириш лозим. Моғор босиб ётмай, жанг қилишимиз керак.

— Сен худди генералга ўхшаб гапирадиган бўлиб қолибсан,— деди Жақиев кулимсираб.

— Генералнинг йўриғи бошқа, бизники бошқа...

Толкунов яна бир сидра бўғилиб сўкингач, отрядга командир этиб тайинланганини истамайгина айтди. Отрядни бошқариш взводга командирлик қилишдан ўн чандон оғир экани ҳатто Каримга ҳам маълум эди. Толкунов эса пилоткасини тўғрилаб, гимнастёркасини тортиб тузатган бўлди-да, шахдам юриб яланглик ўртасига борди.

— Сафлан!

Сержантнинг буйруғи эшитилган он ҳамма қароргоҳ томон ошиқди. Толкунов аввалига қурооларни бирма-бир текшириб чиқди. Сўнг отряд учга бўлинди. Ана шунда қурол масаласида келишмовчилик чиқди. Толкунов бу масалани ҳам ҳал қилиб, қурооларни тенг учга ажратиб тақсимлади.

Жақиев бош бўлган гуруҳга жангчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш, кичик лейтенант бош бўлган гуруҳга қароргоҳни қўриқлаш, ёши бир қадар ўтиб қолган сержант Сергеев гуруҳига эса сафарга отлашни вазифаси топширилди.

Хатти-ҳаракатдаги, гап-сўздаги вазминлик, қатъ-



ийлик, ишонч Толкуновнинг аниқ мақсади борлигини аён қилиб турарди. Карим Сергеев гуруҳида сафарга чиқиш иштиёқида ёниб, Толкуновга ялинмоқчи эди, сержант оғиз очиргани ҳам қўймади.

— Аммангнинг уйда мисан ё армияда мисан? — деди у баджаҳллик билан. — Десантга олганимиз учун раҳмат десантчи. Қани, бор жойингга!

Каримнинг бўйсунидан ўзга иложи йўқ эди. Улар вақт ўтказмай йўлга отландилар. Карим одати бўйича Жақиевдан ажралмасликка ҳаракат қилади. Хас-хашак оёқлари остида аста шитирларди. Улар ҳар бир товушга зийраклик билан қулоқ тутиб, қишлоқ томон боришади. «Овқат — жангчининг энг муҳим қуроли», деб Толкунов бекорга айтмади. Бўш қоп тик турмайди. Оч аскарнинг жанг қилиши қайга борарди. Бир томондан қопчиқларнинг таги кўриниб қолди. Шундай экан, ғоят муҳим топшириқни адо этгани кетишяпти, Карим ўзини шундай фикрлар билан овутиб борди.

Топшириқ муҳимликка муҳим-а, аммо уни қандай бажаришади? Жақиев уларни қаёққа бошлаяпти? Немиснинг озиқ-овқат карвонини тўсмоқчимми? Қани ўша карвон? Қаердан ўтади у? Жақиев худди қадрдон уйига кетаётгандек алангламасдан боряпти. Бирон нимани билса керакки, тўхтамай, маслаҳат қилмай юряпти. Яна олти чақиримча юришгач, суви тиниқ кўлча бўйидаги қишлоқ рўпарасидан чиқибди. Жақиев йўл-йўлакай соқчи қўйиб, жарга тушди. Жарликдан юриш янада оғир, ғовлаган қариқиз, арғувон ниҳоллари, қичитқи ўт ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб чакалакка айланган, қўзиқоринлар эса плёдаларга қарши қўйилувчи минадек сачраб кетганди. Икки-уч қадам қўймаслариданоқ тиззаларига қадар лойга ботдилар.

— Ажиналар худди шунақа ерларга ин қўйса керак, — деди терга ботган Жақиев олдинда йўл очиб борар экан.

Унинг гапини ҳеч ким тасдиқламади. Чунки бу оғир йўлда ҳолдан тойган аскар учун гап ҳам ортиқчалик қиларди. Каримнинг назарида керагидан ортиқ юришгандек эди. Жақиев эса тўхташни ҳали-бери ўйламасди. Ниҳоят, у чапга бурилиб юқорига кўтарилди-да, «келдик», деб ўтирди.

Жангчилар буталарни пана қилиб ётиб, қишлоқ томон қарадилар. Бу қишлоқ ҳам жанггоҳ атрофидаги бўлак бошпаналар сингари кимсасиз ва ғариб кўри-нарди. Фақат улардан етмиш қадам наридаги уйда, тирик жон борлигидан дарак бериб, мўридан тутун ўрларди. Уйнинг дарчалари берк, ҳовлида одам кўринмайди. Фақат эшик ёнидаги ёғоч курсида ҳурпайган мушук офтобда товланиб ўтирибди.

Ярим соатча нафас ютиб жим ётдилар. Уй олдида одам зоти кўринмади. Жақиев шерикларига: «Бирон гап бўлса ўт очиб, пана қиласизлар», деб тайинлади-да, ғоят чаққонлик билан, ҳатто бирон сурхчани қимирлатмай уй томон эмаклаб кетди. Уйга яқинлаш-гач, бошини кўтариб аланглади. Кейин автоматини шай қилиб ушлаганча сакраб туриб эшик олдида пай-до бўлди. Мушук бехос пайдо бўлган шарпадан чў-чиб ўзини қайси бир туйнукка урди. Жақиев яна атрофга аланглади-да, эшикни тақиллатди. Ичкари-дан қадам очуши келди шекилли, ўзини четга олди. Эшик қия очулиб, озгин чолнинг гавдаси кўринди. Жақиев қўлларини пахса қилиб унга ниманидир уқ-тирди. Кейин жар томонни кўрсатди. Қария «маъқул» ишорасини қилгач, шериклари ёнига қайтди.

«Бизнинг Гатов бобога ўхшар экан»,— деб ўйлади Карим худди бунинг аҳамияти бордек.— Фақат ёши сал улуғроқ кўринади. Кейин бў чол жуда ориқ экан». Қария узоқ куттирмади. Бир неча дақиқа ўтмай яна эшик бўсағасида кўринди. Атрофга аланглаб қаради. Кейин тиззасига қадар тушувчи чакмонининг тугма-ларини қадаганча жар томон юрди. Десангчиларни кўриб тараддудсиз, худди қадрдонларини кўргандек бирма-бир омонлашди. У йигитлар билан гаплашар экан, автоматларини ушлаб қўярди.

— Ёқяптими?— деди Жақиев унинг қизиқишини сезиб.

Қария худди шу саволни кутиб тургандек, Жақиевнинг гапи оғзидан чиқмай ёқасига ёпиштирди.

— Бу-ку автомат, ҳатто хотинларнинг ҳам юз-кўзига қараб бир нима дейиш қийин. Аввал татиб кў-риш керак...

Жангчилар бу ҳозиржавобликдан қойил қолиб кулдилар. Жақиев муддаога кўчмоқчи эди, қария яна гапини оғзидан олди.

— Пича гафлатда қолдинлар, ўғлонларим,— деди у таъна оҳангида.— Немис зангар эпчиллик қилди. Уримни пойлаб туриб ҳаммаёқни шипириб кетди.

Қариянинг гапига қараганда бу атрофда озиқ-овқат омбори йўқ экан. Қишлоқда қолган фрицларга кунда икки маҳал қаёқдандир тайёр овқат олиб келишаркан.

— Хуллас, жон керак бўлса, уларни бир силкиб кўринлар,— деди қария Жақиевнинг автоматига имо қилиб.— Оғзимиздаги луқмани ҳам беришга тайёр эдигу, бироқ иложимиз қанча. Лекин бир йўли бор. Оқсоқолни сиқувга олсангиз, балки униб қолар. Уни шу ерга олиб келиш керак.

— Оқсоқолними? Бу ерга келармиди?

— Келмай кўрсин-чи. Чўлоқлигига ҳам қарамай учиб келиб оёқларингга йиқилар. Аммо жуда айёр у ҳароми. Урушдан илгари раис ҳам бўлган.

Қария десантчиларга: «Сизлар ўрмонга яшириниб туринлар, мен оқсоқолни бошлаб келаман», деб изига қайтди. Десантчилар қариянинг гапига унча ишонқиращмаса ҳам, айтилган жойда кута бошлашди. Орадан ярим соат ўтмай буталар ортида аввал қариянинг озғин гавдаси кўринди. Кейин қора соқолли, бўй-баста келишган, лекин чап томонга қаттиқ оқсаб юрувчи одам кўринди.

— Отахон, сизни тўғри немисларнинг қўлига топшириб юборади, деб қўрққан эдик,— деди Жақиев уни қаршилар экан.

Қария нимадир деб тўнғиллаб қўйди-да, қўйнидан олма чиқариб, йигитларга бўлашди.

Жақиев оқсоқолга хўмрайиб қараб қўйди. Кейин гапни чўзиб ўтирмай: «Томоқ керак», деб муддаога кўча қолди.

Оқсоқол, қария айтгандек, десантчилар олдида ўзини йўқотиб қўймади, аксинча, эркин тутди. Жақиевнинг талабини эшитгандан кейин ҳам жавобга ошиқмади. Соқолини оҳиста силаб ўйланди. Кейин майиб оёғини узатиб қовжираган ўт устига ўтирди.

— Неча кишилик овқат керак?— деди оқсоқол нигоҳини Жақиевга қадаб.

— Буниси билан ишинг бўлмасин. Бунинг айёрлигини қаранг, нимани сўрашни билади бу туллак,— де-

ди қария хирилдоқ овозини кўтариб.— Бунинг тузо-  
гига тушма, болам, дарров немисларга етказди.

— Платон бобо, қовоқарига ўхшаб гўнғиллайвер-  
манг,— деди оқсоқол қўл силтаб.— Одамларинг ўнта  
бўлса ҳам, юзта бўлса ҳам бир қоп жўхоридан ортиқ  
наrsa беролмайман. Қўлим калта, иложим йўқ.

Оқсоқолнинг ўзини дадил тутиши, бошқа оқсоқол-  
ларга ўхшаб титраб-қақшамаслиги десантчиларни ўй-  
лантириб қўйди. Қария эса бу гапдан кейин ўзини  
тутолмай қолди. Оқсоқолга яқинлашди-да, қуруқша-  
ган, қоқсуяк қўлини мушт қилиб туғиб, унинг тумшуги-  
га тиради.

— Бир қоп жўхори дейсанми? Қани, каллангни иш-  
латиб яна ўйлаб кўр-чи, балки яна бирон наrsa қў-  
шарсан,— деди чол тупук сачратиб.— Хўш, тўнғиз  
қўпгур, эсладингни?

Оқсоқол қаргадек патларини ҳурпайтириб бақи-  
раётган чолга истехзо билан кулиб қаради. Қария жа-  
воб кутмай, чўнқайиб ўтирди-да, иккала кўрсаткич  
бармоғини пешонасига ниқтади.

— Ҳали ҳам тушунмаяпсанми? Петро Онуфрич,  
ўзингни гўлликка солма. Буларни алдасанг ҳам, мени  
лақиллатолмайсан. Немисларнинг кетини ялайвериб  
хотиранг фаромушлашган бўлса, эсингга солиб қўя  
қолай. Гапнинг қисқаси — буқангни ҳам ҳайдаб ке-  
ласан.

— Тўхтанг-чи, отахон,— деди Жақиев қарияни  
тинчлатиш учун елкасига оҳиста қўлини қўйиб,—  
қолган гапни ўзимиз гаплашамиз. Гап бундай... граж-  
данин...

— Жаноб денг, у шунга ўрганиб қолган,— деди  
чол гапга суқулиб.

— Жаноб бўлса ўзига. Бизга жаноб ҳам эмас,  
ўртоқ ҳам эмас. Хўш, гражданин, буқангиз борлигини  
биздан яширибсиз-да, а?

Маҳмуд аввал ҳам бир-икки оқсоқолни сўроқ қил-  
ган, аммо бу сафар буйруқ оҳангида, баланддан гап-  
лашишга нимадир ҳалақит бераётган эди. Ўзи ҳам сез-  
маган ҳолда оқсоқол билан мулойим суҳбат қура  
бошлаганди.

— Буқамиш... Бу чол устимдан мағзава ағдаряп-  
ти. Шу тангадек қишлоқда товўқни яшириш қийин-  
ку, буқани берқитиб бўларканми?

Оқсоқол бошқа гапим йўқ, дегандек ўрнидан туришга чоғланган эди, елкасида автоматчиларнинг кўлини сезиб, қайтиб ўтирди. Шунда ҳам ҳаяжонланмай тамаки чиқариб цигара ўради.

— Ўртоқ командир, лақиллатяпти, худо ҳаққи, алдаяпти. Ишонманг бу гапларига, — деди қария бўш келмай.

— Сен одам эмас, тешик тоғоранинг ўзгинаси-сан! — Паймонаси тўлган оқсоқол бўғилиб, шундай деди-да, ўрнидан туриб кетди. Жангчилар шошиб унинг биладиган ушлашди. — Қўйворсаларинг-чи, мен қаёққа борардим. — У шундай деб қўлини силтади. Кейин чолга юзланди. — Тилингга тирсак чиқадигану, худо раҳмингни еб омон сақлаб юрибди сени. Исковичдан фарқинг қолмабди. Ушанинг ҳам ҳидини олган экансан-да, а?

Қариянинг чеҳрасига ғолиб одамнинг кулгиси югурди. У мамнуният билан соқолини силаб қўйди.

— Платоннинг кўзлари ҳали ҳам зийрак. Ҳатто қаерга яширганингни ҳам айтиб беришим мумкин. Сен мени искович деясану. аслида ўзинг бедазорга боғланган итнинг нақ ўзисан. Ўзинг ҳам емайсан, бировга ҳам бермайсан. Немислардан яширганинг-ку дуруст, ўзимизникиларга ҳам бермай, ёлғиз ўзинг емоқчимисан гўшти. Эҳтиёт бўл, яна тешиб чиқмасин.

Оқсоқол худди хира пашшани ҳайдагандек, жаҳл билан қўл силтади-да, икки ҳамқишлоқнинг айтишувини ҳам ҳайронлик, ҳам ҳушёрлик билан тинглаётган десантчиларга ўгирилди.

— Ўртоқлар, гапнинг очиғи..

— Вой, жодугар-ей, уялмасдан «ўртоқлар» дейдими? Сенинг ўртоқларинг ҳов анови ерда... Сенга ўртоқ бўлишга ваҳший бўри ҳам ҳазар қилади.

— Отахон, бас қилинг, — деди жангчилардан бири беҳуда баҳса тезроқ яқун ясамоқчи бўлиб.

— Ростдан ҳам буқани асраяпман. Лекин отсангиз ҳам, оссангиз ҳам уни сизларга бермайман, — деди оқсоқол. Кейин ҳаяжонланганидан русча-украинча сўзларни аралаштириб тез-тез тушунтира бошлади. Ҳозирги вазминликдан унда асар ҳам қолмади.

— Буқа меники эмас, колхозники. Уни сўйиб ё бир кун тўясизлар, ё икки кун. Колхоз эса ноёб буқасидан ажралади. Қирқ биринчи йилда атайин Архан.

гельска бориб олиб келганмиз. Молнинг наслини яхшилашимиз керак. Ахир, бу буқа хашаки эмас, наслдор, ноёб зот.

— Аввал ўзингнинг наслигни тозалаш керак,— деди чол яна бетоқатланиб.— Бўйнингга сиртмоқ солиб ҳамма қилғиликларинг учун жавоб беришга мажбур қилиш керак.

— Вақти келса жавоб ҳам берамиз,— деди оқсоқол яна вазмин оҳангга кўчиб.— Энди мен борай, қош қорайиши билан жўхорини олиб келамиз. Йўқдан кўра бор, ҳар ҳолда қорин тўйғизса бўлади. Фақат туз йўқ. Ўзинглар бир иложини қиларсизлар.

Жангчилар бу гапдан кейин: «Бир қоп жўхори билан бизни аҳмоқ қилиб кетмоқчимисан», деган маънода автоматларини ўқталиб, уни яна жойига қайтаришди. Оқсоқолни диққат билан кузатаётган Жақиев трубкасини оғзидан олди-да, қўл кўтарди.

— Жим, ҳовлиқманглар!— У шундай деб йиғиларни тинчитгач, оқсоқолга юзланди.— Қишлоқдаги вазият қандай?

— Қишлоғимизнинг ҳаловатини кўп ҳам бузишаётгани йўқ. Лекин уч кун бурун қирқтача эсэсчи қолдиришди. Ҳаммасида ит бор. Миномётлари ҳам кўп. Уйларга жойлашишмади. Афтидан, ўрмонни бир тозалаб чиқиш ниятлари борга ўхшайди.

— Қачон? — деб сўради жангчилардан бири.

— Бориб сўра-чи, айтишармикан,— деди оқсоқол истеҳзо билан кулиб.— Тунов кун жияним олти чақирим наридаги қишлоққа бориб келди. У ерда ҳам аҳвол шунақа экан. Олдинги маррадаги иккита автоматчилар взводини қайтаришибди. Қанақадир парашютчилар, десантчилар ҳақида гап-сўз юрибди. Ўша десантчилар сиз эмасми?

— Нима эди?

— Сиз мўмин-қобил, қўй оғзидан чўп олмайдиган эдамга ўхшайсиз. Немислар нимангиздан қўрқиб тигирчилаб қолишган экан, шунга ҳайронман.

Бу сўзлар ўққа айланиб, нақ Жақиевнинг кўкрагига қадалди. Аччигини базўр босиб, оқсоқолга тикилди. Унинг соқол-мўйлови ортида беркинган лабларидаги истеҳзоли табассумни сезиб, билагидан ушлади.

— Ҳали шунақами, қани, четроққа чиқиб бир отамлашайлик, бўлмаса...

Уларнинг қораси буталар орасида кўздан йўқолди. Анчадан кейин Жақиевнинг ўзи ёлғиз қайтди. Унинг юриши вазмин, қисик кўзлари эса хиёл чақнарди. Афтидан, кўп қийинчиликлардан сўнг ниҳоят сайдининг изига тушган овчига ўхшарди.

Йигитлар буталар орасидан оқсоқол ҳам чиқиб қолар, деган фикрда бир оз қараб турдилар. Шарпа сезилавермагач, ҳамманинг савол назари Жақиевга қаралди.

— Оқсоқол қани? — деб сўради Карим.

— Кетди, — деди Жақиев бамайлихотирлик билан.

— Чакки қилибсан, — деди кимдир аччиқланиб.

Маҳмуд индамади.

Кузнинг қисқа куни поёнига етай деб қолди. Қуёш уфққа бош қўйди. Дарахтлар унинг ожиз нурларини тўсиб қўйиши билан жардан баданни жунжиктирувчи ел турди. Ўрмон шубҳали сукунат ихтиёрига берилди. Агар диққат билан қулоқ тutilса, узоқлардан келаётган гумбурлаш овозларини эшитиш мумкин. Аммо бу овозлар десантчиларни заррача ҳам ташвишга солмасди. Улар учун шу яқин атрофдаги шохнинг синиши ёки шитирлаши хавфлироқ туюларди. Шундай овоз эшитилиши билан бир қўл беихтиёр ханжарга, бошқаси автомат тепкисига югуради. Айниқса, оқсоқолдан шубҳаланган жангчиларнинг хавотири бисёр эди. Жақиев йигитлардаги бу хавотир булутини тарқатиш учун атайин баланд овозда гап бошлади:

— Пайғамбарлар жаннатнинг сифатини шу ўрмонлардан олишган бўлса керак, нима дедингиз. Гўзаллигини қаранг. Қараб кўз тўймайди. Урушдан кейин бу ерларни хотиржам зиёрат қилгани атайин келаман. Сал нарида — Каневда Тарас Шевченковнинг қабри бор. Итваччалар бу қабрни ҳам топтагандир...

— Ҳой, командир, эсингни едингми, нимага қичқирасан? — деди десантчилардан бири сапчиб туриб.

— Сен жиловингни сал бўш қўй. Юрагингнинг дуқиллаши шу ерга ҳам эшитиляпти. Одамга ўхшаб чуқурроқ нафас олаверсанг-чи, мунча биқинасан. Сен намунча автоматга ёпишиб олдинг? Бармоқларингга-ча оқариб кетибди, — деди Жақиев ярим ҳазил, ярим чин қилиб. У яна бир нарса демоқчи эди, қароргоҳга жўнатган алоқачиси келиб четга тортди.

Карим қанчалик бош қотирмасин, Жақиевнинг

хатти-ҳаракатига тушунмади. У фақат бир нарсани — бу ерда жўхори кутиб ётишмаётганини англади. Ҳар қолда Жақиев бир қоп жўхорини шунча кутмайди, қароргоҳга ҳам бекорга алоқачи жўнатмайди. У ҳам ўзига яраша айёр. Олдиндан сир бой бергиси йўқ. Лекин асп юриш қиламан, деб доғда қолмаса бўлгани. Оқсоқолни бекор қўйиб юборибди-да. Ҳали у туллак жўхори ўрнига немисларни бошлаб келмаса гўрга эди. Бу ерлар унга беш қўлдек маълум. Пайт пойлайди-да, десантчилар кутмаган томондан таппа босади. Агар Жақиевнинг ўрнида Карим бўлганда аввал буқасини тортиб олиб, кейин ўзини майорга, йўқ, яхшиши Толкуновга рўпара қиларди...

Карим шундай хаёлга берилиб ўтирганда қаршисида бехосдан Жақиев билан... Толкунов пайдо бўлди. Бошини тоза бинт билан боғлаган сержант йигитлар билан саломлашиб, буталар томонга юрди.

— Соқчи қўйиб яхши қилибсан,— деди Толкунов йўл-йўлакай.

«Толкунов келдимиз, демак, олатасир бўлади», деб ўйлади Карим ўзича қувониб.

Барча соқчиларни айланиб чиқишгач, икки сержант холироқ жойга бориб ерга харита ёздилар-да, уни қўл фонари билан ёритиб пичир-пичир қилиб маслаҳатлашдилар. Кейин харитани тахлаб десантчиларга яқинлашдилар. Бу орада қароргоҳда қолган жангчилар ҳам келиб қўшилдилар. Бирдан улар тўпланган ерда оқсоқол пайдо бўлди. Карим унинг қаердан чиқиб келганини сезмай ҳам қолди. Оқсоқол ортидан бўйнига немис автоматини осган, катта-катта қоп орқалаган уч киши ҳам келди.

Қопларни бир-бирига суяб қўйгач, уларнинг бири Толкуновга яқинлашиб қўл узатди.

— Арсений Гай, яширин райкомданман,— деди у Толкуновнинг қўлини сиқиб, кейин нимадир дейишга чоғланган Фёдорнинг гапини оғзидан олди.— Билман, сержант, ҳамма нарсадан хабарим бор. Мен шунчаки бу азаматларни йўқлаб ўтай, дедим. Йигитларнинг кўриниши чакки эмас, кайфиятлари жангсвар. Бизга худди шуниси керак. Энди ўртоқлар, гапни қисқа қилганда, ҳозир янги ҳаракат режаси тузилди. Хабаринглар бор, десант ташлаш унча муваффақлилик чиқмади. Энди сиз атроф қишлоқлардаги жазо бў



рядларини йўқ қилиб, душманнинг эътиборини асосий кучлардан чалғитишингиз керак. Енгил ғалабага умид қилманглар. Жазо отрядининг ярмиси эсэсчилар. Лекин шундай экан, деб тушкунликка ҳам тушманглар. Биз ҳам қараб турмаймиз. Шимол томонни биз ўзимизга оламиз. Эшитишимча, Гурпишчевони мўлжал қилганга ўхшайсиз, а. Айни муддао. Ўзимизнинг қўлимиз калталиқ қилиб турувди. Қолган гагларни ўртоқ Василенко билан ҳал қиласизлар,— вакил ҳаммани ҳайратда қолдириб оқсоқолга қараб юзланди-да, кулиб қўйди: — Марҳамат, танишинг. Айтмоқчи, сизлар танишиб олишга улгургансизлар-ку, а?..

— Бизга врач керак. Оғир ярадоримиз бор,— деди Жақиев унга жавобан.

— Эртага... Ҳа, бу масала билан эртага шуғулла намиз. Ярадорларни бизнинг қароргоҳга кўчириш керак.

У шундай деб оқсоқол билан қучоқлашиб хайрлашди. Ёнида турган жингалак сочли, башанг партизан йигитча қўл ташлади. Кейин бошқалар билан хайр-хўшлашиб, жангчиларга таъзим қилди. Сўнг бетоқатлик билан соатига қараётган ҳамроҳига қўшилди-да, қоронғилиқ қаърига сингиб кетди.

— Мана, командир, ваъданинг устидан чиқиб, жўхори олиб келдик,— деди Василенко жилмайиб.— Озгина нон, озгина мой ҳам топдик. Немислардан ўн банкача гўштли консерва қарз олдик. Ҳали бу қарзни қайтаришимиз керак.

Бу гапни эшитиб жангчилар чеҳрасига кулги югурди.

— Мана бунга оқсоқол деса бўлади,— деди десантчилардан бири фахрини яшира олмай.

— Икки йил немиснинг шундай тумшуғи остидан колхоз буқасини асраганини айтинг,— деди иккинчиси ҳайрат билан бош чайқаб.

— Оёғи чўлоқ бўлгани билан, калласи бутун экан...

— Бўпти, гапни бас қилинглар,— деди Фёдор. Ёни очди-да, ҳар бир жангчига иккитадан қайнаган сўта бериб, қолганини қароргоҳга жўнатди. Соатига қараб олгач: «Ярдам соатдан кейин бошаймиз», деб эълон қилди.

Рухлари кўтарилган жангчилар дони тўлиқ сўталарни кавшаганча тўп-тўп бўлиб гурунг бошладилар. Шу пайт қайдандир Платон бобо пайдо бўлди. Шошиб-нишиб биротарини дарахтга суяди-да, оқсоқол қарши-сига бориб тиз чўкиб тавба қила бошлади:

— Петро Онуфрич, Исо пайгамбаримиз ҳаққи, мен қари аҳмоққа қаҳринг келмасин. Аммо ўзинг ҳам ўлгудек айёр экансан. Мен ўзимни зийрак, десам, мени ҳам лақиллатибсан-а? Бу дунёда сендан ўтадиган айёр топилмаса керак. Тангрининг ўзи мени гуноҳдан асраган экан. Ахир, неча марта шу милтиқ билан отиб ташлай дедиму шайтонга ҳай бериб, пайсалга солиб келаётган эдим. Немиснинг нозик ерига ким қалампир босяпти экан, деб бошим қотарди. Илондек қўйнига кириб олган экансан-да. Дунёнинг ишларини қара, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалар юз беряпти-я!

Василенко базўр эгилиб қарияни оёққа турғазди.

— Ҳа, дунёнинг иши чиндан ҳам қизиқ,— деди Василенко кулимсираб.— Баъзи одамлар: «Немиснинг қозонига товуқ ахлатини ташлаганимни ҳеч ким билмайди», деб ҳам юради.

— Йўқ, Петро Онуфрич, бунга менинг алоқам йўқ. Бу Василь Капитенконинг иши.

— Шунақа денг. Шайтон билан «фаришта» оғиз-бурун ўпишибсизлар-да, а? Қўлга тушсаларинг нима бўларди? Ўтган йили обер-лейтенантнинг гилдирагини ким тешиб қўйди? Капитенкоми? Душманни бир ёқлик қилайлик, сизлар билан ҳам гаплашамиз. Ўз таъбирингиз билан айтганда, «мукофот»дан қуруқ қолмайсиз. Самогонни ҳам унутмаймиз.

— Петро Онуфрич, самогон ҳайдаш савоб иш. Чунки самогон — танни қизитади. Донни немисга бергандан кўра самогон қилиб қўйиш...— Чол шундай деб айёрона кулди.

— Ие, ҳали эшик тақиллатганимда самогон ҳайдаётган эдингизми?— деди Жақиев Василенкони қўллаб.— Ўзим ҳам айтдим-а, мўридан сал бошқачароқ тутун кўтариляпти деб.

— Бе, шу пайтда самогон ҳайдайдими киши,— деди қария бош чайқаб.— Биротаримга қўрғошчин эритаётгандим. Балки...— Қария айёрона кўз қисиб, уйи томон имлади.— Жиндек қизишиб оларсизлар, а?

Томорқамда икки кади кўмилган. Бораману қайтаман. Бир қултуми ўлганни тирилтиради...

— Бобо, ҳозир эмас, жангдан кейин,— деди Толкунов унинг мақтовларига чек қўйиб.

Жангчилар ҳазил-мutoйиба билан қарияни ўраб олиб бири тамаки билан, бири «Беломор» билан сийлади. Платон бобо раҳмат айтиб, битта папиросни эҳтиётлаб олди-да, қулоғига қистирди. Кейин чўнтагидан чарм тамаки халта, сарғайган газета парчаси чиқариб, чаққонлик билан йўғон цигара ўраб тутатди. Ҳавони аччиқ тутун қоплади. Уруш давомида тамакиннинг ҳар хилидан чекиб кўрган десантчилар ҳам чолнинг тавақисидан бурқсиётган тутунга дош беролмай йўталиб, ўзларини четга олдилар.

— Олдингида туриш учун газ ниқоб туттиш керак экан, бобо,— деди Жақиев йўталиб.

— Балки меникидан татиб кўрарсиз?— деди жингалак сочли йигит уларга яқинлашиб. Кейин ичи пўстинли чарм куртқасининг тугчаларини шошилмай очди-да, ич чўнтакдан немис сигаретасини чиқарди. Шу пайт кўпчиликнинг кўзи унинг кўкрагидаги «Жасорати учун» медалига тушди. Каримнинг назарида йигитча худди вақтинчи кўз-кўз қилиш учунгина сигарет чиқаргандек бўлди.

Йигитларга немис сигаретаси маъқул тушмади.

— Бу сигаретингдан хашак минг марта яхши,— деди кимдир.

— Бу тамакидан бош ҳам ишдан чиқар экан... Агар кўпроқ чекиб юборсанг, хотин зотини ўйламайдиган бўлиб қолар экансан,— деди иккинчиси кулиб.

Десантчилар партизан йигитчани қуршаб олишди. Ваъзиларнинг бу медалли йигитчага ҳаваси ҳам келди. Карим шу ёшга қадар чекишга қизиқмаган, шунинг учун сигареталар билан иши бўлмай, уни гапга тутди.

— Отинг нима? Нечанчи йилда туғилгансан?

— Максим. Сеники-чи?

— Карим. Неча ёшдасан, деярман?

— Янги йилда ўн сакизга кираман,— деди Максим ишончсиз оҳангда.

— Бекорларни айтибсан,— деди Платон бобо.— Қанақасига ўн сакизга кирасан? Марҳум Грицко билан Килинанинг тўйи кечагидек эсимда турибди.

Тўйда ичавериб оёқдан қолганман. Грицко минг тўққиз юз йигирма бешинчи йил айна кузда, кампиримнинг оёғи синган маҳалда уйланган эди. Демак, ордан роппа-роса ўн саккиз йил ўтибди. Хўш, бу ёғи неча пулдан тушди энди? Ё сен тўйгача туғилганминдинг?

— Ўзингдан ўзинг нималарни тўқиб чиқаргансан,— деди партизан. Чолнинг гапидан кейин у мағрурлигини йўқотган, болалигига бориб, хафа бўлган эди.

— Ҳа, бўпти, жириллайверма. Медалли бўлсанг ўзингга. Сен аввал менинг ёшимга ет. Аммо қуйиб қўйган Грицконинг ўзи бу. Отаси ҳам ўткир эди. Отанасини худо раҳмат қилсин,— қария шундай деб чўқинди.— Икковини баҳорда ўлдиришди. Максим бағри кенг, азамат йигит бўлди. Ужарлиги ҳам бор: ушлаган еридан кесади. Болалигида худо билади неча марталаб газанда ўт билан савалаганман. Энди адабини еди, десам, йўқ, эртасига яна боғни мўр-малахдек босарди. Боланинг шўх бўлгани яхши-да, мани, туппа-тузук қаҳрамонга айланди қолди!..

«Мен ўн олтидаман. Максим нари борса ўн еттидандир. Маҳмуд билан Фёдор йигирма уч-йигирма тўртларда,— деб ўйлади Карим қариянинг гапларини эшитиб туриб.— Платон бобо тахминан етмишларга боргандир. Шундай бўлса ҳам иссиқ ўрнига сигмай милтигини олиб бу ерга келибди. Суриштириб келсанг, ёшми, қарими — ҳаммаси жангчи. Бошқирдистон Украинадан анча йироқ. Лекин танклар тилкалаб ташлаган, ёнгинлардан бағри куйган, тўплар зарбидан қарахт бўлган бу ер ҳам меники. Шундай экан, куйиб, кўмирга айланган, қора кийган беваларни эслатувчи адл теракларни, турналар йўлини кесган ўқларни, улар сафидаги бўш ўринларни, покиза самони тўзитиб жанг қилган темир қушларни кўрганда юрак қандай қилиб тинч урсин? Агар уруш бўлмаганда, оқсоқол (Бе, оқсоқол нимаси, колхоз раиси!) қўлига қурол олармиди? Қишлоқ оқсоқли бўлиб немисларга хизмат қилишдек шармандали ишга кўнармиди?»

Максимга қарар экан, Каримнинг вужудида қарама-қарши ҳислар уйғонди. Максимга ҳам ҳаваси, ҳам раҳми келди. Айна чоғда ўз тақдиридан сал нолиди. Бир жиҳатдан қараганда уларнинг тақдири туташ:

иккови ҳам ёш, икковининг ота-онаси шаҳид кетган, иккови ҳам қасос деб қўлига қурол олган. Лекин Максим озми, кўнми қасос олишга улгурган. У эса...

Василенко бу сафар хунук хабар билан қайтди. Эсэсчилар онасини ҳайдаб чиқариб, уйига жойлашиб олибдилар. Ҳовлида рацияли бронетранспортёрлар турган эмиш. Демак, штаб ва бошқа отрядлар ўртасида доимий алоқа ўрнатилган. Яна бир қанча уйлارнинг эгалари ҳайдаб, эсэсчиларга бўшатирилган. Соқчилар сони кўпайтирилган.

— Уйимга мутлақо яқинлашиб бўлмайтиди, — деди Василенко ўйга толиб. — Фақат ғарамнинг орқасидаги ботқоқни кесиш ўтиш мукин. Чекимга тушган еримдаги ўрилмаган нашазор тўғри ҳаммомнинг эшигига бориб тақалади. Ботқоқ унча катта эмас-ку, бироқ ўтиш жуда қийин.

— Тунов куни кесиш қўйган шох-шаббаларингчи? — деди Платон бобо билағонлигини кўз-кўз қилиб.

— Тўғри, — деди Василенко чеҳраси очилиб.

— Мана шу ақлингизга борман-да, бобо. Ҳамма ердан ҳид олишингиз шунақа пайтда асқотади. Лекин шох-шабба устидан юрганда қисирлаб ўликни ҳам уйғотиб юборади-да, шуниси чатоқ.

— Овоз чиқмаслиги учун немисларни чалғитиш керак, — Фёдор шундай деб қарияга қаради.

— Шу ҳам бизга чўт эканми, — деди қария милтиғини силаб. — Бу ёғини менга қўйиб беравер.

— Демак, масала равшан. Биз ботқоққа яқинлашганимиз билан сиз қишлоқ этагида шовқин-сурон кўтарасиз. Мана бу йигит сизга ёрдам беради, — Толкунов шундай деб, десантчилардан бирини қария ихтиёрига топширди.

Жақиевнинг гуруҳига қишлоқнинг у томонидаги блиндажни яксон қилиш топширилди. Улар чакалак оралаб уч-тўрт чақирим йўл юриши, биринчи вазифа адо этилгач, яъни қишлоқда отишма бошланиши билан эсэсчиларга Днепр томондан ҳужум қилиши керак эди.

Гуруҳ турнақатор тизилиб, ўрмон ичига сингиб кетди. Йўлбошловчилик қилаётган Максимнинг айти-

шича, бу уч-тўрт чақирим ўттиз-қирқ чақиримга та-тигулик экан. Улар бир неча чуқур жар кечишлари, энг муҳими, серқатнов йўлни кесиб ўтишлари лозим экан. Белгиланган жойга вақтида етиб бориш учун Жақиев йигитларни шоширди.

Улар сўқмоқни четлаб оралаб, юз-кўзنى шохлардан, буталардан эҳтиёт қилиб боришарди. Жақиев дам карвон бошида, дам охирида пайдо бўлар, «овоз чиқарманглар», деб шивирлаб буйруқ берарди. Унинг бу эҳтиёткорлиги бежиз эмасди. Дам-бадам осмонда тунги овга чиққан бўктаргини эслатиб душман разведкачиси пайдо бўлар, ҳатто шу ёқин атрофдан бегона тилдаги сўзлашувлар ҳам эшитиларди.

Урмон хийла сийраклашди. Кўз илғамас сўқмоқ мўъжаз ялангликка олиб чиқди. Сув ўйиб кетган ўп-қонларни айланиб ўтгач, яна дарахтзорга кирдилар. Кейин бутазор бошланди. Бир неча қадамдан сўнг тик жар қаршисидан чиқдилар.

Жангчилар тўдаланиб бир жарга, бир шинам бошпана ўрнини ўтаган ўрмонга қарардилар. Урушнинг қаҳрли қонуниятлари на чарчоқларни, на ўлим ваҳмини тая олади. Балки бу тунги жанг минглаб чақиримга чўзилган жанггоҳ тақдирида айтарли бурилиш ясамас, эҳтимол, дайди ўқлар бир қанча йигитнинг ҳаёти-ни юлиб олиб кетар. Шунда ҳам олға юриш зарур. Орқага йўл йўқ!..

Максим нишаброқ жой топди-да, биринчи бўлиб пастга қараб сирпанди. Қолганлар унга эргашдилар. Мудроқ кўлмаклар уйғонди. Оёқ яна лойга ботди. Карим ҳолдан тойиб, ётиб олишга ҳам тайёр бўлиб қолганда кимдир орқадан «Кўприк!» деб шивирлади. У нигоҳини қоронгиликка қадаб, эллик қадамлар нарида оқаринқираб турган кўприкни илғади. «Ҳа, ана, кесилган уюмлар устига ходалар ташланибди...»

Шу пайт икки машина тун сокинлигини поралаб ўтди.

Машина овози узоқлашгач, «Олға» деган буйруқ берилди.

Жангчилар тирмашиб юқорига чиқдилар. Йўлни кесиб югурдилар, тўғрироғи, энсиз йўлдан арвоқлар каби учиб ўтдилар. Карим улардан ортда қолмасликка тиришиб, қоқилиб йиқилди. Тиззасининг қаттиқ бир нарсага тегиб лат ейишига қарамай, ирғиб туриб ўзи-

ни бутазорга урди. Қадамини тезлатиб йигитларни қувиб ўта бошлади. Тўсатдан тўнка устида бамайлихотир ўтирган одамни кўрдию тўхтаб қолди. Кейин пайтавасини ўраётган Жақиевни таниб ҳайратланди. Ажаб, у йўлдан қачон ўтиб, бу ерга қачон етиб кела олди экан. Ё машиналар кўринмасдан илгари ўтдимикан?

Командирларнинг хотиржамлиги Каримнинг ҳаяжонини бир қадар босди. Автоматини артиб, қўндоғига ёпишган лойлардан тозалади. Кейин гранаталарни кўздан кечирди.

— Қалай, бадандан тер чиқдими? — деди Жақиев йигитларга бир-бир қараб. — Максим ўтдими? Қани у?

— Мен шу ердаман. Йўлни текшириб келдим. Блиндажга алоқа сими ўтган экан. Платон бобо ўқ узиши билан симни бир ёқлик қилиш керак, — Максим шундай деб Жақиевнинг қаршисига чўнқайди.

— Ҳа, лекин ўқ узилмай туриб тега кўрма. Уқдингми?

Блиндаж ясси тепаликка жойлашган эди. Гуруҳ иккига бўлиниб, тепаликни айланиб ўта бошлади.

Жангчилар бир эмаклар, бир сергакляниб атрофга қулоқ тутардилар. Қишлоқ томонда соқчилар ўзлари-га далда бериш, ўзгаларни эса огоҳлантириш учун дам-бадам автоматларини тириллатиб қўядилар. Ерининг захри кийимдан ҳам ўтиб кетди. Каримни йўтал тутай деди.

— Максим, — деб шивирлади у ёнида эмакляётган партизанга. — Максим, эшитярсанми?

— Ҳа, эшитяпман, нима дейсан?

— Бу ерларда энди партизанлар йўқми?

— Шу ҳам гап бўлди-ю! Эсинг жойидами ўзи? Жанггоҳ яқинлашгач, асосий кучлар ғарбга силжиди. Бу ерда бир қисмигина қолди.

— Немисларни бу ердан ҳам қувсак нима қиласан?

— Сизларга қўшилсаммикан, деб турибман. Десантчилик — жуда менбоп-да! Сизлар чиндан ҳам бу ерга парашютда сакрадингларми?

— Ие, бўлмаса, нарвонда тушармидик!

— Сакраш ваҳималими?

— Умуман, сал... Лекин мен ҳеч сезмаганман. Бир хилларни парашютни деб бошқа қисмларга ўтқа-

зишиб юборишарди. Қўрққанидан дир-дир титрайди. Қўрқоқ одам десантда фақат ишбузуқилик қилади. Менга қара, қайси кароматинг учун медал беришган?

— Бунақа медални бекорга бераверишади, деб ўй-ладингми?

— Йўқ, ҳар ҳолда...

Каримнинг гапи оғзида қолди. Қишлоқ томонда милтиқ отилди.

— Бобонинг милтиғи сайради! — Максим шундай деб сапчиб туриб кетди.

Яна икки ўқ отилди.

Жақиев аста ҳуштак чалиб қўйди. Десантчилар овоз чиқармай тепаликдаги душман иншоотига ҳамла қилдилар. Шинакка гранаталар учди. Хандақда бақир-риқ, нола авжига чиқди. Десантчилар ташқаридаги соқчиларни бир нафасдан тинчитиб, ертўлани ўраб олдилар. У ердаги немислар ўзларини йўқотмасдан, ўқ селини ёғдириб, йигитларни бош кўтартирмай қўйдилар. Карим чаққонлик қилиб ертўла томига сакрамоқчи эди, Максим унинг қўлидан ушлади-да:

— Тўхта, ёрдамлашвор! — деб қичқирди. Икковлон бир зумда ертўла эшигининг тутқичига портлатувчи шашка ўрамини боғлаб, ипини куйдирдилар-да, ён томонга сакрадилар.

Еру осмон портлаш зарбидан ларзага келди. Аччиқ тутун тарқагач, ҳозиргина ўлим уруғини сочаётган ертўланинг ағдар-тўнтар қилинган «ичак-чавоғи» — йўғон-йўғон ходалар кўринди. Бу ер тинчиди-ю, ёнидаги ертўла атрофида жанг қизиди. Граната ирғитмоқчи бўлган йигитларнинг бири бўш қопдек шилқ этиб тушди. Иккинчиси ҳам итоаткорлик билан ер тишлади. Шу он икки десантчи бараварига сапчиб турди-да, ертўла сари югурди. Чаққонроғи икки-уч қадам қўйишдаёқ ертўла томига чиқди. Автомат қўндоғи билан мўрини учириб ташлади-да, бирин-кетин граната ташлади.

Вазифа шу зайлда жуда қисқа муддатда ҳал этилди. Василенко уйи атрофидаги қақшатқич жангнинг акс-садоси бу ерга ҳам етиб келган эди. Шунинг учун Жақиев йигитларга дам бермай, қишлоқ томон бошлади.

Уй алангага бурканган эди. Жақиев гулхан ёруғида аста чекинаётган Толкуновнинг йигитларини кўрди.



Карим олатасир ичида Жақиевни йўқотиб қўймасликка тиришарди. Жақиев бир неча аскарни бошлаб чаққонлик билан четан деворни ошиб ўтди-да, Толкуноз гуруҳини таъқиб қилаётган эсэсчиларнинг орқасидан ўт очди. Икки ўт орасида қолган немислар гангиб, тариқдек сачраганча катта йўл томонга қочдилар. Муюлишда уларни Максимнинг автомати кутиб олди.

Шу пайт кутилмаганда осмонда душман қузғуни пайдо бўлди. Афтидан, немислар бронетранспортёр портламай туриб штабга хабар йўллашга улгурган эдилар. Самолёт қишлоқ устига шўнғиди. Десантчилар устига миналар ёғди, улар пулемёт ўқлари остида қолдилар.

Карим ҳансираб дўстлари ортидан югурди. Ўрмонга яқин қолди. Ана, олдинда Максим, кейин Маҳмуд чопяпти. Толкуновнинг йигитлари нимагадир кўринмаяпти. Улар беркинишга улгурган шекилли...

Бехосдан олдинда ҳам, орқада ҳам мина портлади. Карим иссиқ тўлқин оғушида қолди. Кўз олдини парда тўсди. Оёғидан мадор кетди. «Йиқилмаслигим керак, ўрмонга етиб олишим керак!» деб тишини тишига қўйди. Тепасидан яна самолёт пастлаб учиб ўтди. Гўё у Каримнинг елкасини эзиб юборгандек, тиззалари букилди. Нимадир деб бақираётган Жақиевнинг оёғи остида гўё ер оғзини очиб олов пуркагандек бўлди. Каримнинг кўзига, кўкрагига оппоқ бир нарса урилди...

У кўзини базўр очиб, ўзини хазон тўшак устида кўрди. Беихтиёр бошини, бармоқларини қимирлатиб кўрди. Атроф жимжит. Кўз олдида ранго-ранг доирачалар рақсга тушади. Боши устидаги баҳайбат дарахт тебранади. Нима гап ўзи?! Яна дарахтга осилиб қолдими? Ундай бўлса парашютнинг оқ гумбази қани? Рябчиков қани?

Карим автоматини олмоқчи эди, қўллари худди оғир тошга боғлангандек, ўзига бўйсунмади. «Яна тасма сиқиб қўйганга ўхшайди, елкани қимирлатиш керак».

— Ҳушингга келдингми? Ана энди секин турсанг ҳам бўлади...

Бу таниш овоз Каримнинг назарида жуда узоқдан келгандек, йўқ, ер остидан чиққандек бўлди.

У аста-секин хаёлини жамлади. Блиндаж атрофида

яшин тезлигида бўлган ҳужум, икки ўт орасида қолган эсэсчилар, осмонда пайдо бўлган самолёт, ерга сочилган ўқлар жаласи...

Қулоқлари остидаги шанғиллаш тинди. Кўкрагини тўлдириб нафас олди. Ўзини тетикроқ ҳис қилиб ёнбошига ағдарилдию Толкуновга кўзи тушди. Ажаб, бу атрофда Толкуновдан ўзга ҳеч ким кўринмаяпти. Сержант чўкиб, бошини ҳам қилиб, кўзини нуқтага тикиб ўтирибди.

— Маҳмуд оға қани? — деб сўради Карим заиф овозда.

Толкунов жавоб бермади. Қараб ҳам қўймади.

— Ўртоқ сержант, Маҳмуд оға қани? — деди Карим хириллаб қолган овозини кўтариб.

Толкунов жавоб ўрнига иягини чўзиб яланглик этагини имлаб кўрсатди. Карим унинг имосига тушунмай елка қисди. Ажаб, Толкуновга нима бўлган ўзи? Нимага лаблари қонталаш, юзидан нима учун ранг қочган, нима сабабдан қовоқлари уюлган?.. Шу саволлар гирдобига шўнғиган Карим бирдан унинг қўлида таниш қора трубкани кўрдию сесканиб кетди. Баданига муздек тер чиқди. Томоғи қуруқшади. Танасидан жон чиқиб кетгандай, ўзини ниҳоят даражада беҳол сезди.

Шу пайт Толкунов бошини қўллари орасига олдида, хазон устига юзтубан йиқилди.

— Нимага менга бақирасан, нимага менга ёпишиб олдинг, лаънати етимча! — Толкунов шундай деб энгашиб сарғайган ўтларни жон-жаҳди билан юлди. — Толкуновни отиб ташлай қол, калласини олсанг ҳам арзийди. Маҳмуд оға йўқ энди, мен уни эҳтиёт қила олмадим, шундай йигитнинг гули кетди-я! Тушуняпсанми, йигитнинг гули! Йўқ, сен молфаҳм бунга англашинг қийин.

Карим кутилмаганда ўрнидан сапчиб туриб икки қадам қўйдю, ёввойи олча остидаги қабрни кўриб тошдек қотди. Оёқлари чалишиб, бир амаллаб қабрга етиб олди-да, пашонасини совуқ ва зах тупроққа бериб кўзларини юмди.

«Маҳмуд оға, бу қанақаси бўлди? Ахир, сен ботир, эпчил эдинг-ку? Ботирга ўлим чанг соллолмайди, дейишарди-ку? Маҳмуд оға, ўрнингдан тур. Биз ҳали қанча йўл юришимиз керак. Кейин Иссиқкўлга бирга қай-

тамиз. Берлиндан Иссиққўлгача ўзим кузатиб қўймоқчи эдим. Кўзлари йўлингда тўрт бўлган Майрамни кўриб: «У сизни деб чекишни ташлади», демоқчийдим. Тур, Маҳмуд оға, бизни тўй кутяпти! Тўйдан кейин Майрам билан бирга ўлим шарпасидан ҳоли бўлган бу ўрмонларга келасизлар, Днепр соҳилида туриб опшоқ кемаларни кузатасизлар. Бу ерга фақат баҳорда келиш керак, ҳаммаёқ гулга бурканган бўлади. Турналар арғимчоқ солиб учиб келади. Тур, тура қол, Маҳмуд оға!..

Карим Жақиевнинг ўлимига ишонгиси келмади. Йўқ, бу қора ер остида ётган Маҳмуд оғаси эмас. Толкуновнинг қўлидаги трубка ҳам бошқа одамники, Маҳмудга ўхшаган одам ўлмайди, ўлиши мумкин эмас! Карим дам йиғига берилиб, дам аламдан ёниб, шу ҳолда қанча ўтирганини билмади. Толкуновнинг темирдек қўли елкасига тегди-ю, уйқудан чўчиб уйгонгандек сесканди. Сержантга ўгирилиб қаради. Аввалига уни таниёлмади: юзлари қорайиб кетибди, кўзлари қасос ўти билан чақнайди. Толкунов Каримни елкасидан қучиб турғазди.

— Азнабоев, кетдик, бусиз ҳам анча ушланиб қолдик.— У шундай деб чакалакзор томонга юрди.

— Тўхтаб тур, — деди Карим жойидан жилмай.

Карим шундан кейингина беаёв ажалнинг ролиб чиққанига ишонди. Дарддан юрак-бағрнинг қонга тўлиши нима эканини ҳис этди. У яна тиз чўкиб чўнтагидан янги рўмолча чиқарди-да, қабр бошидаги ниҳолга боғлади. Сўнг икки-уч қадам наридаги йўгон дарахт тапасига ханжари билан «Ж», «М» деб ўйиб ёзди. Толкунов бирдан қаддини тиклаб, гимнастёркасини тортиб тўғрилади.

— Тамом, — деди у беҳол қўл силтаб. Гўё бу билан ўтмиш кечинмалари ва олдинда кутётган воқеалар ўртасидаги бөглицликни шарт узгандек бўлди. Кейин Каримни елкасидан қучди. — Мени кечир, дўстим...

Бу кечиримни ҳали бирдан ёниб ҳаққоратомуз гапларни айтгани учун сўрадимми ё бола олдида кўз ёшларини тиёлмагани учунми буни Карим тушунолмади. Шунинг учун индамай қўя қолди. Бошини ҳам қилиб, оғир оёқларини базўр судраганча сержант ишдан эргашди.

Дарахтлар орасида уларни омон қолган жангчилар кутишарди.

Ҳаммалари қароргоҳ сари йўл олдилар.

Қароргоҳларига етиб келганларида барча беҳқа қалққан эди. Оғир ярадорлар қўпол, аммо мустақкам қўлбола замбилларда ётарди, енгилроқлари қўлтиқтаёқ ясаб олиб, сафарга шай турарди. Кичик лейтенант ҳали замон партизанлар келиб қолишини, эвакуацияни чўзмаслик учун олдиндан тайёр туришганини айтди.

Толкунов аскарларнинг саломига бош ирғаб алиқ олди-да, майор ётган замбил ёнига ўтирди. Боши чидаб бўлмас даражада зирқираётган Карим сал четроқда Танянинг бўшагини кутди.

Майор оғриқданми ё ғазабданми, тишларини гижирлатди.

— Талафот катта бўлдимиз? Узбошимчаликнинг қимматга тушганини энди билгандирсан?

Фёдор бир зумгина миқ этмай, нигоҳини ерга қадаб, айбдорларча жанг талафотини айта бошлади:

— Биздан беш киши... ҳалок бўлди. Уч жангчи енгил яраланди. Немислар камида йигирма беш жангчисидан, битта транспортёр, учта юк машинаси, тўртта мотоциклдан ажралди. Блиндаж ва ертўлалар портлатилди.

— Улжалар-чи?

— Иккита пулемёт, ўн иккита автомат. Кейин бир-икки кунга етадиган қаттиқ нон, мой, консервалар...

Майор бу сафар узоқ ўйга толди. Сўнг гуруҳ бошлиқларини чақиришни буюрди. Ҳамма тўплангач, кутилмаганда жангговор оҳангда гап бошлади:

— Жондан азиз лочинларим, минг афсуски, сизларни жангга бошлаш менга насиб этмаган экан. Сержант Толкуновни ўз ўрнимга командир этиб тайинлайман... Душманга ўлим!

Майорнинг тантанавор сўзларига гаши келган Толкунов қисиниб турган дўстларига қаради.

— Уруш томошахона эмас, — деди у жаҳлини ичига югиб. — Сен ҳам ўлдирасан, сени ҳам нимагадир тинчитиб кетишади.

— Сен гапни яримта қилмай, ичингда борини айти-тавер, сержант. Мен сизларнинг ҳаётингизни ўйлаб

мудофаага ўтмоқчи эдим. Сен ўзбошимчалик билан нечта одамнинг бошини единг. Уларнинг ҳаёти учун Батан олдида ким жавоб беради?

— Жавоб берамиз, — деди Толкунов совуққонлик билан. Кейин Жақиев ўрнига тайинланган Протасовга ўгирилди. — Йигитлар овқатланиши керак.

Таня қўли бўшаши билан чайладан чиқди-да, Каримнинг ёнига ўтирди. Ҳамшира униг контузия бўлганини эшитиб улгурган эканми, чиқа солиб кафтига бир неча оқ дори ташлади.

— Қани, тез ича қол, — деди қиз сувдонни узатиб, кейин сал титраётган бармоқларини яширишга уриниб уни саволга тутди.

— Фёдорга нима бўлди? Қовоғидан қор ёғяпти. Яқинлашишга ҳам қўрқасан киши.

— Жақиевни ўлдиришди.

— Нима?! — Таня сапчиб сувдонни ташлаб юборди. Сўнг ирғиб ўридан турди-да, Фёдор томонга югурди.

Уларнинг гапларини Карим эшитмади. Таня Толкунов автоматининг қайишини ушлаганча нимадир деди. Сержант аввалига қўл силтади. Кейин қизнинг шамолда тўзиётган олтин рангли сочини силади-да, нари кетди. Таня бошини эгганча изига қайтди. Каримнинг ёнига ўтириб, елкасига бошини қўйди-да, хўрсинди.

— Ўзингни бос, — деди Карим уни юпатмоқчи бўлиб. Кейин ўзининг ҳам хўрлиги келганини, қизга қўшилиб йиғлаб юбориши мумкинлигини ҳис этди-да, дағаллик билан тўнгиллади. — Шунақа йиғлоқи экансан, уйингда кашта тикиб ўтиравермайсанми? Бор, ана, лейтенант чақираётганга ўхшайди.

Қиз шошиб-пишиб сочларини тузатган бўлди-да, кўз ёшларини артди. Шу пайт ялангликда Максим кўринди. У тез-тез юриб Толкуновга яқинлашгач, нимадир деди. Толкунов соатига қараб олди-да: «Гуруҳ командирлари, менинг олдимга!» — деб қичқирди.

Максимнинг ҳовлиқишидан, қисқа суҳбат ва командирларнинг чақирилишидан Карим сергакланди. Афтидан, Максим ниманингдир ҳидини олгану бу ерга ошиққан. Ҳар қолда немислар кули кўкка соврилган эсэсчилар уяси учун раҳмат деб, қўл қовуштириб қолишмаса керак. Маҳмуднинг ўлимидан ларзага келиб,

дардга берилган Толкунов бир зумда аслига қайтди. У қўлини паҳса қилганча командирларга қатъий равишда нималардир деди.

— Тезроқ йўлга тушса ҳам бўларди, — деди ўттиз ёшлардаги Кузнецов Каримга яқинлашиб. Диққати Толкуновга қаратилган Карим елка қисиб қўя қолди. Кузнецов эса ёнидан ялтираб турган тўппонча чиқариб Каримга узатди.

— Мана бу мендан сенга совга. Оти «Беретта» экан. Сендан ош-нон сўрамайди. Чўнтагининг бир чеккасида йўқ бўлиб кетади. Уйиңчоққа ўхшайди-ю, лекки юзма-юз жангда асқотади, — Кузнецов Каримнинг иккиланаётганини сизди-да, тўппончани кафтига қўйди.

— Олавер, менга керакмас. — У шундай деб бўйнида осиглиқ-«шмейсер»ни силаб қўйди. — Узимникининг қўндоғи учиб кетди. Ҳозирча шу ҳам кунимга яраб туради. Бироқ харомилар қурол ишлашнинг кифтини келтириб қўяди-да. Ҳам қулай, ҳам енгил...

Уруш урф-одатига кўра совгага совга билан жавоб қайтариш керак эди. Карим ўйлаб ўтирмай чўнтагидан суяк сопли, санчиғу бигизигача бўлган букламча пичоқча чиқариб, Кузнецовга узатди. Кузнецов худди боладек қувонганча пичоқчанинг тигларини, санчиғи, бигизини бирма-бир очиб кўрди.

— Кейин афсусланмайсанми? — деди у синовчан тикилиб.

Карим, «шу ҳам гап бўлдимиз?» дегандек қўл силтаб қўйди.

— Ёшлигимда мен ҳам шунақа пичоқчани орзу қилардим. Бунингни олиб қўй, ўзингга керак бўлиб туради. «Беретта»ни эса... совғамас, ўзим топганман, деб ҳисоблайвер.

Карим «олмайман», деб қаршилик қилишга қарамай, Кузнецов пичоқчани гимнастёркасининг кўкрак чўнтагига солиб қўйди.

— Жақиев шаҳид кетибди-да, а? — деди кейин хўрсиниб. — Аммо азамат йигит эди, афсус...

Бир онда Каримнинг дийдаси тўлиб, кўзи намланди.

Тўкин қуёш нурида чўмилаётган яланглик кўзига қоронғи гор бўлиб кўринди. Шабадада тўкилаётган барглarning енгил шитири, жангчиларнинг бўғиқ гуҳбатлари, узук-юлуқ гап-сўзлари қулоғига кирмай

қолди. Карим фақат бугуни эмас, балки келажагини ҳам Маҳмудсиз тасаввур қила олмасди. Уруш тугагач, барчанинг уй-уйига тарқалишини, Жақиевнинг Иссиқкўлга, Майрами ҳузурига ошиқишини ўйлагандаёқ Карим дунёда якка ўзи ёлғиз қолгандек сиқиларди. Бу қисик кўз, меҳрибон Маҳмуд Жақиевнинг қаерда бўлса ҳам кулиб; қувнаб юражаги Каримга далда берарди. Ана шунинг учун ҳам унинг қалби ҳаётнинг аявчли ҳақиқатини қабул қилишни истамаётгандек эди.

Кузнецов Каримнинг аҳволини тушуниб, хўрсиниб қўйди-да, гурунглашаётган дўстлари томон кетди.

Ниҳоят, буйруқ янграб, жангчилар сафландилар, ўрмонга кириб кетдилар. Карим ҳолдан тойган бўлишига қарамай рацияни кўтарди. Ундан батареяларни олган Кузнецовга бош ирғаб раҳмат айтди-да, карвон бошига ошиқди.

— Балки партизанларнинг қароргоҳига борганинг маъқулдир-а? — деди Толкунов унинг оқариб кетган юзига хавотир билан қараб.

Карим «Йўқ» ишорасини қилиб бош чайқади-да, йўлида кетаверди.

Пастқамликка етишгач отряд иккига бўлинди. Кичик лейтенант ёнига ўн киши олиб, ярадорлар билан жарлик ичидан ғарб сари йўлга тушди. Максимнинг айтишича, то қароргоҳга етгунларича ҳам улар шундай жарлик ва ботқоқликлардан чиқишмас экан. Бу свлоқ ерларда қушларнинг сайраши ҳам эшитилмас, фақат йўл-йўлакай соқчи партизанларга дуч келишар экан. Агар тинчлик бўлиб турса гуруҳ қароргоҳга тсннга қадар етиб оларкан.

Десантчилар бир-бирлари билан қучоқлашиб, қўлларини маҳкам қисиб хайрлашар чоғларида бирдан Василенко билан ёш партизан йигит пайдо бўлди. Василенко ўзи бошлаб борадиган гуруҳни кўздан кечиргач, Толкуновга яқинлашди.

— Горнищчево ўт ичида қолди, — деди у афсус билан. — Бешта машинани тўлдирган жазо отряди келди. Томоша катта бўладиганга ўхшайди. Балки сизлар ҳам биз билан қароргоҳга борарсизлар? Тўғри келмайдими? Йўлдан ўтиб олишга улгурармикансизлар, шунисида: хавотирдаман.

— Утиб олишимиз шарт,— деди Фёдор қатъий оҳангда.— Бошқа йўл йўқ бизга. У томонда Чукреев кутяпти.

— Ундай бўлса на илож. Омадингизни берсин.

— Платон бобо қаерда?

Василенко кўзини ерга қадади.

— Тушунарли,— деди Толкунов алам билан.

— Максимни ёнингга ол, сержант. Бу ерларда кўз юмиб ҳам юраверади,— Василенко шундай деб хайрлашди.

Ўрмоннинг ҳали у ерида, ҳали бу ерида мина порлай бошлади. Василенко оқсоқланиб жар томон юрди. Кичик лейтенант қўл силтаб йўлга тушишга буйруқ берди. Шундагина Толкунов Таняни кўрди.

— Бу ерда нима қилиб турибсан?— деб сўради у ҳам ҳайронлик, ҳам жаҳл билан.

— Қаёққа боришим керак?— деди ҳамшира сумкасининг қайишини тўғрилаб.— Энди ярадорларга менинг керагим йўқ. Қароргоҳда врач бор. Демак, мен сизлар билан боришим керак.

— Сен... сен ҳозир қиёмат бошланишини биласанми?

— Мен ҳарбийман. Ҳаммасини биламан.— Қиз шундай деди-да, йўлдан қайтаришга уринишнинг бефойда эканига шама қилиб юзини ўгирди.

Толкуновнинг бўйин томирлари ўйнаб кетди.

— Таня!— деди у ҳам буйруқ, ҳам ялиниш оҳангида.

Ҳамшира жавоб бермай нари кетди. Фёдор уни нигоҳи билан кузатди-да, бетоқат бўлаётган Максимга яқинлашди. Осмонда десантчиларни қидириб изғиётган самолётлар кўринди. Миналар дам уларга яқин жойга, дам узоқроққа хуштак чалганча учиб келиб портлай бошлади. Горнишчево томондан машиналар овози келди. Йигирма беш кишини бошлаб кетаётган Толкунов қопқонга айланиши мумкин бўлган бу ўрмон лахтагидан чиқиб, йўлни кесиб ўтишга, Черкасск ўрмонида кутаётган Чукреевга қўшилишга ошиқди. Аксига олиб ўрмон йўлдан юз-юз эллик қадам берида тугайди. Яширинча ўтиш имконияти йўқ. Шунинг учун улар вазиятдан ютқазиб бўлса-да, дарахтларни паналаб айланиб ўтишга мажбур эдилар. Тўсатдан жарга дуч келиб, пастга тушаётганларида душман



нинг бақиріқ-чақиріғи, итларнинг вовиллаши эшитилди. Пулемёт бир тарилладию жимиди.

— Тезроқ! — деб буюрди Толкунов йигитларини шошириб. Кейин югураётган дестанчилардан бирини тўхтатди. — Пулемётни мана бу ерга қўй.

Гуруҳнинг олди йўлни кесиб ўтиб, тепаликка кўтарила бошлади. Максим дарахтга йўгон арқонни боғлаб жангчиларга кўмаклашди.

— Максим! Одамларни бошлаб боравер, — деди Толкунов «дегтярев»ни ўрнаштирар экан. — Мен уларни чалғитиб тураман.

— Орқамдан олга! — Ёши бир оз ўтиб қолган сержант шундай деди-да, ўзини ўрмон ичига урди. Бошқалар унга эргашди.

Бир оз югуриб боргач, Максим сержантга нимадир деди-да, икки автоматчи билан Фёдорнинг ёнига қайтди.

Ўрмон чодирі десантчиларни ўз бағрига олди.

Карим рация устига энгашганча «Мен—Кама!», «Мен—Кама!» деб алоқага чорлайди. Бир соатдан бери шу сўзни такрорлайвериб томоғи бўғилаёзди. Лекин унинг чақирішлари жавобсиз қолаверди. Ҳатто куні кеча гаплашган «Лочин» ҳам жим эди. Карим баъзан ўзаро гаплашаётган рацияларни эшитиб қоларди. Лекин нима учундир ҳеч ким унинг сигналларини қабул қилмасди. Ана шундай тарзда хуноби ошиб ўтирган пайтда Кузнецов яқинлашиб: «Нима гап?» деб сўради. Карим ноиложликдан елка қисиб қўйди. Очигини айтганда бир соатдан бери бу десантчилар ҳам жонига тегди. Кўриб-билиб туриб шу савол билан келишаверади.

Бир томонда рация чатоқ. Бир томонда Фёдордан дарак йўқ. Разведкага юборилган икки жангчи ҳам қайтмади. Бўғилиб, дод деб юборгинг келади. Падарига лаънат бу рациянинг. Ҳозир буни кўтариб урган одам савобга қолади. Ҳолдан тойиб ҳурпайган Каримга десантчилар норози бир қиёфада қарайдилар. Унинг бир оҳангдаги чақиріқ сигналлари айрим десантчиларнинг ҳам жонига теккан.

Бошқа радист қуриб қолган эканми? Она сути оғзидан кетмаган-ку бу боланинг.

Истеҳзо билан айтилган бу гаплар Каримнинг бошига гурзи бўлиб урилди.

Унинг руҳи бутунлай тушиб кетди. Учта аскар билан разведкага кетган. Чукреев тез орада қайтади. «Қайтгунимча алоқа ўрнатилган бўлсин, Азнабоев!» деб қатъий буюрган эди. Унга нима деб жавоб беради.

— Сен ваҳимага тушмай, яна бир пухтароқ текшириб чиқ. Техника ота-онасиз бир нарса. Унинг нимаси кўп, касали кўп, — деди Кузнецов Каримни юпатишга уриниб.

— Минг марта текширдим! — Карим алам билан шундай деди-да, бошини чодир билан бурсаб, кўл фонарини ёқди. Фёдорнинг кўрсатмаларини бир-бир эслади. «Рация тилдан қолса, аввал батареяларни текшир», дерди Фёдор. Батареялар жойида. Энди рацияни кўрайлик-чи... Лампалар ёниб турибди. Яқин орадаги радиостанцияларнигина эмас, ҳатто Москвани ҳам эшитиш мумкин. Демак... Ие, тўхта, тўхта, «қабул қилгич» билан «узатгич»ни боғлаб турувчи тутқич нимага овоз чиқармаяпти. Э, галварс!» Бир соатдан бери бекорга сайраган экансан-да. Узатгич ишдан чиққандан кейин албатта овозингни эшитишмайди-да!

Терлаб-пишиб кетган Карим бу кашфиётидан қувониб, чодирни улоқтирди-да, узатгични очди. Қай кўз билан кўрсинки, тутқич уясига мошдек тош тушиб қолибди.

— Бўлди! — Карим қувончини яшира олмай шундай деди-да, мудроқ босган Кузнецовнинг биқинига туртиб қўйди. «Лочин» унинг дастлабки чақирғига-ёқ жавоб қайтарди.

Каримни ҳаяжон қамраб олди. Кейинги кунлар ичи айрилиқлар ва омадсиз юришлар дардида увишиб қолаёзган юрагига дастлабки қувонч нур ташлади. У ўзини йўқотиб қўйиб, «Лочин»га қаттиқ-қаттиқ гапира бошлаганда Кузнецов енгидан тортиб:

— Намунча бақирасан? — деб қўйди.

Чукреев қолдирган радиограммани бериб, ҳар икки соатда алоқа боғлашга келишиб олгач, Каримнинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлиб, кўкат устига чўзилди. Шу заҳоти уни десантчилар ўраб олишди. Уларнинг ҳар бири Каримнинг кўнглини кўтарувчи бир гап айтмоқчи бўлар, бу ёруғ оламда нима гаплар борлигини билгиси қеларди. Кузнецов эса бунга йўл бермай:

«Инсофларинг борми ўзи? Болакай келгандан бери мижжа қоқмади. Тинч қўйларинг, бир оз ором олсин», деб уларни қайтарарди.

Чиндан ҳам оғир юкдан халос бўлган Карим ҳордиқни истарди, шу ётган кўйи мудради.

— Ёш бўлса ҳам эси жойида экан. Ахир тузатди-я,— деди десантчилардан бири.

— Ҳориган ит чарчоғини яшириб бўрига қараб жунини ҳурпайтираверади,— деди иккинчиси.

— Эсинг жойидами, нима деб вақиллаяпсан? Суриштириб келсанг, ҳозир ҳаммамизнинг тақдиримиз унинг қўлида,— деди бошқаси.

Карим бу гапларни эшитиб уйқу аралаш кулиб қўйиб, лабларини чўпиллатди.

... Тушида Фёдор ҳам, Тая ҳам, ҳуллас, барча десантчилар турнага айланиб осмонга арғимчоқ солиб жанубга қараб учишаётганмиш. Қанотлари остида ўрмонлар, кўллар, дарёлар кўринармиш. Аскар турналар ўзаро суҳбат қуриб узоқ учишибди. Бир маҳал кимдир Жақиевнинг оғозида мунгли қўшиқ айта бошлабди. Ажаб, қўшиқни ким айтяпти? Шамолми? Қўшиқ ярмига келганда узилиб, ҳалиги овоз пастдан туриб қичқиради: «Ҳой, эркин қушлар,— дейди у,— Иссиқкўл томонларга учаётганларинг йўқми? Агар ўша ёққа йўлинглар тушса, албатта менинг ёлғизимни йўқлаб қўйинглар. Майрамим меҳмон кутибни хуш кўради. Катта қозон осади. Қўй сўйилади. Калла ҳурмат юзасидан Фёдорнинг олдига қўйилади. Фақат... Фақат Майрамим олдида чекманглар, тамаки тутунига тоқат қилолмайди. Майрам қўшиққа ўч. Ҳар бирингиз ўз халқингизнинг қўшиғини айтиб беринг. Юракдан чиқариб айтсангиз, у ҳам юракдан чиқариб қимиз билан сийлайди. Қимизнинг биринчи косаси Каримга аталади...» Шу топ гап ҳам узилиб, турналар одамларга айланадилар. Жақиев даврага қўшилиб сўзлай бошлайди. У райритабий тарзда, паст ва ғамгин овозда гапирарди. Карим эса кўз ёшларини тўхтата олмайди. «Эркин қушлар,— дейди Жақиев ундан кўз узмаётган аскарларга қараб.— Сен қўнган ерлар азалий баҳористонга айланади, қанотларингизнинг акси тушган жойлар гуллар чаманига бурканади. Аммо юрагингиз талпинаётган манзилга ҳамма ҳам етиб боролмайди. Йўл узоқ, қанотларингиз эса анча толиққан. Ҳордиқ чи-

қариб, ухлаб олгандан кейин, майли, йўлга тушаве-ринг. Ана ўшанда даҳшатли бўрон қанотингизни қайи-ра олмайди, қоронги, тубсиз жарликлар бағрига торт-майди. Виронангиз тақдир чангалига банди бўлсангиз, начора, йўлдан қолманг. Барчангизни тўйимда интиқ-лик билан кутаман. Бакировни биласизлар-а? Бунақа одамлар тўйда қимиз сузувчи соқий бўлишни ёқтира-ди. Тўйимга у ҳам келса керак. Уни ҳайдай олмаймиз. Истасак-истамасак, дастурхон тўридан жой олади...»

Бирдан ўртада мина портлади-ю, ҳамма қора тутун бағрига сингиб кетди. Карим кўрганлари таъсирига банди бўлиб тўлганиб ётди. Ниҳоят, уйқу қочиб, сес-канганча кўзини очди. Бошини кўтариб, атрофга назар ташлади. Десантчилар дуч келган жойда ухлаб ётиб-ди. Кузнецов ҳам ғужанак бўлганча ухлапти. Протас-ов ҳам унинг ёнида енгил хуррак отяпти. Таня сумка-сини қўйиб, Каримнинг оёқ томониға ўрнашибди. Ҳам-шира ҳали ухлашга улгурмаган, тез-тез хўрсинади. Сумка бошига ботгани учун тўғирлаб қўйган бўлади. Дам-бадам сал наридаги соқчиларнинг шивирлаши эшитилади.

Карим ўрнидан туриб ударга яқинлашди-да, «Чук-реев билан Толкуновдан хабар бўлмадими?» деб сўра-ди. Соқчилардан бири ярим соат бурун Чукреевнинг ташвишли бир қиёфада келиб, бир неча йигитни олиб шошганча кетганини айтди. Толкуновдан ҳеч қандай хабар бўлмади.

Алоқа қилиш вақти етган эди. «Лочин» ҳеч қандай янгилик йўқлигини билдиргач, Карим яна жойига қай-тиб чўзилди.

Ажабо, нима учун тушида турналарни кўрди. Бал-ки бу туш бўлажак янги айрилиқлар даракчисидир? Наҳотки аёвсиз йўқотишларни олдиндан сезиш мум-кин бўлса? Карим ҳам, бошқа десантчилар ҳам ҳали тақдир ҳукми билан ажратилган умрларининг чорак улушини ҳам яшаб улгурмабдилар. Ҳаётда ҳали ҳақ-қи кўп бу йигитларнинг эртанги кунини наҳот аввал-дан сезиш мумкин бўлса?.. Йўқ, бунақа хаёллар билан тўлғониб ётиш бефойда. Туриш керак!

— Нимага ухламаяпсан? — деди Таня ҳам бош кў-тариб.

Карим елкасини қисиб қўйди-да, совқотгандек қу-нишиб, ҳамширанинг ёнига ўтирди.

— Мен озгина мизгидим, Таня, сен ҳам ухлаб олсанг бўларди.

«Ухлаб ол», деб насиҳат қилиш осон. Бири биридан хавотирли ўйлар хаёлни тилкалаб ташлаган, юрак севиклиси ҳажрида ўртанаётган дамда кўзга уйқу келармиди? Тун ярмидан оғди. Фёдордан эса ҳануз дарак йўқ. Жангни қандай яқунлашди экан-а? Толкунов Каримга ўхшаб бўшашган эмас. Бошига иш тушмаса аллақачон қароргоҳни топиб келарди. Унинг кулфатга йўлиққанига Таняда шак-шубҳа қолмади.

Кеча йўлга чиқишмасдан илгари: «Танаси совуб улгурмаган Жақиевдан кейин Фёдор ҳам ҳалок бўлса-я», деган ўй вужудини титратиб ўтганди. Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Фёдор ҳар қандай оғир шароитда ҳам йўлини топадиган йигитлардан. Толкунов ўртоқлари билан немислар чангалидан қутулиб кетгани аниқ. Фақат душман уларнинг йўлини қирқиб қўйган бўлиши керак. Ҳечқиси йўқ, эрталабгача келиб қолишади.

Карим қизни ҳозир юпатишга уриниш сохта ҳаракат эканлигини тушуниб, жим ўтираверди. Шу яқин орада укки сайради. Таня беихтиёр Каримга яқинлашди.

— Нимага жимиб қолдинг? — деди у уккининг овози келган томонга хавотир билан қараб.

Карим ўзи билмаган ҳолда қизнинг қўлини олаётганга кўрилади. Бироқ унинг хавотирини тарқатишга доир биронта сўз ҳам айтолмади.

— Қараб тур, у албатта келади, — деди Таня шивирлаб.

Ишонч билан айтилган бу гапдан кейин Каримнинг ичига чироқ ёқилгандек бўлди. Аслида Карим қизга таскин бериши керак эди. Шу ерда ҳам ландавурлик қилди. Унинг ўрнига қиз далда беряпти! Таня уни ниҳоятда севади; қадрлайди. Шу даражада севгучиси, қадрловчиси бор одам ўлмайди! Фақат йигитлардан бири яраланган бўлиши керак. Шунинг учун кечикишяпти...

Уруш кутилмаган воқеаларга бой. Каримлар овулига қанчадан-қанча қорахат келди. Энди аза очилганда мажруҳ аскарларнинг ўзи кириб келади ё тирикликдан хабар топилади. Бувиси ҳам кенжатойини сира ўлдига чиқармади. «Ишонч — ҳаёт демак. Ўғлим ти-

рик. Мен ҳар сафар уни тушимда кўрганимда оқ кўйлак кийиб олган бўлади. Нуқул жилмаяди. Юрагим сезиб турибди. У тирик!» дерди.

Каримнинг ўзи-чи? Мана шу уч кун мобайнида неча бор ўлиб, неча бор тирилди. Аввал дарахтга осилиб қолганда ўлдим, девди. Кейин Рябчиковнинг ўлимини кўргач, тамом, деб ўйлади. Ҳам олдида, ҳам орқасида мина портлаганда-чи? Карим ҳали бирон жасорат кўрсатмади. Ҳатто, очиғини айтганда, юрагидаги қўрқинч уни буткул тарк этганича йўқ. Унинг жангчилик фаолияти энди бошланяпти. Аммо Фёдор бутунлай бошқа олам. Ҳамма ҳам қутурган эсэсчиларнинг йўлини учта жангчи билан тўсишга журъат қилавермайди. Журъат қилибдими, демак, кучига ишонади. Бундай одам ўлмайди, йўқ, ўлиши мумкин эмас!

Қизнинг далдасидан руҳланган Карим мана шуларни бир бошдан гапирди. Яна қатор мисоллар келтирди. Карим қизни эмас, балки кўпроқ ўзини овутаётганини ҳис қилди. Танянинг бу гапларидан анча кўнгли кўтарилди. Кўзларидан ғам кетди. Барвақт улғайган юзида умид пайдо бўлди.

— Биз Фёдор билан келишиб олганмиз. Урушдан кейин бизникига боришга кўнган, — деди Таня ширин орзу қанотида учиб. — У ўзи Воронеждан, биласан-а? Мен Воронежда бўлганман. Жуда чиройли жойлари кўп. Лекин барибир денгизга етмайди. Новоросийскда ўзига боп иш топиб олади. Истаса, денгизчи бўлади, истаса заводда ишлайди, истаса, кема қуради. Қўли гул одам хор бўлмайди, тўғрими? Комсомол комитети-га кирса, бас...

Бу гап Каримнинг қалбидаги ғамгин торни чертиб қўйди. Қулоғи остида турналар овози, кейин булоқ сувининг шилдираши янграгандек бўлди. Ноўрин ғамга берилмаслик учун денгизни тасаввур этишга ҳаракат қилди. Бироқ умрида кўрмаган нарсани кўз олдига келтириш осонми?

— Таня, денгиз қанақа бўлади?.. — Карим шундай деб сўрашга сўради-ю, қиз кулиб майна қилмасин, деб чўчинқиради.

Йўқ, Таня унинг устидан кулмади.

— Денгизми? — деди-да, ўйга чўмди. — У-чи, жуда катта, биласанми, чек-чегараси йўқ... Умуман...

Йўқ, уни сўз билан тасвирлаб бўлмайди. Бориб кўриш керак.

— Ранги-чи, ранги қанақа? Суратлардагидек кўм-кўкми?

— Ҳа, кўм-кўк ҳам бўлади. Лекин минг хил рангга кириб товланади. Соҳил томони тип-тиниқ, баъзан қўн-ғирга, баъзан яшилга, баъзан қорамтир тусга киради. Уфққа туташ томонига ҳошия тақилганга ўхшайди. Бир қарасанг, денгиз худди тирикдек, сал белини бук-чайтириб ётгандек туюлади.

— Бизда Казаяк деган дарё бор. У ҳам шунақа ўзгариб туради.

— Бўлса бордир. Аммо денгизнинг чиройи бошқа. Унга ҳеч нимани қиёслаб бўлмайди.

Карим бу гапга эътироз билдирмади. Ахир денгиз у ёқда турсин, каттароқ дарёни ҳам кўрмай туриб қандай баҳслашсин? Тўғри, Москвага келаётганда Волгадан ўтган. Лекин қоронғида ҳеч нимани кўролмаган. Беш-олти чақирим нарида Днепр ястаниб ётибди. Уни кўриш насиб этадими ё йўқми, билмайди...

Таня қоронғи осмонга тикилди.

— Карим, бир нарсани сўрайман дейману нимагадир журъат қилолмайман, — деди қиз. — Фақат жаҳлинг чиқмаса сўрайман.

— Сўрайвер.

— Жанггоҳга қандай келиб қолдинг?

Карим кулиб қўйди. «Кўп нарсани билсанг, тез қариб қоласан», демоқчи бўлди-ю, тилини тийди. Бунинг қизиқувчанлигини қаранг-а? Бувиси: «Синчков бўлмаган хотин, бутун эмас, яримта хотин», дерди. Гапи тўғрига ўхшаб қолди-ку?

— Яна елка қисяпсанми? Истамасанг айтмай қўя қол. Ё ҳарбий сирми?

— Э, бунинг нимаси сир? Шундай бўлиб қолди. Тасодифдан бекатда йигитларга дуч келдим. Фёдор ўзига олмаганда, барибир уйга қайтмасдим. Мен кичкина бола эмасман. Ота-онам учун қасос оламан дедимми, бўлди, барибир муддаомга етардим.

Иккови ҳам жимиб қолди. Карим ўзини ёш бола эмасман, деб катта санаяпти. Лекин у умрида нима кўрди? Ҳаёт мажмуасига кирувчи қувонч, ғам, кулфат, бўрон, гулдиракларнинг ҳаммасидан татидими? Бирмунча татиди. Довюраклик ва мардликнинг илк

синовидан ўтди. Аммо ҳали мақтанишга арзирли гап йўқроқ...

У Таняга оддийгина қилиб «шундай бўлиб қолди», деди. Жавобнинг иккинчи ярми, «шундай бўлиши зарур эди», деган гап ҳам айтиши лозим эди. Бироқ бу гап тилга ўтмай, бўғзида қолиб кетди. Карим бу қадамни қўйишга мажбур этган бош зарурият мағзини тўла чақиб улгурмаган эди.

## ДНИПРО, ДНИПРО

Каримни кўзлари уйқусизликдан қизариб кетган Чукреев уйғотди. Карим Максимни кўрди-ю, «Фёдор қани?» деб сўради. Қовоқ уюб турган Максим қўлларини икки ёнга ёйди.

— Билмадим. Ярим йўлда мени мина гаранг қилиб қўйди. Урмонда ярим кечагача қолиб кетдим. Аъзойибаданимнинг зирқирашига зўрға чидаб, Фёдор жанг қилган ерга бордим. Гильзалардан бошқа ҳеч нарса йўқ.

— Жим бўл! — деди Карим шу томонга учиб келаётган Таняни кўриб.

— Фёдордан кўнглим тўқ. Яқин орада келиб қолади, — деди Чукреев атайин овозини баландлатиб. Кейин Каримга радиограммани узатди. Турли рақамлар битилган бу қоғоз ўзига радист учун номаълум ерда душман кучлари тўпланганлиги ҳақидаги хабарни яширган эди.

Ярим соатдан сўнг: «Меҳмонга чорлаган ерингиз мезбонларга маъқул», деб жавоб қайтарди. «Лочин» Чукреев бош жангчиларга дарё соҳилига силжиб бориб, эрта тонгда Днепрни кечиб ўтувчи ротани қўллаш вазифасини юклаган эди.

Бу буйруқ отряднинг тақдирини бутунлай ўзгартириб юборди. Аввалига Черкасск ўрмонига кириш гоят мушкулдек бўлиб кўринган эди. Аммо кучларнинг бир неча гуруҳга ажралиб ҳаракат қилиши немисларни сал гангитди. Ҳатто сезиларли муваффақиятга эришиш имкони ҳам туғилди. Энг муҳими, дарахтзорлардан иборат дастлабки бир-икки чақиримни босиб ўтиш эди. Ундан кейин отрядний эмас, бутун бошли дивизияни ҳам бағрига сиғдира оладиган ҳудудсиз яшил



денгиз бошланарди. Чукреев худди шуни мўлжал қилиб турганда дарё томонга бориш ҳақида буйруқ келди. Демак, дарахтзорлар оралаб, душман назарида турган ерлардан ўтиб, Днепрга боришлари керак.

Днепрнинг чап қирғоғигача сиқиб келган Биринчи Украина фронтига қарши немислар гўё қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган мудофаа деворини тикладилар. Дарёлар ирмоқлардан бошлангани мисол ротанинг ўнг соҳилдан эгаллайдиган ери — бир полк ёки дивизия учун йўл очиб берилди, деган гап. Ана шу муҳим вазифани бажарувчи ротага десантчилар ёрдам берадилар.

Карим рацияни ўрашга улгурмаган ҳам эдики, ялангликда миналар портлай бошлади. Немис пеленгаторлари афтидан улар турган ерни аниқлаб берган кўринади. Лейтенант одамларни нишонга айланган ялангликдан олиб чиқишга шошилди.

...Ўқ-дори ниҳоясига етай деб қолди. Ҳолдан тойган гуруҳнинг баттар тинкаси қуриди. Чукреев жанг қилмай айланиб ўтишга ҳаракат қиларди. Чунки одам кам, вазифани адо этиш учун эса кўпроқ куч талаб этиларди. Ҳали ярим йўлга етмай тўрт жангчи асфаласофилинга кетди. Охириги жангда граната парчасидан яраланган Кузнецов ҳалок бўлди. Ёрдамга шошган Тая эса кўкрагидан ўқ еди. Лейтенантнинг буйруғи билан икки жангчи рацияни кўтарди. Тобора ҳолдан кетаётган ярадор қизга қарашни Карим ўз бурчи деб билиб, бу вазифани зиммасига олди.

Отряд изини чалғитиб, «Лочин» белгилаган ерга яқинлашди. Максим билан Протасов мўлжалдаги соҳилга бориб келиб, у ер ўтиб бўлмас чакалак, ботқоқдан иборат эканини айтишди. Отряд ҳозирча немиснинг назарига тушмаслик учун ёввойи ноқ ва наъматак билан бурканган ясси тепалик томонга бурилиб тўхтади. Қонга беланган заиф қуёшнинг қоқ ярмини гўё ер ютгандек бўлди. Кузнинг ялтироқ ранги аста сўна бошлади.

Тая инграб, замбилни қўйишларини сўради. Унинг лаблари қуруқшаб, ёрилибди. Ранги қорайибди. Карим сувдонни қизнинг лабига яқинлаштириб бир неча томчи томизди. Тая енгил хўрсиниб Фёдорни сўради.

— Сен кўп гапирма. Тез орада ўзимизникилар билан учрашамиз. Ана шунда ҳаммаси маълум бўлади, — деб юпатган бўлди Карим.

Аmmo Тaня унга қулоқ солмади. Ҳар бир сўздан сўнг чанқоқлик билан гапираверди:

— Фёдор кўрса... жаҳли чиқади... Партизанлар... қароргоҳига кет... деганда... қулоқ... солмаган эдим... Йигитларга тирик товон бўлдим...

— Тaня, жим бўл. Бир оз дамнингни ол.

Ҳордиқ узоқ давом этмади. Бир пайт тепаликдаги соқчи бор овози билан «Немислар!» деб бақирди. Шу оннинг ўзидаёқ отишма бошланди. Отряд оёққа қалқди.

— Икки киши мен билан қолсиң, бошқалар пастқамликка! — деб буюрди Чукреев. Шу чоқ унинг афт-ангорига қараб бўлмасди: гимнастёркаси титилган, пилоткасини ўқ учириб кетган лейтенантнинг кўзлари қонга тўлганди.

Каримга замбилни кўтаришаётган жангчи қаддини кўтаргани замон чалқанча йиқилиб, типирчялаб, пошнаси билан ер чизди-ю, тинчиди. Замбилни оламан деган иккинчи жангчи эса жоп аччиғида бақириб юзтубан йиқилди. Карим ўзини йўқотиб, замбилни пастга судраб кетди. Тaняни бу аҳволда қутқариб бўлмасди. Шунинг учун нок ниҳоли остига етганда тўхтади. Автоматини олиб, бир зум ўйлади. Бир томонда пулемётчиларга ёрдам бериш керак, бир томонда Тaня... Шу пайт Максимнинг қичқирғи эшитилди:

— Лейтенант, бу ёққа югур. Тезроқ! Тезроқ!

Карим атрофга аланглади, лекин Максимни кўрмади. У ўқ ёмғирига писанд қилмай «дегтярев» пулемётини қўлига олганча отаётган лейтенантга ҳам ҳавас, ҳам ваҳима билан қараб қўйди. Чукреевнинг ўнг томонидаги пулемёт бирдан жимиб қолди. Тепаликда бақириб-чақираётган немислар кўринди. Бирдан Чукреев ғойиб бўлди. У ўлдими? Ё яраландимикан?

Карим тепкини босиб юборай деди. Кейин Тaня эсига тушиб, бу шаштидан қайтди. Немислар сафи хийла жипслашган онда кетма-кет граната портлади. Дод-фарёд бир авжига чиқди-ю, тинчиди. Душман ўлигу ярадорларини судраб, бетартиб ўқ узиб думини қисган ит каби чекина бошлади.

Карим енгил нафас олиб, орқасига қаради.

Не кўз билан кўрсинки, замбил бўшаб қолганди.

Бадани жимирлаб кетди. Қоронғи кўланкаларга айланган буталар орасига тикилиб Таняни излади. Улар аҳволдаги қизнинг бошқалар билан қочишини тасаввур ҳам қилиши мумкин эмасди. Унда қаёққа йўқолди. Ҳа, ана, ўн қадам нарида юзини захга бериб ётибди. Карим югуриб бориб уни чалқанча ётқиздию юраги орқасига тортиб кетди: қиз гранатани баррига маҳкам босиб олган эди. Гранатани сиққан бармоқлари оқариб кетибди. Унг қўлининг кўрсаткич бармоғига ҳалқа, илинган. Агар Таня енгил ҳаракат қилса ҳам тамом, нозик бармоқлар ўзини-ўзи бевақт ўлдиради. Карим юз-кўзини босиб келаётган терни артиб, қўлини гранатага юборди. Таня сачраб кетиб, «Ҳаромилар!» деб қичқирди. Кейин қўлини силтади. Карим шу онда ёқ гранатани юлқиб олиб, дуч келган томонга отди-да, ўзини қизнинг устига ташлади.

Қандайдир тасодиф рўй бериб, граната уларга зиён-заҳмат етказмади. Портлаш сўнгач у турди-да, худди тепасидаги ваҳимани қувгандек бошини силкиди. Уйлашга вақт йўқ эди. Тезроқ йигитларни топиш керак. Балки ҳадемай яна немислар қайтиб қолар. У оёқлари қалтирашига эътибор бермай, замбилни судраб тушишга қулайроқ ер ахтарди.

Каримнинг қулоқлари шанғиллар, бўғзи куйиб, ниҳоятда сув ичгиси келарди. У ҳар ер-ҳар ерда ётган жасадларга жимгина қаради. Улар орасида Чукреев кўринмади. У пастқамликка қочган дўстларидан ранжимасди. Белгиланган жойга етиб олиш зарурлигини, асосий жанг ҳали олдинда эканини у яхши биларди.

Бирдан у тошдек қотиб қолди. Кўзлари косасидан чиқай деди. Гўё юраги ҳам уришдан тўхтагандек бўлди: Максим баҳайбат эман остида қўлларини кенг ёйиб, она замин билан қучоқлашиб хайрлашаётгандек ётарди.

Максим, Максим, наҳот сендек эпчил партизан ҳам ўққа чап беролмаса? Карим унинг жанг аввалидаги бақиринини эслади. Сўнг довурак бу йигитнинг командири ва жангчиларни асраш учун фашистлар билан яккама-якка қолиб олишганини кўз олдига келтирди.

Карим ханжари билан саёз чуқурча кавлаб, ҳали юракдан гаплашиб улгурмаган дўстини дафн этди.

Ғам, фахр, нафрат ҳисси шу уч кун ичида унинг вужудида неча бор жой алмашди. Аскарнинг тақдири шу: у тирик экан, ҳордиқни ҳам, тинчини ҳам билмайди. Фақат олға юради. Орқасига қайтолмайди. Ваян Рябчиков ҳам, Маҳмуд, Кузнецов, Платон бобо, вана, Максим ҳам сўнгги нафасига қадар жанг қилди. Агар Карим билан Таня омон қолсалар, уларнинг муваззам Ғалаба сари солган йўлларини давом эттиришлари муқаррар! Карим ўзи билмаган ҳолда довурак эркак йўлидаги биринчи довонни шу зайлда ошиб ўтди. «Ватан» деган муқаддас тушунчанинг дастлабки мағзини англади. «Менинг тирик ва ўлик дўстларим; шаҳидларни бағрига олган замин — Ватан демакдир!»

— Еш жангчи шу қарорга келди.

Замбил ёнига қайтди-ю, лабларини қонатиб юборадиган даражада тишлаб, ўрнидан туришга интилаётган қизни кўрди. Югуриб бориб унинг елкаларидан қучди.

— Ўзим... Ўзим тураман... Ўзим... юра оламан... Мана кўрасан...— Қиз шундай деб унинг қўлида беҳол осилиб қолди.

Бу пастқамликнинг чек-чегараси йўқдек эди. Карим икки соатдан бери буталарни, чакалакларни оралаб йўл юради. Қаёқдандир жилғадаги сувнинг шилдираши келди. Тунги отишмадан ҳаловати бузилган қушлар эринибгина сайрашади. Карим аста жарга тушиб борди. Қуёш нури етмайдиган бу қўланса жарлик афтидан душман мудрофаа чизигига кирарди. Кўп ўтмай жарнинг юқори қисмида немисларнинг гап-сўзи, қўндоқларнинг урилиши эшитила бошлади. Қисқа сокинлик эса оғир юк бўлиб Каримнинг бутун баданини эзарди. Не ажабки, уруш қаҳқаҳаси эмас, балки шу осудалик унинг юрагига тошдек ботиб, азоб берар, ҳамша сергак бўлишга мажбур этарди.

Унинг оёқлари балчиққа ботиб тўхтади. Карим Танянинг аҳволи оғирлашганини сизди. Агар шу топда қизнинг баданига нам ўтса, омон қолишидан умид узилади. Карим замбилнинг орқа тутқичига боғланган

арқонни ечди-да, шошилмай тахлаф чўнтагига солди. Мана шу юмушни бажариш баҳонасида ўзини-ўзи алдаб, дам олди. Ожизликка йўл йўқ. Ҳордиқни ўйлап ҳам керак эмас! Мана, озгина қолди. Ҳозир терни артади. Нафас ростлайди. Кейин олға... Карим энгашиб ҳамширанинг туришига ёрдамлашди. Шундагина ҳордиқ чиқармай юра олмаслигига амин бўлди.

Таня яна унинг қулоғига шивирлади:

— Овора бўлма... Карим, азизим... Қўй... Мени деб... ўзинг ҳам... ташлаб кет... кейин келиб... олиб кетарсан... Ахир.. гранатам... бор-ку...

«Алаҳсираяпти. Унутибди. Балки ўшанда сезмагандир», деб ўйлади Карим. Кейин граната воқеасини эслади-ю, бу ажал шамширини қизнинг нозик бармоқларидан юлиб олмаганда нималар бўлишини тасаввур этиб баданидан совуқ тер чиқиб кетди.

... Яна икки соатча йўл босди. Ҳали ҳам йўлнинг чеки-чегараси йўқдек эди. Дам олишга тўхтаганда ухлаб қолишдан қўрқиб, ўтирмасликка қаракат қилди. Карим ўжарлик билан тошларга, буталарнинг яланғоч илдизларига қоқилиб-суқулиб олға бораверди. Таняни елкасига олгани учун юриш янада оғирлашди. Баъзан қиз нафас олмаётгандек бўларди. Ана шунда Карим чўчиб уни аста чақирарди. Қиздан овоз чиққач, яна юради...

Аввалига Карим жарнинг бирон-бир муюлишида ёрдамга шошаётган жангчилар билан учрашиш илинжида эди. Жангчилар унинг елкасидан Таняни олгани ҳамон қанчалар енгил тортишини ўйлаб, қорайиб турган буталар остига нажот кўзини тикарди. Қулоғини қанча динг қилиб, йўлга қанча тикилмасин, ёрдамдан дарак йўқ эди. У жангчиларнинг буткул тор-мор бўлишдан қочиб, жарнинг қай бир қўлтигидан паноҳ топганини билмас, ногаҳон немисга дуч келиши мумкинлигини эса ҳатто ўйлашни ҳам истамасди.

Карим таваккал қилиб бораётганини биларди. Айна чоғда шу жарнинг Днепрга тақалишига ҳам амин эди. У ҳуқини йўқотган Таняни базўр елкасига олиб, яна юриб кетди. Жарнинг қўланса ҳидидан кўнгли айниди. Бир маҳал олдинда заиф нур кўрингандек бўлди. Беҳос юзига тоза ҳаво урилиб, юраги ҳаприқди. Ҳар қадам қўйгани сайин тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас

олди. Олдиндаги нурнинг сароб эмаслиги аниқ бўлиб, энтикди.

Бирдан қаршисида хотиржам оқаётган азамат дарё кўринди. У ҳушидан кетар даражада толиққан бўлса ҳам Таняни ерга қўймади.

Карим туташиб кетаётган киприкларини аранг ажратиб олди.

Прожекторнинг порлоқ умид, айти чоғда урушнинг ўзидек хатарли даракчи каби нурлари Днепрнинг енгил туман қўнган бағрини пайпаслайди. Карим худди ёз чоғларида бугдойнинг етилганидан хабар бериб, осмонни қоқ иккига ажратган яшиннинг еру кўкни ёритувчи шуъласидек рақсга тушаётган нурлардан кўз узмай туриб қолди.

## МУНДАРИЖА

---

Пойга, <i>Одил Ёқубов ва Тоҳир Малик таржимаси</i> . . . . .	8
Оқсоқ Бўри, <i>Тоҳир Малик таржимаси</i> . . . . .	109
Шуъла, <i>Тоҳир Малик таржимаси</i> . . . . .	248

На узбекском языке

Библиотека дружбы  
Проза народов СССР

Ахияр Хакимов

## ХРОМАЯ ВОЛЧИЦА

П о в е с т и

Перевод с издания издательства  
„Советский писатель“, Москва, 1978

---

Редакторлар М. Мирзоедов, М. Жураева

Серия рассоми И. Кириакиди

Рассом А. Пономарёв

Расмлар редактори А. Кива

Техн. редактори Н. Жураева.

Корректор Ш. Соатова

ИБ № 1399

Восмахонага берилди 06.01.81. Босишга рухсат этилди 30.10.81. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Восмахона қозони № 2. Мактаб гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 18,06 + 0,73 вкл. Нашр л. 18,03 + 0,66 вкл. Тиражи 30.000 Заказ № 456. Ваҳси 1 с. 60 т. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашма асжнинг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси 21.